



МУСАХХИР АЛ-БИЛОД

Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған



Тузатишлар

Бет	Сатр	Ўзилган	Ўқилиши керак
3	пастдан 13-сатр	XVII биринчи	XVII асрнинг биринчи
4	тепадан 12-сатр	Шақшунослик	Шарқшунослик
71	тепадан 11-12-сатр	Муҳаммахон	Муҳаммадхон
94	тепадан 13-сатр	қулиға	қулоғига
99	пастдан 4-сатр	гидобида	гирдобиди
100	тепадан 13-14-сатр	ошиқингиз	ошиқишингиз
121	тепадан 6-сатр	омонни	осмонни
140	пастдан 8-сатр	қимида	қисмида
206	пастдан 7-сатр	жаннад	жаннат
218	пастдан 12-сатр	Миёнолда	Миёнколда
219	тепадан 6-сатр	Жонкедибий	Жонкелдибий
222	пастдан 11-сатр	Шерозида	Шероз
260	пастдан 9-сатр	Балга	Балхга
285	пастдан 7-сатр	бўсағини	бўсағасини
331	тепадан 9-сатр	сари от қаратди	сари қаратди

«Тарихий мерос»

МУҲАММАДЁР ИБН АРАБ ҚАТАҒАН

МУСАХХИР
АЛ-БИЛОД

(МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЭҒАЛЛАНИШИ)

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

Ватанимиз тарихининг 1498 – 1610 йиллар даври воқеаларини акс эттирувчи «Мусаххир ал-билод» (Мамлакатларнинг эгалланиши) асари XV аср иккинчи ярми ва XVI аср биринчи чорагида яшаб, ижод қилган ўрта осийлик муаррих Муҳаммадёр ибн Араб Қатаган қаламига мансуб бўлиб, унда кўчманчи ўзбеклар хони Шайбонийхон ва унинг Дашти Қипчоқ, Ўрта Осий ва Хуросонда ҳукм юргизган аждод ва авлодлари, жумладан, «қурувчи хон» лақабини ҳам олган Абдулла-хон II нинг ҳарбий юришлари ҳамда давлатчилик фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, ушбу асарда Бобур ва бобурийлар, бадахшонлик темурийлар ва уларнинг шайбоний, аштархонийлар сулоласи вакиллари ҳамда сафавийлар давлати билан сиёсий-ҳарбий муносабатлари ҳам ёритилган.

«Тарихий мерос» туркумида чоп этилаётган ушбу янги китоб ватанимиз тарихининг нисбатан кам урганилган XVI аср даври воқеалари билан қизиқувчи мутахассислар ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Шодмон ВОҲИДОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Форс тилидан таржима, изоҳлар ва курсатгичлар муаллифлари:

Исмоил БЕКЖОНОВ, Дилором САНГИРОВА

Кириш муаллифлари:

Шодмон ВОҲИДОВ, Исмоил БЕКЖОНОВ,
Дилором САНГИРОВА

Тақризчилар:


Хурсаной ТУРАҚУЛОВА, тарих фанлари номзоди, доцент
Уктам СУЛТОНОВ, тарих фанлари номзоди

Туркум муаллифи:

Шодмон ВОҲИДОВ

ISBN 978-9943-08-496-4

© «Янги аср авлоди», 2009 йил.



*«Ҳаётга инон, ахир у ҳар қандай китобдан
ҳам яхши таълим беради-ку»*

Гёте

«МУСАХХИР АЛ-БИЛОД» АСАРИ ВА УНИНГ МУАЛЛИФИ ҲАҚИДА

Улуғ ватанимиз утмиши турли-туман ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий воқеаларга бой бўлиб, халқимизнинг ана шундай улкан тарихи олим-фозил аждодларимиз томонидан ўз даврида қаламга олинган ва бундай ёзма манбаларнинг аксарият қисми бизгача ҳам етиб келган. Ҳозиргача улардан айримлари илмий жиҳатдан ўрганилиб, ўзбек ва бошқа тилларда нашр қилинган. Айниқса, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, бу сингари тарихимизга оид ёзма манбаларни ўрганишга кенг имконият яратилди. Энди фақат бу борадаги интилиш ва ташаббус илмий-тадқиқот марказлари мақсад ва вазифаси, ўз ватани тарихига қизиқувчи тадқиқотчиларнинг ҳимматига боғлиқ бўлиб қолди.

XVI аср иккинчи ярмида туғилиб, XVII биринчи ярми охирида вафот этган юртдошимиз Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған қаламига мансуб ва форс тилида битилган «Мусаххир ал-билод» асари ҳам иккита қўлёзма нусхада бизгача етиб келган ана шундай ёзма манбалардан саналади. Бу асарни ўрганиш ва уни ўзбек ёки рус тилида, ҳеч бўлмаса ўша ҳолича нашр этиш аҳамияти ҳақида куюниб гапирган тарихчи олим, академик Бўрибой Аҳмедов таъкидича, «Мусаххир ал-билод» фактик ва қомусий маълумотларга бой асар бўлиб, бизгача етиб келган бошқа ёзма тарихий манбалар материалларини аниқлаштириш, ўрни-ўрни билан уларни тўлдиришда ҳам қўл келувчи муҳим манбадир.

Яқинда «Мусаххир ал-билод» Теҳронда нашр этилди¹ ва эндиликда унинг ўзбек тилига таржимаси ҳам эътиборингизга ҳаво-

¹ Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. / Тасҳиҳи Нодира Жалолий. Теҳрон: «Мероси мактуб». 2008 (форс тилида).

ла қилинмоқда. Бу асар тузилиш усули, боблари мазмуни ва аҳамияти ҳақида гапириш ҳамда китобхонни мазкур ёзма манба-нинг ўзбек тилидаги нашри билан таништиришдан олдин «Мусаххир ал-билод»нинг қўлёзма нусхалари, уларнинг ўрганилиш даражаси ва форсча нашри ҳақида тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

«Мусаххир ал-билод»нинг қўлёзма нусхалари. Модомики, гап ёзма манба устида бораркан, дастлаб, унинг бизга маълум қўлёзмалари ҳақида фикр билдиришга тўғри келади. Чунки, уларнинг айрим хусусиятларини ўрганмасдан туриб, асар маълумотлари тўғрисида аниқ ва тўлақонли назар бидириш қийин бўлади. Масалан мазкур «Мусаххир ал-билод» асарининг ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шақшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 1505 рақам остида сақланувчи нусхаси (шартли равишда Тошкент нусхаси) тўлиқ бўлмай, уни қуйида сўз юритмоқчи бўлганимиз Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими қўлёзмалар фондидаги С-465 (575 ағ) нусхаси билан солиштирганда, Тошкент нусхасида асарнинг Муқаддимаси бутунлай ва Биринчи бобнинг биринчи қисми ҳамда Учинчи бобнинг Жонибек султон авлодлари, жумладан, Абдуллоҳхон ҳаётига доир маълумотларни қамараган 240 бетлик ҳажмдаги қисми бизгача етиб келмагани маълум бўлади. Шунингдек, нисбатан тўлароқ саналган Санкт-Петербург нусхаси ҳам ноқис бўлиб, бу нусхада Муқаддимада кўрсатиб ўтилган Тўртинчи бобнинг каттагина қисми ҳамда Бешинчи ва Олтинчи боб маълумотлари умуман мавжуд эмас. Ундан ташқари Тошкент қўлёзма нусхасида мавжуд айрим маълумотлар матни Санкт-Петербург нусхасида узилишга учраган. Демак, аёнки, шу ноқис қўлёзма нусхаларга асосланган тадқиқотчилар бу жиҳатларни ўрганмай, асар ва ундаги маълумотлар борасида тўлақонли фикр билдиришлари анча қийин кечади. Шу сабабли, гарчи, асарнинг Тошкент қўлёзма нусхасида мавжуд эмас китоб номи ва унинг муаллифи ҳақидаги маълумотлар Санкт-Петербург нусхаси бўйича аниқланган бўлса-да, қўлёзманинг китобат қилиниш ва матн хусусиятлари каби жиҳатлари жиддий ўрганилмагани боис асарнинг муаллиф томонидан тўлиқ ҳолатда ёзилган-ёзилмагани масаласи, қўлимиздаги нусхаларни кўчирган котиблар асарнинг қандай нусхалардан фойдалангани факти аниқланмай қолган ҳамда, афсуски, ҳозиргача амалга ошган ягона Техрон нашри илмий-танқидий матни ҳам унинг тузувчиси йўл қўйган ана шун-

дай камчиликлар натижасида китобхонлар диққатига анчагина камчиликлар билан ҳавола этилган. Ваҳолонки, мисол тариқасида биринчи масала бўйича айтадиган бўлсак, асарнинг Тошкент ва Санкт-Петербург қўлёзма нусхаларини уларнинг барча хусусиятларини ўрганган ҳолда қиёслашимиз жараёни шуни кўрсатдики, «Мусаххир ал-билод» асари бир нечта ёзма манбалар асосида муаллиф томонидан тугал битилиб, мундарижада кўрсатилган бобларнинг барчаси акс эттирилган ҳолда яратилган. Аммо, ўша тулиқ нусха тақдири (худди «Бобурнома»га ўхшаб) ҳозирча бизга маълум эмас.

Тошкент нусхаси асар ёзилган XVI аср 20-йиллар атрофида номаълум котиб томонидан кучирилган². Бу нусха кучирилиши ҳақида унинг ҳозирги ҳолатига қараб, иккита фикр айтиш мумкин. Биринчи фараз шуки, котиб ўз қўли остидаги чала китобат қилинган, яъни боши ва охири йўқ нусхадан фойдаланган. Ёки Тошкент нусхасининг ўзи бизгача дастлабки ва кейинги варақлари мавжуд эмас ҳолда етиб келган. Бироқ, барибир, Тошкент нусхаси котиби ўзи яратган нусхани ноқис бир нусхадан кучирган, чунки, қўлимиздаги нусха матнининг кўп ўринларида узилиш ҳоллари учрайдики, бунинг Тошкент нусхаси котиби айби билан рўй бермагани аниқ билиниб турибди. Нусханинг биринчи бети ҳошияси юқори қисмида араб-форс имлосида «Тарихи Шайбоний» сўзлари ёзилган. Хатнинг котиб хатига анча ўхшашлиги бўлса-да, ҳуснихат қонуниятига биноан уни бошқа давр котиблари ижодига ҳам бемалол татбиқ этиш мумкин ва шунинг учун бу ёзувнинг ким томонидан битилгани номаълум. Аммо, шуниси аниқки, агар, котиб қўл остидаги нусха ҳам худди ушбу нусха каби фақат Шайбонийхон ҳаётига доир маълумотларнигина ўз ичига олган бўлса, у ҳолда шу асосда котибнинг ўзи бу номни асарга маъқул кўриб ёзганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Ёки қўлимиздаги нусхани ўқиган бошқа бирор китобхон ё олим ҳам ана шу мулоҳазадан келиб чиқиб, ҳошиядаги сўзларни битган бўлиши мумкин. Яна айтиш лозимки, номаълум котибимиз ўз нусхасини кучириш жараёнида кўплаб имловий хатоларга ҳам йўл қўйган. Аммо, кўринадик, асар қийматини яхши тушунган

² Унинг кучирилиш санасига мазкур нусханинг 7⁶ варақ ҳошиясида кўрсатилган ҳижрий 1131 йил 21 раби ус-соний (1719 йил 12 март) оғи алоқадор эмас.

котиблар унинг тула нусхаларига эга бўлмасалар-да, асарни борича кучириб, халққа тақдим этишни маъқул топишган.

Санкт-Петербург нусхасини кучирган XVII аср котибининг қулида ҳам асарнинг тулиқ нусхаси бўлмаган ва унинг иши фақат кучириш бўлгани учун китобнинг Абдуллоҳхонга бағишланган энг катта қисмини кучиришда дуч келган кемтик ва айқаш-уйқаш ҳамда китобнинг тугалланмай қолган қисм матни бор-йўқлигига сира ҳам эътибор бермаган. Айрим уринлардаги матнларни такрорий ҳам кучирган. Куринадики, авваламбор, гарчи қўлёзма чиройли унвон ва ҳошиялар билан безатилган бўлса-да, котиб уни бирон-бир жиддий топшириқ-буюртма асосида яратмаган ёки шундай эса-да, у ҳам ўз қўл остидаги ўзи кучираётган қўлёзма асосида бор хатони такрорлаган ҳамда асарнинг Абдуллоҳхон қисми Ҳофиз Таниш Бухорий қаламига мансуб «Абдуллоҳнома (Шарафномаи шоҳий)» асаридан иқтибос қилинганини билмаган ва ўз нусхасини шу асосда тўлдиршига уринмаган. Ёки буни билса ҳам ўша пайт қулида мазкур асар мавжуд бўлмаган ёки буни хоҳламай, борини кучириш билан чегараланган. Қўлёзмадаги асосий ноқисликлар қуйидаги тарзда юзага чиққан: 19⁶ – 20^а бетларда бу ўринда ёзилиши лозим бўлмаган «Ёрмуҳаммад султон ибн Дўстум султон...» ҳақидаги маълумотлар келиб, у яна 21⁶ бетда ҳам ноўрин такрорланган; 34^а бетда узилиш юзага келиб, унинг давоми 38^а бетда берилган. Шунингдек, гап ораларида жуда кўп сўзлар тушиб қолган. Техрон нашри тайёрловчиси бундай камчиликларни топиб, бор ерида Тошкент нусхаси, бу нусхада ҳам йўқ ерида Биноийнинг «Шайбонийнома» ва Хондамирнинг «Ҳабиб уссияр»ига мурожаат қилган. Аммо, матнни нашрга тайёрлаш жараёнида Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллоҳнома» асаридан фойдаланмаган Нодира Жалолий «Мусаххир ал-билод»нинг ана шу китобдан иқтибос қилинган жойларини туғирлашда ожиз бўлган ва киши номлари чалкаштирилган ҳамда сарлавҳалар қуйилмаган жуда кўп уринлардан ташқари мазкур нусханинг 123^а бетдаги «Поянда Муҳаммад султон...» бўлимида рўй берган узилиш, 171⁶ бетдаги матнда 1574 йил воқеалари матни узилишга учраб, шу бетнинг ўзидаёқ 1580 йил воқеаларини қамраган матннинг давом этиши, 175⁶-182^а бет матнларининг бир-бири билан айқаш-уйқаш шаклда ўрин алмашгани унинг назаридан четда қолган. Айтганимиздек, котиб юзлаб

суз, киши номлари саналарни гоҳида алмаштириб, гоҳида эса нотўғри шаклда берган ва нашрга тайёрловчи ҳам уларни худди шу ҳолатда чоп этган. Масалан, «кенгаш» сузи Кукалтош, «Дустум султон» – Рустам султон, «Турдикахон» исми – наздик ба хон, «Чуҳраҳойи ўнг ва сўл»(ўнг ва сўл чуҳралари) сузлари киши исми ўрнида тушунилиб – Чуҳрасой Ўнгсўл, «таарруз» – маъруз, «Ҳожакат» – хижолат, «Куфийн» – Куқин, «Тоткент» – Тошкент ва Ҳ. шаклда эълон қилинган. Бу камчилик ва хатолар ўзбек тилидаги нашрда тўғирлаб, керак ерида изоҳлар билан тушунтириб утилган.

Бу қўлёзма нусхада асарнинг мундарижада кўрсатилган кейинги боблари акс этмаган ва бу борада қуйидагиларни айтиш керак бўлади. Одатда котиблар ўзлари кучирган қўлёзма китобларнинг сўнггида ўз исми, кучирган сана ва жой номи, шунингдек, бошқа аломатлар қўядилар. Бироқ, Санкт-Петербург нусхаси бу каби ҳолатга эга эмас, чунки, унинг мавжуд сўнгги саҳифаси охири сатригача матн сузлари билан тулдирилган бўлиб, асар матни бошқа варақларда ҳам давом эттирилгани аниқ билиниб турибди. Аммо, унинг яна қанча варақлари ёзилганини айтиш қийин. Яна эслатиш жойизки, бу котибимиз қанчалик хаттот бўлмасин, у ҳам жуда кўп имло хатоларига йўл қўйган. Қўлёзма хатининг каллиграфик хусусиятларига қараганда, у XVII асрда кучирилган. Ҳошияда келган шу асар маълумотларига яқин бир хабар матни кучирилган сана эса ҳижрий 1284/1868-69 йил тарзида кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар иккала қўлёзма нусха хусусиятлари ҳам жиддий ўрганилиб, унинг натижаларидан «Мусаххир ал-билод» асари маълумотлари ва Техрон нашри ҳақида фикр билдириш ҳамда асарнинг таржима матнини ўқувчиларга тўла-роқ етказишда унумли фойдаланилди.

«Мусаххир ал-билод»нинг ўрганилиш тарихи. XIX аср охирида тузилган Санкт-Петербург кутубхонасидаги Шарқ қўлёзма асарлари тавсифида ўша пайтда мазкур кутубхонада сақланувчи «Мусаххир ал-билод» асари нусхасида гарчи асар номи муаллиф томонидан аниқ кўрсатилган бўлса-да, К. Г. Залеман ва В. Розен уни Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллоҳнома (Шарафномаи шоҳий)» асаридан кучирма сифатида қайд этганлар. Яна бир рус олими И. И. Умняков ҳам бу асар ҳақида 1930 йили нашр этган Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллоҳнома» («Шарафномаи шо-

хий)» асари ва унинг тадқиқотчиларига бағишланган тадқиқотида мазкур тавсиф буйича суз юритади³.

Инглиз шарқшуноси Чарлз Сторининг форс адабиёти намуналарига бағишланган био-библиографик тавсифида ҳам бу асар «Тарихи Шайбоний» номи остида тилга олинади⁴.

Табийки, 1952 йил тузилган ЎзФА Шарқшунослик институти Шарқ қўлёмалари феҳристи (катологи)да асар мазкур ҳошия ёзув буйича «Тарихи Шайбоний» номи остида қайд этилган.

Асарнинг асл номи ва муаллифи ҳақидаги тўғри, тўлақонли фикр дастлаб, аниқроғи, 1973 йили россиялик олима М. А. Салоҳиддинованинг илмий ахбороти орқали эълон қилинди. Муаллиф Санкт-Петербург нусхасини жиддий ўрганиб, «Мусаххир ал-билод» деб аталувчи бу тарихга оид ёзма манбаининг Муҳаммад-ёр ибн Араб Қатаған қаламига мансуб мустақил асар экани ҳақида фикр юритди ва унинг «Шарафномаи шоҳий»дан фарқли томонларини кўрсатиб берди. Шунингдек, бу олима томонидан асарнинг ноқис Тошкент нусхаси ҳақида ҳам гапирилиб, унинг тақдирига аниқлик киритилди⁵.

Шундан сўнг олима М. Х. Абусейтова 1979 йили ўз илмий ахбороти орқали Муҳаммад-ёр ибн Араб Қатағаннинг «Мусаххир ал-билод» асари Қозоғистон XVI аср тарихини ўрганишда муҳим манба экани борасидаги фикрларини баён қилди⁶.

«Мусаххир ал-билод» асари ва унинг муаллифи ҳамда бу ёзма манбаининг ҳар иккала нусхаси ҳақида илмий қарашларини билдирган биринчи ўзбекистонлик олим Бурибой Аҳмедов булиб, у

³ А х м е д о в Б. А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. (Письменные памятники) – Ташкент: «Фан», 1985. – С. 57 – 62.

⁴ S t o r e y Ch. A. Persian literature. – T.L. London. 1953; Стори Ч. А. Персидская литература (био-библиографический обзор). – Москва «Наука» 1972. ч. 2. – С. 1127.

⁵ С а л а х е т д и н о в а М. А. «Мусаххир ал-билад» Мухаммад Яр ибн Араб Катагана. / Писменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. XI годичная научная сессия ЛО ИВ АН СССР. – Москва, 1973. С. 77 – 79.

⁶ А б у с е и т о в а М. Х. «Мусаххир ал-билад» Мухаммад-йар ибн Араб Катагана как источник по истории Казахстана XVI в. // ППВ. – Москва, 1979. – С. 3-12.

Ўзининг «Балх тарихи» илмий иши ва шу номдаги китоби⁷ да «Мусаххир ал-билод» асари маълумотларидан жуда унумли фойдаланди. 1985 йили нашр этган XVI - XVIII асрларда яратилган ёзма ёдгорликлар тавсифига бағишланган китобида «Мусаххир ал-билод»нинг Тошкент ва Санкт-Петербург қўлёзма нусхалари, асар мундарижаси тавсифи билан бирга Рузбеҳон Исфаҳонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро», Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али Насруллоҳийнинг «Зубдат ул-осор», Бобурнинг «Бобурнома», Камолiddин Биноий ва Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома»лари ва «Нусратномаи гузида, нусратнома», «Фатҳнома», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр»и, Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Султон Муҳаммаднинг «Мажмаъ ул-ғаройиб», Аҳмад Розийнинг «Ҳафт иқлим», Масъуд ибн Усмон Куҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний» ҳамда Ҳофиз Танишнинг «Абдуллоҳнома» асарларидан кейин ёзилган «Мусаххир ал-билод»нинг мазкур асарлардан фарқли жиҳатлари, ундаги айрим маълумотларнинг алоҳида қиймати ҳақида ноёб маълумотлар ҳавола этди. Академик Бурибой Аҳмедов мазкур маълумотнома ва «Тарихдан сабоқлар» китобида «Мусаххир ал-билод»ни илмий жиҳатдан махсус урганиш ва ўзбек тилига таржима қилиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлади⁸.

Таржимон ва олим Исмоил Бекжон ҳам асардаги темурий Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия султонбегим орқали неваралари ҳисобланган шайбоний Кучкунчихон, Севинчхожахон ва улар авлоди ҳақидаги маълумотларни илмий таҳлилдан утказиб, уқувчилар эътиборига ҳавола қилган эди⁹.

Шунингдек, эроншунос олим Жалил Ҳазратқулов «Мусаххир ал-билод»нинг Теҳрон нашри муносабати билан ўзининг айрим фикрларини билдириб, нашр ютуғи ва камчиликлари бора-сида сўз юритди¹⁰.

⁷ А х м е д о в Б. А. История Балха. – Ташкент: «Фан», 1982.

⁸ А х м е д о в Б. А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. – С. 57 – 62; Шу муаллиф. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: «Ўқитувчи». 1994. – Б. 378 – 383.

⁹ И с м о и л Б е к ж о н. Мирзо Улуғбекнинг сунгги авлодлари // Миллий тикланиш. 1996 йил 16 январь, 1997 йил 29 апрель.

¹⁰ Ҳ а з р а т қ у л о в Ж. «Мусаххир ал-билод»нинг Теҳрон нашри // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2008, 29 август.

«Мусаххир ал-билод»нинг Техрон нашри. Асар 2006 йили Техрондаги «Мероси мактуб (Ёзма мерос)» нашриётида Нодири Жалолий мазкур иккита Тошкент ва Санкт-Петербург нусхаси бўйича тайёрлаган илмий-танқидий матн асосида икки минг нусхада чоп этилди. Нашр тайёрловчи муқаддимаси ва шу тузувчи томонидан берилган зарур изоҳлар, оят, ҳадислар ва уруғ-қабилла, киши, жой номлари кўрсаткичи ҳамда луғатнома билан таъминланган. Нодири Жалолийнинг асар ва илмий-танқидий матн тузиш тажрибаси юзасидан айтган фикрлари мазкур муқаддимада акс этган бўлиб, бу ҳақда айрим фикрларни билдиришга тўғри келади. Нашрга тайёрловчи Нодири Жалолий, авваламбор, «Мусаххир ал-билод» асари ҳақида қимматли фикрлар билдирган инглиз, рус ва ўзбек олимлари илмий изланишларидан мутлақо беҳабар бўлган ва ўз муқаддимасида бу ҳақда бирон маълумот бермаган. Қолаверса, Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» ва Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома»си «Мусаххир ал-билод» учун асосий манбалардан бўлганини тўғри топгани ва зарур жойларда улардан унумли фойдалангани ҳолда бу асарга яна Бобурнинг «Бобурнома», энг асосийси, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллоҳнома (Шарафномаи шоҳий)» асарлари ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилганидан беҳабар бўлган. Шунингдек, у асарнинг қўлёзма нусхалари хусусияти ва маълумотларини чуқур ўрганмаган. Айрим ўринларда эса баъзи маълумотларни бузиб ҳавола этиш ва уларни нотўғри талқин қилиш йўлидан борган. Натижада, узининг ўттиз беш бетлик муқаддимасининг фақат икки бетини асар хусусиятлари (вижагии асар) ва бир ярим бетинигина нашрга тайёрлаш (равиши тасҳеҳ) жараёни масаласига қаратган. Муқаддиманинг қолган ўттиз икки саҳифасини эса Эронда чоп этилган эронлик ва ўрта осийлик ўтмиш муаллифлари қаламига мансуб бир қанча ёзма ёдгорликлар ва ҳозирги замон эрон олимларининг маълумот, фикрларини жалб этиш асосида ёзилган сафавийлар ва шайбонийлар, аштархонийлар ўртасидаги муносабатлар тарихига бағишлаган. Мазкур муқаддимада айтилишича, «Муҳаммадёр ибн Араб Қатаган Абдуллоҳхон салтанати бошида дунёга келган ва XVII аср бошида вафот этган ҳамда у асарда тасвирлаган воқеаларнинг кўпини ўз кўзи билан кўрган ва шунинг учун ҳам муаллиф маълумотлари ўз қийматига эга материаллар ҳисобланади. Бу асар XVII аср ўрта Осиё форс тилиси намунаси ҳам бўлиб, сажъ усулида ёзилган».

Айтиш лозимки, Н. Жалолоий шу фикрлари асносида илмий жиҳатдан ишонарсиз айрим фикрларни ҳам билдиради. Масалан у ёзишича, «Мусаххир ал-билод» матни Биноийнинг «Шайбонийнома», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр», Ҳасанбек Румлуниг «Аҳсан ат-таворих» асарларига жуда яқин бўлиб «ё бу китоблар бир манба асосида ёзилган ёки Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған ана шу уч манбадан ҳам фойдаланган. Балки, улар «Мусаххир ал-билод»дан баҳра олишгандир?»¹¹

Ахир, Биноий 1512 йили, Хондамир эса 1532 йили вафот этган бўлсалар, Ҳасанбек Румлуниг «Аҳсан ат-таворих» асари эса 1572 - 1577 йиллар орасида яратилган бўлса, бу муаллифлар Валимуҳаммадхон аштархоний даври (1605 – 1611 йй.) воқеаларини ҳам ўз ичига олган, яъни, 1611 йилдан кейин ёзилган «Мусаххир ал-билод» маълумотларидан қандай қилиб фойдаланган бўлишлари мумкин?

Муқаддимада асарнинг Тошкент ва Санкт-Петербург нусхалари ҳақида бор-йўғи иккита сатр ёзилиб, уларнинг бизгача етиб келгани, ҳар иккала қулёзма нусханиг ҳам охири йўқлиги эслаб утилади, холос. Қулёзма нусхаларнинг бошқа хусусиятлари ҳақида бирон сўз йўқ (туғри, айрим жузъий фикрлар изоҳлар бобида айтилган).

Хуллас, «Мусаххир ал-билод»нинг кўп нусхада нашр этилиши, эслатганимиз бир қанча қусурларга қарамай, ўзбек тарих-шунослигида ҳам катта воқеа бўлди.

«Мусаххир ал-билод» асарининг ёзилиши тарихи, тузилиши, мазмуни ва Ўрта Осиё тарихини урганишдаги аҳамияти. «Мусаххир ал-билод» муаллифи ёзишича, бошқа тарихчилар каби унинг ҳам асарни ёзишдан мақсади замондошларини ўтмиш воқеалари билан таништириб, омманиг бу борадаги тасаввурини оширишдан иборат бўлган. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған асар бошида Оллоҳга ҳамд, ислом пайғамбарига наът ва унинг оиласи, саҳобалари ҳамда авлодига олқиш айтгач, тарих соҳасини улуғлашга киришиб, Оллоҳнинг инсонни барча мавжудолар ичида ақлли ва нотик қилиб яратгани, улардан икки гуруҳ кишилар яна ҳам кўпроқ бахтни қўлга киритган бўлиб, булардан биринчиси охират, туғри йўл ва Оллоҳ ризолигини излаб, пайғамбар

¹¹ Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод (Техрон нашри). – С. 35.

ва авлиёликка эришгани, иккинчи тойифа мансаб, салтанат ва давлат, жаҳон неъматлари кетидан юрганлар ҳисобланиб, уларнинг энг яхшилари подшоҳ ва амирликка эришганини эслатаркан, шу сузлардан сунг тарих фанига нисбатан баҳосини аниқлаштириб, қуйидаги таърифга утади: учинчи тойифа эса бу йўлларни кўрмаганликлари учун аъмо – кўриш қобилиятидан маҳрум кишилар саналиб, уларни «омий» дейилади. Омийликдан чиқиш ва биринчи иккита гуруҳ кетидан эргашиш йўли ҳам бор бўлиб, унинг энг афзали илм урганиш, айниқса, утмишдагилар ҳаётидан огоҳ бўлиш мақсадида «тарих»га назар ташлаш хислати саналади.

Муаллиф тарих фанига эса қуйидагича таъриф беради: бўлиб утган фавқулудда ва нодир воқеа-ҳодисаларни ёзиб бориш ёки илгари ёзилганларни бир мавзу атрофида йиғиб, тартибга келтириш тарих илми ишидир.

Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған ёзишича, у ана шу тарих илмидан озгина хабардор киши бўлгани учун ўзи ҳурмат қилган хоқон соҳибқирон Абдуллоҳхон тарихини ёзиш мақсадида ўзидан олдинги тарихчилар асарларидан маълумот тўплаб, уларни мамлакат ва шаҳарлар эгалланиши мавзуси остида бир ерда акс эттиришга киришган ва бу асар номини «Мусаххир ал-билод» деб атаган.

Кўринадики, муаллиф асарни, одатга кўра, ўз замонаси ҳукмдорига эмас, балки бир неча йиллар олдин вафот этган шайбоний Абдуллоҳхон ибн Искандархон хотирасига бағишлаган. Асар тузилиш тартиби ва мундарижаси таркиби эса қуйидагича: муаллиф ўз мундарижасида асарнинг муқаддима қисм ва олти бобдан иборатлигини айтади. Асарнинг бизгача етиб келган Муқаддима қисми Дашти Қипчоқдаги кўчманчи халқлар, жумладан, кўчманчи ўзбеклар хоқони Абулхайрхон ҳаётига бағишланган. Биринчи бобда эса Шайбонийхоннинг отаси Шоҳ Будоғ султон ибн Абулхайрхон, Шайбонийхон ва унинг фарзандлари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Иккинчи боб Шайбонийхоннинг амакиси Кўчкунчихон ибн Абулхайрхон ва унинг авлоди, Учунчи боб Севинчхожахон ибн Абулхайрхон ва бу хон авлодига бағишланган. Тўртинчи бобда Хожа Муҳаммад (Хожағум) султон ибн Абулхайрхон ва ўғиллари, неваралари ҳамда унинг етук ҳукмдор чевараси Абдуллоҳхон ҳаёти ва юришлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бизгача етиб келмаган Бешинчи бобда эса Аб-

дулмўмин ибн Абдуллоҳоннинг тахтга чиқиши ва уша даврда кечган воқеалар тасвири, Олтинчи бобда Бухоро шаҳри ва бу шаҳар ҳақидаги улуғлар таърифи ва бу муқаддас заминда яшаб, ижод қилган саййидлар, шайхлар ва фозиллар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган экан.

Муаллиф режалаштирган мундарижадан билинадики, асар фақат Шайбонийхон ёки Абдуллоҳон эмас, балки, мамлакатимиз тарихида юрт бошқарган шайбонийлардан барчасининг ҳарбий юришларига бағишланган. Шу сабабли муаллиф ўз асарини ана шу ҳарбий юриш ва юртлар эгалланишига бағишлаб, бундай маълумотларни бир нуқтага йиғиб ҳавола этади. Айниқса, «Мусаххир ал-билод»нинг шайбоний султонлардан ҳар бири ҳаётига махсус бағишланган алоҳида-алоҳида маълумотлари бошқа манбаларда йўқлиги билан ўз қийматига эга ҳисобланади. Шунингдек, асарда Абдулмўминхон хонлиги даври воқеаларидан тортиб то Валимуҳаммадхон аштархоний давригача кечган тарихий воқеалар ҳам тилга олинадики, бу ҳақда маълумот берувчи «Мусаххир ал-билод»дан олдин яратилган асарлар номи ҳозиргача тарихшуносларга маълум эмас. Ана шу жиҳатдан ҳам «Мусаххир ал-билод» ўзидан олдин ёзилган бошқа тарихий манбалардан фарқ қилиб, оригинал хусусиятга эга асар экани маълум бўлади.

Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған биографиясига доир қўшимча маълумотлар. Эслатиш керакки, охириги бешинчи ва олтинчи боблар, юқорида айтганимиздек, гарчи муаллиф томонидан ёзилган бўлса-да, асарнинг қўлимизда мавжуд қўлёзма нусхалари орқали бизгача етиб келмаган. Муаллиф ҳақидаги маълумотнинг ҳам бор-йўғи юқоридагича бир нечта сўздан иборат. Бироқ, асарнинг қуйидаги айрим хусусиятларига назар солсак, унинг тўлиқ таълиф қилингани ва муаллиф ҳаёти ҳақида ҳам яна қўшимча маълумотларни қўлга киритамиз. Муаллиф ҳар бир хон ва султон ҳақида махсус бўлимларда тўхталар экан, улар ҳаётининг сўнгги дамларигача, ҳатто, улар номи билан боғлиқ кейинги давр воқеаларига қадар ҳикоя қилади. Масалан, Абдулғаффор султон бўлимида, унинг Абдуллоҳон буйруғи билан 1578 йили ўлдирилгач, Абдулмўминхон бузуғлигидан сўнг, Боқимуҳаммадхон даври бошида туркистонликлар манғит элидан Абдулғаффор султонга ўхшаш бир кишини мазкур султон деб, Тошкент тахтига чиқарганлар. Демак, бу воқеа 1603 йиллари содир

бўлган. Ёки Валимухаммадхон даврида аштархонийларга қарши курашган шайбоний Жаҳонгир султоннинг Балх ҳокими Надрмухаммадхон томонидан улдирилиши маълумотини олайлик. Маълумки бу воқеа 1608 йили руй берган. Муаллиф ёзишича, Валимухаммадхон даврида қорақалпоқ халқи Кучкинчихон авлодидан Шайхим султонга ухшаш кишини топиб, қозоқ хонларига уни мазкур Шайхим султон деб таништиришган, қалбаки султон бошлиқ кишилар бир неча бор Самарқандга босқин-чопқин уюштирганлар. Булардан кўринадики, Абдуллоҳхон даврида туғилиб, вояга етган, шу хон вужудга келтирган тинч турмуш шарофатидан ўқиб камол топган муаллиф Валимухаммадхон вафот этган 1611 йилдан кейин, аннкроғи, Имомқулихон ҳукмронлиги даврида ҳам ҳали ҳаёт бўлган. Агар Абдуллоҳхон даврини унинг Бухорони қўлга киритган 1557 йиллардан бошлаб ҳисобласак, демак, Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған 1560 – 1570 йиллари орасида туғилган бўлиб чиқади. Асар ёзилган 1611 йиллари эса 50-55 ёшларда бўлган.

Энди асарнинг тугал ёзилгани ҳақида. Муаллиф, авваламбор, Абдуллоҳхоннинг бобоси Жонибек султоннинг 1598 йил июнигача тирик бўлган ва Абдулмуъминхон томонидан ўша йили қатл этилган авлодларига бағишлаган қисмларда бу мудҳиш воқеалар баёнини тўлиқ келтиради. Қолаверса, муаллиф Абдуллоҳхон бобига муфассал киришишдан олдин бир бобча очиб, унда Абдуллоҳхоннинг туғилгандан то вафот этган 1598 йил 8 февралгача даврда кечган юришларини саналарини кўрсатган ҳолда ҳикоя қилади. Ана шундан сўнггина китобнинг Абдуллоҳхон ҳақидаги иккинчи катта бўлими бошланади. Демак, муаллиф бу хон даврини олти бетда мужассам қилган ва Абдулмуъминхон даврини ҳам ўрни-ўрни билан кўп марта жуда аниқ эслатган экан, албатта унинг кейинги бобларини ҳам тўла ёзган деган хулосага келишимиз мумкин. Айтганимиздек, асарнинг тўлиқ нусхаси бизгача етиб келмай, ҳозирча унинг ноқис кўчирилган нусхаларидангина баҳраманд бўлиб турибмиз.

«Мусаххир ал-билод»нинг манбалари. Биламизки, Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған қаламга олган Шайбонийхон билан боғлиқ воқеалар «Мусаххир ал-билод» ёзилган давргача Шайбонийхон топшириғига биноан ёзилган «Таворихи гузида, нусратнома», Мулло Шодийнинг «Фатҳнома», Камолиддин Биноийнинг

«Шайбонийнома», Рузбехон Исфаҳонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро», Абдуллоҳ ибн Муҳаммаднинг «Зубдат ал-осор», Хондамирнинг «Ҳабиб ас-сияр», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Бобурнинг «Бобурнома», Масъуд ибн Усмон Кухистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний», Восифийнинг «Бадоеъ ал-вақоеъ», Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарлари ёзилган ва уларнинг қўлёзма нусхалари Урта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган эди. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг Абдуллоҳхон даврининг 1589 йилгача воқеаларини қамраган «Абдуллоҳнома (Шарафномаи шоҳий)», Ҳофиз Муқимий Бустонхоний Самарқандийнинг назмдаги «Зафарнома» каби тарихий асарлари ёзилган эди. Бурибой Аҳмедов ҳақли равишда таъкидлаганидек, асарнинг 1510 йилгача маълумотлари «Ҳабиб ас-сияр», «Бобурнома», «Шайбонийнома» (Бинойи), «Таворихи гузида, нусратнома» ва бошқа асарлардан иқтибос қилинганига қарамай, унинг биринчи бобидаги айрим маълумотлари бошқа асарларда учрамайди. Иккинчи, учинчи бобдаги Кучкунчихон, Севинчхожахон ва улар авлодларига бағишланган, тўртинчи бобнинг Хожа Муҳаммад султон ва авлодларига оид маълумотлар эса алоҳида-алоҳида берилгани ва бошқа асарларда бу каби яхлит шаклда берилмагани билан оригиналлик касб этган. Айниқса, асарнинг Абдуламинхон ибн Ибодуллоҳ султон ибн Искандархонга бағишланган бўлими маълумотлари ўқувчида қизиқиш уйғотиши турган гап. Чунки, бу воқеа Абдулмуъминхон ўлимидан кейин 1598 йил кузида содир бўлиб, муаллиф ёзишича, Самарқандда 1589 йили оламдан ўтган Ибодуллоҳ султоннинг хотини Жаҳон султон бегим бинт Кепак султон Балхда 17-18 яшар йигитни ёнидаги амирларга эри Ибодуллоҳ султоннинг кейинги қирғинлардан яширинишга мажбур бўлган ўғли сифатида таништириб, шайбонийлар тахтига даъвогарлигини айтади, Абдуламин исми бу йигитни Балхда давлат тахтига ўтқаздилар. Баъзилар эса унинг султонзода эканига ишонмай, хон ўрнида тан олмайдилар. «Мусаххир ал-билод»да ёзилишича, аммо, унинг шижоат ва донолик каби хислатларини кўрган киши албатта шоҳзодалигини тан олмасдан иложи йўқ экан. Бу муаллиф сўзларими ёки Абдуламинхонни яқиндан билган бошқа муаллиф таърифими? Мутрибий ҳам 1626 йил ёзган «Нусхайн зебойи Жаҳонгир» тазкирасида Абдуламин султон борасида айнан шу сўзларни келтиради.

Абдуллоҳонга бағишланган катта булим К. Г. Залеман ва бошқа олимлар таъкидлагани каби «Абдуллоҳнома (Шарафномаи шоҳий)»дан изчил равишда иқтибос қилинган эса-да, бу маълумотлар муаллиф томонидан моҳирлик билан ихчам ҳолатга келтирилган.

Айтганимиздек, «Мусаххир ал-билод» маълумотлари орасида Абдулмуъминхон ва Боқимуҳаммадхон, Валимуҳаммадхон даврига оид хабарлар учраши, демак, муаллифнинг бошқа манбага мурожаат қилгани ёки уларни ўзи асарга киритганидан дарак беради. Чунки, «Шарафномаи шоҳий» 1587 йил воқеалари билан тугаган. Мутрибий «Тазкират уш-шуаро», «Нусхайи зебойи Жаҳонгир» тазкираларида кўрсатишича «Ҳофиз Таниш Бухорий Абдуллоҳоннинг воқеанависи (яъни хон давлатида юз берган воқеа-ҳодисаларни ёзиб борувчи тарихнавис) бўлган, ёзган воқеаларини Тошкент фатҳи, ҳатто, Хуросон ўлкаларидан айримлари эгалланишигача етказган, аммо, уни тугатмасдан, Абдуллоҳон даврида вафот этган, асарни тугатишни эса қози Поянда Зоминийга топширганлар, бироқ унинг ҳам бу китобни охиригача ёзгани Мутрибийга маълум эмас» экан. Бизнинг аниқлашимизча, Ҳофиз Таниш Бухорий 1592 йили вафот этган ва «Шарафномаи шоҳий» уч таҳрирга эга: биринчиси 992 ҳижрий (1584) йили, иккинчиси, 995 ҳижрий (1587) йили ва учинчиси 998 ҳижрий (1589 – 1590) йили тугалланган.

Қизиғи шундаки, «Мусаххир ал-билод»нинг муқаддимадаги олқиси қисмлари ҳам «Шарафномаи шоҳий» муқаддимаси гапларининг қисқарган шаклидек кўринади ҳамда, агар, Ҳофиз Таниш Бухорий тузган режа бўйича «Абдуллоҳнома»нинг Хотимаси Абдуллоҳоннинг яхши хислатлари ва унинг замонида яшаган улуғ шайх, уламо, қурилган иморатлар баёнини қамраб олиши керак бўлса, Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған ҳам Бухоро ва унинг авлиё, уламо ва фозилларига бағишланган боблар очган ва «Мусаххир ал-билод»нинг Кўлоб воқеаларидан кейин, аниқроғи, бизгача етиб келган қўлёзма нусханинг охириги узилишга учраган бетидаги «*Мусаххир ал-билод*»нинг *ушбу янги боби [соҳибқирон хон Абдуллоҳоннинг] дўсту ёрон ва ўз халқига меҳрибонлиги, душманларга шафқатсизлиги хислатлари баёнини ўз ичига олади*» сингари сарлавҳа «Мусаххир ал-билод»да ҳам Абдуллоҳоннинг яхши хислатлари хусусида гапирилиши керак бўлган қисм борлигини англашиб турибди. Демак, Муҳаммадёр

ибн Араб Қатаған «Абдуллоҳнома»ни ўз иши учун энг муътабар манба сифатида билган.

Хуллас, кўрганимиздек, «Мусаххир ал-билод» ўзига хос усулда ёзилган тарихий асар бўлиб, ундаги маълумотлар айрим уринларда такрорий бўлса-да, уларнинг муаллиф томонидан ихчам тарзда бир ерга йиғиб берилиши, айрим маълумотларнинг эса бизгача етиб келмаган манбалардан иқтибос қилингани ёки муаллифнинг ўзи томонидан киритилгани, қолаверса, бу асар қўлёзма нусхаларининг қайта-қайта кучирилиб, халқ орасида кенг тарқалиши унинг ўша давр тарихчилиги ривожига кўшган ҳиссаси ва ватанимиз тарихшунослигида тутган муносиб ўрнини кўрсатади.

Энди ушбу ўзбекча нашрнинг айрим хусусиятларига келсак. Асарнинг Абдуллоҳхон давригача бўлган қисмини Исмоил Бекжон таржима қилиб, шарҳ ва изоҳларини берган. Қолган қисмининг таржимони, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Дилором Сангирова. Муаллифлар матннинг асл нусхадан кучирмаси ҳавола этилмаётгани учун қўлёзмалар ва нашр нусхалари варақларини кўрсатиб боришни лозим топмаганлар. Ҳозирги кунда ўқувчиларимизга жуда кўп тарихий шахс ва жой номлари, ўтмиш воқеалари ҳақидаги маълумотлар чоп этилган ёзма манбалар ва қомусий кўп жилдликлар, махсус тўпламлар ҳамда тарих ва адабиётга оид дарсликлар орқали яхши таниш бўлгани сабабли уларнинг ҳаммасига ҳам изоҳ берилмаган. Нашр шахслар, унвон ва мансаблар, этник ва жуғрофий номлар кўрсаткичи билан таъминланди.

Ишонамизки, қўлингиздаги ўзбекча нашр ҳам мамлакатимиз халқлари тарихи ҳақидаги тасаввурингизни яна ҳам бойитишга хизмат қилиб, асарнинг кенг илмий муомалага олиб киритилиши ва тарих фанидан қўлланма, дарсликлар тузишда қўл келади.

*Шодмон ВОҲИДОВ
Исмоил БЕКЖОНОВ
Дилором САНГИРОВА*



МУҲАММАДЁР ИБН АРАБ КАТАҒАН

МУСАХХИР АЛ-БИЛОД
(МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЭГАЛЛАНИШИ)

БИСМИЛЛОҲИ-Р-РАҲМОНИ-Р-РАҲИМ

«Мен ерда (Одамни) уринбосар қилмоқчиман»¹ хутбаси чиқириғини осмон гумбази устига отган ул подшоҳликнинг буюклик саройи чексиз ҳамду сано жавҳарларини нисор этмоққа лойиқ, олий шон-шавкатли одил подшоҳлар байроғи маҳча² сини жаҳонбонлик фалаки авжида ҳилпиратган ул яратгувчининг гардун чизигли даргоҳи сон-саноксиз гавҳарлар ийсор қилмоққа муносибдир. Байт:

*Худойе ки бунёди ҳасту аз уст,
Асоси баланду ва насту аз уст.
Намояндайи нақши болову наст,
Кушояндайи сурати ҳар чу ҳаст³.*

*(Мазмуни: Борлиқни яратгандир ул худо,
Еру кук асоси ундандир пайдо.
Илоҳий, моддий олам нақши
Ҳам ечилар ундан ёмон, яхши.)*

Саломларнинг энг кўрками, қутловларнинг энг чиройлиси осмону замин хулосаси, раббилोलамин элчиси, қиёмат куни барча гуноҳкорларнинг айбини утишни оллоҳдан тиловчи шафеъ, яъни ҳазрати амин Муҳаммад пайғамбарнинг – ул зотга оллоҳ саловоти ва саломи бўлсин - жаннатмонанд нурли равзаси ва олий ойин мисол марқади нисори бўлсинким, ул зот элчилиги тарихи ибтидоси «оллоҳ дастлаб нурумни яратди» ҳадиси бўлиб, набийлигининг бошланиши «аввалда (мен) пайғамбар (нур сифатида бор) эдим ва Одам лой ва сувдан яратилган»⁴ и замони-

дан илгари оламини ёғдулантирувчи либоснинг олам аҳлига кури-
нишидир. Байт:

*Ҳабибе ки маҳбуби хоси худост,
Ба наъташ агар жон фишонам равост.*

*(Мазмуни: Худо севган бир суюкли, хос ёрдир,
Олқишига жонлар фидо этсам арзир.)*

Ихлоси чаманидан вафо таровати насими эсувчи ва таровати
исидан келувчи марҳамату кечирим насими жонларга руҳ бағиш-
ловчи ул зотнинг муаззам оиласи аҳли-аёли, мукаррам авлоди
ҳамда юксак мақомли саҳобалари, муҳожиратда шериклик қил-
ганлар, ансорлар, тобеъинлар, хусусан, хулафойи рошидин ва
маъсум имомлар – аларнинг барчасига оллоҳи таолонинг жанна-
ти насиб этсин – марқадларига кўпдан-кўп олқишлар ва сон-
саноқсиз қўтловлар бахшида бўлсин.

Ва шундан сўнг: хоксор банда, бемиқдор зарра, ҳазинлик уйи
бурчагининг сокини Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған – аларни
кечиргайсан ва айбларини бекитгайсан – узоқни кўрувчи киши-
ларнинг яхши ниятли кўнгилларига етказадиким, Ҳаққ Таоло
бани Одамни барча махлуқотдан устун қилиб яратди ва нутқ
нури зийнатига мушарраф этди ва ақл либосини кийдирди. Бу
барча одамлар ичидан икки тойифа эса саодат майдонидан ғала-
ба тўпини қўлга киритдилар. Чунончи, охират талаби, саломат-
лик йўли, оллоҳ розилигини излаган гуруҳ юзага келиб, улардан
энг фозиллари анбиё ва авлиёлик мақомига эришдилар. Манса-
бу салтанат, давлату ҳашамат, шоду хуррамлик асбоби, бу дунё
лаззатига майл билдирган тойифа юзага чиқиб эса улардан энг
яхшилари подшоҳу амир бўлдилар. Буларга эриша олмаган ва
бундай йўлни кўришдан маҳрум, яъни маънида аъмо(кўр) жамоа
«омий» деган номни олдилар. Демак, кимки, омийлар жумласи-
дан бўлишни истамаса, у киши мазкур тойифага эргашсин ва
фақат шу йўлдан юрибгина шайтон кўрсатган йўл азобидан қуту-
лиши мумкин. Барча билимлар сармояси ўтганлар аҳволидан
воқиф бўлмоқ, уни қўлга киритиш эса тарих илми орқали жуда
яхши бир суратда муяссар бўлажак.

Тарих илми баъзида рўй берган ҳар бир ғаройиб ҳолат ва
ажойиб ҳодисани битиб ва шу нодир воқеаларни тартибга со-

либ, уни дафтарлар матнларида, варақлар юзларида ёзиб бормоқдан иборатдир. Донишмандлар ҳодисалар рӯй беришини мазкур воқеаларнинг «тарихи», яъни сана тафсили, дейдилар ҳамда замонанинг қандай кечганини уша орқали биладилар. Шу маънига кўра, ҳар бир давлат ибтидоси ва ҳар бир халқнинг пайдо бўлиши ва ҳар бир катта ҳодисанинг юзага чиқиши, улуғ ҳодисалар рӯй бериши тарихда аниқ бўлса, ўтган асрлар аҳволи келажак даврларда маълуму аён бўлади. Шунингдек, номдор подшоҳлар ва мақсади ҳосил хусравлар номи ушанинг орқасида замон варақлари юзида ёдгор қолади. Бу яқин оралиқ даврда ўз асрининг энг муаззам подшоҳи бўлган олий ҳазрат, олий мартабат, қудсий манзилат, Сулаймон⁵ манқабат, Баҳром⁶ савлат, Миррих⁷ размли, Ноҳид⁸ базмли, осмон ҳашаматли, Кайвон⁹ туғли, олам подшоҳи, қилич ва қалам соҳиби, оллоҳи таолонинг ер юзидаги сояси, хоқон ва султонлар ифтихори, хавфсизлик ва омонлик сабабчиси Абулғозий Абдуллоҳ Баҳодирхон¹⁰ нинг мамлакат олувчилик ҳодисалари юзага чиққанидан бўлак тарих қилишга арзигулик бирор ғариб ҳодиса ва ажиб воқеа йўқдир. Бу айёмда фақат шу хоқоннинг қуёш сиймоли байроғи маҳчаси адолат ва эҳсон уфқидан балқиб чиқиб, олам мамлакатлари майдонини мунаввар қилди. Душманларнинг зулм қоронғулиги теваарак-атроф мамлакатлари ва улкаларидан йўқлик оламига юз тутди. Номуродлик водийсининг саргашталари хавфсизлик ва омонлик булоқларига етишдилар. Ул одил подшоҳнинг адолатга тула ишлари ва етук ақли тадбиридан мамлакат аҳлига чексиз фаровонлик етишди, жабру саркашликнинг маҳкум расми йўқсиллик юртининг шафқатсиз турмушида эзилганлар бошидан ариб, ҳеч бир кимса кўнглига зулм ташвиши йўл топмайдиган бўлди. Олам ва олам аҳли ул исқандарнишон соҳибқироннинг адолат ва эҳсон шарофатидан осойишталик ва соғ-омонликда умр кечирдилар, халқ қўрқув нелигин билмай, ўз ватанида ҳеч ҳадиксиз, беташвиш ва ўз уйларида камоли фароғат билан тинчлик қўйнида ухлайдиган бўлдилар.

Ўзини суз санъати аҳли хирманидан бошоқ терувчи ўрнида билган ва тарих илмидан ҳам озгина хабардор ушбу ожиз ва ночор каминанинг қусурли кўнглига ул исқандарнишон соҳибқироннинг доврўқли номи ва комкор исмига бир бадеъ тарих ва олий тазкира тартиб бериш келдиким, шу орқали то ул осмонни безовчи қуёшнинг ажиб воқеалари ва юртларни эгаллаши зик-

ри, ҳарбий юриш ва жаҳон олувчилик усуллари баёни, юрт бошқариш қоидалари ва мамлакатда ҳукм юргизиш қонунлари, динпарварлик расмлари ва шарият тартибларини ўрнатиш ишлари, уруш қоидалари асосида душманга қарши курашиш услуби, дўстларга меҳру муҳаббат, бош эгган душманларга шафқат, саркаш муҳолифга нисбатан эса ғазаб-итоб одатлари бу оламда ҳаёт поён топгунча ва даврон инқирозигача олам халқлари орасида боқий ва абадий қолса. Чунки, бу ожиз банда ул ҳазрат давлати замони ва салтанати овонида йўқлик қаъридан борлиқ оламига келди ва ул исқандарнишон соҳибқироннинг тинчу омонлик байроғи соясида балоғат сарҳадига етишиб, камоллик даражасини топди. Шунингдек, чексиз эҳсони манфаатларидан тўла баҳраманд бўлди. Агар икки тилли қалам унинг шарҳи ва баёнига ҳаракат қилса, сўз узоққа чўзилади ва ўз асл мақсадидан қолади. Шунга биноан олам аҳли ахборидан ва халқлар тарихидан озгина хабардорлик касб этган бу камина ўтмиш кишилари ҳаёт тарзи ва тўқнашувлари аҳволидан маълумотларни қўлга киритгач, ҳазрат борий тавфиқи билан – *исми улугдирким* – хонликнинг аъло оятли ғалабалари воқеаларига тартиб беришга ва ул иккинчи Исқандар воқеаларига оид сўзларини таълиф этиш сари киришиб, бу мазмундор аломатли китобда акс этган воқеаларни Муқаддима, олти боб ва Хотима қисми орқали ёритди ва китобга «Мусаххир ал-билод» деб ном берди.

Муқаддима. Бу боб Абдуллоҳхоннинг шариф насаби тўрт орқа айланиб боғланувчи юксак мақомли улуғ хоқон Абулхайрхон зикри ҳамда Шайх Хайдархон ибн Абулхайрхоннинг Дашти Қипчоқда мамлакат тахтига чиқиши ва унинг Иноқхон Қозоқ қулида шаҳид булгани баёнидан иборатдир.

Биринчи боб. Шоҳ Будоғ султон авлодлари аҳволи баёни ва унинг қадрдон фарзанди Муҳаммадхон Шайбонийнинг мамлакат олувчилик ҳамда ул шавкатли хоннинг етук фарзандлари зикри.

Иккинчи боб. Кучкинчихон аҳволи зикри ва унинг дорулмаҳфуза Самарқандда салтанат юргизган фарзандлари баёни.

Учинчи боб. Севинчхожахон зикри ва ул баланд мақомли хон фарзандлари аҳволи баёни.

Тўртинчи боб. Хожа Муҳаммад султон зикри ул юксак шонли салтанатнишон шаҳриёр фарзандлари, жумладан, Фаридуносор соҳибқирон Абдуллоҳ Баҳодирхоннинг шариф отаси ва доврўқли укалари ҳамда замон соҳибқирон Абулғозий Абдуллоҳхон-

нинг туғилган даври ва бу уткинчи дунёни тарк этган замониғача булган мамлакат олувчилик ҳолатлари баёни ва фатҳлар ҳамда юрт бошқариш усуллари.

Бешинчи боб: Абдулмуъминхоннинг тахтга чиқиши баёни ва ул олийшаън хоннинг айримҳолатлари воқеалари.

Олтинчи боб. Бухоро шаҳрининг бино бўлиши ва ул шаҳар шаънида келтирилган ҳадислар ҳамда бу шаҳарнинг мукаррам сайидлари, улуғ шайхлари, таниқли олимлари, қутлуғ каломли яхши оқибат фозиллари баёни.

Аммо, гавҳар сочувчи қалам билан келишувимиз шундай бўлдиким, ёзиш асносида қаерда гап замон хоқони Абулғозий Абдуллоҳхоннинг доврўқли номи ва атоқли исми устида борадиган бўлса, бу муборак ном «Искандарнишон соҳибқирон» тарзида рақам қилинади.

МУҚАДДИМА

Насаби ўн икки орқа айланиб жаҳон олувчи Чингизхонга етувчи улуғ ҳоқон Абулхайрхон ибн Давлат Шайх ўғлон ибн Иброҳимхон аҳволидан бир булаги ва Шайх Ҳайдархоннинг тахтга чиқишидан то шаҳидлик топган давригача зикри

Нафсиламрини айтганда, улуғ хон Абулхайрхон¹¹ ута шавкатли, Баҳром савлатли, динпарвар, шариат ёйгувчи подшоҳ бўлиб, Хожа Маҳмудхон¹² шаҳидлигидан кейин Дашти Қипчоқ¹³ подшоҳлиги Туркистон¹⁴ у Сигиоқ¹⁵ чегарасидан тортиб бутунлигича унинг қўлига ўтди. Йигирма тўрт яшарлигида давлатининг ғалабага ёрлиги, мансаб қуввати ва ҳашамати орқасида Хоразм вилоятини Шоҳрух Мирзо ибн Амир Темур Қурагон¹⁶-нинг тасарруф чангалидан чиқариб олиб, хоқонлик тахти авжи ва жаҳонбонлик осмонига суянди.

Алқисса, унинг подшоҳона қаҳрамонлиги довруғи ва хусрав¹⁷-она шон-шарафи овозаси барча ерларга етишгач, теварак-атрофдагилар ул ҳожот аҳлининг каъба мартабали саройи сари юзландилар. Ҳар бири ўз истаклари миқдорида омонлик ҳосили ва икки жаҳон эҳтиёжларини қўлга киритиб қайтадиган бўлдилар. Шу жумладан, Амир Темур Қурагоннинг улуғ авлодидан Султон Абусаъид Мирзо¹⁸ ва унинг иниси Манучеҳр Мирзо ва Муҳаммад Жуки Мирзо¹⁹ ҳамда Султон Ҳусайн Мирзо²⁰ ул ҳазратнинг хизматларига келиб, ҳумоюн ўзангисининг давлат мулозими каби бўлдилар ва унинг шарофати ва ҳимояти туфайли ўз истакларига етишдилар.

Ва ул ҳазратнинг ўн бир нафар адолат ёйгувчи фарзанди бор эди. Биринчиси: Шоҳ Будоғ султон; иккинчиси Хожа Муҳаммад султон; учинчиси Аҳмад султон; тўртинчиси Муҳаммад султон; бешинчиси Шайх Ҳайдархон; олтинчиси Санжар султон; еттинчиси Иброҳим султон; саккизинчиси Кўчкинчихон; тўққизинчиси Севинчхожахон; унинчиси Оқ Бурун султон; ўн биринчиси Сайид Бобо султон.

Шулардан, фарзандларининг энг каттаси бўлмиш Шоҳ Будоғ султон отаси ҳаёт пайти оламдан ўтди. Ул ҳазратдан бахт юлдузли икки фарзанд қолди. Биринчиси Муҳаммадхон Шайбоний²¹; иккинчиси Маҳмуд Султон.

Қисқаси шуқим, Абулхайрхон қирқ йилга яқин ер юзининг энг яхши минтақаси бўлмиш Дашти Қипчоқда эркин-эминликда тула шавкат билан ҳукмронлик қилди. Ва Рустам Тарлос²² дан то Булғор²³ гача уз тасарруфига киритиб, салатанат юргизди. Туркистон мамлакатларини унга қарашли барча ерлари билан эгаллаб, аҳоли ва мавлонолар, балки барча фуқаро ва бутун халқлар юзи сари адолат ва эҳсон эшикларини очиб қўйди. Ажал соати етишиб, охираат оламига юзланганда эса унинг бешинчи ўғли Шайх Ҳайдархон Абулхайрхон давлат устунлари ва салтанати улуғлари иттифоқлиги билан салтанат усти ва хонлигу подшоҳлик тахтига қадам қўйиб, давлат суянчиғига ёнбошлади. Чунки, иродат девонининг соҳиб тадбир котиби ва тақдир мамлакатлари ҳазрати ва тенги-ю ухшаши йуқ султон муншийси – **Байт:** *Пас аз фавти шоҳаншаҳи тахтгир; Абулхайрхон шоҳи гардунсарир* – (Тахт олувчи шоҳлар шоҳи, жаҳон тахтли шоҳ Абулхайрхон вафотидан сўнг) катта-кичикнинг тинч кўнгиллари саҳифаси ва халқнинг фароғат варағи юзига ағдар-тунтар битиги ва эврилиш рақами ҳамда парокандалик чизигини тортиган, тақдир ҳосили қаҳр ўроғи ва «агар Оллоҳ сизни (камбағаллик, хасталик каби) бирон зиён билан ушласа»²⁴ таҳдиди ва се-роблик ёғинини тўхтатиш билан аҳоли ва иймон аҳли мамлакатлари фуқароси хавфсизлик ва тинчлик даласи ҳосилини ўришга киришган, ул экинзорни қўрғоқчиликка рупара қилган эди.

Донолар айтганидек, султонсиз мамлакат устунсиз шифт ва жонсиз жисм кабидир: ҳар он кишвар ки султоне надорад, тане бошад ки ў жоне надорад – султони бўлмаган мамлакат, худди жонсиз танга ўхшайди. Шунинг учун давлат устунлари ва улуғ хон ҳазрат айёнлари бир ёқадан бош чиқариб, ўт олган фитна оловини ўчириш мақсадида улуғ хоннинг суюкли ўғли ҳисобланган Шайх Ҳайдархонни хонлик тахтига ўтқаздилар.

Йиллар мобайнида иқбол сингари улуғ хон Абулхайрхон оти жиловини ёпишиш қўли билан ушлаб келган амирлар эндиликда давлат мисоли Шайх Ҳайдархон оти узангиси мулозимига айландилар, узоқ вақт давомида ва кўп замонлардан буён ғалаба каби улуғ хоннинг ҳумоюн мавкабида бўлган довюрақлар, баҳодирлар эндиликда бахту саодатга ўхшаб Шайх Ҳайдархон сари юзландилар.

Аммо, мамлакат ишларини янғидан тартибга солмоқ, салтанат ва султонлик қоидаларини бошқатдан бажармоқ ҳаммиша ҳам

олдингиси каби етук бўлавермайди, кўнгилларни овламоқ ҳам бурунги замонлардаги сингари амалга ошавермайди. Шу жиҳатдан, озгина фурсат ҳам ўтмай, ул жамоат ихлоси тариқида қўрқинч пайдо бўлди ва ул қавмнинг бирдамлик услубига путур етди. Бинобарин, ул нодон гуруҳнинг бузук нияти сабабли кун сайин салтанат водийси уйига катта путур ета бошлади. Алқисса, эътиқод суэтлиги ва Шайх Ҳайдархонга нисбатан ишончсизлик ул мамлакатда кенг ёйилгач, ул атрофнинг анчадан бери мамлакатни қўлга киритиш орзусида юрган султонлари улуг хон вафотидан сўнг фурсатни ғанимат билиб, Шайх Ҳайдархонга қарши урушга отландилар.

Ҳожин Муҳаммадхон ўғли Сайдак Иноқхон, Бароқхон ўғли Жонибекхон, Гирой Араб ўғли Нурика султон ва манқит амирларидан Аббосбек, Мусобек, Ёмғурчибек кабилар Шайх Ҳайдархон вилоятини қўлга киритмоқ учун белига саъй-ҳаракат камарини маҳкам боғлаган ана шундай султонлар жумласидан эдилар. Бу жамоат жангу жадал асбоблари, ҳарбу қатл яроқлари билан курулганиб, жуда кўп аскар билан Шайх Ҳайдархон устига қайта-қайта юриш қилиб турдилар. Ҳар келганларида азим бир тўқнашув рўй берар ва ҳар икки тарафдан сон-саноксиз аскарлар қатлга етарди. Аммо, бу жангларнинг ҳеч бирида қўлларидан ҳеч бириш келмас, балки енгилганча шикаст топар ва янчилганча мажруҳу дилхаста, натижага эриша олмай орқага чекинара эдилар. Чунки, гарчи, ўша пайтларда давлат устунларидан бир нечтасининг эътиқоди Шайх Ҳайдархонга нисбатан путур топган эса-да, аммо кичик ёшдаги Муҳаммад Шайбоний ва унинг укаси Маҳмуд Султонни асраш учун қўриқчи тайинланган ва улар ҳумоюн давлати, юксак бахтига эътиқод юқори бўлган довюрраклик майдони арслони Қарочин Баҳодир ҳар гал душман лашкар тортиб келганда, ташқарига отланганча жанг майдони сари етишиб, мудофаа жангига киришар ва душман қатли учун тиришиб, шу даража шижоат ва довюрраклик намунасини намоиш этардики, ундан ортинги тасаввур қилиб бўлмасди. Шу сабабли, душманлар очиқчасига курашнинг энг охириги мартасида жуда кўп лашкар билан келиб, қаттиқ жанглар қилишди ва бор куч-қувватлари билан саваш ва ўлдиrho-ўлдир майдонига кирдилар. Лекин, бунда ҳам уларнинг мурод ўқи ижобат нишонига тегмади, бу ҳаракат ва жаҳду жадаллари томонидан зафар эшикларининг очилиш башорати насилими уларнинг истак чаманлари сари эсмади.

Бироқ, Шайх Ҳайдархон тузоқ эҳтиёткорлигига рноя этмай ва эҳтиёт шартларини сақламоқдан ғафлат ихтиёр қилиб ўтирган соатларда – *Зи душман ҳар он кас ки гофил шавад; Бар ў оқибат кор мушиқил шавад* (Ким душмандан гофил бўлса, оқибатда унинг иши қийин бўлади) – Иноқхон Аҳмадхоннинг лашкарини ўзи билан бирга олиб келиб, билдирмасдан Шайх Ҳайдархон устига ёпирилди. Шайх Ҳайдархон аскарлари бу воқеадан гофил ҳар бири дам олиш тўшағида уйқуга кетган ва бундан беҳабар истиқомат ўриндиғида осудалик топган эдилар. Шу сабабли ёшлик бахтига эга шаҳзода қанчалик баҳодирларни чақирмасин, ўзидан бошқа ҳеч кимни урушга тайёр ҳолатда кўрмади. Олий мартабали шаҳриёр кучли изтироб ила қудратли биллак кучига суяниб ул шум ният бадкирдорлар билан тўқнашув сари отилди ва овга чиққан арслондек сарпанжасига орқа қилиб, мудофаа ва ул шум мақсадли чексиз сонли гуруҳ ҳамласига қарши отланди. Аммо, бу фитна тўлқини талотўми пасайтира олиш кучи доирасидан ташқари бир шаклда ва бу бузуқлик асбоби сафининг тор-мор келтирилиши ақлу хаёлга сифмас даражада эди. Шаҳзода ҳаддан ташқари хатти-ҳаракат ва ор-номус билан мардонавор курашди. Ниҳоят, душман лашкаридан катта бир гуруҳ ўтқир қилич ва ўлим шарбатини ичирувчи ўқлар билан Шайх Ҳайдархон баданини кўп захму ярадор қилиб, сонлих шаҳидлар қаторига қўшдилар²⁵.

Бу ҳолни кўрган амирлар ва давлат устунларининг ҳар бири бир томонга қочганча тарқалиб кетдилар.

Ниҳоят, бир неча йил давомида ҳаракатлар қилиб, маҳрум қайтиб юрган муҳолифлар эса хонлик тахти ва мақсади ҳосиллик авжида қарор топдилар.

БИРИНЧИ БОБ

Шоҳ Будоғ султон авлоди аҳволи баёни ва унинг доврқли тунғич фарзанди Муҳаммадхон Шайбонийнинг мамлакат олувчилик ва давлат сақловчилик зикри ҳамда Убайдуллоҳхоннинг тахтга ўтириш замонидан то Бурҳонхоннинг худо тақдири тақозоси билан ўлдирилишигача давр оралиғида рўй берган воқеалар тафсилоти

Бу воқеанинг қисқача шарҳи куйидагичадир. Улуғ хон Абулхайрхоннинг тунғич ўғли бўлмиш Шоҳ Будоғ султон шундай бир шаҳзода эдиким, ҳали ҳеч бир куёш чиқиши унинг жасорати балқинишича кўриниш бермаган, ҳеч бир ой нури унинг адолат уфқича жаҳон аро таралмагандир. Инкор этиб бўлмас даражадаги яхши хулқ эгаси ва мақсади ҳосил султонлардан мақтовли сифатлари билан устуя турувчи, салтанат ва подшоҳлик ишида олий шоншавкатли подшоҳлар ҳасадни келтирувчи, улуғворлик ва мақсади ҳосиллик расмида замон султонлари ҳавасини қўзғатувчи шаҳриёр эди. Аммо, шум ниятли бу дунё ва кина-кудуратли фалак ул олижаноб шаҳзоданинг ҳалигача салтанат гулшани ундан латифроқ гулни етиштирмаган ва подшоҳлик чамани ундан нозикроқ гулни очилтирмаган ёшлик гунчасини тароват насими билан тўлақонли очилтирмасдан бурун сўлғинлик келтирувчи кузнинг қаттиқ шамоли билан соғуриб, давлат чамани ва салтанат бўстонида ундан тўғрироқ дарахт ўсмаган юзи ниҳолини маоний дарахти мевага кирмасдан туриб мусибат чакмоғи яшини билан куйдиргач, «яратгувчинг ҳузурига рози бўлган ҳолда қайт»³⁶ қақриғини лаббайка қулоғи билан эшитиб, охират сари қадам қўйди.

Ул олий мартаба султонзода ва мақсади ҳосил шаҳзодадан икки нафар атоқли фарзанд ёдгор қолди. Биринчиси Муҳаммадхон Шайбоний; иккинчиси Маҳмуд Султон.

Муҳаммадхон Шайбоний ва унинг укаси Маҳмуд Султон аҳволи зикрида

Шоҳ Будоғ султон вафот этган пайтда яратилиши олий гавҳар бу икки шаҳзода жуда кичик ёшда эдилар. Шунинг учун тўла марҳамат ва ҳаддан зиёд муҳаббат эгаси бўлмиш улуғ хон Абулхайрхон бу икки шаҳзодани ғамхўрлик оғушига олиб, уларни яхши тарзда тарбиялаш ва аҳволларидан хабардор бўлиб туриш учун илгари Шоҳ Будоғ султоннинг аткаси бўлган Уйғурбой Шайхга топширди. У ҳам умидворлик билан шаҳзодалар хизмати учун жон белига саъй-ҳаракат камарини боғлаб, бу соҳада қўли қисқалик қилишни ўзиға ҳаром деб билди. Мисраъ: *Дурри ятимиرو ҳама кас муштару аст* (Ноёб дурга ҳамма харидор).

Улуғ хон Абулхайрхон бу шаҳзодаларни доимо тўла эъзоз ва икром, мўл-кўл эҳтиром ила ҳузурига чорлаб, ғамхўрлик юзасидан улар аҳволини сўраб-суриштирар эди. Кушчи²⁷ лар жамоатидан ҳам улуғ хон Абулхайрхоннинг кўкалтош²⁸ и Давлат Хожабек Қавчиннинг ўғли Дарвиш Ҳусайн тўла умидворлик билан ғамхўрлик юзасидан бу олиймақом шаҳзодалар хизматига бел боғлади. Баҳорда гул наваларига қаровчи гулбонгулғунчани кеча-ю кундуз парварниш қилгани каби шаҳзодаларни елкасидан кўтарганча еру кўкка ишонмас, зангори осмон туну кун ой ва юлдузларни гардун аро айлантиргани сингари шаҳзодаларни гарданида айлантириб юрганча сира ерга туширмас эди. Шаҳзодаларининг ёрқин кўнгилларига фаровон турмушга оид нима нарса тушса, ўшани ортиғи билан муҳайё қиларди, қайси нозу неъмат лавозимини хушлаб қолсалар, айтганлари тарзида топиб етказарди.

Улуғ хон Абулхайрхон вафотидан сўнг ул икки азиз шаҳзодалар бир неча вақт амакиси Шайх Ҳайдархон ёнида бўлдилар. У ҳам вафот этгач, давлатининг амиру нуёнлари ночор ҳар бири бир тарафга путраб кетдилар. Иккита олиймақом шаҳзода муҳофизати учун тайинланган Қарочин Баҳодир Кушчи ҳам «тоқат қила олмайдиган нарсадан қочиш пайғамбарлар суннатидир»²⁹ мақолини кўнглидан ўтказиб, Муҳаммадхон Шайбоний ва Маҳмуд Султонни – *Зикри зоти малакийсифоти эшон; Зи офоту ҳодисоти замон бод дар амон* (Малаксифат зотлари зикри, замон офату ҳодисаларидан омон бўлсин) – сузларига мос шаклда кулфату бало майдонидан олиб қочиб, Қутлуқхон ўғли Қосимхонга

қарашли вилоятга етказди. Қосимхон марҳамат қанотларини бу икки олий мартабали шаҳзода боши узра ёйиб, Темурбек исмли амирига шаҳзодаларни муҳофизат қилишни топширди. Темурбек ҳам бундай шарафли топшириқни узи учун катта бахт санаб, тўла умидворлик ва жону дил билан хизмат камарини белига боғлаб, шаҳзодалар мулозимати учун киришди.

Аммо, уша пайтда хабарчилар Иноқхон, Аҳмадхон, Аббосхон ва Аббосбек лашкар тайёрлаб, Қосимхожахон мамлакатини эгаллаш учун бу томон йўналгани хабарини олиб келишди. Ул жамоатнинг йўлга чиққани ҳақидаги гаплар Қосимхон қулоғига етишгач, бироқ уша пайтда Қосимхоннинг лашкари жуда ҳам оз бўлгани ва ул қавмга қаршилик қилиш учун қудрати камлиги сабаб, ноилож «Аштархон» номи билан танилган Ҳожи Тархон³⁰ қалъасига кириб, мудофаага ҳозирлик кўрганча бекиниб турди. Душманлар ҳам етиб келиб, чексиз лашкар билан қалъа атрофига қўш ташлаганча уни доира ичидаги узук кўзи каби ураб олдилар. Шундай қилиб, ҳар кун, ҳар икки томондан жанг олови ва жадал оташи гуриллаб турди. Шаҳзодаларни қўриқлаш учун тайинланган Темурбек бирор кор-ҳол ёки ёмон бир ҳодиса рўй бериб, бу шаҳзодалар ҳаётига хавф-хатар чанг солмасин тағин, дея ута ҳадикда қолганди. Шунинг учун бу қўрқуви борасида Қосимхонга маслаҳат солди. Ҳар иккаласи ҳам шаҳзодаларни қандай бўлмасин бу қалъадан ташқари чиқариб, бошқа бир тарафга йўналмоқ даркор, деган қарорга келишди. Қарочинбекка бу қарор ва фикрни Муҳаммадхон Шайбоний арзига етказиш масаласи ҳавола қилинди. Қарочин Баҳодир мазкур воқеа мазмунини Муҳаммадхон Шайбоний кўнглига маълум этгач, у шу ондаёқ хос мулозимларини ҳузурига чақиришга буйруқ берди. Отадан-ота Муҳаммадхон Шайбонийнинг мукаррам ва муаззам ота-боболарига атка³¹ ва кўкалтош бўлиб келаётган саройнинг қадимий бойри³² хизматчиларидан қирқ нафари қуллуқ ва итоат камарини жон белига боғлаб, олампаҳо даргоҳида ҳозир бўлдилар. Бу маслаҳатдан сўнг оламини безовчи фикр бахту давлат сингари ҳумоюн мавкаб³³ узангиси остида йиғилган мазкур қирқ нафар киши билан бирга қалъадан ташқари чиққанча душман лашкарига шабихун³⁴ уриб, қайси тараф маъқул кўрилса, уша ёққа қараб кетиш лозим, деган тўхтама келди. Аммо, давлатнинг айрим устунлари эҳтиёткорлик йўл ва қондасига риоя қилиб, Муҳаммадхон Шайбонийни бу ишдан қайтармоқчи бўлдилар.

Муҳаммадхон Шайбонийга бундай эҳтиёткорлик усули ёқмади ва «ким давлатга эришмоқчи бўлса, оллоҳга таваккал қилсин, худо пешонага нима ёзса ўша бўлади» мазмунидаги шеър сўзларини илҳом баёнидан ўткарди. Худо иноятидан хабардорлик шарафига эга шаҳзода олам подшоси ёрдамига тула таваккал қилганча, бу хатарли ишга қадам қўйди ва тун оқшомиси қалъадан чиқиб, душман уйқудан уйғонмасдан бурун ғаним лашкаргоҳи устига чопқин солди. Душманнинг жуда кўплаб ёшу қари аскарлари ул юрт олувчи шаҳзоданинг қиличу ўқи ва қўрқмас тадбиркор довуракларнинг шамширу болтаси зарбидан дўзах олови ва жаҳаннам оташи сари равона бўлдилар. Душман аскарининг сон-саноксиз ва ҳаддан ташқари кўплигига қарамай, мазкур қирқ нафар ажойиб сийратлик хоннинг ривож сари юз тутган давлати бахтидан душманларга қарши шундай қаттиқ жанг қилдиларки, Рустами дoston³⁵ ва Соми Наримон³⁶ ҳайрат бармоғини тишлардилар. Алқисса, ўша оқшомиси азим бир жанг бўлди ва душман лашкаридан жуда кўпи ҳалокатга учради. Жумладан, Иноқхоннинг бир укаси ва бир ўғли «феълингдан топасан» ҳикмати тасдиғига кўра ўлим шарбатини ичдилар ва бу билан гўё Шайх Ҳайдархон борасида чекилган афсус-надоматлар ўрни алмашгандай бўлди.

Шундан сўнг тонг ёруғлиги уфқ пардасини йиртиб, гира-шира кўриниш берди ва саҳар насими машриқ этагидан эса бошлади.

Ва Муҳаммад Шайбоний ва укаси Маҳмуд Султон ҳамда Қарочинбек уччаласи оллоҳ кўриқчилиги ҳимоясида душман лашкаргоҳидан соғ-саломат ва саодат ила қутилиб чиқдилар. Бу воқеа Шайх Ҳайдархон шаҳид бўлгандан саксон кун ўтгач рўй берганди.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг Аҳмадхон устига уруш учун отлангани ва йўлда олдидан Аҳмадхон амирларидан бири бўлмиш Қипчоқ Қўниш чиқиб қолиб, бу амирнинг олий мартабали шаҳзода билан жангга киришгани зикри

Муҳаммадхон Шайбоний малики маннон худо ҳимояси ва кўриқчилигида душманнинг чексиз лашкари орасидан ғалаба ва ютуқ билан ташқари чиққач, унинг шариф зоти соғ-саломат ва

латиф тану жонн омонлиги теварак-атрофга яшиндек ёйилиб, ҳар тарафдан қалби олов ёш-яланглар ва иш кўрган тажрибали ёши улуглар, танилган паҳлавонлар ва олқиш олган қаҳрамонлар хизмат камарини белига боғлаб, тўла умидворлик билан тўп-тўп ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳумоюн ўрду³⁷ га келиб қушилдилар ва олиймақом ходимлар қаторидан жой олиб, улар сафига тизилдилар. Шу тариқа ғалаба шиорли аскарлар сони бир юз эллик нафарга етди.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг яна муборак кўнглига, тағин бир мартаба Аҳмадхон лашкари устига бостириб борсам ва оллоҳга таваккал қилиб, душман билан тўқнашсам, деган фикр йўл топди. Шу фикр қароридан сўнг йўналиш жиловини Аҳмадхон лашкари томон бурди. Аниқроғи, қўл остидаги аскарлардан эллик нафарини уғруқ³⁸ ни қўриқлаш учун қўйиб, қолган юз нафар билан Аҳмадхон лашкари томон йўлга тушди. Ваҳолонки, ўша пайтда Аҳмадхон лашкари юз минг кишидан ортиқ эди.

Ёш шаҳзода муҳолиф лашкари кўплиги ва ёронлар озлигини хаёлига ҳам келтирмади ва сира ҳам чўчимай, ҳеч бир тап тортмай, Аҳмадхон сари кураш ва урушга отланиш мақсадида жасурлик этагини ҳиммат белига маҳкам боғлаб, йўналиш юзини ўша томонга қаратди.

Юриш чоғи ёшлар ҳар тарафга юртовул³⁹ расми билан кетиб, қўлга кирган ўлжаларни ҳумоюн ўрдага келтириб турдилар. Бир кечаси эса ғалабага ёр аскардан олтмиш нафари юртовул сари теварак-атрофга ёйилиб кетиб, ҳумоюн ўрдуда борйўғи қирқ нафар киши қолганди. Ўша пайт Аҳмадхон амирларидан саналмиш Кўнуш Қипчоқ исмли амир ёнида мингта қуролланган ва эғнига совуту темир жавшан кийган аскар билан ҳумоюн ўрду олдидан чиқиб қолди. Муҳаммадхон Шайбоний душманни узоқдан кўриб қолиб, мудофаа ва қаршилик сари қадами ни қаттиқ ташлади ва уруш-янчиш учун қаҳрамонлик билагини баланд кўтарди. Қаранги, марҳамати буюк подшоҳ – оллоҳи таоло ёрдами воситаси ила бу қирқ нафар киши ул лашкар устига ҳамла қилди! Улар тун бошланишидан то кун чиқишигача минг нафар душман билан урушиб, бир неча бор ул ғаним гуруҳни тум-тарақай ҳайдашга муваффақ бўлишди, ҳатто, кетларидан қувиб боришди. Бироқ, тарқалиб кетишга мажбур бўлган душман яна ўзини ўнглаб, бир ерга йиғилишнинг уддасидан чиқди ва қайтадан уруш учун келди. Уруша-уруша тонг отишига

яқин қолиб, ҳали оқу қорани англаб бўлмайдиган «қуринмас парда тортамыз»⁴⁰ ҳолати юзага келганда барибир енгилиб, хаста ва шикаста бир алпозда орқага қайтиб кетдилар. Бу жангда шижот намунасини кўрсатган султонлардан биринчиси Муҳаммадхон Шайбоний бўлди. Кейингиси унинг туғишган укаси Маҳмуд Султон ва яна бири амакиси Севинчхожа Султон⁴¹ эди.

Алқисса, юрт очувчилик насими Муҳаммадхон Шайбоний байроғи сари эса бошлагач, бу шаҳзода тўла нусрату ғалаба ва зафар билан Туркистон вилояти томон йўлга тушди. Бундан унинг мақсади ёз фаслини ўша вилоятда ўтказиш эди. Ўша вақтда Туркистон ҳокими Султон Аҳмад Мирзо⁴² томонидан тайинланган Амир Муҳаммад Мазид тархон⁴³ бўлиб, бу ўлкада ҳукумат юргизарди. Ҳумоюн ўрду Туркистон томон келаётганидан хабар топган Амир Муҳаммад Мазид тархон истиқбол маросимини ерига етириб, атоқли султонларнинг ҳар бири учун алоҳида манзил ва турар-жой тайёрлатди ҳамда совға-саломлар муҳайё қилди. Подшоҳона ўтиришлар ўтказиб, султонларни тўкин-сочин дастурхонли зиёфатлар билан сийлади ва улар шарафига зўр меҳмондорчиликлар ташкил қилди. Ва Муҳаммадхон Шайбоний барча яқинлари билан бутун ёз ва кузнинг кўп кунларини Туркистон вилоятида истиқомат йўсини ила ўтказди. Қиш фасли совуқ нафас олиб, аёзли кунлардан дам ура бошлагач, Муҳаммадхон Шайбоний укаси Маҳмуд Султон ҳамда Алайка султон, Ҳамза султон, Севинчхожа султон ва бошқа амирлар билан маслаҳатни бир ерга қўйиб, Қоракўл вилояти⁴⁴ томон йўлга тушдилар. У ерга етишиб, барчаси ўша қиш бўйи Қоракўлда тўла роҳату фароғат, ҳузуру ҳаловатда яшадилар. Баҳор айёми яқинлашгач, Оқ Сўфи ва Боқий Оруқ Қушчи Тўғлуқ Ҳожининг набирасини ёнларига солиб келиб, осмон нишонли аскарларга қўшилдилар ва хизматдагилар орасидан жой олдилар. Ва Муҳаммадхон Шайбоний уларнинг қадамларига ҳасанот айтиб, ўзиға яқинлар қаторида иззат ва ҳурматлар кўрсатди. Оқ Сўфи Баҳодир келиши билан қутлуғ ўрду таркиби бошқатдан тартиб топди.

Ва шу аснода Ҳамза султон, Маҳмуд Султон, Севинчхожа султон бир нечта ботир аскарлар билан Дашти Қипчоқдаги улус устига чопқин уюштириб, кўп мол ўлжа олганча қайтиб келмоқда эдилар! Йўл давомида тўсатдан Хожа Баҳодир ўғли Шоҳ Будоқ Баҳодир катта бир гуруҳ билан улар олдидан чиқиб қолиб, мол

куплиги ва ўлжа муллигини кўргач, шунинг тамасида жангу жадал сари киришади ва савашу тўқнашувни бошлайди. Мазкур Шоҳ Будоқ Баҳодир эл орасида жасурлик ва довжораклик билан танилган эди. Хуллас, томонлар ўртасида азим бир жанг рўй беради. Анча кураш ва савашдан сўнг Шоҳ Будоқнинг талайгина мулозимлари Маҳмуд Султонга асир тушиб, қолган лашкари эса тум-тарақай қочиб кетади. Номдор султонлар катта ўлжа билан зафар қозониб ва мақсадга эришиб, ғалабага ёр ўрдуга қайтиб келгач, Муҳаммадхон Шайбоний қўлга киритилган мўл-кўл ўлжа ва мол билан Туркистон мамлакати сари юзланди. Хонликнинг зафар аломатли байроги Туркистон мамлакати узра кўриниш бергач, ул вилоят ҳокими Муҳаммад Мазид тархон улар истиқболига ошиқди ва тўла эҳтиром ила Туркистон мамлакатига олиб кириб, хизматкорлик намунаси ва итоатгўйлик асбобини намоён этди. Ҳар кун турли-туман зиёфат ва хилма-хил меҳмондорлик ўтиришларини ташкил қилди. Уша аснода Гирай султоннинг бепоён лашкар билан Туркистон мамлакатини қўлга киритиш учун бу диёрга бостириб келаётгани хабари эшитилди. Бундан қаттиқ қайғуга ботган Муҳаммад Мазид тархон Муҳаммадхон Шайбоний ҳузурига келиб, шу айёмда Гирай султон бу мамлакатни эгаллаш мақсадида йўлга тушган эмиш, яхшиси, бу бало бошимиздан аригунга қадар, бир неча кун ҳумоюн ўрдунгиз дор усалтана Самарқанд сари отланса, мақсадга мувофиқ бўларди, дея шаҳзода арзига етказди. Муҳаммадхон Шайбоний унинг илтимосини қабул қулоғи билан эшитиб, бошқа султонлар билан ҳам маслаҳатлар қилганча Туркистондан чиқиб, Самарқанд томон йўналди.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг Эронжихон билан урушгани ва Алайка султоннинг яратгувчи худой иродаси билан шаҳид бўлгани зикри

Муҳаммадхон Шайбоний Муҳаммад Мазид тархон маслаҳатига биноан йўналиш юзини худо ҳимоясидаги маҳфуза Самарқанд шаҳри томон қаратгач, иззатли султонлар ҳамроҳлигида ва буюк подшоҳ, яъни оллоҳи таоло ҳимояти остида бир неча манзилу маконларни босиб ўтди. Зафар аломатли байроқ Саброн вилояти⁴⁵ сари юзлангач йўл давомида душманлардан бир бўлагига дуч келишди ва улар билан жанглар қилиб, қўллари-

дан катта ўлжа ва молларни тортиб олишди ва мухолиф аскарлардан анчасини қўлга тушириб, қатлга еткардилар.

Ушбу аснода Жонибекхон ўгли Эронжихоннинг чексиз лашкар ва ҳаддан зиёд қўшин билан Саброн қалъасидан чиқиб, жангу жадал сари киришгани ва ҳарбу қитол томон юзлангани хабари етишди. Фалак мартабали аскарлар сони ниҳоятда оз, мухолиф лашкари эса ҳаддан ортиқ кўп бўлишига қарамай, ҳеч қандай зилзила оллоҳга таваккал пойдевори томон ларза ваҳимасини сола олмади ва султонлар ул гуруҳга қарши туриб, шукуҳ билан ўлдириш, чопиш сари довюраклик қўлини чўзганча мардлик намунасини намоёиш ва мардоналик равишини намоён қилдилар. Барибир, мухолиф лашкари ниҳоятда кўп бўлгани сабабли теварак-атрофдан бемалол ҳамлалар қилишга муваффақ бўлиб, натижада бир неча кишигина шаҳзода хизматида ул гуруҳлар ҳамласини қайтариш учун қолиб, мардонавор курашлар қилишига тўғри келди. Охири, ноилложликдан айримлар туришдан кўра қочишни афзал билиб, майдондаги йиғинга орқа ўгиришга тушдилар. Аммо, Муҳаммадхон Шайбоний ёнидаги султонлар билан бирга бир неча бор ул душман гуруҳ устига ташлашиб, кўпини қиличига ем ва ярадор қилди. Бироқ, душман ниҳоятда кўп бўлгани учун Алайка султон⁴⁶ ни ўраб олиб, бир неча бор танига жароҳат етказиб, қаттиқ ярадор қилишга эришдилар. Натижада ул султон душман билан мардларча курашиб, шаҳидлик саодатини топди. Муҳаммадхон Шайбоний бу даҳшатли воқеани кўриб «албатта биз оллоҳнинг бандаларимиз ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз»⁴⁷ ояти каримасини ўқиди ва юзи узра ёш томчиларини оқизиб, Бухоро томон йўл солди.

Ва ўша пайтлари Султон Аҳмад Мирзо томонидан Бухоро мамлакати нойиблигига тайинланган Амир Абдулали Тархон ҳумоюн ўрду келаётганидан хабар топиб, ул ҳазрат истиқболга пешвоз чиқди ва уларни тула эъзозу икром билан Бухоро шаҳрига олиб кириб, бу ҳақда Султон Аҳмад Мирзога Самарқанд сари мактуб юборди. Шундан сўнг Султон Аҳмад Мирзо ҳам дўстона оҳангдаги мактубини йўллаб, орада учрашув амалга ошиши борасидаги илтимосини изҳор қилди. Амир Абдулали Тархон муҳаббат ила ёзилган бу хатни осмон ошиёнли арзга етказгач, Муҳаммадхон Шайбоний ноиллож унинг илтимосини қабул қилиб, жуналиш жilовини Самарқанд сари бурди. Султон Аҳмад Мирзо ҳумоюн ўрду кириб келаётганидан хабар топгач,

кутиб олиш маросимини жойнга куйиб, ул мақсади ҳосил шаҳзода учун яхши уй ва кўркам маскан ҳозирлатди. Ва ҳар кун шаҳзода билан учрашиб, ажойиб зиёфатлар уюштирди. Бир неча кун шу зайл турилгач, шаҳзоданинг муборак кўнглига Бухоро томон қайтиш истаги келди ва илоҳий ҳимоят ва раббоний сақлов остида ўзи билан бирга Самарқандга келган Амир Абдулалӣ Тархон ҳамроҳлигида Бухорога қайтди. Сунг шу ерда муқим туриб, гузал хислатли бу шаҳзода икки йил давомида қуръони карим қироати илмини эгаллашга қаттиқ бел боғлади. Дастлаб, илму фазилатлар эгаси, илм тугунларини ечувчи, қийин масалаларни осонгина ҳал қилувчи Мавлоно Муҳаммад Хитойӣ ҳузурида таҳсил олиб, ул жанобни ўзининг улуғ устоди деб билди. Каломуллоҳи мажидни қайта такрор ҳофизлар пешвоси, оллоҳ оятларини тула ёд олган Жалолоддин Маҳмуд назаридан ўткарди. Ул шариат шиор бузруквор ёрдами билан қироат қоидаларининг нозик томонларидан ҳам тула хабар топиб, Қуръон илмидан яна ҳам мукамаллик даражасига етди ва воқифлик касб этди. Уша давр мобайнида фоҳира Бухоро шаҳрининг кўплаб ҳофизи қуръонлари ул ҳазратнинг суҳбати саодатига етишиб турдилар. Шулар жумласидан жаноб Ҳофиз Ҳасан Басир бўлиб, у ўз замонасининг зўр ҳофизи ва ширин овозли қорийси ҳисобланар ва бошқа ҳофизлардан ана шу хислатлари билан ажралиб турарди. Ул қорий кўриш қобилиятидан буткул маҳрум бўлишига қарамасдан, сарфу наҳв қоидаларидан яхши бир тарзда хабардор, барча илмлар масалалари, айниқса ғариба илми⁴³ дан тула воқиф эди. Шунингдек, замон ҳофизларининг муқтадоси, даврон қорийларининг пешвоси, каломуллоҳи мажидни ёд олган ҳофиз Ҳамид ҳам умри мангуга уланган ул зот дарслари мажлисида ҳозир бўларди. Бахт хислатли шаҳзода икки йил давомида шаҳарлар фаҳри Бухорода доимий яшаб, билимига билим қўшганча зоҳирий ва маънавий илмларни касб этгач, қайтиш байроғини Дашти Қипчоқ томон ҳилпиратди. Зафар аломатли байроқ Арқуқ қалъасига етишгач, ул қалъа аҳолисининг ихтиёр ва эътиборини ўз қўлида тутиб турган қози Бекчик жаноблари бошдан қадам ясаб, ул ҳазрат оёғини ўпиш шарафини топди ва қалъа дарвозасини очиб, жуда кўп зарур нарсалар ва аслаҳа-ю эгар-жабдуқлар тортиқ қилди. Бир неча кун ичида қудратли давлат шарофатидан ул ҳудуддаги анчагина бошқа қалъалар ҳам эгалланиб, улардан энг охиргиси Сигноқ қалъаси бўлди. Ҳумоюн ўрдунинг Туркис-

тон вилоятига етишгани хабари Дашти Манғит⁴⁹ даги Мусо Мирзо кулоғига етгач, кунглига Муҳаммадхон Шайбонийни Дашти Қипчоқ мамлакатига бошлаб бориб, юрт тахтига утқазмоқ ва узи эса ул ҳазрат хизматида камарбаста турмоқ фикри келади. Шунга кўра шаҳзода ҳузурига элчи юбориб, итоат ва бўйсунуш изҳорини қилганча ўз кунглида яширин фикрларни ҳам маълум этди. Муҳаммадхон Шайбоний унинг илтимосини қабул қилиб, йўналиш байроғини Манғит дашти томон ҳилпиратди ва Мусо Мирзо уйига келиб тушиб, истиқомат палосини ёйди. Шу аснода Бурундукхон ва унинг укаси Қосим султон эллик минг яхши қуролланган отлик лашкар билан Дашти Қипчоқ мамлакатини эгаллаш учун келгани хабари етишди. Мусо Мирзо бу хабарни эшитиб, қаттиқ қайғуга ботди ва Муҳаммадхон Шайбонийга душманнинг катта кучга эгалиги, ўзларининг эса уларга қаршилик қилишга ожиз эканлигини айтди. Шунда Муҳаммадхон Шайбоний деди: *Агар теги олам бизжунбад зи жой; Набурад раге то нахоҳад Худой.* (Бутун олам қиличлари бошингга келса-да, худо хоҳламаса, битта томирингни ҳам кеса олмайди). Шунга биноан, Мусо Мирзо дин душманларига қарши уруш ва жанг учун ҳозирланиб, Манғит лашкарини урушга шайлади. Ва Муҳаммадхон Шайбоний ҳам ўша пайтда ўз ҳумоюн ўрдуси хизматида турган уч юз нафар аскар билан душман томонга отланди. Икки тараф бир-бирларига рўпара келиб, томонлар лашкарнинг маймана, майсара, қалб ва қанотларини тартибга солгач, икки ўртада уруш олови гуриллаб ёнди. Анча уруш ва қаттиқ савашлардан сўнг ҳар икки томондан қанчалар ўлиб, нечалар ярадор бўлгач, фатҳу ғалаба насими Муҳаммадхон Шайбоний байроғи томон эса бошлади. Бурундукхон жанг майдонида энг яқинлари ва ўзига қарашли бошқа кўмакдошлари билан бирга енгилиш саросимасида қолиб, орқага чекиниш сари юзланди. Шунда Мусо Мирзонинг укаси Хоразмийбек Бурундукхонни ушлаб келтириш учун унинг орқасидан от қувдирди. Душман орқасидан озгина йўл юрилгач, Бурундукхон тўсатдан от жilовини орқасига буриб, камонига ўқ жойлаганча Хоразмийбек томон кела бошлади ва анча яқин келгач камонидан унга қарата ўқ отди. Ўқ тўғри келиб, Хоразмийбекнинг кўкрагига тегди. Хоразмийбек шу заҳотиёқ ажал жомидан шаҳидлик шарбатини ичди. Бироқ, бу воқеадан саросимага тушмаган Муҳаммадхон Шайбоний ва укаси Маҳмуд Султон бир гуруҳ аскарлари билан Бурундукхоннинг

кстидан кува кетдилар ва уларга етиб олиб, душманларни асир ва молу мулкани ўлжа олиб, эл ва улусларини ҳам банди қилдилар.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг Сигноқ вилоятига қайтиши зикри

Муҳаммадхон Шайбоний ва салтанат шиорли Маҳмуд Султон бир неча кун дам олиб ҳордиқ чиқардилар, роҳату фароғатда мириқиб чарчокларини ёздилар. Шундан сўнг улар билан бирга Дашти Қипчоққа бордилар, аммо мамлакат тахтига шаҳзода Шайбонийни ўтқазмоқчи бўлган Мусо Мирзо ўз ваъдасига вафо қилмади. Чунки, манғит амирлари барчаси бир ёқадан бош чиқариб, Мусо Мирзо олдига боришди ва унга қуйидаги гапларни ўқитиришади: «Қадим замонлардан то шу кунларгача одат бўйича манғит амирлари қайси хонни тахтга ўтқазсалар, ўша хонлар мамлакат ихтиёрини бутунлигича манғит амирлари қўлига топширганлар ва уларнинг ҳеч бир ишига аралашмаганлар, раъйларига қарши бормаганлар. Ҳозирги масалада эса қуёшдек равшанким, султон Муҳаммадхон Шайбоний ул тойифадаги подшоҳлардан эмас»¹. Мусо Мирзо айна ҳақиқатни айтаётган манғит амирлари гапидан қаттиқ таъсирланиб, шу зайл, ўз ваъдаси бажарилишни орқага сурди. Муҳаммадхон Шайбоний унинг ваъдасига қарши иш тутаётганидан хабар топгач, бу жойдан қўзғалиб, яратгувчи молик ҳимояси ва сақловида Сигноқ вилояти томон қараб кетди. Шу орада Жонибекхон ўгли Маҳмуд Султон Сузоқ⁵⁰ ни эгаллабди, эндиликда Туркистон юртларининг барчасини босиб олишни кўнглига тугиб, сонсиз лашкар йиғиб, урушга тайёрланаётган эмиш, деган хабарлар етиб келди.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг Маҳмуд Султон ибн Жонибекхон билан урушгани

Бу воқеанинг шарҳи шуки, мазкур хабар бахтиёр шаҳриёр Муҳаммадхон Шайбоний қулоғига етишгач, ўша пайтда ҳумоюн мавкабида бор-йўғи юз нафар киши бўлишига қарамасдан, ул жамоат билан урушишга азму қарор қилди ва «бирор ишга азму қарор қилсангиз, оллоҳга суянинг»⁵¹ ишоратига мувофиқ мақсадга эришиш отига миниб, душман томон юриди. Амиру сул-

тонлар бу кутилмаган вазиятда руй бериши мумкин булган хавф-хатар олдини олиш ва эҳтиёткорлик қондасига риюя қилиш лозимлиги юзасидан бундай ҳарбий юриш ва душманга қарши курашиш қарорига қанчалик қарши чиқмасинлар, бахтга ёр шаҳриёр ҳеч кимнинг гапини қабул қилмади.

Ва Муҳаммадхон Шайбоний душманга қарши йулга отланган уша куниси ҳаво шу даража совуқ эдики, унинг шиддатидан нафас олувчи ҳар бир жонзотнинг барча ҳис-туйғулари ҳаракатдан қолган эди. Алқисса, Муҳаммадхон Шайбоний ҳумоюн мавкабдаги мазкур юз нафар қиличвоз ёшлар билан бирга тезлигу шитоб ила ногаҳоний бало ва осмоний қазо сингари душманлар устига етиб бордилар. Душманлар ҳумоюн мавкабнинг етиб келганидан хабар топгач, жанг қуролларини муҳайё қилиб, икки томондан ҳам майдонга отилиб чиққан довюрак ботирлар ғазбланган арига ўхшаб бир-бирларига ёпиша кетдилар. Шу чопқулашиш асносида осмондан шундай қор ёға бошладики, кети узилмас паға-паға қор жангчи-ю оту улов жониворларининг кўзини очдирмасди. Гапнинг қисқаси, ботир жангчилар уша куниси кўзларини юмган ҳолда ўз рақибларининг додини беришди. Ҳар икки томондан чалинаётган ноғора-ю сурнайларнинг қулоқни қоматга келтирувчи товуши, жангчиларнинг саваш майдонидан тинмай эшитилаётган «ўлдир, чоп, доду фарёд» деган даҳшатли бақир-чақирлари куррайи заминни тўлдирганча, омону фалакка ўрлай бошлади, отлар дупури-ю отлиқларнинг шовқин-сурони кўк гумбазини ларзага солишга киришди. Зафарнасаб лашкарнинг камондорлари сира кечикмай ва бирон фурсатни ҳеч қўлдан бермай, қон чиқарар ўқларни худди Шаҳоб юлдузи³² га ўхшатиб, дев сийратли душман томон отиб турдилар ва «биз шайтонларни қувдик³³» каримасига биноан ул қувғинда шайтонларни Банот ун-наъш юлдузлари туркуми³⁴ каби ҳар ёнга қочириб, тарқоқ ҳолатга келтирдилар. Хаёлида бировларга нисбатан бахтсизликдан бошқа ўй-фикр йўқ душманлар энди шундай вазият ўз бошларига ҳам тушаётганини кўриб-билгач, урушни давом эттирмаққа ва жанг майдонида бир лаҳза турмоққа ўзларида мажол тополмай, тўхтовсизлик жиловини қочиш сари бурдилар. Зафарпаноҳ баҳодирлар илоҳий ёрдам инояти билан музаффарона ва мансуруна бир тарзда душманнинг қурол-яроқ ва жангга тааллуқли бошқа зарурий ашёларини ўлжа олиб, соғ-саломат ва кўни-кўнжини ўлжага лиммо-лим тўлдирган ҳолатда Муҳаммад-

хон Шайбонийнинг фалак упар байроғи соясида Сигноқ вилоятига қайтиб келдилар. Урушда шармандаларча енгилган ва аскарлари Дашти Қипчоқ буйлаб тарқаб кетган Маҳмуд Султон ибн Жонибекхон эса уз тасарруфи остидаги Сузоқ вилоятига қайтиб келиб, сочилиб кетган лашкарни қайта йиғиш пайидан бўлди. Сунгра кенгаш йиғини чақириб, маслаҳатни бир ерга қўйгач, илтижо ва илтимос ила Бурундуқхон ҳузурига мурожаат йўсинида равона бўлдилар. Бурундуқхон уларнинг илтимосини ерда қолдирмай, илтижоларини қабул қулоғи билан эшитиб, сони чўмолилар тўдаси каби сон-саноқсиз, арслон овчиси сингари довюрак, тоғ салобатли ва дев сифатли, Аҳриман⁵⁵ кўринишли, булут куюнли, чақмоқ чақинли аскарлардан иборат лашкарини олиб, Маҳмуд Султон ибн Жонибекхон билан рафиқу иттифоқ бўлиб, Сузоқ вилоятига келди. Бу хабар Муҳаммадхон Шайбонийнинг шарофатли қулоғига етишгач, ўша куниси, балки ўша соатиёқ осмон мартабали, офтоб нузли байроғини ҳилпиратиб Сигноқ вилоятидан чиққанча, буюк яратгувчи сақловининг ҳимо-яси инояти ва назорати ҳимоятида Сузоқ томонга йўналди.

Душманлар Муҳаммадхон Шайбоний келаётганидан хабар топгач, улар ҳам Сузоқдан чиқиб, Сигноқ тарафга қараб юзландилар. Ниҳоят икки тараф аскарлари йўлда бир-бирларига дучма-дуч келиб, Сағталиқ довоида томонларнинг тўкнаши рўй берди. Икки тарафдан эшитилаётган ноғора-ю карнай, чилдирма-ю сурнай овозлари, шувиллаб учаётган ўқларнинг чийиллаган саслари осмону фалак сари ўрлашга киришиб, «сур чалинадиган кун»⁵⁶ ҳайбатини юзага чиқара бошлади. Қиёматли йиғини довюраклари жанг майдони сари юриб, мард жангчилар жасурлик юзини жанггоҳ томон бурдилар. Ва ҳар икки тарафдан уруш машғаласининг шўъласи аланга олиб, жанг шовқин-сурони айланувчи фалак ва юлдуз тўла осмон сари етишди. Қурқмас қаҳрамонлар ва довюрак баҳодирлар кураш отини мусобақа аро йўрттирдилар ҳамда яраловчи ўқлар учи ва сувдек ялтироқ қиличлар зарби билан душманлар жонини халқумига келтирдилар. Ҳумоюн мавкаб узангиси хизматида бўлган бу юз нафар кўп сонли душман лашкари ва чексиз ғаним сипоҳи устига шеру қоплондек ташландиларки, агар буни Рустами дoston кўрса, ҳайрат бармоғини уй-хаёл тиши билан тишлаган бўларди, агар Афросиёб⁵⁷ мушоҳада қилса, узининг қаҳрамонлиги ҳақида оғиз очмасди. Ва жанг асносида Муҳаммадхон Шайбонийнинг бошқа сул-

тонларга қараганда кўпроқ ботирлик намунасини курсатаётган укаси Маҳмуд Султон душманларнинг бошлиғи бўлган Маҳмуд Султон ибн Жонибекхон билан юзма-юз тўқнаш келди. Шаҳзоданинг бу жасур укаси шижоат билагини давлат уқи билан очиб, хавфли душмани томон от солди ва ўтқир қиличини қон оқизиш мақсадида юқори кутариб, Маҳмуд Султон ибн Жонибекхон юзига қараб сармади. Қилич унинг бурнини бутунлай чошиб, юзидан айро солди ва бу билан тақдир мазкур калондимоғ султоннинг такаббурлик ва худбинлик хислатларини бурнидан чиқарди.

Муҳолиф аскарлари Маҳмуд Султонлар воқеасини кўргач, зудлик ва шитоб билан улар сари от солиб, ҳужумга ўтдилар ва ўз Маҳмуд Султонини Муҳаммадхон Шайбонийнинг Маҳмуд Султони кўлидан қутқозишга эришиб, уни бошқа томонга олиб қочдилар.

Аммо, душман сони қамров чегарасидан ташқари бўлгани ва ҳар тарафдан айланиб келиб, жаҳду жадал билан ҳужум уюштираётгани сабабли Маҳмуд Султон ва одамлари сари ҳеч бир томондан нажот эшиги очилмас, ҳеч бир майдондан қутулиб кетиш йўлаги топилмас эди. Шунга қарамай у кучи етгунча ва кўлидан келгунча бор имкони билан ҳаракат қилиб турди. Аммо, ниҳоят тоқати тоқ бўлиб ва курашиш қуввати заифлик томон қўйи эна бошлагач, анча уриниш ва қаттиқ жаҳду жадаллардан сўнг ҳолдан тойганча, қайта уринишлардан этак силтаб, куйдирувчи ғам офтоби, меҳнату алам момақалди роғи балосидан қочиб, паноҳ илинжида акаси Муҳаммадхон Шайбонийнинг фалакка етгивчи байроғи остига келди ва арз тили билан қуйидагиларни баён қилди: – Ихтиёр жиловни қўлдан чиқди, сабру тоқат қуввати изтироб орқасида ожизлик сари юзланди, душман сони ҳам қамров доирасидан ташқари ва ғаним лашкарининг ҳар бир аскарлари Рустами достону Кайқубод³⁸ дан устун. Хийнаткор фалак бирор бало-ҳодисани бошимиз узра ёғдирмасдан бурун ҳаёт юкини хавф-хатар гирдобидан нажот соҳилига олиб чиқайлик.

Охири, ҳар икки томон уруш палосини йиғиштириб, қайтиш ноғораларини чалишга тушдилар. Аммо, бу урушнинг овозаси теваарак-атрофга ёйилиб, жангга моҳир кўрқмас ёшлар ва темир совутни йиртишга қодир ботирлар, ҳаммаси бўлиб тўрт юз кишини ташкил қилганча, ҳумоюн мавқаб хизматига келдилар. Шу чоғда Муҳаммадхон Шайбонийнинг нурли кўнглига Хоразм ви-

лоятини эгаллаш фикри келиб, йуналиш байроғини уша томон ҳилпиратди. Бу юришда куплаб ўлжа ва сонсиз мол-ҳол қулга тушиб, сунг зафар асарли Муҳаммадхон Шайбоний қушини йуналиш жilовини Манқишлоқ томонга бурди. Шундан сунг Астробод вилояти⁵⁹ туманлари томонларга ҳам босқин-чопқинлар уюштирилиб, лашкар яна Манқишлоққа қуш ташлади.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг Султон Аҳмад Мирзо илтимосига кўра шаҳарлар фаҳри Бухорога бориши

Муҳаммадхон Шайбоний малики маннон инояти ҳимоясида истиқомат палосини бахту саодат билан соғ-саломат ва тинч-омон Манқишлоқ сарзамини узра ёйиб, истироҳат учун айшу ишрат асбобларини ҳозирлаб, ҳар кеча-ю кундуз кайфу сафо, еб-ичиш, яхшилаб дам олиш ва хурсандчиликка машғул бўлиб ўтирган кезларда салтанат пойтахти Самарқандда подшоҳлик ўриндигига ўтирган Султон Аҳмад Мирзо Тошкентдаги мўғул хонлари⁶⁰ нинг тез-тез Самарқанд вилоятига ҳужум уюштириб, шаҳар атрофидаги туманларни босқин-чопқин остида қолдираётганларидан анчагина ташвишда қолмоқда эди. Султон Аҳмадга Муҳаммадхон Шайбонийнинг тошни кесар қиличи бошга тушса, гавдани белгача икки нимта қилиши, наҳанг ханжари сояси денгизга тушса, тўлқинлар оғриқ изтиробдан мавж уришини яхши билар эди. Шунга кўра, тошкенлик муҳолифлар дастидан танг аҳволда қолган Султон Аҳмад Мирзо ўз қўли остидаги Бухоро ҳокими Амир Абдулали Тархонга Муҳаммадхон Шайбоний арзига етказиш учун худо ҳимоясидаги Самарқанд шаҳри аҳолиси мўғуллар босқини сабабли қийин аҳволда қолганини баён қилувчи ва бу балони самарқандликлар бошидан аритиш мақсадида ул жанобнинг бу тарафларга ёрдам учун қадам ранжида қилиши лозимлиги илтимосини билдирувчи хат битиб юбориши борасида буйруқ берди. Чунки, Султон Аҳмад Мирзо Муҳаммадхон Шайбонийнинг илгари Амир Абдулали Тархонга бундай лутфу карам кўрсатганидан ва улар орасида яхши муносабат мавжудлигидан хабардор бўлиб, амирни бундай ишга шу сабабли ундамоқда эди. Амир Абдулали Тархон Султон Аҳмад Мирзо буйруғи бўйича иш тутиб, Муҳаммадхон Шайбонийга нисбатан ҳаддан ташқари ишончи, ниҳоятда зур ихлоси бўлгани туфайли ишончли бир кишиси орқали мазкур арзни хонлик тахти пойига

етказди. Хатнинг мазмуни куйидагича эди: «Ул ҳазратнинг улуг бобоси Абулхайрхон марҳаматликда етук ва шафқатда олий даражали зот булгани сабабли Султон Абу Саъид Мирзога ёрдамга келиб, Мовароуннаҳр мамлакатларини эгаллаб, Султон Абу Саъид Мирзо қулига топширган эди. Агар Сиз жаноблари ҳам мукаррам ва муаззам ота-бобонгиз йулини тутиб, Султон Абу Саъид Мирзонинг катта фарзанди булмиш Султон Аҳмад Мирзога ёрдам берсангиз. Мазкур золим гуруҳларни тор-мор келтириш учун йуналиш жиловини бу томонларга бурсангиз, албатта, ишончимиз комилки, бу иш Сиз жанобларининг лутфу карамига хосу мос бир ҳол булажак».

Муҳаммадхон Шайбоний Амир Абдулалӣ ҳаққида ўта иноятли булгани сабабидан кўнглига унинг илтимосини бажариш ниятини жойлаб, муғул қавмига қирон келтириш учун йуналиш камарини белига боғлади ва Хоразм йулидан Бухоро томон қараб юрди. Ҳумоюн мавкаб Хоразм атрофига етишиб, дам олиш учун шу ерга қўнғач, Султон Ҳусайн Мирзо томонидан шу мамлакат ҳокимлигини бошқараётган Абдулҳолиқ ибн Аҳмад ибн Ферузшоҳ Муҳаммадхон Шайбоний ҳузурига кўплаб тортиқ ва совғасаломлар юборди ҳамда дуогўйлик расми ва ҳамду сано йўсинини бажо келтирди.

Қоракўлда ҳам Амир Султон Ҳусайн арғун шу услубда ана шундай яхши бандачалик қилиш йўлини тухфалар ҳамда ҳадялар юбориш орқали намоиш этди.

Ғалаба аломатли байроқнинг етиб келгани хабари Амир Абдулалӣ Тархон қулоғига етишгач, ушбу шеър мазмунича: – Шоҳлик тожини осмонга отди, Буюклик бошини фалак авжига илинтирди ва бошдан қадам ясаб, ҳумоюн мавкаб истиқболига ошиқди.

Амир шаҳзода узангисини ўпиш шарафини топгач, кўп эъзозу икром ва чексиз эҳтиромлар кўрсатиб, Муҳаммадхон Шайбонийни Бухоро шаҳрига олиб кирди. Хизмат учун нима лозим бўлса ва давлатхоҳлик борасида нима амалга ошиши зарур кўринса, ундан ҳам ортиқ даражадагисини бажо келтирди, салтанат асоби учун нима лойиқ деб топилса, бекаму кўст тарзда муҳайё қилди ва бир неча кун давомида кетма-кет равишда ўтиришу зиёфатлар уюштириб, шодлик ва хурсандчиликлар юзага чиқарилди. Яъни Муҳаммадхон Шайбоний шу кунлар ичида анчагина йўл ҳордиқларини чиқариб, дам олиш билан машғул бўлди. Шундан

сунг юриш байроғини Самарқанд сари ҳилпиратди. Султон Аҳмад Мирзо ғалаба байроқли ҳумоюн мавкаб етишганидан хабар топгач, кутиб олиш маросимини адо этиб, ул хўжаста фаржом шаҳриёрга нисбатан икрому иззат ва эҳтиром тарийқини бажо келтирди.

Ишқилиб, Султон Аҳмад Мирзо давлатининг душманлар фитнаси чангидан ғубор топган кузи Муҳаммадхон Шайбоний қадами тупроғининг жавҳарлари сурмаси билан қайтадан нур топиб, самарқандлик шаҳзода худога чексиз шукрлар қилди.

Бу салтанат нишонли икки шаҳзода Сулаймон билан Довуд⁶¹, Кубод билан Нуширвон⁶² бир тахтда ултирганлари каби бир ўриндиқ узра жой олдилар. Алқисса, зиёфат айёми тугагач ва дастурхон атрофидаги ўтиришлар ниҳоясига етгач, Султон Аҳмад Мирзо ва давлат устунлари Муҳаммадхон Шайбоний арзига қуйидаги гапларни етказдилар:

«Мана бугун хон жаноблари дўстларга ёрдам учун келиб, бошимиз кукка етиб турибди. Энди муғуллар ёмонлигини қанча тезроқ йуқ қилсак, бизнингча, шунча савобга яқин иш қилган бўламиз».

Бу маслаҳатдан сунг Муҳаммадхон Шайбоний Султон Аҳмад Мирзо ҳамроҳлигида бир тан, бир жон бўлиб, Тошкент томонга қараб йул олиб, Самарқанд шаҳридан бир манзиллик ташқари ерда қўш ташладилар. Биринчи манзилдаёқ Муҳаммадхон Шайбонийнинг салобат ва улуғворлигини кўриб, бу улка аро унннг кундан-кунга камол чўққиси сари тараққий топиши ва ул жанобнинг бахт юлдузи бу ерларда тобора юксалиши мумкинлигини ўйлаб, самарқандлик давлат арбобларининг юракларига гулгула туша бошлади. Шу жиҳатдан Султон Аҳмад Мирзонинг ҳасад ўти аланга олди. Ҳақиқатдан ҳам бу шайбонийлар хонадонига мансуб хоннинг маҳобати баландлиги ва салобати шавкатининг довруғи улуғлик товуши меърожига ва дабдабаниннг энг юқори авжига, тупроқ даражасидан фалак чўққиси сари етишгач, қудратининг донги ва ҳайбатининг овозаси айланувчи гунбаз чортоғини тутди. Шу сабабли юраксиз қалби торлар ва калтабин бадқирдорлар борган сари ваҳимага тушган ва тобора қўрқув ичида қолган эдиларки, ул жанобнинг номини эшитган заҳоти бадаандаги еттита аъзолари ларзага келарди. Ва қўрқувлари энг авж нуқтасига етишгач, хон шухратидан хавфлари ҳаддан зиёдлиги уларни шум ният ва макр сари етаклади. Натижада, Султон

Аҳмад Мирзо ва давлат арбоблари бир ёқадан бош чиқариб, кўнгиллари сари йўл топган қуйидаги ёмон маслаҳатни амалга оширадиган бўлишди: – Бир кечаси ўтириш уюштириб, ул ҳазратни шу зиёфатга чорлаб, билдирмасдан ул жаноб жонига қасд қилиш ва шу йўл билан ул шаҳзодадан қутилиш!

Аммо, бундай шум режадан хабардор айрим кишилар шайбоний хони давлатига хайрихоҳ бўлганлари учун шаҳзодани воқеадан огоҳлантиришди. Огоҳлантирувчилар яна узрхоҳлик ила айтишдики, мана энди сирдан воқиф ва воқеадан огоҳ бўлдингиз, мабодо, ҳузурларига бориш лозим кўрилса, эҳтиёткорлик йўлини тутиб, ичкарида ҳам, ташқарида ҳам қаттиқ даражада ҳушёр туришингиз керак. Алқисса, Султон Аҳмад Мирзо одамлари Муҳаммадхон Шайбонийни меҳмонга чақириб келишди. Шайбонийхон томонидан баҳодирлардан қобилиятли уч юз нафари ҳумоюн мавкабда боришлари ҳамда бориш ва келиш пайтлари ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни бир дақиқа ҳам қўлдан бермаслик борасида олий буйруқ берилди.

Муҳаммадхон Шайбоний малики маннон оллоҳ ҳимояси ва сақлови остида Султон Аҳмад Мирзонинг чодирига киргач, у билан бирга келган уч юз нафар баҳодирлар чодир атрофини узук қоши айлана билан ўралгани каби ўртага олдилар ва султон чодирининг қаровуллари қанчалик буни ман қилишларига қарамай, гапларига сира ҳам қўлоқ осмадилар. Хонликнинг баҳодирлари бир сўз экани ва жонбозларнинг якдиллиги Султон Аҳмад Мирзо ва аркони давлатга маълум бўлгач, бунда бир гап борлигидан ҳадикка тушиб, шум ниятли ишга қўл уришдан ўзларини тийдилар ва ниёз йўлини тутиб, хизматга бел боғлиқ турдилар. Зиёфат ва меҳмондорлик маросимидан сўнг ҳумоюн ўрду қуршовидаги ул ҳазратни кузатиб қолдилар.

Алқисса, шаҳзода ул манзилдан кўчиб, Кўк гунбаз манзилига келиб тушди. Султон Аҳмад Мирзо ва давлат устунлари тагин ўша шум ният билан зиёфат ташкил қилиб, хон Шайбоний олдига махсус бир чопар юбориб, бу галги ўтиришга ҳам келишини илтимос қилдилар. Бу хиёнат йўлига кирган мунофиқларнинг ғаразли мақсади ва тузган шум режасидан яхши хабардар Муҳаммадхон Шайбонийнинг юрагида ғазаб оташи алангаланиб, чопарни ёнига чақирганча шундай деди: – Ёмонлик кўйига тушган бу ёвуз қавм ўз бузуқ ниятини амалга ошира олмайдилар, фақат орамиз бузилиши ва дил ўксиши қолади,

холос. Шундан бошқа самарани қўлга кирита олмасликлари аниқ. Қўринадикки, бу ақлсиз қавм кўнглига, эндиликда даштлик хонлар бизга тобе бўлсин, айтганимизни қилсин, қабилдаги бўлмағур фикр келибди. Ярамас ишлиги шундаки, қадим даврлардан бу ўлкаларда бизнинг ота-бобомиз салтанат юргизиб, бу юртларни ўз фармони остида ушлаб келган. Қимқи бизнинг сулоламизга итоатда бўлмоқ камарини тўла ихлос ила ўз белига тақмас экан, ўшанинг байроғи сира ҳам юқори кўтарилмайдди. Ҳеч бир ақлли одам, ҳатто, ҳеч нарсани билмайдиган ғафлатдаги киши ҳам бу куракда турмас ишга қўл урмайдди-ку! Дучор бўлган қийин ишларини унглаб олиш илинжида қанча илтимосу илтижо ва ялиниш билан бизни бу ерларга чақириб келган кишилар бу қилиқларидан сўнг наҳотки эл аро маломат билан тилга олинишини истасалар?

Султон Аҳмад Мирзо юборган одам султон олдига қайтиб бориб, мақсади ҳосил шаҳриёрдан эшитганларини заррача оширмай ва камайтирмай «элчи елкасида фақат етказиш бор»⁶³ калимаси бўйича Султон Мирзо арзига етказди. Султон Аҳмад Мирзо ва унга тобе давлат арбобларининг пешонасини хижолат тери босиб, юзларини афсусу надомат аломати қоплади. Султон Аҳмад Мирзо шу заҳотиёқ давлат устунларини чақириб, Шайбонийхон ҳузурига юборди. Улардан Амир Дарвиш, Муҳаммад Тархон ва унинг укаси Амир Абдулалӣ Тархон, Амир Аҳмад Ҳожи, Амир Дарвиш, Амир Юсуф, Амир Султон Жунайд, Муҳаммад Элчи Буғо сингари таниқли арбоблар бошқа амирлар ва давлат устунлари билан бирга Муҳаммадхон Шайбоний кўрунишхонаси олий остонасига етишиб, итоат тупроғини ўлганча, ғаразғўйларнинг мақсади ҳосил шаҳзоданинг пок қўлоғига етказган гапларининг бариси бўлмаган гап, дея гумонли иймонларини ўртага қўйиб қасам ичдилар. Одатда хусравона лутф мухлисларнинг амалга ошмаган айбларидан ўтмоқ, муҳиблар кудурати чизигини афв ва кечирим сайқали билан ўз ёғдули қалбидан йўқотмоқдан иборат бўлиб, ҳукмдорларга хос хусусият ҳамиша ҳам бундай гуноҳларни мангуга қалбларига муҳрламасликдир. Келувчи жамоат кечирим сўрашни ҳаддан оширавергач, тадбиру чора кўриш борасида етук ва қобилиятли Муҳаммадхон Шайбоний мурса ва мадуро йўлини тутиб, ёмон ниятлар гуноҳидан ўтди.

Тўлунхожа мўғулнинг Муҳаммадхон Шайбоний устига ҳамла қилгани ва шу жангда Маҳмуд Султон қўлига асир тушгани

Бу воқеанинг шарҳи ва ҳодисанинг баёни шуким, Султон Аҳмад Мирзо Муҳаммадхон Шайбоний билан бирга Илон утти довонидан ўтиб, Дизақ қасабасига келиб қўш ташлагач, Султон Аҳмад Мирзо Муҳаммадхон Шайбоний ўз одамлари билан эровул бўлишини сўради. Муҳаммадхон Шайбоний Султон Аҳмад Мирзонинг бу илтимосини тўғри бир ҳарбий маслаҳат ўрнида билиб, қўшиннинг олди бўлиб, бир манзил нарироққа борди ва Хавос мавзесида манзил тутиб ўтирди. Тун ярмидан ошгач, уруш майдони бошига етиб келган ва шу орада бекиниб турган мўғул ҳарбийларининг улуғлари ва амирлари шабихун расми билан ғалаба аломатли ҳумоюн аскарлар устига бостириб келдилар. Муҳаммадхон Шайбонийнинг укаси Маҳмуд Султон бундан хабар топиб, ўз қўли остидаги ботир жангчилар билан ул жамоатга қарши уруш ва саваш сари отланиб, тоғ гавдали таковарлар устига миндилар. Обдор қилич билан чопиш ва жон олувчи найзалар билан санчиш сари киришиб, душман устига шеру қоплондек ташландилар. Биринчи ҳамладаёқ муҳолиф аскарлари ўртасига ёриб кириб, уларни ҳар ёнга тарқатиб юбордилар. Бу шабихун лашкари тўпининг бошлиғи бўлган Тўлунхожани эса қўлга тушириб, асир олишга муваффақ бўлдилар ва дарҳол қўл-оёғига кишан солдилар.

Бу ғалаба хушxabари Султон Аҳмад Мирзо қулоғига етишгач, бу воқеанинг қанчалик қувонч ва хурсандчилик сабабчиси бўлганига қарамай, у ва яқинлари юрагидаги ваҳима ва қўрқув юз чандон бўлди. Муҳаммадхон Шайбоний эса шу зайл ўз одамлари билан илғор йўсинида дарёдан ўтиб, Шохрухияга яқин ерда қўш ташлади.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг Султон Аҳмад Мирзодан ажралгани ва Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон билан иттифоқ тузгани зикридаги гаплар

Султон Аҳмад Мирзонинг ўз давлат арбоблари билан тил бириктиргани ва улар ҳали ҳам ўз қарорида тургани Муҳаммадхон Шайбонийга тагин маълум бўлиб, қалби саҳифасида қайта жонлангач, кўнглига «Нимага энди бу ёмон ниятли ва хиёнатчи гуруҳ

учун уз жонимни шунчалик хатарга қўйишим ва машаққатлар тортишим керак экан. Бу маъно ва мантиқсиз ишдир. Чунки, ғараз асосига қурилган дўстлик бир кун келиб бузилиш, иш душманлик билан якун топиши аниқ» қабилидаги фикр келди.

Ва ниҳоят Муҳаммадхон Шайбоний ушбу фикр орқасида «мана шу сен билан менинг ажрашимиздир»⁶⁴ ояти қаримасига кўра нифоқ аҳлидан ажралнишга қарор қилди. Шунга биноан, ҳумоюн мавкабнинг Тошкент йўли орқали Туркистон томонга юришига буйруқ берди. Чирчиқ дарёсидан ўтилгач, Чакур қалъасига келиб тушдилар. Муғул амирларининг улуғларидан бўлмиш Хайдар бек, Яҳёбек, Маҳмуд Мирзо ханжар урувчи тўрт минг отлик билан чиғатой⁶⁵ лашкарининг келишини кутиб тургандилар. Муҳаммадхон Шайбонийнинг қўшинини узоқдан кўргач, уларга қарши тўхтовсиз равишда уруш сари юзландилар. Бироқ, Муҳаммадхон Шайбоний одам юбориб, муғул амирларига қўйидагиларни маълум қилди: «Бизнинг на сиз билан урушга истагимиз ва на чиғатой халқи билан бирга бўлишга тилагимиз бор. Кўнглимизга Султон Маҳмудхон билан қайтадан ярашиб, ака-укалик аҳду паймонини боғлаш қарори келди». Муғул амирлари бу хушхабардан бир неча ютуқларни қўлга киритишга умид боғладилар. Чунки, уларнинг қўрққани Муҳаммадхон Шайбонийнинг чиғатой подшоши билан бирдам бўлгани эди. Мана энди Муҳаммадхон Шайбоний билан чиғатой подшоҳлари ўртасидаги иттифоқ иплари узилибди. Улар юраги қувонч ва шодликка тўлиб, Муҳаммадхон Шайбоний ҳузурига ошиқдилар ва итоат тупроғини ўпиб, ул жанобни эъзозу икром билан Тошкент томонга олиб кетдилар. Тошкент агрофидаги ноҳиялар юксалиш сари юз тутган давлат лашкари ўрнатган чодирлар билан лиммо-лим тўлгач, Шайбонийхон Тошкент подшоши Султон Маҳмудхон ҳузурига чопар юбориб, тинчлик эшикларини очганча, ушбу сўзларни тилга олди: – Менинг сен билан урушиши ниятим йўқ, гапим рост, кел, ярашайлик.

Султон Маҳмудхон ҳам унинг икки жаҳон дардига ярагувчи муносиб илтимосини бажону дил ва тўла майл билан қабул қилиб, истиқболига ошиқди. Икки хон юзма-юз туриб, бир оғиздан икки ўртада қайтадан биродарлик алоқаларини мустаҳкамлашга келишиб олдилар. Бунинг хабари Султон Аҳмад Мирзо қулоғига етишгач, кучли қўрқинч ваҳимасидан қутулишнинг ягона чорасини орқага қараб қочишда кўрди.

Муғуллар чигатой лашкари курқувга тушиб, орқага чеки-наётгани, балки тум-тарақай қочаётгани хабарини эшитгач, бундан дадилланиб, улар орқасидан юриш бошладилар. Султон Аҳмад Мирзо қушини ва аскарларининг кўпи дарёдан утиш пайти ўзини сувга ташлаб, фано дарёсига чўкдилар, фақат қолган озчилик қисмгина қаттиқ қийинчиликлар билан ўзларини нажот соҳилига етказиб, ул қон ичувчи гирдоб қаъридан қутулиб чиқдилар. Чигатой лашкари Сурайё сифат бир ерга тўп бўлган ҳолда келган эди, Банот ун-наъш сифат ҳар тарафга сочилганча, тарқоқ ҳолда изига қайтдилар. Муҳаммадхон Шайбоний уғруқни Бухорода кўйиб келган эди, ноилож Бухоро томонга қараб кетди. Султон Аҳмад Мирзо томонидан кўнгли ғубор топгани ва унга ишончи бутунлай йўқолгани учун тез фурсатлар ичида уғруқни олиб, тез ва шитоб билан Туркистон диёрига ошиқди. Тоблиқ Ото мавзеига етишганда, отларнинг бутунлай ҳолдан тойгани маълум бўлди. Муҳаммадхон Шайбоний шу оғир ҳол ва қийинчилик аҳвол асносида буюк яратгувчи даргоҳига илтижо қилиб, муборак тили билан оллоҳдан ёлғизлигига мадад тилади. Бу ҳолдан шаҳриёр ёнидаги кўпчилик аён ва ҳумоюн мавкаб аҳли сабр-тоқатни қўлдан бериб, чидамсизлик изҳор эта бошладилар. Муҳаммадхон Шайбоний субҳоний иноятга суяниб, оллоҳнинг чексиз лутфидан умид узмаслик лозимлигини айтди. «Албатта ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга енгиллик ҳам бордир»⁶⁶. Шу мақолни тилда такрорлаб ва мазкур ҳолни баён қилиб турилган пайтда узоқдан қимирлаётган бир қора кўринди. Яқин бориб кўрилгач ва воқеадан яхши хабар топилгач, шу нарса аён бўлдики, молга тўла карвон Бухородан чиқиб, Туркистон томон кетаётган экан. Карвон аҳли Муҳаммадхон Шайбонийнинг шу орада эканидан хабар топгач, итоат юзини фароғат тупроғи узра суриб, истаган нарсасини олишини айтдилар.

Муҳаммадхон Шайбоний лутф йўлидан эҳсон ва марҳамат қадами билан юриб, карвон аҳли кўнглига юпанч солиб ва далдалар бериб, улардан ҳозирча оила учун зарур бўлиб турган бир нечта от-улов сўраб олди, холос. Сўнг оиласини Арқуқ қалъасига етказди. Илгаридан улуг хоқон Абулхайрхон ҳазратларига ихлоси баланд бўлган мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Бекчик ёнидаги каттаконлар ва хос аёнлар билан шаҳзода олдига пешвоз чиқиб, уларни Арқуқ қалъасига олиб кирди.

Куллуқчилик шароити ва зиёфат маросими, хизматкорлик ва меҳмондорлик русуми учун нима лозим бўлса, бажо келтирдилар. Хонлик аскарлари бир неча кун давомида мазкур қалъада дам олиб, йул азобларидан қутулдилар. Шу аснода Муҳаммадхон Шайбоний арзига Ўзганд вилоятининг катта амирларидан ҳисобланган Амир Ҳамза бошқа бир нечта амирлар билан тил бириктириб, катта лашкар тўплагани ва Арқуқ вилоятини босқин-чопқин қилиш учун келаётгани хабари етишди. Муҳаммадхон Шайбоний узангиси остидаги юз нафар жасур аскар билан, оллоҳга таваккал қилганча, қалъадан ташқари чиқди ва уруш оловини ёқиб, қўрқув нималигини билмасдан худди шер ўзини оҳу галасига урган каби битта ўзи душман устига ташланди ва биринчи ҳамладаёқ ғаним аскарини Банот ун-наъш юлдузлари сингари ҳар ёнга тарқатиб юборди. Анчасини уткир қилич зарби билан ер тишлатди. Амир Ҳамза бундай урушиш расмини кўриб, саросимага тушганча қонли гирдобдан ўзини четга олиб, қочиш жilовини орқага чекиниш водийси томон бурди.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг Сигноқ қалъасида қамалда қолгани ва унинг Бурундуқхон томонидан қуршовга олингани

Бу воқеадан сўнг Муҳаммадхон Шайбоний муборак кўнглини қалъаларни мустаҳкамлаш сари қаратди. Чунки, ўша айёмда мухолифлар куч тўплаб, теварак-атрофдан Туркистон вилоятига қарши ҳужум уюштириш учун йўлга чиқа бошлаган эдилар. Шунга кўра ўгли Муҳаммад Темур султонни ўзи билан олиб келди. Отолиқни йигирма чоғлик жасур одамлар билан Ўзганд қалъасига киритиб, ул қалъанининг буржу борини мустаҳкам қилдирди. Укаси Маҳмуд Султонни ёнидаги баҳодирлари билан Урқуқ қалъасида қўйди. Ўзи эса ҳумоюн узанги ёнидаги олтмиш нафар ботир курашчи аскар билан Сигноқ тарафга қараб кетди ва ул қалъани мустаҳкам ерга айлантирди. Шу орада, Бурундуқхон ва Жонибекхон авлодидан Қосим султон ва Ҳамзабек иттифоқ тузиб, Сигноқ қалъасини қайтариб олиш мақсадида катта лашкар тўплаб, қалъа томон отланаётгани хабари етиб келди. Муҳаммадхон Шайбоний душманлар етиб келгач, Сигноқ қалъасини ўзи учун мудофаа жойига айлантдириб, эҳтиёт юзасидан

қалъа атрофини қайта мустаҳкам ҳолга келтирди. Бурундуқхон айтганимиз ҳаддан ташқари кўп аскар билан етиб келиб, дарҳол қалъани узук қоши каби айлана қилиб ураб олди. Алқисса, уч ойгача ҳар кун уруш олови ёниб турди, аммо душманлар қанча тиришмасин, қўзлаган ният ва мақсадига ета олмадилар. Ниҳоят, маъюс ва ғамгин ҳолатда ғазабини ичига ютганча ноумидлик билан қалъа атрофидан қўзғалдилар. Ўша йил қишида Муҳаммад Мазид тархон билан иттифоқ тузиб, Утрорга яқин жойда қишни ўтказишга қарор қилдилар.

Баҳор фаслида эса Муҳаммадхон Шайбоний билан муҳолифлари ўртасида бир неча бор тўқнашувлар рўй берди. Муҳаммадхон Шайбоний Сигноқдан чиқиб, атроф ерларда жанг қилиш учун кетган маҳаллардан бирида эса уруш ва қамал азоблари жонига теккан Сигноқ аҳлидан Садиқ шайх, Чақмоқ юзбеги каби обрўли кишилар Бурундуқхонни чақириб, Сигноқ қалъасини унга топширдилар. Бир неча кун ўтгач, Ҳамзабек манғит тўрт минг довюррак жангчи билан Муҳаммадхон Шайбонийни Ўзганд қалъасида қамал қилди. Чунки, хон лашкари жуда кам бўлганидан чиқиб урушишга мажол топмаган ва шу сабабли қалъада қамалиб ўтиришга мажбур бўлганди. Рамазон ойи⁶⁷ ни бутунлигича шу қамалда ўтказдилар, бироқ шу орада икки томон жангу жадал, уруш ва ўлдириш билан ҳам машғул бўлдилар. Ҳамзабек бу уруш ва савашдан ҳамда қамал йўсинидан ҳеч бир натижага эришмагач, ниҳоят, шарманда ва шармисор суратда Утрор⁶⁸ атрофидан қўзғалиб, чекиниш жоловини орқага қайтиш томон бурди. Айни ўша пайтларда Бурундуқхон ҳам Жонибекхон авлоди ва Муҳаммад Мазид тархон билан иттифоқликда Арқуқ қалъаси томон йўналган бўлиб, Маҳмуд Султонни қамалда ушлаб турарди. Бу ерда ҳам қирқ кун мобайнида ҳар икки тарафдан жанглар бўлди. Муҳолиф ҳаракатининг ўқи мақсад нишонига тегмагач, ҳатто Бурундуқхон ўрдусининг атоқли баҳодирларидан саналган Гадоёхожа араб каби бир неча машҳур довюрраклар ва мақсади ҳосил курашчилар ҳалок бўлгач, Бурундуқхон иш чораси ва тадбир иложини фақат орқага чекинишда деб билди ва Манғит лашкарининг бариси Ўзганд йўли билан ўз вилоятига қайтиб кетдилар.

Шайбонийхоннинг Хоразм томонга юриш қилгани ва Хоразм уруши воқеаларидан айримларининг баёни

Шавкатли хон шарафи овозаси ва салобати таърифи барча томонларга ёйилгач, ҳар тарафдан жанг ишига яроқли мардлар ва жон олиб, жон берувчи довюраклар умидворлик билан Муҳаммадхон Шайбоний даргоҳига узлуксиз равишда кетма-кетлик ва тўхтовсиз суратда келиб, ҳумоюн мавкабга қўшилдилар. Гардун аломатли аскарлар сони турт юз нафарга етгач, шаҳзода олий ҳимматини Хоразм вилояти сари йўналтирмоқ ва ҳамиша мақсади ҳосил султонлар давлатининг пойтахти ва қудратли хоқонларнинг халифалик маркази бўлиб келган ул вилоятни тасарруф доирасига киритмоққа қарор қилди. Шу мақсадда йўналиш жиловини уша томонга қаратди ва дастлаб Хоразм шаҳри⁶⁹ яқинидаги Тирсак қалъасини эгаллаб, оиласини уша вилоятда қолдирди. Ўзи эса жасур ва қаҳрамон аскарларга бош бўлиб, Урганж тарафга қараб кетди. Шаҳар атрофига етиб келиб, уни доира сифат қуршовга олди ва аторофлаганча шаҳар қалъасини ураб утирди. Шаҳарни кулга киритиш ишлари эрта-индин амалга ошай деб турганда, зафар байроқли жаҳон олувчи хоқон кулогига Султон Ҳусайн Мирзо⁷⁰ буйруғига кўра Хуросон тарафдан йўлга чиққан ўн минг жасур отлик ҳамроҳлигида келаётган илғор гуруҳ ҳақидаги хабар етишди. Шунга кўра, Муҳаммадхон Шайбоний Урганж қалъаси атрофидан кўзғалиб, Булдумсоз қалъаси томонга кетди. Уша пайтда Султон Ҳусайн Мирзонинг кўркмас амирларидан саналган Халилбек найзачи қалъани маҳкамлаб, мудофаа елкасини қалъа деворига кўйди. Муҳаммадхон Шайбоний Булдумсоз қалъаси атрофига етишгач, қамал ва жанг учун бел боғлади. Бироқ, Халилбек найзачи Сайид Ото – *алайҳирраҳма* – авлодининг улуғ ва азизларидан бири бўлмиш Сайид Носир Азизни кўп совға-салом ва сон-саноқсиз қимматбаҳо тўхфа-ю ҳадялар билан қалъадан ташқари чиқариб, Шайбонийхон ҳузурига юборди ва шу хўжа орқали хонга тавба-тазарру ва кечирим, оҳу зорлик сўзларини етказди. Жумладан, Султон Ҳусайн Мирзо учун тарбиялаб турган овчи шунқор қуши ана шу совғаларнинг боши бўлди. Етук марҳамат ва тула лутфу карам кўрсатиш Шайбоний хонининг энг яхши хислатларидан бўлгани сабабли ул Сайидзоданинг илтимосини ерда қолдирмади ва қалъа дарвозаси олдидан кўзғалди. Шу аснода Султон

Хусайн Мирзонинг сараланган ва уруш кўрган ун минг аскарни туркман султонлари авлодидан Шоҳ Будоғбек Бояндурий ва Зайнал Баҳодир, Муртазо Баҳодир Манғитқишлокий, Юсуф Суфи Адоқий, Мирзо Алибек Барлосий Форсий сардорлигида бу тарафларга юборгани хабари келди. Ул жамоат илгари илғор билан келган Абдулхолик ибн Аҳмад ибн Ферузшоҳ, Амир Валибек, Беҳбудбек ва бошқалар билан Вазир шаҳрида бир-бирига қушилдилар ва уруш бўлишини кутиб турдилар. Хонлик боргоҳининг мақсади ҳосил наввоби Маҳмуд Султон воқеа суратини мамлакат олувчи хоқоннинг нурли кўнглига аён этгач, уша замон ва шу лаҳзадаёқ подшоҳликнинг тобеъларга қарата «тайёр ва муҳайё бўлиб турган аскарлар бир жойга йиғилсин ва Рустам нишон довюраклар бу фармондан хабар топгач, вақтинча тўпланган жойида ҳозир турсинлар» мазмунидаги фармони бўлди. Аскарлар сони олти юз нафардан ортиқ бўлмаса-да, лекин уларнинг ҳар бири жанг майдонида бир Рустами дoston ва уруш ўрмонида бир йўлбарс эдилар. Муҳаммадхон Шайбоний барча баҳодирларни бу ишда яқдил ва баҳамжиҳат кўргач, моддий ва руҳий нарсалар яратувчисига таваккал қилиб, йўналиш жиловини Вазир шаҳри томонга бурди ва сони қирқ мингдан ортиқ бўлган муҳолиф лашкари кўплигидан заррача ҳам тап тортмади ҳамда қўрқинч нималигини қуёш нурли кўнгли сари йўлатмади. Икки томон бир-бирига рўпара келгач, Шайбонийхон ҳумоюн мавкабидаги олти юз нафар ботир жангчи билан ўзини душман устига ташлади ва уткир қиличи ва тошни тешар ўқи зарби билан жанг майдонини қонга булғади. Алқисса, тонг отгундан то кун ботгунча жанг оташи ва уруш олови ёниб турди. Ниҳоят, муҳолиф лашкари шунча кўплигига қарамай қўрқувга тушиб, арава ва туралар ташлаб, ўзларини минг усул ва ҳийлалар билан жойлашган маконлари бўлмиш хандақ четидан Вазир шаҳрига етказдилар. Эртаси кун Муҳаммадхон Шайбоний субҳоний сақлов ва ҳимоят остида битта ўзи қалъа сари от солди ва ул жамоани урушга чақирди. Хуросон амирлари жуда ҳам қўрққанларидан баҳона кўрсатишга тушиб «бугун уруш ва саваш вақти эмас» дедилар. Бошқа кунлари ҳам шунга ўхшаш ҳар хил баҳоналар билан урушга чиқмай, Вазир шаҳрида қамалиб ўтирдилар. Охири, тез кунларда Хоразм ҳокимлиги ўриндигига ўтиришига фармон чиққан Беҳбудбек Урганжга чопар юбориб, у ернинг улуғларидан қуйидагича илтимос қилди: «Хуросон томон-

дан Бадиуззамон Мирзо ун минг яхши қуролланган аскар билан етиб келиб, хандақда урнашди, хавотир олманглар, деган мазмунда ёлгон бир хат ёзиб, чопар билан бизга юборинглар». Урганждагилар Беҳбудбекнинг топшириғига кура ёлгон хабарли мактуб битиб, Вазир шаҳрига юбордилар. Асли гап нимадалигидан беҳабар Вазир шаҳри аҳолиси шоду хуррамликдан севинчлари ичига сиғмай бақриб-чақриб, қалъани бошига кутардилар ва хатни Муҳаммадхон Шайбоний ҳузурига юбордилар ҳамда хабарнинг ёлгонлигини билмасдан бамайлихотир барчага эълон қилишга тушдилар. Ҳумоюн мавқабдаги султонлар ва амирларнинг эса бу хабардан юракларига қурқув тушиб, Адақ қалъаси сари юзландилар. Хуросон амирлари бундай фурсатни ганимат билиб, тезликда Вазир шаҳридан ташқари чиққанча ўзларини апил-тапил Урганж қалъасига урдилар. Муҳаммадхон Шайбоний эса шу пайтгача ўта мустаҳкам ва пишиқ қурилганидан султон ва ҳокимлардан ҳеч бири ола олмай юрган Адоқ қалъасини ишғол қилди. Зафарга ёр аскарлар шу қалъада бир неча кун ҳордиқ ёзиб, дам олдилар ва уруш машаққатлари сабаб тортган азоблардан қутулдилар. Мамлакат олувчи хоқон ҳам яхшилаб дам олиш ва тўйиб овқатланиш пайдан бўлди. Бир неча кун ўтгач дўстларни сийлагувчи, душманларни қийратгувчи хоқон Астробод вилояти томон юриш қилиб, ул вилоятнинг теварак-атроф туманларига босқин-чопқин уюштирди ва кўп ўлжа молни қўлга киритиб, ихтиёр жиловини Туркистон шаҳрига бурди.

Султон Ҳусайн Мирзо ўз амирлари воқеасидан хабар топгач, ғазаб олови аланга уриб, шу нафрати устида хат орқали уларни ёмон сўзлар билан ҳақорат қилди ҳамда молларини мусодара-ю толон-тарож, жонларини суғуриб олишга буюриши таҳдидини билдирди. Бунга ҳам қониқмай, қурқоқ амирларини иснод ва уятга қолдириш учун аёллар кийими ва безак асбоби бўлмиш ҳижоб, ғоза, сурма, упа-элик ва шунга ўхшаш нарсаларни юборди. Амирлар бундай фармондан хабар топгач, ниҳоят даражада қурқувга тушиб, Мирзо Жаҳоншоҳ Туркман⁷¹ авлодидан бўлмиш Шоҳ Будоғбек Туркманни воқеани ётиғи билан яхшилаб тушунтириш ва шоҳ ғазаби оловини пасайтириш мақсадида олий тахт поясига жунатдилар. Шоҳ Будоғбек Туркман салтанат пойтахти Ҳиротга етиб келди ва сарой амирлари юзида дарғазаблик ва аччиқланиш аломатларини кўриб, Султон Ҳусайн Мирзо олдида тиз чўкди ва соддадиллик билан қуйидаги гапларни султон арзига

етказди: «Амирлар ҳақиқатдан ҳам қул-оёқларини ишга солиб, душманга қарши уруш қилдилар ва яхшиямки Урганжни сақлаб қолдилар. Агар Сиз ҳазрати аълонинг узлари Хуросоннинг бутун лашкарини Урганж томон олиб борсангизу Шайбонийхоннинг уша олти юз нафар аскари уддасидан чиқа олмасангиз, унда нима буларди?»

Султон Ҳусайн Мирзо қозоқлик⁷² да юрган пайти Муҳаммадхон Шайбонийга дуч келган ва унинг шижоати-ю жасурлигини яхши биларди. Шу сабабли инсоф йўлини тутиб, ғазаб отидан тушди ва амирларнинг гуноҳ юзларини афв суви билан ювиб, шундай итоатгўйлик билан хизмат қилишда давом этишлари юзасидан буйруқ-нишонларини юборди.

Султон Маҳмудхоннинг Ўтрор вилоятини халифайи раҳмон Муҳаммадхон Шайбоний ихтиёрига топшириши зикри

Бу воқеалардан сўнг Тошкент вилояти волийси Султон Маҳмудхон лашкар тортиб, Ўтрорни ўз тасарруфи остига киритди. Бироқ, уша маҳалда Ўтрорни тошкентликлар қўли остида сақлаб туришни давом эттиришнинг бир айбли жойи бўлиб, Самарқанд подшоси Султон Аҳмад Мирзонинг Тошкент вилоятига бостириб келиш хавфи йўқ эмасди. Шундан ҳадикка тушган Султон Маҳмудхон давлат арбоблари билан маслаҳатлашиб, Ўтрорни Муҳаммадхон Шайбоний ихтиёрига топшириб, ўзи Тошкент вилояти сари қайтиб кетишга қарор қилди. Чунки, бу машварат чоғи Муҳаммадхон Шайбонийнинг қадимдан Султон Маҳмудхон зиммасида ҳаққи борлиги, айниқса, Самарқанд подшоси Султон Аҳмад Мирзонинг Тошкентга ҳужуми пайтидаги воқеалар ҳам қайтадан эсланди ва шунга кўра Султон Маҳмудхон улуғ амирларидан бир гуруҳини лойиқ туҳфалар ва муносиб совғалар билан Шайбонийхон ҳузурига юбориб, муҳаббат белгили мактуб орқали Ўтрорни хон қўлига топширажани билдирди. Муҳаммадхон Шайбоний Султон Маҳмудхоннинг илтимосини қабул қилиб, йўналиш қадамини Ўтрор сари ташлади. Султон Маҳмудхон кутиб олиш расмини бекаму кўст бажо айлаб, тўла иззат билан уни Ўтрорга олиб кирди ва катта тўй зиёфатини ясаб, суҳбат чоғи яна қайтадан бир-бировга ишонч ва аҳду паймон сўзлари уртага солинди. Султон Маҳмудхон шу билан Ўтрорни

Шайбонийхонга топшириб, ўзи Тошкент вилояти сари йўлга тушди. Аммо, шу аснода Саброн қасабасининг улуғ кишилари ва кўзга кўринган таниқли одамлари маслаҳат йиғини уюштириб, шундай қарорга келдилар: «Мана энди Туркистоннинг кўпчилики вилоятлари Муҳаммадхон Шайбоний қўл остига ўтди. Қолганлари ҳам кўп ўтмай бу хон томонидан эгалланиши турган гап. Агар у бизга ҳамла қилса ва биз эса Саброн ҳимоясига киришсак, аммо бу хон барибир қалъани босиб олса, орада кудуратлар ҳосил бўлиши аниқ. Келинг, яхшиси шу гаплар булмасдан туриб Сабронни Шайбонийхонга ўз хоҳишимиз билан топширайлик».

Ўша пайтда Саброн ҳокими Муҳаммад Мазид тархоннинг ўғли Қул Муҳаммад Тархон эди. У бу воқеадан хабар топиб, халқ ўзини ҳайдаб чиқаришидан олдин Саброндан чиқиб кета қолди. Қул Муҳаммад Тархон қочганидан сўнг Саброннинг барча улуғлари ва каттаконлари Маҳмуд Султон ҳузурига мактуб юбориб, шу орқали ўз кўнғлидаги гапларни унга маълум қилдилар. Маҳмуд Султон ҳам Саброн халқининг истағига кўра бу қалъага кирди ва шу шаҳарга қўш ташлади.

Ва шу жиҳатдан Амир Муҳаммад Мазид тархон кўрқуви кундан-кунга ортиб, ниҳоят, тақдир тақозо қилганда шаҳардан қочиб кетиш осон бўлиши учун саройида тўплаган қимматбаҳо бойликлари ҳамда улардан ҳам қимматлироқ бўлган ва ифбат пардасида тарбиялаган қизини ўғли Қул Муҳаммад Тархонга қўшиб, Самарқандга жўнатишга қарор қилди. Шу зайл, Қул Муҳаммад Тархонни бир гуруҳ баҳодирларга қўшиб, бойликлари ва қизини улар ҳимояси кўршовида Самарқандга юборди. Бу воқеадан хабар топган Сайфал бек дўрмон ўғли Ўрус Баҳодир бир гуруҳ жасур йигитлари билан шошилинч равишда илғор солиб, уларга етиб олди ва ўртада тўқнаш ва саваш олови ўт олди. Қул Муҳаммад Тархон эса жонини омон сақлаш мақсадида урушдан қўл тортиб, юзини қочиш водийси томон қаратди. Ўрус Баҳодир барча бойлик ва унинг сингисини қўлга тушириб, хонлик тахти пояси сари ошиқди. Унга нисбатан подшоҳона иноят амалга ошиб, қўлга туширган барча бойликлари Ўрус Баҳодирга тўлалигича бахшида қилинди. Амир Муҳаммад Мазид тархоннинг қизини эса Муҳаммадхон Шайбоний ўз никоҳига киритди.

Бу воқеадан уч ой вақт ўтгач, Муҳаммад Мазид тархон Бурдунқўхон билан қўшилиш йўлини ахтариб, ўртада ишонч ва аҳду

паймон сузлари булиб утди. Бурундуқхон эса Жонибекхон фарзандлари билан бирга чексиз лашкар тортиб, Саброн қалъасини қамал қилиш учун йул олди. Маҳмуд Султон Саброн қалъасида мудофаага шайланиб, ҳар кун икки орада уруш олови ёниб турди. Ниҳоят Саброн халқи Муҳаммад Мазид тархонга хайрихоҳлик билдириб, қуққисидан Маҳмуд Султон устига бостириб келдилар ва уни қулга тушириб, қул-оёғини боғлаганча муҳтарам ҳарами билан бирга Саброн қалъасидан ташқари чиқариб, Қосим Султонга топширдилар. Байт:

*Муътаמיד нестанд мардуми даҳр
Ки, аён шакаранд ва пинҳон заҳр.
(Мазмуни: Замона одамларига ишонч йуқ,
Тешида шакар, ичдан заҳардирлар).*

Саброн қалъасини эса Бурундуқхон ва Муҳаммад Мазид тархонга топширдилар. Бу пайтда руй берган яхши воқеалардан бир шу бўлдики, Қосим султон билан Маҳмуд Султон ўртасида қариндошлик нисбатлари мавжуд эди – уларнинг ҳар иккаласи битта опа-сингилларнинг фарзандлари, яъни холавачча эдилар. Шу туфайли Бурундуқхон ва Амир Муҳаммад Мазид Шайбонийхоннинг укаси, яъни Маҳмуд Султонни улдиришга қанчалик уринмасинлар ва буйруқ бермасинлар Қосим Султон бунга сира ҳам ризолик бермади ва холаваччасини муҳтарам ҳарами билан ўзининг ишончли одамларига қушиб, Сузоқ томонга ўша ерда қамоқда сақлаб туришлари учун юборди. Зеро, Қосим Султон кўнглидаги яширин сир – бир неча кун ўтгач, Маҳмуд Султонни қамоқдан озод қилиш ва эғнига заррин либослар кийгизиб, Шайбонийхон ҳузурига юборишдан иборат эди. Бироқ, ҳаёти худо паноҳидаги Маҳмуд Султоннинг кўнглига туккан режаси бошқача бўлиб, мақсади тезда қочиб қутулиш эди. Шунга кўра у бир кечаси қулай вазият топиб, кишанларни синдирди ва уйнинг деворини ёриб, ташқари чиқди, сўнг хизматкорларидан биттасини ёнига солиб, Сузоқ қалъасини орқада қолдирганча, Туркистоннинг машҳур тоғларидан саналган Ўкуз тоғига етиб олиб, бир ғор ичига яширинди⁷³. Хизматкорини эса Ўкуз тоғи мавзенинг Қўшчи исмли юзбегиси ёнига жўнатиб, воқеани унга маълум қилди. Қўшчи юзбеги бу ҳолдан хабар топгач, шу заҳоти ғорга бориб, Маҳмуд Султонни эъзоз ва икром билан ўз уйига олиб

келди. Сунг бу ҳақда хонлик тахти пойига хабар юбориб, Муҳаммадхон Шайбонийни воқеадан хабардор қилди. Муҳаммадхон Шайбоний уша пайтда Ясси қалъасини қамал қилиб утирган эди. Бу воқеани эшитгач, шу соатдаёқ Укуз тоғи сари отланди ва Маҳмуд Султонни ёнига солиб қайтди.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг Амир Муҳаммад Мазид тархонга қарши урушгани ва Амир Муҳаммад Мазид тархоннинг асир тушгани. Султон Маҳмудхоннинг Бурундуқхон ҳамда Жонибекхон авлодлари билан ярашгани ва уларнинг биргалашиб Ўтрор вилоятига лашкар тортгани ва ҳазрат халифайи раҳмон Муҳаммадхон Шайбоний билан сулҳ тузгани зикри

Бу воқеанинг қисқача шарҳи қуйидагичадир. Маҳмуд Султоннинг қочиб қутулиш воқеаси рўй берган вақтларда Муҳаммадхон Шайбоний Ўтрорда бўлиб, бу қалъани мустаҳкамлаш ишлари билан машғул эди. Чунки, уша пайтда Бурундуқхон ва Жонибекхон фарзандлари чексиз лашкар билан бирга келиб, Ўтрор қалъасини қаттиқ қамал қилиб утиргандилар. Муҳаммадхон Шайбоний аскарлари озчилигидан мудофаа тутиб утиришга мажбур бўлганди. Бу хабар Тошкент волийси Султон Маҳмудхон қулоғига етгач, шу заҳотиёқ муғул амирлари улуғларидан бўлмиш Амир Янжи муғулни уч минг нафар қуроолланган киши билан Муҳаммадхон Шайбоний учун Тошкентдан ёрдамга юборди. Амир Янжи мазкур лашкар билан Ўтрорга етиб келиб, қалъага кирди ва ҳумоюн мавкабга қўшилди. Буни кўрган Бурундуқхон ва Жонибекхон фарзандлари ноилож сулҳ борасида сўз очиб, элчи юбордилар. Орага сулҳ сўзи солингач, Муҳаммадхон Шайбоний ҳам бунга рози бўлиб, сулҳ пойдеворини иймонни ўртага қўйиб мустаҳкам қилдилар. Аммо, бу сулҳ шартига кўра, томонлар биргалашиб, Амир Муҳаммад Мазид тархонни ушлашлари лозимлиги ҳам қайд этилди. Амир Муҳаммад Мазид тархон эса бу воқеадан хабар топиб, уша тундаёқ қочиб кетди. Бурундуқхон ҳам бундай сулҳ оқибати яна нималар билан тугашидан қўрқиб, бу ерда кўп қолмай тезда орқага чекинди. Муҳаммадхон Шайбоний Амир Янжини чексиз инъом ва илтифотлар билан сийлаб, Тошкентга қайтишга руҳсат берди. Шу воқеалар бўлиб

утгач, мақтов хислатли хоқон Амир Муҳаммад Мазид тархонга қарши кураш учун юриш байроғини Ясси қалъаси томон ҳилпиратди. Муҳаммад Мазид тархон хонлик лашкари икки юз нафар аскардан кўп эмаслигини билгач, икки минг пиёда ва отлиқ аскар билан Ясси қалъасидан ташқари чиқиб, хон лашкарига қарши юрди. Тарафлар туқнашуви юз бергач, ҳар икки томондан жанг ва саваш олови аланга олди. Анча уруш ва ўлдир-ўлдирдан сўнг Муҳаммад Мазид тархон енгилиб, жанг майдонини ташлаб қочди. Маҳмуд Султон эса уни қувлаб, орқасидан етиб олди ва асир туширишга муваффақ бўлди. Уруш қила-қила душманнинг кўпгина аскарини ҳолдан тойдирди ва анчасини жаҳаннам сари равона қилди. Гарчи Муҳаммад Мазид тархон илгари қилган душманликлари учун жазога мустаҳиқ бўлса-да, бироқ қизи Муҳаммадхон Шайбоний никоҳида бўлгани туфайли жаҳон олувчи хон уни қатл этишдан тийиниб, қамоқда сақлашга буйруқ берди. Ясси қалъасини эса фатҳ этиб, ул вилоятга қарашли ерлар томон қадам қўйди. Бу хабар овозаси Тошкент волийси Султон Маҳмудхон қулоғига етишгач, дарҳол ўз вилояти Тошкентдан чиққанча Муҳаммадхон Шайбонийни табриклаш мақсадида йўлга тушди ва улар Ўтрор вилоятида бир-бири билан учрашдилар. Зафар шарафига уюштирилган тўй ва томошалар ниҳоясига етгач, Султон Маҳмудхон Муҳаммадхон Шайбонийнинг тугунларни ечувчи кўнглига қўйидагиларни маълум қилди: «Султон Аҳмад Мирзонинг ўз қизини бизга унаштирганига мана анча вақт бўлиб қолди. Бир неча бор қизни тиллатириб одам юбордик. Бироқ, султон қизини ҳузуримизга юборишни ҳадеб пайсалга солмоқда. Бу гаплардан мақсадимиз шуки, Султон Аҳмад Мирзо давлатининг моддий ва маънавий ишлари ихтиёри анчадан бери Муҳаммад Мазид тархоннинг ота бир, она бошқа укаси Дарвиш Муҳаммад Тархоннинг иқтидор қулидадир. Агар иноят қилиб, Муҳаммад Мазид тархонни бизнинг қўлимизга топширсангиз, балки мазкур қизни биз томонга юбориш борасида натижали ҳаракатларни биз ҳаққимизда амалга оширар».

Муҳаммадхон Шайбоний бу гапларни эшитгач, Султон Маҳмудхоннинг илтимосини ерда қолдирмай ва сазасини ўлдирмай, Муҳаммад Мазид тархонни ул хонга топшириш юзасидан буйруқ берди. Ниҳоят, Амир Муҳаммад Мазид тархоннинг халос бўлиши туфайли мазкур хайрли иш ҳал бўлди, Султон Маҳмудхон ўз мақсад ва муддаосига эришди.

Аммо, бу ишлар битиб, мақсадлар ҳосил бўлгач, орадан бир неча кунлар ўтиб Султон Маҳмудхон қайсидир бир сабаб билан Муҳаммадхон Шайбонийдан юз угирди ва Бурундуқхон ҳамда Жонибекхон авлодлари билан тил бириктириб, дўстлик ришталарини боғлади. Амир Янжи мўғулни ўзининг барча лашкари билан Бурундуқхон ва Жонибекхон авлодларига қўшиб, Муҳаммадхон Шайбоний устига юборди. Йўл асносида Бурундуқхон ўртага маслаҳат солиб, яхшиси, аввал Шайбонийхоннинг ўғли Муҳаммад Темур султон ўтирган Ўтрор қалъасини қамал қилайлик. Чунки, бу шаҳзода ҳали ёш, шу сабабли балки, қалъа сақловчилик ишининг уддасидан чиқа олмас ва қалъани осонгина қўлидан тортиб олиб, ўз тасарруфимизга киритармиз, деди. Улар шу қарорга кўра Ясси вилоятдан тўхтовсиз равишда ўтиб кетиб, Ўтрор вилоятига етиб келдилар. Ўтрор қалъасини қамал йўсини билан ўраб олдилар. Икки ўртада қайт-қайта катта тўқнашувлар рўй берди. Қалъани қўлга киритиш учун қанча кўп уринмасинлар, муродлари шунча кам ҳосил бўлди. Чунки, Муҳаммад Темур султоннинг ёши сони нечоғлик кам бўлмасин, аксинча, қўлидан жуда кўп иш келарди. Хуллас, ёш султон мухолиф ҳужумини қайтариш учун жон-жаҳди билан ҳаракатлар қилиб, урушда қаҳрамонликнинг энг яхши намунасини кўрсатди. Натижада, душманлар ожизлигини бўйнига олиб, тақдирга тан берганча, Муҳаммадхон Шайбоний ҳузурига одам юбориб, сулҳ тузишни илтимос қилдилар. Муҳаммадхон Шайбоний ҳам улар билан сулҳ тузишга рози бўлгач, келганлар тезроқ кетмоқ фурсатини ғанимат билиб, дарҳол Ўтрор қалъаси ёнидан кучганча, юртлари сари қайтиб кетдилар. Аммо, орадан бир неча кун ўтиб, Бурундуқхон ва Жонибекхон фарзандлари ва Олотовда ватан тутиб ўтирган Этак султон биргалашиб, Туркистон вилоятига чопқин билан юзландилар ва халққа кўп зиён-заҳмат етказдилар. Бинобарин, Муҳаммадхон Шайбоний бир гуруҳ довюрак кишилари билан илғор солиб, уларга билдирмасдан устларига бостириб келди ва душманнинг кўпини ўткир қилич билан яқсон, нечтасини қон оқизар ўқ зарби билан қулатиб, бариси ҳалокат ерини тишладилар. Муҳаммадхон Шайбонийнинг бундай шижоати намунаси ва қаҳрамонлик воқеасини кўрган Бурундуқхон ва Жонибекхон авлодлари ҳамда Этак султон ғоятда кўрқувга тушиб, қочиш сари киришдилар. Қолаверса, Бурундуқхон Муҳаммадхон Шайбоний олдига одам юбориб, қайтадан сулҳ илтимосини қилди.

Муҳаммадхон Шайбоний бу таклифни қабул қилди ва ҳар икки томондан бир-бирлари юзи сари борди-келди ва хат алмашув эшиклари очилди. Дўстлик пойдевори шу тариқа мустаҳкам бўлгач, Бурундуқхон ифбат ва исмат пардасида тарбия ва парвариш топган иккита қизидан бирини Маҳмуд Султон Шайбоний никоҳига, иккинчисини эса Муҳаммад Темур султон ақдига киритишга тайёр экани борасидаги маслаҳатли таклифини ҳам билдириб қолди. Бу гап Муҳаммадхон Шайбоний қулоғига етгач, Бурундуқхон таклифи хонга ҳам ниҳоятда маъқул бўлиб, ўша куниеқ амирлардан бир нечасини турли-туман туҳфалар ва ҳадялар билан Бурундуқхон ҳузурига юборди. У томондан ҳам Муҳаммад Темур султонга аталган қизни шариф шарият қоидалари бўйича никоҳ қилиб, ҳумоюн урдуга жунатдилар.

Баҳор айёми кириб келган бир неча кундан сўнг ўша фатаротларда Бурундуқхон ва Қосим Султон қулига ўтиб кетган Саброн вилояти малики маннон оллоҳнинг инояти билан Муҳаммадхон Шайбоний томонидан забт этилди. Хонга нисбатан куфрони неъматлик қилиб, Маҳмуд Султонни Бурундуқхонга тутиб берган Саброн бошлиқлари қаттиқ жазога тортилдилар. Шунингдек, илгари қўлдан чиққан Ясси вилоятини ҳам қайта эгалладилар. Ўша зафарга уланган вақтлардан сўнг Муҳаммадхон Шайбоний бошига Мовароуннаҳр мамлакатларини ҳам эгаллаш ҳойиҳаваси кела бошлади. Шу кўйга тушган Шайбонийхон одам юбориб, Сайхун дарёси бўйида кўш ташлаб ва макон тутиб ўтирган амакилари Кучкинчи султон ва унинг бир онадан туғишган укаси Севинчхожа султон, Мовароуннаҳр улкаларида яшаб турган Ҳамза султон ва унинг бир онадан туғишган укаси Маҳди султонларни ҳузурига чорлади. Оқо Сайидбек Бошлиғ ўз мулозимлари билан тақдир тақозоси ва айём носозлиги бошига солган қийинчилик ва даврон ҳодисалари сабаб Бухорода қолишга мажбур бўлган эди. У ҳам барча яқинлари билан бирга хизматга бел боғлаб келди. Муҳаммадхон Шайбоний улар ҳаққида ҳам чексиз иноятлар кўрсатди.

Султон ва амирларнинг Шайбонийхон ҳузурига йиғила бошлагани хабари ҳар ёққа етгач, атроф-теваракдан мақтов васфли баҳодирлар тўла умидворлик билан Искандар тўқнашли хоқон даргоҳи сари ошиқдилар. Шундай қилиб, қисқа вақт ичида жуда кўп кишилар келиб, ҳумоюн мавкаб ёнида қарор топдилар.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг Тошкентга ҳамла қилгани баёни

Муҳаммадхон Шайбоний малики маннон оллоҳ инояти билан атрофида йиғилган жуда кўп сонли ва зафар нишонли аскарни кўриб, кўнглига Самарқандни эгаллаш учун юриш қилиш истаги келди. Шу аснода Тошкент волийси Султон Маҳмудхоннинг Аҳси ва Андижон вилоятларини қўлга киритиш мақсадида ҳарбий савар билан ўша томонларга кетгани ва Тошкентда эса лашкаридан ҳеч ким қолмагани хабари етиб келди. Бу хондан бир неча бор аҳду паймон бузилиши содир бўлгани сабабли фурсатни ғанимат билган Муҳаммадхон Шайбоний йўлини Тошкент сари солиб, Тошкентнинг бир фарсах⁷⁴ лик ерига етиб келди ва отларни дам олдириш учун ўша ерда тўхтади. Қуёш чиқиши билан у ердан отланиб, Тошкент шаҳрига қараб кетди. Қалъадан ташқарида юрган тошкентликлар Муҳаммадхон Шайбоний келаётганидан хабар топиб, ўзларини апил-тапил шаҳар томон урдилар ва ичкари кириб олиб, шаҳар дарвозаларини маҳкам беркитишга улгурдилар. Бироқ, душман туйқусдан бостириб келгани ва шошиб қочганларидан барча асбоб, мол-ҳол ва бойликлари ташқарида қолган бўлиб, ҳаммаси хонлик лашкарига осонгина ўлжа тушди. Бундай мўл-кўл ўлжани кўрган даштликлар талон-торож илинжида шаҳарга ўз вақтида бостириб киришни эсдан ҳам чиқариб юбордилар.

Ва агар фармон бўйича дарҳол шаҳарга бостириб борсалар эди, албатта шаҳарни олиб, бундан ҳам кўп бойлик ва фаровонликни қўлга киритган бўлардилар. Хуллас, ўша куниси талон-торожга берилиб кетиб, жуда кўп ўлжага эга бўлишди. Кечаси эса лашкар бемалол дам олишга киришганда, буни қарангки, ўша тунда Султон Маҳмудхон Аҳси⁷⁵ дан қайтиб келиб, бу воқеалардан хабарсиз лашкари билан Тошкентнинг бир фарсахлик ерига тушган бўлади ва шу ердагина унга Муҳаммадхон Шайбоний келгани маълум бўлади. Султон Маҳмудхонни ҳар ҳолда ваҳима босиб, кўнглига қочиш фикри келади. Аммо, амирлар ва давлат устунлари олдига келиб, муҳтарама завжаларингиздан иборат ҳарамингиз, барча оила аъзоларингиз, хизматкор ва чокларингизнинг бариси шаҳар ичкарисида, уларни асирликка гирифтор қилиш ор-номусдан йироқ иш ва ғайратсизлик аломатидан ўзга нарса эмас, қиёматгача эл аро уятга қолмайлик, дей-

ишди. Ниҳоят, кеча ярмидан оғганда аста-секин юриб шаҳарга киришга қарор қилдилар. Муҳаммадхон Шайбоний лашкари қаттиқ уйқуга кетганидан хабар топгач, билдирмасдан шаҳарга кириб олдилар. Эртаси куни Муҳаммадхон Шайбоний Султон Маҳмудхоннинг Тошкент шаҳри ичига кирганидан хабар топиб, жуналиш жиловини Туркистон томонга бурди. Аскарларга эса қўлига тушган барча ўлжа молларни Туркистон шаҳрига етказиб бориш ҳақида буйруқ берди. Ким нима ўлжа олган бўлса, уларни олиб, қайдасан Туркистон дея, Туркистон йўлидан юриб кетишди.

Шу кетишда Маҳмуд Султон бошқа султон ва амирлардан илдамроқ қайтишга шошиб, йўлда ҳаммадан олдинга тушиб олган эди. Буни қаранки, ўша кезларда Султон Маҳмудхоннинг эътиборли баҳодирларидан бўлган Амир Аҳмад мўғул Утрорнинг теварак-атроф ерларини босқин-чопқин қилиб, орқага қайтаётган экан ва Маҳмуд Султон йўлда мазкур амирга дуч келиб қолди. Ўзига ишонган амир дарҳол жанг сари киришди. Маҳмуд Султон зафарнишон аскарининг озлиги ва шижоаткор душман лашкарининг кўплигига қарамай, икки оламини яратган холиққа таваккал қилиб, шу заҳотиёқ уруш байроғини кўтарди. Икки ўртада жанг олови ва муҳориба оташи аланга олди. Муҳолиф аскарининг сони ҳаддан зиёд кўп бўлгани сабабли Маҳмуд Султон атрофини икки томондан ўраб олишга муваффақ бўлишди. Ахийри, Маҳмуд Султон қўлга тушиб, асир олинди ва душман бошқа йўлдан жуда тез юриб, бирпасда анча масофани босиб ўтди ва Тошкентга етиб олди.

Муҳаммадхон Шайбоний йўл асносида Маҳмуд Султон воқеасидан хабар топгач, ноилож Туркистон вилояти томон юзланди.

Маҳмуд Султонни кишанлаб, Султон Маҳмудхон олдига олиб келдилар, хон уни ҳибсда сақлашни буюрди. Чунки, илгариги дўстликка қарамай, яқиндагина шайбонийлар томонидан қайта душманлик ҳаракатлари содир бўлганди. Маҳмуд Султонни хон ҳузуридан олиб чиқиб, ҳибсхонага ташлашгач, ўзбек султонларининг улуғларидан бўлмиш ва Султон Маҳмудхонга куёвлик нисбати ҳам бор Этак Султон шайбонийларга қарши эски адоватга кўра, Маҳмуд Султонни қатл этишлари учун кўп уринди. Лекин, Султон Маҳмудхон унинг гапларига сира ҳам қўлоқ солмади. Бир неча кун ўтгач, Султон Маҳмудхон Маҳмуд Султонни

Уз утиришига чорлади ва қимматбаҳо либослар кийдириб, тула эҳтиром ила Муҳаммадхон Шайбоний ёнига кузатиб қолди. Шу зайл қайтадан ўртага аҳду паймон ва ўзаро ишонч сузларини солиб, орадаги дўстлик ва муҳаббат пойдеворини мустаҳкамлади. Маҳмуд Султоннинг озод бўлиб, соғ-омон қайтиб келиши хонликнинг ҳумоюн ўрдусида шодлик ва қувонч, завқу шавқ ва сурурга сабаб бўлди. Шундан сўнг Муҳаммадхон Шайбоний кўнглида Самарқанд томонга юриш фикри қайтадан жонланди. Зафар аломатли лашкар энди Самарқанд тарафга йўналди. Муҳаммадхон Шайбонийнинг Самарқанд устига бостириб келаётгани хабари Султон Али Мирзо қулоғига етишиб, шаҳарнинг теваарак-атрофидаги мудофаа истехкомларини мустаҳкамлади ва қалъа мудофаасини кучайтирди. Муҳаммадхон Шайбоний Самарқанд қалъасининг ҳар томонлама мустаҳкам бўлганини билгач, йўналиш жиловини Қарши вилояти тарафга бурди. У ерни босқин-чопқин қилиб, жуда кўп мол-ўлжани қўлга киритгач, у ердан йўлга тушиб, юзланиш байроғини Шаҳрисабз сари ҳилпиратди. Ул вилоятда ҳам босқин-чопқин йўсини билан ҳалдан зиёд молу бойликни ўлжа олди. Сўнг қайтиш жилови ихтиёрини Туркистон сари қўйиб берди ва у ерга етгач, икки кун давомида лашкарнинг дам олиши ва от-уловнинг нафас ростлаши учун тўхташ-ни лозим кўрди.

Бошқа бир воқеа: 905 ҳижрий⁷⁶ йили Муҳаммадхон Шайбоний арзига Султон Али Мирзо билан амирил умаро Муҳаммад Мазид тархон ўртасига совуқчилик тушиб, икки орада ҳеч бир усул билан ечиб бўлмас кина-кудурат тугуни пайдо бўлиб, ҳатто, унинг кундан-кунга чигаллашиб бораётгани, шунингдек, Самарқанддаги руҳоний улуғларининг ҳам бир-бири билан чиқиша олмай, ораларида нифоқ ва адоват кучаётгани, айниқса, валий аломатли ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор – *оллоҳ сирларини муқаддас тутсин* – авлодларининг улуғлари истак кўнглида яширин нифоқ пайдо бўлиб, бу нарса тез орада аларнинг пайванд занжири узилишга юз тутажаги ҳақидаги хабарлар етишди.

Демак, хонликнинг ғалаба аломатли байроғи қанчалик тез суръатларда Самарқанд сари юзланса, шунчалик яхши ҳолатлар юзага чиқиб, муродлар ҳосил бўлади. Кўрганимиздек, Тошкент волийси Султон Маҳмудхон ва Муҳаммадхон Шайбоний орасидаги бирдамлик қондаси ва дўстлик пойдевори Маҳмуд Султон озод қилиниши муносабати билан қайта жонланган ва

қаттиқ мустаҳкамланган эди. Шу сабабли Муҳаммадхон Шайбоний Тошкент хони олдиға одам юбориб, нурли кўнглиға йўл топган қарорини унга маълум қилди. Султон Маҳмудхон ҳам ёрдам сифатида Амир Аҳмад мўғул ва Амир Банда Алини беш минг жанг ишиға уста киши билан Муҳаммадхон Шайбоний хизматиға юборди. Муҳаммадхон Шайбоний ана шундай ташкил топган чексиз лашкар билан йуналиш юзини Самарқанд сари қаратди. Хонликнинг жаҳон олувчи байроғи етишув соясини Самарқанд ноҳиялари устиға ташлагач, уша пайтда Самарқанд волийси бўлиб турган Султон Али Мирзо ибн Султон Маҳмуд Мирзо шаҳар қалъаси буржу минораларини мустаҳкамлаб, бор одамларини мудофаа жойларига тайин қилиб чиқди. Шундай қилиб, ҳар кун икки томон жангчилари уруш олови ва ҳарбу қитол оташини ёқишға киришдилар.

Алқисса, Самарқанд фатҳига оз қолиб турган маҳалда, билкут уругидан бўлмиш Амир Нур Саъид ўғли Амир Муҳаммад Солиҳ⁷ ўзи хизматда бўлган Амир Муҳаммад Боқий Тархон лашкаридан ажралиб қочганча келиб, Муҳаммадхон Шайбоний оти узангисини ўпиш шарафини топди ва «Амир Муҳаммад Боқий Тархон Бухоро, Қорақул ҳамда ўша ерларға қарашли жойлар лашкарини йиғиб, минг кишиға яқин моҳир жангчилар билан Султон Али Мирзога ёрдамға келмоқда» деган хабарни етказди. Муҳаммадхон Шайбоний воқеадан огоҳ бўлгач, шаҳар дарвозаси олдидан қўзғалиб, Муҳаммад Боқий Тархон келаётган томонға қараб ошиқди. Икки лашкар бир-бириға етишгач, Муҳаммад Боқий Тархон жуда кўп одамлари билан Дабусия қалъасига орқа бериб, орада аланға олган уруш оловини кузата бошлади. Икки тарафдан ҳам довюраклар жанг майдонига тушиб, ғазабланган ари каби бир-бириға ёпиша кетдилар ва шеру йўлбарс сингари бир-бири устиға ташландилар. Аср намози адоси учун отдан тушган Муҳаммадхон Шайбоний ҳам зафар гавдали отиға минди ва қаҳрамонлик қиличини қинидан суғуриб, «оллоху акбар» дея такбир айтганча бир гуруҳ довюрак одамлари билан оҳу галасига ҳамла қилмоқчи бўлган шеру қоплонлар каби ўзини майдондаги душман тўпига урди.

Муҳаммад Боқий Тархон ҳам баҳодирлик расмида замонаси аҳли таҳсинига сазовор ва лашкарининг кўпчилиги даврон аро машҳур баҳодирлардан иборат бўлишиға қарамай, қанчалик ҳаракат қилмасинлар ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатмасин-

лар, сира фойда бермади. Ахийри, душман аскарлари ул ҳазрат ҳамласига тобу бардош беролмай, ноилож юзини қочиб водийси томон қаратдилар. Муҳаммад Боқий Тархон эса ўзига яқин бир гуруҳ билан қалъага қочиб киришга улгурди. Аммо, сафар чоғи олиб юрадиган буюм-анжомлари ҳамда от-уловлари қалъа ташқарисида қолиб, хон аскарлари қўлига тушди.

Шунда зафар дастгоҳли хоқон оллоҳ инояти билан мақсади ҳосиллик оти ва ғалаба таковарига миниб, йўналиш юзини Бухорони забт этмоқ сари қаратди. Бухоро аҳолиси ва улуғлари шаҳарни бахиллар дастурхони каби ёпиб, уни қаттиқ бекитганча маҳкамлаб ташладилар. Ҳумоюн мавкаб шаҳарлар фаҳри Бухоро шаҳри атрофига етишгач, хонликнинг баҳодир ва диловар кишилари шаҳарнинг ҳар ёнидан шовқин-сурон солганча қалъа сари ташланиб, муҳорибани бошлаб юбордилар ва жаҳду жадал, ўлдир-ўлдир оловини ёндирдилар. Бу ҳолдан шаҳар юрагига кўрқув ва ғулғула тушди, саросима ичида қолиб, қўл-оёқларига қалтироқ кирди, кўнгилларига иккиланиш йўл топиб, нима қилиш ва дардига қандай чора топишни билмай қолдилар. Яна тағин бу пайтда Бухоро ичида қалъа сақловчилик ишига раҳбарлик қилиш ва халқни юпатишга қодир бирор соҳиб иштиёр киши ҳам йўқ эди. Аниқроғи, Амир Муҳаммад Боқий Тархон Самарқанд сари кетганда, аркни ва девон ишларини Амир Дарвиш Муҳаммад Тархоннинг муҳтарама ҳарами Севинч Қутлуқ Оғо бегимга топшириб кетганди, холос. Мисраъ: *Аз зане чу кор ояд* - Хотин кишининг қўлидан нима ҳам келарди.

Алқисса, уч кун давомида пайдар-пай жангу жадал оташи ва ҳарбу қитол олови ёниб, тўртинчи куниси Бухоро аҳолиси ва хос одамларининг энг улуғ ва шариф зотлари йиғилиб, мавлоно Муҳаммад Али қози Хоразмийни кўплаб соврин ва ҳадялар билан хонлик тахти пойига юбордилар ва у орқали айбларини кечиршни сўраб, гуноҳларини ўтиш илтимосини қилдилар. Муҳаммадхон Шайбоний бу айбдорларнинг илтимосини қабул қилди ва улар ҳаққида ўз иноятини дариф тутмади. Шундан сўнг Бухоро мулкининг улуғ сайидлари ва ҳурматли қозилари, муҳтарам каттакон ва ашрафлари туҳфа ва совғалар билан шаҳардан ташқари чиқиб, хон даргоҳи остонасини ўпмоқ иззатига мушарраф бўлдилар. Муҳаммадхон Шайбоний ҳам ул жамоат ҳаққида кўп иноятлар ва чексиз илтифотлар кўрсатди. Бухоро улуғлари ва

оддий халқи билан анча йиллардан бери яхши муносабатда бўлиб келган Амир Муҳаммад Солиҳни эса Бухоро шаҳри доруғаси мансабига тайинлади ва ул жамоатга қушиб, халқ оммасини юпатиш ва деҳқону ҳунармандлар кўнглига таскин, хос кишилар юрагига тасалли бериш учун шаҳар ичкарисига юборди. Амир Муҳаммад Солиҳ оддий халқу олимлар, ҳунарманд-косибу зиёли кишилар қуршовида шаҳарга кириб, халқни хоқон итоати сари ундади ва ҳеч ташвиш тортмасликларини айтиб, шаҳарлар фаҳри Бухоро аҳли кўнглига таскин берди.

Уша орада Муҳаммадхон Шайбонийнинг шариф кулоғига ота томондан Амир Муҳаммад Бурундуқ барлос набираси, она томондан эса Амир Дарвиш Муҳаммад Тархон набираси бўлмиш Севинч Қутлуғ Оғо ҳусни сифати ва сабоҳати овозаси ва малоҳати шуҳрати етишди. Бу гапни эшитган заҳоти юз дил билан кўнгли ул париваш сари рағбат кўрсатди ва кўрмакка майлу истак билдирди. Шунга кўра, мавлоно Абдураҳим садр ва мавлоно Шамсиддин Муҳаммад садрни Севинч Қутлуқ Оғо ҳузурига совчи қилиб жўнатди. Севинч Қутлуқ Оғо итоат йўлидан қадам босиб, ул ифпат пардаси ортида утирган олия қиз шариф шарият расмига биноан никоҳ қайдига кирди ва бир нечта ой юз, Зухро манглай, ширин ҳаракот нозанин қизлар қуршовида ул ҳазрат сари йўл олди.

Саодатли ул хоннинг Тотканд⁷⁸ манзилдан яна фоҳирайи Бухоро томон қайтгани

Бу воқеа ва ҳодисанинг қисқача шарҳи ва тафсиру баёни қуйидагичадир. Амир Муҳаммад Боқий Тархоннинг енгилгани ва Бухоро шаҳрининг фатҳ этилгани хабари Самарқандга етишгач, самарқандликларнинг бир қўрқуви минг, ози ҳадиғи бир неча чандон бўлди. Халқ орасида паришонлик кайфияти ҳукм сура бошлади. Султон Али Мирзо ёқтирмай қолган ва доимо шунинг орқасидан қўрқувда кун кўриб юрган Муҳаммад Мазид тархон бир кечаси бир нечта амрлар билан тил бириктириб, ярим тунда шаҳар ташқарисига чиқиб кетди. Самарқандга яқин ерда манзил тутиб, шу изтиробли ҳолатда бир ишончли кишисини⁷⁹ Андижон вилоятига Заҳириддин Бобур Мирзо ҳузурига жўнатиб, у орқали «Султон Али Мирзо Самарқанд мулкини ҳимоя қилишга қодир эмас. Агар иноят соясини биз бандаларингиз сари солсангиз, Сиз

ҳазратлари ҳаракати туфайли Самарқанд яна қулда сақланиб қолиши мумкин» қабалидаги сўзларни етказди. Шунингдек, Тошкент томонга ҳам элчи юбориб, Султон Увайс Мирзо ибн Султон Маҳмуд Мирзони Самарқанд шаҳри фатҳи учун чақирди.

Бу икки аржуманд шахзода Самарқанд шаҳри томон келаётганларида Муҳаммадхон Шайбоний давлатининг айрим хайрихоҳлари бу воқеа ҳақида хат ёзиб, хонлик тахти пойига юбордилар. Муҳаммадхон Шайбоний шу заҳотиёқ Бухоро шаҳрини Амир Муҳаммад Солиҳга топшириб, тезликда Самарқанд сари илғор солди. Анча йўл юриб, Бухоро ва Самарқанд оралиғидаги Тотканд қишлоғига етишгач, орқадан Амир Муҳаммад Солиҳнинг мулозими доруғадан бир хат олиб келди. Унинг мазмуни қуйидагича эди:

– Муҳаммад Боқий Тархон уша Дабусия ёнидаги мағлубиятдан сунг, қалъадан чиқиб, Қарши вилоятига кетганди. Ҳазрати аъло Самарқанд шаҳри сари йўлга тушган пайтда эса Бухоро улғуларидан баъзилари унинг олдига одам юбориб, агар золим ҳоким Муҳаммад Боқий Тархон асл ватанига қайтиб келса, қалъани унга топширишлари мумкинлигини айтганлар. Шунга асосан Муҳаммад Боқий Тархон айни вақтларда Бухоро сари келмоқда.

Хонликнинг ҳумоюн кўнглига бу гаплар маълум бўлгач, ул ҳазратнинг ғазаб оташи оловланиб, қайтиш байроғини Бухоро сари ҳилпиратди. Муҳаммад Боқий Тархон ҳам Бухоро ёнига етиб келди. Бироқ, у Муҳаммадхон Шайбонийнинг туйқусдан Бухорога қайтганидан хабар топиб, ваҳимага тушди ва шу заҳотиёқ Қарши томонга кетди. У ерга бориб ҳам кўрқинч васваси сабаб, шаҳар қалъасини мустаҳкамлашга киришди. Муҳаммадхон Шайбоний Бухоро шаҳрига киргач, итоат буйинтириғидан буйин товланган ва саркашлик йўлига қадам қўйган бир гуруҳ кишини қатлга ва мол-мулкларини мусодара этмоққа ҳукм берди. Шунингдек, Бухоро шаҳрбанд³⁰ ини бузиб ташлаб, ер билан яксон қилишга буюрди.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг маҳфуза Самарқанд шаҳрига юриш қилгани зикри

Муҳаммадхон Шайбоний ёрқин кўнглини Бухоро шаҳри қалъаси ва теварак-атрофидаги истеҳкомлар ташвишидан тинчитгач, Бухорони укаси Маҳмуд Султоннинг иқтидор қўли ва ихтиёр каф-

тига топширди. Зафар асар аскарларидан ҳар бирини иложи бо-рича улар илтимоси асосида вилоят, туман ҳокимлиги мансаби билан сийлади, баъзиларини эса қушиндаги яхши мансабларга қўйди, шунингдек, айримларига яна ҳам юқорироқ мансаб ва юксак мартабалар улашиб, бошларини ифтихор осмонининг энг чуққи қаватига чиқарди. Шаҳарни ёмон қилиқли кишилар, фисқу фасод аҳли ва исёну туғён одамлари касофатидан жиҳод шамшири билан тозалади, илм ва фатво, зуҳду тақво аҳли кўнглини эса чексиз инъом, туганмас эъзоз-икромлар ила рози қилди.

Шу аснода Самарқанд томондан Султон Али Мирзо Амир Муҳаммад Мазид тархонга нисбатан қалб хонасида яшириниб ётган эски кина ва бурунги келишмовчиликни намоён қилибди. Шунга кўра Муҳаммад Мазид тархон Амир Қул Муҳаммад, Амир Пир Муҳаммад ва бошқа бир гуруҳ амирлар билан иттифоқ тузиб, Мирзога қарши нифоқ эшикларини очибдилар ва турар тушовларини елкалаб, Кеш вилоятига бориб кўнибдилар. Ҳар тарафдан бошқалар ҳам тўп-тўп келиб, фитна лашкари ва андуҳ сипоҳи каби бир ерга йиғилиб, туғён кўтарганча исён ҳаракатларини бошлабдилар.

Амир Муҳаммад Мазид тархон ўзининг бу қарорида Бобур Мирзонинг ёрдамига муҳтож бўлиб, уни Самарқанд шаҳрини эгаллашга чақирди ва шаҳарни унга беришга ваъдалар берди. Бобур Мирзо эса Муҳаммад Мазид тархоннинг ваъдасига ишониб, жуда кўп одами билан Тахти Қоража манзилига келиб тушди. Иброҳим Тархон худди бошга ногоҳоний равишда келиб тушган ўткир қилич каби, ўзи қатори амирлар жамоасидан ўзиб, Шероз қалъасига келиб кирди ва унинг теварак-атрофини мустаҳкамлаб, кўнглига ўзи ёлғиз ҳукмрон бўлиш каби фисқу фасод хаёлни тугди. Бу ер вилоятлари халқи эса Банот ун-наъш юлдузлари сингари шаҳару қишлоқлар аро тарқаб кетдилар, Самарқанд аҳолиси эса Сурайё юлдузи каби бир ерга йиғилиб, бу ишлардан ҳайронлик гирдобиди қолдилар. Шунга кўра, Муҳаммадхон Шайбоний йўналиш байроғини Самарқанд сари ёйди. Самарқанд халқи ҳам ўз вақтида Муҳаммадхон Шайбоний келатганидан ҳабар топди. Қутблар қутби хожа Носириддин Убайдулло Аҳрор фарзандларидан улуғи бўлмиш ҳазрат валоят паноҳ, ҳидоят дастгоҳ хожа Муҳаммад Абдуллоҳ шу яқин орада хонлик мавқабни кириб келишидан қўрқиб, тезликда бола-чақа, аҳлу аёлини ёнига солганча Тошкент томонга қочиб кетди. Аммо, ул

зотнинг укаси иршодпаноҳий, ҳазрат хожа Қутбиддин Муҳаммад Яҳё оила аъзолари кўплигидан кучиб кетишнинг ҳеч иложи ни қила олмади ва ноилож сабру бардош оёғини таваккал этаги ичига олди. Кетишдан қўл тортиб, Самарқандда қолишга мажбур бўлди.

Бобур Мирзонинг хожа Қутбиддин Муҳаммад Яҳёга эскидан иродат нисбати кучли эди. Хожанинг ҳам ул шаҳзодага нисбатан қабул назари юксак бўлиб, у сари кўпинча илтифот назари билан боқарди. Султон Али Мирзо бундан жуда ҳадиксираар ва хожа уни шаҳарга киритиб қўймасин, деб хавотир оларди.

Алқисса, Муҳаммадхон Шайбоний бир қанча манзилларни босиб ўтгач, Самарқандга яқин бир жойга етишиб, чакқон қўлли фаррошлар хон чодирини ой ва қуёшга теккудек қилиб тикдилар, зафарталаб аскарлар эса шовқин-сурон кўтариб, тевааратрофдан ҳамлалар қила бошладилар. Тошкентдан келиб, Муҳаммад Мазид тархон билан учрашган Султон Увайс Мирзо Шайбонийхон мавкаби етиб келганини эшитгач, жуда кўрқувга тушди ва шу заҳотиёқ Тошкентга қайтиб кетди. Муҳаммад Мазид тархон ва Бобур Мирзо эса биргалашиб, Кеш вилоятига бориб ўтирдилар³¹.

Султон Али Мирзо бўлса хожа Қутбиддин Муҳаммад Яҳё билан Бобур Мирзо ўртасидаги иттифоқ ва хат олишиш ишларидан хавотирда қолиб, қаттиқ қайғуға ботди. Узининг баъзи бир нойиблари билан бу тўғрида маслаҳатлар қилди. Улар эса қуйидаги фикрларни арз қилиб, Мирзога уқтира бошлашди: «Хожа Қутбиддин Муҳаммад Яҳё қандай йўл билан бўлмасин Самарқанд шаҳрини Бобур Мирзога топширмоқни кўзлаб турибди. Бу эса хоҳлаймизми, йўқми бизнинг ишимиз бир ёқлик бўлади деган гап. Демак, бундай воқеа содир бўлмасдан бурун ва ёмон ҳодиса юзага келмасдан илгари нега энди Шайбонийхондан ёрдам тилаб, шаҳарни унга топширмаслигимиз керак экан? Бизники бўлмаса, бошқаларники ҳам бўлмай қола қолсин. Ахир, Дашти Қипчоқдаги барча юрт вориси ва салтанат эгаси бўлишга қодир баланд мақомли чингизий султонлар ва нусрат шиор хоқонлар ул ҳазрат хизматида ҳузур фароғати ва завқу сурур ҳаловатига эришиб, бу хон лутфи этаги ва инояти соясида осуда ҳаёт кечирмоқда эмасми? Биз ҳам ихлос ва бирдамлик юзасидан белга итоат камарини боғлаб, ул ҳазратнинг хос кишилари қатори хизматда бўлсак ва Самарқанд мулкани унга топширсак, ишончи-

миз комилки, хон иноятига эришамиз ва аниқки, у бошимизга келажак ҳодисалар балоси ва воқеалар азобига қалқон бўлажак». Мирзо ҳам бу фикрни маъқуллаб ва уни амалга оширишга жазм қилиб, бир ишончли кишисини яширинча суратда қалъа деворидан тушириб, илтижосини хат орқали олий тахт остига етказди. Унинг мазмуни қуйидагича эди: «Агар доно хон бу ихлосмандининг гуноҳларидан ўтса, ўтмишда содир этган хатолари устидан унуттиш чизигини тортса, давлатмандлик қўли билан ҳумоюн узангини ушлаган ва олампаноҳ даргоҳининг бахтиёр мулозимига айланган бошқа султонлар тутган йўл бўйлаб бу банда ҳам қадам ташласа, ўз хусравона меҳрингиз ва подшоҳона лутфингиздан баҳраманд этсангиз, ҳозирданоқ бўйин эгиш ва итоат кўрсатиш ҳамда остонангиз қули ва хизматкори бўлиш расмини адо этиб, шаҳардан ташқари чиқардим ва салтанат тахти поясини таъзим ва одоб лаби билан угпанча бандаларингиз қаторида турардим».

Муҳаммадхон Шайбоний хат мазмуни билан танишгач, Самарқандни қўлга киритишга энди бошқача бир тарзда умид боғлаб ва қаттиқ бир даражада киришиб, ҳеч тўхтовсиз равишда сайид нишонли амир Хованд Бухорийни насиҳатомуз мактублар билан шаҳарга жунатди. Амир Хованд ҳам шаҳарга кира солиб, дастлаб, хожа Қутбиддин Муҳаммад Яҳё ҳузурига борди ва ул зотга хон пайғомини етказди. Тақдир тадбирга қараб амалга ошмагач ва фойда бермагач, у ердан чиқиб, Султон Али Мирзо ҳузурига борди ва ул хўжаста атворли шаҳриёр хилват бир жойда Амир Хованд билан ўзининг шаҳардан чиқиб, хон олдига бориши масаласи бўйича суҳбатлашиб олди. Амир Хованд уни хонлик илтифоти ва иноятидан умидвор қилиб, иймонини уртага солганча, агар шаҳардан ташқари чиқса, Мирзо ҳаққида иноят ва шафқатлар кўп бўлажagini таъкидлади. Ўзи эса шу заҳотиёқ қайтиб кетди ва бор гапни оқизмай-томизмай Муҳаммадхон Шайбонийга етказди.

Хожа Қутбиддин Муҳаммад Яҳё Султон Али Мирзонинг Муҳаммадхон Шайбоний томонига ўтиш мақсадида шаҳардан ташқари чиқиш нияти борлиги эҳтимолдан холи эмас, деб уйлар ва Мирзонинг Амир Хованд билан хуфя учрашгани бу шубҳани яна ҳам кучайтирганди. Шу сабабли хожа Султон Али Мирзо ёнига бир нечта одам қўйиб, унинг шаҳардан чиқишига халақит бериб турди. Бироқ, Султон Али Мирзо ва унинг ишонган хос одамлари чиқишга таёргарлик кўриб, муносиб бир пайтни пой-

лаб турдилар. Жумъа куниси хожа Қутбиддин Муҳаммад Яҳё ёнидаги кишилари билан Жомеъ масжидига кетди ва намозга машғул бўлди. Фурсатдан фойдаланган Султон Али Мирзо ўз яқинлари билан отларга миниб, Чаҳорроҳа дарвозасини очдирди ва Муҳаммадхон Шайбоний ҳузурига кетди. Хон қўш ташлаб утирган Боғи майдон мавзеида салатанат тахти пойига етишгач, фалакка бўй чўзган чодир атрофидаги қуриқчилар Султон Али Мирзо келганини айтдилар. Мирзо хонлик палосини упиш бахтига эришиш учун рухсат олгач, одоб оёғини итоат йулига қуйганча, тиз чўкиб, таслим бошини қуйи эгиб, бўйсунуш ва тақдирга тан бериш қўлини узр ва тавба этаги бўйлаб осилтирди. Муҳаммадхон Шайбоний Мирзони ёнига чорлаб, анвой лутфу карамлар кўрсатганча қимматли либос ва зийнатланган камар билан сийлади. Сўнг хон фармонида кўра, ўғли Муҳаммад Темур султон чодир ёнида Мирзо учун яна бир чодир тикдилар ва уни шу ерга киритдилар. Шодлик чилдирмалари янгради. Бу товушлар шаҳар халқи қулоғига чалингач, гап нимадалигини англамоққа ошиқдилар ва текшириб, билишса, Султон Али Мирзо шаҳардан чиқиб кетибди. Хожа Қутбиддин Муҳаммад Яҳё воқеадан хабар топгач, отга миниб, шаҳар айланганча халқни шаҳарни душман қўлига топширмасликка қанча ундаб чақирмасин, фойдаси бўлмади. Шаҳарнинг Иброҳим Тархон, Амир Қавчин, Амир Султон Хусайн арғун, Амир Абдулваҳҳоб шиғовул сингари амирлари ва бошқалар шаҳарни сақлаш борасида бул хожа билан умуман ҳамфикр ва иттифоқ бўлмадилар. Ниҳоят, улар шаҳар улўғлари билан биргалашиб, совға-салом ва ҳадялар тайёрладилар ва шаҳар қалъасидан ташқари чиқиб, хон палосини упиш иззатига эришдилар. Хонга ҳамду сано айтиш ва дуо қилиш вазифасини машғул бўлдилар. Ҳазрат Қутбиддин Муҳаммад Яҳё ҳам иккита азиз ўғли билан ва хожа Муҳаммад Закарё, хожа Муҳаммад Абдулбоқий, хожа Хованд, хожа Абдуллатиф, амир Абдулбосит, хожа Хурд қози, хожа Абулмафохир ва бошқа диндор уламо ва шариятшиор фузало ана шу олқишчи ва дуоғўйлар жумласидан бўлиб, Муҳаммадхон Шайбоний ул жамоатга жуда илтифот билан муносабатда бўлди⁸².

Муҳаммадхон Шайбонийнинг ўзи ёнида олиб келган Дашти қипчоқлик ўзбек султонлари, амирлари ва аскарлари тартибинтизоми ва нафсини тийиб туришларига унчалик ишончи йўқ эди. Чунки, Дашти Қипчоқ, яъни Ўзбакия вилоятида бош-бош-

доқлик, тартибсизлик, ўзича иш кўриш каби бўлмағур хислатлар халқнинг оддийгина урф-одатларидан саналарди. Ўзбакия аскарлари тартиб-интизомда бўшлиги, бўйсунуш қоидаларига риоясизлиги билан одобли, урушда ўлжага ташланишдан ўзини тиядиган мовароуннаҳрлик Чигатой лашкари дастуридан фарқ қиларди. Шу сабабли Шайбонийхон ўзбек лашкарини шаҳар ичкарасига қўйиб юборишдан тийинди ва қуйидагича йўл тутди: Ўзининг яқин амирларидан саналган Жонвафобийни Самарқанд шаҳрининг доруғаси этиб тайинлади. Амир Жонвафо эса амир Жалолиддин соний Тархон, унинг укаси амир Фозил Тархон билан биргаликда шаҳарга кириб, дарвозаларни бекитишди ва зафарга ёр аскардан ҳеч бирини хон ва доруға рухсатисиз ичкарига қўйишмади. Подшоҳлик хазинасини рўйхат қилиб, янги ҳукумат хазинасига қўшиб олдилар. Ўша куниси дўстпарвар, душманга шафқатсиз хоқон Муҳаммад Шайбонийхон Боғи майдондан кўзғалиб, Кониғил ўтлоғи сари юрди ҳамда Султон Али Мирзо билан бирга Самарқанд улуғларининг ҳам ҳумоюн узанги остида ўша жаннат ойинли манзилга боришини буюрди. Бир неча кун давомида ҳеч бир кунни канда қилмай подшоҳлик мақомида жаҳонбонлик тахтини беаганча Муҳаммад Темур султон, Султон Али Мирзони ҳам ҳар кунги ҳумоюн ўтиришга чорлаб, мулозмати шарафини топтирди. Самарқанд улуғлари ҳам барчаси хон хизмати шарафига муяссар ва ул ҳазрат илтифотига сазовор бўлиб, хўжаста сифотли, олий даражотли бу шаҳриёрнинг ҳикматли сўзлари ва хосиятли фикрлари мевасидан баҳра олдилар.

Жаноби ҳидоят маоб, шайхул исломи аъзам хожа Абулмукорим бу ҳумоюн фатҳдан олдин Кеш вилоятига кетган эди. Муҳаммадхон Шайбоний бундан хабар топгач, иноятга тўла мактуб битиб, хожанинг Самарқандга қайтиб келишини тилади. Хожа Абулмакорим хурсанд ва хушҳол бўлиб, хонлик ҳузурини топиш сари йўлга тушди. Жаноби хожа Мунир эса ўғли билан Дизақ вилоятида сокин турганди ва у ҳам хон сўровига биноан хизмат томон ошиқди. Келиб, хондан иззат-икромлар кўрди.

Бир неча кундан сўнг хон Кониғил ўтлоғидан отланиб, Куҳак дарёси қирғоғида, Фаррошон қишлоғига яқин бир ерда истиқомат чодирини тиклатди. Ўша манзилда амир Жон Алибой Хожа работидан келиб, кўруниш шарафини топди. Зеро, у шаҳарнинг

фатх этилиши айёмида Хожа работига кетган бўлиб, бола-чақаси ва яқин мулозимларини олиб шаҳарга қайтиб келса, Султон Али Мирзо Самарқанд қалъасидан чиққан ва шаҳар фатх этилган экан. Буни эшитган амир муносиб совғалар тайёрлаб, хонлик тахти пойига етиш учун шу тарафга қараб йул олди. Шу аснода, Бухорода айрим вилоят ишлари буйича хон буйруғига биноан қолган мавлоно Абдурахим садр ҳам етиб келди ва хоннинг инояти эъзозига эришди.

Бир кун ўтиб, хоннинг қулоғига, амир Жон Алибой Хожа работидан келгач, бир неча кишилар билан тил бириктириб, Султон Мирзони олиб қочиш ва хонга қарши исёну тугён кўтариш фикрига тушган, қабалидаги хабарни етказишди. Бу гапдан сўнг Муҳаммадхон Шайбоний мавлоно Абдурахим садрни олдига чақиришга буйруқ берди ва маслаҳат маросимидан сўнг олий кўнглига қўзғолон фитнасини бошламасдан бурун Султон Али Мирзо ва амир Жон Алибойни жазолаш фикри келди. Ўша кечасиёқ ҳар иккаласини ҳам ушлаб, йўқлик қаърига улоқтиришди. Аниқроғи ҳар иккаласининг ҳам умр ниҳолини таг-туғи билан кўпориб ташлашди. Шундан сўнг хожа Кутбиддин Муҳаммад Яҳёни ҳам тунлари кўриқлаб чиқиш ва хожа Хўрд қозини ҳам қаттиқ назорат остига олиш ҳақида буйруқ бўлди.

Шу орада давлат устунлари салтанатнинг тахти пойига тўпланишиб, жаҳон олувчи хонга «Самарқанд улўғларининг бўйсунмай, исёнга қўл уришларининг сабаби шундаки, уларнинг қўлларида жуда кўп миқдорда бойлик тўпланган, агар ана шундай кучга суяниб режа қилинган фитна бостирилса, асл сабаб орадан йўқотилса, подшоҳлик шуҳратингиз ортиши, давлатингиз дастгоҳи қудрати ошишига олиб келган бўларди» деб уқтиришга тушдилар. Шунга кўра, давлат ишида ишлаб, бойлик ва мол-дунё орттирган каттакон ва арбоблар мол-мулки хатга олиниб, мусодара қилинсин, деган фармон чиқди ва ижро этиш учун юборилди. Фармонга биноан мулло Абдурахим садр ҳазрат хожа Кутбиддин Муҳаммад Яҳё ва ул зот фарзандларига тааллуқли мол-мулкни оладиган бўлди. Мулло Шамсиддин Муҳаммад садрга эса хожа Хўрд қозининг мол-мулкни тортиб олиш топширилди. Амир Бек Отога амир Абдулбоситнинг мол-мулкни тасарруф этиш буйруғи берилди. Шунингдек, чиғатой амирларининг мол-мулки зафар нишонли қўшиннинг кўзга

қуринган атоқли кишилари томонидан тортиб олиниб, тасарруф этилишига ҳукм содир бўлди. Фармонга биноан ҳар ким ўзига бириктирилиб, хат қилинган кишиларнинг мол-мулкани ундиришга киришдилар. Баҳодирларга оз кун ичида кўп йиллар давомида ётиб есалар ҳам сира битиб-туганмас даражадаги бойлик насиб этди.

Бузурқвор ҳазрат валоят паноҳ, иршод дастгоҳ шайх Абуллайсинг – *азиз сирларини муқаддас тутсин* – катта-ю кичик авлодларидан ҳеч бири ҳеч қачон ва ҳеч бир замонда юртнинг бошқа улуғларига ўхшаб давлат ишларига аралашмаганликлари учун Муҳаммадхон Шайбонийнинг чексиз иноят ва ниҳоят даражадаги сийловига эришдилар. Хон уларни офат ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиб, олий мансаб ва юқори мартабалар берди. Шу жиҳатдан хон олижаноб, валоятмаоб Низомиддин Хожа Ховандни Самарқанд шаҳри ва атрофи ерларининг шайхулисломни олий мансабига муносиб кўрди. Олиҳазрат, аъло мартабат Жалолоддин хожа Абдуллатифни қозиюл қузот мансабига ча устирди.

Аъло ҳазрат хон шайхулислом хожа Абулмакоримни ҳамиша ўз шариф суҳбати ва ҳумоюн ўтиришларида мусоҳибу улфат бўлишга буюриб, сафарлар чоғи ўтириш-туришда ўзининг шоҳлик узангиси хизматида юришни топширди. Валийлик даражали жаноб хожани Бухоро улуғларига қўшиб, ул шаҳарга қайтишга рухсат берди.

Шунингдек, яна бир тадбир ҳам ўша кезде амалга ошди – султонлар, амирлар, зафар паноҳ сипоҳ баҳодирлари учун Самарқанд халқи устига жуда кўп миқдордаги «моли омоний» (омонлик моли) солиғи солинди. Бундан худо ҳимоясидаги Самарқанд шаҳри аҳолисининг руҳоний табақаси, аслзода-ю оддий ҳунарманд ва ишчилари норози бўлиб, Муҳаммадхон Шайбонийдан кунгиллари қолди ва ранжиганча ана шу озурда ҳоллик натижа-сида Бобур Мирзо томон майл билдириб, белларига унинг давлати хайрихоҳлиги камарини боғладилар. Одам юбориб, юракларига яширин истакни маълум қилдилар ва Бобур Мирзони Самарқандни олиш учун чақирдилар.

**Бобур Мирзонинг дору-с-салтана Самарқанд
улуғлари, аслзодалари ваъдасига биноан бу шаҳар сари
юзлапгани ва маъмурлик кони бўлган ул
шаҳарнинг хужаста васфли мазкур шаҳриёр
томонидан эгаллангани зикри**

Бу воқеа шарҳи ва бу ҳодиса баёни шуким, Абулфатҳ Муҳаммадхон Шайбоний Самарқандни эгаллагач, кайвон нишонли даргоҳнинг хос кишилари билан Кониғил кўриғида манзил тутди. Маҳди султон, Ҳамза султон эса анчагина кишилари билан шаҳарга яқин Бедана кўриғида утирган эдилар. Жонвафо Мирзо ўз мулозимлари билан мавлоно Абдурахим садр ҳамроҳлигида ҳазрат хожа Кутбиддин Муҳаммад Яҳё ёнида сокин туриб, ҳар ким ўзига топширилган ишларни бажариш билан машғул эдилар.

Шу аснода Бобур Мирзо икки юз қирқ нафар кишиси билан Самарқандни эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб, шу ҳиммат орқасида ярим тунда ул шаҳарга кирди ва шаҳар аро қиёмат шовқин-суронини авжига миндирди. Бу воқеанинг асли қуйидагича бўлган эди. Ҳалиги илтимос хатидан сўнг Бобур Мирзо Самарқандни олиш нияти билан Сафидак қалъасига келиб тушади. Кўнглига эса тун зулмати одамлар эғни-боши узра «биз кечаси либос кийгиздик ва кундузи ризқ бердик»⁸³ нинг қора либосини ташлаганда ва қоронғи парда кўз кучини нарсаларни кўриш ҳиссидан маҳрум этганда яширин ва бекитиқча ҳолатда Самарқанд хандақига тушиб олиш ва қалъага нарвон қуйиб, шаҳарга кириш ва юртни шу тариқа қўлга киритиш режаси келади. Пешин намозини адо этгач, ана шу ўй ва фикр билан Ёз яйлоқдан қўзғалиб Самарқанд сари юради. Ярим кечаси эса қалъа атрофига ҳам етиб олади. Аммо, кучли қўрқув ва ҳадик сабабли ҳалиги ишга юраги бетламайди ва яна Ёз яйлоқ томонга қайти кетади: Бу гал қўлдан келмаса, кейинги гал ишимиз битар. Бобур Мирзо шу зайл ҳеч кимга билдирмасдан яна икки-уч мартаба қалъа ёнига келиб-кетади. Ахийри, ул олий зотли шаҳзода тамоми журъат билан мазкур хатарли иш сари киришиб, Ёз яйлоқдан Сафидак қалъаси сари юриб, у ердан эса «оллоҳга суянинг – таваккал қилинг»⁸⁴ фармони талабича яратгувчи эгамга таваккал қилганча пешин намози пайти у ердан илғор солади. Ўша кечаси хожа Абулмукорим Муҳаммадхон Шайбонийдан ажралиб, келиб Бо-

бур Мирзога қушилади ва бироз йўл юрилгач, хожа Абулмакорим хайрихоҳликнинг етук намунасини юзага чиқаради. Вақт ярим тундан оғиб, алламаҳал бўлганда биргаликда Мағок кўпригига етишадилар. Шунда улар томонидан Рустами дoston аломатли саксонга яқин довюракларга шундай буйруқ берилади: сизлар олдинроқ бориб, Ошиқон ғори текислигига етасизлар ва ўша ердан ошиқ пеша айёрлар каби ҳеч иккиланмай ва ўйланмай бизларни Самарқанд шаҳрида ичида интизор кутиб утирган бир гуруҳ тарафдор ва давлатхоҳларга ёрдам бериш учун қалъага нарвон қўйиб, ўзингизни шаҳар ичига ташлайсиз ва Феруза дарвозасини бахту саодат эшиклари каби Бобур Мирзонинг феруз нишон мавкабидаги бошқа камарбасталар юзи сари очасиз.

Топшириқ олган жасур кишилар буйруқни бажариш учун кетгач эса Бобур Мирзонинг ўзи шижоат асарли ва саф ёрувчи довюракларнинг бир түпи билан аста-секин ва шошмасдан қалъанинг Феруза дарвозаси сари йўналади. Қалъага яқин қолгач, шерюрак ёшлардан, совут тешувчи ботирлардан бир нечтаси жасур подшоҳ Бобур Мирзо буюрган мавзедан қалъа девори тепасига чиқиб, ўзларини тап-тап шаҳар ичига ташлайдилар ва қиличларини қинидан суғуриб, Феруза дарвозаси устига бостириб борадилар. Қарасалар, Туркистон савдогарлари жумласидан бўлган ва қадимдан то ўша кунгача Муҳаммадхон Шайбоний билан борди-келди қилиб, яхши хизматлар ва хайрихоҳликлар кўрсатиб юрган ҳамда айни ўша дамларда Муҳаммадхон Шайбоний фармони билан тархон⁸⁵ лик унвонига эришиб, мазкур дарвоза муҳофизати учун тайинланган Фозил исмли киши бир нечта мулозимлари билан истироҳат тўшагида роса уйқуни урмоқда. Ўша заҳотиёқ ул жамоатни йўқлик шаҳристонига раво-на қилишади. Сўнг зудлик билан дарвозани очишади ва Бобур Мирзо бирпасда одамлари билан маҳфуза Самарқанд шаҳри ичига қадам қўяди. Бобур Мирзо давлати тарафдорлари хурсанд ва шод бўлиб, уйларидан кўчаларга чиққанча Бобур Мирзо хизматига шошадилар. Дуо ва ҳамду сано товушини Муҳаммадхон Шайбоний турган жой тугул осмону кўк авжигача етказдилар.

Хожа Қутбиддин Муҳаммад Яҳё уйида истиқомат қилиб турган Жон Вафо Мирзо шовқин-сурон товушидан уйғониб, воқеа нималигидан хабар топгач, мавлоно Абдураҳим Туркистоний ва Шайбоний даргоҳининг яқинлари билан бирга муҳолифга қарши

уруша-уруша шаҳардан қочиб чиқдилар. Шундан сунг Муҳаммадхон Шайбоний ҳам воқеадан аниқ хабар топди, бироқ сабру тоқат оёғида маҳкам туриб, кўнглига ташвиш каби ҳис-туйғуни йўлатмади. Тонг оқарган ҳамона тўхтовсиз равишда Оҳанин дарвозаси сари от солди.

Бобур Мирзо эса қалъанинг буржу борасини мустаҳкамлади, аммо бу пайтда урушни маъкул кўрмади. Шунинг учун Муҳаммадхон Шайбоний бирор соат ўша келган ерида турганча, муҳолиф томонидан ҳеч кимса урушга кўнгилли бўлиб чиқмаганини кўргач, ноилож, юзини ўз ўрдуси томон қаратди.

Бобур Мирзо Оҳанин дарвозасидан Арк Бўстонсаройи томон юрди ва ўша ерда мақсади ҳосиллик тахтига утирди⁸⁶. Табрик ва олқиш маросимида қатнаши учун келган самарқандлик улуғлар ва аслзодаларни ҳузурига чорлади.

Алқисса, Самарқанд фатҳи Мовароуннаҳр дпёрнининг тева-рак-атрофига ёйилгач, Шовдор, Катта Сўғд, Анҳор тумани ва ул вилоятнинг бошқа қўрғонлари аҳолиси Бобур Мирзо давлатига тарафдорлик ва хайрихоҳлик билдириб, ўзбек доруғаларини ушлаш ва кишанлаб, ҳибсга олиш сари киришдилар.

Муҳаммадхон Шайбоний аста-секин юрганча, Бухоро томон кетди. Ўша пайтларда Муҳаммад Боқий Тархон Қаршига келиб кириб, Хузор қалъасини ҳам маҳкамлади. Муҳаммадхон Шайбоний Бухорода кўп турмай, у ердан чиқиб, Дабусия қалъаси устига лашкар тортди. Дабусия қалъасининг ўша пайтдаги ҳокими Иброҳим Тархоннинг укаси Аҳмад Тархон бўлиб, қалъани осонликча топширмай, уни ҳимоя қилишга жазм қилди. Бундан қаттиқ ғазабланган Муҳаммадхон Шайбоний зўр бир ҳамла уюштириб, Дабусия қалъасини қўлга киритди ва аҳолисини қатли ом қондаси бўйича ёппасига қирди.

Жаҳон олувчи Муҳаммадхон Шайбонийнинг Хожа Кордзан навоҳисдаги яна бир уруши зикри ва Бобур Мирзонинг Самарқандга қочиб кириб, хон шуҳрати ва савлатидан қўрққанча қалъага бекингани баёни

Бобур Мирзо Муҳаммадхон Шайбонийнинг Дабусия қалъасини эгаллаб, унинг барча аҳолисини қатли ом расми билан ёппасига қириб ташлагани воқеасини эшитгач ва бу хоннинг қайтиб келаётганидан хабар топгач, юрагига чексиз қўрқув тушиб,

ҳайрат ва саросима ичида қолди. Ниҳоят, тоғаси Султон Маҳмудхон ва узининг укаси Жаҳонгир Мирзо олдиға хат-хабар юборганча Муҳаммадхон Шайбоний келаётганини маълум қилиб, улардан ёрдам ва мадад тилади. Шунга кўра, Тошкент волийси Султон Маҳмудхон Аюб Бекчик ва Қашқа Маҳмудни беш юз нафар ботир ва довьорак киши билан ёрдамга жўнатди. Жаҳонгир Мирзо юборган Султон Аҳмад Танбалнинг укаси, Халил Мирзо ҳам машҳур жангчилар билан ёрдамга етиб келдилар. Шундан сўнг Бобур Мирзо ҳижрий 906 йилнинг шаввол ойи⁸⁷ да Муҳаммадхон Шайбонийни йўқ қилиш ўй ва нияти билан тўла ишонч ҳамда мағрур юриб, Самарқанддан чиқди ва Боғи Навга келиб тушди. Беш-олти кун ўша ерда тўхтаб турди. Лашкари бир жойга йиғилиб ва қурол-анжомлар билан таъминлангач, Бобур Мирзо манзилма-манзил юриб, Сарипулдан утгач уруш ва тўқнашга ярарлик бир манзилда аскарни тўхтатди. У тарафдан Муҳаммадхон Шайбоний ҳам Бобур Мирзо рўпарасича келиб, Бобур Мирзо лашкари турган жойдан бир фарсахлик масофа наридаги Хожа Кордзан навоҳисига тушди ва олий байроғини шу ерга тикди. Беш-олти кун икки қўшин бир-бирига юзма-юз ўтириб, султонлик уруши сари қирнишдан ўзларини тийиб турдилар. Аммо, гоҳ-гоҳида бир гуруҳ диловарлар паҳлавонлик самандини мардлар майдонида жавлон урдириб қолишар ва жангчанги осмон авжига чиқиб, ҳар тарафдан отилган ўқлар эса чанг булути каби осмонни қоплар эди. Саваш ва санчиш қуролларини ишга солиб, ботирлик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатардилар. Бобур Мирзо юрагида барибир қўрқув ваҳимаси бор эди ва шу сабабли лашкари атрофини эшик ва чапаркат тахталари, сомон уюмлари, шохалар билан ўраб, қаттиқ маҳкамлаб олган эди. Урушга киришмаётгани сабаби эса Муҳаммад Боқий Тархонни кутаётганди. Зеро, ўша орада, Муҳаммад Боқий Тархон икки минг аскар билан Кеш шаҳрига етган ва тез фурсатларда олий ўрдуга келиб қўшилади, деган хабар олинган эди. Яна Мирзо Муҳаммад Дуғлот ҳам Султон Маҳмудхон фармониға биноан бир минг беш юз довьорак аскар билан шу икки-уч кун ичида келиб қўшилиши кутилаётган эди. Лекин уларнинг етиб келиши анча кечикавергач, Бобур Мирзо ноилож қўшинни урушга тайёрлай бошлади. Амир Қанбар Али, Банда Алихожа ва унинг кичик укаси Холид, Миршоҳ Ҳусайн қавчин, Сайид Қосим эшик ого, Қуч Ҳайдар ибн Амир Қосим қавчин баҳодирлардан яна

бошқа бир гуруҳи билан ҳировул⁸⁸ да гуришларини тайинлади. Иброҳим сору, Иброҳим чопуқ, Абулқосим Куҳбур, Жуқи яна бир кўркмас йигитлар тўпи билан бурунғор⁸⁹ да душманнинг гавдасини ўз ҳиммати назари билан янчадиган бўлишди. Иброҳим Тархон, Султон Ҳусайн аргун, Қаро барлос, Пирмуҳаммад, Хужа Ҳусайн бошқа бир нечта жанговар йигитлар билан жавонғор⁹⁰ дан уруш майдонига чиқишга буйруқ олдилар. Амир Қосим қавчин бир тўп ичкилар билан Бобур Мирзо байроғи сояси остидаги қўл⁹¹ да туриб, душман билан жанг қиладиган бўлди.

У томонда эса Муҳаммадхон Шайбоний қўшинни жанг учун сафга тиздириб, ўзи қўлда турди. Маҳмуд Султонни бурунғорда сақлади ва жувонғорни эгаллашни Ҳамза султон ва Маҳди султонга топширди.

Ва бу иккала жанг истовчи ва шер хислатли подшоҳ шу тартиб ва қоида билан бир-бирига қарши ғазаб ва кину кудурат оловини аланга олдирдилар. Довюррак баҳодирлар жон олувчи пайкон учи билан қон тўкувчи оловни душман йигитлар кўзи сари сочдилар ва Рустам қудратли ботирлар кескир қилич зарби билан қаршисидаги муҳолиф жони сари дарча очиб, уларнинг бақо хирманини фано елига суғурдилар.

Шу аснода Муҳаммадхон Шайбоний бурунғори ҳамлага ўтиб, Бобур Мирзо томон ташланди. Бобур Мирзо эса кўркмас бир гуруҳ жангчилар билан муҳолиф келаётган тарафга уруш учун от солгач, шижоат ва кўркмасликда ўз тенгларидан неча чандон ортиқ бўлган ҳировулдаги йигитлар унги қўл тарафда қолишди. Бироқ, шу тариқа Бобур Мирзо ҳужумга ўтганда унинг ёнида бўла олмаган эсалар-да, барибир, ўзбек қўшинининг туйқус ҳамласига нисбатан бепарво бўлмасдан жуда зўр олишдилар ва шамшир зарби, пайкон ёмғири билан душманни орқага қайтардилар. Аммо, зафар суратли диловарлар қайта ҳужумга ўтиб, Бобур Мирзонинг жувонғор ва бурунғордаги кучларини олддан олиб ташладилар ва қўл орқасидан ёриб кирдилар. Бобур Мирзо яна бир бор от жilовини душман тарафга буриб, душманни қилич билан чопқилаш ва ханжар санжишга киришди. Лекин, хоннинг ботир жангчилари теварак-атрофдан ҳамлани кучайтириб, Бобур Мирзо одамларидан бир нечасини ўлдирдилар ва ярадор қилдилар. Жумладан, муътабар бобурий амирлардан Иброҳим Тархон, Иброҳим Ҳожи, Иброҳим сору, Абулқосим куҳбур, Қосимбек қавчиннинг катта ўғли Ҳайдар Қосим,

Худойберди туғчи, Султон Аҳмад Танбалнинг укаси Мирзо Халил кабилар ўқ ва қилич етказган жароҳатдан оёқдан қолиб, ҳалок бўлдилар. Бобур Мирзо то имкони борича жанг майдонида туриб, шошиб-пишиб бўлса-да, мардона уруш қиларди. Ниҳоят, ягона чорани фақат қочиб қолиш ишида кўриб, қочишга тушди ва қайтиш жиловини Куҳак дарёси томонга бурди. Отни жийбаси ва кежими билан дарёда суздириб, қаттиқ қийинчилик билан ташқарига чиқиб олди ва кежимни кесиб ташлаб, шимол томонга от чоптирди. Қалъа ўланги ҳудудида яна отни ўша дарёга солиб, сувдан омон чиққанча, икки намоз оралиғи вақт ичида Шайхзода дарвозаси орқали шаҳарга кирди ва Аркка тушди.

Уруш майдонига кирмай четда турган амирлар, ичкилардан бир тўдаси кўрқувдан ўтакалари ёрилиганча ҳар бир тойифа бир тарафга тум-тарақай қочиб кетдилар. Жумладан, Қанбар Али саллох аввал Самарқанд томон қочиб, сўнг Қундуз вилоятига қараб йўл солди, Худойдод Туркман, Жонибек кўкалтош, мавлоно Бобой Пашоғарий Уратепа тарафга қочишди.

Бу ҳодисанинг иккинчи куниси Хожа Абулмакорим, Қосимбек қавчин ва Бобур Мирзо ҳузурида қолган тайинли кишилардан айримлари маслаҳат қилишиб, шаҳарда бекинишни маъқул топдилар. Сузангарон дарвозасини қўриқлаш Қаро барлос билан бирга бир нечта кўрқмас йигитларга топширилди. Козирстон дарвозаси Ширам Тағой ва Қутлуқ хожа Кўкалтошлар жасурлиги шарафидан мустаҳкамлик сифатини топди. Бобур Мирзо ва Амир Қосим қавчин бир гуруҳ доворак ва ботир йигитлар уларга ёрдамчи сифатида тайинланиб, қайси дарвоза ёки қалъа буржидан ёрдам сўралса, уларнинг барисига нисбатан бир хил ва тенг масофада туриш учун Самарқанд шаҳри ўртасида жойлашган Улуғбек мадрасасида шай турадиган бўлишди. Бобур Мирзо Улуғбек мадрасасининг томида ой ва қуёш томон бўй чўздириб, куббаси осмон ўпар чодир тиклатди. Мулозимлар эса шу мадрасанинг ҳужраларида жойлашдилар.

Эртаси куни Муҳаммадхон Шайбоний маҳфуза Самарқанд шаҳри атрофига келиб, қалъани узук ичидаги қош каби ўраб олди. Бобурнинг ботир йигитлари тўп-тўп бўлиб шаҳардан чиққанча маҳалла ва деворбастдан яширин жой сифатида фойдаланиб, қўлларини ўқ ва тўфанг отиш сари чўздилар. Хон қўшини эса қочиб урушиш ҳийласини қўлаб, шаҳар ёнига унчалик яқин келмас эдилар. Чунки, шаҳарликларни шу усул билан дадилроқ

қилиб, қалъадан узокроқда жойлашган хон ўрдуси сари эргаштириб боришни режа қилгандилар. Шундай кунларнинг бирида хоннинг довюрак жангчилари Оҳанин дарвозаси тарафдан ҳужум уюштирдилар. Қўшиндаги бир қисм аскарларни эса пистирмада қўйдилар. Шаҳарликлар эса пиёда ва отда эски замон усули бўйича олға қараб югурдилар. Бироқ, анча илгарилагачгина душманнинг ҳимоя қўшини ҳийласидан хабар топиб, орқага чекинмоқчи бўлдилар. Шунда пистирмада бекиниб турган отликлар улар орқасидан ҳамла қилиб қолдилар ва икки ўртада улуғ уруш бўлди. Бобурнинг Нуён Кўкалтош, Қулназар Тағой каби яна кўплаб довюраклари бир неча жойидан қаттиқ яраланганча шаҳар томонга қочдилар. Отлиқ ва пиёдаларнинг жуда кўп қисми хонликнинг атоқли ботирлари урган қилич зарби ва ўқ захмидан ер тишлаб, охират олами сари йўл солдилар. Эртасига ҳам хон довюраклари Оҳанин ва Шайхзода дарвозалари оралиғига келиб, ниҳоят даражада жасурлик кўрсатиб, жанг ҳунарларини намоиш қилганча кўпчилиги ҳатто қалъа тепасигача ҳам чиқишди. Яна бир гуруҳ эса Козирстон дарвозасига ва бошқа бир тўда жангчилар Сузангарон дарвозасига бориб, қалъага чиқиш мақсадида унинг олтмиш беш жойидан нарвон ташлашди. Чигатой баҳодирлари, айниқса, Қўч бек, Муҳаммадқули қавчин ва Шоҳ Суфи қаршилик қалқонини юзларига тутиб, душманнинг ўша ҳужумкор жамоасига қарши мудофаа ҳужуми сари чопдилар ва ўртада азим бир тўқнашув ясаб, юз хил ҳарбий ҳийланайранг ишлатганча ўзлари кўриқлаётган қалъа минорасини душман босқинидан сақлаб турдилар.

Жуллас, бу икки қўшин ўртасида ана шу зайл тўрт ой ҳарбу жанг олови ва чопишу санчиш чанги осмонга кўтарилиб турди. Бобур Мирзо ул маҳфуза шаҳарни кўлда сақлаб туриш учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. Муҳаммадхон Шайбоний ҳам қамалдаги душманни қийин аҳволга солиш учун тиришиб, қамалда тутиш истак ва усулини ўзидан йироқлаштирмади.

Бобур Мирзо шу қамал давомида бир неча бор Хуросон ва Ҳисори Шодмон, Кундуз, Бағлон ҳамда Мўғулистон ҳукмдорлари ҳузурига элчилар юбориб, улардан ёрдам сўради. Мазкур вилоятлар ҳукмдорлари эса кўмак юборишда бепарволик ва масалани пайсалга солиш билан овора бўлиб, ҳеч ким Бобур Мирзонинг доду фарёдига қулоқ осмади. Натижада, самарқандликлар қийин аҳволга тушиб, ноумидлик билан бир-бир, икки-икки

булиб, ҳар кун ўзларини қалъанинг буржу борасидан ерга ташлай бошладилар ҳамда ожизлик ва эҳтиёж юзини дустга меҳрибон, душманга аёвсиз хоқон ўрдуси сари қаратдилар. Чунки, шаҳардан чиқиб, деҳқончилик қила олмаган халқ озиқ-овқат қаҳатчилиги ва иқтисодий тангликка дучор бўлганди. Очлик балоси аҳолининг турли қатламларини қамраган ва қоврилган қўзичоқ гушт-ю кабобни кўкатсиз емайдиган айрим кишилар ит ва мушук сўйиб, гуштини паққос ейишдан ҳеч тап тортмайдиган бўлдилар. Бора-бора самарқандликлар аҳволи бундан ҳам беш баттар оғирлашиб, ниҳоят, доду фарёд қилишга тушдилар ва баъзилар дин шайхларини ўртага солганча уларни восита қилиб, Шайбонийхон ҳузурига омонлик тилаш учун юбордилар. Муҳаммадхон Шайбоний уларни ўз лутфу марҳаматидан умидвор қилди. Бобур Мирзо эса қочишдан бошқа чорани ўзига эп кўрмади. 907 йил боши⁹² да оғриқли дил ва тилка-пора юрак билан Хожа Абулмакорим ҳамда баъзи бир улуғлар ва олимларни ёнига солганча ўзининг хос навқарларидан юзга яқини билан Самарқанд дарвозасидан ташқари чиқиб, йўналиш юзини Андижон сари қаратди.

Муҳаммадхон Шайбонийга Самарқанд шаҳрини қайтадан фатҳ этиш муяссар бўлгандан сўнг Мовароуннаҳрнинг яна бошқа шаҳарларида ҳам мустақил ҳукм суриш байроғини ҳилпиратди. Шундан сўнг кўнглига Амир Хусравшоҳ мулкининг иқбол ниҳолини ўз давлати сари эгиб, Ҳисори Шодмон, Хатлон, Бадахшон, Қундузни эгаллаш ўйи келди ва қисқа вақт ичида ул мулку давлатни ҳам Амир Хусравшоҳнинг қудрат қўлидан тортиб олиб, мусаххар ва фатҳ этди.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг Балх сари юргани ва Бадиъуззамон Мирзо амирлари ичидан баъзиларининг хонликка нисбатан хайрихоҳлик билдиргани ва уларнинг худо тақдири билан ўлдирилгани

Шу орада Дашти Қипчоқнинг аъзам сайидлари қаторида турувчи ва ўзбек хонларига қариндошлик нисбати борлиги орқасида хон ва султонларнинг яхши сийловларига эришган Жаъфархожа отлиғ сайид Мовароуннаҳр диёридан қуббат ул-ислом Балхга борди. У ерда Бадиъуззамон Мирзо қўлини ўпиш шарафини топиб, иззат ва икромга сазовор бўлди. Бу сайид зот

Бадиъуззамон Мирзо амирлари ва яқин мулозимлари билан яхшилаб танишиб олди ва гоҳ-гоҳи улар билан ёлғиз қолганда хуфиёна равишда Муҳаммадхон Шайбонийни мақтаб юрди. Хоннинг куёшдек порловчи мақтовли хислатлари ҳақида тилни мадҳу санога очди. Бадиъуззамон Мирзонинг хос амирлари жумласидан Иброҳим Мирзо барлос, Жаҳонгир барлос, Шоҳмуҳаммад барлос, Офтоб Тархон, Қора Пирмуҳаммад, Бек Келди ўзбек каби кишиларни ўз таъсирига олиб, ўзига иттифоқчи қилди ва улар қалбида Муҳаммадхон Шайбоний хизмати томон истак ва майл туғдирди. Бу амирлар ниҳоят Жаъфархожага баъийят қулини бериб, қулай фурсат етганда, хонга хайрихоҳлик билдириб, хонлик хизмати эшикларини ўзларига қаратиб очишга қасамёд қилдилар. Ўша айёмда, илгари Маҳмуд Султон Бухорони олгач, ул улкадан қочганча Бадиуззамон Мирзодан паноҳ топган ва Мирзо топшириғига кўра Андхуд ноҳиясида ҳоким бўлиб ўтирган Муҳаммад Боқий Тархоннинг темурийлар салтанаги офтоби ғарб уфқи сари энаётгани ва тез орада мирзолар тахти кулашини аниқ сезиб, Муҳаммадхон Шайбоний олдига қосидлар юбориб, хоннинг ҳумоюн мавкаби қачон Амударёдан ўтса, камина Андхуд қалъасини осмон мартабали остона хизмагчилари қулига топшираман ва бошқа мулозимларингиз сафидан ўрин оламан, дея айттириб юборгани ва жаҳон олувчи хоннинг эса шу ваъдага асосан Самарқанддан чиққанча Амударё томон йўналгани хабари етиб келди. Шунга кўра мазкур амирларнинг кўнглига сайинд Жаъфархожа маъкуллови бўйича «Бадиуззамон Мирзо Муҳаммад Боқий Тархон фитнасини бостириш учун Андхуд сари кетишга чоғланган ҳамоно хонга хайрихоҳлик намунасини амалда кўрсатиш мақсадида Балх қалъасининг буржу бора ва дарвозаларини бекитамиз» қабилидаги қарор келди. Айни кунларда амир Муҳаммад Боқир арғун Бадиуззамон Мирзодан аразлаб, бир неча кундан бери уйда ўтирган эди. Шу воқеа сабаб бўлиб, Офтоб тархон бир нечта яқин кишисини олдига солиб, арғуннинг уйига боришди ва у билан яккама-якка қолиб, кўнгилларидаги яширин режани айтишди. Амир Муҳаммад Боқир уларнинг сўзларига чин қалбдан қўшилган бўлди ва «яхшиси, эртага хожа Абунаسر Порсо мозори бошида йиғилайлик ва бу иш амалга ошиши борасида қарама-қарши йўл тутмаслик учун аҳду паймон тариқини илгари сурайлик» деди. Сўзни шунга қуйиб, тарқалишганча

ҳар ким ўз уйига кетди. Бироқ, Муҳаммад Боқир аргун ўша кечасиёқ Иброҳим Мирзо чаҳорбоғида Бадиуззамон хизматиға ошиқиб, булган воқеани гапириб берди. Бадиуззамон Мирзо бу сузларни иғвоға йўйиб, қабул қулоғи билан тингламади. Шунда амир Муҳаммад Боқир «сузимнинг айни ҳақиқатлиги ҳумоюн нурли кунглингизга аён бўлиши учун яхшиси ўз ишончли одамларингиздан биттасини менга қўшиб, хожа Абунаسر Порсо мозори бошига юборинг» деди. Бадиуззамон Мирзо унинг илтимосяга кура, Паҳлавон Ҳасан Алини амир Муҳаммад Боқирга қўшиб мозорга юборди. Амир Муҳаммад Боқир саҳар пайти Паҳлавон Ҳасан Алини ул мозор имортидаға жамоатхона ҳужраларидан бирида ўтқазиб, эшикни устидан қулфлади. Ўша пайтда ул жамоат ҳам етиб келиб, жамоатхонаға кирганча мазкур иш бўйича суҳбатлаша кетдилар. Сайид Жаъфархожа уларни хон билан иттифоқ бўлишга ундаб, аҳду қарор ва қасамёд қилдирди. Шундан сўнг тарқаб кетишди. Паҳлавон Ҳасан Али ҳам барча гапни эшитиб, Бадиуззамон ҳузуриға борди ва ҳодиса мазмунини ётиғи билан шаҳзода арзига етказди. Эртаси куни тонгда Муҳаммад Боқи Тархон иши юзасидан маслаҳат қилиш учун барча амир ва давлат устунларининг девонхона чодирига йиғилиши ҳақида олий фармон бўлди. Амирлар тўплангач амир Шоҳ Мансур баҳши Бадиуззамон Мирзодан ҳалиги фитначиларни ушлаш ҳақида буйруқ олди ва ўша заҳотиёқ ул жамоани кишанлаб, ҳар бирини битта ишончли киши ваколотиға топширдилар. Қўлга олинганлардан Шоҳмуҳаммад барлос, Офтоб Тархон, Бек Келди ўзбек дарҳол сиёсатға етиб, қатл этилдилар. Иброҳим султон, Жаҳонгир барлос, Қора Пирмуҳаммад ва сайид Жаъфархожа эса шу куниси улимдан қутулиб қолишди. Аммо, эртаси куни сайид Жаъфархожа ҳам молмулкини мусодара қилиш учун вакил қилинган амир Шоҳ Мансур баҳши кўрсатмаси бўйича қатл этилди.

Шу воқеалар юз бериб турган маҳалда мақтов хислатли Шайбонийхон Амударёнинг Карки кечувидан ўтди ва Бадиуззамон Мирзо Султон Иброҳим чаҳорбоғидан тўппа-тўғри оти жиловини Гурзивон тоғи томонға буриб, қочмоқ билан бўлди.

Хонликнинг ғалаба аломатли байроғи маҳчаси Балх мамлакати уфқида пайдо бўлгани ва ул шаҳар аҳолисининг кайфу сафоли ҳаёти аччиқ азоб билан алмашгани

Бу воқеанинг қисқача шарҳи шуким, ҳижрий 907 йилнинг куз фасли боши⁹³ да шижоат пеша Муҳаммадхон Шайбоний мамлакат олувчилик байроғини ҳилпиратди ва Амир Боқий Тархоннинг ўша илтимосига кўра Карки кечувидан ўтиб, Андхуд ноҳияларини ўз давлати сояси остига олди. Муҳаммад Боқий Тархон олий мавкабга қўшилиб, кўп пешкашлар тортиқ қилди ва хоннинг илтифот назарига етишди. Жаҳон олувчи хоннинг дарёдан утгани хабари Иброҳим Мирзо чаҳорбоғида Бадиуззамон Мирзо арзига етгач, қаттиқ ваҳимага тушиб, шу кўрқув сабабли бу ерда қолмоқни ақлдан санамади ва ўгли Муҳаммад Мирзони Балхда қўйиб, амир Султон Мулжони мазкур шаҳзода хизматида қолдирди. Хожа Жалолиддин Миракий, амир Шайх Абу Саъид Ироқий, Қаро Ҳасан ат-Тубнинг ҳам Балхда бўлишларига буйруқ берди. Амир Алихон ибн амир Умарбек Шибирғон доруғаси Қабодбекка ёрдам мақсадида кетиб, ул шаҳар ҳимояси учун жонини аямаслиги айтилди. Шундан сўнг Бадиуззамон Мирзо Кузистон довонидан Чаҳорякка бориб, ўша ердан Қораёғоч сари ошиқди. Қораёғочдан йўналиш жilовини Жазравон тоғи томонга буриб, Жуз довонида бекиниб ўтирганча отаси саройига элчи жунатди. Жаноб Муҳаммадхон Шайбоний Андхуд ишларини бир ёқлик қилгач, дастлаб Балх томонга юрди. Ғалаба асарли лашкардан бир гуруҳини Шибирғонни чопқин қилишга тайин қилди. Ул гуруҳ Шибирғон яқинига етишганда амир Алихон ибн амир Умарбек кўрқмас ботирлардан бир тўдаси билан қалъадан ташқари чиқди ва икки уртада уруш олови аланга олди. Жанг асносида амир Алихон асир олинди, ёнидаги бошқа кишилари эса қочиб кетдилар. Амир Алихоннинг кўл-оёқларини боғлаб, ҳумоюн ўрдуга олиб бордилар. Хоннинг зафар аломатли байроғи маҳчаси тўла дабдаба ва мақсади ҳосиллик билан Балх уфқидан балқиб чиққач, ўша ерда бўлган амир Султон Мулжо ва бошқа амиру аёнлар бекинишга қарор қилдилар ва Ироқ дарвозасини Паҳлавон Ҳасан Али ва амир Султоннинг бир гуруҳ навкарлари кўриқлайдиган бўлишди. Хожа Уккоша дарвозаси Паҳлавон Амиржон Али ва Жон Аҳмад қалмоқ, амир Дарвиш китобдор

кабилар жасурлиги орқасида мустаҳкам жойга айлантирилди. Хожа Жалололиддин Миракий Уштурхор дарвозасини беркитди, Муҳаммад Замон Мирзо шайх Абу Саъид Ироқий, Қора Ҳасан билан Аркда жойлашдилар. Амир Султон қалмоқ шаҳар жомеъ масжидида ўрнашди ва барча дарвоза, бурж ҳимоячиларига ёрдам берадиган бўлди.

У томондан эса жаҳон олувчи хон Муҳаммадхон Шайбоний ўн минг нафарга яқин паҳлавон кишиси билан Уштурхор дарвозаси рўпарасида манзил тутди. Укаси Маҳмуд Султон жойини Ироқ дарвозаси қилиб белгилади. Бошқа бир гала жужинажод султонларни Хожа Уккоша дарвозаси рўпарасига жойлади. Ул мустаҳкам қалъанинг барча бурж ва кирар-чиқар жойларини атоқли амирлар ва мақсади ҳосил баҳодирларига тақсимлаб бериб, ҳар бирини аҳолига кўз-қулоқ бўлиш учун тайинлади. Шундан сўнг олий мартабали хоқон фуқаро аҳволи ва аҳоли мулоҳазасини қилиб, шаҳар ичига элчи юборди ва амир Султон ҳамда Бадиуззамоннинг бошқа амирларини бўйсуннишга чақирди. Бу гап балхликларнинг қабул қулоғига кирмагач, қалъа олиш асбобларини тартибга келтиришни буюрди. Бир ҳафтадан сўнг шижоат пеша ботир жангчилар чапар, тўраларни йиғиб, қалъа атрофидаги хандақ сувларини ҳар тарафга сачратиб, йўналиш йўлини қалъа тагига-ча улашга эришдилар. Шундан сўнг хонликнинг ҳамлага ўтиш ҳақидаги буйруғи янгради. Фармон барчага етказилгач, шаҳар атрофининг ҳамма еридан сурнай ва карнай овозлари, ногораву чилдирма товушлари қалъа деворидан ошиб, аҳоли қулоғини қоматга келтирди. Сон-саноксиз ҳамлачилар эса шу заҳоти чумоли-ю чигиртка каби ёпирилганча юзларини хандақ сари буриб, қиёмат кунини эсга солдилар. У томондан ҳам лашкар ясаб чиқиб ва икки томон ботирлари майдонда жавлон урганча, мардлик ва мардоналик намунасини намойиш қилдилар.

Хуллас, ўша куниси дўстга ёр, душманга аёвсиз хоқон қўшини чексиз ботирлик ва баҳодирлик кўрсатиб, жуда кўп шаҳарликларни одамни қулатувчи новак зарби билан мажруҳ ва берух қилдилар. Бироқ, бу шаҳарни осонликча қўлга киритиш имконсиз ва амри маҳол ишлардан бўлгани учун ғалаба нишонли баҳодирлар хон буйруғи билан урушдан қўл тортиб, орқага чекиндилар. Шундан сўнг зафарга ёр хоқон лашкарнинг беҳуда зое бўлишини ўйлаб, амирлар ва баҳодирларни уруш оловини қучайтирмоқ сари юбормади. Аммо, имкон етгунча қамал ишнини

давом эттириш, қамалдагиларни тазйикқа учратишга ҳаракат қилаверишларини тайинлади. Қамал муддати шу зайл уч ой давом этса-да, қўшинга сира ҳам уруш ва жанг қилмоқ ёки қалъа сари ук отмоқ ва тош улоқтирмоқ ишига рухсат бермади. Киш фасли бўлгани учун бирдан ҳаво қаттиқ совий бошлади ва жаҳон олувчи хон ғазаб устида кўп қон тўкиб ул қалъани эгалласа, бегуноҳ аҳоли ва шаҳарликлар шу жаҳл ва ғазаб оташида куймасин, хонлар ўртасидаги бу ҳодисалар қурбони бўлиб, моли ва жони оёқ ости ва поймол бўлмасин, деган мулоҳаза ва ўйда дин шайхлари илтимосини қабул қилди ва улар келтирган туҳфа ҳамда совғаларга қаноат қилганча орқага қайтишга қарор қилди. Шу зайл жаҳон олувчи хоқон қиш ўртасида қайтиш ноғорасини чалиб, Самарқанд сари ошиқди.

Маҳмуд Султоннинг акаси Муҳаммадхон Шайбоний буйруқ ва фармони билан Қундуз томон кетгани ва ул вилоятни яратгувчи эгам инояти билан фатҳ этгани

Бу воқеанинг қисқача шарҳи шуким, Муҳаммадхон Шайбоний ўша қиш фаслида Балх қамали баҳридан кечиб, Самарқанд тарафга ошиқди ва адолат байроғини хосу ом боши узра ёйди. Шу аснода хон арзига Амир Хусравшоҳ гердайган ва кеккайганча ўзини якка ҳоким сифатида билиб, ҳеч кимни назарига илмаяпти, шунинг орқасида Бадиуззамон Мирзо ва унинг амрларига қарама-қаршилик йўлини тутган қабилдаги гаплар етишди. Бироқ, шунга қарамай, Бадиуззамон Мирзо кўп қўрқув ва ташвишга тушган ўша кезларда Амир Хусравшоҳ укаси Валибекни Бадиуззамон Мирзо хизматига жўнатди. Аммо, Валибек йўлда чоғи Бадиуззамон Мирзонинг Амир Хусравшоҳга нисбатан ғазабу нафрати ҳаддан зиёда эканини эшитиб, Қундуз тарафга қайтди ва акаси Амир Хусравшоҳни бундан огоҳлантирди. Муҳаммадхон Шайбоний Амир Хусравшоҳнинг бундай паришон аҳволда қолганини билгач, укаси Маҳмуд Султонни Қундуз тарафга равона қилди. Душман келаётганидан хабар топган Амир Хусравшоҳ яқинлари қаторида хизматда турган Абдурахмон Бекни қўшинидаги бир гуруҳ одам билан «тил ушлаш» расми бўйича муҳолиф қўшини олдига юборди. Абдурахмон Бек Сарой ҳудудида дарёдан ўтиб, Маҳмуд Султон қўшинига етди ва икки ўртада ўлдир-ўлдир оташи аланга олди. Шу орада Абдурах-

мон Бек елкалари орасига теккан уқдан юзини йўқлик саҳроси сари бурди. Қолганлар эса тум-тарақай қочганча Қундузга зўрға етиб олдилар. Қундуздагилар ўта ташвиш ва ғам-ғусса ичида қолдилар. Амир Хусравшоҳ ҳаддан зиёд қурол-аслаҳа ва озиқ-овқат захирасига эга бўлиши ҳамда ёрдам тариқасида Бадиуззамон юборган амирларнинг тез орада етиб келишига қарамай, қаттиқ ваҳима ва қўрқув орқасида қўл-оёқдан тушганча Қундузни очиқ қолдирди ҳамда хос кишилари билан Қуҳистон томонга қараб қочди. Ёрдам расми билан келаётган амирлар жумласидан бўлган амир Шоҳмансур ёнидаги шериклари маслаҳатига кўра, улардан сал олдинроқ Қундузга келиб, Амир Хусравшоҳга ёрдам тарзи билан келаётган амирлар Амир Зуннун арғун бошчилигида Қундузга анча яқинлашиб қолганини ҳам етказган эди. Аммо, Амир Хусравшоҳнинг бу гапларга ҳам қарамай жуфтакни ростлаб қолганини кўргач, у ҳам орқага қайтди ва Хулм мавзеида ёрдамчи амирлар ёнига келиб, бор воқеани бир-бир айтиб берди. Чиғатой амирлари ичида шижоат ва ғайратда таниқли Амир Зуннун арғун шундай бой ва обод шаҳарни душман қўлига бериб қўйиш ва ушбу жойдан шундай йўсин билан қайтиш байроғини ҳилпиратиш мардларнинг иши эмас, жанг сафини ёрувчилар хислати эмас, яхшиси, Қундузга борайлик ҳамда ул шаҳарни мустаҳкамлаб, муҳолиф ихтиёрига топширмаслик ҳаракатини қилайлик ва шунда бу эрларга муносиб иш булажак, деди. Бошқа амирлар ҳам хоҳласа-хоҳламаса-да юриш ишида айро тушмасдан Амир Зуннун билан бирга боришга рози бўлиб, Қундуз сари юзландилар. Қундуз тащқарисига келиб тушгач, Қундузнинг эътиборли одамларидан мавлоно Муҳаммад Туркистоний шаҳар аҳолисининг катта ва кичиги кўнглини Шайбонийхонга тобеълигига мойил ва ихлосманд қилиб улгургани ва шаҳарни Маҳмуд Султонга топшириш учун бу шайбоний султонни кутиб ўтиришганидан хабар топдилар. Шунга қарамасдан, Амир Зуннун бир сўзамол қосидни мавлоно Муҳаммад Туркистоний ва бошқа қундузликлар ҳузурига юбориб, уларга ўзбек қўшинининг бераҳмлиги борасидаги гапларни етказиб, халқ юрагига қўрқув ва ғулғула солишни кўзлади ҳамда яхшиси, ҳозир дарвозаларни очинглар, мен эсам бошқа улўғ амирлар билан шаҳар ичкарасига кириб, теварак-атрофини мустаҳкамлай, қалъани маҳкамлаб ва муҳолифни даф қилиш учун бор кучим билан саъй-ҳаракат қилай, деди. Мавлоно Муҳаммад Туркистоний эса бу сўзларга қабул ва эътибор қўлоғини тутмади ва Муҳаммадхон Шайбонийга хайрихоҳлик билдиришда давом

этиб, Кундуз дарвозаларини Бадруззамон амирларига очиб бермади. Шу орада Махмуд Султоннинг етиб келгани овозаси ҳам тарқалди. Шунга кўра, Амир Зуннун бошқа амирлар билан жуда маъюс тушиб, тезликда ва шошганча эзилган ва паришонлик билан орқага қайтди ва Бадруззамон урдуси сари ошиқди. Дарагаз мавзесида Бадруззамон мулоқоти иззатига эришиб, Кундуз воқеаси ва Махмуд Султоннинг бостириб келганини арзга етказди.

Бадруззамон Мирзо бу ишда ягона чорани қочмоқда билиб, қайтиш юзини Ҳирот томонга бурди. Угли Муҳаммад Замон Мирзони ҳарам аҳли ва айрим амирларни ҳам Балхдан олиб чиқиб, келишилган бўйича, Балх ҳимоясини Амир Султон қалмоққа топширди.

Махмуд Султон ута дабдаба ва ҳашамат ва шавкат билан Кундуз вилоятига кириб келиб, ул вилоятнинг анчагина тобе ерларини ҳам эгаллади ва адолату иноят, шафқату ҳимоят байроғини ул диёр халқи боши узра ёйди. Вилоят эгалигини Муҳаммадхон Шайбоний куёви бўлмиш Аҳмад Султонга топшириб, доруғалик ишларини эса ишончли бир киши ихтиёрига берди ва сўнг ўз улкасининг дорулмулки томон ошиқди.

910 йили²⁴ Амир Хусравшоҳ Ҳирот томондан келиб, бир нечта авбош ва ятимларни ўзига ҳамроҳ қилганча Кундузга қараб юрди ва Кундуз доруғаси билан ораларида уруш бўлди. Урушда Амир Хусравшоҳ енгилиб, асир тушди. Кундуз доруғаси уни Кундуз шаҳрига келтириб, эшакка тескари утқазганча шаҳар ичида сазойи қилиб айлантирди ва шундан сўнг қатл эттирди.

Жаҳон олувчи хоқон Шайбонийхоннинг Султон Махмудхон ва унинг укаси Султон Аҳмадхон ва Бобур Мирзо билан яна бир бор уруш қилиши ҳамда Султон Махмудхон ва укаси Султон Аҳмадхоннинг асир тушиши, аммо жаҳон олувчи хоқоннинг уларни афв ва озод ҳамда ўз ихтиёрларини ўзларига топширгани

Бу воқеанинг қисқача зикри шуким, Бобур Мирзо жаҳон олувчи хоқон ҳайбати ва савлатидан қўрқиб, юрт келинини талоқ қилгач, дили пора ва жигари қонталаш ҳолатда Самарқандни ташлаб чиққач, маврусий мамлакати Андижонга ошиқаркан, йул

асносида, Султон Аҳмад Танбалдан ажралиб чиққан укаси Жаҳонгир Мирзо Андижондан келиб улуғ акаси қулини упиш шарафига муяссар бўлди. Бобур Мирзо укаси ҳамроҳлигида Андижон яқинига етишгач, Султон Аҳмад Танбалнинг Бобур Мирзога қарши исён ва қўзғолонни ҳаддан оширгани эшитилди, шу сабабли Бобур Мирзо шаҳарга киришни сира ҳам эп кўрмай, оти жilовини Тошкент томонга бурди. Султон Маҳмудхон ва Олачахон Бобурнинг тоғалари бўлгани учун жияни қадамга ҳасанот айтиб, эъзоз ва икром билан кутиб олдилар. Фароғатда дам олиши учун барча нарсани муҳайё қилиб, катта зиёфатларни ҳам бошлаб юбордилар. Бир неча кун ўтгач, Султон Маҳмудхон Андижон томон лашкар тортиб, ул мамлакатни Аҳмад Танбал қулидан тортиб олиш ва жияни ихтиёрига топшириш учун ҳиммат кўрсатиб, шу қарорга кўра, Андижон устига юриш бошлаб, йўлга тушди.

Шу аснода жаҳон олувчи хоқон Муҳаммадхон Шайбоний эса жуда кўп аскар билан улар томонга қараб юраверди. Чунки, Искандарсифат хоқон Шайбонийхон айрим ҳолларда Султон Маҳмудхон томонидан муҳолифат ва қарама-қаршилиқ содир бўлиб, унинг ўзбек хонига чин ихлос ва садоқати йўқлигини билиб юрарди. Шунинг учун жаҳон олувчи хон катта қўшин билан ўша томонга юрди. Султон Маҳмудхон укаси Султон Аҳмадхон ва Бобур Мирзо Андижонни қайтариб олиш мақсадида сон-саноксиз аскар тўплаб, бир неча манзил ва масофани босиб ўтдилар. Йўл асносида эса жаҳон паноҳ хоқон ғалабага ёр қўшин билан уларга тўқнаш келиб, шу манзилдаёқ икки азим лашкар ўртасида уруш олови қизиб кетди. Мўғуллар орасида «хон» лақаби билан танилган Султон Маҳмудхон ва «Олача хон» номи билан машҳур бўлган Султон Аҳмадхон, Худо тақдирича, зафар дастгоҳли қўшин аскарлари қулига тушиб, асир ва банди бўлдилар. Бобур Мирзо эса фурсатни ғанимат билиб, минг азобда юзини қочиш водийси сари ўгирди ва ўша заҳотиёқ оти жilовини Мўғулистон вилоятлари томон бурди. Бир амаллаб Ҳисори Шодмон йўли билан ўзини Кобулга еткарди.

Муҳаммадхон Шайбоний кўзлари бу фатҳ ва зафар жамолидан яна ҳам равшан тортиб, чақмоқ ва елдек учувчи бир қосидни ўша ердаги мўғуллар олдига «Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон ҳумоюн хоқон қулига асир тушдилар, Муҳаммад Бобур эса қочиб кетди. Агар қиёматасар ғазаб ул хонларнинг ҳаёти

хирманини куйдирмасин ва ҳаёт риштасини узмасин деган истакларингиз бўлса, Тошкентни ташлаб чиқиб, ўз ватанингиз Муғулистонга кетинглар» деган хабар билан юборди. Шу билан бирга чиғатой улусининг бошқа султонлари ва мирзоларига ҳам хат битилиб, ким асирдагилар ўтда куймасин деса, хожа Абулмакоримни ҳибсга олиб, қочиб кетишига йўл қуймасин, дея эълон қилинди.

Ул икки олий макон хонни эса икки-уч кун ушлаб туриб, кейин бошлари оққан томонга бораверишлари мумкинлигини айтганча қўйиб юборди. Аммо, хожа Абулмакорим ўша икки-уч кун ичидаги маслаҳат жараёни оралиғида қочиб қолишни ғанимат билиб, Тошкентдан пиёда юрганча ташқари чиқди ва танимасликлари учун шариф юзини теп-текис қилиб қирдирди. Лекин, барибир, қариллик заифлиги ва юрмакка кучи йўқлиги сабабли душман дастидан қутулиб кетишнинг чорасини тополмай, шаҳарга яқин бир жойдаги ерлик аҳолидан бирининг уйига кирди. У меҳру мурувватсиз киши эса хожани бир-икки кун уйида сақлаб, шундан сўнг Шайбонийхон тарафдорларига хабар берди. Ул одамлар хожа Абулмакоримни ушлаб, жаҳон олувчи подшоҳ ҳузурига олиб бордилар. Муроди ҳосил хоқоннинг кўзи олижаноб хожага тушгач «соқолингни нима қилдинг?» деб сўради. Хожа бу савол жавобида ушбу байтни ўқиди:

*Чарогеро, ки Эзид бир фурузад,
Ҳар он кас пуф кунад ришани бисўзад.*

(Мазмуни: Худо ёққан чироқни ким учирмоқчи бўлса соқоли куяди).

Лекин, хожанинг бу нозиктабълик ва хушомадгўйлик билан айтган лутфидан фойда чиқмади. Шу заҳотнёқ сиёсат қаҳрамони мазкур хожани охират оламига жўнатди.

Бу воқеалардан сўнг Шайбонийхон шавкатининг байроғи олдингидан ҳам баландроқ кўтарилиб, Самарқандни мулку давлатининг пойтахтига айлантирди. Укаси Маҳмуд Султон эски дастурга кўра ўз ҳукумати байроғини Бухоро узра ҳилпиратди. Тошкент вилояти ва Туркистонни амакилари Кўчкунчи султон ва Севинчхожа султонларнинг қудрат қўлига топширди. Шохрухия доруғалиги азим амирлар қаторидан жой олган амир Яқубга берилди. Аҳсини амакиваччаси Жонибек султонга ва Андижонни Маҳмудшоҳ султонга берди.

Мақсади ҳосил Муҳаммадхон Шайбоний буйруғи билан Балх, Шибирғон, Маймана ва Форёб устига юриш қилингани зикри

Жаҳон олувчи хоннинг олий ҳиммати мақсади ҳамиша мамлакатларни қўлга киритиш бўлгани учун кетма-кет ва пайдарпай равишда қаҳрамонона жанг қилувчи қўшни ва аскарларни Жайхуннинг ул томонига юборар эди. Тўққиз юз унинчи (910) йили⁹⁵ нусрат асарли диловарларидан бир гуруҳи зафар сиймоли хоқон фармониغا биноан Жайхун дарёсини кечиб ўтиб, Маймана, Форёб вилоятларга босқин-чопқин уюштирдилар. Ўша пайтда Бадиуззамон Мирзо Форёб вилоятида эди. Хон аскарлари жуда кўп мол ўлжа олиб, истило байроғини қилпираддилар. Она томондан насаби Бойсунқур Мирзога уланувчи Муҳаммад Қосим Мирзо ибн Абулқосим арлот ўша ерда яшаб турган амир Ширам жалойир ва амир Бобохон ибн хожа Жалолиддин Миракийлар билан бирга ул жамоат ҳамласини дафъ қилиш учун чиқдилар ва ўртада жанг оташи ва чанг губори осмонга ўрлаб, анча уруш ва савашдан сўнг фатҳ ва зафар Муҳаммадхон Шайбоний аскарлари сари бўлиб, ул уч нафар марди майдон сардор голиб келган довюрак муҳолифлар зарбидан ҳалок бўлдилар. Лашкари эса қочиш томон юз тутди. Хонлик қўшни музаффар ва мансур ҳолда чексиз ўлжа билан қайтиб келдилар.

Эломон Баҳодирнинг комёб хоқон фармони билан Мурғоб дарёси қирғоғига босқин-чопқин уюштиргани

Султон Ҳусайн Мирзонинг 911 йил зул-ҳижжа ойи⁹⁶ плоҳий раҳмат ёнига етишгани хабари жаҳон олувчи хоқон Муҳаммадхон Шайбоний қулоғига етишгач, Эломон Баҳодирни бир гуруҳ ботир жангчилар билан Эрон вилоятига босқин-чопқин учун жўнатди. Эломон Баҳодир Жайхун дарёсидан ўтиб, Мурғоб дарёсига ерлар аҳолиси юрагига қўрқинч солиб, хонавайрон этиш ва талон-торож йўсини билан мол-мулкини шип-шийдон қилди. Аскарларини Марвруддан нариёққа олиб ўтиб, Бодғисга яқин ерларда ҳам ўлдир-ўлдир ва тала-тала садосини баланд янгатди. 912 йил муҳаррам ойи⁹⁷ да бу воқеа отаси ўлганидан сўнг шерикликда юрт бошқараётган ака-ука Бадиуззамон Мирзо ва Му-

заффар Ҳусайн Мирзо қулоғига етишди. Дастлаб, улар Муҳаммадхон Шайбонийнинг ўзи қўшин билан Амударё ва Мурғоб дарёларидан кечиб ўтиб, дор ус-салтана Ҳирот томон келаётган бўлса керак, деб ўйлашди. Шу сабабли қалбларини катта қўрқинч ва хавф чулғаб олди. Воқеа ҳақиқати аён бўлгач эса бир нечта амирларни лашкарга бош қилиб, душманларни қайтариш учун юборишга қарор қилишди. Бироқ, бу хизматга давлат устунларидан биронтасини вакил қилиб улгурмасдан бурун Амир Зуннун арғун Сохир, Тулак, Заминдовар лашкаридан ўн икки минг киши билан ўша муҳаррам ойи ўрталарида Ҳирот яқинига келиб тушди ва шу ерда Эломон Баҳодирнинг Мурғоб дарёси бўйигача босқин-чопқин уюштиргани хабарини эшитди. Йўл чарчоғини чиқармасдан туриб, амир Султон Боязид барлосни ўзига қўшиб олганча Марвчоқ томонга илғор уриб кетди. Эломон Баҳодир қўлга туширган катта улжасини олганча Зардак чули орқали қайтадиган бўлди. Амир Зуннун эса шу чул сари юриб, тезда душман кетидан кувиб етди. Икки ўртада уруш олови ёниб, қизғин жанг бўлди. Ҳар томондан ҳам кўп аскар ҳалок бўлишди. Айримлар эса бир-бировига асир тушишди. Ниҳоят, урушиб чарчаган ва ҳолдан тойган тарафлар жангни давом эттиришга мажол топмай, ҳар қайсиниси қайтиш жilовини бир томонга бурдилар.

Хуросон султонларининг Шайбонийхонга қарши урушга киришгани зикри

Бу воқеанинг қисқача шарҳи шуки, Муҳаммадхон Шайбоний Султон Ҳусайн Мирзонинг абадийлик мамлакатига кўчиб ўтгани хабарини эшитгач, Хуросонни эгаллаш кўйига тушди ва биринчи бўлиб, мавлоно Хитойни элчилик расми билан дор ус-салтана Ҳиротга Бадиуззамаон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзолар душманлик ва ёвлик ниятидан воз кечиб, итоат ва бўйсунуш йўлини тутсинлар, деган мазмунда жўнатди. Мавлоно Хитойий пойтахт Ҳиротдаги Боғи жаҳонорода Бадиуззамаон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзолар кўрунишига етгач, уларга хоннинг саломи ва пайғомини етказди. Хабар ушбу мазмунда эди: Гапнинг қисқаси, Муҳаммадхон Шайбоний демокдаларки, сизларнинг ота ва бобонгиз ҳамиша бирон ҳодиса рўй бериб, қийинчиликка дуч келсалар бизнинг олий шон-шавкатли сулоламиздан ёрдам сўраб мурожаат қилганча итоат камарини белидан

ечмаганлар. Яхшиси сизлар ҳам эндиликда мамлакат майдони обод қолсин ва яратгувчи эгамнинг омонати бўлган халқ галаба аломатли аскарларимиз оёғи остида эзилмасин, десангиз оталарингизнинг олий анъаналарига содиқ қолиб, душманлик эшикларини бекитинг ва бирдамликнинг тўғри кучасидан эгри қадам босманг.

Раббоний тақдир тақозосига кура, Султон Ҳусайн Мирзо авлодлари ўртасида ихтилоф ва тарқоқлик рўй бериши лозимлиги қазову қадар лавҳига аввалдан ёзилган эканми, Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо элчининг бу сўзларини ҳушёрлик ва эътибор қулоғи билан тингламадилар. Унинг ўрнига элчини ҳибсга олиб, Хуросоннинг теварак-атрофига чопарлар юбориб, шаҳзодалар ва катта қўшин тўпланиши борасида фармон бердилар.

Бу воқеа яхши хислатли хоқон қулига етгач, сон-саноқсиз лашкар ва атоқли биродарлари билан Жайхун дарёсидан ўтиб, Балх шаҳрини узукдаги қош каби ўраб олдилар. Бадиуззамон Мирзо томонидан Балх ҳокимлигига тайинланган амир Султон қалмоқ Балх қалъаси деворини мустаҳкамлаб, қалъага яхшилаб беркинганча қалъа сақловчилик асбоби ва жанг қуроли-яроқларини тайёрлаб, ҳар бир буржни битта ишончли одамга топширди. Ҳар бир дарвоза эшигида битта ишонган кишисини аскарга бош қилиб қўйди. Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо бу хабарни эшитгач, амирлар ва давлат устунларига маслаҳат солишди. Улар билан маслаҳатлашгач, Муҳаммадхон Шайбоний билан урушишга қарор қилишди. Шаҳзодаларни йиғиш учун Хуросон диёри теварак-атрофига хатлар битиб, чопарлар юбордилар. Катта қўшин йиғилгач, Балх вилояти сари йўлга тушдилар. Чиҳил духтарон ноҳиясига етиб келингач, Абулҳасан Мирзо ҳам сон-саноқсиз лашкар билан Марв тарафдан етиб келди. Шундан сўнг Ибн Ҳусайн Мирзо Қойин тарафдан ва Амир Султон Али Сейистон мамлакатидан, Муҳаммад Бобур Мирзо ва бошқа амиру лашкарбошилар Хуросон вилоятларидан пайдар-пай ва кети узилмасдан Мурғоб дарёси қирғоғига етиб кела бошладилар ва бир-бирлари билан қўшила киришдилар. Ҳа, ҳар тарафдан бир шаҳзода бир-бирига мулозим ва ҳар бири битта лашкарга бош бўлганча ўзларида шу ердан нарироққа ўтишга журъат тополмай, Мурғоб дарёси бўйида истиқомат чодирини тикдилар. Бу манзилда яна биргалашиб кенгаш қурдилар. Амир Зуннун арғун ўтирганлар арзи ҳузурига ушбуларни етказди: – Ушбу кунда Амир Темур Кўрагон улуси йиғилгандек ҳол бошқа би-

ровга муяссар бўлиши қийин. Мана энди шунча шахзода ва амиру лашкарлар бир ерга тупланган экан, барча моддий ва руҳий оламни яратган оллоҳ мададига суянганча уруш ва саваш майдонига кирмоқ керак.

Амир Ҳайдар Бурундуқ барлос эса қуйидагиларни айтди: – Мабодо биз душман билан урушиш учун Балх томонларга борсак, ҳеч шубҳасиз, Кепак Мирзо Хуросон мамлакатларини эгаллаш фикрига тушиб, холи қолган Ҳирот томонларга қараб қушин тортажак. Шаҳар аҳолиси ҳам табиийки амир Муҳаммад Валибек ҳукумати тарафдори бўладилар. Амир Шайх Али тағой, Юсуф Али Кукалтош эса Ҳиротни ҳимоя қилишдан бош тортиб, Кепак Мирзога берадилар. Бу каби воқеа руй бергач, Ҳиротда бола-чақа ва мол-мулки қолган қўлаб амирлар ва лашкар аҳли биздан юз ўгирадилар ва Ҳиротга кетадилар. Яхшиси бу қишда ўз ичимиздан чиққан душман ишини бир ёқлик қилайлик, баҳор фасли бошланиши билан эса хотиржам ҳолатда ташқи душманларни йўқотиш учун киришайлик.

Шу суҳбат ва маслаҳат устида утирганларида «амир Султон қалмоқ ва лашкар аҳли Муҳаммадхон Шайбонийдан омонлик тилаб, қуббатил ислом Балх дарвозаларини очиб берибдилар ва қўрққандан хонга қўшилибдилар» деган хабар етиб келди. Бу хабарни эшитиб, нақд юраги ёрилаётган шахзода-ю амирлар Шайбонийхон элчиси мавлоно Хитонийни озод қилиб, хон олдига қўйиб юборишди. Охир оқибат Хуросон султонлари ва амирларини боғлаб турган оғзи бирлик иплари узилиб, ҳар ким ўз юртини сақлаб қолиш илинжида яшаб турган мулку давлатлари сари отландилар. Муҳаммадхон Шайбоний эса музаффар ва ғолиблик ва мақсади ҳосиллик билан қайтиш байроғини давлати жойлашган диёр сари ҳилпиратди. Балх ҳукуматини фарзанди Хуррамшоҳ султонга берди.

**Жаҳон олувчи хоқон Муҳаммадхон Шайбонийнинг
Яйлоқ Марал томонга юргани ва ул вилоятни малики
маннон худой инояти билан қўлга киритгани зикри**

Қаҳратон қиш фаслининг истилочилик даврони охирлаб, баҳорнинг табиат ўлкасини яшнатувчи султони ва гулу райҳонлар қўшини боғу бўстон, дала-ю дашт усти сари юрди. Аёзли совуқнинг зуғумли шиддати пасайиб, ғалабага ёр лашкар ҳужумидан

ортга чекинди. Офтобнинг шарқ ирқли хоқони Баҳром уйини яксон қилиб, ўзининг мағрур байроғини еттинчи фалақдан ҳам юқори қилпиратди.

Жаҳон олувчи хоқон 912 йил зу л-ҳижжа ойи⁹⁸ ўрталарида чексиз лашкар ва саодат нишонли биродарлари билан Хуросон вилоятини эгалламоқ учун йўналди. 913 йилнинг муҳаррам ойи⁹⁹ нинг ҳилол шакли давлату ҳашамат машриқидан кўриниш бериб, осмоннинг кум-кук денгизидан ўтаётган маҳал Муҳаммадхон Шайбоний ҳам Амударёнинг Карки кечувидан ўтиб, жаҳон олувчилик байроғини кўтарди. Ноғора ва карнай-сурнай овозлари ва жасурликда овоза бўлган довюраклар шовқин-сурони каррубийлар қулоғини кар қилиб юборди. Муҳаммадхон Шайбонийнинг Карки кечувидан ўтиб, ул ҳазратнинг Хуросон тарафга келаётгани хабари Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Мирзо Кўрагон қулоғига Бодғиснинг Ёзъялоқ ноҳиясига қарашли ўтлоқзорлардан саналмиш Марал манзилида етишди. Бадиуззамон Мирзо амир Зуннун арғун ва амир Шайх Али тағойни ўз ўрдусига чорлади ва барча улўғ амирлар иштирокида маслаҳат палосини ўртага ёйдилар. Келишувлари тақдир ўқини тадбир қалқони билан дафъ этмоқ ва яратгувчининг илоҳий тошқинини хас-хашак уюми билан тўхтатиб қолмоқ мазмунида яқун топди. Ахир, ҳайҳот, юқоридан тақдиру қазо қилинган ўқни тўхтатиб бўлурми!? Ҳукми барча ҳукмлардан устун мамлакат подшоси иродасининг хоҳлагани Хуросон вилояти Муҳаммадхон Шайбоний тасарруфи остига кирмоқ ва Султон Хусайн Мирзо авлоди давлати муддати тугаб битган экан, чексиз қўшин тупланиши ва фикрлари асосли амирлар тадбири ҳам ҳеч фойда бермади. Ҳумоюн мавкаб Жайҳун дарёсидан ўтгач, шитоб билан Андхуд томонга йўналди. Ўша пайтда Бадиуззамон Мирзо буйруғи билан Андхуд вилояти ҳокими бўлиб ўтирган амир Шоҳ Мансур хонликнинг давлат шавкати ва қудратидан хабар топгач, бахту иқбол каби хўжаста хислатли хоқон салтанати қабулхонаси сари ошиқди ва бандалик исирғасини қулоғига осиб, хоннинг илтифот назарига сазовор бўлди. Шундан сўнг олий мартабали хоқон шошилинич қаноти билан Андхуддан Мурғоб дарёси қирғоғига илғор солди ва Марвчоққа етишгач, қалъа кутволи амир Шоҳ Мансурга итоат қилиш ва айтганларини бажаришга бўйин эгди. Бодғис навоҳиси зафар чодир тикланган маконга айлангани маълум бўлгач, изтироб

сели Хуросонлик султону амирларнинг бирдамлик биносини қулатиб, ҳайрат ва уй-фикр денгизига ғарқ бўлдилар. Яна бир бор маслаҳат учун йиғилдилар. Амир Зуннун арғун шу майдон ерларда душман билан урушиш афзаллигини айтди. Амир Муҳаммад Бурундуқ эса Ҳирот шаҳрини бекитиб, мудофаа расми билан уруш қилишга чақирди.

Тақдирни қаранг, ҳали мазкур масалада бир қарорга келмай туриб, 913 йилнинг еттинчи муҳаррами¹⁰⁰ пайшанба куни тонгда шижоат аломатли Муҳаммадхон Шайбоний кўп сонли қўшин билан ва осмоний ҳодиса тақозосича кўриниш берди. Бу музаффар туғли қўшин манқлойти Муҳаммад Темур султон ибн Муҳаммадхон Шайбоний ва Маҳмуд Султон бўлиб, унинг бурунғор ва жувонғори ҳам яхши тартиб топган ҳолда жанг майдонига кириб келдилар. Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо Кўрагонлар ҳам мажбур бўлганидан ноилож ва ғамгин ҳолатда қўшинга тартиб бериб, худди, одам Муҳит денгизи сувини тупроқдан яралган қўл ҳовучига сиғдирмоқчи ва бало селини хас-хашак билан оқишдан тўхтатмоқчи бўлганидек, уруш ва жанг сари киришдилар. Рустам келбатли баҳодирлар сурони, ноғора ва карнай-сурнай овозлари янгроғидан замин устунларга келди, бошдаги дубулғалар ялтираши, темир совут ва жавшанлар ярқирашидан «чақмоғининг ёруғлиги (қараган) кўзларни кетказгудек бўлур»¹⁰¹ оятининг тафсири пайдо бўлди.

Уқ бургутлари ёшу қари жони тамъасида оғзини очишди, найза аждаҳоси қанчалаб ёшу кексани ўз домига олиш учун тилини чўзди. Ахийри, Хуросон қўшини қаршилиқ кўрсатишга ожизлик қилиб, йўналиш жиловини қочиш водийси томон бурди ва тарқалиш сари юз тутиб, ким Хуросоннинг қаеридан келган бўлса, ўша ёққа қараб ошиқдилар. Амир Зуннун арғун эса жанг пайти ўлдирилди, амир Шайх Али тағой Хуросоннинг бошқа бир гуруҳ амирлари билан бирга тақдир сарпанжасига асир бўлдилар. Хонлик қўшини ботирлари Тўққуз работ ҳудудигача қочганлар кетидан таъқиб йўсини билан қувлаб бориб, шарҳи баён тили доирасига сиғмас ва саноғини икки тили қалам билан ёзиб тугатиб бўлмас даражадаги адоқсиз ўлжани қўлга киритдилар. Мисра: Ишларнинг ҳақиқатини билувчи фақат Оллоҳдир.

Хуросон ҳокимлари ва аскарларининг тарқалиб кетиши баёни ва Муҳаммадхон Шайбонийнинг ғалаба аломатли туғларининг худо тақдири билан Каҳдистон улангида бир-бирига қушилиши зикри

Оллоҳи таоло инояти орқасида Амир Алишер работи билан Марал манзили оралиғи бўйлаб фатҳ ва зафар насими Муҳаммадхон Шайбоний туғлари тизими устидан эсгач, Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо Кӯрагонийлар куп амирлари ва лашкари билан «бу қочиш сизларга фойда бермас»¹⁰² калимаси тақозосича ҳар ким ҳар тарафга қараб қочдилар. Сайид Абдуллоҳ Мирзо бир нечта амирлар билан муқаддас Машҳадга кетиб, Кепак Мирзога қўшилдилар. Абдулбоқий Мирзо ва амир Муҳаммад Бурундуқ барлос Сабзовор ҳудудида Ибн Ҳусайн Мирзога қўшилдилар. Бадиуззамон Мирзо шу қочишда дор ус-салтана Ҳиротга етиб бориб, шу оқшомиси Боғи навда манзил тутди. Қочоқлар боғда бироз мизғиб-мизғимамай саҳар ҳам шарқ подшоси янглиғ тоғ устига байроқ тикди. Бадиуззамон Мирзо ва у билан келганлар уринларидан туриб, Қандаҳор ва Заминдовар томон от солдилар.

Музаффар Ҳусайн Мирзо эса тун ўртаси Ҳиротга келиб, шаҳар боғида ўрнашди ва тонг отгач, хос мулозимларининг бир гуруҳи билан минг азоб ичра онаси, аҳлу аёли ва элу юрт билан хайрлашиб, молу давлатдан ажраганча Ферузобод дарвозасидан чиқиб кетди ва Туршиз йулидан йуналиш юзини Асторбод сари ўгирди.

Муҳаррам ойининг саккизинчиси¹⁰³ да жумъа куниси тонгда сайидлар, қозилар, Ҳиротнинг таниқли кишилари Шайхулислом мадрасасида йиғилиб, бўлиб ўтган вրқеа юзасидан маслаҳат қуръасини ўртага ташладилар. Йиғилган барча улуғлар ва кичиклар маслаҳатдан сўнг Муҳаммадхон Шайбонийга итоат қилмоқ ва бўйсунмоқ йўлини танлашди ва шу қарорни ўз ичига олган ариза битиб, ул мактубни шаҳар муҳтасиби мавлоно Усмоннинг жияни билан жўнатдилар. Мавлонозода хат билан йўлга тушди. Бироқ, Хиёбон мавзеи охирига етгач, ўғрилар қўлига тушиб, таланди ва ёнидаги нарсаларидан ажраганча пиёда ва қип-яланғоч алпозда Тўққуз работга яқин ерда Муҳаммад Темур султон мулозаматига етишди. Бор воқеани гапириб берди. Муҳаммад Темур султон уни отаси олдига юборди. Муҳам-

мадхон Шайбоний ҳиротликлар аризаси мазмунидан хабар топгач, шу кун охиригача Каҳдастон улангини давлат ва иқбол қароргоҳига айлантирди. Кунглини Хуросон салтанатидан тинчитиб, шон-шавкат ва мақсади ҳосиллик байроғини ҳилпиратди.

Ҳирот улуғлари ва аслзодаларининг Муҳаммадхон Шайбоний мулозиматига етгани

Муҳаммадхон Шайбоний қўшини ғазабидан қурққан Ҳирот аҳлининг бариси худди узларидан юз угирган қувонч ва шодлик сингари шаҳар дарвозаларини бекитиб, ғамгин ва андуҳгин утирган куниси ва хонликнинг қиёмат аломатли қўшини эса ул шаҳарнинг ташқаридаги маҳаллаларида иқтидор байроғини ҳилпиратиб, ғорат ва талон-торожга ружуъ қўйган пайти кутилмаганда бир ғаройиб ҳодиса ва ажиб бир воқеа руй берди. Аниқроғи, ўзбек қўшинидан «оломон» расми билан келиб, ғорат ва талон-торожга машғул бир гуруҳи ҳиротликлар томонидан ўлдирилди. Бу воқеанинг юзага чиқиши шундай булганди. Уруш майдонидаги ўлим гирдобидан қутулиб келиб, Ҳирот ташқарисидаги боғларда ухлаб ётган Хожа Маъзиддин Ҳусайн Шабонкоре, хожа Шамсиддин Муҳаммад мунший ва чигатоённинг айрим кишилари ўша куннинг чоштгоҳи қочиб кетиш ўйига тушиб, халос бўлиш чорасини ахтарадилар ва ниҳоят, бир ҳийла ишлатишга қарор қиладилар. Куролланиб, яроқларини эгнига кийганча елдек тез учар отларга минишади ва «давлат Кепак султон давлати» дея қичқирганча ҳар учраган одамга «ҳозиргина Муҳаммад Муҳсин Мирзо ўз қўшини билан етиб келди ва Муҳаммадхон Шайбоний билан урушиш учун ўша ёққа кетди» дейдилар. Бу хабарни эшитган Ҳирот ятим ва авбошлари камондан отилган ўқдек отилиб чиқиб, шаҳар дарвозаларидан ташқари чиқадилар ва шаҳар ташқарисидаги маҳалла-кўйларда мол йиғиб юрган аскарлар устига ташланиб, улардан уч юз кишига яқинини ўлдирадилар. Бирор соат ўтиб, гапнинг ёлғонлиги маълум бўлади ва бундан эса шаҳарнинг катта-ю кичиги кунглига шайбоний аскарларининг ўлдирилиш воқеаси сабаб қаттиқ қўрқув йўл топади. Шу зайл халойиқ ҳайрат денгизига чўмди ва ёшу қари ғам-ташвиш гидобида қолиб, сайидлар ва қозилару уламо, балки барча табақа вакиллари ўша кечаси ваҳима ичра тўлганиб, қўрқув оташида қоврилиб чиқдилар. Ухламаган ҳушёр кишилар эса ҳар дамда

уйга ботиб, ўзи учун қутулиш чорасини изладилар. Шанба куни эрталаб, мавлоно Биноийнинг укаси ул жаҳонгушойлик тариқати соликининг ўрдусидан дор ус-салтана Ҳиротга келди ва салтанат ошиён муншийлари томонидан шайхулислом ва қози Ихтиёриддин Ҳасан номига ёзилган хонлик нишонини келтирди. Унинг мазмуни қуйидагича эди: «Зафар оятли туғ Бодғис ҳудудига етишгач, Бадиуззамон Мирзо мамлакат олувчи қушин зарбасига дош беролмай енгилди ва амир Зуннун арғун ўлдирилди. Шайх Али тағой тақдир сарпанжасига асир тушди. Биз эсақ Каҳдистон ўлангида қудрат ва улуғлик чодирини тикиб, Хуросон вилоят ва шаҳарлари аҳолиси боши узра ҳаммат билан адолат байроғини ёйдик. Шунинг учун, нишон етиб борган ҳамоно тинч кўнгил ва хотиржамлик билан олампаҳоқ даргоҳимизга ошиқингиз лозим. Ашрафлар ва аёнлардан кимни лозим топсангиз ўзингиз билан бирга олиб келинг».

Ҳирот аҳли бахт нишонли ул фармон мазмуни билан танишгач, қилинган ҳалиги иш жазосидан омон қолганлари учун хурсанд ва шод бўлдилар. Келган қосидни ҳам совға ва ҳадялар билан хурсанд қилдилар. Ўша кунисиёқ шайхулислом ва амир Жамолиддин Атоуллоҳ ул-муҳаддис ил-Ҳусайний, амир Фиёсиддин Муҳаммад ибн амир Юсуф ар-Розий, сайид Садриддин Юнус, қози Ихтиёриддин Ҳасан, қози сайид Садриддин Муҳаммад ал-Имомий, сайид Разиаддин Абдулаввал, хожа Жамолиддин Абдулҳай соҳиби айёр Каҳдистон ўлангига кетдилар. Нусрат асар лашкарга етгач, Муҳаммадхон Шайбоний давлат дастгоҳида садрлик мансабини эгаллаб турган, балки бу даргоҳда чексиз ихтиёрга эга бўлган мавлоно Абдураҳим Туркистоний ва хоннинг шариф буйруғи билан девонлик лавозимини бошқараётган хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий таъзимга лойиқ ул зотлар истиқболига ошиқдилар. Келганларни чодирлардан бирига тушириб, аввал ҳиротликлар келтирган омонат моли ва совғаларни жой-жойига қўйдилар. Сунг хоқонни ул жамоа келганидан бохабар қилдилар. Муҳаммадхон Шайбоний салтанат ва жаҳонбонлик саройини Муҳаммад Темур султон, Маҳди султон, Жонибек султон сингари улуғ султонлар ва Қанбарбий, Жон Вафобий каби мукаррам амирлар иштироки билан безаб, келган ашраф ва акобирни ҳузурига чорлади. Мазкур жамоанинг кўпчилиги қўрқув ва тортиниш билан осмон ўпар чодирга кирдилар. Султонлар ва амирлар уларни таъзим билан кутиб, ўринларидан

туришди. Жаҳон олувчи хоқон ҳам уларга нисбатан иноят ва илтифот кургазгач, қайтишга рухсат берди. Жон Вафо Мирзо Ҳирот ҳукумати ишларини бошқариш ва доруғалик мансабига тайинланиб, улуглар билан бирга Ҳирот шаҳри сари кетди. Бошқа ишларни бажаришга буйруқ олган мавлоно Абдурахим ҳам улар билан шаҳарга кирди. Жон Вафо Мирзо амир Фиёсиддин фарзандлари уйига тушди. Мавлоно Абдурахим Хуш дарвозаси устидаги хоналарда жойлашди. Муборак муҳаррам ойининг ун бешинчи¹⁰⁴ си жумъа куниси Ҳирот жомеъ масжидида Абулхайрхон ва Муҳаммадхон Шайбоний номига хутба ўқилди. Хутбада хоннинг лақаби «имоми замон ва халифат ур-раҳмон» дея тилга олинди. Ва ул жаҳонгир олий ҳиммат юзасидан илгариги тангаларга дирҳам ва динорни қўшишга фармон берди. Тангалар ҳумоюн хон номи билан зийнату безак топгач, ҳар бирини амалдаги олти динор кепакий ўрнида билиб, эски бир мисқолни беш динор ўрнида қабул қилишлари жорий қилинди.

Ихтиёриддин қалъаси ва Тирату қўрғонининг эгалланиши зикри

Бадиуззамон Мирзо Ихтиёриддин қалъасига амир Ошиқ Муҳаммад Кукалтош ибн амир Сорбон Жунайдни кутвол қилиб тайинлаб, уруш майдонига кетиши олдидан ўзининг муҳтарам ҳарамидаги хотинлари Кобулий бегим бинт Улуғбек ибн Султон Абу-саъид Мирзони Андалиб лақабли Руқия Оғо билан бирга шу қалъада қолдирган эди. Уруш майдонидаги ажал балосидан омон қолиб, қочишга куч топган амир Ошиқ Муҳаммад арғун, шайх Абдуллоҳ баковул ва бошқа яқин кишилар ул қалъадан бошпана топгандилар. Хожа Миракий ҳам шу қалъага борган, Хадича бегим Оғо ҳам шаҳарни босиб олганлар тазйиқидан қочиб, шу қалъага бекинган эди. Уларнинг ҳаммаси хоннинг баҳромсавлат қўшинидан жуда қўрқинчга тушган эдилар. Шаҳар ишлари юқорида айтганимиздек тартиб топган бўлишига қарамай, ул қалъани ҳимоя қилишда ўзларига бепарволикни раво кўрмадилар. Натижада, Муҳаммадхон Шайбоний барча эътиборини Ихтиёриддин қалъасини фатҳ этмоққа қаратиб, гапга чечан ва сўзга уста элчиларни амир Ошиқ Муҳаммад Кукалтош ҳузурига қаршилиқ кўрсатиш оқибатининг ёмонлик билан тугашини айтиб қўрқитиш ва салтанат саройи ходимлари беражак азоб-

укубатдан қутқариш мақсадида пастга тушиши лозимлиги юзасидан юборди. Элчиларнинг борди-келдилари яхши натижа бермагач, нақибчилар қалъа девори тагини кавласинлар, деган жаҳон буйсунувчи фармон содир бўлди. Бу иш уч-тўрт кун давом этгач, шаҳар боғи томондаги минора пойдевори мажақланиб, бузилиш даражасига етди. Уни қўрган қалъа ичидагиларнинг мустаҳкам туриш устунлари ларзага келди ва халофатпаноҳ саройга бир қосид юбориб, омонлик тиладилар. Буйруққа кўра мавлоно Абдураҳим қалъа дарвозасига борди ва Ошиқ Муҳаммад, Абдуллоҳ баковул ва хожа Миракий уччаласи бир бўлиб, пастга тушдилар. Мавлоно Абдураҳим аҳду паймон қоидаларини иймон сузлари билан мустаҳкамлаб, агар қалъани тинч йул билан топширсангиз ҳеч бирингизнинг молу жонингизга қасд қилинмайди, дея қасам ичди. Ноилож, Ихтиёриддин қалъасидагиларнинг айримлари жону дил билан, бир булагига эса юрагига тула изтиробда тор қалъадан ташқари чиқиб, жону молини омон сақлаб қолдилар.

Аёлларга нисбатан ҳурмат билан иш тутилиб, уларнинг ифбат ва ҳаё пардалари номаҳрамлар қўли билан юзларидан олиб ташланмасин деган мақсадда Кобулий бегимни Қанбарбий Кўкалтош ўз никоҳига олди, Андалиб бегимни Темур Султон ўз ҳарамсаройи сари жунатди.

Ихтиёриддин қалъаси кутволлиги Паҳлавон Дарвиш Муҳаммадга берилди. Жон Вафо мирзо Хуш дарвозаси ташқарисидан шу қалъага кўчиб ўтди. Муҳаммадхон Шайбоний кўнглини Ихтиёриддин қалъаси ишларидан тинчитгач, амир Зайниддин Али тасарруфидаги Тирату қалъасини фатҳ этиш сари бел боғлаб, амирларининг катталари ва давлат устунлари билан маслаҳатга киришди. Мазкур қалъа яратувчи эгамнинг нодир яратувчилиги сир-синоати орқасида мустаҳкамлик топган бир қўрғон бўлгани учун уни жанг билан ишғол этиш имкон доирасидан ташқари эди. Кенгаш аҳлининг барчаси бир овоздан «яхшиси амир Зайниддин Али ҳузурига элчи ва мактублар юбориб, уни мулозимликка ундайлик» деган қарорга келишди. Амир Зайниддин Али билан қалин дўст ва аҳил бўлган Хожа Шамсиддин Муҳаммад муншӣ зиммасига шу хизмат кафолатини юклашди ва у йўналиш жиловини Тирату қўрғони томон бурди. Амир Зайниддин Али ҳузурига етишгач, иймонини ўртага қўйиб, амирга ишонч ваъдаларини берди ва аҳду паймон қоидаларини бажо келтириб, олампаноҳ даргоҳга

олиб келди. Амир Зайниддин Али қалъа ва хазиналар калитларини салтанатмасир тахт пойига қўйди ва ўз хос молларини ҳам пешкаш расми билан хон назаридан ўтқариб, ҳар хил тазйиқлардан қутулди ва иноят назари билан сийлов топди.

**Муҳаммад Темур султон ва Убайдуллоҳ
султонларнинг жаҳон олувчи хоқон Муҳаммадхон
Шайбоний фармонига биноан Кепак Мирзо ва
Абулҳасан Мирзо кетидан қувлаб кетганлари ва ул
икки ака-ука мирзонинг тақдир тақозоси билан
хужаста асар султонлар қўшини қўлида
ўлдирилиши зикри**

Бу воқеанинг қисқача баёни қуйидагича: Ғалабалар отаси, яъни абулфатҳ Муҳаммадхон Шайбоний Мовароуннаҳр вилоятини эгаллаган пайтларда Марв вилояти ҳоқими Абулмуҳсин Мирзо ибн Султон Хусайн Бойқаро оқибатни кўра билиш истейдоди орқасида Сарахс қалъасини мустаҳкам иншоат ва иморат ҳолатига келтириб, қимматли бойлик ва нафис молларидан бир қисмини шу ерга олиб бориб қўйганди. Хонлик қўшини Хуросон диёрига кириб борган 913 йилнинг боши, яъни муҳаррам ойи¹⁰⁵ - да Абулмуҳсин Мирзо аҳлу аёли ва яқинларини шу мустаҳкам қалъага келтириб, бекитди. Йўналиш туғини муқаддас разавия Машҳади томон ҳилпиратди. Машҳад вилояти эгаси бўлмиш Муҳаммад Муҳсин Мирзо бу туғишган акаси қадамларига ҳасанот айтиб, иззат-икром ва тавозеъ билан кутиб олди. Яхши зиёфату ўтиришлар ясаб, муносиб совға ва тухфалар тортиқ қилди. Бир-бирини кўрганидан шоду хуррам бўлиб, хурсандчилик ва кўнгил очиш палосини ёйишди. Шу аенода уруш майдонидан қочганлар кетма-кет ва пайдарпай мулозиматга етишиб, бўлган воқеани мирзолар арзи ҳузурида баён қилишди. Кепак Мирзо лақаби билан танилган Муҳаммад Муҳсин Мирзо бу меҳнату изтироб аломатли хабарни эшитгач, қўшин тўплаш ва саф ёрувчи баҳодирларга истимолат хатлари ёзишга киришиб, ой сийратли элчиларни шу иш юзасидан ён-атрофдаги Хуросон шаҳарлари томон жўнатди. Оз фурсат ичида жуда кўп кишилик қўшин бу ака-укалар байроғи сояси остига йиғилди ва ўта жанговар, қаҳри қаттиқ қўшин кўп қурол-яроқ, чексиз аслаҳа билан урушга тайёр

булдилар. Муҳаммадхон Шайбоний бу воқеадан хабар топгач, ҳиммат отини уларни орадан кутармоқ сари чоптирди, аниқроғи, ўгли Муҳаммад Темур султон ва жияни Убайдуллоҳ султон ибн Маҳмуд Султонни шу ишни бажариш учун тайинлади. Бу икки амакивачча чексиз қўшин ва ғалаба асарли сон-саноқсиз аскар билан нусрат туғларини муқаддас Машҳад сари ҳилпиратдилар. Илғор йўсини ва шошилинич қанот расми билан бир неча масофани босиб утиб, икки манзилни бир қадам қилдилар. Абулмуҳсин Мирзо билан Муҳаммад Муҳсин Мирзо душман келаётгани хабарини эшитгач, улуғ амирларни чорлаб, ул иш мудофааси борасида маслаҳат солдилар. Амир Муҳаммад Валибек сузи устунли тадбиркор кишилар билан бирга қуйидаги фикрларни билдирди: «Эшитишимизча, Муҳаммадхон Шайбоний бу ёққа паҳлавонлик маслагининг ҳаддан зиёд солиқларини ўгли Муҳаммад Темур султон ва жияни Убайдуллоҳ султон туғи остида жунатибди. Ўзи эса озгина одами билан Каҳдистон улангида турибди эмиш. Шунинг учун яхшиси шуки, биз жасур ва мардона жангчиларимиз билан асосий йўл бўлмаган суқмоқ орқали тез юрар илғор солиб, душманга билдирмай устига босиб борайлик. Туйқус ҳамли ели билан жанг оловини аланга олдирайлик ва ўз обруйимиз учун курашиб, ўзбек қавмидан иборат хирманни ўтда куйдирайлик».

Яна бир тўп амирлар эса «эҳтиёткорликка риоя қилиш тақозосича, яхшиси, Абулмуҳсин Мирзо аҳлу аёл ва қўшиндан бир гуруҳ аскарлар билан Калот қальасига бориб, қальани беркитсин, Муҳаммад Муҳсин Мирзо эса қолган қўшин билан бориб, бирорта тош-метин ва баланд тоғ этакларини зафар асарли лашкарига қароргоҳ қилсин ва эскича усулни қўллаб, душманга қарши мудофаа йўлини тутсин».

Бошқа бир калтабин гуруҳ амирлар маслаҳати «яхшиси, давлат бағишловчи худованди каримга таваккал қилиб, душман қўшини кўплигини уйлаб утирмай ва сира ташвиш тортмай, ўзбеклар рўпарасидан чиқиб, улар сари жангу жадал ва уруш-саваш эшикларини ланг очайлик» қабилдаги гапларни айтишди. Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзо кейинги, яъни учинчи фикрни қўллаб-қуватлашди ва Муҳаммад Темур султон ва Убайдуллоҳ султонларга қарши юрадиган бўлишди. Ишқилиб, ул сулоланинг бахту иқбол қуёши ботиш сари ўша пайтда йўнала бошлаган экан шекилли, мирзолар қўшини Санг баст мавзеси

орқали қайтиб, муқаддас Машҳад шаҳрига яқин навоҳида узбек қўшини билан урушишга қарор қилишди. У тарафдан эса Муҳаммад Темур султон ва Убайдуллоҳ султон ҳам Жом қасабасига етиб келишди, деган хабарлар эшитилди. Душман келаётгани ҳақидаги бу хабарни эшитиб, мирзолар уруш ишларини унгламоққа киришдилар. Аммо, шу орада узбекларнинг қайтиб кетгани ҳақидаги гаплар ҳам пайдо бўлиб қолди. Бунини эшитгач, олдингидан ҳам кўпроқ равишда шаҳар сари кетмоққа мойил бўлдилар ва тонг маҳали Абулмуҳсин Мирзо ва Кепак-Мирзо кўпчилик амиру давлат аёнлари билан туннинг саргардонлик оламиндан чиқиб, дам олиш тушак-ёстиғига суяндилар. Ҳатто, хуморнинг ута кучлилигидан яна бир утириш мажлиси ясамоқ фикрини қалблари лавҳига битдилар. Бироқ, Машҳадга бир киши янги хабар олиб келди ва тезликда қуйидагича миш-мишлар тарқалди: – Мовароуннаҳр султонлари Баҳром қаҳрли лашкар билан Туруқ ноҳиясига келиб тушибдилар.

Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзо ақлу ҳушини йўқотганча отга миниб, карнай-сурнай ва ноғораларни чалишни буюрдилар. Қўшин бир жойга йиғилиб, уруш асбоб ва курул-яроқлари мукамал бўлгач, жангга талабкор баҳодирлар юракларини муҳориба сари дадил тутиб, отларини Туруқ дарёси сари йўрттириб кетдилар.

Ўша пайтда Муҳаммад Темур султон ва Убайдуллоҳ султон Туруқ дарёсидан кечиб, ғалабага ёр қўшиннинг бурунғор, жувонғор ва ғул қисмини ишбилармон ҳарбийлар ва шикор ўрмонининг шерлари билан тартиб бериб, жангга тайёр ва урушга шай ҳолатда душманни кутиб турдилар. Тарафлар яқинлашувидан тўқнаш юз бериб, ҳар икки томон наъра тортганча карнай-сурнай ва ноғоралар садолари остида бир-бирига ташландилар. Кўтарилган чангу ғубор кўплигидан нур сочуви қуёш зулмат аломатли ниқобни ёрқин юзи узра тортди ва тилла рангли қалқонлар қуббаси шуъласи, шам нишонли найза учлари нурларидан эса майдон саҳни ёришиб кетиб, одамлар кўзини қамаштирди. Яман¹⁰⁶ пулатидан-ясалган қиличлар калла узишга киришиб, инсоний руҳ қўшларини фоний тан қафаси торлигидан учуриб юборди ва тез учар ўқ бургутлари камон ошиёнидан парвозга кириб, лашкарбоши ва туғбоши сарварлар миясини ўз емига айлантирди. Хаттий найзалар¹⁰⁷ «ер юзидаги барча жонзот фонийдир»¹⁰⁸ ёзувини кекса-ю ёшларнинг тақдир пешонасига битди-

лар ва зумрад рангли қиличлар довюраклар қонидан қизил ёқут тусига кирди ва дашт-биёбон қумини ҳам лаълу маржон рангига дундириш ваъдасини берди. Шижоат ва довюракликда узини Асфандиёрдан устун ва ўқ отиш, қилич солишда Рустами достону Соми Наримонга бас келувчи ўрнида билган Муҳаммад Муҳсин Мирзо уша куниси ҳар бири жанг ўрмонининг шери, уруш денгизининг наҳанги бўлган хос одамлари билан бирга душман сафига ташланди ва ҳар бир ҳамласи чоғи ғаним жангчиларига ҳалокат тупроғини ялатди.

Бу тарафдан эса хонлик довюраклари тула жасурлик ва ниҳоятда баҳодирлик билан урушдилар. Улардан бир гуруҳи қоничувчи ўқларни камон танобига жойлаб, душман сари отганча жанг қилса, яна бир туп зумрад юзли қилич билан бахт юлдузи сунган душман сари ҳамлага киришарди. Жон оловчи пайкон қон оқизувчи оловини урушқоқ муҳолиф кўзига пуркар, кескир шамширлар зарби душман жонидан дарча очиб, уларнинг бақо хирманини фано елига совура эди. Убайдуллоҳ султон ҳам уз томонидан ҳамлага ўтиб, мардлик ва эранлик додига етмоқда эди. Айтганимиздек, бир томондан Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзолар ҳам душмандан қолишмай, қанча ҳаракат қилишмасин ҳамда диловарлик ва баҳодирлик намунасини кўрсатмасинлар, давлатлари муддати тугаган, белгиланган ҳаёти охирига етган экан, бу саъй-ҳаракатларнинг фойдаси бўлмади ва Хуросон қўшини мағлубиятга учраб, ёшу улўлар тадбири иш бермади. Амир Бобо Маҳмуд ибн Амир Бобо Ҳасан муҳрдор Хуросон лашкари бошлиқларидан анчагинаси билан бирга душман паҳлавонлари ўқи ва қиличи ярасидан ҳалокат тупроғи узра қуладилар. Қолганлари юзини қочиш водийсига қаратдилар. Ғалаба юзи Муҳаммад Темур султон ва Убайдуллоҳ султон томонга боқди. Зафарпаноҳ Мовароуннаҳр қўшини қаҳр ва ғазаб юзасидан Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзони ўраб олиб, ҳар иккаласини тақдир сарпанжаси билан асир олдилар ва қўл-оёқларини боғлаб, султонлар олдига келтиришди. Сўнг ул олий ҳимматли иккала шаҳзодани қон оқизувчи қилич зарби билан оёқдан қолдирдилар. Ўзбек лашкари жуда кўп мол ва катта ўлжа олдилар. Муҳаммад Темур султон ва Убайдуллоҳ султонлар ғалаба ва зафарга эришгач, оллоғга шукрлар айтдилар.

Ёш жиҳатдан кичкина бўлса ҳам бошқалардан шижоатлироқ ҳамда қўрқмас, баҳодир ва яхши хислатли Ибн Ҳусайн Мирзонинг ҳамласи зикри

Бу воқеанинг қисқача шарҳи шуким, Ибн Ҳусайн Мирзо ёш жиҳатдан Султон Ҳусайн Мирзонинг бошқа фарзандлардан кичик бўлишига қарамай, жасурлик ва баҳодирлик майдонида узини қариндошлари ва яқинларидан устун билар ва бу майдонда мусобақа тўпини олиб қочарди. Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзонинг қочиб келгани воқеасини эшитгач, бахтини синаб кўриш ўйи ва мамлакат олувчилик нияти билан мулк-давлат олиш эгарига ўтириб, узининг суюрғоли бўлган Қойин вилоятидан чиқиб, Нишобур ва Сабзавор томонларга йўналди. Амир Муҳаммад Бурундуқ барлос ва Абдулбоқий Мирзо унинг мавкабига қўшилиб, кўплаб одамлар бу мирзо туғи остида бирлашдилар. Абулмуҳсин Мирзо, Муҳаммад Муҳсин Мирзо, Муҳаммад Қосим Мирзо, сайид Абдуллоҳ Мирзолар ўлдирилгач жуда кўплаб лашкарбоши ва амирлар шу томонга ошиқиб, Ибн Ҳусайн Мирзонинг куч ва қудрати ошди.

Муҳаммад Темур султон ва Убайдуллоҳ султонлар Ибн Ҳусайн Мирзонинг одам йиққани ва унинг мамлакатни сақлаш ниятидан хабардор бўлгач, воқеа ва вазиятни хон тахти пойига арз қилдилар ва хон ҳукмига кўра Сабзавор томонга юрдилар. Ибн Ҳусайн Мирзо душман келаётганини эшитиб, Якдар мавзеини лашкари қароргоҳига айлантирди. Тарафлар яқинлашиб, сафлар тенглашгач уруш ноғораси ва жанг сурнайлари янграб, Исрофил сурнайи намунасини кўрсатганча, нафасини одам аҳли жон қолипи аро пуфлай бошладилар. Карнай овозлари баланд кўтарилиб, фалак қалъаси сокинлари қулоғига етди. Икки қўшин тудалари кўк денгиз тўлқинлари каби кўпириб тошди, қўлларини ўқ-ёй, қилич ва найза сари элтиб, наъра тортдилар. Ботир камондорларнинг тўрт қанотли ўқлари камон ошёнасидан шундай учирим бўлардиларки, офтоб юзини сурма ниқоби билан бекитар, обдор пайконлар ханжар санчар довюраклар бош бармоғидан узоқлик ахтариб, пирнинг дилпазир панди янглиғ ёшлар дилига ўрнашар ва қиличлар шўъласи чақмоқ яшинидек шижоаткорларнинг хирманини куйдирарди. Ханжарлар ярақ-йуриқи чақмоқ чақини каби тўғри чизиқли ўт ёқарди.

Ибн Ҳусайн Мирзо Хуросон қўшини ботирлари билан бирга мухолиф устига ташланиб, шердек букирар, қон сочувчи шамшир захми билан паҳлавонларнинг кукраги ва қоринларини ёрарди. Хоннинг кўрқмас юрак баҳодирлари тез юрар йулбарсдек қаҳрамонлик ели билан жанг оловини аланга олдирав, тошни кесар найзалар билан Сурайё тизимини Жавзо камарига узра ўтга солардилар.

Ўша куниси жанг бошида Ибн Ҳусайн Мирзо ғолиб келиб, мухолифнинг маймана, майсара қисмларини орадан кўтариб ташлади ва Убайдуллоҳ султонни яралаб, ҳарбий истеъдоди туғини баланд ҳилпиратди. Бироқ, душман лашкарининг қалб қисми тормор келтирилмагани учун хонлик қўшинининг захира қисми Муҳаммад Темур султон ва Убайдуллоҳ султоннинг фатҳ оятли сояси остида тулланиб, бараварига Хуросон қўшини устига ҳамла қилдилар. Ғалаба юзини кўришга умид боғлаб турган Ибн Ҳусайн Мирзо шу ҳамладан сўнг ташаббусни қўлдан чиқариб, бутунлай шикаст еди ва душман ҳужумига узоқ дош беролмаслигини билиб, молу мулкдан кўнгил узганча, оти жilовини қочиш водийси томон бурди. Абдулбоқий Мирзо ва сайид Абдуллоҳ Мирзо Хуросоннинг кўплаб таниқли баҳодир амирлари билан бирга шу жанг майдонида ҳалок бўлдилар. Амир Муҳаммад Бурундуқ барлос қўшин бошлиқларининг бошқа бир гуруҳи билан тақдир сарпанжасига асир бўлдилар.

Ибн Ҳусайн Мирзо бу қон ичувчи йиғиндан қочиб чиққач, Ироқ¹⁰⁹ волийси шоҳ Исмоил томонга қочишни фикридан утказди ва буни ўзи билан бирга уруш майдонидан қочиб чиққан айрим хос кишиларига айтди. Ул жамоатни ҳам шу тарафга кетишга мойил кўриб, йўналиш жilовини Ироқ томони сари ҳилпиратди.

Муҳаммад Темур султон ва Убайдуллоҳ султон оллоҳи таолога шукрлар айтиб, музаффар ва мансур чексиз улжа билан қайтдилар ва хонлик мулозиматига етишдилар. Муҳаммадхон Шайбоний ўз қўшинидаги ҳар бир амир ва сардорни лойиқ мансаблар билан сийлади. Муҳаммад Темур султон ва Убайдуллоҳ султонларни ҳам Султон Мирзо фарзандларига қарши кураш майдонида алоҳида жонбозлик кўрсатганлари учун турли хил инъом ва эҳсонлар билан сарафроз қилди. Ҳирот ҳукумати ва доруғалиги Жон Вафобийга топширилди. Ул ўлканинг вазирлик иши Хожа Хурд лақабли хожа Абулвафо қўлига берилди. Иқим

чухра юзини Фушанж доруғалиги сари қаратди. Хоннинг амма-
ваччаси сайид Муртазо хожа ўгли сайид Ҳодихожа муқаддас
Машҳад шаҳрида ўлкани бошқариш байроғини баланд кутарди.
Сабзавор вилояти Барбиш баҳодирга берилди. Қанбарбийнинг
раислик туғи Марви Шоҳижаҳонда Кайвон айвонидан ҳам юқори
кутарилди. Ройбий Бохарзда фармон берувчи бўлди. Эломон
баҳодир Туршизда ҳокимлик эшикларини ўз юзи сари очди. Балх
ҳукумати ихтиёри хоннинг энг кичик ўгли ёки бошқа манбалар-
да айтилишича Муҳаммадхон Шайбонийнинг Бобур Мирзо опа-
си Хонзода бегимдан туғилган уртанча ўгли Хуррамшоҳнинг
иқтидор қўлига топширилди. Ўша пайтда мазкур шахзода хиз-
матида турган Қанбар Мирзо кукалтош эса Балхдаги ишларга
тартибу низом бериш ва мол-мулк ҳисобини юргизиш учун унинг
ёнида қолдирилди. Самарқанд салтанати Муҳаммад Темур сул-
тонга тегди. Убайдуллоҳ султон марҳаматли отаси дастурича
Бухорода ҳоким бўлди. Бир манбада айтилишича, Кеш вилояти
Муҳаммадхон Шайбонийнинг энг кичик ўгли Севинч Муҳаммад
султонга тааллуқ топди. Ишқилиб, хон таниқли кишилари ва
шаҳзодалардан ҳар бирини бирор мамлакат ёки бирор вилоятга
ҳоким, волий этиб тайинлади. Ўзи эса давлат суянчиғига ёнбош-
лаб, фароғат ва роҳат байроғини ҳилпиратди.

Бобур Мирзонинг Қандоҳар ва Заминдовар томонларга юриш қилгани ва Худои таоло инояти билан ул вилоятларни эгаллагани зикри

Муҳаммад Бобур Мирзо Кобул ва Ғазнин вилоятидан зафар-
га яқин катта қўшин билан чиқиб, нусратли туғини Қандоҳорни
забт этмоқ сари ҳилпиратгач, у ерларга эгалик қилаётган амир
Зуннун арғун авлодидан Шоҳ Шужобек, Муҳаммад Муқим жанг-
га тайёрланиб, саодат қўшин етиб келгач, Қандоҳор шаҳрига
ярим фарсах масофода жойлашган Хийсак қишлоғида иккала
қўшин бир-бирига рўпара келди. Тарафлар ўртасида жанг чангу
ғубори баланд кутарилди. Анчагина кураш ва савашлар бўлиб,
фатҳ ва зафар ели Муҳаммад Бобур Мирзо байроғи томон эса
бошлади. Амир Зуннун арғун авлодлари қочиш водийси сари
юзландилар. Қандоҳор ва Заминдовар мамлакати тўлалигича
Фаридун бахтли подшоҳ Бобур Мирзо тасарруфи доирасига кир-
ди. Бобур Мирзо бу ўлкаларда анча муддат ҳукумат юргизган

амир Зуннун аргун хазинасини амирлари ва қўшини сардорларига тақсимлаб берди. Қандаҳор вилоятларини укаси Носир Мирзога тортиқ қилди ва ўзи эса Кобулга қайтиб, давлат ва иқбол хумори билан мартаба ва улуғворлик ўрнидигига ёнбошлади.

Бу воқеа хабари комкор хоқон Муҳаммадхон Шайбоний қулгоғига етишгач, мазкур улкаларни қулга киритиш учун паҳлавонлик оёғи билан юриш сари қадам босди. Заминдовар ноҳиясига етишиб, хоннинг зафар нишонли лашкари шу ерга қўш ташлагач, Шоҳ Шужобек ва Муҳаммад Муқим лойиқ совға ва муносиб туҳфалар билан хон хизматига келиб, рухсат берувчи фармон буйича Убайдуллоҳ султон байроғи соясида манқлай йўсини билан олдинроқ юриб кетдилар. Султон Носир Мирзо душман ҳужумидан хабар топгач, ташвишга ботганча Қандаҳор Аркига бекинди. Шаҳарнинг арбоб ва калонтарлари, ашрафу аёнлари Убайдуллоҳ султон ва аргун амирлари истиқболига чиқиб, итоат ва буйсуниш шароитларини бажо келтирдилар. Ўзбеклар қалъани ураб олиб, қамални бошлаб юбордилар. Улар кетидан хоннинг кавкаб мартабали мавкаби ҳам қалъа ташқарисига етиб келди. Қамалдагилар иши ғам-ташвиш ва андўҳдан ўзга нарса бўлмай қолди. Султон Носир Мирзо ноилож улуғлар ва аслзода каттаконлардан бир гуруҳини хон ҳузурига юбориб, омонлик тилади. Келишув буйича, султон Носир Мирзо ташқарига муносиб пешкашлар чиқариб юборса, шундан сўнг Муҳаммадхон Шайбоний Қандаҳордан кўчиб, Хуросон томонга кетадиган бўлди. Шунга кура, султон Носир Мирзо хон буйруғига биноан вилоятни аргунларга топширди ва ўзи Кобул томонга ошиқди. Ўшанда султон Носир Мирзо ташқарига хон олдига қўлида бор барча бойликни ҳадя ва туҳфа йўсини билан юборган экан. Муҳаммадхон Шайбоний шундан сўнггина унинг илтимосини қабул қилиб, қўзғалганча дор ус-салтана Ҳиротга қайтиб кетган. Султон Носир Мирзо шу заҳоти жуда тез юриб, фархунда хислатли акаси даргоҳи сари шошилди. Қандаҳор улкаси холи қолгач, Шоҳ Шужобек Муҳаммадхон Шайбоний фармонига биноан ўз юрти тахтига чиқди ва улкада йўқ пайти юзага келган бош-бошдоқликка барҳам бериш ва бузуқликларни бар-тараф этишга киришди.

Нусрат оятли хоқон ўша Қандаҳорда турган вақтларда амир Муҳаммад Валибек давлат раҳбари буйруғи билан хон остонасига итоат этиш тўнини елкасига ташлаб, шаҳарлар фахри Ҳирот

томонга кетди. Ҳиротда турган мавлоно Абдураҳим унга меҳрибонликлар кўрсатди. Доро нишонли хоқон Қандаҳордан қайтиб, Хуросон пойтахтига келиб тушгач, амир Муҳаммад Валибек мавлоно Абдураҳим воситачилигида хон тахти пойини упиш шарафига мушарраф бўлди. Мақсади ҳосил хоқон унинг ҳаққида куп иноят ва илтифотлар кўрсатди. Шундан сўнг амир Муҳаммад Валибек, Носириддин Умарбек Вафодор, амир Зайниддин Али ва қолган бошқа хуросонлик амирлар хон топшириғига биноан Мовароуннаҳр сафарига отландилар ва соғ-саломат ул вилоятга етиб олгач, бир неча вақтни фароғатда ўтказдилар.

Ўша пайтларда амир Султон Али арғун ҳам Сейистондан жаҳон олувчи хоқон мулозиматига ошиқиб, Ҳиротда хоннинг иноят нурлари партавиға етишди ва ул нурдан ҳаёту мансаб кўзи равшан тортиб, бир неча кун хизматда бўлгач, қайтишга рухсат олди. Бироқ, бир неча ойдан сўнг ажали етиб, Сейистонда оламдан ўтди ва Нимруз мамлакати ҳукумати Қанбар Мирзо Кўкалтошнинг укаси қози Мансур Мирзога берилди.

Турғун ва ҳаракатдаги сайёр юлдузлар шимолий бужларда энг чуққисига етиб, ҳаво совуқ нафас ола бошлагач ва нозик хислатли зарифлар боғу бўстонни баргу хазондан тозалагач, хуршид ҳашаматли хоқон бениҳоя қудрат ва ҳурмат оғушида зафар байроғини Мовароуннаҳр сари ҳилпиратди. Хуросон каттаконларидан амир Муҳаммад ибн амир Юсуф, қози Ихтиёрдин Ҳасан, амир Садриддин Юнус, қози Садриддин Муҳаммад ал-имомийни ҳам ўзи билан бирга Мовароуннаҳрга олиб кетди. Халойиққа шукрона инъоми ва эҳсонларини улашди. Чаҳоржўй кечувидан ўтгач, Бухорога келди ва бир неча кун ул улкада йўл азобларини аритди ва мириқиб дам олиб, чарчоқларни ёзгач Самарқанд томонга ошиқди. Қишни мамлакати пойтахти Самарқандда ўтказишга қарор қилди.

Ўша қиш айёмида, Хуросонда рўй берган ажал урушида омон қолиб, Нисо ва Бовард тарафларга қочиб кетган Муҳаммад Қосим Мирзо, лашкар тўплаганча муқаддас Машҳад сари юриш бошлади. Машҳад ҳокими сайид Ҳодихожа шаҳарда қолишни маъқул кўрмай, оти жilовини Марв томонга бурди. Бу хабар Мовароуннаҳрга етгач, Убайдуллоҳ султон Шайбонийхон фармониға биноан Бухородан чиқиб, Қосим Мирзони орадан кутариб ташлаш учун отланди. Марв навоҳисиди Қанбарбий ва Ҳодихожа ҳам султон мавкабига қўшилиб, биргаликда Муҳаммад

Қосим Мирзоға қарши уруш учун муқаддас Машҳад томонга йуналдилар. Тез юрар отлар билан шамолдек елиб, Сабзаворга ҳам етиб олдилар. Муҳаммад Қосим Мирзо душман яқинлашгани хабарини эшитгач, урушга талабгор бўлди ва Машҳад кучаларига ғов ва тусиқ асбобларини ўрнатди. Убайдуллоҳ султон катта қўшин билан Машҳадга етиб келди ва икки уртада қаттиқ жанг бўлди. Бошини ғурур айлантирган Муҳаммад Қосим Мирзо шунча дабдаба билан асир тушди ва бошига қўрқув йўл топиб ҳам улгурмади. Мовароуннаҳрнинг Баҳром қаҳрли қўшини Хуросон лашкаридан катта бир гуруҳни ситам қиличи билан чопқилаб ўлдирдилар ва шундан сўнг қўлларини талон-торожга чўздилар. Машҳадликларнинг не бир моли кўзларига илинса, шу ўлжа билан қўйни-қўнжини тўлдирдилар. Машҳад қайта эгалланиб, сайид Ҳодихожа ул ўлкада яна бошқарув байроғини тиклади. Убайдуллоҳ султон ва Қанбарбий эса қайтиш жоловини қўлга олдилар. Фатҳ воқеасини арзадошт мактуби орқали олий тахт пойига юбордилар. Шайбонийхоннинг қалби ўзига кетма-кет ато этилаётган субҳоний иноятдан хурсандчилик ва шодликка тўлди. Қишни фирдавс нишон Самарқандда ўтказди ва жаҳонбонлик лавозимини адо этганча иқомат палосини тушади. Зафар асарли қўшинни муҳориба асбоблари ва яроқ-аслаҳа – кескир қилич, тош кесар найза, темир тешар ўқ-ёй кабилар билан мукамал қилди ҳамда аскарлар гавдасини пулат совут ва дубулға билан зийнатлади. Жанговар гуруҳларни керак бўлган ўлка ва маконлар сари жўнатди. Ўзи эса Самарқандда муқим туриб, шу атрофларда қишламиш йўсинини адо этди.

**Журжонда турган Бадиуззамон Мирзонинг қочгани
ва ул вилоятнинг субҳоний иноят орқасида
Муҳаммадхон Шайбоний мулозимлар томонидан
эгаллангани**

Бу воқеанинг шарҳи ва ҳодисанинг баёни қуйидагичадир. Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо Муҳаммадхон Шайбоний қўшини ҳайбати ва хон савлатидан кўрқиб, 913 йил муҳаррам ойининг саккизинчиси¹¹⁰ да жумъа куниси саҳар пилласи бири Боғинавдан, иккинчиси шаҳар боғидан қўзғалганча дор ус-салтана Ҳиротни тарк этгач, юзини қочиш водийси сари

қаратдилар. Анча вақтдан сўнг Астрабодда йиғилишди ва ўша ернинг ҳоқими Фаридун Ҳусайн Мирзо улуг акалари ҳурмати риоятини тутиб, улар юз хотири учун ўзи Домғон вилоятига кетди ва ўша ер ҳукумати ишлари билан машғул бўлди. Мақтов сифатли ул икки шаҳзоданинг Астрободга бориб жойлашгани хабари дор ус-салтана Ҳирот тарафларга ҳам етишгач, теурий улуси қўшинидан ким Хуросон шаҳарларида омон юрган бўлса, Астробод сари ошиқдилар. Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо байроғи остида жасорат асарли лашкар яна бир бор жам бўлди. Аммо, бир неча ойдан сўнг Музаффар Ҳусайн Мирзо тuzалмас бир касалга мубтало бўлиб, қайтиш юзини охират томонга ўгирди. Бадиуззамон Мирзо эндиликда ёлғиз ўзи Журжон салтанати кафолатини зиммасига олди. Унинг Астрободга келганидан бир йил ҳам ўтмасдан бу воқеаларнинг барчаси Муҳаммадхон Шайбоний қулоғига етишди ва хон Астробод, Журжон вилояти сари йўналди. Мамлакат олиш тариқининг солиқи Абулфатҳ Муҳаммадхон Шайбоний денгиз тўлқинидек жуш урувчи, чақмоқ чақинидек чаққон ҳаракат қилувчи, ўткир нурли қуёшдек тиғ санчувчи, тилла тангали балиқдек жавшан кийган қўшин билан дарёдан ўтиб, ниҳоятда ҳашамат ва ғоятда комронлик билан Хуросон ўлкалари усти бўйлаб юрганча Журжон вилоятини эгалламоқ сари йўналди. Атрек дарёси қирғоғи нусрат асарли сипоҳ чодирлари билан тўлгач, салтанат ошиён остон муншийлари рухсат берувчи фармон бўйича хожа Музаффар битикчига ўз томонга оғдириш хати, яъни истимолат нишонини ёзиб юборишди. У эса жўнатилган нишонни ёнига солиб, мирзолар томон йўлга тушди. Ўша чоғда Бадиуззамон Мирзо ов ва шикорга чиқиш ҳамда дашту ўтлоқзор сайру томошаси мақсадида отга минишга чоғланиб турганди. Хожа Музаффар битикчи олиб борган олийшон нишонни дарҳол Бадиуззамон Мирзо олдига элтдилар. Бадиуззамон Мирзо душман босиб келганидан хабар топгач, Журжон қўшинини ночор аҳволда кўриб, бу сипоҳ кучига ишониб, юрт олувчи хон қўшини билан уруш майдонига тушиш имконсизлигини билди. Ноилож, юз оҳ ва минг фироқ билан Ироқ йўлига қадам қўйди. Ўғли Муҳаммад Замон Мирзони Домғон қалъасида Фаридун Мирзо ёнида қолдирди. Ўзи эса шоҳ Исмоил тахти пойига ошиқди.

Хожа Музаффар битикчи Муҳаммадхон Шайбоний мулозамати сари йўналди. Халифа манзиллик тахт пойига етгач, хон-

нинг турли-туман лутфи билан сийланиб, Журжон вилояти вазирлиги мансаби унга топширилди. Хоқон Журжон вилоятини куп йиллар Султон Ҳусайн Мирзо ва унинг уғли Музаффар Ҳусайн Мирзо хизматида кун кечирган ва ақлига иш буюриб, Музаффар Ҳусайн Мирзо улган куни олийшон хон даргоҳига келиб, мулозимлар сафидан урин олган амир хожа Аҳмад қўнғиротга топширди. Шундан сўнг олий мартабали хоқон ҳиммат камандини Домғон вилоятини эгаллаш учун отди. Қалъа ташқарисига етиб келгач, ҳар икки томон жангу жадал сари киришдилар. Фаридун Ҳусайн Мирзо ва Муҳаммад Замон Мирзо мулозимлари юзини ғанимни дафъ қилиш ва душманларни улдириш сари қаратдилар. Аммо, бир неча кундан сўнг чифатой шаҳзодалари ўзларининг кучда ожизлиги ва аскарлар руҳи тетик эмаслигини куриб, суҳандон элчиларни, улуғлари ва аёнларини хонликнинг иқбол ошиён остонига юбордилар. Ниёзмандлик изҳор этиб, омонлик тиладилар. Хоннинг бу шаҳзодаларга раҳми келиб, иноят ва илтифот кетидан бўлди ва улар жони омон қолди. Шунда Фаридун Ҳусайн Мирзо ва Муҳаммад Замон Мирзолар хоннинг иноятига ишониб, ожизлик ва изтироб ичида шаҳар дарвозасини очдилар ва хон боргоҳига ошиқиб, хоннинг шафқат назари ва иноятига эришдилар. Бир неча кундан сўнг Муҳаммад Замон Мирзо рухсат олиб, Озарбайжонга кетди. Фаридун Ҳусайн Мирзо рухсат олмай туриб, хон ўрдусидан ажралиб чиққанча Атрек дарёси томонга Яқа туркманлари утирган манзиллар сари кетди.

Журжон вилояти ва унга қарашли музофотлар фатҳи Муҳаммадхон Шайбонийга муяссар бўлгач, кишвар олувчилик байроғи баланд кўтарилиб, Домғон вилоятидан то Туркистон шаҳарларининг жуда кўпи хон тасарруфи доирасига киргач, хон энди ёз фаслларида Родикон улангида оқ уйи қуббасини ой ва қуёш сари юксалтириб, яйлоқ расми билан туриб, қиш фаслида эса Мовароуннаҳр томонга ошиқиб ва гоҳида бўлса қозоқ лашкарини йўқ қилиш учун юзланиб, баъзида Дашти Қипчоқдаги ғаним қабила ва уруғлари моллари устига босқин-чопқин уюштириб юрди. Ниҳоят, 915 йил охири¹¹¹ да ўша пайтларда Дашти Қипчоқдаги барча ҳокимлардан шижоати устунлиги ва уруғ-аймоғи қўлида от ва қорамол подалари кўплиги билан ажралиб турувчи қозоқ хони Қосимхон устига бостириб борди. Уни енгиб, қайтиш чоғи эса эровул расми билан келаётган Муҳаммад Темур султон

қушинига бироз зиён-заҳмат етди ва Қанбарбий ҳамда ғалаба асарли лашкарнинг айрим диловарлари шаҳидлик жомидан шарбат ичдилар.

Калот қалъасининг эгаллангани ва Фаридун Ҳусайн Мирзо ишининг бир ёқлик бўлгани

Фаридун Ҳусайн Мирзо Домғон қўрғонидан ташқари чиқиб, Яқа туркманлари орасига боргач, Муҳаммадхон Шайбоний Дашти Қипчоқдаги кучманчи уруғлар устига лашкар тортиб юрган 915 йил боши¹¹² да фурсатдан фойдаланиб, озгина аскар тўплашга эришди ва Хуросон шаҳарларини элақлаб, Калот қалъасини босиб олди. Марви Шоҳижаҳон ҳокими Қанбарбий бу хабарни эшитиб, ўзбек қушинидан анчагина аскарни ёнига солиб, Калот устига юрди. Бундан қаттиқ қўрқувга тушган Фаридун Ҳусайн Мирзо Калот қалъасига кириб, бекиниб олди. Бироқ, Қанбарбий қаттиқ камал ва жанг билан Калот қалъасини босиб олди. Фаридун Ҳусайн Мирзо эса қўлга тушди ва бақо куч-қулонини фано елига совурди.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг Кермон вилоятини босқин-чопқинга учратгани¹¹³ ва Шоҳ Исмоилнинг Озарбайжон вилоятидан то Рум мамлакати чегараларигача ерлардан қушин йиғиб, Хуросонга келгани ва рофизий Шоҳ Исмоилнинг ўзбеклар билан уруш қилгани ҳамда Шайбонийхон вафотигача бўлган даврдаги бошқа воқеалар зикри

[Шайбонийхон Хуросонни эгаллагач, шоҳ Исмоил ерлари ҳисобланган Кермонга ҳам босқин-чопқин уюштирди. Бу пайтда шоҳ Ширвон томонга юриш билан кетган бўлиб, Шайбонийхон ҳузурига икки-уч мартаба Шайхзода Лоҳижий каби сўзамол ва олим элчиларни юборди. Аммо, хон дўстлик сўзини назарига илмади, балки урушиш пайдан бўлди. Шунга кўра, шоҳ 916 йили Харрақонда лашкар йиғилишини буюриб, Семнондан утганча Хуросон сари юрди. Бундан хабар топган Хуросондаги ўзбек ҳокимлари Ҳиротда тўпландилар].

**Ироқ ва Озарбайжон волийси Шоҳ Исмоил
туркманнинг Хуросон устига юриш қилгани ва
Муҳаммадхон Шайбоний билан Марви Шоҳижаҳон
навоҳисида урушгани ва ул олийшон хоннинг малики
маннон тақдири билан шаҳид бўлгани зикри**

Бу воқеаларнинг қисқача баёни шуким, шижоатли хоқон лашкарига Ҳазора, Накударий ва Заминдовар аймақлари устига шабихун расми билан юриш чоғи озгина зиён-заҳмат етгани сабабли Муҳаммадхон Шайбоний ташвишли кўнгил ва паришон хотирликда орқага қайтди. Зафарга ёр аскарлари, нусрат ойинли қариндошлари, Искандар савлатли фарзандларининг барчасига юртлари сари рухсат бериб, ўзи Хиротнинг жаҳонни безовчи боғига келиб тушди. Бор-йўғи бир неча кунгина утгач ва ҳали йўл азоби ва отда юриш чарчоғи ёзилмай туриб, Шоҳ Исмоилнинг бостириб келаётгани ва Хуросон вилоятига анча яқинлашиб ҳам қолгани овозаси жаҳон олувчи хоқон арзига етказилди. Бу воқеа баёни эса қуйидагичадир. Жаҳон олувчи хоқон қўшини шикаст егани ва хоннинг нусрат нишон лашкарга рухсат бериб, уларнинг ўз султон ва лашкарбошиси бошчилигида юртларига кетиб, хон ёнида оз сонли қўшин қолганидан хабар топган Шоҳ Исмоил фурсатни ғанимат билганча ироқлик, форслик, кермонлик, курдистонлик, луристонлик, озарбайжонлик аскарларини бир ерга тўплаб, чексиз сонли қўшин балан елдек юриб, олиймақом хоқон устига илғор солди. Бир қанча манзилларни босиб ўтиб, Домғон вилоятига келиб тушди. Ул шаҳарнинг ҳоқими Аҳмад Султон эса жаҳон олувчи хоқон Муҳаммадхон Шайбонийнинг куёви бўлиб, душман етиб келганидан хабар топган заҳоти йўналиш жиловини олий ўрду сари бурди. Шунингдек, Астрободда ҳукумат юргизаётган Аҳмад кўнғирот ҳам душман бостириб келганини билиб, ҳумоюн ўрду тарафга қочди. Хожа Аҳмад Султон эса Домғон вилоятдан чиқиб, хоннинг халифатмасир тахти пойига етишди. Душман яқинлашиб келгани ва ул битмас-туганмас сонли фирқанинг ҳужуми борасидаги гапларини музаффар байроқли хоқон арзига етказди. Муҳаммадхон Шайбоний ёнидаги бир нечта довжорак амирлари билан бирга бу совуқ хабарларни эшитгач, қўрқув йўли юз хотирини тутиб, юзини Марви Шоҳижаҳон сари бурди¹¹⁴. Баҳром савлатли тавочи¹¹⁵ ларни эса теварак-атрофга жўнатиб, зафар паноҳ сипоҳ-

нинг тупланишига фармон берди. Хон шу орқали туркман подшоси бостириб келганини барча ҳокимлар ва қариндош-туққан султонларга билдирди ва хат кетидан ҳумоюн мавкаб ҳам Марвга кириб боришга улгурди. Ёнидаги довьоракларни эса ҳозироқ жангга кириш учун тайёр ҳолга келтирди. Чунки, хўжаста сифатли ва мақтов хислатли хоқон доимо кофирлар билан газот уруши қилишни орзу қилиб юрар ва эндиликда шундай газовотнинг фурсати келганидан ўзини бахтиёр сезаётган эди. Бироқ, улуғ амирлар хоннинг арзига «яхшиси ён-атрофдаги шижоат тўқнашли кўшин етиб келгунча ва хўжаста васфли қариндошуруғ султонлар ўзини бу ерга етказгунча шайтанат асосли душман билан муроса-мадоро қилиб турайлик, нусрат ойинли аскар ва Искандар савлатли ака-укалар йиғилгандан сўнг давлат ва дин душманларига қарши урушга чиқайлик. Чунки, дин душманлари ниҳоятда кўп ва яхши қуролланган аскар ва уруш яроқанжомлари билан буёққа келишган. Ҳумоюн мавкабда эса даргоҳ хослари-ю бир нечта кишилардан ўзга куч йўқ» деган маслаҳатли гапларни етказдилар. Музаффар туғли хоқон амирларнинг кўнгли учун зоҳирда ризолик бошини қимирлатиб, уларнинг фикрини маъқуллагандек бўлди. Ичдан эса кўнглини нусрат паноҳ сипоҳ ва шавкат дастгоҳ султонлар келишидан олдин жангга кириш сари тўғирлади.

Душман кўшинининг Дона Муҳаммадбег сардорлигидаги манқилой¹¹⁶ и етиб келгани осмон ҳашаматли хон қулоғига етишгач, Жонвафобий дурмон ва Қанбарбийни довьораклардан бир гуруҳига қўшиб, душман манқилойига қарши юборди. Тоҳиробод қишлоғида тарафлар юзма-юз келишди. Муҳориба жуда қаттиқ кечди. Қизилбош кўшини манқилойи сардори Дона Муҳаммад шу урушда ўлдирилди. Қолган одамлари толиқиб ва яраланиб, юзларини қочиш сари ўгирдилар. Шу орада Шоҳ Исмоил байроғининг маҳчаси Марв шаҳри ташқарисида ялтираб кўриниш берди. Душман қамал ишлари ва жангу жадални бошлаб, қалъа олувчилик асбобларини жойлаштириш ва тартиб беришга киришди. Муҳаммадхон Шайбоний ул мустаҳкам қалъани сақлаш борасидаги шароитларни амалга ошириб, уруш ва чопиш туғини ҳилпиратди. Ҳар икки тарафдан уруш олови аланга олиб, ўзбек диловарларининг дил тўрида ўрнашувчи ўқи ёмғирдек камон осмонидан қўйи эниб, неча-нечаларни ҳалокат тупроғига қорди. Туркман баҳодирлари тўфангидан отилган ўқлар парво-

зининг гумбур-гумбур овози қалъага сури Исрофил овозасини етказиб, қиёмат куни намунасини намойиш этди. Бир неча навбат туркман лашкаридан бир пораси муҳорибат қадамини ташлаб келиб, ўзбеклар пайкони зарбидан қаттиқ яраланиб, маъюс қайтдилар. Купи эса ҳатто ўлим топишди. Шунингдек, хоннинг шижоат асар баҳодирларидан бир гуруҳи Марв дарвозасидан ташқари чиқиб, ҳақпараст қулларини ўқу камон сари чўзиб, бош бармоқлари воситасида ўлим асарли ўқларни тортиб, кўплаб шайтон кўринишли туркманларни қулатдилар. Ўлдириш ва чопиш фикри билан олға босиб келган қизилбошлардан бир тўдасини жанг майдонида камон ўқларига нишон қилиб, дарҳол ўлим топдирдилар. Бир неча қўрқмас душман йигитларини ҳаёт отидан тушириб, уларнинг номуборак бошларини хоннинг нурли назарига етказдилар. Шу зайл ҳар куни ўзбек диловарларидан бир тўдаси қалъадан ташқари чиқиб, дев сийратли туркманлар тарафидан ҳам довюраклар келиб, гоҳ энгиб ва гоҳида энгилиб турдилар. Ҳар кун улардан анчаси тақдир сарпанжасига асир тушиб, Муҳаммадхон Шайбоний буйруғи билан қатлга етдилар. Шу тариқа бир неча кун ўтгач, шайтон сийрат душман қулоғига ғалаба қозонувчи қўшин аскарлари ва эҳтиромли ҳокимлар, осмон ҳашаматли султонларнинг хонга ёрдам учун келаётгани овозаси етишди. Ҳақиқатдан ҳам Севинчхожа султон Бароқхон лақаби билан танилган Наврўз Аҳмад султон ва Келди Муҳаммад султон исмли ўғиллари билан Тошкент, Туркистон, Аҳси, Андижон қўшинига бош бўлиб; Кўчкинчи султон эса Абу Саъид султон, Абдуллоҳ султон, Абдуллатиф султон каби барча ўғиллари ва Муҳаммадхон Шайбонийнинг катта ўғли Муҳаммад Темур султон билан Самарқанд ва унинг музофотлари, Усрушан, Хўжанд аскарларига бош бўлиб; Муҳаммадхон Шайбонийнинг ўртанча ўғли Хуррамшоҳ султон кўп аскар билан Балх, Шибирғон, Маймана, Фаржистондан, Муҳаммадхон Шайбонийнинг кичик ўғли Севинч Муҳаммад султон ўзининг довюрак йигитлари билан дилкаш Каш (Кеш), Хузордан ҳамда Жонибек султон, Бубой султон Миёнкол Суғдидан, Убайдуллоҳ султон Бухоро вилоятидан, Ҳамза султон, Маҳди султон, Маймоқ султон Ҳисори Шодмон, Чағониён Деҳнави ва шунингдек, ҳар диёрдан биттадан сардор уз одамлари билан хоннинг халифалик тахти пойига келаётган эдилар. Шунинг учун жонни саломат сақлаб, ти-

рик қолишни фақат қочиш ишида билиб, муъжаз низом «ва дилларига кўрқинч солди» каломга кўра, бахтсиз душман юрагини кўрқинч бутунлай эгаллаб, шоҳ 916 йилнинг 28 шаъбон ойи¹¹⁷ чоршанба куни охирида Марв навоҳисидан қўзғалиб, уша куни қуёш ботмасдан шаҳар билан оралиқ масофаси уч фарсанглик Маҳмудий қишлоғи ёнига келиб тушди. Пайшанба куни¹¹⁸ тонгда эса уша манзилда яна бироз тўхтаб, аммо эҳтиёт жиҳатидан амир Бек Моусулуни туркман сипоҳининг бир нечта ботирлари билан Маҳмудий анҳори кўприга бошида қолдирганча ўзи тўхтовсиз равишда дев хислатли душманнинг шайтоний лашкари билан йўналиш байроғини Талхтон қишлоғи сари кутарди. Шу сабабли уларнинг бир нечта қимматбаҳо чодирлари хоннинг нусрат нишон қўшини қўлига тушди. Жанг майдонининг ботирлари ҳамда ятимваш, авбош кишилар душман кетидан таъқиб қилиб бориб, уларни таёқ ва тош билан уриб ўлдирдилар.

Муҳаммадхон Шайбоний ғазот урушига кўп иштиёқ ва майли бўлгани жиҳатдан нусрат паноҳ сипоҳ йиғилгунча тўхтаб турмай, ҳумоюн мавкабидаги бор-йўғи бир нечта кишиси билан шаъбон ойининг охири¹¹⁹ да жумъа куни Марв қалъасидан ташқари чиқиб, душман билан яккама-якка олишиш учун олдинга отилди. Ғаним кўплиги ва кучлилиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмади. Улуғ амирлар хўжаста фаржом хонга «яқинларингиз ва нусрат нишон аскарлар келмагунча душман билан урушмаслик лозим» деган сўзларни уқтиришга қанчалик уринмасинлар, фойдаси бўлмади. Хоқон дилидаги дин таассуби амирлар маслаҳатидан кучлироқ чиқди. Муҳаммадхон Шайбоний ғайрати кўплиги ва қудрати зўрлигидан моддий ва руҳий нарсалар яратувчисига таваккал қилганча ансорлар ёрдамисиз ва бошқалар кўмагисиз лаънати душманларга қарши урушиб, ғазот ва жиҳод шарафини топмоқ истагани учун ёнидаги озгина аскар билан жангга кирмокка жазм қилиб, дин душманлари орқасидан бостириб борди. Шу бориши асносида унга Шоҳ Исмоилнинг сулҳ тузиш ҳақидаги мактуби етиб келди. Хатни ўқиб кўрди-ю лекин ундаги гапларга илтифот назари билан қарамади. Хожа Камоладдин Соғаржийга шоҳнинг хат келтирган қосидини Марвга олиб бориб қамаб қўйишни буюрди. Қўшиндан ким шаҳарда қолган бўлса, уларни ҳам бу ёққа юборишини тайинлади. Ўзи эса йўлида давом этиб, тезликни икки чандон ошириб, Маҳмудий қишлоғига

етиб келди. Бу ерда шоҳ буйруғи билан қаровулликда турган амир Бег муҳрдор уз одамлари билан қочиб кетди. Муҳаммадхон Шайбоний буни кургач, янада дадилланди ва орқадан қувиш расмига қизиқиб кетиб, олдингидан ҳам тезроқ от қувдирганча чақмоқ ва шамолдек Сияҳоб анҳори кўпригидан ўтиб кетди. Кўп ўтмай лаънати душман сипоҳининг қораси ҳам Маҳмудий қишлоғи чеккасида кўзга ташланди ва масофа яқин қолиб, икки томон аскарлари бир-бирига бақамти келдилар. Тўқнашиш эҳтимоли кучли бўлганидан икки тараф ҳам жанговар сафларни тузатиш ва қуроли кучларни тартибга солишга киришдилар. Муҳаммадхон Шайбоний ўша чоқда зафар аломатли узангиси ёнида бўлган икки-уч минг ўзбек мулозимлари билан овчи шер оҳулар подаси устига ташланмоқчи мисоли ёки баланд парвозли лочин чумчуқ ва каклик овини осон билгандек душман тарафга қараб тайёр турди.

Шоҳ Исмоил уч-тўрт минг отлик мўтабар кўрчилардан иборат соқчи қўшинини туялар қаторидан ясаган пистирмада яшириб қўйиб, ўзи эса лашкар қалбидан жой олди. Муҳаммадхон Шайбоний қўшини қанотларини Жон Вафобий ва Қанбарбий билан мустаҳкамлади. Шундан сўнг ҳар икки томондан олтин рангли карнай ва сурнай овозлари янгради, ноғора товушлари осмонни тутди. Жанг майдони чангу ғубори тез айланувчи фалакка туташди, жаҳонни босиб ўтувчи отлар туёғи остидан кўтарилган хоку тупроқ қуёш юзини қоплади.

Аждаҳо сийратли шайтонбахт туркманлар заҳарли илон андомли найзаларини қўлга олиб, душман сари отилдилар, Баҳром қасосли ўзбеклар қон ичар ўқларни камон торига жойлаб, курашга отландилар. Хуллас, юз минг отликдан ортиқ туркман диловарлари шоҳ рухсати билан жангга киришиб, икки томондан жасурлик ва мардоналик чўққисининг йўлбарслари ва довюрраклик, жондан кечишлик денгиз қаърининг наҳанглари урушсаваш бошлаб, майдон сари югурдилар ва бир-бирига ташланиб, қўлларини жанг асбоблари сари югуртирдилар. Ўша даҳшатли кун бебок туркманлардан катта бир гуруҳи қилич ва найза зарби билан шараф-шонли хоқоннинг энг шижоатли баҳодирларини ҳам ҳалокат хоки узра қулата олдилар. Чунки, ҳар қалай, Шоҳ Исмоил лашкари фалаклар айланиши сони каби битмас-туганмас, ҳар бир даста қўлларидан келгунча марди майдонлик курсатишга уриниб, шамширу ханжарларини уста-

лик билан ишга солишар, тупчилари туфанг ва замбаракни ўтлаш ва жанг оловини ёндиришда тинимсиз ҳаракатлар қилишарди. Шу туфайли ҳар гал туфанглар бир-бирига жўр бўлиб гумбирлаганда хон қўшини томондан бирданига нечалар жонидан айрилиб, осмонга етказганча дод-вой қилардилар. Туфанг ўқлари довураклар ичини куйдириб, тутуни кўк омонни қоронғу зимистонга айлантларди. Буни кўрган хоннинг ғазаб одови алангаланди ва қиёмат қўрқинчли қаҳри шуъласи паноҳ ҳамиятли ботинига ёлқин солди. Ниҳоят, Рустам тўқнашли, Искандар хислатли хоқон бунга тоқат қила олмай ўзи ҳам зулфиқор тавсифли шамширини қасос қинидан чиқариб, шижоат қамчиси ва қаҳрамонлик таёғини чакмоқдек тез юрар зоти асл оти белига ниқтаб, уни жойидан жилдирди ва ўзини насли тубан душман лашкарининг қалб қисмига урди. Ҳар ҳамла урганда бир нечта шайтоннишон рофизийлар қонини оёғи остидаги тупроққа қориштирди. Оғир найзаси наҳангини бирор душман томон санчиб, ҳаёти кемасини фано гирдобига чуқтирди. Чакмоқ чақинли қиличи булутини кимнинг боши усти узра сармаса, кўзни кўр қилувчи момоқалди роқ яшинидек ўшанинг вужуди либосини куйдириб, кулга айлантларди.

Ноҳолис такаллуф ва суҳанварлик, қалбаки тилёғмалик ва маддоҳликка берилмай айтиш керакки, бу уруш йиғинида Муҳаммадхон Шайбоний шундай жонбозлик ва қаҳрамонликлар кўрсатдики, кўк фалак аждаҳоси унинг моҳ пайкар найзаси таёғидан кечирим тилини калимага келтирди, айланувчи чарх тили хоннинг олов сочувчи найзаси шуъласидан безовталиқ ва изтироб ўрмони сари юзланди.

Алқисса, душман қўшини ул қаҳрамонлик ва қилич уриш ва найза санчиш, марди майдонликни кўргач, уруш майдонига орқа ўгириб, жиловни қочиш водийсига бурди. Муҳаммадхон Шайбоний бу ҳолни кўрган заҳоти хурсанд ва шод бўлиб, зафар жарчисини кўрмоққа умид боғлади. Хоннинг довурак аскарлари душманни таъқиб қилганча ўлжа олишга тушиб кетишди. Хон ёнида эса шогирд пеша жангчи ва хон даргоҳининг айрим хос кишилари қолди. Улар сони ҳаммаси бўлиб икки юз нафардан кўп эмасди. Чунки, бошқа диловар ва мулозимлар ғанимат мол ва ўлжа қўлга киритиш билан машғул эдилар. Шоҳ Исмоил бундан хабар топгач, фурсатни ғанимат билиб, туялар қатори орқасида пистирмада қўйган дев келбатли уч-тўрт минг кишиси

билан Муҳаммадхон Шайбоний устига от солди ва биринчи ҳамладаёқ хон атрофидаги оз сонли гуруҳни ер билан яксон қилди. Жон Вафобий, Қанбарбий ҳам душманнинг ўша кўп сонли аскарига дуч келиб, ҳар икки амир шаҳидлик даражасига етдилар. Даргоҳнинг бир нечта маҳрам мулозимлари Муҳаммадхон Шайбоний тавсани жиловини ушлаб, шу яқин орадаги чаҳорбоғ томонга ошиқдилар. Тақдир қалами жаҳон олувчи хоннинг пешонаси лавҳига ажал ёзуғини ўша пайт учун битган экан, мазкур чорбоғда жангга киришиб, шаҳодат даражасига етишди. Дев сийрат туркманлар худо белгилаган тақдир буйича хоннинг бошини танидан жудо қилиб, Шоҳ Исмоил ҳузурига олиб бордилар. Шоҳ Исмоил эса илоҳий шукр саждаси ва ҳазрат жалол субҳоний ҳамду саноси амалларини адо этиб, ҳурматли кишиларга назру садақалар улашди¹²⁰.

Муҳаммадхон Шайбоний ва унинг амиру давлат аёнларига қарашли уруш қурол-яроқлари ва махсус жанг кийимларини ўлжа олди. Марви Шоҳижаҳон аҳолисини аямай қирғин қилди ва қатлга етган ислом аҳли бошларидан миноралар ясади.

Ўша кун Убайдуллоҳ султон Мовароуннаҳрнинг бошқа султонларидан ўзиб, озгина аскар билан Марвга етиб келди ва хожа Низом ёнига боргач, воқеани эшитиб, дарҳол ўзини Марв қалъаси ичкарасига урганча Муҳаммадхон Шайбонийнинг Мўғул хоним исмли хотинини олиб чиқди. Айти ўша пайтда бошқа бир дарвозадан қизилбош аскар қалъага келиб кирди.

Муҳаммадхон Шайбоний даргоҳида девонликнинг бош мансабида турган хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий қизилбошларнинг мазкур элчисини ушлаб туриш ва нусрат паноҳ сипоҳнинг шаҳарда қолганлари ҳировули учун йўлдан қайтиб келиб Марвда ўтирган эди. Муҳаммадхон Шайбоний ўлдирилганидан хабар топгач, динини бу ўткинчи дунё иши учун сотиб, шоҳнинг Нажми Соний лақабли амири ёнига бошпана тилаб борди ва шия мазҳабига ўтиш хиёлини кўнглига тугди. Амир Нажми Соний девоннинг айбини сурашни ўз зиммасига олди. Шу билан ул маълун жонини омон сақлаб қолди. Бугина эмас, балки ўша кундан амир Нажми Соний қўллови билан вазирлик мансаби ва девон ишларига аралаштиш ҳуқуқини қўлга киритиб, шоҳ уни бошқа вазирлар қатори вазирликка шерик қилди.

Муҳаммадхон Шайбоний ӯлиmidан кейин унинг қолган-қутган аскарлари нобуд бўлгани ҳамда Ҳирот улуглари ва ашрафлари ва сайиду қозиларидан айримларининг сафавийлар қулида шахид этилгани

Шоҳ Исмоилнинг ғалабали байроғи маҳчаси Марвда осмон авжига фатҳ ва нусрат билан кутарилгач, ҳалокат ва фалокат шамоли Муҳаммадхон Шайбонийнинг давлат ва иқбол туғи сари эсгач, ислом аҳли фирқасининг йиғин тизими тарқалиб кетди. Шоҳ Марв вилояти ҳукуматини Дудабекка иноят қилиб, йуналиш байроғини Хуросон дорулмулки, яъни Ҳирот шаҳри сари ҳилпиратди. Амир Нажми соний мулозимларидан бири бўлмиш Кули Жонбегни эса ўздан олдин жунатди. Салтанат ошиён остон муншийлари шоҳ Исмоил фармонига биноан чечан тилли қаламлар билан фатҳномаларни иншо ва имло саҳифалари узра битдилар ва уларни Баҳром савлат элчилар орқали араб Ироқи-ю ажам Ироқи ҳамда Форс, Кермон, Арок, Озарбайжон, Ширвон, Мозандарон вилоятлари теварак-атрофига ва Хуросоннинг бошқа шаҳарларига жунатдилар.

Кули Жонбег амир Нажми сонийнинг мулозимларидан бўлгани туфайли кўнгли ниҳоятда қувонч ва шодликка тўлганча дор ус-салтана Ҳирот сари йўл олди ва муборак рамазон ойининг еттинчи оқшом¹²¹ и мазкур хабарни ҳиротликлар қулоғига етказиб, ҳиротликлар номига ёзилган фатҳномани шаҳар ашраф ва аёнларига кўрсатди. Эртаси куни тонгда Ҳиротнинг сайид, мавлоно ва аёну аҳолисидан шайхулислом Сайфул миллата вад-дин Аҳмад ат-Тафтазоний, амир Низомиддин Абдулқодир Машҳадий, сайид Фиёсиддин Муҳаммад ибн амир Жалолиддин Юсуф Рози, қози Садриддин Муҳаммад ал-Имомий, қози Ихтиёриддин Ҳасан Табризий ва бошқалар кўплаб ҳадя ва сонсиз пешкаш билан сайидлар уйи дор ус-сиёдат Султонияда совғаларни жойлаштириш жиҳозларини бутлаш ва саранжомлаш учун тўпландилар. Сўнг ночор бош эганча салтанат шиор шоҳ истиқболига ошиқдилар.

Шу аснода эса авбош омий ва фитначи, жанжалкаш толиби илмлардан бир гуруҳи бостириб келиб, қилич яланғочлаганча улуглар ва каттаконлар ҳузурда шаҳар шиҳнаси Муҳаммад Бакрни, халқ билан яхши муносабатда бўлмай юрган Муҳаммад Али Аскарни чопиб ўлдирдилар. Жанжал ва тўполон этаги кенг

ёйилиб, узбек қавмига озгина алоқаси бўлган юз нафарга яқин кишининг барчаси ўлдирилди.

Эртаси куни хос ва ом жомеъ масжиди сари ошиқдилар. Ҳофиз Зайниддин Зиёратгоҳий фатҳномани ўқиш учун минбарга чиқиб, ул фармонни ширин овоз ва дилкаш товуш билан ўқиб эшиттирди. Бироқ, хутба чоғи сафавийларнинг саҳобалар номини тилга олма, деб таъқиқлаши ва минбар ёнида таҳдид солиб турганига қарамай, мазкур кекса имом хатиб саҳобалар номини бир-бир тилга олди ва натижада шу жомеъ масжиди ичида Қули Жонбег қиличи захми билан ҳалок бўлди. Шу сабабли барча халойиқнинг бу кунгилсиз ҳодисадан сўнг қизилбошлардан кунгли совиб, масжиддан қочиб чиқдилар¹²².

Айни ўша айёмда Марви шоҳижаҳон Дудабек қўлига топширилиб, шоҳликнинг байроқ ва туғлари баланд кўтарилганча Хуросон дор ул-мулки сари ҳилпираб, юқорида айтганимиздек, пойтахт Ҳирот томон қўзғалди. Дастлаб, йўл асносида, Султон Ҳусайн Мирзо мулозимларидан саналган ва Муҳаммадхон Шайбоний истилосидан сўнг эса ул ҳазрат тахти пойини ўпиш шарафини топиб, хон буйруғи билан Астробод вилояти вазирлигини бошқариб келаётган хожа Музаффар битикчи шоҳ Исмоилнинг Хуросон вилоятига етиб келганидан хабар топиб, дарҳол ва ўта шошилини равишда истиқболга чиқиб, шоҳлик назарига манзур бўлди. Шундан сўнг шоҳ Исмоил истимолатнома билан хожа Музаффар битикчини Ҳиротга юборди. У жумъа куни тонгида шоҳ фармонини шаҳар улуғлари ва каттаконларига етказди. Жумъа куниси бўлгани учун катта-ю кичик, олиму омий, сайиду қози ҳаммаси намоз адоси мақсадида Ҳирот жомеъ масжидига келдилар. Шунда хожа Музаффар битикчи топшириғи бўйича амир Жалолиддин Атоулла минбарга чиқиб, намоз хутбасини ўн икки имом маноқиб ва улуғлари зикри билан безағач, ҳиротлик шия гуруҳининг табрик ва қутлов садолари янграй бошлади.

Мазкур рамазон ойининг ўртаси¹²³ да амир Нажми соний ва Камолиддин Маҳмуд Соғаржий Ҳирот яқинига етиб келиб, сайид, қози, уламо-ю фузало истиқбол расмини бажо келтиришди ва қўлларидан келганча ва нимани муносиб билсалар, ўшани пешкаш қилдилар.

Камолиддин Маҳмуд Соғаржий шу пайтгача валинеъмат, яъни хоннинг риоятини тутиб, Ихтиёриддин қўрғонида бекиниб ўтирган хожа Хўрд олдига насиҳатнома юбориб, қаршилик

кўрсатмаслик ва исён кутармасликка чақирди. Хожа Хурд чорасиз ул сўзларни қабул қулоғи билан эшитиб, қалъадан ташқари чиқди ва шоҳнинг бошқа мулозимлари қаторидан жой олди. Ихтиёридин қалъаси кутволлиги Увайсбег таколу зиммасига юкланди.

Уша воқеалар юз бериб турганда, шоҳ етиб келгани хабари тарқалди. Уста ва ҳунармандлар шаҳарни безатиш, яъни ойинабанд ишларига киришдилар ва Ҳирот аҳли шоҳ истиқболи сари ошиқдилар. Ироқ волийси беғоят ҳашамат ва дабдаба билан Хиёбон кучаси бўйлаб Боғи жаҳоноро сари юриб келиб, Султон Ҳусайн Мирзо тахтгоҳида ўрнашди. Ҳирот доруғалиги ва ҳукуматини Ҳусайнбег лалага берди. Қозикалонлик, қалъа (ҳарбий) қозилари ва фуқаро ишлари қозилари устидан бошқарувни амир Гиёсиддин Муҳаммад ибн амир Юсуф Розийга топширди. Шаввол ойи¹²⁴ нинг фаррух фол ҳилоли рамазон ойи лаб ташналари назарига манзур бўлгач, ҳашамат дастгоҳ шоҳ ийдгоҳга бориб, ҳайит намозини адо қилди ва ул фирдавсмонанд шаҳарда қишлоқ палосини ёйди. Хуросон фатҳи доврўғи шаҳар ва улкалар аро ёйилгач, вилоятлар ҳокимлари кутлов ва табрик учун дор усалтана Ҳиротга йўналдилар. Шулар жумласидан Хон Мирзо номи билан танилган Мирзо Султон Увайс ибн Мирзо Султон Маҳмуд ибн Мирзо Султон Абу Саъид Бадахшондан шоҳликнинг салтанат нишон остонига ошиқиб, ул ҳашаматли подшоҳ инояти мулкўллигидан чексиз инъом ва эҳсон кониға фарқ бўлди. Бир неча кундан сўнг эса қайтишга рухсат сўраб, салтанат нишон шоҳ Ҳисори Шодмон, Хўтлон, Бадахшон мамлакатларини унга берди ва зардузи тож ва мурассаъ камар ва муламмаъ хилъат ҳамда учқур отлар, соф олтин тангалар билан қадр ва манзилат поясини оширди.

Баҳор фаслида салтанатшиор шоҳ Балх вилоятини эгаллаш мақсадида юриш туғини ул вилоят сари ҳилпиратди. Маймана, Форёб олижаноб шоҳнинг қўниш манзилига айлангач, хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржийни Мовароуннаҳр султонлари олдига юбориб, аҳду паймон шарт-шароитларига оид сўзларини орага солди ва Балх вилоятини топширишларини талаб қилди. Шунингдек, уларга Амударё қирғоғидан нариёгдаги Мовароуннаҳр вилоятларини эса улар ихтиёрига ҳавола этди. Мовароуннаҳр султонлари ночор ва изтироб ичида шоҳ сўзларини қабул қулоқлари билан эшитдилар. Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғар-

жий омади чолганча элчиликни муваффақият билан бажариб, салтанатмаоб шоҳ лашкари қароргоҳи бўлган Маймана, Форёб ҳудудига қайтиб келди ва адо айлаган вазифаси тафсилотини арз қилди. Шунда салтанатдастгоҳ шоҳ Балх, Андхуд, Шибиргон, Чечакту, Маймана, Форёб, Мурғоб, Ғаржистон вилоятларини Байрамбег қаромонлу деган амирига иноят қилиб, қайтиш байроғини мамлакати сари кутарди.

Бобур Мирзонинг барча Мовароуннаҳр вилоятларини истило қилгани зикри

Бу воқеанинг қисқача тафсили шуким, дор ус-салтана Ҳирот шаҳри шоҳликнинг салтанат аломатли туғи остида бўлган кунлари Бобур Мирзо суҳандон элчиларни жуда кўп совға ва ҳадялар билан ҳашамат дастгоҳли шоҳ ҳузурига юбориб, унга нисбатан баланд ихлос ва хайрихоҳлик туйғуларини изҳор қилди. Салтанатшиор шоҳ Бобур Мирзо қосидини чексиз инъом ва эҳсонларга кўмиб, у орқали Бобур Мирзо Мовароуннаҳр мулкларидан қайсини истаса, шунчасини ўз тасарруфи доирасига киритаверсин, деган ҳукмини айттириб юборди. Шунга кўра, Муҳаммад Бобур Мирзо 917 йили¹²⁵. Зобулистон қўшини билан маврусий вилоятлар сари йўлга тушди. Бадахшон ҳудудига етишгач, Султон Увайс Мирзони ўзига қўшиб, дастлаб, йўналиш байроғини Ҳисори Шодмон тарафга қарата ҳилпиратди. Ул вилоятнинг ҳокимлари Ҳамза султон, Маҳди султон мулк ворисининг келаётганидан хабар топгач, ўз қўшинларини йиғиб, отлари жилловини уруш майдони сари бурдилар. Убайдуллоҳон ёки бошқа султонларнинг келишини кутиб ўтирмадилар. Томонлар Вахш ноҳиясида бир-бирига туқнаш келдилар. Икки ўртада қаттиқ жанг бошланди. Илоҳий иноят ҳимояти билан Муҳаммад Бобур Мирзо ғалаба қозониб, ўзбек қўшини енгилди. Улардан Ҳамза султон, Маҳди султон ўша маърака майдонида ҳалок бўлишди. Ҳисори Шодмон, Хутлон, Кундуз ва Боғлон вилоятлари Бобур Мирзонинг тасарруф доирасига кирди. Бобур Мирзо бу фатҳ воқеасини шоҳнинг салтанат дастгоҳ даргоҳига хабар қиларкан, мактубга ниёзмандлик юзасидан қуйидагиларни ҳам битиб юборди: «Иложи бўлса, бирор шавкатли амирингизни урушга эпчил бир гуруҳ қўрчиларингизга бош қилиб юборсангиз, келиб бу мухлисингизга қўшилсалар, тез вақту фурсатлар ичида Моваро-

уннаҳрнинг бошқа мамлакатларини ҳам фатҳ қилиш умидимиз бор. Шундан сунг бу улкаларда ҳам танга Сизнинг номингиз билан безаниб, хутба ҳам мақсади ҳосил шоҳ исмига ўқилур. Ўзбек султонларининг эса жаҳонбонлик асос ва пойдеворлари вайрон бўлур». Бобур Мирзо элчилари¹²⁶ шоҳлик даргоҳига етишиб, улуғ амирлар воситасида ул ариза мазмунини шоҳга арз қилгач, шоҳнинг «Аҳмад бег Суфи ўғли, Шоҳрухбек афшор дев келбатли бир гуруҳ туркман билан Ҳисори Шодмонга бориб, Бобур Мирзога ёрдам курсатсинлар ва Бобурий мавкабда ўзбек тойифасига қарши уруш қилсинлар» мазмунидаги фармони содир бўлди.

Шайтон қалбли мазкур икки амир Ҳисори Шодмонга етишиб, Бобур Мирзо улар билан бирга Самарқанд сари йўналди. Самарқанд вилоятлари ҳокими Муҳаммад Темур султон, Бухоро улкаси волийси Убайдуллоҳ султон ва бошқа султонлар бу воқеадан хабар топгач, давлат марказини буш қолдириб, Туркистон томонларга қочдилар. Бобурнинг ғалаба аломатли байроғи маҳчаси дор ус-салтана Самарқанд уфқидан балқиб чиқиб, мамлакат келинини рақиблар тўсқинисиз бағрига олди. Хутба ва танга маъсум имомларнинг фахрли зикри ва шоҳ номи билан зийнатланди. Бобур Мирзо яна бир бор ота-бобосининг тахтгоҳида сарварлик ва саодат маснадига қадам қўйди¹²⁷.

Шоҳлик нишонига кура, Бобур Ҳисори Шодмон, Хатлон, Бадахшонни Хон Мирзога берди, фохира Бухоро юртига Байрам тағойни ҳоким қилди. Қўлга кирган атроф вилоятларга ҳам адолатли ҳокимларни тайинлади. Аҳмадбек суфи ўғли ва Шоҳрухбек афшорни муносиб нодир инъом ва лойиқ тансиқ тўғфалар билан хурсанд ва шод қилиб, қайтишлари учун рухсат берди. Улар орқали шоҳга аталган турли-туман хусравона пешкаш ва хилма-хил подшоҳона тўғфаларни ҳам жўнатди.

Мовароуннаҳр халқи гарчи бошда Бобур Мирзо ғалабаси ва юртни олганидан хурсанд бўлган эсалар-да, аммо кейинчалик, унинг бир хунук феъли ва ёқмас бир хислати сабабли худои таолодан Бобурнинг юртдан кетиши ва енгилишини тилай бошладилар. Чунки, халқ Бобурдан «ўзининг меросий мамлакатини қўлга киритгач, албатта, мажбур бўлганидан эгнига ташлаган шия сафавийлари либосини ечиб ташлайди ва аҳли суннат ва жамоат йўлида қадам босиб, яна вилоят халқи мазҳабидаги либосни кияди» дея кутганди. Лекин Бобур Мирзо душман табақа

кийдирган либосни эгнидан ечмади ва халқнинг ундан кутган нарсаси рӯёбга чиқмади. Шу сабабли Бобур подшоҳ Мовароуннаҳрда саккиз ойдан зиёд соҳиби ҳашамат ва мансаб бўлаолмади. Чунки, Убайдуллоҳ султон қариндоши Жонибек султон ва бошқа шижоат аломатли оға-ини султонлар билан бирга Туркистондан илғор қилиб, Мовароуннаҳр диёрига бостириб келди. Бобур Мирзо улар билан жангда енгилиб, Ҳисори Шодмон томонга қочди¹²⁸. Бу ҳодисанинг тафсилоти китобимизнинг ёқимли хислатли хон Убайдуллоҳ султоннинг мамлакат олувчилик воқеаларига бағишланган бобида алоҳида ёзилажаги сабабли бу уринда сўз юритишдан тийиндик. Иншооллоҳ ҳувва-л-азиз. Энди эса мушкинрақам қаламнинг навбати ҳозиргача бошқа воқеалар баёни билан машғул бўлиб, тилга олмаган мавзу, аниқроғи, шаҳидлик бахтини топган хоқон Муҳаммадхон Шайбонийнинг фарзандлари баёнини битмакка етишди.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг ўғил фарзандлари аҳволи баёни

Муҳаммадхон Шайбоний яратгувчи эгам тақдирига кўра 916 йил 30-шаъбон¹²⁹ да жумъа куни авбош қизилбош жангида шаҳидлик даражасига етиб, руҳи қуши жон қафасидан парвоз сари киришди ва жаннат гулзори ва абадийликнинг жовидон беҳиштида ошиён топди¹³⁰. Ул ҳазратдан уч нафар яхши сийратли ўғил фарзанд ёдгор қолди: Биринчиси Муҳаммад Темур султон; Иккинчиси Хуррамшоҳ султон; Учинчиси Севинч Муҳаммад султон.

Муҳаммад Темур султон

Муҳаммадхон Шайбонийнинг энг катта ва ақлли-тадбиркор ва шижоатда бетакрор фарзанди бўлиб, Туркистон шаҳрида туғилган. Муҳаммадхон Шайбоний Хуросон фатҳидан кейин Самарқанд вилояти туманларини унга берди ва ўзининг валиаҳди деб эълон қилди. Барча юришларда уни эровул қисмига қўярди. Ул шижоатосор шаҳриёр бузруквор отаси тириклиги пайти давомида ҳамма вақт дор ул-маҳфуза Самарқандда ҳукумат уриндигига ўтирганча вилоят шаҳару туманларини бошқарди. Халқ ва қўшин билан тўла адолат ва яхшилик курсатиш мақомида муо-

мала қилди. Жаҳон олувчи бузруквор отаси шаҳидликка етгач ва Бобур Мирзо Самарқандни истило қилгач, Убайдуллоҳ султон ва бошқа исқандар фармон султонлар билан бирга Туркистон томонга шошилди. Саккиз ой ўтгач, Убайдуллоҳ султон ва Жонибек султонларга қўшилиб, чўл йўлидан елдек учганча Мовароуннаҳрни қўлга киритмоқ учун Бухоронинг шарқий томонида жойлашган Қўли Малик деган ерга келди ва Бобур Мирзо билан юзма-юз жанг қилди. Бу урушда Бобур Мирзо енгилиб, Мовароуннаҳр мулки қайтадан ўзбек султонлари қўлига ўтди. Шунда Муҳаммад султон эски дастурга мувофиқ яна худо ҳимоясидаги шаҳар Самарқандда салтанат байроғини баланд кўтарди. Аммо, илгари, яъни отаси даврида Муҳаммад Темур султон валлиаҳд деб эълон қилинганига қарамай, қадимги тўра ва ясоқ қонунига кўра, барча султонлар иттифоқ бўлиб, ёш жиҳатдан улуғ Кучкинчи султон ибн Абулхайрхонни бош хон қилиб кўтаришди. Муҳаммад Темур султон, ноилож, хонлик ва пойтахт Самарқандга отасидан кейинги янги хонни шерик қилди. Муҳаммад Темур султон вақти-соати етиб, ўз ажали билан вафот этди¹³¹ ва ундан яхши хислатли Фўлод султон исмли бир ўғил фарзанд қолди.

Фўлод султоннинг ажойиб хислат ва фазилатлари зикри

Фўлод султон шавкатли, олий ҳиммат ва ғайратли, ўта фаросатли ва диндор, карамли, юмшоқ табиат ва оғир-босиқ, ўткир зеҳн ва соғлом фикрли шаҳзода сифатида таъриф топган эди. Бузургвор отаси замонида Хоразм вилояти ҳукумати билан сийланганди. Ул аржуманд шаҳзода бир неча вақт қўшин иши ва халқ аҳволига тартиб-интизом бермоқ билан машғул бўлди. Ажал ваъдали вақтида етиб келгач, 935 йили¹³² қайтиш жоловини охират сари бурди. Унинг Кўкбури исмли бир ўғли бор эди.

Кўкбури султоннинг аҳволи зикри

Ул асл зотли, қадри баланд шаҳзода бир неча муддат Мовароуннаҳр вилоятида ўзбошимчалик билан иш тутиб, кўпинча, жабру зулм байроғини ҳилпиратиб, оч шер ва очкўз бури каби

ҳар тарафга босқин-чопқин қиларди. Ана шундай босқин-чопқин уюштириб, мағрурлиги ичига сиғмай юрган вақтида ҳаёти оти манзил поёнига етиб, охират сари ошиқди ва шу билан Муҳаммад Темур султон насли занжири бутунлай узилди.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг иккинчи ўғли Хуррамшоҳ султон зикри

Бу фарзандининг онаси Бобур Мирзонинг эгачиси эди. Хуррамшоҳ султон отаси ҳаёт пайти Балх мамлакати ва ул диёрнинг музофотларида ҳукм юргизиб утирди. Ул шаҳзода Отолиқи мансаби учун Қанбар Мирзо кукалтош тайинланганди. Ул яхши ҳислатли амир ҳамиша ўз марҳамат қаноти ва адолат соясини мазкур вилоят аҳолиси боши узра ёйиб, бу адолатшиор амирнинг чексиз адолати ва туганмас меҳрибонлиги шарофатидан бутун Балх мамлакати ва диёри ободончилик ва фаровонлик топди.

Ул олий мартабали шаҳзоданинг ёрқин кўнгли ов ва шикорга ҳавас, дили гулюзли ёшлар ва қуёш чеҳрали ботирлар билан ҳамсуҳбат қурмоққа иштиёқи тўлалиги сабабли куп вақтини сайду шикор нашидасини сурмоқ билан ўтказарди. Доимо соядек отаси Шайбонийхон узангиси хизматида юрарди, ҳеч қачон унинг буйруғи ва фармонини бажармасдан қолмас, ҳеч бир сузини икки қилмас эди. Отаси ўткинчи дунёдан кетгач, у ҳам охират сари шитоб билан кетди. Хуррамшоҳдан насл қолмади¹³³.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг учинчи ўғли Севинч Муҳаммад султон зикри

Севинч Муҳаммад султон отадан ёш етим қолгани сабабли уни Убайдуллоҳ султон ўз меҳрибонлиги қаноти ва марҳамати сояси остида парвариш қилди. Мовароуннаҳр қайтадан Убайдуллоҳ султон ва бошқа шайбоний султонлари қўлига ўтгач, Кеш вилояти туманларини Убайдуллоҳ султон унга топширди. Ул бахтли шаҳзода анча йил Убайдуллоҳ султон хизматида ҳаёт кечирди. Умри муддати тугаб, ҳаёти нақдини руҳларни қабз этувчи ажал қўлига топширганда ундан Муҳаммадёр султон исмли бир ўғил қолганди.

Муҳаммадёр султон ва унинг ҳаёти зикри

У юмшоқ табиат, ҳаё-андишали бир шаҳзода бўлиб, очиққўллик ва саховату диёнатда ҳам етук инсон эди. Абдулазизхон ибн Убайдуллоҳхон Бухоро тахтида ўтириб, анча йиллардан сўнг ўз ажали билан вафот этгач¹³⁴, давлат устунлари ва ул мамлакат амирларининг ҳаммаси бир ерга йиғилиб, маслаҳат ва машварат қуръасини ўртага ташладилар. Кенгаш адосида барчаси биргалликда Муҳаммадёр султон ибн Муҳаммад Севинч султонни олиб келиб, 957 йил¹³⁵ Бухоро мамлакатаида ҳоким қилдилар. Бироқ, кўп ўтмай, бу олий нажод яхши ниҳодли хусрав жуда мулойим, беозор ва дарвиш шиорли бўлгани учун амирлар ва давлат аёнлари ўртасида низо ва қарама-қаршилиқ чиқди ҳамда бу шаҳзода салтанати пойдевори бузилиш сари юз тутди. Натижада, Танишбий қушчи Бурҳон султонни Раҳим султон ибн Убайдуллоҳхоннинг ўғли, дея, келтириб салтанат тахтига ўтқазди. Шу зайл Бухоро ҳукуматаида уни Муҳаммадёр султонга шерик қилдилар ва ислом қозиси ҳузурида гувоҳлик бериб, Муҳаммадраҳим султон ибн Убайдуллоҳхон фарзанди сифатида тан олдилар. Бир неча вақт шу тахлит ўтгач, бу иккита хон ўртасига совуқчилик солган баъзи бир фитначи кишилар сўзига кирган Бурҳон султон мамлакатни ўзи бошқаришни истаб, Муҳаммадёр султон давлати ниҳолини қўпормоққа киришди. Бу ўй чанги кўнгли лавҳига ўрнашгач, 961 йили¹³⁶ Бухоро Аркининг ичида ул подшоҳни шаҳид қилди ва истиқлол байроғини ул фирдавсмисол мамлакат узра ёйди.

Муҳаммадёр султон ҳам ўзидан сўнг меросхўр ва ўринбосар ўғил ёдгор қолдирмади. Муҳаммадхон Шайбонийнинг насаб занжири шу ерга етганда бутунлай узилиб, ул жамоатдан ҳикоятдан бошқа ҳеч нарса қолмади.

Муҳаммадхон Шайбонийнинг укаси Маҳмуд

Султоннинг зикри ва унинг етук ўғли

Убайдуллоҳхоннинг мамлакат олувчилик ҳамда Убайдуллоҳхоннинг Бурҳон султон қатлигача ўтган авлоди воқеалари баёни

Маҳмуд Султон 858 йил¹³⁷ йўқлик оламидан вужуд оламига қадам қўйганда бобоси Абулхайрхон уни ўз тарбияти соясига олиб, марҳамат қанотини боши узра ёйди. Юқорида Шоҳ Будог

султон вафотидан сунг унинг иккита фарзанди ҳаёти қандай кечганини баён қилганимиз сабабли Маҳмуд Султон воқеасини қисқача ҳикоя қиладиган бўлсак, унинг зикри шуким, ул мақтов хислатли шаҳзода болаликдан то етуклик ёшига етгунча соядек акаси Муҳаммадхон Шайбонийнинг ҳумоюн узангиси мулозими бўлди ва ҳамиша айланувчи қуёшдик унга хайрихоҳлик билдириб, бу тарафдорликда бирор сония ғафлат қилмади. Мовароуннаҳр мамлакатлари Муҳаммадхон Шайбоний қул остига утгач, ул дийёрнинг энг яхши шаҳарларидан ҳисобланган Бухоро мамлакатини укаси Маҳмуд Султонга берди. Муҳаммадхон Шайбоний ҳар кун инояти офтоби нурларини атоқли укаси Маҳмуд Султон боши узра таратар эди. Вақти-соати етиб, бу султоннинг ҳам умри офтоби ботиш чегараси томон оғиб, жаннат боғларида манзил тутди¹³⁸. Ундан яхши асарли Убайдуллоҳ султон исмли бир ўғил ёдгор қолди.

Убайдуллоҳхон васфи ва ул сулаймоннишон шаҳриёрнинг жаҳон олувчилик қиссаси

Ул Сулаймон нишонли, асл зотли шаҳриёр 892 йили¹³⁹ йуқлик биёбонидан вужуд шаҳристонига қадам қуйгач, валипаноҳ ҳазрат хожа Убайдуллоҳ Аҳро¹⁴⁰ иноят юзасидан уни ўзининг «Убайдуллоҳ» деган атоқли номи ва муборак исмини билан алқади. Бу адолат паноҳ, зафардастгоҳ хон илму санъатларни эгаллаган, шариат ва адолат ёйгувчи, раббоний илмларни салтанат ишлари ва подшоҳлик билан бирга қушиб олиб борувчи подшоҳ бўлиб, Абулхайрхон сулоласи султонларининг ақлу фаросат, фаҳму идрок, яхши худқ ва одоб-икромда боши эди. Кишилар устидан ҳукм чиқаришда пайғамбар шариатининг кенг йўлидан ташқари қадам босмасди. Сайидлару шайхлар, олиму фозилларга етук бир даражада ҳомийлик қиларди. Хуллас, фазлу камол нури билан оройиш топган, сўз санъати соҳасида сеҳр созлик ишини намойиш этган фазилат шиор киши эди. Алқисса, ул ёқимли хислатли шаҳриёр бошданоқ амакиси Муҳаммадхон Шайбоний хизматида бўлиб, соя каби унга эргашганча, айрилиққа бирор сония сабри йўқ эди. Отаси Маҳмуд Султон вафот этгач, Муҳаммадхон Шайбоний ул шижоат сифатли шаҳриёр ҳаққида яна ҳам куп иноят ва илтифотлар кўргузиб, Бухоро мулкини унга бахшида қилди. Ул шижоат пеша хусравзода Муҳаммадхон Шайбоний

Марв вилоятида шаҳодат шарбатини ичгунга қадар давргача амакиси узангиси хизматида бўлди ва хонга тарафдорлик қиличини сармаб, Шайбонийхон буйруғи билан вилоятларни фатҳ этиб юрди. Муҳаммадхон Шайбоний Марв қалъасига келиб бекинганда, Убайдуллоҳ султонҳаммадан олдин Амударёдан кечиб, хон турган томонга қараб йуналди ва, айнан, хон ҳазрат ул вилоятда шаҳидлик даражасини топган ўша жумъа куниси Убайдуллоҳ султон намозгар пайти Марвга кириб бориб, Муҳаммадхон Шайбонийнинг муҳтарам ҳарами бўлмиш Муғул хоним бента Султон Маҳмудхонни олиб қочиб чиққанча Бухорога элтди. Айтишларича, Убайдуллоҳ султон Муғул хоним¹⁴¹ ни олиб, Марвнинг бу дарвозасидан чиққан пайти қизилбошлар бошқа бир дарвозадан кириб келишган экан.

Юқорида айтганимиздек, шундан сўнг Бобур Мирзо паҳлавон туркман лашкари кўмагида Ҳамза султон, Маҳди султон устига чексиз лашкар тортиб бориб, уларни шаҳид қилди ва Ҳисори Шодмон, Чағониён Деҳнавини эгаллаб, йўналиш байроғини Моваоуннаҳрни қўлга киритмоқ учун ҳилпиратди. Ўша чоқда Убайдуллоҳхон замон талабига кўра ва бошқа шайбоний султонларнинг маслаҳатига биноан Мовароуннаҳр мамлакатларини ташлаб чиқиб, қайтиш жиловини Туркистон томонга бурди.

Бобур Мирзо, айтганимиздек, Мовароуннаҳрни сафавий давлати амирлари билан осон суратда қўлга киритгач, ҳукумати муддатидан етти ой ўтиб, саккизинчи ойга қараб кетган пайти Баҳром шижаотли Убайдуллоҳ султон кўнглига Мовароуннаҳрни эгаллаш орзуси йўл топиб, ул диёр сари юрди. 918 йил сафар ойи¹⁴² Жонибек султон, Муҳаммад Темурхон ҳамда кўпчилигида ўқ-ёй сингари уруш қуроли ҳам бўлмаган, бўлса ҳам бор-йўғи бир-икки парсиз ўқ билан қуролланган бир минг саккиз юз киши билан бирга Мовароуннаҳр сари ошиқди. Чўл томондан Етти кудуқ йўли билан келганча Бухоро устига босқин уюштирадиган бўлиб, душманни нобуд қилиш ўйи билан тўлган дилини яратгани эгам қарми қўлига тутқазди. Шунда, Убайдуллоҳ султоннинг Бобур Мирзо билан тўқнашуви Бухоронинг ғарбий тарафида жойлашган Кўли малик деган ерда рўй бериб, икки ўртада уруш олови қаттиқ аланга олди ва азим бир жанг бўлди. Анча олишув ва ҳаракатлардан сўнг Бобур Мирзо жанг майдонидан юз угириб, қочиш водийси сари қадам қўйди. Мовароуннаҳр юрти қайтадан шайбонийхон султонлари тасарруфи доирасига кирди.

918 йил рамазон оyi¹⁴³ нинг сешанба куниси эса Убайдуллоҳ султон Ғиждувон қасабасида Мовароуннаҳрга қайтадан бостириб келган амир Нажми соний ва Бобур Мирзога қарши катта уруш қилди. Бу урушда ҳам енгиб чиқиб, амир Нажми асир олди ва бир қанча туркман амирлари билан бирга қатлга еткарди ва жаҳон олишлик туғини ҳилпиратди. Бир неча кундан кейин Ҳисори Шодмон ва Чағониён Деҳнавини озод қилиб, 918 йил охирида¹⁴⁴ Хуросон томонга юриш қилиб, 919 йил бошида Балх мамлакатидан то Исфаройиннинг нариёғигача қўлга киритди. 929 йили ҳам Жайхундан ўтиб, Ҳиротни қамал қилди. 932 йили Машҳад, Астрободни оз фурсат эгаллаб, 934 йили яна Ҳиротни қамал қилди. 935 йилнинг унинчи муҳаррами¹⁴⁵ да жумъа куниси Жом вилоятининг Харгерд навоҳисиди Шоҳ Таҳмосп билан туқнашди ва айрим султонлар қаршилиги натижасида ҳазрати раббил-оламин тақдири билан сафавийлардан енгилди, Убайдуллоҳ султон бошлиқ лашкарга андак шикаст етди¹⁴⁶. 935 йил Хуросонга тўртинчи бор юриш қилиб, бир неча ойлик қамалдан сўнг 936 йил 18 сафари (1529 йил 21 октябрь)да Ҳиротни эгаллади. 936 йил 23 раби ус-соний (1529 йил декабрь) Самарқандда Кучкунчихон вафот этиб, Убайдуллоҳон таъзияга келгач, Ҳирот яна қўлдан чиқди ва хон 938 йили бешинчи мартаба Хуросон устига юриб, Ҳирот, Машҳад ва Астрободни эгаллади.

Убайдуллоҳ султон 940 йил сафар оyi¹⁴⁷ да бош хонлик тахтига чиқди ва уни ўз истеъдодли вужуди билан безади. Бутун Мовароуннаҳр улкаси бўйлаб хутба ва танга Убайдуллоҳон номи билан зийнат топди. Убайдуллоҳон давлати замонида Мовароуннаҳр юрти, айниқса, Бухоро ниҳоятда ободончилик ва фаровонликка эришди.

Бу дунёда эллик тўрт йил давлат ва ихбол билан умр кечиргач, ҳаёти нақдини арвоқларни қабз этувчи ажал қўлига топширди. Мазкур воқеа 946 йили 8-зулқайда¹⁴⁸ жумъа куни Бухоро шаҳрида рўй берди. Мустақил равишдаги хонлик даври Мовароуннаҳрда олти йил бўлди¹⁴⁹.

Мишкин саллалани қалам бу бобда қисқача гарзда ёқимли хислатли хоқон аҳволидан бир бўлагини таҳрир силкига тортгани сабабли унинг ҳақида китобимизда айтилиши керак бўлган бошқа баёнлар жиловли барча ҳоллар тафсилоти томон қуйироқда буриладиган бўлди.

Шайбонийхон авлодларидан иборат султонлар ва уларнинг Мовароуннаҳрни ташлаб кетганлари зикри

Убайдуллоҳ султон, Муҳаммад Темурхон, Жонибек султон ва бошқа шайбоний султонлар замон тақозоси ва даврон ҳодисаларига кўра Мовароуннаҳр вилоятини ташлаб, Туркистон сари кетгач, ул вилоятда саккиз ой турдилар. Сунг уруш асбоб ва анжомларини ҳозирлаб, Мовароуннаҳрни қўлга киритмоққа азму қарор қилдилар ва шу сабабли Жонибек султон бошқа яқинлари билан биргаликда инъом ва эҳсон эшикларини ўзбек улуси сардорлари юзи сари ланг очдилар. Кейин эса кўпчилигида ўқ-ёй каби қуроллари ҳам бўлмаган ёки бўлса ҳам уч-туртга парсиз ўқ таққан бир минг саккиз юз киши билан чўл тарафдан Етти қудуқ йўли билан 918 йилнинг сафар ойи боши¹⁵⁰ да юриш байроғини Бухоро томонга ёйиб, қўшин манқилойи шошилинч қаноти билан бир неча масофани босиб ўтди ва Бухоро шаҳри теварак-атрофига етди. Бу хабар Бобур Мирзо қўлоғига етишгач чексиз лашкар билан Самарқанддан ташқари чиқиб, муҳолифларни орадан кўтариб ташламоқ учун юрди. Дастлаб нусратнишон довьораклардан бир гуруҳини Тошкентга Қосим Кухўбурга ёрдам учун юборди. Ўзи эса қирқ минг пиёда ва отлиқ ҳамроҳлигида Бухоро томон ошиқди. Бироқ, Муҳаммад Мазид тархон ва ақлу тадбир эгаларидан бир қанчаси «бунақа тез ва шошилинч равишда душман устига бориш тўғри эмас, эҳтиёткорлик талаби Самарқанд вилоятида бўлиб туришимизни тақозо қилади. Агар йўқ десангиз, ҳеч бўлмаса жуда секин юрайлик, зора шунгача теварак-атрофдан бирор ёрдам ва кумак етишса» дея Бобур Мирзо арзига етказдилар. Бобур Мирзо бу сўзларни қабул қўлоғи билан тингламади. Бухоро атрофига келиб тушгач, ўзбек султонлари бир неча кўч орқага чекингани ҳақидаги гаплар қўлоғига чалинди. Бундан дадил тортиб, улар билан жанг қилиш учун юра бошлади. Шунда, ҳеч қўтилмаганда, орқага чекинган бўлиб, бироқ шу атрофда бекиниб ётган Муҳаммад Темурхон, Убайдуллоҳ султон, Жонибек султон зафар белгили довьораклар билан бирга жасурлар сафини ҳосил қилганча, ул саҳрода ўз қорасини кўрсатиб қолишди. Шундай қилиб, Хайробод туманига қарашли Кўли Малик мавзесида тарафлар тўқнаши юз берди, яъни бундай туйқус ва қўрқмай қилинаётган душман ҳамласини кўрган Бобур Мирзо лашкарини жангга ҳозирлади ва кин қили-

чини қасос қинидан суғуриб, ўзбек фирқасидан анчагинасини ўлдирди ва ярадор қилди. Ўзбеклар томонидан Ўрусбий дурмон, Кепакбий қушчи, Хожа Аҳмадбий қўнғирот ул маърака ва жанг майдонида ғоятда қаҳрамонлик ва ниҳоятда баҳодирлик кўрсатдилар. Бироқ, чиғатой амирлари ва ботирлари қўлидан унгламас яралар еб, шаҳодат шарбатини татидилар. Ўзбек султонлари мавкабидаги бошқа амир ва баҳодирлар эса бор кучлари билан тиришиб, қасос учун оёқларини мардоналик йўлида қаттиқ босганча ўлим асбобларини эпчиллик билан ишга солиб, уруш чангини тез айланувчи фалак авжига чиқардилар. Ялтироқ ўқ учлари ва олов пуркар қиличлар тиғи билан Бобурий мавкабдаги жуда кўп мулозимлари номини ҳаёт рўйхатидан учирдилар. Бобур Мирзо имкони борича жанг майдонида оёғини қаттиқ тираб, бироқ аскарлари тарқалиш сари юз тутгач ва ўзбек жангчилар ҳадеб зўр келавергач, жўналиш жиловини Бухоро томон бурди. Аммо, у ерда туришни маъқул топмай, Самарқандга кетди ва у ерда ҳам қолмай, уруғ, яъни оиласини эргаштирганча Ҳисори Шодмон-тарафларга қочди.

Убайдуллоҳ султон қайтадан Самарқанд ва Бухоро мамлакатларини барча тобе ер ва музофот, туманлари билан бирга қўлга киритди. Султонларнинг ҳар бири яна ўз ерларига эгалик қила бошладилар ва халққа озор бермай, Мовароуннаҳр вилояти аҳолисидан ҳеч бирини заррача ранжитмадилар. Улар вилоят тақсимотини Жонибек султон ихтиёрига топширгандилар. Жонибек султон қадимги расм ва йўсин риоятини тутиб, Самарқандни Кўчкинчихон амру фармони доирасига топшириб, Муҳаммад Темурхонни унга шерик қилди. Тошкент вилоятини Севинчхожа султонга берди. Бухоро мулки Убайдуллоҳ султоннинг меросий ери бўлгани учун яна шу султонга топшириб, Қорақўлни ҳам жалду расми билан унга қўшиб берди. Суғд ва Миёнкол вилоятларини бутунича ўзи ва фарзандлари учун олиб қолди¹⁵¹.

Мазкур йилнинг жумодилаввал ойи¹⁵² да яна ўзбек султонлари бир ерга йиғилиб, йўналиш байроғини Ҳисори Шодмон томон ҳилпиратдилар. Бобур Мирзо душман келаётганидан хабар топгач, хон билан бирга Ҳисори Шодмон Аркини мустаҳкамлаб, шаҳар қалъаси атрофи бўйлаб чуқур хандақ қазиш ва маҳаллаларни кўчабанд қилишни буюрди. Бир нечта кишисини ёрдам учун Балх волийси Байрамбек қарамонлу томон юборди. Яна бир аризани эса шоҳ Исмоил даргоҳига ёзиб, ёрдамга муҳ-

тожлигини билдирди. Байрамбек қарамонлу амир Султон Муҳаммад Шерозийни девга менгзар туркманнинг уч юз кишиси билан Бобур Мирзо мадади учун жунатди.

Ўзбек султонлари Чағонийнга келиб, қалъанинг ута мустаҳкам ҳолга келтирилганидан хабар топдилар ва баҳодирларнинг бекорга ўлиб кетишларидан ташвишга тушиб, урушни маъқул кўрмай, орқага қайтиб кетдилар.

Худо тақдири тақозосича Бобур Мирзонинг ўз меросий мамлакатидан бутунлай қочиб кетгани зикри

Бу воқеанинг шарҳи ва ҳодисанинг баёни шуким, Бобур Мирзо яна бир бор маврусий мамлакатдан дил узиб, бобо мерос юртдан қочиб кетгач, тағин шоҳ Исмоил олдига одам юбориб, ёрдам сўради. Шунга кўра шоҳ Исмоил амир Нажми соний лақаби билан танилган амир ул-умаро мансабидаги Ёр Аҳмад Исфаҳонийни беш минг киши билан Бобур Мирзога ёрдамга жунатди. Бобур Мирзо ўша жасур қўшин билан мазкур йилнинг қиши боши¹⁵³ да яна шайбоний султонлари устига бостириб бориш учун йўналиш байроғини баланд кўтариб, ўша донғи кетган қўшин билан Хуросон ҳудудига яқинлашди ва ўзбекларни йўқотиш учун ҳиммат камарини боғлади. Хирот волийси Ҳусайнбек лала амир Нажм соний кириб келганидан хабар топгач, кўп тухфа ва мўл-кўл совғалар билан олдига пешвоз чиқди. Шунингдек, бошқа вилоят ҳоким ва қалъа доруғалари ҳам унга қўшилиб, амир Нажми соний назаридан қимматбаҳо пешкашлар ўтқардилар. Итоат юганини елкасига отиб, Мовароуннаҳр сари равона бўлдилар. Қози, сайид, ашраф ва аёнлар ҳам Хуросоннинг атроф шаҳар ва туманларидан амир Нажм хизматига келиб, дуоғўйлик ва ризолик топиш шароитларини бажо келтирдилар. Амир Нажм ул жамотнинг барчасини турли-туман инъом ва карамлар билан сийлаб, нима ишлари бўлса етарлича битказиб, амир Фиёсиддин Муҳаммад ибн амир Юсуф Розийни ёнида олиб қолди ва бошқа амирларга рухсат берди. Шу бўйича Жом йўлидан юриб, Мурғоб дарёси қирғоғига етиб борди. У ердан эса Балх сари ошиқди ва Балх ҳокими Байрамбек қарамонлу уни кутиб олиб, зиёфат ва меҳмондорлик шароитларини ўз маромида бажо келтирди. Амир Нажм йигирма кунга яқин Балх ташқарисида ўтириб, қўшиннинг бир гуруҳ сардорларини дарё ёқасига кемаларни Термиз кечуви-

да тушлаш учун юборди. Амир Гиёсиддин Муҳаммадга эса Ҳисори Шодмонга бориб, Бобур Мирзони шоҳ лутфи ва иноятидан умидвор қилиш ва шу атрофдаги қушин билан келиб қушилиш ҳақидаги хабарни етказиш топшириғини берди. Шундан сунг Термиз кечувига кетди ва мазкур йилнинг ражаб ойида Амуя дарёсидан кечиб ўтди. Ҳали Термиз навоҳисида турган пайт амир Гиёсиддин Ҳисори Шодмондан қайтиб келиб, амир Нажмга бобурий мавкабнинг яқинлашиб келаётгани ҳақида хабар берганди. Амир Нажм бир нечта амир ва оз сонли хос мулозимлари билан Бобур Мирзони кутишга чиқди ва икки томон Дарбанди оҳанин ҳам деб аталувчи Чакчак довонида учрашдилар. Икки тарафдан ҳам сочқи сочиш, ҳадялар тақдим этиш ишлари амалга ошди.

Бу томондан эса ўзбек султонлари амир Нажмнинг дарёдан ўтгани хабарини эшитиб, Мовароуннаҳр қалъаларини бекитишни бирор султон ёки амир зиммасига юклаб, жангу жадал, муҳориба-ю қиттолга тайёр турдилар.

Амир Нажмнинг келгани ва ул малъуннинг Оллоҳ тақдири билан ўлдирилиши

Амир Нажм соний лақабли амир Ёр Муҳаммад Исфаҳоний Омую дарёсидан кечиб ўтиб, заҳируссалтана Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо билан учрашгач, дастлаб йўналиш байроғини Хузур томон ҳилпиратди. Ул диёр ҳокими Оқ Фулод султон қалъа девори буржу борини мустаҳкамлаб, мудофаага шай турди. Бобур Мирзо билан амир Нажм сулҳ ва аҳду паймон эшиklarини очиб, қалъага элчи юбордилар ва кўп ваъдалар берганча, сулҳ сўзини ўртага солдилар. Оқ Фулод султон соддалик қилиб, шаҳар арбоб ва калонтарлари сўзи бўйича, Хузур қалъаси дарвозаларини ланг очиб қўйди. Аммо, амир Нажми соний аҳду паймонни бузиб, Оқ Фулод султонни занжирбанд қилдирди ва ўша ердаги Туққузбегини бир гуруҳ ўзбеклар билан ўлдирди. Халқдан ҳам анча одамни шаҳид қилди. Сунг у ердан ўтиб, Қарши томон юрди. Қарши ҳокими Шайхим Мирзо мудофаага ўтиб, қаршилик кўрсатишга киришди. Нажмбек шаҳар атрофини ҳужум уюштириш учун амирларига бўлиб берди ва ҳар ким ўз мурчалига тушиб, ўқ ва туфанг отишга бошладилар. Манжанақлардан чақмоқдек тош отиб, Қарши қалъасининг девор ва

буржу бораларини тешдилар. Шу зайл беш-олти кун ичида қалъа истило қилинди. Шайхим Мирзо кул остидаги мулозимлари билан бирга шаҳидлик даражасига етди. Қаршилиқ курсатган ўжар қаршилиқларни жазолаш юзасидан эса «қатли ом» фармони чиқиб, халқ ёппасига қирғинга учради ва ўн беш мингга яқин му сулмон аскар ва аҳоли қилич дамидан ўтказилди. Шаҳидлик шарбатини ичган бу халқ орасида мавлоно Биноий ҳам бор эди¹⁵⁴.

Амир Нажм Насаф ишидан кўнглини тинчитиб, йўналиш туғини Бухоро томон кўтарди. Бу воқеа хабари ҳамма ёққа ёйилгач, шайбоний насабли султонлардан шижоат нишон султон Абулфатҳ Жонибек султон Миёнкол вилоятидан Убайдуллоҳ султонга қўшилиш учун Бухоро томон ошиқди. Муҳаммад Темурхон ва унинг ўғли Фўлод султон ҳамда Абу Саъид султон ҳам Самарқанддан Бухоро сари йўналдилар.

Амир Нажм Бухорога икки фарсах масофа қолган ерда Муҳаммад Темурхон, Фўлод султон, Абу Саъид султоннинг Самарқанд қўшини билан келаётгани хабарини эшитди ва дарҳол ўша манзилда тўхтаб, Байрамбек қарамонлуни паҳлавонлик маслаки солиқларидан бир гуруҳи билан уларни тор-мор этиш учун юборди. Муҳаммад Темурхон, Фўлод султон, Абусаъид султон Байрамбек бошлиқ қизилбошлар келаётганидан хабар топгач, Ғиждувон қалъасига кириб бекиндилар. Байрамбек амир Нажмни воқеадан хабардор қилгач, қизилбошлар қўшинининг барчаси Ғиждувон қалъаси атрофига келиб тушдилар. Муҳаммад Темур султон, Абу Саъид султон, Фўлод султон қалъа атрофини мустаҳкам қилиб, ҳар куни жанговар ўзбеклардан бир гуруҳини уруш учун қалъадан ташқари чиқариб турдилар. Ташқаридан ҳам дев сийратли туркманлар уларга қарши келиб, гоҳи голиб келишса, кўпинча мағлуб бўлишар эди. Аҳвол бир неча кун давомида шу зайл ўтгач, шайбоний султонларининг уруш борасидаги ғайрат-шижоат ва маҳоратини яхши билган ва бу қалъани уруш билан олиб бўлмаслигини яхши англаган Камолиддин Маҳмуд Соғаржий амир Нажми соний арзига қуйидагиларни етказди: – Бу қилда Ғиждувон қалъасини қамал қилишдан фойда чиқмайди. Чунки, бу қалъа ҳарб асбоблари ва уруш қуроли-яроқлари билан тўла ва уч султон жуда кўп ботир аскарлари билан макон тутишган. Қолаверса, нусрат асар туркман лашкари бу манзилда тураверса, бир неча кундан сўнг озиқ-овқатга танқислик сезишлари турган гап. Яхшиси, бу ердан кўзғалиш ногора-

сини чалганча Қарши ва Хузор навоҳисиди «қишламиш» расми амалга ошса, у ерга эса Балх вилояти ҳокимидан савдогарлар ва ерлик бозорчилар зафар паноҳ ўрдуга ғалла ва мол олиб келсалар. Қиш охирлагач ва ўзбекларнинг захираси тугагач, оту туялар ейиши учун дала-даштда ўт-ўланлар униб чиққач, янгидан шаҳар ва қалъаларни эгаллаш сари отлансак маъқул иш бўлади.

Амир Нажм бу таклифга нисбатан ўзининг ушбу қарама-қарши фикрини билдирди: — Агар биз Ғиждувон қалъаси атрофидан кучиб, дарё томонга кетадиган бўлсак, унда биз билан тўқнашиб, жанг қилган ўзбек султонлари «ана, бизнинг ҳужумлар душманни эсанкиратиб ва даҳшатга солиб қўйибди» деган тасаввур ва фикрга боришади, бундан эса журъат пайдо қилиб, жасоратлари ошади.

Ўртадаги бу гаплар тугамай туриб, Бобур Мирзо шу маслаҳат кенгаши устига етиб келди ва у ҳам Камолиддин Маҳмуд Соғаржий айтган нуқтайи назарни билдириб, қамални тўхтатиш ва Қарши, Хузор тарафларга кетиб ўтириш фикрини қаттиқ уқтира бошлади. Амир Нажм ноилож Бобур Мирзонинг сўзини маъқул топди, аммо ўша ёқларга эртага кетамиз, деди. Эртаси куни 918 йилнинг муборак рамазон ойининг учинчиси¹⁵⁵ якшанба куни бўлиб, тонг-саҳарда Ғиждувон томонидаги дарахтзор орасидан Мовароуннаҳр султонлари қўшини кўринди. Уларнинг кутилмаганда душман устига қуюндек бостириб келиши, амиру вазир тадбиркорлигини чиппакка чиқарди. Ғиждувоннинг кун чиқар тарафидаги мазкур туманга қарашли Зарнакўй бўйида Муҳаммад Темурхон, Абу Саъид султон, Фулод султон мавкабидаги довюраклардан ташкил топган ислом қўшини Убайдуллоҳ султон, Жонибек султон аскарлари билан қўшилиб, ҳаммаси уюшган ҳолда жанг майдонига кирдилар. Убайдуллоҳ султон қўшинининг маймана қисмини Муҳаммад Темурхон ва Фулод султонлар вужуди билан мустаҳкамлаб, Абу Саъид султон, Жонибек султонларни майсара қисмига юборди, ўзи эса қалб қимида турди. Амир Нажм ҳам уруш нияти ва режасини кўнглига қаттиқ тугиб, лашкарнинг маймана ва майсара қисмларини таниқли амирлар ва ханжар санчар довюрак сардорлар билан кучайтирди. Ўзи эса лашкарнинг қалб қисмида шижоат туғини кўтариб турди. Бобур Мирзога эса ўз қўшини билан қайси тарафдан ёрдамга эҳтиёж туғилса, тез етиб боришга қулай бир жойда туришни буюрди. Сафлар тўғирлангач ислом сипоҳи бурунғоридан жасорат

белгилги икки юзга яқин чавандоз майдон сари кириб бориб, Нажмбек лашкарининг жувонғорига ҳужум қилдилар. Ўша ерда турган Байрамбек қарамонлу уларни қайтариш учун мудофаа ҳужумига ўтди, бироқ шу заҳоти ўзбеклар ўқига дуч келиб, ҳалок бўлганича шитоб билан дузах сари кетди. Бу воқеа дин душманлари юрагига қўрқув ва ҳадик ҳиссини солиб, ислом лашкари бирданига озарбайжон ва ироқ қўшини устига ташландилар. Бобур Мирзо ва амир Нажм ўзлари ирода қилибми ё ноиложликданми бир соатча қаттиқ уруш қилиб, қўлдан келгунча ҳаракат қилдилар. Сунг эса жанг майдонига орқа угириб, қочиш водийси томон юз тутдилар. Муҳаммад Бобур Мирзо, амир Фиёсиддин Муҳаммад ибн амир Юсуф, Камолиддин Маҳмуд Соғаржий, Ҳусайнбек лала, Аҳмадбек сўфи ўғли қочиб қутулишга имкон топиб, оёғини қўлига олиб қочганча зўрға ўлим чангалидан омон қолдилар. Бобур Мирзо Ҳисори Шодмонга қараб кетди, Ҳусайнбек лала, Аҳмадбек Карки кечувидан ўтиб Хуросон йўлига қараб кетишди. Ислом султонлари туғи маҳчаси фатҳ ва зафар уфқидан балқиб чиққач, Мовароуннаҳр қўшини қочаётган душман лашкари устига ташланиб, ўлдириш-чопиш ва талон-торожга киришдилар. Убайдуллоҳ султон қўшинидан бир гуруҳи жанг майдонида амир Нажмга етиб олиб, қўлга туширишди ва Убайдуллоҳ султон буйруғи билан уни шу заҳоти қатлга етқаришди. Зайнулбидинбек ҳам жуда кўп туркман амир ва бошқа Ироқ, Озарбайжон аскарлари ҳамда анчагина хуросонликлар билан бирга ўша кунги жангда ҳалок бўлди. Яна бир гуруҳ эса ғор ва ёриқ-тешикларга кириб, тулқига ўхшаб яшириниб олдилар. Хуросоннинг хожа Муҳиддин Яҳё ибн хожа Шамсиддин Муҳаммад марворид, хожа Маржон ибн хожа Қавомиддин ва устод Абди меъмор каби кўпчилик аъёнлари ҳам самарқандликлар қўлига тушиб, ҳалокат жомини сипқордилар. Ўша куни хоҳ қўшиндан бўлсин, хоҳ халқдан бўлсин ҳеч кимса ғазот шарафидан қуруқ қолмади. Бебош қизилбош эса девона ит каби бирор вайрона сари югуриб, бекингани жой ахтарар, жанг майдони қаҳрамонлари ва ятим-авбош ўзбек йигитлари бахти қайтган ул гуруҳни қувлаб бориб, таёқ уриб ёки тош отиб ўлдираб эдилар.

Мовароуннаҳр мамлакатлари қайтадан шайбоний хон ва султонлари тасарруфига киргач, эски тўра ва ясоқ қонуни бўйича султонлар ҳаммаси оғзи бир бўлганча хон сайлаш иши сари юзландилар. Кучкинчи султон ибн Абулхайр ёш жиҳатдан ҳамма-

дан улуг булгани учун уни «хон» атаб, хонлик мансабига кутардилар. «Қонеъа», яъни валиаҳд қилиб қоида бўйича ёш жиҳатдан бошқалардан катта ҳисобланган Севинхожа султон тайинланди.

Кучумхон, яъни Кучкунчихоннинг Севинчик султон номи билан ҳам танилган бу туғишган укаси Кучкинчихон даврида, аниқроғи, 931 йили¹⁵⁶ вафот этди. Қонеъа қилиб Жонибек султон ибн Хожағум ибн Абулхайр тайинланди.

Жонибек султон 935 йил¹⁵⁷ да оламдан ўтди. Ундан кейин Кучумхон ҳам вафот қилиб¹⁵⁸, хонлик иши Абу Саъид султонга топширилди. У ҳам 940 йили¹⁵⁹ охиратга йўл олиб, хонлик тахти Убайдуллоҳхон вужуди билан зийнат топди. Убайдуллоҳхон давлати даврони ва хонлиги замонида Мовароуннаҳр, айниқса, Бухоро вилояти зебу зийнат, равнақ ва тароват либосини кийди.

Убайдуллоҳ султон ва Жонибек султоннинг Ҳиротга қўшин тортгани воҳиб ул-атоёт инояти шарофатидан ул вилоятнинг эгаллангани

Амир Нажм ислом сипоҳининг диловарлари қиличи зарбидан ҳалок бўлиб, Ироқу Озарбайжон¹⁶⁰ қўшинидан қанчалар ўлгач ва қанчалар эса Бобур Мирзо билан бирга қочиб кетгач, Мовароуннаҳр ҳукмдорлари кўнглига Хуросон вилоятини эгаллаш ҳаваси тушиб, дастлаб, Жонибек султон чексиз лашкар билан Омўя дарёсидан кечиб ўтганча Ҳирот томонга йуналди. Бир неча манзил ва масофани босиб ўтиб, ул дарёдил подшоҳ Ҳирот шаҳри атрофига етишгач, қамал ишларига қаттиқ киришди. Ҳиротнинг амиру улуг, аслзода-ю косиб-ҳунармандлари мақтов сифатли подшоҳ келганидан хабар топиб, қалъа деворини мутаҳкамлашга тушдилар. Аҳмадбек сўфи ўғли Ихтиёриддин қўрғонини беркитди. Хусайнбек лала¹⁶¹ шаҳар қалъасининг шарқий ва шимолий қисми ўртасидаги Мирзо Аҳмад султон буржида мудофаа байроғини ўрнатди. Ферузобод дарвозасини Имоиддин Маҳмуд ибн Сайид Фиёсиддин Муҳаммад боғбон қўриқлайдиган бўлиб, туғини Ферузобод дарвозасига тикди. Ироқ дарвозасини қўриқлаш хуросонлик бошқа бир аёнга берилди. Амир Фиёсиддин Муҳаммад ибн амир Юсуф эса Малик дарвозаси орқасига келиб тушди. Хуш дарвозасини қўриқлаш вазифаси амир Султон Маҳмуд ибн сайид Фиёсиддин Муҳаммад боғбон зиммасига юкланди.

Зу л-қаъда оий бошлари¹⁶² да Каҳдистон улангига келиб тушган Жонибек султон Ҳирот қалъасининг ён-теварақларига яқинлашиб, ботир йигитларини ҳужум ва юзма-юз жангга ташлади. Ханжар урувчи жангчиларнинг бир қисми Боғи сафид дарвозасидан, яна бир гуруҳи эса Ферузобод дарвозаси томонидан ҳужумга ўтиб, хандақгача етиб келдилар. Убайдуллоҳ султон ҳам Ҳиротни олиш нияти билан Бухородан чиққанча Жонибек султонга орқама-орқа йўлга тушган бўлиб, айна чоқда Ҳирот яқинига етишиб, Озодон қишлоғи ва Боғи Сулаймон мавзесида макон тутди. Бухоролик жангчилар ҳам ҳужумга ўтиб, Малик ва Ироқ дарвозаларига қараб ўқ ва тўфанг ота бошладилар. Хуллас, улар ҳам қамал ишига бор кучлари билан киришиб, уруш байроғини баланд кўтардилар.

Алқисса, қамал олтмиш кунга яқин давом этди ва шундан сўнг илоҳий иноят нурлари қамалдагилар аҳволи сари эниб, Жонибек султон ва Убайдуллоҳ султон ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлди. Навруз тантаналари биринчи кунига тўғри келган 919 йил муҳаррам ойининг учинчиси¹⁶³ тонгида, ул нусрат аломатли султонлар Ҳирот ташқарисидан қўзғалиб, ҳар бири алоҳида-алоҳида суратда ўз мамлакатлари пойтахти сари йўлга тушдилар. Ҳиротликлар эса қамал қийинчиликларидан қутулдилар ва қалъа истеҳкоми ишларидан бўшаб, енгил нафас олдилар. Шаҳарликлар ва қочиб кирганлар қалъадан чиқиб, яна боғу бўстон ва далалари, уйлари сари ошиқдилар. Жонибек султон ҳеч тўхтовсиз равишда Хуросон диёридан чиқиб, Омуддан кечиб ўтганча ўз вилояти Карминага кетди. Аммо, ўша пайтда Муҳаммад Темурхон ибн Шайбоний Самарқанддан йўлга чиқиб, Хуросонга йўналганча Жайхундан кечиб ўтди ва Мурғоб дарёси ҳудудида Ҳиротдан қайтиб келаётган Убайдуллоҳ султонга қўшилди. Зафар дастгоҳли ул икки подшоҳ бир-бири билан иттифоқ ва иноқликда отлари жиловини Тус ва муқаддас Машҳад томонга бурдилар. Марв ҳокими ва муқаддас Машҳад доруғаси Дудабег зафарга ёр султонлар яқинлашиб келганидан хабар топишгач, юзларини қочиш томон бурдилар ва қочиш жиловини Ироқ вилоятига етгунча қўлдан қуйвормадилар. Ҳашамат қондали хон ва султон эса Марв шаҳридан то Исфаройин навоҳисигача ерларни ўз тасарруфи доирасига киритиб, сўнг Ҳирот тарафга юзландилар. Бу хабар дор ус-салтана Ҳиротга етгач, барча амирлар қочиш тараддудига тушиб, ҳеч бири Ҳиротда қолишни ис-

ташмади. Ўша ойдаёқ¹⁶⁴ амирларнинг барчаси Табас ва Сейстон биёбони йулидан юриб, Ироқ ва Озарбайжон томонларга юзландилар.

Хожа Абулвафо девон ва ислом султонларининг бошқа айрим тарафдорлари шаҳарни беркитиб, хушхабарни етказиш учун учқур чавандозларни Машҳад томонга юбордилар. Шунга кўра, Муҳаммад Темурхон Ҳиротга юзланди, Убайдуллоҳ султон эса Машҳадда қолди. Муҳаммад Темурхон Ҳирот шаҳрига яқинлашганда у ернинг каттакон ва таниқли кишилари кутиб олиш тантанаси учун ташқари чиқиб, шаҳар ва қалъа дарвозалари калитларини султон қўлига тутқаздилар ва итоату буйсуниш сўзларини айтдилар. Муҳаммад Темурхон Жаҳоноро боғига тушиб, хутбани ўз номига ўқиттирди ва халқ ва фуқаро боши узра марҳамат ва шафқат байроғини ёйди. Бироқ, мулло Шамсиддин Муҳаммад наҳжий, мулло Ҳабибулла воиз ва жомеъ масжиди муаззини каби шия мазҳабидаги айрим ўжар гуруҳни ханжар ва қилич билан чошиб ўлдирдилар ва уларнинг палид жасадларини оловга ташладилар. Ўзбеклар томонидан амалга ошаётган бу ғавво ва мижаронинг олови соат сайин аланга ола бошлагач, асли хоразмлик мавлоно Хожа Али садр амир Фиёсиддин Муҳаммад ибн амир Юсуф илтимосига кўра Муҳаммад Темурхонга «ўз ғаразлари йулида бошқалар жони иморатини бузувчиларни қўллаб-қувватлаш ё улар ишига бефарқ қараш мамлакатнинг вайрон бўлишига олиб келади» дея арз қилиб, ул табақа азобланишини тўхта-тиш борасидаги рухсатни қўлга киритгач, ниҳоят, мазкур буйруқ олови пасайди.

Муҳаммад Темурхон икки-уч кун дор ус-салтана Ҳиротда ва Убайдуллоҳ султон муқаддас Машҳадда ҳамда айримлар шу атрофдаги туманларда тургач, қўшинга рухсат бериб юбордилар. Аммо, шу аснода шоҳлик қўшини манқилойи Хуросон ҳудудига келаётгани хабари тарқалди. Шунинг учун Искандар фармонли султонлар вазият тақозоси бўйича ва нусратнишон қўшин тарқатиб юборилгани боисидан қайтиш байроғини Мовароуннаҳр вилояти сари ҳилпиратдилар. Ва Убайдуллоҳ султон Машҳаднинг айрим арбоб ва калонтарлари ҳамда Марв халқининг бир булагини кўчириб, ўзи билан бирга Бухоро вилоятига олиб кетди. Муҳаммад Темурхон ҳам Ҳирот улуғларидан амир Фиёсиддин Муҳаммад ибн амир Юсуф, амир Султон Маҳмуд ибн амир Фиёсиддин, хожа Жалолиддин Қосим Фароҳурӣ, мавлоно Қосим

Хондамир, хожа Шоҳ Ҳусайн Хиёбоний кабиларни кучириб, узи билан бирга Самарқандга олиб кетди.

Абулқосим бахши деган амалдорнинг шайбонийларга кушилиб кетмай, Ҳирот вилоятида қолгани ва Ҳирот шаҳрини бир неча кун давомида қамал қилгани ҳамда шайбоний султонлари ёнини тутиб, халкнинг аҳли суннат ва жамоат табақасидаги кишилардан бир қанчасини узи иттифоқдош қилганча ул вилоятни тасарруф этиш ва қудрат қулига олиш ишларини кўрсатгани воқеасига қуйида муфассалроқ тўхталамиз.

Абулқосим Бахши¹⁶⁵ нинг зикри

Бу воқеанинг қисқача тафсили ва шарҳи шуким, Муҳаммад Темурхон қайтиш туғини Самарқанд сари ҳилпиратгач, Султон Ҳусайн Мирзо замонида бахши амирларининг улуғлари қаторида турган ва Муҳаммадхон Шайбоний ҳам Хуросонни ўз тасарруфига киритган вақтда у билан илтифот ва иноят мақомидан туриб муносабатда бўлган, мана энди Муҳаммад Темурхон Хуросонга кириб келган ушбу кунларда унинг ҳам ёқтириш назарига тушган Абулқосим Бахши Муҳаммад Темурхон Ҳиротни ташлаб кетгач, навкарлардан бир нечасини йиғиб, Ҳиротни шоҳ аскарларидан ҳимоя қилишга бел боғлади. Бироқ, хожа Атоулла, хожа Муҳаммадий, Мирзо Қосим, мавлоно Мир Самарқандий ва Ҳиротнинг бошқа бир неча улуғ ва аёнлари шоҳ давлатига хайрихоҳлик билдириб, жоннисорлик камарини белига боғлашди. Шу сабабли улар билан Абулқосим бахши ўртасида келишмовчилик вужудга келиб, Абулқосим бахши шаҳардан ташқари чикқанча Каррух ва Бодғис ҳудуди томонларга кетди. Ул вилоятнинг Гончи ва Аҳшом ноҳиясидаги мусулмончилиги кучли муғул уруғи аҳолисидан икки минг отлички йиғиб, йўналиш жловини Хуросон пойтахти томон бурди ва Ҳиротнинг таниқли киши ва каттаконлари бу воқеадан хабар топиб, шаҳар дарвозаларини беркитиб, қалъа буржу деворларини мустаҳкамладилар. Кўнгилларига мудрофаа ва қаршилиқ аҳдини тугиб, уруш ва саваш байроғини юқори кўтардилар. Абулқосим бахши шаҳардан ярим фарсах наридаги Боғисарафрозга келиб тушиб, шаҳар атрофидаги булукотлар аҳолисидан анчасини узига иттифоқдош қилди. Муҳаммад Темурхон шаҳарни эгаллаб турган пайтда имомия мазҳабдагиларнинг мол-мулки мусодарасини амалга ошир-

ган хожа Шаҳобиддин Ғурий шаҳардан чиқиб, Абулқосим бахшига қушилди. Амир Низомиддин Абдулқодир ислом аҳли ёнини олиб, анчагина мусулмонларни бир ерга йиғди ва ислом аҳли тарафдорлари сафини кенгайтирди. Шу зайл ҳиротликлар ичидаги зиддият кучайиб, кўпчилик қалъа буржу бораларини сақлашдан қўл тортдилар. Абулқосим бахши бир неча бор Хуш дарвозаси тарафдан ҳужум қилиб, ахийри, хандаққа яқинлашди. Пиёдаларидан бир нечтаси журъат қадамини ташлаб, хандақдан ҳам утиб олдилар ва дарвозага ут қўйдилар. Бироқ, ут қуйиш йўли билан шаҳарга кира олмадилар. Эртаси куни тонгда амир Абдулқодир Ферузобод дарвозасидан ташқари чиқиб, Абулқосим бахшига қушилди. Шу тариқа йигирма кунга яқин ҳар икки томондан жанг олови ёниб турди. Ўша аснода шоҳлик қўшинининг манқилой қисми амирлари етиб келган хабари тарқаб, Фушанж вилояти ҳокими Пири Султон билан Абулқосим бахши ўртасида Боғи Сарафрозда азим бир жанг бўлди. Шаҳар халқидан хожа Атоулла, хожа Камолиддин Муҳаммадий, Мирзо Қосим, мулло Мир Самарқандий кўп сонли бир гуруҳ билан Абулқосимнинг орқа томонидан Боғи Сарафрозга кириб, қўлларини ўқ ва қилич сари узатдилар ва ниҳоятда ғайрат-шижоат кўрсатдилар. Абулқосим бахши ва унга қарашли кишилар ноилож қочиб тугуниб, отлари жоловини Фаржистон томонга бурдилар. Амир Абдулқодир Орп қишлоғи томонга кетди, Шаҳобиддин Ғурий ва Қосим Каррухий шу жангда ҳалок бўлиб, шаҳидлик шарбатини татидилар. Абулқосим бахши Фаржистон худудида Қипчоқ уругига қушилгач, ул жамоат билан биргаликда Ғиёсия муқаддаслангарига босқин уюштирди ва то амир Урдушоҳ чиқиб, қиличнини унинг қони билан бўягунча ўша ерларда юрди.

Хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржийнинг қочгани зикри

Бу ҳодиса баёни шуким, Ғиждувон воқеаси¹⁶⁶ дан сўнг ажал панжасидан қутулиб, Балх томонга қочган хожа Камолиддин Маҳмуд Соғаржий ўша шаҳарга бориб, қалъа ён-теварақларини мустаҳкамлади ва биров вақт қалъадорлик қилиб, ул шаҳарни душманлардан омон сақлаб туришга эришди. Шунда Жонибек султон Бубой султонга кўп лашкар билан Балхга бостириб бориши ҳақида буйруқ берди. Бубой султон йўналиш туғини Балх

сари ҳилпиратди ва Термиз кечувидан Утиб, Ҳиндувон қалъасини қамал қилишга қарор қилди. Хожа Маҳмуд Соғаржий қурқиб, ўзига тобе кишилар билан қочиш байроғини Бадахшоннинг Муҳаммад Бобур Мирзо лашкари жойлашган Кешм ноҳияси томон кутарди. Балх шаҳрининг сайид, қози, аслзода ва аёнлари Бубой султон истикболига ошиқиб, пешкаш ва совғалар тортиқ қилиш ишларини адо этиб, ихлосмандлик ва қуллуқчилик изҳор қилганча хурсандчилик ва шодлик кайфиятини кўрсатдилар. Бубой султон ғалаба ва зафар оғушида шаҳарга кирди ва райят ва фуқаро билан яхши муомалада бўлди. Бироқ, уч-тўрт ой утгач, Бубой султон билан айрим шавкатли султонлар ўртасида қандайдир келишмовчилик чиқиб, ўзбеклар Балх вилоятини бутунлай холи қолдирганча Мовароуннаҳрга кетиб қолдилар.

Шаҳидлик бахтини топган хон Муҳаммадхон Шайбоний даврида Ҳамза султон ва Маҳди султонга қарашли бўлган Ҳисори Шодмон, Чағониён Деҳнави вилоятларни ва уларга тааллуқли музофотлар бу галги юриш пайти уларнинг авлодлари Бурундуқ султон, Темур султон ва бошқаларга топширилди.

Хожа Маҳмуд Соғаржий уч-тўрт ой Муҳаммад Бобур Мирзо хизматида тургач, 919 йил жумодилохир ойи¹⁶⁷ да Бубой султоннинг Мовароуннаҳр томонга кетгани хабарини эшитди. Дарҳол Балх вилоятига қараб юрди. Бироқ, балхликлар уни қалъага киритмадилар. Хожа Маҳмуд Соғаржий жуда уятга қолиб, шу хижолат бўлганича мазкур ойнинг охирида¹⁶⁸ Хуросон томонга кетди. Пуличароғ мавзесига етишганда Гурзивон вилоятининг кўчманчи қабилаларидан бирининг Адҳам исмли сардорига дуч келиб, уша йили ражаб ойи боши¹⁶⁹ да мазкур сардор томонидан ўлдирилди. Бу хабар шоҳ Исмоил қулоғига етишгач, Таҳористон ишларига назму тартиб бериш учун йўлга тушди. Шоҳ Бобо Хокий-яйловига етишганда «Дев Султон ва Амир Султон Балх томонга бориб, Балх ҳукуматини қўлга олсинлар ва ул ўлкага қарашли музофотларни душман босқинидан омон сақлаб турсинлар. Дев Султон Балх ҳокими бўлиб қолгач, Амир Султон Зайналхонга ёрдам бериш учун Хуросонга қайтиб келсин, унга Қойин вилояти суюрғол қилиб берилади» деган фармон берди. Ул икки сардор дев кўринишли ва тиш-тирноғича қуролланган сипоҳ билан Балх вилояти томон юриб, Шибирғонга етишгач, уларни шаҳар арбоб ва калонтарлари ноилож кутиб олдилар ва бўйсунуш, итоат маросимини бажо келтириб, Шибирғон шаҳри

дарвозасини очиб бердилар. Балхдан ҳам улуғ ва аслзода аёнлар шаҳар ва қалъа калитларини Дев Султон олдига келтириб, совға ва ҳадялар билан бирга унинг қўлига тутқаздилар. Бироқ, Андхуд шаҳри аҳолиси ор-номус кучлилиги ва ислом динига эътиқодни қаттиқ сақлаб, Қора баққол лақаби билан танилган бир кишини узларига пешво сайладилар ва қаршилиқ, буйсунмаслик йўлини танлаб, исломга садоқат байроғини кутардилар. Шу сабабли Дев Султон ва Амир Султон Шибирғондан Андхуд қалъаси атрофига ошиқиб, дев ҳайбат туркманлар қамални бошлаб юбордилар. Қора баққол ва унга тобе кишилар ҳаммаси бирдам бўлиб, қаршилиқ оёғи устида маҳкам турганча уруш ва жанг эшикларини очдилар. Қамал ва уруш вақти етти-саккиз кунга чузилиб, ниҳоят, зўрлик ва қудрат куплиги орқасида қалъа олинди ва Дев Султон андхудлик мусулмонларни қатли ом қилишга буйруқ берди. Буйруқ ижро этилиб, ул шаҳарнинг ёшу кекса, аёлу бола-чақа бариси қиличдан утказилиб ва уқ ёмғири остида қолиб, ёппасига қирғинга учраб, шаҳидлик шарбатини татидилар. Фақат Қора баққол тириклайин ушланиб, мазкур амирлар томонидан кишанланган ҳолда шоҳлик даргоҳига юборилди.

Дев Султоннинг кўнгли Андхуд ишларидан хотиржам бўлгач, қуббатулислом Балхга қараб кетди. Амир Султон эса илгари содир бўлган шоҳ буйруғи буйича оти жиловини Хуросон томонга бурди.

Убайдуллоҳ султоннинг дор ус-салтана Ҳиротга лашкар тортгани

929 йил баҳори¹⁷⁰, яъни райҳонлар улуси лашкари, яъни асарилар чангланиш юмушларини боғу бўстонларда амалга ошириш учун юриш қилган пайтда, лолагуллар яшиллик қўшини ҳужумидан қўрқиб, тоғ қалъаларида беркинган чоғда Убайдуллоҳ султон ўттиз минг яхши қуроолланган Мовароуннаҳр, Туркистон қўшини билан Хуросонга юришни ният қилиб, Самарқандда номига хонлик хутбаси ўқилиб, тангалар зарб қилинган Кўчкунчихондан рухсат олди ва Хуросон томонга йўналди. Жайҳун дарёсидан ўтгач, жумодилохир ойининг биринчиси¹⁷¹ да шанба кун бу хабар Ҳирот ҳокими Амирхон қулоғига етди ва ҳиротликларнинг катта-ю кичиги бу воқеадан ғам ва ташвишга тушиб, қалъани беркитишга бел боғладилар.

Шоҳга тарафдорликда ўта мустаҳкам амир Фиёсиддин Муҳаммад ибн Юсуф қалъанинг Малик дарвозасидан то Ироқ дарвозасининг шимолӣ буржигача мудофаа ишларини ўз зиммасига олди. Пир Султон эса Халифа сўфилари билан бирга Ироқ дарвозаси ҳимоясини буйнига олди. Пир Аҳмадбек, Ҳидоятбек, Қосим муҳрдор шаҳар қалъасининг Султон Аҳмад Мирзо буржидан то Ихтиёриддин қўрғонигача ерни қўлларига ушлайдиган бўлишди. Исҳоқбек ва укаси Мақсудбек Ихтиёриддин қўрғонини беркитишди. Маржумак Султон Хуш дарвозасида жанговар байроғини баланд кутарди. Нахудбек Ферузобод дарвозасини қуриқлаш учун ҳиммат камарини боғлади. Амирхон душман қўшини билан давомли жанглар қилиш дастури бўйича шаҳар боғида қароргоҳ тикиб, ёнида беш юз пиёда ва отлик аскарни сақлаб турди. Дастурга биноан уларни қаердан ёрдам талаб қилинса, ўша ёққа юбориши керак эди.

Мазкур ойнинг ўн учинчиси¹⁷² шанба куни саҳар вақтида Амирхон буйруғига кўра Чихил дўхтарон қишлоғида Убайдуллоҳхоннинг келишини билиш учун қўйилган шотир¹⁷³ шаҳарга келиб, Искандар нишон хоқон Убайдуллоҳхон етиб келгани хабарини етказди. Ҳақиқатдан ҳам якшанба куни тонгида қўшнини мукамал қуроллантирган ва уруш асбобларини бутлаган ҳолда олиб келаётган Убайдуллоҳ султон Ду биродарон йўлидан Хиёбон кўчаси бошига етишиб, Соқи Салмон мавзеси тарафга ошиқди. Икки-уч кун давомида йўл ҳордиқларини чиқаргандан сўнг эса эҳтиромли подшоҳ ўзининг хушхиром самандига миниб, шаҳар томон юрди. Шижоатли ислом лашкарининг катта бир гуруҳига уруш ва ўлдириш оловини ёқишни буюрди. Ул диловарлардан бир түпи Пир Мужаррад хожа Абулвалид Аҳмад мазори йўлидан Боғизоғон боғи тарафга югурдилар ва бир гуруҳи эса Хиёбон кўчаси бошидан кириб, Султоний мадрасалари мавзесига етиб бордилар. Шаҳар халқидан бир гуруҳ жанговар отлиқлар ва тўфанг отар пиёдалар ҳам ташқари чиқиб, тарафлар иккита мадраса оралиғида туқнаш келдилар. Ўша куни ислом қўшини бор куч ва қуввати ҳамда маҳоратини ишга солгач, ҳиротлиқлар шаҳарга қараб қочдилар. Яна бир марта эса жасур ислом қўшини Ироқ дарвозаси тарафдан ҳужумга ўтдилар. Шаҳар аҳолиси ўзларига биркитилган минора ва дарвозаларни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, бироқ ташқари сари бир қадам ҳам қўймадилар.

Бу гал Ҳирот қамали ўн икки кун давом этди. Ражаб ойининг иккинчиси¹⁷⁴ жумъа куни Убайдуллоҳ султон Ҳирот аҳлига раҳм қилиб, қайтиш байроғини Мовароуннаҳр сари ҳилпиратди.

Абдулазизхон ибн Убайдуллоҳхоннинг зикри

Абдулазиз султоннинг онаси қозоқ султонларидан бирининг қизи Қозоқ хоним эди. Бу султон 917 йил ражаб ойи¹⁷⁵ да Туркистон вилоятига қарашли Арқуқ мавзеида туғилди. Абдулазиз султон юмшоқ табиат ва оғир-босиқлик зийнати билан безанган, адолату диёнат сифати билан тавсифланган шаҳзода эди. Отаси Убайдуллоҳхон вафот этгач, 946 йили¹⁷⁶ шижоатпешали амирлар ва яхши андишали тавочилар иттифоқлигида Бухоро вилояти узра ҳукумат байроғини ёйди. Танишбий қушчини ўзининг Отолиқи лавозимига тайинлади. Халқ аҳволига яхши бир суратда қаради.

Бир неча бор Абдулазизхон билан Бароқхон лақабли Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмад ибн Севинчикхон ўртасида келишмовчилик ва урушлар бўлиб ўтди. Абдулазиз султон бош хонлик тахтига 951 йили¹⁷⁷ Бухоро мамлакатига ўтириб, уз номига хутба ўқиттирди ва танга зарб қилдирди. Ўн бир йил давомида Бухоро мамлакатига эгалик қилди, олти йил эса бош хонлик тахтига ҳам шу ерда ўтириб, хутба ва танга унинг номи билан безаниб турди. Шундай ҳолатда қайтиш таблини чалиб, охираат оламига юзланди. Бу қайғули воқеа 957 йили¹⁷⁸ рўй берди ва умри ҳаёти қирқ йил бўлди. Ундан ўринбосар фарзанд ёдгор қолмади.

Муҳаммадраҳим султон ибн Убайдуллоҳхоннинг зикри

Убайдуллоҳхоннинг бу фарзанди хоннинг Муғул хоним лақаби билан танилган Ойша султон бегим деган хотинидан туғилди. Муғул хоним Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон ибн Юнусхон Кошғарийнинг қизи эди. Дастлаб Шайбонийхон хотинликка олган эди. Марв воқеаси¹⁷⁹ дан сўнг Убайдуллоҳхон уни ўз қарамига олди.

Муҳаммадраҳим султон олий ҳиммат, карамли ва нозик таъблик ва яхши хулқ билан танилган шаҳзода эди. Шу билан бирга гоҳида кўнгли маишатни тусар, хотири аёллар суҳбатини тилар,

балки улар билан утириб-туришга ута мойил ва рағбатлар курсатар эди.

Тонг нонуштасидан сунг кечгача гулфом шароб ичмоқдан ва нозикбадан аёллар билан мажлис қурмоқдан бошқа ҳеч бир иш билан шуғулланмасди.

Сира ҳам акаси Абдулазизхон сўзидан чиқмас, ҳурматини юксак бир суратда адо этар, доимо у билан бирдам ва ҳамнафас эди. Бу султон ўз табиий ажали билан оламдан ўтди.

Муҳаммадёр султон ибн Севинч Муҳаммад султон ибн Муҳаммад Шайбонийхон Бухорода ҳукумат байроғини ҳилпиратган чоғда шу пайтгача ул диёр султон ва хонлари саройи жумлатулмулки бўлиб келган Танишбий қушчи Отолиқ замон талаби ва даврон ҳодисаси тақозосича Бурҳон султон исмли успириинни топиб, уни Муҳаммадраҳим султоннинг ўйнашидан туғилган ўғли, дея шерикликда хонлик тахтига утқазди.

Бурҳон султон ибн Муҳаммадраҳим султон ибн Убайдуллоҳхон

Айтишларича, Бурҳон султоннинг онаси сайидларга мансуб экан. Бурҳон султон ўта шижоатли, тўла саховатли йигит бўлиб, айшу ишратга ҳам жуда ҳирс қўйганди. Айрим фитна қўзғатувчи кишилар сўзига кириб 961 йили¹³⁰ Муҳаммадёр султонни Бухоро Аркида шаҳид қилиб, салтанат байроғини ул мамлакатда мустақил ҳилпиратгач, қизил оёқ халқи¹³¹ дан ҳамда жавҳарий¹³² варумий туфангандозлар¹³³ дан кўпини ўз хизматида сақлади, кўнгли доимо ул бўлмағур гуруҳни сийлаш ва яхшиликлар қилиш билан банд бўлди. Бир гал Ҳақназар ўғлон, Тамомибий наймон, Халқомонбий дурмон, Қитмишбий каби амирлардан нимадан-дир гумонсираб, исботсиз шу ўй орқасида уларни ушлатди ва Бухоро Аркида шаҳид қилиб, ўзича жазо тантанаси ва ботирлик ноғорасини чалдирди. Ҳукумати айёмида душманлари билан бир неча бор сулҳ тузиб, неча бор уруш қилди. Бу воқеалар шарҳи ушбу китобимизнинг Искандари замон соҳибқирон Абулғозий Абдуллоҳ Баҳодирхоннинг жаҳон олувчилик ишларига бағишланган қисмида ҳикоя қилинажаги учун бу ерда келтирилмади.

Бурҳон султон шарнат томонидан таъқиқланган ишлар қилишда жуда қўрқмас эди: юзи сабза урмаган ёшлар билан утиришлар утказар, қуёш юзли ёшлар билан суҳбатлар қуришга ута

мойиллик кўрсатарди. Давлати аъёнларининг кўпчилиги асосан қизил оёқ ва румий, бебок одамлар ва жавҳарий тойифаси булиб, унинг хизматида туришар ва ҳар хил фиску фасод ишларга қўл уришарди. Зулм ва таҳқирлаш қўлларини муслим ва муслималар сари чўзишиб, номус аҳлининг ҳурмат палосини йиғиштиришарди. Кўп йиллар ва анча замонлар давомида диндор султонлар ва мақтовкирдор хоқонларнинг ҳимояси ва адолати сояси остида тинчу озод ва осойишта яшаб келган Бухоро халқи бу каби ишларни кўриб, изтиробда қолдилар ва Бурҳон султон давлати офтоби сўнишини қийин ишларни унгловчи ва бандаларига меҳрибон Оллоҳи каримдан илтижо қилдилар. Қарангки, ул жамоат дуоси ўқи ижобат нишонига тегиб, ўша аснода музаффар байроқли соҳибқирон (Абдуллоҳ султон)нинг Бухорони эгаллаш учун келаётгани хабари тарқалди. Ул жаҳон шаҳриёри Чаҳортоқ қароргоҳига келиб тушгач, шаҳарни қамал қилмоқ ва жанг ишларига қаттиқ киришди. Ташқарида шу жараёнлар юз бериб турган чоғи хонликнинг эътиборли қўшчилардан саналган Мирзо Ақобий ибн Сайдимбий қўшчи Бурҳон султонни бир баҳона билан уйига чақирди ва зиёфат дастурхонини ёзиш учун айвоннинг бир бурчагида ўтқазиб, султонни ғафлатда қолдирганча, фуқаро ва исқандарнишон соҳибқирон тарафдорлари иши унгла ниши йўлида, уни ўлдирди ва такаббурлик ва мағрурлик билан кеккайиб юрган бошини танасидан жудо қилиб, мамлакат олувчи соҳибқирон тахти пойига юборди. Бу воқеа 964 йил шаъбон ойининг еттинчиси¹⁸⁴ жумъа кунини рўй берди ва Убайдуллоҳон насли занжири шу билан бутунлай узилиб; авлодидан ҳеч кимса қолмади.

ИККИНЧИ БОБ

Кучкунчихон ибн Абулхайрхон дostonи зикри ва ул олий шаънли хон авлодлари аҳволи баёни

Ул олий шаънли хон Кучкунчихон содаваш, муслмон ниҳод ва яхши хулқ, ёқимли қилиқ бир подшоҳ эди. Ўта юмшоқ табиат ва оғир-босиқлиги туфайли бирор кишига зулм ўтказиш ва озор беришни раво кўрмаганди. Олий зотли бу хусравнинг онаси Исқандар нишонли шахриёр Мирзо Улуғбек Қўрагоннинг қизи¹⁸⁵ эди.

Қозоқликда юрган пайтлари кўпинча акасининг ўғли Муҳаммадхон Шайбоний Отолиқи вазифасини бажарди. Мовароуннаҳр диёри Муҳаммадхон Шайбоний тасарруфи доирасига ўтгач, хон бу амакисини Дашти Қипчоқдаги бутун Туркистон улкасига ҳоким қилиб қўйди.

Муҳаммадхон Шайбоний Хуросон улкаларини ҳам Султон Хусайн Мирзо авлодлари қўлидан тортиб олгач, қозоқ султонларидан Аҳмад султон ибн Жониш султон Миёнкол ва Самарқандга босқин-чопқин уюштириб, аҳолини қийин аҳволга солиб қўйди, Шайбонийхон шу сабабли бу қозоқ султонини жазолаш учун Қозоқ устига юриш қилди. Аҳмад султонни тутиб ўлдиргач ва ул гурурланган гуруҳни босқин-чопқин билан жазолагач, музаффар ва ғолиб равишда қайтиш жиловини орқага бурди. Туркистон вилоятига етишгач, лашкар дам олиши учун бир неча кун ул мамлакатда истиқомат ноғорасини қоқди. Шунда Туркистон ҳукуматини Кучкунчихондан олиб, унга Тошкент вилояти ва шу вилоятга қарашли барча шаҳар ва туманларни берди. Тошкентда ҳокимлик қилиб ўтирган Севинчхожа султон эса шаҳардан чиқиб, Муҳаммадхон Шайбоний буйруғига кўра Андижон мамлакатига бориб, салтанат ва ҳукумат байроғини ёйди.

Ана шу гаплардан сўнг Муҳаммадхон Шайбоний Марв диёрида шаҳидлик қадаҳини сипқориб, шайбоний султонлари орасига озгина тарқоқлик ва келишмовчилик кайфиятлари йўл топди. Аммо, улар яна уюшиб, Мовароуннаҳр мамлакатлари тағин шайбоний хону султонлари қўлига ўтгач, Кучкунчи султон энди дорулмаҳфуза Самарқандда салтанат байроғини ҳилпиратди ва ул мамлакатда Муҳаммад Темурхонни ўзига шерик қилди. Амир

Нажм соний лақабли Ёр Аҳмад Исфаҳоний Гиждувон ёнида улдирилиб, дузах сари равона булгач, зафарга ёр султонлар бариси биргаликда қадимги тўра ва ясоқ қонунига биноан ёш жиҳатдан ҳаммадан улуг Кучкунчи султонни «хон» қилиб сайладилар.

Айрим ишончли кишиларнинг ривоят қилишича, Кучкунчи-хон Самарқанд шаҳрида салтанат суйанчиғига ёнбошлаган биринчи кунларда шаҳарни кўриш ва биноларни томоша қилиш учун кўнглига ўзи ўтирган қаср томи устига чиқиб, ён-атрофга назар ташлаш фикри келибди. Ул хўжаста атвор подшоҳ қуёшдек бўлиб, офтоб мисол томга чиқиб ўтиргач, қалъанинг унгул томонига қараб, жуда кўп уй ва сон-саноксиз кошоналарни кўрибди. Шунда вазирига қараб: – Агар бу кўринаётган барча айвон ва уйлар бизга қарашли бўлса, ҳар уйдан бир товоқ ва битта нон чиқариб юборсалар, лашкаримиз озиқ-овқати учун етарли бўларди, қўшин учун ортиқча харажат қилиб ўтирмасдик, – деган экан. Бу сўзларни келтиришдан мақсадимиз, ул адолатдастгоҳ подшоҳнинг ана шу даражада соддадил дашт кишиси бўлганини тасдиқлашдир. Бу подшоҳ ҳақида айтиладиган ана шундай гаплар орасида ажойиб-ғаройиб бошқа ҳикоятлар ҳам машҳурдир, аммо мишкин қалам ул ҳикоятларни айтишдан уялиб, буларни зикр қилишни эп кўрмади. Гапнинг қисқаси, ул мақтов хислатли подшоҳ йигирма йил мустақил равишда хонлик тахти узра ҳузур-ҳаловат байроғини ҳилпиратди ва шоҳ Таҳмосбга қарши жанглarda бошқа султонлар билан бирга қатнашди. Ажал ўз ваъдасига биноан етиб келгач, 936 йил рабиуссоний ойининг йигирма бешинчи куниси¹⁸⁶ охират сари юзланди¹⁸⁷. Ундан уч нафар яхши сийратли фарзанд қолди. Биринчиси Абу Саъид султон, иккинчиси Абдуллоҳ султон, учинчиси Абдуллатиф султон.

Абу Саъидхон ибн Кучкунчихоннинг зикри

Ул олий зотли пошоҳ диндор, шижоатосор, шариятпарвар, адолат ёйғувчи шаҳриёр эди. Кучкунчихон вафот этгач, Убайдуллоҳ султон Бухородан чиқиб¹⁸⁸, Самарқанд сари ошиқди. Таъзия маросимини ўтказгач, Абу Саъид султон эгнидан азадорлик либосларини ечиб ташлаб, 936 йил жумодилаввал ойининг биринчиси¹⁸⁹ да жумъа куни ўздан ёши улуг бу султонни хонлик тахтига ўтқазиб, хутбани Абу Саъидхон номига ўқиттирди, тан-

гани ҳам бутун Мовароуннаҳр буйлаб янги хон номига зарб этишга буюрди.

Олий мартабали Абу Саъидхон икки йилу икки ой салтанат тахтида хон¹⁹⁰ бўлиб утиргач, руҳининг қуши ажал домига тушиб, у дунё сари қадам ташлади. Бу даҳшатли воқеа 940 йилнинг сафар ойи¹⁹¹ да юз берди. Унинг тўрт ўгли бор эди: Султон Саъид султон, Жавонмардали султон, Худойберди султон, Султон Муҳаммад султон.

Султон Саъид султоннинг зикри

У Абу Саъидхон фарзандларининг энг каттаси ва ақллиси эди. Абу Саъидхон ўлгач, ёш жиҳатдан улуғ Убайдуллоҳ султон Бухорода хонлик тахтига утириб¹⁹², бурунги дастур буйича, Самарқанд шаҳар ва вилоятини Кучкунчихон авлодлари ихтиёрида қолдирди. Кучкунчихоннинг учинчи ўгли Абдуллатиф султонни бошқа ака-укаларидан муқаддам тутиб, Самарқанд ҳукуматини унга топширди. Султон Саъид султон амакиси Абдуллатиф султонга нисбатан итоат камарини белига маҳкам боғлаб, ҳамиша унга эргашиш йўлидан борди. Абдуллатиф султон хонлик тахтига ҳам утиришга улгуриб, сўнг вафот этгач, Бароқхон лақабли Тошкент ҳокими Навруз Аҳмад султон хонлик тахтини ўз вужуди билан безади. Султон Саъид султон бошқа ака-укалари билан ота мерос Самарқанд ҳукуматини юргизишда давом этди. Аммо, кўп ўтмай, Навруз Аҳмадхон ўз ўғиллари ва катта қушин билан пойтахт Самарқандни эгаллаш учун юриш бошлади. Самарқандлик султонларнинг Бароқхон қушинига қаршилик қилишга кучлари етмаслиги жиҳатидан тошкентлик султонлар осонликча Самарқандни қўлга киритдилар. Навруз Аҳмадхон ҳеч бир султонга тегмади, бироқ уларни хонлик пойтахти Самарқанддан узоқлатиш учун Жавонмардали султонни сургун ўрнида Аҳси ва Андижонга ҳоким қилиб юборди. Султон Саъид султонга Бухоро ҳукуматини олиб беришга ваъда берди. Келгуси йили Султон Саъид султонга берган ваъдасига биноан Бухорони эгаллаш учун Бурҳон султон устига лашкар тортди. Бу хабар Бурҳон султон қулоғига етишгач, дарҳол шаҳар буржу борасини мустаҳкам ҳолатга келтириб, қалъани беркитди. Шибирғон вилоятида бошпана топган Абдуллоҳ султон ибн Искандар султон олдига элчи юбориб, ёрдамга келишини илтимос қилди. Искан-

дар нишон Абдуллоҳ султон бошқа биродарлари билан бирга Бурҳонхон илтимосига кура, Жайхун дарёсидан кечиб утиб, Фараб ноҳиясида қўш ташлади. Наврўз Аҳмадхон Искандар фармон Абдуллоҳ султон келганидан хабар топиб, Султон Саъид султонни ўз ўғли Дустум султон билан бирга жанг учун Абдуллоҳ султонга қарши юборди. Икки томон Фараб мавзесида бир-бири билан тўқнашиб, орада уруш олови аланга олди, тарафлар бир-бирлари устига от солиб, пиёдалар қиличдан туғ кутарганча бир-бири устига ташландилар. Ниҳоят, Султон Саъид султон енгилиб, қочиш водийси сари юзланди. Тангриберди ўғлон жуда кўп одамлари билан асир тушди. Тангриберди ўғлон Фараб ҳокими Дустумхожа билан музокара чоғи исқандарфармон Абдуллоҳ султон ва ул ҳазрат биродарларига нисбатан одобдан ташқари сўзлар айтган эди, шунинг учун, шу ондаёқ қатлга етказилди. Наврўз Аҳмадхон сон-саноқсиз лашкарининг енгилганидан хабар топиб, қўрқувга тушди ва Бухоро атрофидан кўзғалиб, қайтиш байроғини Самарқанд сари кўтарди. Дорулмаҳфуза Самарқандга етгач, 962 йили¹⁹³ Султон Саъид султонни кишанлаб, Кошғар томонга Қоронғу Тоққа жўнатди. Бу воқеадан бир йил ўтгач, Наврўз Аҳмадхон Самарқандда касалга чалиниб, охиратга кетди. Ушанда унинг ўғли Бобо султон ул диёрда бошқарув байроғини ҳилпиратди ва яқин кишилари билан маслаҳатлашиб, Гадоё султон ибн Абдуллатифхонни Самарқандга келтириб, тахтга шерик қилди. Шу воқеалар бўлиб ўтгач, Жавонмардали султон Гадоё султон ишорати билан катта лашкар йиғиб, Самарқандни қўлга киритиш учун юзланди. Зомин вилоятида Гадоё султон билан Жавонмардали султон мулоқот шарафи юзага чиқди ва ул олий зот икки султон бир-бири билан иттифоқ ва ҳамжиҳат бўлиб, исқандарнишон Абдуллоҳ султондан ёрдам тиладилар. Ул ҳазрат Илон ўтти дарасида муҳолифлар билан урушиб, Бароқхон авлодларини мағлубиятга учратди. Самарқандни олиб, Жавонмардали султон ва Гадоё султонга топширди.

Кошғар волийси Рашидхон Наврўз Аҳмадхон вафотидан хабар топгач, Султон Саъид султонни бошдан-оёқ қуроллантириб, 965 йили¹⁹⁴ Самарқанд томонга жўнатди. Султон Саъид султон Самарқандга етиб келиб, ўзининг ота мерос мамлакатада салтанат байроғини ҳилпиратди.

У бир марта Қароболиғ манзилида Искандар фармонли хон Абулғозий Абдуллоҳхон билан тўқнашди. Анча қаттиқ кечган

жанглардан сўнг енгилиб, қочиш водийси томон қадам босди. Укаси Худойберди султон ва ўгли Баҳодир султон шу жангда қўлга тушиб, ул икки султон Абдуллоҳхон буйруғи билан қатлга етдилар. Алқисса, Султон Саъид султон салтанати муддати Самарқандда ўн беш йилга етгач, қайтиш таблини чалиб, 980 йили¹⁹⁵ охират сари кетди. Унинг иккита ўгли бор эди. Биринчиси, Баҳодир султон, иккинчиси, Ҳожи Ҳусайн султон.

Баҳодир султон¹⁹⁶ отаси тирик пайти, юқорида айтганимиздек, Қароболиғ урушида Искандар фармонли хоқон Абдуллоҳхоннинг зафар асарли аскарлари қўлига тушиб, Худойберди султон билан биргаликда улдирилди.

Ҳожи Ҳусайн султон эса шу урушдан кейин бир неча кун чулу биёбонларда Бузахур султон ёнида саргардон юриб, шу мағрурлиги билан Мажонуй жанги¹⁹⁷ да асир тушди ва сиёсат қиличи бошини танасидан жудо қилди.

Жавонмардали султон ибн Абу Саъидхон зикри

Акаси Султон Саъид султон вафот этгач, 980 йили¹⁹⁸ тожу тахт соҳиби бўлиб, дорулмаҳфуза Самарқанд салтанати тахтига ўтирди. Гадой султон ибн Абдуллатифхон ибн Кўчкунчихон ундан хафа бўлди ва Тошкент хону султонлари олдига кетиб, Дарвишхон ва Бобо султонни Султон Саъид султон вафотидан хабардор қилди ва биргаликда Самарқандни Жавонмардалихон қўлидан тортиб олишга чақирди. Шунга кўра, Дарвишхон ва Бобо султон бошқа ака-ука ва фарзандларини ҳам олиб, катта лашкар билан йўналиш юзини Самарқанд сари қаратдилар ва ягона хон сифатида Гадойхонни тан олиб, номига хутба ўқитиб, тангани ҳам Гадойхон номи билан безадилар.

Бу аҳволдан хабар топган Жавонмардалихон тўхтовсиз равишда Абдуллоҳ султон ибн Искандар султон олдига одам юборди. Абдуллоҳ султон ака-ука ва қўшин билан Жавонмадалихонга ёрдам учун йўналди Кўк гунбаз мавзесига мухолиф билан тўқнашиб, жангга киришди. Урушда Дарвешхон ва Бобо султонни бошқа султонлар билан бирга енгди ва Гадойхонни асир олиб, Жавонмардалихон олдига юборди. Жавонмардалихон яна бир бор зафар юзли Абдуллоҳ султон ёрдамида Самарқанд тахтига чиқди ва мустақиллик билан мамлакатни бошқаришга киришди. Озгина вақт ўтгач, катта ўгли Абулхайр султон билан

ораси бузилиб, Абулхайр султон отаси ёнидан қочди ва соҳибқирон Абдуллоҳхон ҳузурига бошпана ва ёрдам сураб борди. Ул ҳазрат унинг илтимосига кўра Самарқанд сари юзланди¹⁹⁹.

Кучкунчихон авлодлари зикридаги бу воқеалар шарҳи Искандар фармонли соҳибқирон хоқоннинг жаҳон олувчилиги баёни асносида тулароқ ёзилажаги учун бу ерда ул табақа зикри қисқача айтиб утилди.

Алқисса, Жавонмардалихон Самарқанд қалъаси буржу борасини таъмирлаб, қалъа сақловчилик асбобларини муҳайё қилгач ва урушга лозим яроқларни ҳозирлагач, жанг байроғини ҳилпиратди. Барибир, бу тайёргарлик ва мудофаа урушлари фойда бермай, мустаҳкам ва номи чиққан қалъа искандарнишон хоқон аскарларига таслим бўлди. Бироқ, шундан сунг, ул ҳазрат қулоғига Бобо султоннинг Самарқанд сари келаётгани хабари етишди. Абдуллоҳхон шунга кўра, Жавонмардалихонни эҳтиёткорлик юзасидан Навқо қалъасига юбориб, ҳибсда сақлашни буюрди. Ўзи эса Тошкент сари юриб, душман олдига ошиқди. Бобо султон искандарнишон соҳибқирон сипоҳидан енгилди ва сахрою биёбон сари қочиб кетди. Искандар фармонли хоқон илгари бир неча бор ўзи ва қариндошларига озор етказиб, муҳолифат йулида юрган Абулхайр султон ибн Жавонмардалихонда яна зимдан душманлик кайфияти борлигини пайқади ва сиёсат қиличи унинг бахт ниҳолини илдизи билан бирга чопиб ташлади. Ўша пайтда Жавонмардалихон ва ёнидаги ўғиллари қатли бўйича ҳам ҳукм берилди. Эшимбий жалойир илғор солиб, Жавонмардалихонни ёнидаги болалари, аниқроғи, Маҳди султон, Дўстум султон билан бирга ўлдирди. Бу воқеа мазкур сана²⁰⁰ да рўй берди.

Жавонмардалихон²⁰¹ нинг беш нафар ўғли бор эди. Биринчиси Абулхайр султон, иккинчиси Музаффар султон, учинчиси Маҳди султон, тўртинчиси Кучум султон, бешинчиси Дўстум султон.

Абулхайр султон ибн Жавонмардалихоннинг зикри

Халққа жабр-зулм етказувчи, ниҳоятда такаббур ва димогдор, ҳаминша ёмонлик кетидан юрувчи, фитна қўзғаш хаёли билан ётиб-турувчи подшаҳзода эди. Мамлакатни хароб қилиш ва халқ аҳволини вайрон қилишдан ҳеч тап тортмасди. Очиғи, гарчи, тақдир қалами Тошкент, Туркистон, Аҳси, Андижон диёрла-

кетган пайтда ул маҳфуза шаҳарни қулга киритди²⁰⁶. Ибодуллоҳ султоннинг Тошкент юришидан қайтиб келаётгани хабари қулоғига етишгач, эса тухтовсиз Самарқандни ташлаб чиқиб, тоғу тошлар сари бекинди.

Тўқнашлардан бирида хондан яна енгилишгач²⁰⁷, Ҳисори Шодмон томонга юзланди ва ул диёрда борарга жой тополмай юрган кезларда ул диёр волийси Ўзбек султон мулозимлари қулига тушиб, шу султон буйруғи билан қатл этилди. Искандар нишонли хоқон Тошкент юришидан қайтиб келган пайтда эса Ўзбек султон Музаффар султоннинг бошини соҳибқирон олий тахти пойига жунатди²⁰⁸.

Жавонмардалихоннинг ўғиллари Маҳди султон ва Дўстум султонлар зикри

Ул асл зотли олийгавҳар икки шахзода отаси Жавонмардалихон билан бирга Навқо қалъасида маҳбусликда турган пайтда Эшимбий жалойир уларни отаси билан бирга ўлдирди.

Кучим султон ибн Жавонмардалихоннинг зикри

У ҳам отаси ва ака-укалари ўлимидан сўнг Тошкент ҳокими Бобохон билан бирга бўлди. Бобохон енгилгач, Бобохондан айрилиб чиқиб, Бўзахўр султон ёнига борди. Бўзахўр султон Мажонуй мавзеси²⁰⁹ да Абдуллоҳхон билан тўқнашган куни²¹⁰ Кучум султон Мирзо Каррухий номли киши қулига асир тушиб, шу куниси Абдуллоҳхон буйруғига биноан ўлдирилди.

Худойберди султон ибн Абу Саъидхоннинг зикри

Искандармисол соҳибқирон Абдуллоҳхон жаҳон олувчилик учун жанг байроғини қилпиратиб, диловарлик тавсанини йўрттириб, ҳар томонга от чоптириб юрган пайтларда Худойберди султон Насаф вилоятида салатанат ва юрт бошқариш тахтида ўлтирган эди. Шунда бир неча бор искандармисол соҳибқирон билан жанг қилишига тўғри келди. Ниҳоят, галабага ёр диловар аскарлар ҳадеб уюштираётган ҳамлаларга дош беролмай, Насафни ташлаб чиқиб, Соғарж туманига кетди. Гапнинг қисқаси шуки, Худойберди султон Султон Саъид султон ва соҳибқирон Абдул-

лоҳ султон ўртасида руй берган Қораболиғ жангида 970 йили мансур лашкарнинг довурак аскарлари қулига асир тушиб, соҳибқирон буйруғига биноан ўлдирилди²¹. Ундан икки ўғил фарзанд қолди: Юсуф султон ва Аюб султон отлиғ.

Юсуф султон ибн Худойберди султоннинг зикри

Абулхайр султон ўлдирилгач, бир неча кун Бузахўр султон ёнида юрди. Бузахўр султон Сайҳун дарёси бўйидаги Учтепа мавзесида Ибодуллоҳ султон билан урушган куни Юсуф султон кўпчилик одамлар қатори асир тушиб, 989 йили²² охират олами сари юзланди.

Аюб султон ибн Худойберди султоннинг зикри

Кўчкунчихон авлодлари давлати қуёши бутунлай ботиб ва ул табақа салтанати пойдевори бузилиб, Аюб султон саҳрову биёбон, тоғу тошда сарсон ва паришон юрган кезлари табний ажалга дуч келиб, бу оламни тарк этди.

Султон Муҳаммад султон ибн Абу Саъидхон ибн Кўчкунчихон зикри

Девонаваш, паришон ҳол бир султон эди. Анча йиллар амакиси ва амакиваччалари қошида ҳаёт кечирди. Абулхайр султон ва Жавонмардалихон ҳодисасидан олдин вафот этди. Султон Муҳаммад султоннинг уч нафар ўғил фарзанди бор эди. Биринчиси, Шайхим султон, иккинчиси Бузахўр султон лақаби билан танилган Аҳмад султон, учинчиси Бобо султон.

Шайхим султон ибн Султон Муҳаммад султон ибн Абу Саъидхон ибн Кўчкунчихон

Абулхайр султон Мўлкент мавзеида ҳалокат шарбатини ичиб, йўналиш туғини охират сари ҳилпиратгач, Шайхим султон саросимага тушиб, телба бўри каби ўзини ҳар тарафга урди ва ҳар неча кунда бир бор ўзини бирор бахти қайтган султон ҳузурига етказиб юрди. Ниҳоят, бу қийинчиликларга тўла жаҳондан дил узиб, охират саройида манзил тутди.

Айгиб утиш керакки, салтанатнишон хоқон Вали Муҳаммад-хон аштархоний даври²¹³ да қорақалпоқ халқи Шайхим султонга ўхшаш бир кишини топиб, эл орасида Шайхим султон дея овоза қилиб, Абуллайс султон қозоқ ёнига олиб бордилар. Ўшани подшоҳ санаб, бир неча бор Самарқанд ён-атрофидаги ерларга боққин-чопқин уюштирдилар. Охирида бу одамнинг қалбаки ва ясама султон экани маълум бўлиб, уни куй каби бугизлаб ўлдирдилар ва бошини оғир гавдасидан қутқариб, ўзларини ҳам ул ўй-фикрдан халос қилдилар.

Бузахўр султон ибн Султон Муҳаммад султон ибн Абу Саъидхон ибн Кучкунчихон

Асл номи Султон Аҳмаддир. Ул шижоатосор шаҳриёр ғоятда жасур ва ғайратли бўлиб, Абулхайр султон ҳодисасида жонларни куйдирувчи ҳалокатдан ўша куни омон чиқиб²¹⁴, Бобохон ибн Бароқхон олдига борди. Бир неча кундан сўнг эса фитна қўзғовчи подшоҳ мавкабидан ажралиб, Самарқандни қайтариб олиш учун йўналиш туғини ўша тарафга қаратди. Худо ҳимоясидаги Самарқандни фатҳ этиб, салтанат ноғораси ва шодлик чилдирмасини чалди. Кўп ўтмай мақсади ҳосил соҳибқироннинг ғалаба шиорли лашкари Самарқанд атрофидаги туманларга соя солди ва Бузахўр султон бу хабарни эшитиб, саросима ичра юзини қочиш водийси томон бурди²¹⁵. Мажонуй мавзесида яна бир марта исқандарнишон соҳибқирон билан тўқнаш²¹⁶ келди. Анча жангу жадалдан сўнг енгилди, бироқ ўзини ул қон ютар денгиз қаъридан қутқариб, нажот соҳилига олиб чиқди.

Ҳақиқатдан ҳам ул шижоатосор шаҳриёр баҳодирлик йўли қанақа булса, ўшани етук мардоналик билан намоён этди. Қўлидан келганича ҳаракатлар қилди. Аммо, худо амри билан ул хонадоннинг давлат ва салтанат қуёши ботиш уфқи сари йўналган экан, бу барча ҳаракату мардоналик, тиришқоқлигу жадаллар туфайли фатҳ эшикларидан ҳеч бири Бузахўр султон юзи сари очилмади. Ноилож, маъюс ва ғамгин бир суратда Бобохон билан бирга манғитлар ўлкаси томон кетди. У ерда туришни ҳам эп кўрмай, қайтишда Бобохондан айрилиб, яна бир балони қўзғашни режалаштирганча Сайрам ҳокими Абдулкарим султон ибн Хоразмшоҳ султон ибн Бароқхон олдига борди. Чунки, айна ўша пайтда исқандар сифот соҳибқирон буйруғига кўра амир Шо-

ҳимбий арғун ғалла ва бошқа керак нарсаларни олиб кетиш учун Сайрамга келган²¹⁷ бўлиб, Бузахўр султон мазкур амирнинг қонини тукишни кўнглига тугди. Бироқ, султон бечоранинг ризқи тугаб битган экан, ул тадбири тақдирга тўғри келмади ва иши чаппасидан кетиб, Бузахўр султон Шоҳимбий қўлига тушди ва шу лаҳзадаёқ ўлдирилди²¹⁸.

Бобо султон ибн Султон Муҳаммад султон ибн Абу Саъидхон ибн Кучкунчихон

Шоҳимбий арғун Сайрам қалъасида Бузахўр султонни ушлаб, ер юзини унинг қони билан бўягач, укаси Бобо султон ҳайрон ва саргардон қишлоқма-қишлоқ, овулма-овул қочиб юрди. Абдуссамадбий Андижон вилоятидан Бухорога исқандарнишон соҳибқирон даргоҳига қайтаётган пайт Бобо султон Марғинон шаҳридаги бир ҳовуз бўйида уч-тўртта фақир кишилар билан утирган бўлади. Абдуссамадбий бундан хабар топиб, султоннинг устига бостириб келади ва уни кишанлаб, олий тахт пойи сари илғор солади. Бухоро шаҳрига етгач, хон буйруғи билан ул номдор султон ҳам ўлдирилди²¹⁹.

Кучкунчихоннинг иккинчи ўғли Абдуллоҳхоннинг зикри

Ул мақсади ҳосил шаҳриёр оқил ва одил ҳамда динпарвар ва шарият буйруқларини ёювчи подшоҳ эди. Бошига хонлик тожини кийганда халқ қалбида адолатга бўлган ишонч учқунланди. Бироқ, давлати айёми узоққа чўзилмади, кўп утмай, чақирув ноғораси товуши қулоғига етиб, 940 йили²²⁰ охираат томон йўл солди. Унинг Ўғон султон исмли битта ўғли бор эди.

Ўғон султон ибн Абдуллоҳхон ибн Кучкунчихоннинг зикри

Ўғон султон отаси вафот этгач бир неча кун амакиси ва амакиваччалари билан иттифоқ бўлиб, уларга итбатда юрди ва 941 йили²²¹ тўсатдан ўша диёрда йўқ бўлиб қолди, сўнг ундан ҳеч қандай хабар ва ному нишон топишмади.

Абдуллатифхон ибн Кучкунчихоннинг зикри

Олий мартабали диндор бу шахриёр шарият ҳулласи ва адолат зийнати билан безанган эди. Амирлару давлат устунлари ва атоқли султонлар барчаси бир овоздан маъқуллаб, уни маҳфуза Самарқанд шаҳрида бош хонлик тахти ва жаҳонбонлиқ уриндигига ўтказдилар. 940 йили²²² Мовароуннаҳрнинг барча шаҳарларида хутба ва тангани ул хусрав номи ва алқови билан безадиладар. Абдуллатифхон кўпинча амакиваччаси Тошкент ҳокими Бароқхон билан иттифоқ тузиб, бошқа қариндош султонларга қарши юришларда бирга бўлдилар. Масалаи, Кармина шаҳрида бир гал исқандарнишон соҳибқирон билан қаттиқ уруш қилдилар. Самарқандлик султонлар ва туркистонлик, тошкентлик подшоҳлар ул ҳазратни бир неча кун қамалда тутдилар. Бу воқеанинг баёни шуким, Абдулазизхон Бухоро шаҳрида 957 йил 26 рабиуссоний²²³ куни вафот этгач, амирлар ва давлат аёнлари иттифоқ бўлиб, Муҳаммадёр султон бошига ҳукумат тожини кийдирдилар. У салтанат ишларига киришгач, ўша аснода. Балх ҳокими Пирмуҳаммад султон ибн Жонибек султон таъзия баҳонасида Бухорога келди ва ул шаҳарни шу йўл билан қўлга киритиб, мамлакатда салтанат ноғорасини чалди. Муҳаммадёр султон Бурҳон султон билан биргаликда у ердан қочиб, Самарқандга Абдуллатифхон олдига бордилар ва бўлган воқеани айтиб бердилар. Абдуллатифхон ва Бароқхон бошқа биродар ва фарзандлари билан бирга Бухорони қайтариб оладиган бўлишди. Лашкар тортиб Миёнколга келгач, Миёнкол султонларининг уларга қарши урушга кучи етмаслиги сабабли ҳар тарафга қочиб кетдилар²²⁴. Рустам султон ибн Жонибек султон ўғли Ўзбек султон билан бирга ўша пайтда Бухорода турган акаси Пирмуҳаммад султон ҳузурига кетишди. Исқандар султон эса Жайҳун дарёсидан ўтиб, Майманага қочди. Аммо, Абдуллоҳ султон ибн Исқандар султон ёш жиҳатдан ҳаммадан кичик бўлишига қарамай, катталарнинг ишини қилиб, Кармина қалъасини мудофаа уруши учун беркитди ва қалъа деворини мустаҳкамлади. Мухолифга қарши жангу жадалга отланиб, тарафлар ўртасидаги уруш ўн икки кун давоми этгач, душманлар ишлари битмаслигини англашди. Одам юбориб, валийлик паноҳи Дарвеш шайх Алиободийни келтирдилар ва у орқали сулҳ битимини ўртага солдилар ҳамда Кармина қалъаси ичидаги ҳазрат Қосим шайх азизон ха-

зирасига юзланиб, уша ерда икки томондан аҳду паймон юзага чиқди ва мухолифлар уша ердан қўзғалганча ҳар ким ўз юртига кетишди.

Абдуллатифхон бош хонлиги муддатига ун бир йил тўлганда 959 йили²²⁵ табиий ажали билан охиратга кетди. Унинг икки нафар ўғли бор эди: Гадоё султон ва Абдол султон.

Гадоё султон ибн Абдуллатифхон ибн Кучкунчихоннинг зикри

Отаси Абдуллатифхон давлати замонида тарих китобларида «Усрушана» деб ҳам ёзилган Уратепа вилояти Гадоё султон қули остида эди. Отаси ўлгач, Султон Саъид султонга бўйсунди. Уша пайтлари Бароқхон ўзини «бош хон» атаб, хонлик тожини кийганча Тошкентдан пойтахт Самарқандга келиб, уни Султон Саъид султондан тортиб олди ва Султон Саъид султонни Кошғар тарафдаги Қоронғутоғ вилоятига қувиб юборди²²⁶.

Бароқхон Самарқандда ўлгач²²⁷, ўғли Бобохон Самарқанд мамлакатада ҳукумат байроғини ҳилпиратди ва Гадоё султонни бир неча кун шу юрт тахтига шерик қилди. Бироз вақт ўтгач, Самарқанд қайтадан Кучкунчихон авлодлари тасарруфига кирди. Хулласи калом, Султон Саъид султон бу фоний жаҳондан мангулик оламига кетгач, Гадоёхон Жавонмардалихон билан биргаликда Самарқанд ҳукуматини бошқардиган бўлди. Бироқ, бир-икки кундан сўнг улар орасига совуқчилик тушди. Гадоёхон Жавонмардалихондан қаттиқ хафа бўлиб, Тошкент томонга кетди ва Бобохон ва Дарвишхонни Султон Саъид султон ўлганидан хабардор қилди. Дарвишхон ва Бобохон бошқа ака-ука ҳамда фарзандлари билан Тошкент, Туркистон, Ахси-ю Андигон қушинларига бош бўлиб Гадоёхон илтимосига биноан Самарқандни эгаллаш учун йўналиш байроғини ҳилпиратишди. Шунингдек, Гадоёхонни ёлғиз хон сифатида таниб, кўнгилларини Самарқандни олиш ташвишидан тўқ тутишди. Жавонмардалихон бу воқеадан хабар топгач, дарҳол воқеани қаламга олиб, исқандардастгоҳ соҳибқирон даргоҳига юборди. Исқандарнишон соҳибқирон Жавонмардалихон душманларини йўқ қилиш камарини белига боғлади²²⁸ ва Кўк гунбаз мавзесида душман билан тўқнашди. Озгина ҳамла билан мухолиф лашкарига катта зарба берди. Шу жангда Гадоёхон тақдир сарпанжасига асир тушиб, қадамини

охират сари ташлади. Унинг Поянда Муҳаммад султон исмли бир ўгли бор эди. Поянда Муҳаммад султоннинг қаерда ва қачон ўлгани номаълум²²⁹.

Абдол султон ибн Абдуллатифхон ибн Кучкунчихоннинг зикри

Абдол султон бир неча кун Зомин вилоятида ҳукумат тавсанини чоптириб, Абулхайр султон ҳодисасидан сўнг Тошкентга қараб кочди. Бобохон Чирчиқ дарёси бўйида исқандарнишон соҳибқирон қўшинидан енгилгач²³⁰, Абдол султон Бадахшон ва Ҳисори Шодмон томонларга кетди. Бироқ, Ҳисори Шодмонга қарашли Жавзи илон мавзеида ул диёр волийси Ўзбек султон мулозимлари томонидан ушланиб, шу заҳоти қатлга етди. Ўзбек султон унинг танасидан ажраган бошини ўша пайтда Тошкентни эгаллаб турган соҳибқирон Абдуллоқхон даргоҳига юборди²³¹.

Абдол султоннинг Кўчак султон исмли бир ўгли бор эди. Бузахўр султон Сайхун дарёси бўйидаги Учтепа мавзесида Ибодуллоқ султондан енгилган пайти Кўчак султон асир тушиб, Юсуф султон ибн Худойберди султон билан бирга қатл этилди²³².

Шу билан Кучкунчихон авлодидан ҳеч бир кимса қолмади. Ул олий хонадондан олти нафар султон бирин-кетин хонлик тахтига ўтиришган.

Кучкунчихон ва ул олий мартабали хон авлодлари аҳволдан бир бўлаги юқорида зикр этилгани учун энди сухандон қаламнинг Севинчхожахон ва ул олий макон шахриёрнинг баҳодир фарзандлари шарҳини ёзмоққа киришиш вақти етиб, навбатдаги сўзлар билан кейинги саҳифаларни ул шижоатнишон табақа аҳволдан бир бўлаги баёни билан безайди.

Севинчхожахон зикри ва ул юксак мартабали подшоҳ авлодлари аҳволи баёнида

Ўзбеклар орасида Севинчхон лақаби билан танилган бу Севинчхожахон шариат ва диёнатда маҳкам, довюраклик ва шижоатда етук подшоҳ эди. Онаси Улуғбек Мирзо Курагонийнинг қизи бўлиб, Кучкунчихон иккови ул маҳди ул-улёйи узмо бонудан туғилган эдилар. Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатлари Муҳаммадхон Шайбоний тасарруфига киргач, Тошкент вилоятини Севинчхожа султонга берди. Муҳаммадхон Шайбоний қозоқ юришидан зафар билан қайтишда Туркистон ҳукуматини Сайид Ошиққа берди, Кучкунчи султонни Тошкент волийси қилди. Андижон вилояти ва Фарғонага қарашли шаҳару қишлоқлар бошқарувини Севинчхожа султон ихтиёрига топширди. Муҳаммадхон Шайбоний шаҳид бўлгандан сунг, аниқроғи, шундан бироз вақт ўтиб, яна Мовароуннаҳр шайбоний султонлари қўлига киргач, Тошкент вилояти ва унга қарашли барча ерлар ҳукумати Севинчхожа султонга берилди ва у то умрининг охиригача шу ўлкада салтанат юргизди. Севинчхожа султон акаси Кучкунчи султон хонлик рутбасига эришганда унга валиаҳд этиб тайинланди. Аммо, Кучкунчихондан бурун вафот этиб, хонлик унга насиб этмади. Бу султоннинг вафоти мазкур йил²³³ да рўй берди. Ундан икки ўғил қолди. Биринчиси, Келди Муҳаммад султон, иккинчиси, Бароқхон лақаби билан танилган Навруз Аҳмадхон.

Келди Муҳаммад султон зикри

Отаси вафот этгач бир неча кун Тошкент вилоятида ўзбек амирлари иттифоқчилигида давлат ва мамлакат соҳиби, тожу тахт эгаси бўлиб, ўша ўлкада салтанат ва ҳукумат юргизди. Бир неча кунлар шу янглиғ ўтгач, у ҳам отаси кетидан охират сари ошиқди. Бу воқеа 939 йили²³⁴ рўй берди. Салтанати айёми саккиз йил бўлди²³⁵. Келди Муҳаммад султондан Ҳасан султон исмли бир ўғил қолди. Ҳасан султон озгина вақт амакиси Бароқхон тарбияти остида бўлиб, ўз ажали билан вафот этди. Бироқ, ундан авлод қолмади.

Бароқхон лақабли Навруз Аҳмадхон ибн Севинчхожа султоннинг зикри

Оловдек гурилловчи ўт юрак подшоҳ эди. Акаси Келди Муҳаммад султон вафот этгач, Тошкент вилоятида мустақил равишда ҳукумат байроғини қилпиратди. Абдуллатифхон Самарқанд шаҳрида бу жаҳондан мангулига оламига кучгач, Бароқхон 957 йили²³⁶ хонлик тахтига чиқиб, хутба ва тангани ўз номи ва алқоби билан безатди. Самарқандни Султон Саъид султон ва Жавонмардалихон қўлидан тортиб олиб, жаннатмисол ул ўлкада ҳам ҳукумат байроғини юксак кутарди. Купинча Миёнкол устига лашкар тортиб, Бухорони ҳам босқин-чопқинга дуч қилиб юрди. Ҳатто, бир марта Бухорони босиб ҳам олди. Бироқ, ҳеч қанча вақт бўлмай, у ерни ташлаб чиқди ва асл эгаларига қайтариб берди.

Таҳмосб шоҳ қўшини билан бўлган Жоми уруши²³⁷ да бошқа шайбоний султонлар билан бирга қатнашди.

Хонлик айёмидан олти йил мустақил шаклда ўтгач, Самарқандга қарашли ва Куҳак дарёси бошланиши бўлган Хожа рабоб мавзеида 963 йили охирага кетди²³⁸.

Ундан саккиз ўғил фарзанд қолди. Биринчиси Дарвешхон, иккинчиси Бобо султон, учинчиси Дўст Муҳаммад султон, тўртинчиси Амин султон, бешинчиси Жалол султон, олтинчиси Хоразмшоҳ султон, еттинчиси Қосим султон, саккизинчиси Тоҳир султон.

Дарвишхон ибн Бароқхон ибн Севинчикхоннинг зикри

Халқнинг арз-додига етувчи одил ва дарвешхислат бир подшоҳ эди. Ҳамиша давлат ишлари ва тижорат муомаласининг сарвари коинот, хулосайи мавжудот шарияти асосида бўлишини талаб этар ва ўзи ҳам бунга амал қиларди. Шариятга хилоф ҳеч бир ишга қўл урмасди. Диёнатда кучли ва унга риоятда етук эди. Отаси Бароқхон Самарқандда вафот этгач, ўша шаҳарда турган акаси Бобо султон давлатни қўлга олиб, мустақил ҳукумат юргизишга киришди. Бундан хабар топган соҳибқирон Абулғозий Абдуллоҳ султон ибн Искандар султон самарқандлик султон ва амирларни ёнига олиб, Самарқандни олиш

учун мулк олиш эгарига минди Бобо султон бу юриш хабарини эшитиб, шаҳар қалъасини мустаҳкамлади. дарвозаларни ҳам беркитди ҳамда воқеани қаламга олиб, мактубни Тошкент сари укаси Дарвишхонга ёрдам сўраб юборди. Шунга кўра, Дарвишхон Тошкент, Туркистон ва Аҳси, Андижоннинг кўп сонли лашкари билан илғор солиб йўлга гушди. Соҳибқирон бундан хабар топиб, Самарқанд қамални ташлаганча тезликда парижон ҳол муҳолиф қаршисидан чиқди ва Илон ўтти дарасида тарафлар тўқнашуви рўй берди. Дарвишхон шу урушда кўп лашкар ва шижоатли ака-уғалари билан барқарорлик оёғини қаттиқ тираб, довюраклик билакларини сармади. Бироқ, шуларга қарамай, озгина фурсат ичида енгилиб, қочиш водийси сари юзланди. Ўша пайтда Бобо султон аскарлари ва лашкари байроғи Самарқанд томондан кўриниш берди. Икки қўшин бири-бири қаршисига келгач, ҳар икки тараф жангчилари ҳарб майдонига кирдилар. Искандарнишон соҳибқирон малики маннон инояти ёрдамида қисқа бир ҳамладаёқ бу қўшин устидан ҳам ғалаба қозонди. Яъни, соҳибқирон бир кунда иккита катта ғалабани қўлга киритди²³⁹.

Бароқхон авлодлари Самарқанд салтанатидан умилларини узгач Тошкент вилоятида тупланиб, Бароқхон фарзандлари ичида ёш жиҳатдан улуғ Дарвишхонни султонун нўғлар ҳаммаси яқдиллик билан қўллаб, бошига салтанат тожини қўйдилар ва Тошкент мамлакатаида уни подшоҳлик ўриниди унга ўтқаздилар. Туркистон вилояти ва унга қарашли ерларни укаси Бобо султонга берди. Андижонни яна бир укаси Амин султонга топширди. Хоразмшоҳ исмли укасини Сайрам вилоятига ҳоким қилиб юборди. Бароқхоннинг учинчи ўғли Дўст Муҳаммад султонни Аҳси-катга волий қилиб тайинлади. Шунингдек, ҳар бир диёр ва шаҳарга биронта қобилиятли иниси ёки таниқли амирини ҳоким қилди.

Ул диёрнинг таниқли қўшчиларидан ва эътиборли амирларидан саналган амир кабир Али Сайидийни ўзига отолиқ қилиб қўйди. Бу яхши хулқли амир ул диёр ишлари бошқарувчиси бўлиб тайинлангач, фуқаро ва халқ аҳволидан хабар олиш борасида адолат ўриндигига ўтирди ва адолат, инсоф эшикларини очиб, зулм ва жабр аҳлининг кирар тешикларини бутунлай беркитди. Шу кундан бошлаб, бу диёрда бугундан эътиборан ҳеч бир кимса афюн ва кўкнор истеъмол қилмасин, дея фармон чиқарди.

Шунга кура кўп йиллар давомида ҳеч бир жонли зот афюн ва кўкнор яқинига йуламади. Тошкент мамлақати ул саодаг булути адолати шарофатидан маъмур ва обод бўлди. Чунки, ул амир адолат ва арзу дод сураш қондасини тула адо этди ва ёмон ишлар уйини бутунлай бузиб ташлади. Ҳеч сўзсиз, амир Али Сайидий бу хайрли ва савобли ишлари билан ўз чиройли зикрини қиёмат соати етгунча давом этувчи турмушнинг кечаю кундуз варақлари саҳифасида абадий қолдирди. Анча вақт ўтгач, тавфиқ йўлбошчиси ул ақлли ва тадбиркор амирга қаъбайи таҳқиқ сари йўл кўрсатиб, байтуллоҳ зиёрати ва расули алайҳиссалом Мадинайн мукаррамаси тавофига ундади. У ҳам «кишилар зиммасида Оллоҳ учун мана шу уй (қаъба)ни ҳажзиёрат қилиш бурчи бордир»²⁴⁰ даъватини «лаббайка» қулоғи билан эшитиб, ул муқаддас ер ва мутабаррик олий водий томон йўл олди.

Шундан сўнг ҳеч қанча вақт ўтмай ул олий табор габақа салтанати пойдевори нобудлик томон юз буриб, ҳашаматли иморати ер тубан қулай бошлади. Тошкент, Туркистон, Аҳси, Андижон мамлақатлари улар қўлидан чиқиб, исқандарнишон соҳибқирон Абулғозий Абдуллоҳхон тасарруфи доирасига кирди. Ҳали бу воқеаларнинг достони тафсилоти ўз урнида ёзилажак. Алқисса, исқандарнишон соҳибқирон қалбида Дарвишхонга нисбатан иноят, илтифот ҳамда дўстлик ва бирдамлик туйғуларни мавжуд бўлса-да, бироқ укаси Бобо султоннинг доимо қаршилик йўлидан юргани амалда бу яқинликни ҳадеб чиппака чиқараверди. Гапнинг қисқаси, Тошкент шаҳри юрт олувчи соҳибқирон томонидан эгаллангач, одам юбориб, укаси Бобо султон топшириғи билан Туркистонда маҳбусликда ушлаб турилган Дарвишхонни озод қилдирди ва Тошкентга олдириб келиб, шу юрт тахтига ўтқазди²⁴¹. Искандар сифат соҳибқирон ул мамлақатни Дарвишхонга топшириб қайтгач, Бобо султон кўп кўшин тўплаб, Дашти Қипчоқ томондан Тошкентга келди ва озгина ҳамла билан шаҳарни эгаллади. Акаси Дарвишхонни ушлатиб, шу заҳоти ўлдиринишга қарор қилди ва ул дарвеш асосли подшоҳ шаҳодат шарбатини тағиди²⁴². Бобо султон шу тариқа салтанат тахтига ўзи чиқиб олди.

Дарвишхондан иккита ўғил фарзанд қолди: Шоҳ Муҳаммад султон, Музаффар султон.

Шоҳ Муҳаммад султон ва Музаффар султонларнинг зикри

Бу ака-укалар оталари Дарвишхон ўлдирилгач, бир неча кун Искандар шавкатли соҳибқирон ҳимояти соясида яшадилар. Кейинчалик, қандайдир сабаб билан ул ҳазрат ҳузуридан кетиб, амакиси Бобо султонга қушилдилар. Бобо султон яна бир бор енгилгач, ака-ука икковлон Қоратегин томонга кетиб, ул диёр ҳокими олдига боришди. Қоратегин ҳокими эса искандарнишон соҳибқирон фармонига биноан уларни ушлатиб, ўлдиришга ва бошларини танасидан жудо қилишга буйруқ берди. Бу ишни амалга ошириш учун кетган Худойберди Султон ясовул кесилган бошларни хонлик тахти пойига юборди²⁴³.

Бобо султон ибн Бароқхон ибн Севинчикхон

Бобо султон шавкатли ва Рустам шижоатли, ҳиммат-ғайрати баланд бир шаҳриёр эди. Шу ғайрат ва ҳиммати орқасида Туркистон ва Тошкент ҳукуматига қаноат қилмай, ҳаминша хаёли Самарқанду Бухоро мамлакатларини ҳам эгаллаш билан банд бўлиб, ул юртлар ҳокимлари сари низо ва жанжал эшикларини очарди.

Бу султон турли санъатларда, айниқса, мусиқа илмида тула маҳоратга эга эди.

Шижоат ва мардоналикда ҳам тенги ва ўхшаши йўқ эди. Доимо отаси Бароқхон каби Миёнкол ва Бухоро устига лашкар тортиб юрар, гоҳида эса, Самарқанд сари йўналиб, ул ўлка ва шаҳарларнинг вайронагарчилиги, ул диёр аҳолисининг мол-мулк-сиз ва сарсон қолишига сабабчи бўларди. Шу сабабли у билан Искандар шавкатли соҳибқирон ўртасига совуқлик тушиб, етти-саккиз марта ул ҳазрат билан жанг майдонида тўқнаш келди. Бироқ, ҳеч бир жангда бу султон сари ғалаба ва муроду мақсад эшиклари очилмади ва доимо енгилишига тўғри келиб, қочиш водийси томон қадам қўйди. Бироқ, тўғриси айтиш керак, бу султоннинг баҳодирлигига гап йўқ эди. Бошқаларнинг бирор марта кимдандир енгилса, яна қайтиб ўша душман билан жанг қилишлари жуда қийин иш. Бу султон эса, аксинча, ҳар гал кимдандир енгилса, кўп ўтмай, яна ўша муҳолифи билан тўқнашишга ошиқар ва муҳориба байроғини кўтарарди. Очиги, ул шижо-

атли шахриёр довораклик қай даражада бўлса, шунча ботирлик ва баҳодирлик етуклиги қандай бўлса, шу янглиғ қаҳрамонлик, жаҳду жадал чексизлиги қанча бўлса шу миқдордаги ҳаракат билан иш курсатди. Бироқ, давлат ёр бўлмагач, курсатган хатти-ҳаракат ва мардонлигидан сира фойда чиқмади. Ниҳоят, молу мулк, аҳлу аёлдан хунгил узиб, мамлакат келинини талоқ қилди ва ночор изтироб ила Манғит эли томон кетди. Бир неча кун манғит халқи ичидан юриб, ниҳоят, у ердан ҳам қайтиш байроғини чулу биёбон ва дашт сари кутарди. Йўли Туркистон дашти орқали гушди. Бу пайт га шу орадаги Сигноқ қургони атрофидаги даштда қозоқ Таваккал Султон куш ташлаб утирган эди. Бобо султон ўзининг иккита одамини яширинча Туркистон тарафга юборди. Улар Сайрамдан либос ва таом олиб келиб, қайтишда Таваккал Султон қозоққа дуч келишди. Таваккал султон эса, иттифоқо, искандарнишон соҳибқирон булруғи билан йўлларни қуриқлаб утирарди. Мана энди гап нимадалиғини англагач, тўхтовсиз равишда Бобо султон кетидан гушди ва бир одамини эса олий ҳазрат ҳузурига жунатиб, Туркистонда утирган хонни воқеадан хабардор қилди. Бу гаплардан бутунлай хабарсиз келаётган Бобо султон қуюқ гафлат оғушида кетаётган пайт, Таваккал Султон уларга яқинлашиб, хатто, олий ҳазрагдан ёрдам келишини ҳам кутмай, ёнидаги өзгина одами билан жани га киришди. Бир ҳамладаёқ Бобо султоннинг ўғли Абдуллатиф султонни қўлга туширди. Бобо султон эса жанг пайти ўқ зарбидан қўлаб, бу дунёнинг барча меҳнату машаққатларидан ўзини қутултирди. Таваккал султон қозоқ дарҳол унинг замон Рустами дастонлигига даъво қилиб, балки ундан ҳам зиёда бишиб юрган бошини танасидан жудо қилиб, кесилган калласини ҳумоюн даргоҳга юборди. Бу воқеа ражаб ойининг ўн еттинчиси³⁴ сешанба куни руй берди.

Бобо султоннинг бешта фарзанди бор эди: Абдуллоҳ султон, Абдуллатиф султон, Абдуссаттор султон, Убайдуллоҳ султон, Абдулғаффор султон.

Абдуллоҳ султон отаси ҳаёт пайти дунёдан ўтганди.

Абдуллатиф султон отасининг ёнида бўларди. Бобо султон манғит халқи ичидан чиқиб келаётганда, Таваккал султонга дуч келиб, жангга киришди. Шунда ёнидаги Абдуллатиф султон асир олинди. Отаси Бобо султон ўқ захмини еб, бу оламдан ўтгач, Таваккал Султон қозоқ музаффар ва мансур, ҳиммат ва сурур қўйнида Абдуллатиф султонни кишанлаб, Бобо султоннинг ке-

силган бошини ва айрим аёнларини олиб, хон даргоҳи сари ошиқди. Ҳумоюн урдуга етишгач, соҳибқирон хон чексиз илтифот ва иноят юзасидан ул қозоқ шаҳзодаси мартабасини бошқа яқинларидан баланд қилди. Саброн қалъаси фатҳ бўлишидан илгари Абдуллатиф султонни Тоҳир султон билан бирга Саброн қалъасига яқин жойда сиёсатга етказиб²⁴⁵, соҳибқирон ўз кўнглини булар ташвишидан ҳам бутунлай тинчитди.

Абдуссаттор султон Саброн қалъасини довюрак одамлари билан соҳибқиронга қарши беркитди. Жаҳон соҳибқирони Улуғтоғ юришидан қайтгач, Саброн қалъаси устига келиб, Абдуссаттор султонни ул қалъада қамал қилди. Нусрат шиорли аскарлар Саброн қалъасининг мустаҳкам туришига қарамай икки-уч марта ён-атрофидан ҳамла уюштирдилар. Шу жанг пайти донг таратган паҳлвонлардан бир нечтаси ҳалок бўлди. Хон бунга тоқат қила олмай, дарғазаб суратда қаттиқ ҳамла билан қалъани забт этди. Абдуссаттор султон яширинган экан, анчагина ахтарилгач, жанговар гуруҳнинг ўнг ва сўл томон чухралари қўлига тушиб, олий фармонга биноан ўлдирилди²⁴⁶.

Айтиб ўтиш лозимки, олий ҳазрат, жамшиддавлат, исқандаршавкат хоқон Абулғозий Боқий Муҳаммадхон подшоҳлигининг бошида бир нечта ўзбеклар Андижон вилоятида Абдуссаттор султон авлодидан бир қанча кишини топиб, подшоҳлик тожини бошига қўйишди ва олам аҳли орасида бу гапларни овоза қилишди. Пари лаклакон туманига қарашли Язак мавзеида улка волийси Вали Муҳаммадхон аштархонийнинг отолиқи Сархунбий жалойир устига шабихун уюштириб, қўшинга анча шикаст етказдилар. Тошкент вилояти устига лашкар тортиб, уни ўша пайтда ул диёр волийси бўлган Таним султон ибн Ҳақназархон қўлидан тортиб олдилар. Ул жамоат ичида энг шижоатлиси бўлган Келди Муҳаммад султон кейинчалик ёнидагиларни ўлдириб, хутба ва тангани ўз номи билан безади. Боқий Муҳаммадхон қўшинини урушда енгди²⁴⁷.

Убайдуллоҳ султон ибн Бобо султон ибн Бароқхон ибн Севинчикхоннинг зикри

Отаси Бобо султон Чирчиқ жанги²⁴⁸ да Абдуллоҳхондан енгилгач, унинг авлодидан ҳар бири бир томонга қочдилар. Жумладан, Убайдуллоҳ султон ҳурккан оҳу каби ва домдан сакраб

қочмоқчи ов сингари ҳар тарафга югуриб, ҳар бир тешикка урма-
лаб юрган пайти бир гуруҳ қозоқларга дуч келди. Қозоқлар уни
ушлаб, кишанлаганча соҳибқирон хоқон олдига одам юбориб,
воқеани хон арзига етказдилар. Искандар нишон соҳибқирон бу
иш бўйича Сархун Отолиқ жалоийрни қозоқ султонлари олдига
жунатди ва уларнинг ўз ваъдасига биноан Убайдуллоҳ султонни
шу кишига топширишларини талаб қилди. Сархун Отолиқ қозоқ
султонлари олдига боргач, хондан олиб келган пайғомини улар-
га етказди. Қозоқ султонлари бошқа амирлар билан биргаликда
Убайдуллоҳ султонни ўлдирдилар ва бошини Сархун Отолиқ
билан қушиб, хон ҳузурига юбордилар. Чунки, Убайдуллоҳ сул-
тонни шунча узоқ йулдан тириклай олиб келиш осон кўринмади.
Негаки, ул ҳудудда учта йул бўлиб, мухолифат одамларига дуч
келиш ҳеч гапмас эди²⁴⁹.

Абдулғаффор султоннинг зикри

Бобо султон исқандардастгоҳ соҳибқирон сипоҳи зарбасидан
тор-мор бўлгач, Туркистон тарафга қочди. Абдулғаффор сул-
тон Тошкент шаҳрига бориб, Тоҳир султон билан биргаликда
қалъа деворини мустаҳкамлади. Қалъадорлик асбобларини му-
ҳайё қилиб, мудофаа байроғини тикди. Искандарнишон соҳиб-
қирон бир неча кун Тошкент қалъасини қамалда ушлаб, ён-ат-
рофдан ҳужумлар уюштирди ва ниҳоят ул мустаҳкам қалъани
қаҳру ғазаб исқанжасида қолдирганча забт этди. Тоҳир султон
дарвеш ва фақир кишилар либосини кийиб, бекинганча ул балод-
дан қочиб қутулди. Абдулғаффор султон Шоҳимбий арғун ҳамла
уюштириб турган мурчал қиялигидан пастга эниб, Шоҳимбий
арғун кўлига тушди ва Шоҳимбий уни исломпаноҳ даргоҳига
элтди. Искандарнишон соҳибқирон Абдулғаффор султонни уш-
лаб туришни Қулбобо Кукалтош ва Навруз парвоначи зиммаси-
га юкледи²⁵⁰.

Искандарнишон соҳибқирон Чаҳоржўй яқинида ов ва шикор
қилиб юрган пайтда Бобохон элчи юбориб, пушаймонлик ва на-
домат, ожизлик ва бечоралик изҳор этди. Шунга кўра соҳибқирон
марҳамати куплиги юзасидан Абдулғаффор султонни салтанат
ва ҳашамат асбоби билан Қулбобо Кукалтош ҳамроҳлигида
отаси олдига юборди²⁵¹. Аммо, Бобохон яна мухолифат кўрса-
тиб, хусумат байроғини ёйди, бироқ бу гал ҳам енгилди ва молу

мулк, аҳлу аёлдан дил узиб, дала-дашт, тоғу топида ҳайрон ва саргардон юрган кезларда Таваккал султон қулида улдирилди. Абдулғаффор султон эса Андижондаги Муъмин султон ёнига борди ва сунг у ҳамда Хошим султон, Бузахур султоннинг укаси Бобо султон билан бирга Аҳси вилоятини ташлаб чиқди ва Кошгар тарафларга қочди. Таваккал султон ғалаба аломатли аскарлардан катта бир гуруҳи билан уларни таъқиб қилиб бориб. Олой даштида топиб олди ва Абдулғаффор султонни қулга тушириб, ўз қули билан дарҳол бошини танасидан жудо қилди ва хонга туҳфа ўрнида хон қароргоҳига олиб келиб, ул ҳазрат отининг туёғи остига ташлади²⁵².

Соҳибқирон Абдуллоҳхон вафотидан сунг, аниқроғи, Абдулмуъминхон ибн Абдуллоҳхон бузуғчилигидан кейин Боқий Муҳаммадхон давлати айёми боши²⁵³ да Туркистон халқидан бир гуруҳи Абулманғит элидан Абдулғаффор султонга анчагина ухшаб кетадиган бир кишини «бу ўша Абдулғаффор султон» дея бош кутариб чиқдилар. Туркистон, Тошкент, Аҳси ва Андижон вилоятларини фатҳ этиб, Эшим султон, Баҳодир султон ва бошқа қозоқ султонлари²⁵⁴ ни тор-мор келтириб, у ерлардан ҳайдаб чиқардилар. Бошқа бир нечта кишилар ҳам ҳалиги «султон»га тақлид қилиб, макру ҳийла ва алдов воситасида ўзларини Бароқхон авлодидан санаб, бу сохта султон олдига келдилар. У ҳам буларнинг ҳар биттасини бир вилоятга ҳоким қилди. Аммо, кўп ўтмай, кенгаш ва маслаҳат ўтказиш баҳонасида бу қалбаки ака-ука султонларни Тошкентга чақирди ва улар йиғилгач, ўзларини Бароқхон авлоди деб юрган мазкур кишилардан ўн етти-ўн саккиз нафарини ўлдирди. Бир неча кундан сунг эса ўзининг ҳам сирри фош бўлиб, Ўзбекия жамоаси олдида воқеанинг асл ҳақиқатини ойдинлашгач, бу ёлғондакам «Абдулғаффор султон»ни тутиб ўлдирдилар.

Дўст Муҳаммад султон ибн Бароқхон ибн Севинчикхонининг зикри

Отаси Бароқхон Миёнкол вилоятини Жонибек султон авлодлари қулидан тортиб олиб, ўз тасарруфи доирасига киритгач, Кармина вилояти ва унга тобе ерларни Дўст Муҳаммад султонга берди. Бароқхон Самақандда вафот этган пайтда Дўст Муҳаммад султон исқандарнишон соҳибқироннинг Кар-

минага қайтиб келаётганидан хабар топди ва бундан қаттиқ чўчиб, Самарқандга акаси Бобо султон олдига қочиб борди. Соҳибқирон Абдуллоҳ ибн Искандар султон Илон утти дара-сида Дарвешхон, Бобо султон ва Бароқхоннинг бошқа авлод-ларини мағлубиятга учратиб, Самарқандни олгач ва уни Жа-вонмардалихон қулига қайта топширгач, Бароқхон авлоди Тошкент вилоятига қочиб кетдилар. Шунда, қайта тақсимот чоғи Ахси вилояти Дўст Муҳаммад султонга тегди. Ул шав-катли шаҳзода мазкур мамлакатда то ажали етиб улгунча ҳуку-мат отини йўрттирди. Унинг Ҳошим султон исмли бир ўғли бор эди²⁵⁵.

Ҳошим султон ибн Дўст Муҳаммад султон ибн Навруз Аҳмад (Бароқ)хон ибн Севинчикхоннинг зикри

Дўст Муҳаммад султон Ахси вилоятида охират сари юзлан-гач, ўгли Ҳошим султон салтанат тожини бошига қўйиб, амир-лар иттифоқлигида отаси ўрнига ўтирди. Бир неча кун Тошкент бузғунчилиги пайти Искандар асосли соҳибқиронга итоат ва ихлос билан хизмат камарини белига боғлаб юрди. Шу жиҳат-дан аъло ҳазрат ҳимояси остида тинчлик ва осойишталикда яша-ди. Бироқ, анчадан сунг, ҳеч бир сабабсиз ул ҳазратдан ҳадикка тушиб, қочиш юзини тоғу дашт сари қаратди. Уша вақтларда Ахсикат вилояти волийси бўлиб турган Поянда султон ибн Му-ҳаммад султон ибн Дўстум султон ибн Искандар султон муло-зимларига дуч келиб, қўлга тушди. Унинг бошини кесиб, жаҳон олувчи соҳибқирон олдига юбордилар.

Амин султон ибн Бароқхон ибн Севинчикхоннинг зикри

Андижон юрти ва Фарғона мамлақати анча йиллар мазкур Амин султон қулида бўлди. Халқ билан яхши муносабатда яша-ди. Хусрав султон ўлдирилган вақтдаги Кеш қамали пайтида бошқа ака-укаларига ҳамроҳлик қилди. Унинг тўрт ўғли бор эди. Биринчиси Мўъмин султон, иккинчиси Маҳди султон, учинчиси Ҳоди султон, тўртинчиси Одил султон.

Муъмин султон ибн Амин султоннинг зикри

Муъмин султон амакиси Бобо султон исқандарнишонли соҳибқирон билан урушиб, енгилган пайтда олампаҳоқ соҳибқирон даргоҳига бошпана сураб келди ва ул ҳазрат тарбияти остида вақтини осойишта ва фароғатда ўтказиб юрди. Андижон вилоятини яна эски дастур буйича унга берди, бугина эмас, балки ута меҳрибонлиги юзасидан Тошкент ҳукуматини ҳам Андижон ҳукумати устига қўшиб топширди. Бобо султон бир нечта ўғиллари билан бирга ҳалок бўлгач, Муъмин султон қурқувга тушиб, соҳибқирон даргоҳидан юз ўгирди ва қадамини қочиш водийси сари қўйиб, Кошғар тарафларга кетди²⁵⁶. Соҳибқирон амирларидан Дўст чухра оғоси хоқоннинг олий фармонига биноан ул диёр волийси Рашидхон²⁵⁷ олдиға бориб, унга хон ҳазрат пайғомини етказди. Рашидхон Исқандар нишонли соҳибқирон буйруғини адо этиб, Муъмин султонни Дўст чухра оғоси қўлиға топширди. Дўст чухра оғоси эса шу заҳоти султоннинг калласини кесиб, оти жilовини қайтиш томон бурди ва узини ҳумоюн мавкабга етказди²⁵⁸.

Одил султон ибн Амин султон

Бу олий гавҳар шаҳзода отаси вафот этиб, катта акаси Дарвишхон қарамоғида қолди ва у билан яхши чиқишиб яшади.

Хоразмшоҳ султон ибн Бароқхон ибн Севинчикхоннинг зикри

Сайрам вилояти тақсимот буйича Хоразмшоҳ султонга берилган бўлиб, бу султон ўша мамлакатда салтанат байроғини ҳилпиратиб ўтирди. Кўнгли доимо шарият қонун-қоидаларини кучайтириш ва сайид, олим кишилар иззатини ошириш билан банд бўлди. Шундай бир даврда қайтиш ноғорасини чалиб, охира т оламиға ошиқди. Ундан уч ўғил фарзанд қолди: Абдулкарим султон, Абулмуҳаммад султон ва Муҳаммад султон.

Абдулкарим султон ибн Хоразмшоҳ султон ибн Бароқ (Навруз Аҳмад)хоннинг зикри

Абдулкарим султон отаси вафот этгач, тарих китобларда «Испижоб» деб ҳам ёзилувчи Сайрам вилоятида укалари билан иноқлик ва бирдамликда салтанат байроғини ҳилпиратди. Атрофига одам ва қўшин йиғиш ҳавасидан ҳам йироқ эмасди. Бобо султоннинг соҳибқиронга қарши барча уруш ва жангларида иштирок этиб, Бобо султон ёнида турганча довюраллик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатди. Тошкент вилояти соҳибқирон томонидан фатҳ этилгач, Абдулкарим султон онасини хон тахти пойига юборди ва исқандарнишон соҳибқирон ул заифнинг ожизлик, шикасталик изҳори ва онаизорлик ўтинчи ҳамда амир кабир Шоҳимбий арғуннинг уртага тушиб, шафелик қилгани бўйича гуноҳларини кечирди ва раҳм қилиб, Сайрам вилоятига тегмади.

Саброн қамали пайти Шоҳимбий арғун ҳазрат соҳибқирон топширигига биноан Сайрамга борди ва Абдулкарим султон аввалида мазкур амирни иззат ва итоат билан қаршилади. Бироқ, сал ўтмай, айрим фитна қўзғатувчи кишиларнинг шайтоний васвасаси оқибатида Шоҳимбийга ҳамла уюштириб, амирни қамоққа ташлатди. Ниҳоят, онаси ўртага тушиб, ўгли фикрини ўзгартириш ва ёмон ниятдан қайтаришга эришиб, Шоҳимбийни банду ҳибсдан қутқарди. Ўгли эса қилган гуноҳини ювиш мақсадида шу қалъага бошпана излаб келиб бекинган Бузахур султонни ушлаб, Шоҳимбий қўлига топширди. Шоҳимбий дарҳол Бузахур султоннинг бошини кесди ва хон тахти пойига олиб борди.

Бароқхон авлоди пойдевори деярли тамомила бузиб ташлангач, Абдулкарим султон ҳам ўз жонидан қўрқувга тушиб, саҳро сари қочди. Исқандар нишон соҳибқирон Ҳирот қалъаси қамалида ўтирганда хоннинг узоқдалигидан фойдаланиб, қайта бош кўтариб чиқди ва Дизақ вилоятигача бўлган ерларга босқинчопқин уюштирди. Соҳибқирон Хуросон улкаси ишларидан кўнглини тинчитиб қайтгач, баҳор фасли бошида Абдулкарим султоннинг таъзирини бериш учун отланиб, Дашт томонга илғор солди. Абдулкарим султон бундан хабар топиб, чакмоқ чақини ва ел эпкини каби юзини қочиш водийси сари қаратди. Болачақа, аҳлу аёл, молу мулкни ташлаб, ўз вужудини манғит уруғлари орасига етказди. Нусратшиор аскарлар унинг эл ва улуси

устига бостириб бориб, қўлларини талон-торож ва қатлу ғорат сари чўздилар. Улжа олиш ва босқин-чопқин қилиш ишлари ту-гагач, кулга тушган асирларни ёнларига солиб, хонликнинг олий мавкабга етишдилар. Шундан сунг ҳазрат соҳибқирон қайтиш байроғини Бухоро томон баланд кўтарди.

Манғит халқи бу воқеаларни эшитиб ваҳимага тушдилар ва дарҳол Абдулкарим султон устига бостириб бориб, ҳаёти саҳн-фаси устига ўчириш чизигини тордилар.

Абдулкарим султоннинг укалари Абулмуҳаммад султон, Муҳаммад султон, Одил султонлар ҳам шу қирғинда унутилганлар оламига равона бўлишди.

Қосим султон ибн Бароқхоннинг зикри

Отаси Наврўз Аҳмад (Бароқ)хон вафот этгач, тўнғич акаси Дарвешхонга итоатда яшаб, ҳамиша Тошкент вилоятида Дарвешхонга ҳамроҳ бўлиб юрди. Сулаймоннишон хоқон Искандар султон ибн Жонибек султон Бухорода хонлик тахтига чиққанда Қосим султон акаси Дарвешхон билан бирга хонни табриклаш ва муборакбод этиш учун Бухоро сари ошиқди²⁵⁹.

Ўша пайтлари ажал ваъдасига биноан етиб келди ва Қосим султон унга омонатини топшириб, охират саройида манзили маъво тутди.

Тоҳир султон ибн Бароқхоннинг зикри

Отаси вафот этгач, катта акаси Дарвишхон лутфи ва меҳрибончилиги остида ҳаёт кечирди. Искандарнишон соҳибқирон Хуросон босқин-чопқини сари чиқиб, Турбат қалъаси қамалига юзланганда, Тоҳир султон Дарвишхон томонидан хонга юборилган ёрдамчи куч сифатида ҳумоюн мавкабга ҳамроҳ бўлиб борди.

Бироқ, Бобо султони Искандар нишон соҳибқиронга нисбатан қаршилик байроғини кўтарган чоғда Тоҳир султон ҳам Бобо султонга қўшилиб, бу ўртанча акаси билан бирга урушларда мардоналик ва ботирлик намунасини кўрсатиб юрди. Бобо султон қайта-қайта енгилавергач, ниҳоят, сўнгги мағлубиятдан кейин Тоҳир султон Абдулғаффор султонга қўшилиб, Тошкентга қочиб бориб бекинди. Тошкент қалъаси ҳам соҳибқирон томони-

дан забт этилгач, Абдулғаффор султон асир олинди, Тоҳир султон эса камбағал ва тиланчи кишилар киядиган либосни кийиб, халқ орасига яширинди ва бошига тушиши мумкин бўлган балодан қутулиб²⁶⁰ қолди. Сўнг Хужакат жангида ҳам омон қолиб қочди. Аммо, беш яшар бир ўғли ва аҳлу аёли Хужакат атрофида Искандар шавкатли соҳибқирон аскарлари қўлига тушишди, хон уларни Қулбобо Қўқалтош қўлига сақлаш учун топширди, бироқ болакай ўша пайтлари бу оламдан ўтди²⁶¹.

Оққурғон яйлоғида ферузнишон аскарлар отларини қўриқлаш ишига тайинланган Таваккал султон қозоқ Тоҳир султоннинг Сутлуқ дарасидан чиққани хабарини эшитиб, унинг устига илғор тортди ва озгина ҳамла билан Тоҳир султонни асир олиб, ўзи хонлик тахти пойи сари ошиқди.

Саброн қамали пайти соҳибқирон вакиллари Тоҳир султон учун ҳибсхона ясаб, бир неча кун уни шу ерда ушлаб туришди. Ниҳоят, сиёсат қиличи билан бошини танасидан жудо қилиб, жонсиз жасадини ўлаксахўр ҳайвон ва қушларга ем учун ташладилар²⁶². Шу билан Севинчхожагон ибн Абулхайрхон авлодлари занжири ҳам узилиб, ул табақа асоси юз тубан қулади ва бу хонадондан ҳеч ким қолмади.

Сўз шу ерга етганда, ваъдага биноан, мушкин қалам мағфиратли Хожа Муҳаммад султон ибн Абулхайрхон ва ул олий мартабали шахриёрнинг етук авлодлари аҳволи қисқача баёнини ёзмоққа киришади.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Хожа Муҳаммад султон ибн Абулхайрхон зикри ва узбеклар «Хожағум султон» лақаби билан улуғловчи яхши асосли ул подшоҳнинг авлоди аҳволи баёни

Ул подшоҳ Шоҳ Будоғ султон билан бирга бир онадан туғилган эди. Оналари эса барқут элидан эди. Хожағум султон абдолваш ва ута содда подшоҳ эди. Хожағум султон вафот этгач, ундан икки нафар юлдузи порлоқ ўғил фарзанд ёдгор қолди. Биринчиси саодат нишонли Жонибек султон, иккинчиси Бубой султон.

Бубой султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхон

Мовароуннаҳр вилояти Муҳаммадхон Шайбоний тасарруфи доирасига киргач, Бубой султон Қоракул вилоятида ҳукумат тепасида утирди. Муҳаммадхон Шайбоний Марв шаҳрида шаҳодат шарбатини татиб, Бобур Мирзо Мовароуннаҳр вилоятини ўзбек султонлари қулидан тортиб олгач ва саккиз ойдан сўнг Убайдуллоҳ султон бошқа қариндошлари билан бирга Туркистон вилоятидан келиб, Бухоро сари ҳужум уюштиргач ва Бобур Мирзо Қули Малик чулида энгилиб қочиб, Мовароуннаҳр яна шайбоний султонлари тасарруфи остига олингач, Бубой султон бир гуруҳ довюраклар ва ҳумоюн мавкабидаги озгина одами билан Балх вилоятини эгаллашга юзланди. Жайҳун дарёсидан кечиб ўтиб, Балхни қамал қилди ва ул диёр халқи омон қолишининг ягона чорасини итоат этмоқда билиб, лойиқ пешкаш ва соврин-совғалар тайёрладилар ҳамда ул мақсади ҳосил шаҳриёр қуруниши шарафини топдилар. Шаҳар дарвозаларини ул султон юзи сари очдилар ва ул комкор шаҳриёр бир неча кун мазкур диёрда ҳукумат ўриндиғи ва салтанат тахтига ўтирди. Бироқ, ҳеч қанча вақт ўтмай, қариндош-туққанлар орасида жанжал чиқиб, ул мамлакат баҳридан ўтди ва Омуйа дарёсидан кечиб ўтганча Мовароуннаҳрга юзланди.

Вақти-соати етиб, руҳи қуши ажал домига тушди ва ул шаҳриёр бошқа ўтганлар каби охират майсазорида манзил тутди. Бубой султондан Кепак султон исмли бир ўғил фарзанд ёдгор қолди.

Кепак султон ибн Бубой султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхоннинг зикри

Девонаваш подшоҳ эди. Бир кўзи кўриш нуридан баҳраманд эмасди. Куп йиллар Соғаржда ҳукумат байроғини ҳилпиратди. Вақти-соати етиб, у ҳам бу ўтқинчи жаҳондан мангулик оламига кетган чоғда узидан иккита хужаста асар ўғил фарзанд ёдгор қолдирди. Биринчисининг исми Севинч Муҳаммад султон ва яна бири Сайид Муҳаммад султон.

Севинч Муҳаммад султон ибн Кепак султон ибн Бубой султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхоннинг зикри

Шижоат асарли подшаҳзода бўлиб, отаси вафот этгач, искандаршавкат соҳибқирон тарбияти остида ва меҳру оқибати соясида бўлди ва ҳамиша ул ҳазрат тарафдорлиги қиличини уйнатди. Доимо соҳибқирон хонга итоат ва мулозиматда бўлиб, искандарнишон хоқон мустақил равишда эғалик қилиши учун Соғаржга қарашли ерларни шу Севинч Муҳаммад султонга иноят қилди. Бу султон илтифот ва ҳурмат билан эъзоз топиб юрган ўша даврларда ўз ажали билан вафот этди ва охират олами сари кетди. Унинг Муҳаммад Иброҳим исмли бир ўғли бор эди.

Муҳаммад Иброҳим султон ибн Севинч Муҳаммад султон ибн Кепак султон ибн Бубой султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхоннинг зикри

Искандар нишонли соҳибқирон Абулғозий Абдуллоҳхон равзайи ризвон ва жинон боғу бўстонлари сари майл билдиргач²⁶³, хонлик навбати ва юрт сақлаш мартабаси ўғли Абдулмуъминхонга етишгач, Абдулмуъминхон Обивард ва Боғобод вилояти туманлари ҳукуматини Муҳаммад Иброҳим султонга берди. Зомин чаҳорбоғида Абдулмуъминхон ўлдирилиши рўй берган даҳшатли айём²⁶⁴ дан сўнг Хуросон шаҳарларининг барчаси шоҳ Аббос тасарруфи доирасига кирди²⁶⁵ ва Муҳаммад Иброҳим султон ҳам сафавийлар қўлига тушди. Баҳром қаҳрли ул шоҳ Мовароуннаҳрда юз бераётган узаро уруш ва Самарқанд вилоятида олий мартабали шаҳриёр Абулғозий Боқий Муҳаммадхон-

нинг тахтга чиққани ҳақида хабар топгач, тезда Муҳаммад Иброҳим султонни ёнига чақириб, ўртага ваъда-ю аҳду паймон, онт ва қасам сўзини солганча уни Мовароуннаҳр сари юборди²⁶⁶.

Бухоро волийси шайбоний Пирмуҳаммадхон ибн Сулаймон султон ибн Жонибек султон Самарқанд атрофида саодатманд шаҳриёр Боқий Муҳаммадхон аштархонийнинг ферузманд аскарларидан энгилиб, қатлга етгач²⁶⁷, Пирмуҳаммадхон амирларидан бири бўлмиш Худойназарбий қўнғирот қонли майдон ичидан соғ-омон чиқиб, Бухорода қолишни ҳам маъқул топмай, юрагига йўл топган кўрқинчи чексизлигидан Бухородан шу чиққанча муқаддас Машҳад сари ошиқаркан ҳеч қаерда тўхташни эп кўрмади.

Мовароуннаҳрга юзланган Муҳаммад Иброҳим султон ўзи турган ул беҳишт асосли манзилда унга дуч келди ва дарҳол машварату маслаҳат кўрвасини ўртага ташлашиб, мажлис аҳлидан ҳар бири ўз ақлу ҳуши етганча бир фикрни изҳор қилдилар. Шунда Худойназарбий қўнғирот одоб тиззаси билан ўтириб, ўтирганлар арзига қуйидагиларни етказди: – Яхшиси ва муносиби шуким, келинглар, ҳозирча Балх томонга юзланайлик, чунки шу кунларда ул мамлакат волийси бўлиб ўтирган Абдуламинхоннинг ота-онаси насаби маълум эмас, негаки, Абдулмуъминхон ўлдирилгач, бу ўлка тахтига ўтқазилш учун ўша юрт амирлари ана шу Абдуламинни Ибодуллоҳ султон ибн Искандархоннинг ўғли дея подшоҳ кўтаришган. Биз бораётганимиздан хабар топилса, бу масалада қарама-қарши турган кўпчилик амирлар ва лашкар аҳли биз томонга келиши турган гап. Шояд шу заўл ҳеч арзимаган бир ҳаракат билан ул вилоят осонгина эгалланса.

Бу гадибир маслаҳати тақдирга тўғри келиб, ҳаммага ёқиб тушди. Дарҳол фотиҳа ўқиб, йўналиш юзини Балх мамлакати сари тутдилар. Олиймақом шаҳзоданинг осмон ҳашаматли лашкари йўл юриб, ниҳоят, Андхуд шаҳрини ўз қароргоҳига айлантиргач, унинг бостириб келаётгани хабари шу ён-атрофларга таралди. Шунда Балх лашкари икки фирқага ажралди: бир гуруҳ Муҳаммад Иброҳим султон томон майл билдирдилар. иккинчи бўлак босқинчиларга қарши уруш қилишга тайёрланди. Муҳаммад Иброҳим султон ўрдуси тўла-тўқислик касб этгач, жаҳон олувчилик байроғини баланд кўтариб, қўшини билан Балх атрофига етиб борди. Ул диёр амирлари ва номдор ёшлари тўп-тўп, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, султон ёнига кела бошладилар. Улар Му-

ҳаммад Иброҳим султоннинг хос иноятига эришиб, мулозимлари қаторидан жой олдилар.

Абдуламинхон мавкабида саноқли кишиларгина қолган бўлиб, ниҳоят, улар ҳам бу аҳволни кўргач, ягона чорани фақат Абдуламинхоннинг ҳам ул султон истиқболига чиқиб, итоат занжирини буйнига солиши ва хонлик оти жиловигадага хизматта қаноат қилишдан булак нарсда топмадилар.

Муҳаммад Иброҳим султон Балх шаҳрига яқинлашгач, Абдуламинхон паришон хотирлик ва бағри кабоблик билан шаҳардан ташқари чиқди. Ул чексиз икки лашкар ва икки олий мартабали подшоҳ бир-бирига яқинлашгач, Абдуламинхон ёнида қолган аскарлар ҳам вафосизлик қилиб, Муҳаммад Иброҳим султон сипоҳига бориб қўшилдилар. Абдуламинхон ўзининг бу тарафдорларидан ҳам айрилгач, якка-ю ёлғиз қолди. Ёнидаги бир нечта одами эса ҳалиги маслаҳатга биноан унинг оти жиловини маҳкам ушлаганча Муҳаммад Иброҳим султон мулозиматига элтдилар. Абдуламинхон ноилож ва ночор отдан тушиб, Муҳаммад Иброҳим султоннинг узангисини ўпди. Муҳаммад Иброҳим султон Балх шаҳрига киргач, қадамини салтанат тахти узра қўйиб, хонлик ўриндигига чиқди. Бироқ, уша кечасиёқ, Худойназар Отолиқ маслаҳати ва айрим тарафдорлари гапига кириб, Абдуламинхонни ўлдирди ва ул мамлакатни мустақил ўзи бошқариш байроғини кутарди. Бу воқеа ҳижрийнинг 1009 йилига тўғри келган «сичқон йил»да рўй берди²⁶⁸.

Гапнинг қисқаси шуки, Муҳаммад Иброҳим султоннинг Балх ва Тахористонда ҳокимлиги бир йилдан ошиб, иккинчи йилга уланганда салтанатнишон шаҳриёр Абулмансур Боқий Муҳаммадхон аштархоний кўп сонли лашкар ва укалари билан Ҳисори Шодмон вилоятини эгаллаш учун йўлга тушди. Ҳумоюн мавкаб Чағониён Деҳнавига етишгач, ул диёр волийси, яъни Пирмуҳаммад султон [бин Сулаймон султон ибн Жонибек султон] ўғилларининг энг каттаси Убайдуллоҳ султон қалъа деворини мустаҳкамлаб, дарвозаларни беркитди. Муҳаммад Иброҳим султон бу хабарни эшитгач, ҳайрат денгизига чўмиб, бундан буёғига шаҳарда бемалол ўтиришни эп билмай, муҳориба асбоби ва уруш керак-яроқларини муҳайё қилганча шаҳардан ташқари чиқиб, Балх қишлоқларидан каттаси саналган Сиёҳгард мавзесида макон тутди. Бироқ, осмоний қазову қадар ва субҳони ирода бўлиб, Муҳаммад Иброҳим султон ўша манзил-

да бир хасталикка йулиқди. Масихонафас табиблар ва қадами кутлуғ ҳақимлар қанчалик даволашга уринмасинлар, касаллик султон танидан армади, муолижалар фойда бермади. Натижада, Муҳаммад Иброҳим султон қайтиш ноғорасини чалиб, охират сари қадам ташлади²⁶⁹. Шу билан Балх мамлакати бутунлигича шижоат нишон шахриёр Абулмузаффар Боқий Муҳаммадхон тасарруфи доирасига кирди.

Сайид Муҳаммад султон ибн Кепак султон ибн Бубой султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхоннинг зикри

Сайид Муҳаммад султоннинг акаси Севинч Муҳаммад султон вафот этгач, искандарнишонли соҳибқирон Абулфатҳ Абдуллоҳхон илтифот назарини бу хонадон вакили Сайид Муҳаммад султон сари ҳам қаратиб, Соғарж туманини акасига берган дастур буйича унинг ихтиёрига топширди.

Хуросоннинг айрим шаҳар ва туманлари Абдулмуъминхон тасарруфига киргач, отаси соҳибқирон Абдуллоҳхон олдиға одам юбориб, Сайид Муҳаммад султонни тилатди ва ёнига чақириб олиб, Хуросондаги Турбат вилояти ва унга қарашли бир нечта ноҳиялар ҳукуматини унга берди. Абдулмуъминхон Зоминда суиқасдчи амирлар кулида шахидлик жомини сипқоргач, Сайид Муҳаммад султон Балх тарафга юзланди ва Шибирғон вилоятиға етган чоғда Балх тахтиға Абдуламинхоннинг чиққани хабарини эшитди. Айни ўша пайтда Бухоро волийси Пирмуҳаммадхон (соний ибн Сулаймон ибн Жонибек султон)нинг Учқора мавзеида Таваккал султон қозоқ ҳамда Дашти Қипчоқ қушини билан тўқнашгани хабари кулоғига етди. Тухтовсиз суратда шошилганча Бухоро волийсига ёрдам сари ошиқди. Илғор солганча бориб, бошқа султонларга қараганда олдинроқ бухороликларга қўшилиб, ўзини урушга тайёр ҳолатга келтирди. Мовароуннаҳр амир ил-умароси ва бошқа амирларга қараганда ақлу фаросатда устун Муҳаммад Боқибий дўрмон Сайид Муҳаммад султонни хонликка муносиб кўриб, бу маслаҳатни айрим аъзам амирлар ҳузурида улар эътиборига ҳавола қилди ва агар мухолифларни енгишга муваффақ бўлинса, у ҳолда Сайид Муҳаммад султонни хонлик тахтга ўтқазиш ва бошқа султонларни унга тобе қилишга қатъий қарор берди. Аммо, осмоний тақдир ва субҳо-

ний ирода бўлиб, уша султонлик жанги куниси Сайид Муҳаммад сулгон ҳам, Муҳаммад Боқийбий дурмон ҳам уруш чоғи ҳалок бўлдилар²⁷⁰.

Сайид Муҳаммад султондан Жаҳонгир султон исмли бир уғил қолди.

Жаҳонгир султон ибн Сайид Муҳаммад султон ибн Кепак султон ибн Бубой султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхоннинг зикри

Бу Жаҳонгир султон отадан жуда ёш қолди. Сайид Муҳаммад султон улганда у ўн ёшида эди. Онаси отасининг амакиваччаси эди.

Пирмуҳаммадхони соний Таваккал султон қозокни мағлубиятга учратгач, Бухорода хонлик тахти ва жаҳонбонлик ўриндигига утирди. Жаҳонгир султонни Тошкент вилояти волнийлигига тайинлаб, Муҳаммад Саъид жалойирга эса унинг Отолиқи вазифасини юклади ва Жаҳонгир султонга қўшиб, ўша томонга юборди. Жаҳонгир султон ул диёрда бир йил ҳукумат юргизган даврда Бухоро волийси шайбоний Пирмуҳаммадхон соний билан Самарқанд ҳокими Боқий Муҳаммад султон (аштархоний) ўртасида низо чиқди ва «сичқон йил»га туғри келган ҳижрий 1008 йил²⁷¹ да Боқий Муҳаммад султон катта лашкар билан Миёнколни эгаллаш учун юриб, у ернинг мустаҳкам қалъаси Дабусияни қамал қилди. Урушда иштирок этаётган Жаҳонгир султон ҳам Дабусия қалъасига кириб беркинди. Боқий Муҳаммад султон бу мустаҳкам қалъани фатҳ этгач, Жаҳонгир султонни Бухоро волийси Пирмуҳаммадхон олдига юборди.

Гапнинг қисқаси шуки, Пирмуҳаммадхони соний Самарқанд навоҳисида енгилиб, муҳолиф (Боқи Муҳаммадхон аштархоний) томонидан жангда улдирилгач, Жаҳонгир султон қочиб, Балх волийси Абдуламинхон олдига борди. Балх подшоҳи илтифот назари билан манзур тутиб, Шибирғон вилояти ерларини унга берди. Муҳаммад Иброҳим султон Балх вилоятини истило қилган даврда Жаҳонгир султонни ўша дастур билан ўз ўрнида қолдирди. Балх мамлакати Боқий Муҳаммадхон қўлига ўтгач, Жаҳонгир султон қочиб, Ироқ волийси шоҳ Аббос паноҳига борди. Анча муддат шоҳлик илтифоти остида яшади. Кўп ўтмай, Боқий Муҳаммадхон вафот этиб, Балх волийси бўлиб утирган укаси

Вали Муҳаммадхон Бухорода Мовароуннаҳр тахтига чиқди²⁷². Ушанда Жаҳонгир султон унга қарши бош кутариб чиқиб, Фаржастон вилоятини қўлга киритди ва тез-тез Маймана, Форёб ва Шибиргон агрофларига боскин-чопқин уюштириб турди. Балх халкидан жуда кўплаб ханжар санчар ёшлар ва Назарбий кофурруй, Навруз ҳожи, Ҳайрон мирзо боши, Абдураҳмон девонбеги, Ҳасан чухра оқоси ибн Али Мардон баҳодир, Шоҳ Саъид каройит, Надр кўрчибоши ибн Жон Бури ясовул каби атоқли амирлар ва бошқа кишилар Жаҳонгир султон мулозиматига ошиқиб, итоаг занжирини ўз бўйинларга ташладилар. Шундан сўнг Жаҳонгир султон қаттиқ мағрурланиб, катта лашкар билан Балх мамлакатларини эгаллаш ниятида йўналиш байроғини ул тарафларга қарата ҳилпиратди. Маймана навоҳисиди Вали Муҳаммадхон амирлари ва шу хон томонидан Жаҳонгир султонни йўқотиш учун юборилган кўп сонли қўшин билан тўқнаш келди. Икки томондан жанг олови аланга олиб, Жаҳонгир султон бошқа довюрраклар ҳамроҳлигида уруш майдонида душманига қарши мардонатор курашди. Бирок, худо хоҳишига кўра, ул хонатор давлати офтобни ботиш уфқи сари энган экан, бу барча жангу жадал ва ботирликлар билан иш битмади ва ҳеч натижа чиқмади. Шу сабабли қайтиш табл²⁷³ ини чалиб, Фаржастон томонга йўналди.

Сўнг яна бир бор тез бир суратда Балх томон юзланди. Йўл асносида Муҳаммад Боқи тўқсобанинг сон-саноксиз лашкар билан ёрдамга келаётгани ва ҳозир Жайҳун дарёсидан кечиб утаётгани хабарини эшитди ва шу манзилдан шитоб билан Жайҳун дарёси бўйига илғор солди. Бу хабар Балх аҳли қўлоғига ҳам эшитилди ва шу сабабли хоннинг Балхдаги нойиби Надр Муҳаммадхон аштархоний Бухородан ёрдам тариқасида келиб, Балхда турган Ялангтушбий ва Бобобийга Давлат туфангандоз ҳамроҳлигида дарё бўйига бориб, Муҳаммад Боқи ясовул одамларининг дарёдан ўтишига кўмаклашиш ва уларни жангга тайёрлаб, биргаликда душманни йўқ қилишлари борасида фармон берди.

Жаҳонгир султон эса ўзининг талайгина лашкари билан дарё бўйига, айнан, Муҳаммад Боқи ясовулнинг тўла ҳашамат ва дабдаба билан эндигина дарёдан кечиб ўтган пайти етиб борди. Устига устак шу ерда Балхдан ёрдамга келаётган жамоа ҳақида ҳам хабар топиб, келган жойида тўхтаганча ён-атрофида ўр (чуқур) қаздириб, яхшигина ўрнашиб олди ва жанг учун шай ҳолат-

да турди. Алқисса, аскарлар бир-бирига рупара келгач, сурнай-карнай садолари «у сур чалинадиган кундир»²⁷⁴ маҳобати ваҳимасидан тухтовсиз янграй бошлаб, икки томон довиюраклари узини жанг майдони ва уруш йиғингоҳига урдилар. Жаҳонгир султон томонидан шижоат ўрмонининг арслони Ёр Муҳаммад Дев Султонбеги узининг жасурлик ва қахрамонлик ода-ти буйича зумрад рангли қиличини қасос қинидан суғуриб, жанговар тавсанини душман томон учириб кетди. Шу боришда мухолиф тусиқ ўрнида қуйган шохабанд устидан отини сакратиб ўтиб, душман аскарлари билан қилич уруштира кетди. Улардан анчагинаси қонини тўккач, шу аснода, тўсатдан саманд отининг олд оёғи ўр ичига кириб, Ёр Муҳаммад Дев Султонбеги эгардан қулаб тушди. Фурсатдан фойдаланган бир гуруҳ пиёдалар унинг устига бостириб келиб, калласини танасидан жудо қилишди. Худди шунингдек, отаси кетидан от чоптириб келаётган ўғли ҳам ана шу балога гирифтор бўлди. Фақат ота-бола эмас, балки Жаҳонгир султон довиюракларидан қайси бири қияликка от солса, мазкур шохабандга дуч келишиб, бу балодан қутулиб кета олмадилар. Ниҳоят, Жаҳонгир султон лашкари қочмоқдан бошқа чора топмай, юзларини қочиш водийси томон бурдилар. Жаҳонгир султон шу кетишда Фаржастон томонга кетди. Муҳаммад Салим султон²⁷⁵ эса Бухоро томонларга кетиб қолди.

Орадан кўп ўтмай, Балх халқидан айримлари Жаҳонгир Султонга мактуб битиб, уни Балхни эгаллаш учун чақирдилар. Жаҳонгир султон уларнинг ваъдаларига биноан яширинча келиб, Балх шаҳрига кирди ва бир бурчакда бекиниб ўтирди. Жула кўп ботир кишилар унинг олдига келиб, Жаҳонгир султонга эргашиш қўлини бердилар ва онт-қасам ичганча рамазон ҳайити кечаси йиғилиб, сўнг бош кўтариб чиқишга келишиб олдилар. Бироқ, бу гаплардан хабардор бир шахс Ҳожибий қушчи ва Оллоҳёр девонбеги олдига бориб, уларни мазкур ҳодисадан огоҳлантирди. Ҳожи отолиқ ва Оллоҳёр девонбеги наввоб Надр Муҳаммадхон мулозимларидан анчагина киши билан ҳақиқатни текшириб кўргач, исёнчилар тонгда қўзғолон кўтариб чиқиши мўлжалланган рамазон ҳайити оқшомиси Жаҳонгир султон яшириниб ётган ерга туйқусдан бостириб бордилар ва Жаҳонгир султонна ҳибсга олиб, эртаси саҳарда бошини танасидан жудо қилишди ва кесилган калласини Ҳожи отолиқ билан Бухорога

Вали Муҳаммадхон ҳузурига юбордилар²⁶. Шу тариқа ул дивер халқи тус-гуполон ва гапвишдан қугулдилар.

Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхон ва ул саодат нишонли шаҳриёрнинг авлодлари зикри

Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхон ҳаётида кечган воқеалар қисқача баёни шуким, Жонибек султон алолагсевар ва динпарвар бир подшоҳ бўлиб, сиёсат ва шижоат гарикатида ҳам ном қозонган подшоҳ эди. Муҳаммадхон Шайбоний замонида Фарғона ва Андижон улкаларида ҳукумат юргизди. Шайбонийхон Марв вилоятида шаҳидлик даражасини топгач. Мовароуннаҳр Бобур Мирзо томонидан озод қилинди. Саккиз ой ўтгач Жонибек султон Туркистондан чиқиб, Убайдуллоҳ султон билан бирга Бухорони эгаллаш учун уша томонга йўналди. Бухоронинг ғарбидаги Кўли Маликда Бобур Мирзо билан гўқнашиб, ғаним лашкари устидан ғалаба қозонди²⁷. Шунинг учун султонлар ҳаммаси бир бўлиб, вилоятларни тақсимлашни Жонибек султон ихтиёрига топширдилар. Ул фархунда нишонли шаҳриёр қадимга қоидага риоя қилиб, Самарқандни Кучкинчи-хон ва Муҳаммад Темурхон амри ва фармони остига ўтказди. Тошкент вилоятини Севинчикхонга бағишлади. Бухоро ҳукумати Убайдуллоҳ султоннинг мероси бўлгани учун уни яна ҳазрат Убайдуллоҳ султонга топширди. Қорақул вилоятини ҳам жалду (мукофот) расми билан Убайдуллоҳ султон ерларига қўшиб берди. Миёнкол ва Нурга қарашли Ҳазора, Самарқандга яқин Сўғди калон туманини ўзи ва фарзандлари учун олиб қолди ҳамда шу мамлакатда ҳашамат байроғини қилпиратди.

Нажми соний лақабли Ёр Муҳаммад Исфаҳоний шоҳ Исмоил буйруғи билан Мовароуннаҳрни эгаллаш учун ёнидаги Баҳром ғазабли лашкар ва Бобур Мирзо ҳамроҳлигида бостириб келиб, Бухоро навоҳисида қўш ташлаганда ва Муҳаммад Темурхон, Абусаъид султон Фиждувон қалъасига беркиниб, Нажми соний аскарлари томонидан қамал қилинган пайтда Жонибек султон Убайдуллоҳ султон билан бирга Бухородан чиқиб, дин душманлари устига бостириб келди. Жасур ва мардонавор киши бўлгани сабабли мухолифнинг қуюндек лашкарини писандига илмай, қўрқмасдан улар устига ташланди. Унга рўпара чиққан Байрам-

бек қаромонлу каби довюрак ва паҳловон ғаним сардорини бир ҳамлада эгардан ерга уриб туширди. Амир Нажми соний бу воқеани кўриб, ташвишга тушди ва юзини уруш майдонидан ўгириб, қочиш пайти ўқ зарбидан яқинлари орасига қулаб тушди.

Жонибек султон ҳамиша Убайдуллоҳ султон билан мамлакат олиш сафарларида бирга бўлди. Хуросон ўлкаси шаҳарларини эгаллашда ҳам Убайдуллоҳхон билан келишиб иш тутди.

Балх мамлакатини Муҳаммад Замон Мирзо тасарруфидан чиқариб олиб, у ерларни ўғли Кистан Қора султонга иноят қилди.

Ҳақиқатдан ҳам Жонибек султон динпарвар, шариат қонунларини ёйгувчи, олий мартаба ва эҳсонини сира дариг тутмайдиган шахриёр эди. Шижоат ва довюраклиги довруғи барча ерларга етган, салобати ва баҳодирлиги овозаси фалакдаги маллақлар қулоғига ҳам кирган эди. Шижоат ва довюраклик йиғинигоҳида жасурлиги ва паҳлавонлиги етуклигидан Рустами дoston руҳи уялар, муҳориба ва қилич санчиш пайти қон оқизувчи катта вазнли шамшири ва оғир гурзисини енгилгина кутарганида еттинчи қат осмонга оғринар, ўқ-ёйидан қурққан қушлар кузига тунда уйку келмас эди. Сувдек ялтироқ қиличи жанг денгизида ҳамиша душман елкасигача сузиб борар, қонли шамшири шуъласи уруш даштида доимо ғанимнинг ҳаёт хирмониға ут қўярди. Маишат базми ва беҳиштга ўхшаш ўтириши ҳур юзли ёшлар билан безанар, ишрат ва чақчақлик мажлиси Эрам гулистони сингари жанжал тикани озоридан холи бўлиб, ҳеч бир тилғмалик билан тақаллуфсиз равишда ва сўзамоллик ҳамда маддоҳликка берилмай айтиш мумкинки, ул хусравнинг мазкур дидёрда адолат шиор, мулойим гуфтор, яхши хулқ, эзгу ишлар билан подшоҳлик қилиши, мардоналиги ва ботирлиги бошқа шайбоний султонларидан бир неча бор устун эди.

Бу адолатпеша шахриёр 935 йили²⁷⁸ ўткинчи жаҳон билан видолашиб, Эзидий раҳмат ёниға етишди, жаннатнинг ризвон боғи ва бўстон саройиға юзланди. Жонибек султоннинг қуйидаги тартиб бўйича ўн икки нафар ўғил фарзанди бор эди. Улардан Дўст Муҳаммад султон, Кистан Қора султон, Поянда Муҳаммад султонларнинг онаси амир Абдулалӣ Тархоннинг укаси Қанбар Алибекнинг қизи эди. Рустам султон, Искандар султон, Исфандиёр султон, Сулаймон султонлар эса Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон Кошғарийнинг қизидан туғилган эдилар. Пирмуҳаммад султон, Шоҳмуҳаммад султонларнинг онаси муғул амирла-

ридан бирининг қизи эди. Ёр Муҳаммад султон муғул амирларидан булмиш Султон Муҳаммад Танбалнинг кизидан дунёга келганди. Жон Муҳаммад султон, Нур Муҳаммад султонлар канизак аёлдан туғилганлар.

Дўст Муҳаммад султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхон

Дарвишниҳод, фархунданаход, юмшоқ табиат ва камозор, оғир-босиқ бир подшоҳ эди. Жонибек султон бошқа фарзандларига қараганда шу ўғлига кўпроқ иноят ва илтифот кўргузарди. Дўст Муҳаммад султон «иржаъ²⁷⁹» (қайтгил) нидосини эшитиб, ваҳшатобод дунёдан охират саройига кўчди. Унинг Робия султон хоним исмли битта қиз фарзанди бор эди. У Темур султон Ҳисорийнинг никоҳида эди. Бу никоҳдан Муҳаммад Ҳошим султон туғилган.

Поянда Муҳаммад султон, Исфандиёр султон, Шоҳмуҳаммад султон, Жонмуҳаммад султонлар узоқ умр кўрмай, баъзилари падари бузруквори ҳаёт пайти ва айримлари ул шаҳриёр вафотидан сўнг худо раҳматига етишганлар. Улар аҳволи бу каминанага шулардан кўпроқ суратда маълум бўлмагани, қолаверса, улардан ўринбосар фарзандлар қолмагани сабабли ноилож мишқин қалам Жонибек султоннинг бошқа авлоди зикрини рақам қилишга киришди.

Кистан Қора султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуғ хон Абулхайрхон зикри ва унинг салғанат нишон султон фарзандлари аҳволи қисқача баёни

Кистан Қора султон шавкат ва қудратли, Рустам шижоатли бир подшоҳ эди. Отаси Жонибек султон 932 йилнинг биринчи рамазон²⁸⁰ и пайшанба куниси Балх мамлакатини Муҳаммад Замон Мирзо тасарруфидан чиқариб олиб, вилоят ва туманларини Кистан Қора султон ҳукумати остига берди ва у ул мамлакатда умрининг охиригача ҳукумат байроғини ҳилпиратди. Убайдуллоҳхон вафот этгандан сўнг 948 йил рабиуссоний ойи²⁸¹ да Бухоро шаҳрига бориб, Муғул хонимни ўз никоҳига олди ва ўзи би-

лан Балхга келтирди. Ўша йилнинг ражаб ойида эса ёқимли хислатли ул хусрав димоғига паришонлик йул топди. Салтанати айёmidан ун саккиз йилу икки ой ўтганда, аниқроғи, 951 йил ражаб ойининг йигирма биринчиси²⁸² пайшанба куни вафот этиб, худо раҳматига етишди. Унинг иккита ўғил фарзанди бор эди: Қилич Қора султон ва Жон Қора султон.

Қилич Қора султон ибн Кистан Қора султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхоннинг зикри

Етук даражада тарбия топган назокатли ва илмли подшоҳ эди. Кўпинча форсий тилда сўзлашарди. Туркий тилда гаплашмасди. Отаси бу борада унга танбеҳлар бериб, ўз она тилиси булган ўзбек тилида сўзлашишни талаб қиларди. Отаси Кистан Қора султон вафот этгач, Балхда тож ва тахт эгаси бўлиб, амирлар ва давлатнинг ганиқли кишилари иттифоқликда уни салтанат ўриндигига ўтқаздилар. Ул диёрда бир ярим йилу ўн етти кун ҳукумат тавсанини чоптиргач, амакиси Пирмуҳаммад султон ибн Жонибек султон Балхга юриш қилиб, метин қалъали ул диёрга эга чиқди. Балх мамлакатини Қилич Қора султон қўлидан тортиб олиб, ўзи салтанат тахти ва ҳукумат ўриндигига ўтирди. Қилич Қора султон эса Мовароуннаҳрга юборилиб, бир неча кун Соғарж вилоятида ҳукумат байроғини ҳилпиратди. Насаф волийси Худойберди султон исқандарнишон Абдуллоҳ султон ибн Исқандар султон аскарлари босқин-чопқинидан жони ҳалқумига келиб, Насафни Соғарж туманига алмаштирди²⁸³ ва Қилич Қора султон Қарши томонга кетди. Исқандарнишон соҳибқирон бу воқеадан хабар топиб, Қарши атрофидаги Авғанак мавзеида Қилич Қора султонга етиб олди ва икки орада уруш бошланди. Абдуллоҳ султон бир ҳамладаёқ Қилич Қора султонни аскарларини тор-мор келтирди, Қилич Қора султон эса жангда асир тушди. Ул ҳазрат раҳм-шафқат қилиб, Қилич Қаро султоннинг озодлигини ихтиёрига топширди ва ўз ҳолига қўйиб берди²⁸⁴.

Қилич Қора султон 967 йил жумодиссоний ойи²⁸⁵ нинг еттинчиси душанба куни ов қилиб юрган чоғи Садр Аҳмад ибн Қул Аҳмад Кукалтош отган ўқдан яраланиб, шаҳодат даражасини олди. Ундан насл қолмади.

Жон Қора султон ибн Кистан Қора султон ибн Жонибек султоннинг зикри

У отаси Кистан Қора султон вафот этгач, бир неча кун акаси Қилич Қора султон билан иттифоқликда бўлди. Амакиси Пирмуҳаммад султон ибн Жонибек султон Балх мамлакати ва унга тобе ерларни истило қилгандан сунг ноилож амакисига итоат қилиб, унинг хизматида умр кечирди. Жон Қора султон уша куйи юрганича қайтиш таблицини чалиб, ҳаёт куч-қулони охираат томонга орқалаб кетди.

Пирмуҳаммадхон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхоннинг зикри

У 953 йил сафар ойининг унинчиси²⁸⁶ (ду)шанба куни Балхни ўз акасининг ўғли Қилич Қора султон кўлидан тортиб олиб, тасарруфига киритди ва ҳукумат байроғи ва юрт бошқариш туғини шу мамлакатда баланд кутариб, салтанат суянчиғига суянди. Қўшин ва халқ билан яхши муносабатда бўлди.

956 йил шаъбон ойининг биринчиси²⁸⁷ пайшанба куни Хумоюн подшоҳ ибн Бобур подшоҳ Кобулистон лашкари билан Балх атрофига келиб, қалъа қамалига киришмоқчи бўлди. Бироқ, икки кун туриб, орқага қайтиш ногорасини чалдирди ва Кобул вилоятигача жиловини Балхга тобе бирон манзилда макон тутиш учун бурмади.

957 йил раби ул-аввал ойи²⁸⁸ нинг чоршанба куниси Шибиргоннинг Дарзобида куп аймақ ва сон-саноқсиз халқни узига буйсундириб, халқ ҳам уни ўз пешвоси ва раҳбари сифатида тан олган Худойберди қаландар Пирмуҳаммад султонга қарши жанг майдонига тушиб, уруш қилди. Анча жангу жадалдан сунг ул жоҳил ва ғофил гуруҳ енгилиб, қочди.

957 йили²⁸⁹ Абдулазизхон ибн Убайдуллоҳхон ибн Маҳмуд Султон ибн Шоҳ Будоғ султон Бухоро мамлакатида вафот этиб, Муҳаммадёр султон ибн Севинч Муҳаммад султон ибн Муҳаммадхон Шайбоний ибн Будоғ султон ул диёрда салтанат байроғини ҳилпиратгач, Пирмуҳаммадхон катта лашкар билан Бухорога таъзия билдириш учун ошиқди. 957 йил шаъбон ойининг учинчиси²⁹⁰ якшанба куни шу баҳона билан Бухоро шаҳрига кириб, у ерни эгаллади. Бир йил давомида Бухорода яшаб, ул юрт салтанатини Муҳаммадёр султонга қайта топширди ва қайтиш байроғини Балх томон ҳилпиратди.

Бароқхон 963 йил зу л-қаъда ойининг ўн саккизинчиси²⁹¹ пайшанба оқшоми Самарқандда дунёдан ўтгач, Пирмуҳаммад султон ўша шайбоний султонлар бирдамлиги ва розилиги билан хонлик тахтига қадам қўйиб, подшоҳлик ўриндигига ўтирди. Мовароуннаҳр, Туркистон ва Балх ўлкаларининг барча юрт ва шаҳарларида хутба ва танга ул подшоҳ номи ва алқоби билан безанди. Ул ўлкаларда дирҳам ва динарлар юзига ул хўжаста фаржом шаҳриёрнинг донгдор номи ва машҳур исмини нақш қилдилар. Чунки, ўша вақтда шайбоний султонлари орасида ёш жиҳатдан Пирмуҳаммад султондан каттароқ ҳеч ким йўқ эди.

967 йил зу л-қаъда ойининг йигирма олтинчиси²⁹² душанба куни Бадахшон подшоҳи темурий Иброҳим Мирзо акаси Шоҳ Сулаймон Мирзо билан Балх ва Шибирғон вилоятини эгаллаш мақсадида бутун Бадахшон ўлкасидан лашкари йиғиб, Шибирғоннинг Сарипулида Пирмуҳаммадхон билан тўқнашди. Пирмуҳаммадхонга ёрдам учун келган исқандарнишон соҳибқирон Абдуллоҳ султон ибн Исқандар султон биринчи ҳамладаёқ Бадахшон сипоҳини мағлубиятга учратди. Абдуллоҳ султон ҳазратлари қайтиб кетгач, мазкур йил зулҳижжа ойининг йигирманчиси²⁹³ пайшанба куни Ироҳим Мирзо Пирмуҳаммадхон мулозимлари қўлига тушиб, ўн беш кундан сўнг хонликнинг сиёсат қалами бу Мирзонинг ҳаёт саҳифасига юзига қатл рақамини тортди. Уни ўлдирган жаллоднинг номи Курок баҳодир бўлгани учун шоирлардан бири бу воқеа таъриhini «Курок гашт азиз» (Курок азиз бўлди) дея топганди. Хуш калом шоир мулло Ҳозирий эса бунга таърих тариқасида «ин ал-ҳўкм вал-тақдир» сўзларини ишлатганди.

Йигирма йилу олти ой ва ўн кун хонлик тахтида ўтиргач, 974 йил шаъбон ойининг йигирманчиси²⁹⁴ шанба куни оламдан ўтди. Ундан уч ўғил фарзанд қолди: Динмуҳаммад султон, Подшоҳ Муҳаммад султон ва Шоҳмуҳаммад султон.

Динмуҳаммад султон ибн Пирмуҳаммадхон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхоннинг зикри

Отаси вафот этгач, тож соҳиби бўлиб, мустақил юрт тахтига ўтирди ва отасининг барча амир ва давлат аёнлари белига камар боғлаб, унинг хизмати узангиси мулозимми бўлдилар.

Динмуҳаммад султон дастлабки пайтларда исқандарнишон соҳибқирон Абдуллоҳхонга нисбатан ҳамжиҳатлик, ихлос ва тарафдорлик изҳорини қилган бўлса-да, аммо кечган кўп воқеалар ойна ва кўзгу мисоли унинг аслида қаршилиққа мойил башарасини кўрсатди. Шунга кўра Искандар асосли Абулғозий Абдуллоҳхон Шибирғон ва Балх вилоятларини эгаллаш учун йўналди ва 980 йили муҳаррам ойи²⁹⁵ да мадинатур-рижол Термиз шаҳрини эгаллади. Ул диёр волийси бўлмиш Подшоҳ Муҳаммад султонга раҳми келиб, зиён-заҳмат етказмасдан Балхга акаси Динмуҳаммад султон олдиға қўйиб юборди. Келгуси йили Жайҳун дарёсидан кечиб ўтиб, анча вақт чўзилган қамалдан сўнг Ҳиндувон қалъаси номи билан ҳам танилган Балх қалъасини ўз тасаруфига киритиб, Балх мамлақатида салтанат байроғини ҳилпиратди. Динмуҳаммад султоннинг гуноҳидан ўтиб, илтифот ва маҳрибонлик назарига мушарраф қилди ва дилкаш Кеш вилоятини дарубаст йўсини билан унга топширди. Аммо, Динмуҳаммад султон айрим фитна кўзғовчи кишилар сўзига кириб, Тошкентга Бобо султон олдиға қочиб борди. Бобо султон соҳибқирон ҳоқон билан урушиб, қочиш сари тутинган пайт Динмуҳаммад султон қўлга тушди. Динпаноҳ ҳоқон яна гуноҳидан кечиб, уни Хоразм йўли орқали Маккайи муаззамага жўнатди. Бироқ, Динмуҳаммад султон Хоразмданоқ қайтиб келиб²⁹⁶, тағин Бобо султон олдиға кетди. Кўп ўтмай Туркистон мамлақатида он ҳазрат мулозимлари қўлиға асир тушиб, ниҳоят, Чаҳоржўйда маҳбусликда сақланаётган пайти охират сари юзланди.

Подшоҳ Муҳаммад султон ибн Пирмуҳаммадхон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуғ ҳоқон Абулхайрхоннинг зикри

У отаси вафот этгандан сўнг акаси Динмуҳаммад султонга эргашиб, унинг сўзидан ва чизган чизигидан сира ташқари чиқмади. Искандармакон соҳибқирон Абулфатҳ Абдуллоҳхон Балх ва Шибирғон вилоятларини қўлга киритгач²⁹⁷, Подшоҳ Муҳаммад султонни илтифот назари билан манзур тутди ва улуфа, рутба тайинлаб, Бухоро вилоятиға кирувчи Миёнколот туманини дарубаст йўсини билан унга берди. Шундай бир илтифотли кунлар рўй бериб турганда айрим бузғунчи ёмон хислатли кишилар гапига кириб, ҳеч сабабсиз юзини қочиш водийси сари бурди.

Кулга тушгач эса эҳтиёт юзасидан кўзига мил тортдилар. Акаси Динмуҳаммад султон ҳибсада пайти улдирилгач, унга ҳам улим шарбатини ичирдилар.

**Шоҳмуҳаммад султон ибн Пирмуҳаммадхон ибн
Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуғ хоқон
Абулхайрхоннинг зикри**

Отаси Пирмуҳаммадхон вафот этгач, у ҳам акаси Динмуҳаммад султон билан оғзи бир бўлди ва доимо хизматида белига камар боғлаб, фармонларини сўзсиз бажариб юрди. Балх мамлакати ва тобе туманлар Динмуҳаммад султон тасарруфидан чиқиб, соҳибқирон Абулфатҳ Абдуллоҳхон қўлига ўтгач, Динмуҳаммад султон хоннинг илтифот кўрсатиб, Кешни берганига қарамай, у ерга бормай, ишончсизлик ва ҳадик орқасида Тошкентга Бобо султон олдига қочиб кетганида ҳазрат Абдуллоҳхон раҳми келиб Шоҳмуҳаммад султонни ёнида ўз ўғли ўрнида сақлади. Динмуҳаммад султон мухолифат йўлидан чиқмай, оқибатда сиёсат қиличи билан қатл этилгандан сўнг у ҳам акаси кетидан охират сафари жабдуғини боғлади.

**Рустам султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум
султон ибн улуғ хон Абулхайрхон зикри ва
рустамнишон ул шаҳриёр фарзандлари аҳволи баёни**

Олий ҳиммат ва ғайратли, Рустам шижоатли ва Баҳром савлатли подшоҳ эди. Диёнатда баркамол бу султон отаси тирик пайти Куфийн вилоятида ҳукумат юргизди. Ул феруз шавкат ва баланд мартаба шаҳриёр жанг денгизи наҳанги ва жасурлик ўрмони паланги бўлиб, шижоат ва довюрликда иккинчи Рустами дoston саналарди. Искандар нишон соҳибқирон Абулфатҳ Абдуллоҳхон ҳали султонлик пайти Насаф вилоятини бошқараётган даврда Бобо султон ака-укалари ва Тошкент, Туркистон, Аҳси ва Андижон лашкари билан отаси Бароқхон буйруғига биноан Насаф вилоятини босиб олиш учун йўналиш байроғини кўтарди. Тарафлар дучма-дуч келгач, ҳар икки томондан уруш олови аланга олди. Рустам султон шу жангда амакизодаси Абдуллоҳ султон ёнида бўлиб, лашкарнинг қалб қисмида турди ва

довюраклик ва мардоналик хислатининг қандай юксак ва олий намунаси бўлса ана шуларни тула намоён этди. Жуда кўп мухолиф аскарини диловарлик билаги билан эгардан ер тубан пастга кулатиб, баъзиларининг бошини танасидан жудо қилди ва жасадларини калхату қашқирларга ем қилди. Душман лашқари ҳаддан зиёд бўлгани сабабли Рустам султонга қарши ён-атрофдан кўп ҳужумлар уюштиришиб, ниҳоят, Рустам шижоат ул шаҳриёрни уқ зарби билан ярадор қилдилар. Рустам султон шу ўқнинг оғриқли ярасидан бу дунёни тарк этди²⁹⁸.

Ўзбек султон ибн Рустам султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуғ хон Абулхайрхоннинг зикри

Унинг асл номи Умарғози, лақаби Ўзбек султон. Отасига ўхшаб ўта шижоаткор эди. Соҳибқирон исқандарнишон Абулғози Баҳодирхон унга жуда кўп меҳрибончилик қилар ва иззат-ҳурматини жойига қўярди. Бундай эҳтиром сабабларидан бири Ўзбек султоннинг соҳибқирондан ёш юзасидан икки-уч ой катталиги ҳам эди.

Ул соҳибқирон аъло ҳазрат Насаф ва Кешни мухолифлар қулидан озод қилгач, бу мамлакат бошқарувини Ўзбек султон жанобларига топширди. Ҳисори Шодмон вилояти ён-атроф туманлари билан бирга соҳибқирон тасарруфига ўтгач, ул мамлакат ҳукуматини эркин-амин бошқариш йўсини буйича Рустам султонга иноят қилиб, бошқа ака-ука шайбоний султонлардан даражасини юқори қилиб қўйди. Бадахшон мамлақати ва унга тобе юртлар соҳибқирон томонидан фатҳ этилган кезлар²⁹⁹ да соҳибқирон Абулфатҳ Абдуллоҳхоннинг муборак кўнглига Тошкент вилояти волийси бўлиб ўтирган Дўстум султон лақабли акаси Абдулқуддус султон ибн Искандар султондан ул диёр халқи бепарволиги сабабли андак гина ғубори ўтирди ва шу сабабали ул вилоятни барча шаҳару туманлари билан бирга тортиб олиб, Ўзбек султон ихтиёрига топширди³⁰⁰.

Искандарнишон соҳибқирон Хуросон мамлакатларини эгаллаш учун кетиб, Машҳад шаҳри атрофида қамал учун ўтирган чоғда авбош ва бебош кишилардан анчагинаси қадду қоматда Бобо султонга ўхшаб кетадиган бир шахсни подшоҳ эълон қилдилар ва «бу одам Бобо султон ибн Бароқхон» дея эл аро овоза тарқатиб, Тош-

кент атрофидаги шаҳар ва қишлоқларни босқин-чопқин қилдилар. Шу сабабли Искандар шавкатли соҳибқирон хон Хуросон юришидан қайтиб келгач, бепарволикка йул қўйгани айби билан Ўзбек султонни ул мамлакат ҳукуматидан бўшатиб, Куфийн вилоятига ҳоким қилиб юборди. Тошкент вилояти ва туманларини эса иккинчи марта Абдулқуддус султонга қайтариб берди³⁰¹.

Ахси ва Андижон ҳокими Исфандиёр султон ўша вилоятда оламдан ўтгач, ул мамлакат ҳукумати Ўзбек султонга берилди. Ва ул номдор хуш ахлоқли хусрав умрининг охиригача ул диёрда ҳукумат тавсанини чоптирди. Соҳибқирон билан ўғли Абдулмуъмин султон ўртасида келишмовчилик ва низо орқасида уруш келиб чиқай деб турган маҳал Ўзбек султон Ахси ва Андижондан чиқиб, ўзини тез бир суратда Абдуллоҳхон ёнига етказди ва панду насиҳатлар қилиб, ул ҳазратнинг ғазаб оловини пасайтирди.

Искандар мисол соҳибқирон Самарқанд шаҳрида вафот этгандан сўнг, шу воқеадан сал олдин ул ҳазрат топшириғига биноан Алиобод қишлоғида қишламиш расми билан турган Ўзбек султон Ахси ва Андижон томонга қараб кетди. Балхдан келиб, Самарқандда отаси ўрнига тож кийиб тахтга чиққан Абдулмуъминхон ўз қариндошлари ва отасининг айрим амирлари жони қасдига тушиб, Тошкентнинг машҳур қишлоқларидан саналган Шаробхона қўриғида ўз амакиси Абдулқуддус султонни барча фарзандлари ва неваралари билан бирга ўлдириб, кўнгли таскин топган кезларда қўрқувга тушган Ўзбек султон ўғилларини Таваккал султон қозоқ ҳузурига юборди. Ўзи эса Ахси қалъасини мудофаа учун Абдулмуъминхонга қарши беркитди. Абдулмуъминхон Ахси қалъаси атрофига келиб, Ўзбек султонни қамалда қолдирди. Ўша қамал пайти бир неча кун ўтиб Ўзбек султон баданида ланжлик сезиб, шу касаллик сабабли охират оламига кетди. Ундан икки нафар яхши хислатли ўғил ёдгор қолди: Ҳазора султон ва Пирмуҳаммад султон.

Ҳазора султон ибн Ўзбек султон ибн Рустам султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуг хон Абулхайрхоннинг зикри

Унинг асл исми Искандар султандир. Олий ҳиммат, Искандар шавкат, соғлом таъли ва ўткир зеҳнли шаҳзода бўлиб, кўп вақтини гул юзли ёшлар ва замон олиму фозиллари мажлисида

утказарди. Онаси Темур султон³⁰² нинг қизи эди. Искандар нишон соҳибқирон Абулғозий Абдуллоҳхон тирик пайтида Ҷратепадан иборат Усрушана, Фарғул(Фарғар) ва Масчой вилояти ва шу ерлар туманлари ҳукумати Ҳазора султонга тааллуқли эди. Аъло ҳазрат соҳибқирон Самарқандда вафот этгач, Ҳазора султон отаси Ўзбек султон билан бирга Андижонга ошиқди. Абдулмуъминхоннинг кўп лашкар билан Тошкентга бостириб бориб, амакиси Абдулқуддус султонни бола-чақалари билан қатл этгани Ўзбек султон қулоғига етишгач, тухтовсиз суратда Ҳазора султон олдига йўрға отда бир одам юбориб, уғлини Аҳси қалъасига олиб келтирди. Бироқ, бунга ҳам қаноат қилмай, қўрқувдан Ҳазора Муҳаммад султонни укаси Пирмуҳаммад султон билан бирга Таваккал Султон қозоқ томонга жўнатди. Ўзи эса Аҳси қалъаси деворларини мустаҳкам ва устувор қилишга киришиб, қалъа сақловчилик байроғини кутарди.

Хонликдаги вазиятни кўрган Таваккал Султон қозоқ бошқа қозоқ султонлари билан бирга Қуръони каримга қасам ичиб, бир умр Ҳазора султон билан иттифоқ ва ҳамдам бўлиш, унга сира қарши чиқмаслик ҳамда унга қарашли ерларнинг ҳеч бирига зарар ва зиён-заҳмат етказмаслик ва Туркистон, Мовароуннаҳр мамлакатларидан қайси бир вилоят эгалланса у билан бирга баҳам кўриб, тенг-баробар тақсимлашга аҳду паймон қилдилар. Алқисса, Абдулмуъминхон Зомин вилоятида 1006 йил зу л-қаъда ойи³⁰³ да улдирилгач, Таваккал Султон Дашти Қипчоқдан қозоқларнинг катта кўшини билан Тошкент сари йўналиб, йўл юриш асносида салтанат ва мансаб кўйига тушганча нафси йўлида гумроҳ бўлиб, ваъдасига вафо қилишни унутди ва Қуръонга қасамини бузиб, Ҳазора Муҳаммад султонни укаси Пирмуҳаммад султон билан бирга улдирди.

Пирмуҳаммад султон ибн Ўзбек султон ибн Рустам султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуғ хоқон Абулхайрхоннинг зикри

У Динмуҳаммад султон ибн Пирмуҳаммадхон Балхийнинг қизидан туғилган эди. Абдулмуъминхоннинг Аҳси ва Андижонни қамал қилиш учун келаётган пайти отаси Ўзбек султон уни ҳам акаси Ҳазора султонга қўшиб Таваккал султон қозоқ олдига юборди. Абдулмуъминхон шаҳидлик жомини сипқоргач, Та-

ваккал султон қозоқ ўзини Мовароуннаҳр ва Туркистон вилоятларининг мустақил ва ягона подшоҳи англаб, шу хомахаёли ва пуч тасаввур орқасида дарҳол ул яхши хислатли шаҳзоданинг иқбол дарахтини нобуд қилиш сари қўл урди ва уни акаси Ҳазора султон билан бирга шаҳодат даражасига етказди. Бу воқеа 1006 йил зу л-ҳижжа ойининг бошлари³⁰⁴ да рўй берди.

Сулаймон султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуғ хоқон Абулхайрхоннинг зикри ва унинг фарзандлари аҳволи баёни

Сулаймонмакон Сулаймон султон шариат ҳукмларига қаттиқ риоя қилувчи ва адолат ёйгувчи, ишратдўст ва беозор хусрав эди. Шариф димоғи ва саломатлиги сари анчагина нуқсонлик йўл топгач, подшоҳлик ҳою ҳаваси баҳридан утиб, ўзини фақир-вашлик ва номуродлик кайфиятида тутди. Қолган умрини узлатга чекиниб, ёлғизлик ва маишат-фароғатда ўткарди. Туну кун ўйин-кулгу аҳли билан суҳбатлар қуради. Ўтиришини доимо хуш овоз муғаннийлар нағмаси ва нағмапардоз созандалар товуши ҳамда вуруду суруд, чангу уд садоси билан безарди. Ҳамиша дилини чанг, қонун, барбат, арғанун эшитиш билан машғул қиларди. Кўнглида сира подшоҳлик нияти ва салтанат дағдағаси йўқ эди. Соҳибқирон хоқон ул сулаймонмакон султонга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром мақомида бўлиб, кундалик маошини тўла таъминлар, ҳатто, харажатини керагидан ортиқ даражада кўтарар эди.

Ул сулаймонмакон султон бу дунёдан ўтганда ундан икки нафар яхши хислатли ўғил ёдгор қолди: Маҳмуд Султон ва Пирмуҳаммад султон.

Маҳмуд Султон ибн Сулаймон султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхоннинг зикри

Унинг онаси Кепак султоннинг қизи эди. Ул Сулаймон васфли шаҳзода уруш ва тўқнаш куниси худди ўткир чангалли арслон ва вазмин юришли йулбарс каби жанг майдони сари қадам қўйиб, муҳолиф устига ташланар ва обдор қилич зарби ва оловли найзаси билан душман қонини тўкар эди.

Ҳамиша исқандарнишон Абулғозий Абдуллоҳ Баҳодирхоннинг бахтли узангиси мулозими ва доимо ул ҳазрат фармонига буйсуниб, то улгунча бирон қарши иш қилмади.

Эрлар шаҳри Термиз исқандарнишон соҳибқирон мулозимлари томонидан фатҳ этиб, эгаллангач, Маҳмуд Султон хон буйруғига биноан ул вилоятда ҳукумат уриндиғига утирди³⁰⁵. Ҷра-тепа, яъни Усрушана душманлар қулидан чиқиб, Абулғозий Абдуллоҳхон тасарруфи доирасига киргач, ул ҳазрат мазкур мамлакат эғалигини Маҳмуд Султонга топширди³⁰⁶. Бадахшон фатҳ этилгач эса ул мамлакат маркази саналган Толиқон вилоятини дарубаст расми билан Маҳмуд Султонга бериб, Ҳушибий жалойирни Маҳмуд Султонга Отолиқ қилиб тайинлади³⁰⁷ ва бу султоннинг мартабасини бошқа яқинларидан ошириб юборди.

Ваъдага биноан ажал этиб келгач, қайтиш ноғорасини чалганча охират оламига кетди. Унинг Муҳаммадқули исмли бир ўғли бор эди.

Муҳаммадқули султон ибн Маҳмуд Султон ибн Сулаймон султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуг хон Абулхайрхоннинг зикри

Олийнасаб шаҳзода бўлиб, Ёрмуҳаммадхоннинг қизи Ойша султон хонимдан туғилган эди. Исқандар шавкатли соҳибқирон лутфи соясида парвариш топди. Ул ҳазрат Самарқанд шаҳрида худо раҳматига етишиб, ўғли Абдулмуъминхон хонлик тахти ва жаҳонбонлик уриндиғига чиққач, янги хон буйруғи билан Андижон вилояти ҳукумати Муҳаммадқули султонга топширилди. Шаҳидлик бахтини топган ул хон Зомин вилоятида дарғазаб ва кин-адоватли амирлар қулидан шаҳидлик жомини ичиб, Таваккал Султон эса Дашти Қипчоқдан бошқа қозоқ султонлари билан бирга жаҳонгирлик ҳаёлида Тошкент яқинига етиб келиб, уша ергача шаҳар ва туманларни эгаллаган пайтда Юсуфхожа сайид отойи бир қанча бевафо гуруҳ билан Андижонда Муҳаммадқули султоннинг қул-оёғини боғлаб, шаҳардан чиқдилар ва уз ҳокимини Таваккал султон олдига олиб кетиб, бу олий затли шаҳзодани ҳалокат қаърига ташладилар³⁰⁸. Бу бадномлик, албатта, то қиёматгача улар буйнида қолажак.

Ёрмухаммад султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуғ хон Абулхайрхоннинг зикри

Ёрмухаммад султон юксак ғайрат, Рустам шижоат, Ҳотами саховат, етук бир жавонмард шаҳзода эди. Бу шаҳриёр вафот этганда ундан яхши хислатли Хусрав султон исмли бир уғил фарзанд ёдгор қолди.

Хусрав султон ибн Ёр Муҳаммад султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуғ хон Абулхайрхоннинг зикри

Яхши хулқли бу шаҳзода мукаррамлик ва шижоатда жаҳонда тоқ ва саховатда дунёда ягона эди. Қули очиқлик, ҳиммат, шавкат ва аслзодалиқда ўша даврнинг бошқа султонларидан мумтоз, караму эҳсонда барча яқинларидан устун ва боши юксак эди. Ҳамиша уй-фикр қалами билан жаҳонгирликни кунгли саҳифаси ва қуёш ёғдули юраги лавҳига нақш қиларди. Шунинг учун доимо базм мажлисида фақат паҳлавон ва урушга чанқоқ ёшлар билан суҳбат курар ва ул тойифа разм аҳлининг дил қушини инъом ва эҳсон дони билан овларди. Шижоат ва мардоналикда шу даража эдики, жанг майдонида агар душман Алванд тоғидай бўлса ҳам аждаҳо мисол найзаси учи билан туртиб қулатарди, уруш йиғингоҳида ва жанг пайти Рустами дoston номи ва Соми Наримон доврўғини отининг эгар-жабдуқини кўтариб юрувчи хизматкори сифатида танитарди.

Саховат ва сахийликда агар найсон³⁰⁹ булути унинг дур сочувчи қулини кўрса пешонасини хижолат тери босарди. Кўпинча завқу шавқ, хуррамлик ва ўйин-кулги, шодлик, ғамдан йироқлик эшиқларини замон олимлари ва таниқли фозил кишилар юзи сари очарди. Гоҳида фирдавс қондали йиғин ва беҳишт мисоли тўйлар утказиб, лашкар диловарлари ва қушини жангчиларига таому инъомлар улашарди. Эҳсон ва марҳамати зиёда ул шаҳзода яхши кўриниш ва ёқимли хулқ билан тавсифланар, мақтовли сифатлар ва хайрли васфлар билан улуғланар эди. Чунки, салтанат ариғи сувини ичган давлат дарахти ундан яхшироқ мева бермаган, мамлакат ичра даврон онаси ундан яхшироқ фарзанд туғмаган эди. Шундай устунлик ва жасурлик эгаси бўлиши билан бирга чингизийларнинг қадимий ясоқ ва тўрасига сўзсиз риоя қилиб,

соҳибқирон исқандар нишон Абулғозий Абдуллоҳхонга итоат қилар ва ихлос камарини белига боғлаб, доимо соя каби унга эргашарди. Мамлакат олиш ва шаҳарларни забт этиш пайти куёшга ўхшаб қилич санчиб, баланд қалъалар ва осмон ўпар қўрғон деворларини очарди. Аниқроғи, Хусрав султон исқандарнишон соҳибқироннинг ўзидан икки-уч ой катта бўлгани ҳурматини ҳеч қачон унутмас ва бу удумга риюя қилиш қай даражада лозим бўлса, уни ўшандан ҳам ортиқ суратда адо этарди. Соҳибқирон Абулғозий Абдуллоҳхон ҳам бошқа қариндошларига қараганда Хусрав султонга нисбатан кўпроқ илтифот ва иноят кўрсатарди. Бухоро фатҳидан олдин эгаллаган Кеш вилоятига ҳоким қилиб Хусрав султонни қўйди. Бухоро фатҳидан кейин юрт олувчи соҳибқирон тасарруфига кирган Насаф вилоятини ҳам Кеш мамлакати устига қўшиб берди.

Хусрав султон Санги суроҳ яйлоғида кийик овлаб юрган куниси Абулхайр султон ибн Жавонмардалихон фурсатдан фойдаланиб, Кеш томонга ошиқди ва ҳийла-найранг билан 975 йилнинг жумоди-с-соний ойи³¹⁰ да ул шаҳарни эгаллади. Туғма Отолиқ ва Чулоқ Отолиқни ушлаб, уларни ўлдиришга буйруқ берди. Хусрав султоннинг қизи Хонбибини ўз никоҳига киритиб, салтанат ва мақсади ҳосиллик байроғи ва ишрату шодмонлик туғини ул мамлакат узра ҳилпиратди. Хусрав султон бу воқеадан хабар топгач, исқандар нишон соҳибқирон олдига одам юбориб, бўлиб ўтган гапларни маълум қилди. Исқандар мисол соҳибқирон ҳеч тўхтовсиз ва бепаролик билдирмай тез суръат ва шошилиш суръатда Кеш томонга илғор солди. Хусрав султонни ҳам ёнига солиб, Абулхайр султонни Кеш қалъаси ичида қамал қилди. Шу орада Бобо султоннинг бошқа оға-инилари ва Тошкент, Туркистон, Ахси, Андижон қўшинлари билан бирга Самарқандга келиб тушгани гаплари тарқалди. Самарқанднинг Султон Саъид султон, Жавонмардали султон каби султонлари эса улар билан аҳду паймон сўзларини ўртага солиб, Бухоро томонга юрдилар. Шунга кўра исқандарнишон соҳибқирон ва парвизишон султон Хусрав султон Кеш қалъаси атрофидан қўзғалиб, қайтиш жиловини қўлга олдилар. Хусрав султон Қаршида тўхтади, соҳибқирон эса Бухоро тарафга йўналишда давом этди. Шу орада мақтов хислатли Хусрав султон қулоғига «исён аҳлининг катта кўпчилиги қанча ўлжа қўлга киритган бўлсалар, ўшаларни орқалаганча Самарқанд тарафга кетиб қолдилар, кетмай қол-

ган бир неча кишилар ҳам ғафлат уйқусига кетишган ва қалъа сақловчилик ва эҳтиёткорлик ишларини эплай олишмайди» қабилидаги гаплар етишди. Шунга кўра арслон савлат ул султон Ута жасурлиги ва шижоати орқасида илоҳий ва моддий нарсаларни яратган худога таваккал қилиб, нусратшиор туғи остидаги озгина доврүкли ботирлари ва ханжар санчувчи мубориз одамлари билан Кеш тарафга қараб юрди. Саҳар пайти кук фалакка етувчи қалъа остига етиб келиб, эгаллаш арқонини шаҳар қалъаси кўнгураси устига отди. Қалъа ичидаги халқ ғафлат уйқусидан уйғонмасдан ва қалъа мудрофааси учун қўзғалмасдан бурун шаҳарни эгаллашга муваффақ бўлди. Абулхайр султон зафарнишон сипоҳнинг шу даража баланд қалъа устига чиққанидан хабар топгач, қочиш сари қадам қўйиб, қанча машаққат ва азобда Самарқанд томонга қараб кетди. Хусрав султон ўзининг улўворлик фазилати ва мурувват хислати юзасидан таъқиб этиш ва ушлаш ҳақидаги сўровларга розилик бермади. Абулхайр султон Самарқандга келиб, отаси ва қариндошларига қўшилди ва қасос камарини белига боғлади. Тошкент султонлари ва Самарқанд хоқонлари Абулхайр султон илтимосига биноан сон-саноксиз лашкар билан мазкур йилнинг ражаб ойида Шаҳрисабзни эгаллаш учун душманлик байроғини ёйдилар ва ул қалъа атрофида даврон ҳодисаси таблини чалиб, Хусрав султонни қамалда қолдирдилар. Хусрав султоннинг Кеш қамалида қолгани хабари исқандарнишон соҳибқирон қулоғига етишгач, Балх волийси Динмуҳаммад султон олдиға киши юбориб, бу ҳодисадан уни огоҳ этди. Кешнинг учрашув учун келишган бир мавзесида Динмуҳаммад султон исқандарнишон соҳибқирон мавкабига қўшилди ва ул икки йўлбарс хислатли жанговар подшоҳ бир-бири билан иттифоқ бўлиб, урушқоқ қўшини ҳамроҳлигида Хусрав султонни қутқариш учун Кеш томон юзландилар. Бироқ, мухолифлар тўқнашишдан олдин Пули мирзо навоҳисида душманнинг ёнатрофдан ҳужум уюштириб, Кеш қалъасини эгаллагани ҳақида хабар келди. Унда яна айтилишича, Хусрав султонни ушлаб, шу заҳоти ҳеч бир тўхтовсиз ул муштарий юлдузи каби хусравни ҳалок қилибдилар³¹¹.

Алқисса, ул хусравнишон султон шаҳидлик даражасини топганда ундан яхши хислатли Исфандиёр султон исмли бир ўғил ёдгор қолди.

**Исфандиёр султон ибн Хусрав султон ибн
Ёрмуҳаммад султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум
султон ибн улуғ хон Абулхайрхоннинг зикри**

Ул асл зотли шаҳзода отадан жуда ёш қолди. Искандарнишон соҳибқирон Абулғозий Абдуллоҳхон Исфандиёр султонни илтифот назари билан манзур тутиб, ўз тарбият ҳужрасида парваришлади. Балоғат ёшига етгач эса бу шаҳзодага ота мерос Кеш вилояти ҳукумати топириб, мартабасини юксалтирди. Ул исқандар шавкатли шаҳзода шижоат-ғайратда, сахийлик ва саховатда отасига ухшаш эди. Ҳамиша хизмат камарини белига боғлаб, итоат занжирини буйнига ташлаб ҳазрат соҳибқирон мулозиматини қиларди. Уруш куниси жанг майдонида тўқнашиш водийсига биринчи қадам қўйгувчи ва довюраклик билакларини ёйгувчи киши шу хусравнишон султон бўлиб, ҳаммадан олдинроқ душман устига ташланар ва кин шамшири билан улар қонини ҳаммадан кўпроқ тўкар эди.

Фарғона ва Андижон вилояти 990 йили³¹² соҳибқирон тасарруфи доирасига киргач, ул ҳазрат бу мамлакатлар бошқарувини атроф-теварак тобе ерлари билан бирга қўшиб, дарубаст йўсини билан хусравнишон султон Исфандиёр султонга берди. Шавкатли ул султон бу мамлакатлар ҳукумати билан сарафроз бўлиб, ҳукумат ўриндиғи ва салтанат тахтига чиққач, адолат ва инсоф эшикларини очиб, зулм ва ситам аҳлининг кириш тешикларини маҳкам беркитди. Халқнинг арзу додига етиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилиб, ул диёр аҳолиси билан жуда яхши муносабатда подшоҳлик қилди ва ҳаминша инсон тойифаси дили даласига меҳрибончилик ва эҳсон уруғини сочди. Шу туфайли Андижон мамлакатлари озгина вақт ичида тўла маъмурлик ва ободончиликка эришди.

Ул номдор султон ва комкор хусрав салтанати даври деярли тўққиз йилга етганда, фархунда сифат ул шаҳриёрнинг ҳужаста сифатли зоти бир касалликка дучор бўлди ва бу балойи азим хасталик олий насабли хусрав ўлимнинг сабабчисига айланди. Исфандиёр султон шунинг оқибатида охират сари кетиб, худо раҳматига етишди. Ундан Рустам султон исмли бир ўғил қолди.

**Рустам султон ибн Исфандиёр султон ибн Хусрав
султон ибн Ёрмухаммад султон ибн Жонибек султон
ибн Хожағум султон ибн улуғ хон Абулхайрхоннинг
зикри**

Бу олий зотли шахзода отаси улганда кичик эди. Искандарнишон соҳибқирон марҳамат қўлини унинг боши узра қўйиб, тарбиятлар қилди ва етуклик ёши, расо ақллик давронига етишгач эса Миёнкол вилоятига кирувчи Куфийнга қарашли Ҳазора қалъасинибарча тобе ерлари билан қўшиб, унга иноят қилди. Искандар нишон соҳибқирон бу жаҳондан юз угириб, жаннат боғлари ва мангу беҳишт сари ошиққач, Мовароуннаҳр вилоятлари ўғли Абдулмуъминхон қўлига ўтди. Рустам султон ҳам Дўстум султон лақабли Абдулқуддус султон ёнига Тошкентга кетиб, унинг хизмати учун итоат камарини белига боғлади. Шу орада Абдулмуъминхон кўп лашкар билан Сайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Тошкент сари йўналди ва амакиси Дўстум султонга нисбатан макру ҳийла, тадбиру тазвир ва тилғмалик ишлатиб, ул дарвишнишон хон ва фарзандлари кўнглида бўлган қўрқув-ҳадикни ёлғондан иборат лаганбардорлик ва душманликка қоришиқ мулойимлик билан чиқариб ташлашга эришди ва ул жамоа кўнглини ўз борасида бутунлай тўқ қилиб, Тошкентнинг машҳур қишлоқларидан бўлмиш Шаробхона мавзесида подшоҳона тўй ва хусравона мажлис тузди. Дўстум султонни ўғиллари ва мазкур Рустам султон билан бирга шу зиёфатга чақириб, бир гуруҳни уларни ушлаш учун пистирмада қўйди. Дўстум султон бошқа султонлар билан бирга ул қиёмат мисол йиғинда ҳозир бўлгач, шу соатдаёқ мазкур иш учун топшириқ олган Миррих салобатли муваккиллар қўлига тушди ва фарзандлари билан бирга шаҳидлик даражасига етишди. Рустам султон ҳам ўша куниси шаҳодат шарбатини татиб, жаннат фирдавсларида макону манзил тутди³¹³.

Унинг жуда бир кичик ёшли Баҳром султон номли фарзанди бор эди. Отаси Рустам султон шаҳидлик даражасини топгандан сўнг ул бегуноҳ бола ҳам Баҳром қаҳрли подшоҳ Абдулмуъминхон фармони билан қатл этилиб, отаси кетидан жаннат сари ошиқди ва энг олий ошиёнда манзил тутди.

Искандархон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуғ хон Абулхайрхон зикри ва ул олий мартабали хон фарзандларининг баёни ҳамда иккинчи соҳибқирон Абулфатҳ Абдуллоҳхони ғозийнинг юрт олувчилик ва мамлакат очувчилик ишлари қисқача зикри

Бу ҳолнинг қисқача шарҳи шуки, Сулаймонмакон Искандархон Тошкент ҳокими Маҳмудхон Кошғарийнинг қизи маҳдияйи олия Қутлук хонимдан туғилган ва отасининг тарбият ҳужрасида парвариш топгандир. Шариф ёши ўн бешга тулганда отаси Жонибек султон унга Самарқанд Сўғдининг энг сулим диёри булмиш Офаринкент вилояти ҳукуматини берди.

Искандар мартабали ул подшоҳ фариштасурат, яхши сийрат, сулаймонманқабат ва тақводор, парҳизкор, динпарвар, камозор, юмшоқ табиат ва босиқ-оғир, раҳмдил, барча халойиқ билан мушфиқ ва меҳрибон шаҳриёр бўлиб, ҳаминша марҳамат қўли билан заиф ва мискин, етим-есирлар бошини силар ҳамда даргоҳига ҳожат тилаб келганларнинг албатта кўнглини топиб, ноумид қайтармас ва ҳожатини раво қиларди. Файзлар энувчи хотири лавҳи ва офтоб нурли кўнгли саҳифаси азалий кароматлар тушиш жойи ва ламязалий илҳомлар келиш макони бўлиб, ҳумоюн пешонаси ҳилоли ва юксалиш сари юз тутган давлати манглайи ғайбий нурлар ва илоҳий сирлар акс этувчи ярқираган кузгу эди. Йўқлик олаmidан борлик узра келганидан то ҳаёт берган ғафури эгам ҳузурига қайтгунга қадар қудсий соат вақтини тоат адоси ва ибодат вазифасидан узга нарсага сарфламади. Нафсоний шаҳват матоҳларидан бутунлай тийинган ҳамда азиз валийлар ва буюк шайхларга ақидаси тўлалиги ва ихлоси баландлиги сабабли иродат бошини авлиёлар султони, тақводорлар далили субҳоний даргоҳ яқини ҳазрат мавлоно хожагий Аҳмад Косонийнинг инобат халқасига киритганди. Ҳаминша ҳазрат Аллоҳни ҳозир ва онгида нозир билувчилиги том маънода бўлган бардавом огоҳлиги юзида намоён бўлиб, ҳар бир сония нафсида ҳушёрлигидан қалбида ҳақ ёдидан бошқасига жой бермаган билиниб турарди. Маснавий:

*Гарчи будӯ ба зоҳир аз шоҳон,
Буд дар маънӯ зи дарवेशон.*

(Мазмуни: Куринишда шоҳлардан эрди,
Ичида дарвилиқнинг дарди.)

Отаси Жонибек султон 935 йили³¹⁴ пок Кармина шаҳрида табий ажали билан вафот этгач, исқандармакон хон жаноби Исқандар султон Миёнқолдан ул пок шаҳар сари отланиб, Кармина мамлақатида ҳукумат байроғини қилпиратди.

Туркий таховил (товуқ) йилига туғри келган ҳижрийнинг 968 йили ул исқандарнишон саодатга ёр султон фарзандлари истаги ва ашраф ва аёнлари эътибори орқасида дор ус-салтана Бухорога ташриф буюриб, хонлик тахтига чиқди ва халқни адолатидан умидвор қилди³¹⁵. Мовароуннаҳр ва Туркистон, Аҳси ва Андижон, Балх ва Бадахшоннинг барча шаҳарларидаги минбар ва меҳробда хутба, зарбхона-ю саррофхонада танга ул подшоҳ номи ва алқоби билан безангач, онҳазарат бор олий ҳиммат ва саъй-ҳаракатини бидъат қоидаларини йўқотмоқ, залолат ва жаҳолат аломатларини тугатмоқ сари йуналтирди.

Доимо мажлиси ва ўтиришини илму ирфон аҳли, фазилат арбоблари-ю зуҳд ва қуръон асҳоблари билан бирга ўтказиб, қалби қувончи палоси ҳошиясини таъзимга лойиқ ул тойифа билан безар ва бу ўтиришларга фирдавс боғи каби оройиш ҳамда унинг ҳам яхши хулқ-атвори таровати ул азиз ва иқболли фирқа димоғига муаттарлик ва анбар бахш этарди.

Бош хонлик айёми йигирма икки йилга етганда 991 йили жумоди-с-соний ойининг боши³¹⁶ да Бухоро Аркида ул фариштахисол хоннинг ҳужастамисол зоти зотилжом каби оғир хасталикка чалиниб, ичида қон кетишига олиб келди ва кашфларга тула руҳи лочини тан қафасидан учиб кетди ва «қайт» нидосини «рози бўлган ҳолда»³¹⁷ эшитиб, равзайи ризвон ва ҳадиқайи жинондаги «яқинлари ёнида ошиён»³¹⁸ тутди. Ўша даҳшатли бу воқеа руй берган чоғи шижоатқасбли соҳибқирон Андижон вилоятида муҳолифларни яқсон қилиш учун турган эди. Лекин, Ибодуллоҳ султон Самарқанддан етиб келиб, отасининг жаноза маросимида қатнашди ва либосларини таъзия кийимлари билан алмаштириб, улуғлар ва аёнлар ҳамда ҳазрат Хожа Калонхожа билан ул хон ҳазрат тобутини кўтариб, Арки олийдан то эски Жомеъ масжидигача пиёда югуриб борди. Ҳазрат Хожа Али Ромитаний невараларидан бўлмиш Хожа Азизон олий мартабали султон гапига кура олдинга ўтиб, ул ҳазрат жанозасини ўқиди. Оллоҳ кечи-

римидаги хоқон наъшини ўша ердан хожайи бузруквор ҳазрат хожа Баҳоул-ҳақ вад-диннинг – *оллоҳ сирларини муқаддас тўт-сини* – файз осор мазоригача олиб бордилар ва ола тош ва мармардан мазкур маросим учун махсус ясалган олий тахт остиде тупрокка топширдилар.

Ул сулаймонмакон хоннинг беш нафар фархунда нишон ўгли бор эди: Абдуллоҳхон, Ибодуллоҳ султон – уларнинг онаси Оғожо бегим; Дўстум султон лақабли Абдулқуддус султон, Абдулмуталлиб султон – уларнинг онаси оддий халқдан чиққан бир кишининг қизи эди. Яна бири Абдуллатиф султон бўлиб, у ва Абдулмуталлиб султонлар болалик чоғида вафот этишган. Бошқалари эса балоғат ёшига етишгач ҳар бири бир мамлакатда салтанат юргиздилар.

Энди сўз шу ерга етганда, вақт мишкинрақам қаламнинг дастлаб исқандарнишон соҳибқирон Абулғозий Абдуллоҳ Баҳодирхон укалари ва жиянлари зикрини қисқача равишда битишга киришини тақозо қилмоқда. Шундан сунг ул ҳазратнинг туғилишидан тортиб, то дунёдан утиш замонигача даврда рўй берган юрт эгаллаш ҳолатлари, ҳарбий тўқнашув ва уруши воқеалари, мамлакат олувчилик усуллари ҳақидаги сўзлар баёни ва тафсилотини рақам қилади.

Шундай қилиб, мақтов рақамли қалам, ноилож, биринчи бўлиб мақсади ҳосил султон Ибодуллоҳ султон зикри баёнига ҳаракат қилди.

Ибодуллоҳ султон ибн Исқандархон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуғ хон Абулхайрхоннинг зикри

Жамшид ҳашаматли Ибодуллоҳ султон ҳиммат-ғайрати юксак, рустамшижоат, фаридунҳашмат, исқандаршавкат, дороманзилат, баҳромсавлат, миррихразм, ноҳидбазм шаҳриёр бўлиб, марди майдонлик ва жон бериб-жон олишликда қаҳрамон, ҳарб денгизда сипқорувчи наҳанг ва зарба-ю ҳамлада олов, душман ўлдиришда қайтмас, жасурлик ва паҳлавонликда шундай эдики, муҳориба кuni ор-номус майдонида оғир ҳамла ели билан душман тоғини қўпориб ташларди, кураш йиғинида олов пуркар қиличи суви қайси тирик жонга етишса, ўша одам ҳалокат тупроғи узра қулаганча қайтиб ўрнидан турмасди. Қаерда шамширини

ишга солса, ўша ерда бир душманни иккига, иккитасини тўртга буларди. Ўқ-ёй отишда шундай даражада эдики, жанг оташи-ни ёққанда дилтикар ўқ учи билан заррин юзли қуёш қуббасини фалакнинг ложувард осмонига қадарди. Юксак учувчи лочин тош тешар ва тез учар ўқидан қўрқиб, айланувчи фалак авжиди нафас олиш ва қанот қоқишдан қоларди. Қоронғу тунда чумоли ва илон кўзини бир тизимга соларди, дарғазаб ва сиёсат чоғи ҳеч ким у билан мулоқот қилишга ўзида журъат топа олмасди.

Салтанат жуйборида усиб-улғайди ва соядек эргашганча искандармакон соҳибқирон мулозиматида бўлиб, ҳар он ул ҳазратга итоат қилиш учун бўйин эгган эди. Шавкатли Ибодуллоҳ султон доимо, айниқса, мамлакатларни эгаллаш ва жаҳонгардлик қилишда ва жанг пайти қуёшга ўхшаб акаси тарафида туриб қилич ўйнатар, қаерга уруш эълон қилинса, ўша ёққа юзланар ва мардлик биликлари зўри воситасида душман сафларини ёрарди. Ҳамиша хизмат ва итоат камарини боғлаб, олий ҳукми қўлдан келганча адо этар, акасига бандалик қилиш ҳалқасидан бўйин товламасди. Шунинг учун ҳам саодатга ёр соҳибқирон бошқаларга қараганда унга кўп лутфу иноятлар кўрсатар, ўзга укаларига қараганда Ибодуллоҳ султонга нисбатан мушфиқу меҳрибонроқ эди. Самарқанд мамлакати 986 йили рамазон ойи³¹⁹ да искандармонанд соҳибқирон тасарруфи доирасига киргач, ул мамлакатга озод равишда ён-атроф туманлари билан бирга қўшиб идора этиши учун Ибодуллоҳ султон ихтиёрига топширди. Ул шавкатли султон Самарқандда ҳукумат қанотини ёйиб, ўз идора услубида адолат учун тиришди ва қисқа вақтда Самарқандни фаровон ва обод жойга айлантирди. Хуллас, ҳеч муболағасиз ва тилғмаликка берилмай, ортиқча сўзамоллик ишлатмай ва беҳуда мақтовлар билан бўрттирмай айтиш мумкинки, Баҳром савлат ул султон шижоат, мардоналик, ўздан кечишлик тариқи ва жасурлик, чавандозлик шеваси ҳамда камондан ўқ отиш ва қилич чопишда ўз замонасида ўхшаши йўқ ягона ва тенгсиз дурдона эди. Унинг шижоат-ҳайратини кўрган одамлар Баҳман саф шиканлиги, «Шоҳнома»даги қўрғошин танли Исфандиёр шавкати шукуҳи ҳақидаги дostonларни аллақачон унутган эдилар. Ҳақиқатдан ҳам ул султоннинг айрим жанглари қиссаси, баъзи курашлари дostonи ўша асрда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалардан ҳисобланарди. Улар мана бизнинг ушбу замонимизгача ҳам айтиб юрилади ва бу султон қаҳрамон-

ликлари ҳеч қандай таърифу тавсифга сиғмайди. Ҳукумати ва салтанати айёмидан олти йил ўтгач, ул баланд мартабали хусрав Самарқанд мамлакатида оламдан ўтди. Ундан эса адолати ва халққа меҳрибончилиги туфайли обод бўлган Самарқанд вилояти ёдгор қолди.

Ибодуллоҳ султонни ул даргоҳ ва ўз саройининг хос маҳрамларидан бири бўлмиш Абдурахим Мирзо дўрмон пичоқ захми билан ҳижрий 994 йил шаъбон ойи³²⁰ да ўлдирди. Беозор султон шунинг орқасида охират сафари куч-қўлонини кўтарганча, раҳмдиллар раҳмдил раҳматига етишди. Бу воқеанинг шарҳи эса қуйидагичадир: Шаъбон ойи охирлаб, муборак рамазон ойи кириб келиши эса яқинлашиб қолганди. Ул шариф ой ва латиф айём чексиз раҳматлар ва мағфиратлар эниш кунлари саналгани туфайли Ибодуллоҳ султон илоҳий буйруққа бўйсуниб ва рамазон ойи ҳурматини қилиб, лабини ичиш каби иллатдан пок тутишга киришди. Инобат шамини итоат хилватгоҳи аро ёндириб, ҳузурҳаловат шишасини такво ва ёмон қилиқлардан сақланиш, яъни парҳезкорлик тошига уриб синдирди. Яқин амирларига ҳам шундай қилишни буюриб, кайфу сафо, май ичишни таъқиқлади. Тақдирни қарангки, Чин бий дўрмон ўғли Мирзо Абдурахим шу султон илтифоти туфайли ихтиёрсизлик пастлигидан бахтиёрлик даражасига етишган амирлардан бўлиб, кўп вақтини еб-ичиш билан ўтказар ва хурсандчилик, кайфу сафо асбоби билан безар эди. Айнан шу буйруқ чиққан куниси бу амир гуноҳга ботирувчи бодадан маст ҳолатда ул ҳазратнинг нурли назари сари кириб келди. Бундай ёмон ишлардан барчанинг тиййинишига фармон берган олий насабли Ибодуллоҳ султон ғазаб отига минди ва ёнида осифлик ўқ-ёйини қўлига олиб, беш-олти марта бу амри томонга ўқ узиб, ул бадахлоқнинг баданини яралади. Ул калтафаҳм, бахти қайтган амир сабру тоқатини қўлдан бериб, оёғини ўз ҳаддидан ташқари ташлади ва белидаги пичоғини қинидан суғуриб олиб, Ибодуллоҳ султон томон яқинлашди ва валинеъматини устига ташланиб, ул ҳазратнинг ҳўжаста зотига пичоқ санчди. Шу пичоқ захми орқасида ул мақтов хислатли султон Мункири оёқ томондан кириб, гавҳар сочувчи тилига қайтиш оятини келтириб, султон ҳаёти нақдини мамот ҳукмига ҳавола қилди. Бу мамлакатда ул ҳазрат салтанатининг нақиблик мансабида турган жаноб Ҳасанхожа хўрд ибн Жаъфархожа ҳамда ҳукумат палосида девонбегилик лавозимини бошқараётган Ҳожибий дўрмон

ва давлатнинг бошқа амирлари ва султоннинг сарой аъёнлари Самарқанд олий Арки томон ошиқдилар ва қотилнинг қай бир қариндош-туққани бўлса, уларни ҳам топиб, бошқаларга ибрат бўлиши учун олов ёқдилар ва Мирзо Абдураҳим билан бирга қўшиб уларни ҳам шу гуриллаган гулханда хас-хашак каби куйдирдилар. Сунг султонни ювиб, кафанлаб наъшини кутарганча Бухорога олиб кетдилар ва пок жасадини ҳазрат хожайи бузурквор хожа Баҳоул-ҳақ вад-диннинг файз нурли мозори яқинидаги ота-бобоси ётган олий тахтга дафн этдилар. Умри муддати эллик бир ёш ва Самарқандда салтанат сурган даври эса олти йил бўлди. Жуда кўплаб шоирлар Ибодуллоҳ султон вафотига атаб зўр қасидалар битишди. Шулардан биттасида султон вафоти таърихи «ҳайфи он Сикандари соний» сўзлари билан топилган.

Ибодуллоҳ султон вафотидан сунг унинг бир ўғил фарзанди дунёга келди ва отини Ёдгор султон қўйдилар. Бу боланинг онаси оддий халқ орасидан чиққан эди. Ибодуллоҳ султон уч қиз фарзанднинг ҳам отаси бўлиб, биринчиси мазкур Ёдгор султон билан бир онадан туғишган эди. Иккинчи қизи Жаҳон султон хоним бента Кепак султон ибн Бубой султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхон, яна бир қизи Шоҳ Пирмуҳаммад Мирзо манғитнинг синглисидан туғилганди.

Ёдгор Муҳаммад султон уч-тўрт яшарлигида табиий ажал орқасида Самарқанд шаҳрида вафот қилди. Бироқ, Абдулмуъминхон ўлиmidан кейин Ибодуллоҳ султоннинг мазкур Жаҳон султон хоним бента Кепак султон исмли муҳтарама ҳарамии ота юрти Балхда ун етти-ун саккиз ёшлардаги бир йигитни ўз ўрдусидан ташқари олиб чиқиб, амирлар ва давлат устунларига уни Ибодуллоҳ султоннинг ўғли, деб таништирди: - Бу болани шу пайтгача яширин ва ёмон кўзлардан узоқда сақлаб тарбия қилгандим. Мана энди вақти-соати етиб, бу ҳақиқатни ошкор қилмоқчиман. Бу воқеа аслини жуда яхши билганим учун шаҳодат ва гувоҳлик бериб, уни тасдиқлаш йўли билан ўз вазифамни адо этмоқчиман.

Бу ҳақда яна ўрду ходим ва ходималаридан бир нечтаси ҳам бону гапини тасдиқлаб, гувоҳлик бердилар ва Қуръони мажидни қўллари билан ушлаб, кўзларига суртиб, азим қасам-онтлар ичдилар. Шунга кўра, Балх амирлари ва Абдулмуъминхон давлати устунларидан бир нечтаси қуббатил-ислом Балхда йигитни салтанат тахти ва хонлик ўриндигига ўтқазиб, Абдуламинхон

деган ном билан улуғладилар³²¹. Балх мамлакати қўшинидаги барча ҳарбийлар ва халқ янги хонга содиқлик қўлини бердилар.

**Абдуламин султон ибн Ибодуллоҳ султон ибн
Искандар султон ибн Жонибек султон ибн Хожағум
султон ибн улуғ хон Абулхайрхоннинг зикри**

Кичик ёшли, ҳусну жамол ва ақлда баркамол, чавандозлик ва ботирлик шеvasида ўз замонасида тенгсиз, салтанат юргизиш ва улуғворлик бобида ўз даврида бош эди. Подшоҳлик аломати юзида пайдо ва шаҳриёрлик сифати мубин манглайида ошкоро бўлиб, гарчи кўпчилик одамлар унинг Ибодуллоҳ султон ўғли экани борасида айрим шубҳаларга бориб, иккилансалар ҳам доно кишилар ақлу фаросат кўзи билан қарасалар, бу боланинг султонлар наслидан эканига амин бўлиши турган гап. Унинг ўзини тутиши, хулқ-атвори амалий, яъни ургатилган ёки ясама бўлмай, балки аслий ва зотан шаҳзода эканидан далолат берарди.

Ул яхши сийратли шаҳзода амирлар ва давлат аъёнлари оғзи бирлигида тож соҳиби бўлгач, хонлик тахти ва жаҳонбонлик ўриндигига ўтирди.

Шу орада, довюраклик бўйича ўз даврининг ўхшаши кам амири Хожамқули қалмоқ Бадахшон тарафидан кўп одамлар билан Балхга келди ва айрим амирлар билан мулоқот ўтказди. Эртаси кун Балх амирлари Абдуламинхонни тахтга чиқаришда ташаббускор бўлган Одилбой ҳофиз кутқусига учиб, Хожамқули қалмоқнинг бу ҳаракатларидан шубҳага тушдилар ва уни асир дастгир қилиб, дарҳол бошини танасидан жудо қилдилар.

Балхдаги яна бошқа мухолиф амирлардан ҳам қутулиб, кўнгиллари тинчигач, юриш байроғини Бадахшон сари кўтардилар ва ул диёрда қаршилик мақомида турган айрим амирларни жазолаб, Қундуз, Толиқон, Ғурий ва Бағлонни фатҳ этдилар.

Ул муштарий моҳият шаҳриёрнинг салтанат ишлари ва мамлакат юмушларида ихтиёри унчалик қўлида эмасди. Ул вилоятнинг сиёсий ва иқтисодий ишлари тизгини Жаҳон султон хоним қўлида бўлиб, ҳеч кимса унинг ризолиги бўлмаган бирон ишга қўл ура олмасди. Шунинг учун амирлар ва давлат аъёнлари ўртасида қарама-қаршилик вужудга келди. Дастлаб, Ҳасанхожа нақиб³²² ва Надр бойиш қушбеги ҳамда бошқа бир қанча амирлар бу ҳаракатлар оқибатидан кўрқиб, Бухорога кетиб қолдилар.

Уша пайтда Отолиқ мансабида турган Оллоҳберди кўкалтош ибн Жон Келдибий бир нечта кишилар билан иттифоқ бўлиб, ҳеч кимсани назар-писандига илмай юрган Қосим ҳожи керойитни ўлдирди. Шу сабабли ул диёр амирларининг кўпчилиги бир-бирига ишончини йўқотиб, бир-биридан қўрқиб қолдилар ва қарама-қаршилик кайфиятини яна ҳам кучайтириб юбордилар. Чунончи, Валибек ҳожи Андхуд вилоятида муҳолифат туғини кутарди ва ўша пайтда эрлар шаҳри Термиз ҳокими бўлиб турган Тўқмоқхон лақабли Шерамбий ҳам Абдуламинхондан юз ўгириб, Раҳманқули султон олдига Шаҳрисабз томон ошиқди ва Термиз вилоятини унга совға қилди. Оллоҳберди кўкалтош, Абулбий қатаған, Мулло Қора қатаған ҳам қаршилик кўрсатиб, жанг қила-қила Балх шаҳридан ташқари чиқиб кетдилар ва йўналиш туғини Шибирғон сари кутардилар. Чунки, Оллоҳберди кўкалтошнинг ота бир, она бошқа укаси Бекназар кўкалтош ўша чоқда Шибирғон ҳокими бўлиб турганди. Шибирғон шаҳрига келиб кириб, Бекназар кўкалтошга қўшилгач, машварат ва кенгаш ўтказиб, анча насиҳату маслаҳатдан сўнг Искандар савлат шаҳриёр Боқимуҳаммадхон аштархонийга хайрихоҳлик билдирадиган бўлдилар. Абулбий қатағанни Самарқанд вилоятига онҳазрат ҳузурига юбордилар. Абулбий қатаған Карки кечувига етиб келгач, саодатнишон хоқон Боқимуҳаммадхон аштархонийнинг яқин қариндошларидан саналган Боқи султон чопуқ ўғли Шоҳмуҳаммад султоннинг ўз жамоасидан кўнгли қолиб, улардан айрилганча Карки қалъасида турганини эшитиб қолди. Шунга кўра, Абулбий қатаған ул шавкатнишон султон билан учрашиб, уни Шибирғон томонга юборди. Ўзи эса ҳазрат Боқимуҳаммадхон ҳузурига дор ус-салтана Самарқандга ошиқди. Шоҳмуҳаммад султон Шибирғон шаҳрига етиб келгач, амирлари ҳаммаси олдига пешвоз чиқиб, уни тўла эъзоз-икром билан салтанат ўриндигига ўтқаздилар ва белларига бу султонга хизмат камарини боғлаб, итоат занжирини бўйинларига солдилар. Айни шу чоғда эса Кеш вилоятидаги Раҳманқули султоннинг ҳам ёнига Тўқмоқхон ва Балхнинг бир неча амир ва урушга иштиёқманд ёш йигитлари келиб ҳамда Термиз вилоятининг осонликча қўлга кирганидан эндиликда у ҳам Балх вилоятини эгаллашдан катта умид қилиб ўтирганди. Бу гапларни эшитгач олдингидан ҳам кўпроқ даражада Балхни эгаллашга майл билдирди ва шу бир неча кун ичида

теварак-атрофдан келиб, байроғи остида йиғилган оз сонли қушин билан Жайхун дарёсидан кечиб ўтди.

Шибирғондаги қўзғолонни бостириш учун ёнидаги сон-саноқсиз лашкар билан кетаётган Абдуламинхон бу хабарни эшитиб, Раҳманқули султон томон илғор солди ва унинг Шоҳмуҳаммад султон ва Шибирғон амирлари Раҳманқули султонга ёрдам учун етиб келмасидан бурун чоштгоҳ маҳали икки тарафнинг туқнаши рўй бериб, икки ўртада уруш олови баланд кўтарилди. Озгина вақт ўтар-ўтмас ғалаба насими Абдуламинхон байроғи томон эсишга кирди ва Раҳманқули султон жанг майдонини ташлаб қоча бошлади. Абдуламинхон Раҳманқули султоннинг қушинини тормор келтиргач, Термизга ҳоким тайинлаб, йўналиш юзини эса Шибирғон тарафга қаратди. Шоҳмуҳаммад султон амирлар билан бирга Шибирғон қалъасини бекитди ва қалъа деворларини мустаҳкамлашга киришди. Абдуламинхон чексиз лашкар билан Шибирғон шаҳри ташқарисига келиб қўш ташлади. Қалъани узук қоши каби ўраб олиб, қалъа қамалига киришди. Қамал муддати чўзилиб, ичкаридаги халқ аҳволи кундан-кун оғирлашди. Натижада, Оллоҳберди кўкалтош ва укаси Бекназар кўкалтош хижолат ва надомат изҳор қилганча кафанларини бўйнига солиб, Абдуламинхон даргоҳига қараб чопдилар. Шибирғон шаҳрини Балх хони ихтиёрига топшириб, айрим амирлар шафелигида жонларини омон сақлаб қолдилар. Сиёсат қалами қатл чизигини Шоҳмуҳаммад султон ҳаёти саҳифаси узра тортиб, бечоранинг терисини қўйни теридан чиқарган сингари, аммо тириклайин шилиб олиб, гавдасини Шибирғон дарвозасига илтиб қўйдилар. Шундай қилиб, балхликлар музаффар ва мансур ҳолда қайтиш жилловини қуббати-л-ислом Балх сари бурдилар.

Шу орада, Абдулмуъминхон бузуғлигидан кейин Бадахшон довоида бир шахснинг бош кўтариб чиқиб, ўзини Мирзо Ҳумоюн деб атаётгани ва мухолифларидан анчагина одамни ўлдириб, ўзини чиғатой султонлари авлодидан санаётгани ва ҳеч кимни назар-писанд қилмаётгани хабари тарқалди. Ўша одам эндиликда Кўлоб вилоятидан беҳисоб лашкар билан Ҳисори Шодмон томонга бориб, ул мустаҳкам қалъани эгаллабди. Ул диёр волийси Маҳмуд Султон фарзандлари билан бирга енгилиб, Мирзо Ҳумоюн дегани худо инояти билан Ҳисори Шодмонда ҳукумат байроғини баланд кўтарибди. Бу гапни эшитган Абдуламинхон барча таниқли амирлар ва саф ёрувчи довьораклар билан

бирга Ҳисори Шодмон томон юзланиб, Тоҳирбийни урушда тобланган кишилар ва паҳлавонликда тенгсиз ёшлардан анчаси билан душманга қарши курашиш учун юбордилар. Тоҳирбий бир нечта манзил ва масофани босиб ўтгач, душманга яқинлашди ва икки уртада жанг бошланиб, икки тарафдан ҳам баҳодирлар ўз тавсанларига миндилар ва муҳориба майдонига қараб от солиб, ўткир панжали арслон ва тез юрар йўлбарс сингари бир-бирига ташландилар. Ҳар икки томон паҳлавонлари ҳам мардлик намунасини кўрсатдилар. Кўп ўтмай эса Балх ва Шибирғон жангчилари Хатлон чумчуқлари устидан ғолиб келиб, улар лашкарини енгдилар. Мирзо Ҳумоюн минг бир ҳийла ва афсун ишлатиб, аждаҳо кўринишли қиличлар дамидан қутулди. Лашкарининг кўпгаб чиғатой сардорлари ва ҳарбий бошлиқлари эса балхликлар томонидан асир олиниб, ўлганлари бошларидан миноралар тиклашди ва сўнг хотиржамлик билан орқага қайтишди. Ҳисори Шодмон ва атроф ерлар ҳукумати илгариги волий Маҳмуд Султон ибн Сулаймон султон ибн Жонибек султон ва унинг фарзандларига қайтариб берилди.

Кўп ўтмай Муҳаммад Иброҳим султоннинг Андхуд вилоятига келиб тушгани хабари тарқалди. Бундан барча табақа халқ хабардор бўлгач, Балх қўшинидаги кўп ҳарбийлар Абдуламинхондан юз ўгириб, Муҳаммад Иброҳим султон хизмати сари отландилар. Муҳаммад Иброҳим султон яна бошқа одамлар ҳам келиб қўшилишидан умидвор бўлганча аста-секин ҳашамату дабдаба билан Балх томон юра бошлади. Шу сабабли давлат устунлари ва олий мартабали амирлардан бир бўлаги кенгаш ва маслаҳатдан сўнг «бизнинг Муҳаммад Иброҳим султонга итоат қилиш истагимиз йўқ, олдида чиқиб уруш қиламиз ва унинг бу вилоятга киришига йўл қўймаймиз» дейишса, иккинчи томон фикри «яхшиси олдида пешвоз чиқайлик ва уни бош хон кўтариб, Абдуламинхонни валиаҳд қилайлик» қабилида бўлди. Яна бир гуруҳ эса қуйидагича қарорга келишди: - Ҳозироқ Абдуламинхонни ҳам олиб, Муҳаммад Иброҳим султон олдида пешвоз чиқайлик, икки тараф учрашгач, қанақа битимга келишса, ўшанга рия қилайлик.

Амирлар ўртасида бундай келишмовчилик юзага келгач, кўпчилик кишилар туп-туп бўлиб, Балхдан чиққанча, Муҳаммад Иброҳим султон ўрдусига қараб кетдилар. Қолганлар ҳам ягона чорани Муҳаммад Иброҳим султонга итоат этмокда би-

либ. Абдуламинхонни отга миндирдилар ва анча одам бўлишиб, султон қаршисига ошиқдилар. Ҳар икки лашкар бир-бирига яқинлашгач, Балх қушинидан бир қанча гуруҳ аскарлар ажралиб чиқиб, Муҳаммад Иброҳим султон ўрдуси томон бош олиб кетдилар. Абдуламинхон ёнида эса санокли бир неча кишидан булак ҳеч ким қолмади ва шундан сўнг Абдуламинхонни мурод отидан тушириб, пиёда юрганча бориб, Муҳаммад Иброҳим султоннинг оти узангисини ўпинг, дейишди. Абдуламинхон ночор бориб айтганларидай қилди. Муҳаммад Иброҳим султон ўша заҳоти ўзининг бир неча махсус кишиларини хонга қуриқчи қилиб, шундан сўнг ҳамма биргаликда Балхга кирдилар. Шаҳарга киргач эса давлат устунлари яқдиллиги ва Худойназарбий керойнт маслаҳати орқасида ул муродига етмаган подшоҳни ўша кечаси тунда орадан кутардилар. Бу воқеа «сичқон йил» охирига туғри келган 1008 ҳижрий йил²²³ да рўй берди.

Ул шижоат аломатли хусрав хонлиги ул диёрда икки йилга яқин бўлди.

Абдулқуддус султон ибн Искандархон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуғ хон Абулхайрхоннинг зикри

Ул яхши хулқ-атворли шаҳзода амакиси Дўст Муҳаммад султонга қуйиб қуйгандек ўхшашлиги сабабли Дўстум султон лақаби билан танилган эди. Олий мақом хусрав Абдулқуддус султон ҳумоюн каломли, яхши атвор, шарнатпарвар, адолат ёйғувчи, диёнатда етук, чиройли юз, покиза сийрат, тақводор ва ёмон қилиқлардан тийинган парҳезкор, раҳмдил ва беозор подшоҳ бўлиб, доимо дарвишлар ва узлатга чекинган сўфий кишилар билан утириб-туришарди. Кўп вақтини охират ишлари билан банд этар, ҳамиша худо зикри билан машғул бўлиб, дилини ҳеч қачон ҳақ ёдидан холи тутмас ва бу ишда ҳеч ғофиллик ихтиёр этмас, доимо бахтли соатини тоат-ибодатни адо этиб, ҳазрат бори таолога сиғиниш вазифаларига сарфларди. Ҳамма вақт подшоҳлик ишларини илоҳий ризоят толиблиги билан олиб бориб, пайғамбарлар ахлоқи ва валийлар сийратига эргашар эди. Яхши сифот ул подшоҳ доимо ота бир, она бошқа акаси исқандарнишон соҳибқирон Абулғозий Абдуллоҳхон хизматида бўларди. Бухоро мамлакати эгаллангач, ул мақтов хислатли султон Ми-

ёнкол вилоятида салтанат ва бошқарув уриндигига утирди. Тошкент ва Туркистон мамлакатлари соҳибқирон тасарруфига киргач, Миёнкол вилоятини давлат олий девонхонаси ҳисобига ўтказиб, Тошкент шаҳрини тобе ерлари билан бирга ул дарвиш нишон султон укасига берди³²⁴. Абдулқуддус султон Тошкентда тўққиз йилча салтанат байроғини қилпирагач, Шоҳ Сулаймон Кобул ва Бадахшон Сангидан келиб, Толиқонда Абдулмўминхондан енгилгандан сўнг яна юртига қочиб кетгач³²⁵, Искандар нишон соҳибқирон Жайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Бадахшон вилоятига ҳамла қилишга тайёргарлик кўриш учун Балхда тўхтаб турди³²⁶. Таваккал султон қозоқ буни ўзи учун жуда қулай фурсат билиб, дарҳол фитна ва исён ёқасидан бош чиқариб, кўп сонли лашкар билан Тошкент томон отланди. Бу хабар мақтов сийратли султоннинг нурли қулоғига етгач, султонлик қўшини ичидан танланган бир қанча шерюрак ёшлар ва совут-жавшан тешувчи довиюракларни душманни қайтариш учун сайлаб олди ва Тошкентнинг машҳур музофотларидан бўлмиш Шаробхона мавзесида икки қўшин бир-бири билан тўқнаш келди. Тарафлар мардоналик отларини ниқтаб, бир-бири устига ташландилар. Аммо, худо тақдири билан ва субҳоний ирода орқасида фитнанишон душман Дўстум султоннинг жасур лашкари устидан ғолиб келиб, кўп одамларни қиличдан ўтказдилар ва бир нечаларни жонсиз, бир қанчаларни ярадор қилдилар. Таваккал султоннинг Тошкент ва Туркистон вилоятлари устига ҳужуми ва Дўстум султон лашкарининг енгилгани соҳибқиронга маълум бўлгач³²⁷, ул ҳазратнинг тадбиркор ақли ва жаҳонни кўрсатувчи нурли кўнгли жомида дарвишнишон Дўстум султонни салтанати қадимий қароргоҳи Миёнолга қайтариб юбориш, ўрнига эса мамлакат сақлаш ва мамлакатни ҳимоя қилишда ўта сиёсатли ва савлату салобати вилоят бошқаруви ва халққа фармонфармолик қилишда етарли бўлган, ёнида тартиб-интизомли қаҳрамон лашкари бор ҳамда кеча-ю кундўз юрт олиш ва мамлакат сақлашни юксак парвозли хаёли лавҳига битувчи Ўзбек султонни Тошкентга жўнатиш тасвири намоён бўлди. Чунки, агар жаноб Ўзбек султон Тошкент вилоятида маскан ва мақом тутса, хон кўнгли фитна ва бузуқчилик балоларини кўрган ул вилоят катта-ю кичиклари юраги янги ҳокимни кўриб, таскин топиши туфайли ҳам янада тинчроқ бўлади. Шунга кўра, искандарнишон соҳибқирон Бу-

хорога валийлар паноҳи, етакчилик дастгоҳи. худонинг ёқтириб танлагани ҳазрат хожа Калонхожа Жуйборий олдига одам юбориб, ул зотни ёнига чақиртиди. Хон билан хожа учрашуви Термиз вилоятида амалга ошиб, соҳибқирон ҳумоюн кўнглига келган мазкур фикр ва режани ул ҳазратга билдирди. Шундан сўнг валийлик аломатли ул хожа умдатул-мулк Жонкедибий, эътимодуд-давла Қулбобо Қўкалтош сингари бир нечта эътиборли амирлар ва Муҳаммад Боқибийнинг паҳлавонлари ҳамроҳлигида Ҳисори Шодмонга Ўзбек султон ҳузурига йўл олди. Хожа Ўзбек султон ҳузурига етишгач, туйқусдан хон томонидан шунча одам келгани сабабли бу султон юрагига йўл топган қўрқув-ҳадикни қувиб чиқариб, кўнглига тасалли ва қўлига эндиликда Тошкент вилояти Ўзбек султон томонидан бошқарилажаги ҳақида ёзилган хон фармонини бериб, султонни ўша мамлакат тарафга жўнатди³²⁸.

Дўстум султон эса исқандарнишон соҳибқирон фармонига биноан Тошкентдан чиқиб, юзини Кармина шаҳри томон қаратди ва ота мерос ҳамда ўзи дунёга келган ватани маркази бўлмиш ул баракатли шаҳарга етиб келиб, бир неча муддат ўша ерда яшади.

Исқандарсифат соҳибқирон Абулғозий Абдуллоҳхон Ҳирот қалъасини истило қилгач³²⁹, нурли кўнглини бошқа шаҳарларни эгаллашга қаратди. Хон ҳазрати имомнинг муқаддас машҳади жойлашган Машҳад шаҳри атрофига келиб, шаҳарни қамал қилиб ўтирган пайтда Туркистонга қарашли Қорабулоқ халқининг Тошкентни босиб олгани хабарини эшитди. Машҳадда турибоқ, фармон орқали Сўғддаги Дўстум султонга қозоқларга қарши боришни буюрди. Дўстум султоннинг ўғиллари ёрдамга бориб, қозоқлар ҳайдаб юборилди. Бу воқеада Ўзбек султон томонидан ўта бепарволик ва иккиланиш аломатлари рўй бергани ҳам маълум бўлиб, бундан хон кўнгли жуда оғринди. Шунга кўра Исқандар нишонли соҳибқирон Хуросон юришидан қайтгач, Ўзбек султонни Тошкентдан чақириб олиб, Қуфийн қасаба-сида ўтқазиб қўйди. Тошкент бошқарувини қайтадан Дўстум султоннинг иқтидорли қўлига топширди. Дарвиш аломатли Дўстум султон умрининг охиригача шу мамлакатда адолат ва саодат байроғини ҳилпиратди. Аниқроғи шуки, исқандармакон Абулфатҳ Абдуллоҳхон бу жаҳондан жаннат боғи сари кетгач, хонлик мартабаси ва жаҳонбонлиқ тахти Баҳром аломатли Аб-

дулмуъминхоннинг подшоҳлик вужуди билан безанди. Салтанатшиор ул шаҳриёр Самарқандда хонлигининг биринчи кунлариёқ Тошкент вилоятини тортиб олиш кўйига тушиб, Дўстум султон устига лашкар тортадиган бўлди. Бироқ, дарҳол урушга киришмади, балки бир неча бор қайта-қайта фасоҳат каломли суҳандон элчиларни Дўстум султон олдига юбориб, тилғмаликлар қилганча юмшоқ сўзлар орқали дустлик, бирдамлик изҳор этиб, ул жамоани ваъдалар билан ўз ниятининг яхшилигидан умидвор қилди. Сўнг Тошкент шаҳри яқинига етиб келиб, озгина одами билан амакиси Дўстум султон ҳузурига йўл олди. Тошкент шаҳри ичида кўриниш ва учрашув маросими амалга ошириб, ўша пайт Дўстум султон хизматида турган Рустам султон ибн Исфандиёр султон ибн Хусрав султон ибн Ёрмуҳаммад султон ибн Жонибек султон гарчи зоҳиран икки қўлини кўксига қўйганча жимгина мулозимат кўрсатаётган бўлса-да, бир неча бор Дўстум султон тарафга қараб қўйиб, қош қоқиш, кўз қисиш каби ҳаракатлари орқали имо-ишора қилиб, ҳатто, қўлини ханжар сари югуртириб, Абдулмуъминхонни гумдон қилишга тайёр эканлигини аңлатди. Бироқ, Дўстум султон бу борада розилик бошини қимирлатмади, лекин аслида бармоғини тишлаганча, ўзи ҳам зўрға чидаб ўтирди. Ўзи шундоқ ҳам зўр таҳлика ва ҳадик остида бу ерга келган Абдулмуъминхон ҳам эҳтиёт юзасидан уларни зимдан кузатиб ўтираркан бу ҳолни сезиб ташвишга туша бошлади, аммо ҳеч билдирмасдан, тезда ва чаққонлик билан ўрнидан кўпиб, йиғиндан ташқари чиқди. Шу бўйича қасос камарини белига боғлаб, Тошкентнинг машҳур қишлоқларидан бўлмиш Шаробхона мавзесига уларни меҳмонга чақириб кетди ва махсус одамларидан бир нечтасини пистирмага қўйиб, мазкур султон қариндошларини ўлдиришга тамомила аҳду қарор қилди. Дўстум султон бошқа султонлар билан ул маҳшар ойин йиғинга келиб, тўрга ўтиб ўтирди. Шу орада ошу таом ҳам тортилди. Овқатдан сўнг эса ҳалиги тайинланган Баҳром қасосли кишилар ул жамоани ушлаб, ҳибсга олдилар. Эртаси кун Баҳром қаҳрли ул хон фармонига бинонан уларнинг барисини қатлга етказиб, солиҳ шаҳидлар қаторига қўшдилар. Бу даҳшатли воқеа туркий «товуқ йил»га тўғри келган ҳижрий 1006 йил шаввол ойи³⁰ нинг биринчи кун рўй берди. Дўстум султоннинг тўрт ўғли бор эди. Биринчиси Поянда Муҳаммад султон, иккинчиси Ёрмуҳаммад султон, учинчиси Фулод султон, тўрттинчиси Шоҳмуҳаммад султон.

Шоҳмуҳаммад султон ўз ходимлари томонидан санчилган пичоқ зарбидан ярадор бўлиб, шунинг орқасидан илоҳий раҳматга қушилди. Қолган учта ўғил эса отаси билан бирга ўша даҳшатли кунда ўлдирилдилар.

**Поянда Муҳаммад султон ибн Дўстум султон ибн
Искандархон ибн Жонибек султон ибн Хожағум
султон ибн улуғ хон Абулхайрхоннинг зикри**

Хушсурат, покиза сийрат, ўта ғайратли ва жасурликда машҳур подшоҳ бўлиб, шижоат ва сиёсатда етук, сахийликда ўхшаши йўқ эди. Ахси ва Андижон вилояти Искандар нишон соҳибқирон қўлига ўтгач, хон Ахсикат вилояти бошқарувини ён-атрофдаги ерлари билан бирга Поянда Муҳаммад султонга топширди. Ўзбек султонни Ҳисори Шодмондан чақиртириб, Тошкентга ҳоким қилгач, Поянда Муҳаммад султонни Ҳисорга жунатди. Шавкатли султон Поянда Муҳаммад султон ўша мамлакатга бориб, ҳукумат байроғини ҳилпиратди. Ҳирот фатҳ этилгач, Ҳиротни Қулбобо Қўкалтошга ва бошқа қўлга кирган Хуросон ерларини хизмат кўрсатган бошқа амирларига тақсимлаб берди. Ҳирот қамали ва фағҳида энг кўп саъй-ҳаракатлар қилган ўғли Абдулмуъмин султонга ҳали ёшлиги ва душманга яқин ерда туриш хавфини ўйлаб, унга Хатлон, Кундуз, Толиқон, Бағлон, Бадахшон ва Балхни ён-атроф ерлари билан қушиб, Мурғоб дарёсигача ҳудудни инъом қилди. Поянда Муҳаммад султон шу сабабли, салдан сўнг Ҳисори Шодмондан чиқиб, қозоқлар босқини ва Ўзбек султоннинг унда айбдор топилагани воқеасидан сўнг Тошкентга ҳоким этиб қўйилган отаси ёнига келди. Дўстум султон унга Сайрамни берди. Поянда Муҳаммад султон ўша ерда ҳукумат ўриндигига ўтирди ва умрининг охиригача шу диёрда яшади. Ниҳоят, айтганимиздек, у ҳам Шаробхона мавзесида отаси билан бирга Абдулмуъмин томонидан қатл этилди.

Поянда Муҳаммад султоннинг битта ўғли бор бўлиб, отаси Абдулмуъминхон қўлига тушганда, бу ўғил ҳалокатдан қутулиб, юзини қочиш сари қаратди ва Абдулмуъминхон ўлдирилгач, шу хон суиқасдчиларидан бир бўлмиш Абдулвосебий болали олиб бориб, Самарқандда хонлик тахтига ўтқазди. Аммо, Таваккал султон қозоқнинг ўша бир неча кун давомида сонсиз лашкар билан Самарқанд атрофига етишганда, Абдулвосебий

давлат арбоблари билан кенгаш ва маслаҳат қилиб, ул номурод подшаҳзодани узининг қутилиб қолиш воситаси сифатида қозоқларнинг қотил аломатли қўлига топширди.

Ёрмуҳаммад султон ибн Дўстум султон ибн Искандархон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуғ хон Абулхайрхоннинг зикри

Бу олий мақом шаҳриёр хушкалом, яхши хулқли, туқис таъбли, ширинсухан, латифлик ва зарифликда ҳаммадан устун, фаросату ақлда ҳаддан ташқари бир ёш йигит эди. Кўп вақтинги фозил ва олим кишилар суҳбатида утказар, мусиқа ва ўйин-кулги аҳлига ҳам майли зиёд эди. Ҳамиша эҳсон уруғини инсон боласи қалбига экар, озгина сўзи ва илтифоти орқасида барчанинг дилини уз ови тўрига туширар эди. Шунинг учун Искандар нишон соҳибқирон уни яхши кўрарди. Ёрмуҳаммад султон бир неча муддат Чағониён Деҳнавида салтанат юргизди. Отаси Дўстум султон Тошкент вилоятида салтанат байроғини ҳилпиратиб, юрт бошқарувчилик мартабасига етишгач, Кармина вилояти ва ён-атроф туманлар билан бирга ва Шофирком тумани ҳам дарубаст йўсини билан Ёрмуҳаммад султонга берилди. Ул хўжаста сифатли шаҳриёр то Абдуллоҳхон вафотигача ул вилоятда салтанат ва ҳукумат юргизди. Аъло ҳазрат соҳибқирон вафотидан сўнг отаси ҳузурига Тошкент сари ошиқди. Ниҳоят, отаси билан бирга қатл этилиб, мангу жаннат ва беҳиштда манзил тутди. Ул фархунда сиймо султоннинг ҳаёт пайти ўғли йўқ эди. Лекин, Ёрмуҳаммад султон ўлимидан икки-уч ойгина вақт ўтиб, яъни Пирмуҳаммадхон ибн Сулаймон султон хонлиги даврида кичик ёшли бир султонни Самарқанднинг Шерозида туманидан топиб, Ёрмуҳаммад султоннинг ўғли дея, Бухорога келтирдилар. Икки нафар насаби номаълум киши қози Маҳмуд ва Худойназарбий олдига келиб, шу даъво юзасидан гувоҳлик бердилар. Бахтиш Ҳожи манғит боланинг отолиқи этиб тайинланди, номини эса Муҳаммад Шариф султон деб атадилар. Чунки, онаси шариф сайидлар хонадонига тааллуқли аёл экан. Бухоро волийси Пирмуҳаммадхон билан Самарқанд подшоси Боқимуҳаммадхон ўртасида низо чиққан маҳалда Бухоро волийси шайбоний Пирмуҳаммадхон вақт тақозосига кўра Кармина вилояти бошқарувини ўша бола ихтёрига топширди. Пирмуҳаммадхон Самарқанд навоҳисидан

аштархоний Боқимуҳаммадхон лашкаридан енгилиб, қулга туш-
гач³³¹, ҳалиги султон ҳам асир тушиб, шу соатдаёқ улдирилди.

**Фулод султон ибн Дустум султон ибн Искандархон
ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн улуғ хон
Абулхайрхоннинг зикри**

Олий ҳимматли, тула шавкатли, йулбарс ҳаракатли ва жан-
говар хислатли, Миррих размли, Ноҳид базмли, суворийликда
моҳир чавандоз, ханжар санчар, диловарлик тариқи ва баҳо-
дирлик шеvasида узини барчадан устун тутувчи, Рустами дос-
тон ва Соми Наримонни отининг эгар-жабдугини кутаришга
лойиқ билувчи йигит эди. Уруш ва жангда ҳеч кимни ўзига тенг
билмас, ҳаминша жаҳонгирлик нақшини кунгил лавҳига уйиб
юрар, кеча-ю кундуз мустақил ҳукумат юргизиш ва юрт сақ-
лашлик савдосини бошидан чиқармас эди. Умрининг охирига-
ча Чаҳорсада туманида салтанат юргизди³³². Ниҳоят, у ҳам ота-
си ва оғо-инилари билан бирга Тошкентда Абдулмуъминхон
томонидан улдирилди.

**Абдуллатиф султон ибн Искандархон ибн Жонибек
султон ибн Хожағум султон ибн улуғ хон
Абулхайрхоннинг зикри**

Ул бахт хислатли шаҳзода ёш жиҳатдан барча акаларидан
анча кичик эди. Искандарнишон соҳибқирон Балх ва Шибирғон
вилоятини Динмуҳаммад султон қулидан озод қилгач, Шибир-
ғон вилояти бошқарувини Абдуллатиф султонга иноят қилди.
Соҳибқирон Тошкент ва Туркистон томон йўналганда Абдулла-
тиф султон ул ҳазрат фармониға биноан Балх қалъасига кириб,
Арк ичида ўтирди. Ўша айёмда Бадахшон подшоси темурийзода
Шоҳрух Мирзо искандарнишон соҳибқирон Абдуллоҳхон ва
унинг ўғли Абдулмуъминхон даврида ҳар ёққа тарқаб кетиб,
эндиликда Бадахшондаги шу темурийлар даргоҳида йиғилган
шайбоний Муҳаммад Қосим султон Ҳисорий, Музаффар султон
Самарқандий сингари бошқа султонларни ёниға солиб, тақво-
дорлар султони, ҳазрат Шоҳ авлиёнинг нурга тула файзли мозо-
рини тавоф қилиш баҳонасида Балх атрофиға келиб, шу ён-тева-
ракдаги айрим қишлоқ ва туманларни босқин-чопқин қилди. Бу

хабарни эшитган Абдуллатиф султон барча амир ва аъёнлари ёнига туллаб, бу воқеа юзасидан маслаҳат сўради. Кенгаш ва маслаҳат маросимидан кейин барча давлат устунлари якдил бўлиб, шаҳардан ташқарига ошиқдилар. Шу ердаги туман амирлари ва ҳокими Назарбий наймон, волий Шоҳ Саъидбий, Поянда мироблар зафар насабли султон узангиси ёнига тушиб, ул вилоятнинг энг азим ва улуғ кишиси жаноби олий ҳазрат, валоят мартабат, қудсий манзилат, авлиёлар улуғи Хожажон хожа номи билан танилган хожа Абдулвали Порсо ва ул зотнинг шариф ўғиллари Дилдорхожа ва Қосимхожаларни бирга олиб, душман томонга юзландилар. Икки тараф бир-бирига рўпара келгач, ҳар икки томондан довюрақлар ўртага чиқиб, бир-бирига ташландилар. Душман лашкари кўп ўтмай тор-мор бўлиб, қочиш йўлига қадам босдилар. Балхнинг зафарли лашкари эса уларни таъқиб қилиб бориб, анчасини асир олганча яна ортга қайтдилар ва қўлга тушганларнинг бошларини кесиб, Тошкент томонга исқандарнишон соҳибқирон олдиға юбордилар. Абдуллатиф султоннинг бу мақтовли хизматлари онҳазратнинг илтифоти ва иноятиға эришди. Мазкур воқеа 987 йил рабиъуссоний ойининг ўн биринчиси³³ да жумъа куни рўй берди.

Ул шавкатли султон ҳукумати мазкур диёрда анча муддат давом этгач, Абдуллатиф султон пайғамбар ҳижратидан 990 йил ўтганда бир касаллик сабабли шариф бадани ва мизожида заифлик сезиб, шунинг орқасида тушакка михланиб қолди, масиҳодам табиб ва қутлуғ қадам ҳақимлар бу касалликни даволаш учун унинг муолижасиға қанча тиришмасинлар сира-сира фойда бермади, балки тескари натижа бериб, фархунда сийратлик ул султон ўша ранж ва алам билан мазкур сананинг зулҳижжа ойи охирлари³⁴ да гафур раҳмат ёниға қўшилиб, бу фоний дунёдан юз ўгирди ва охират манзили сари йўналди.

Модомики, мақтов рақамли қалам сиёҳ томчилари ёрдамида улуғ хоқон Абулхайрхон фарзандлари ҳамда наваара-чевараларининг бахт хислатли ҳаёти аҳволидан то замонамиз соҳибқирони Сулаймон тахтли, Исқандар аломатли Абулфатҳ Абдуллоҳ Баҳодирхоннинг улуғвор ва шариф ўғли Абдулмуъминхон давригача воқеаларни қисқача тарзда таҳрир тизимиға териб, суз сарриштасини шу ергача етказган экан, энди ушбу китоб бошида олган мажбуриятимиз бўйича, баён жilовини ул исқандарсифат соҳибқирон ҳолоти воқеалари томон бурмоқ

вақти ва Искандар осор соҳибқирон ахбори гулзорининг таровати билан фазл ва илм аҳлининг жон димоғини муаттар қилмоқ соати келди.

**Замон соҳибқирони Абулфатҳ Абдуллоҳ Баҳодирхон
ибн Искандархон ибн Жонибек султон ибн Хожағум
султон ибн улуғ хон Абулхайрхоннинг дунёга келиш
ва ёшлик айёми аҳволи зикри**

Сулаймонмакон хоқон, Искандар фармон шаҳриёр Абулмансур Заҳириддин Искандар Баҳодирхон Офаринкент вилоятида давлат ўриндиги ва ҳашамат ёстиғига суяниб ўтириб, фуқаро ва аҳоли аҳволи, эл-юрт фаровонлиги ва ободлиги борасида қайғуриб юрган даврларда ҳумоюн кўнглида доимо ҳар нарсани беминнат ато этувчи ҳазрат унга некбахт бир ўғил ва азиз фарзанд каромат ва иноят қилиши орзусини сақларди. Шунинг учун ул Искандар нишон хон куп вақтини худога ёлвориб, эҳтиёж тили билан қозиюл ҳожот даргоҳидан юлдузи ярашиқ яхши хулқли ўғил тилаш билан ўтказарди. Ниҳоят, ул саодат даргоҳ подшоҳнинг дуоси ўқи ижобат нишонига тегди ва бу мурод тилаги муддао ҳукмига кўра ҳосил бўлиб, 940 йили³³⁵ ана шу атоқли ва ардоқли ўғил туғилди. Ўрни, шоҳвор ва ялтироқ юлдузли бир гавҳар қуёш мисоли давлат осмони ва фалак авжидан балқиб кўринди ва ул дарахшон хуршиднинг нурлари шўъласи жаҳоннинг ҳар бир бурчагини ёритиб юборди. Оқибати маҳмуд ул мувлуд бахт толеси ва қувончли саодат билан яхши даврларда рўй бериб, келажакда бутун оламини ёруғ айлагувчи ул хуршиднинг вужуд офтоби туғилиш матлаидан балқиб чиқди.

Сулаймонмакон Искандар султоннинг жон димоғи ул мақсадди ҳосиллик бўстони гулининг иқбол тароватидан муаттар бўлгач, оллоҳи таолога ҳамду сано ва шукроналик лавозимини бажариш учун ҳазрат Хожагон силсиласига – *уларга оллоҳ раҳмати ва жаннати булсин* – ҳаддан зиёд эътиқод ихлоси бўлгани сабабли қариндоши мавлоно Дарвиш Муҳаммадни лойиқ туҳфалар билан ниёз тариқасида ҳазрат валийпаноҳ, раҳнамо дастгоҳ, оллоҳи таоло даргоҳининг яқин бандаси мавлоно Хожагий Косоний³³⁶ ҳузурига юборди ва шу орқали муборак фотиҳаларини сўраб, чақалоққа яхши ном ва чиройли исм қўйишларини ҳам тилади. Ул ҳазрат ҳам халифалик сулоласи натижаси ҳаққида

хос дуо ва ихлосли фотиҳа ўқиди ва унга «Абдуллоҳ» деб исм қўйди. Сулаймонмакон Искандар султон фаросат нури билан оқибати чиройли бу гудак келажакда буюклик осмонидаги етти иклим куёш бўлиб, бутун оламни ёритиши ҳамда давлати ойи балқиганда зулмат шоми ва бани одам тойифасини Навруз байрами кунларидан ҳам порлоқ субҳидам тонгга етказишини англаб, шу сабабдан, унинг тарбияси учун, дастлаб, Сайидбий жалойирни болага отолиқ қилиб тайинлаб, зиммасига азиз фарзанди аҳволидан бохабар бўлиб бориш вазифасини юклади. Оддий халқ табақасидан бўлмиш амир Ёрмуҳаммадни аткаси қилди. Уларнинг ҳар бири катта умид ва илинж билан ул саодатнишон шаҳзода хизматида турдилар ва доимо елкаларида олиб юриб, ҳар он ҳол-аҳволи борасида ўта синчковлик кўрсатдилар. Шу туфайли шаҳзода фарзанднинг гудаклик даври парвариши ва болалик дамлари сиҳат-саломатлик билан ўтиб, илоҳий иноят орқасида ёши ўқиб ўрганиш ва таълим олиш палласига кирди. Ул яхши хислатли шаҳзоданинг ўқимоқ ва мактабга бормоққа майли кўп ва иштиёқи ҳаддан зиёд бўлди. Шу жиҳатдан яхши муаллим топиб, тузук сабоқ бериш эҳтиёжи вужудга келиб, Буржис зотли Идрис хатиб давлат тахтасини бола қўлига тутқазиб, диндорлик сабоғи ва одоб илми дарси бўйича таълим берди. Ул комёб шаҳзода кўнгли илм таҳсили ва одоб ўрганиш машаққатларидан тинчигач, мамлакат олишлик тадбири ва жаҳонбонлик фикри нури мунаввар қалби ойнаси ва офтоб ёғдули хотири сари йўл топиб, юрт олувчилик ва подшоҳлик ишлари низоми учун киришди ҳамда жаҳонгирлик байроғини ҳилпиратди. Унинг ана шу хонлик тахти ва салтанат ўриндигига чиқиши қўйидаги саҳифаларда қисқача таҳрир назмига тортилиб, сўнгроқ батафсил баёни ҳам ҳавола этилади.

**Замон хоқони Искандар аломатли соҳибқирон
васфидан бир бўлаги зикри ва унинг баъзи бир юрт ва
шаҳарларни забт этгани қисқача баёни**

Жаҳонни бир тўкис ва тенг нурлантирувчи куёш бўлмиш ул хусрав ер юзидан зулм зулматини йўқ қилди, сиёсат шамшири билан туғён ва золим аҳли вужудини борлиқ ва бақо лавҳидан тозалади, зафар оятли туғи улуғлиқ шарқи юзаси бўйлаб балқиб чиқиб, бутун оламни ёғдулантирди. Довули садоси ва ноғораси

товуши етти иқлимга етиб, олий васфи овозаси ва буюклик сифати дабдабаси ён-атроф давлатларга маълум бўлди.

Олий ҳимматли, тула шавкатли, Баҳром савлатли, Нуширвон адолатли, карим хилқат, соғлом фитрат, миррих разм, ноҳид базм, Жамшид туғли, Искандар паноҳли, юлдуз ҳашам, Сулаймон сайр, кавокиб саёҳатли подшоҳ эди. Нафсиламрини айтганда, саодат бахт ул соҳибқирон сахийлик осмонида порлаган саховатли қуёш, меҳру вафо фалакидаги равшан юзли ой, давлати кунлари баҳор фаслидек хуррам, салтанати айёми шодлик чоғларидаги сингари ғам-ғуссадан йироқ, адолати ва эҳсони булути томчиларидан мамлакат гулшани кавсар булоғи файзидан тоза-ю тиниқлик топган жаннат каби, фазлу марҳамати гулзори насимидан иқбол ниҳоли кавсар суви томчиларидан ям-яшил турувчи туби дарахтидек соя-салқинли, яхши ахлоқи тароватидан халқ димоғи муаттар, одоби хислатидан кишиларнинг мақсади ҳосиллик боғи яшнаган, жаҳон очувчилик ёғдуси эл-юрт ва миллат юзини мунаввар этган эди. Осмон упар соябони маҳчаси ой ва қуёш нурини ўзининг бир заррасидек сезарди. Уруш пайти давлати ноғораси йўқликка чорлаш сурнайи товуши каби душман қулоғии кар, тинчлик пайти эса умр навосини бағишларди. Марҳамати давлат устунлари юрагини тўлқинлантириб, шоду хуррам қиларди. Жонни куйдирувчи қаҳрининг жазирама ели исён ва тугён аҳлини ёндирар, дилафруз лутфи насими эзилган халқ умид боғининг гулига парвариш берарди.

Шижоат ва жондан кечиш ишида шу мартаба эдики, оғир вазнли гурзиси билан туширганда еттинчи фалакдаги осмон қақшар, ўқи пайкони қўрқинчидан Миррих кўзи кечаси тинч ўхлай олмасди. Учи ўткир ханжари ноз-ишвали гўзалларнинг киприги каби қон оқизувчи, аёвсиз қиличи ажал шамоли сингари зулм аҳлининг умр ва иқбол ниҳолини қўпоровчи эди.

Набавий шариат ривожи ва мустафавий миллат тараққийси йўлида бор куч-қуввати билан тиришарди. Барча ишларни ўз ақл-идроки билан юзага чиқарар ва доимо олий ҳимматини бидъат қондаларини йўқотмоқ, зулм ва залолат аҳлини қийратмоққа қаратарди. Шу сабабли яратгувчи ёрдами ёр бўлиб, утмишда одамлар орасига йўл топган ва илгариги султонлардан ҳеч бири йўқотишга муваффақ бўла олмаган жаҳолат ва залолат каби бидъат одатларини қўл остидаги мамлакатлар ҳудудида тула тугатишга эришиб, уйғоқ бахт кумаги ва устувор улуғлик воси-

тасида дин ва давлат асосларини мустаҳкамлаш, юрт ва миллат қоидаларини расо қилиш юзасидан мақсади ҳосил подшоҳларнинг ишига тўсиқ бўлмайдиган ва баланд мартабали хоқонларнинг бу борадаги интилишларини йўққа чиқармайдиган муносиб қонунларни ишлаб чиқди.

Беҳишт мисол уйин-кулгу ўтиришларни ҳур юзли ёшлар билан безар, қувонч ва шодлик мажлисларини Эрам боғи гулистони сингари озор берувчи тиканлардан тоза тутарди.

Масжид, мадраса, хонақоҳ ва работ каби хайрия биноларини қуришга жуда мойил эди. Обод қасаба ва фаровон қишлоқларни ўз холис маблағи ҳисобидан сотиб олиб, вақф қилиб берарди. Боғу бўстонлар тарҳи, дарахтлар ва гуллар ўстириш ишларини шахсан ўзи назорат қилар ҳамда ўта лозим ишлар бўйича тинимсиз ҳаракатларни амалга оширарди.

Кўплаб кўнгил очар қасрлар ва қалбга ором бағишловчи иморатлар қурдирди. Шунинг учун давлати айёмида Туркистон, Мовароуннаҳр, Тахористон, Хуросон, Қаҳистон (Қаҳдистон), Сейистон, Хоразм вилоятлари ҳаддан зиёда ободликка етишиб, кўплаб бино, кўприклар қурилди ва қудуқлар қазилди.

Сайидлар ва шайхларни эзозлаш, илм ва фазл аҳлига ёрдам кўрсатиш борасида ҳам ҳеч бепарво эмасди.

Ёшлигидан доимо қалам ёзуви билан жаҳонгирлик қондасини кўнгил лавҳига битиб келаркан, ўта ғайрат ва шижоати тўфайли жуда кўп қудратли султонлар ва соҳиб ҳашамат хоқонларни енгиб, нобуд қилди. Бу ҳақда, ҳозирча, қисқача тарзда ушбуларни айтмоқ лозим бўлади. 958 йили³³⁷ Мовароуннаҳр мулкларида бир қанча олий мартабали подшоҳлар ўз фармон ва ҳукмларини юритиб ўтиришига қарамай, ёш жиҳатдан ул султонлардан анча кичик Абдуллоҳ султон Кармина шаҳридан мулк олувчилик эгарига ўтириб, юрт олиш ва эл сақлаш сари отланиб чиқди. Бошда Касби шаҳрини Худойберди султон томонидан қўйилган кишилар қўлидан тортиб олиб, бир неча кун уша диёрда ҳукумат юргизди. 959 йили³³⁸ ул ҳазрат билан Қилич Қора султон ўртасида Авғонак мавзесида уруш бўлиб ўтди ва бунда фатҳ ва зафар насими мақтов хислатли хоқон байроғи томон эсиб, Қилич Қора султон асир тушди. Қилич Қора султон ибн Кистан Қора султон сал илгари Соғарж ҳукуматида алмаштирган Қарши шаҳри мамлакат олувчи Абдуллоҳ султон қўлига ўтди. Аммо, бир неч кундан сўнг Туркистон ва Тошкент султонлари, Самар-

қанд хоқонлари бу ерга бостириб келганлари учун Абдуллоҳ султон тақдирга тан бериб, замона зайлига боққанча Қаршини уларга топшириб чиқди ва давр талабига кўра Балхга қочди. Бароқхон Тошкент, Туркистон ва Ахси, Андижон лашкари ва Самарқанд волийси Султон Саъид султон ҳамроҳлигида Бухоро атрофига келиб, Бурҳон султонни қамал қилганларида исқандарнишон хоқон Бурҳон султон илтимосига биноан ёрдам сифатида юриш байроғини Бухоро томон ҳилпиратди. Ҳумоюн мавкаб Жайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Фараб мавзесига етиб келди. Султон Саъид султон ёнидаги сон-саноқсиз қўшин ва Дўст Муҳаммад султон ибн Бароқхон султон ҳамкорлигида Фараб қалъаси атрофига келиб тушди. Исқандар манзилли соҳибқирон дарғазаб арслон каби қалъадан чиқиб, улар устига от солди ва муҳолиф лашкаридан анчасини ҳалокат чуқурига улоқтирди. Султон Саъид султон ва Дўст Муҳаммад султон ибн Бароқхон қон ичувчи ҳалокат жаридан қутулиб чиқиб, қочиш водийси томон юзландилар. Улар Абдуллоҳ султон юриши олдини олиш учун Бароқхон буйруғига биноан бу ерга келган эдилар. Бу воқеадан хабар топган Бароқхон дарҳол Бухоро қалъаси атрофидан қўзғалиб, қамални ташлаб қочди³⁹. Бурҳон султон Абдуллоҳ султонга берган ваъдасига кўра, унинг истиқболига чиқиб, Бухорони пешкаш қилганча ўзи Қорақўл вилоятига кетиб, ул диёрда истиқомат палосини ёйди. Музаффар байроқли соҳибқирон эса Бухоро вилоятида бошқарув ўриндигига қадам қўйди. Абдуллоҳ султон ул мамлакатда бир неча кун ҳукумат юргизгач, Бухоро қўшини ва аҳолисидан айримларининг Абдуллоҳ султонга нисбатан вафосизлиги ҳамда Бурҳон султоннинг ул жамоатга хайрихоҳ бўлиб, аскар билан Бухоро сари келаётгани ул ҳазрат кўнглига маълум бўлгач, билдики, демак, давлат тепасига чиқишига ҳали озгина вақт бор экан. Шунинг учун, ҳозирча, эҳтиёткорлик билан иш тутиб, Маймана ва Форёб томонларга кетиб, бироз муддат ўша диёрда келишиш қийин бўлган турмуш билан чиқишиб яшади.

Бароқхон Самарқандда вафот этгач, Абдуллоҳ султон яна бош кўтариб чиқиб, дастлаб, Миёнкол томонга ошиқди ва маврусий шаҳри бўлмиш Карминани Бароқхоннинг ўғли Дўст Муҳаммад султон қўлидан тортиб олиб, 963 йили⁴⁰ шу мамлакатда салтанат байроғини ҳилпиратди. Ўша йилнинг охирларида эса Кеш вилоятига юриш қилиб, ул вилоятни мардлик билаги кучи билан Ҳошим султон қўлидан озод қилди. 964 йил жумодиссоний

ойи³⁴¹ да Самарқанд ворисларига ёрдам тариқасида Илон ўтти довонида Бароқхон авлодлари билан туқнашди ва бир кунда икки марта улар лашкарини тор-мор келтириб, Самарқандни олди ва ҳақли эгаларига топширди. Бир ой ўтгач, Искандар дастгоҳ соҳибқирон 964 йил ражаб ойи³⁴² да Бухорони эгаллаш учун юриш қилиб, ул диёр волийсини қатлга еткарди. Ҳазрат набавий ҳижрати санаси 968 йил³⁴³ га етганда Искандар нишонли соҳибқирон шариф отаси Искандар султонни Кармина вилоятидан Бухорога келтириб, хутба ва тангани Искандархон номи ва алқоби билан безатди ва Бухоро Аркида хонлик тахтига ўтқазди.

974 йили³⁴⁴ Хуросон томонга юзланиб, Турбат ва Бурёбод вилоятларига босқин-чопқин уюштирганча яна Бухорога қайтиб келди. 975 йили³⁴⁵ Хусрав султоннинг Кеш қалъасида қамалда қолгани хабарини эшитиб, бу султонни самарқандлик, тошкентлик султонлар қамалидан озод қилиш учун отланди. Йўл асносида Кеш вилоятининг олингани ва Хусрав султоннинг қатл этилгани борасидаги гапларни эшитгач, ул ҳазратнинг ғазаб ўти аланга олди ва илоҳий ҳамда моддий нарсаларни яратган эгамга таваккал қилиб, бу барча муҳолиф жамоани йўқлик оламига жунатиш учун журъат қадамини илгари босди ва қўшиндан илгари юрувчи қаровулларига жангга киришга рухсат берди. Муҳолифлар бу ҳолни кўриб, ваҳимага тушдилар ва саросима ичида қочиш водийси сари юзландилар.

976 йили³⁴⁶ Искандар сифатли хоқон қасос отига миниб, Қораболиғ мавзесида Самарқанд волийси Султон Саъид султон билан уруш қилди ва уни енгиб, укаси Худойберди султон ва ўғли Баҳодир султонни асир олиб, ҳар иккаласи қатли учун фармон берди.

977 йил охирлари³⁴⁷ да Тошкент султонлари ва Самарқанд хоқонлари билан сулҳ тузиб, 978 йили³⁴⁸ сон-саноксиз лашкар билан Балх ва Шибирғон устига юриш қилди. Андхуд ва Шибирғонни эгаллагач, айрим ашраф ва аъёнлар ўртага тушгани сабабли раҳм қилиб, ул диёр волийси Динмуҳаммад султоннинг гуноҳларини кечирди. Балх мамлакатини эса илгариги дастурга кўра унинг ихтиёрида қолдириб, қайтиш жоловини яна Бухоро томон бурди.

979 йил охири³⁴⁹ да Термиз вилояти сари отланиб, 980 йил боши³⁵⁰ да ул вилоятни ҳам эгаллади ва бу шаҳар ҳукуматини Маҳмуд Султон ибн Сулаймон султонга берди. Уша йилнинг ўрта-

ларида исқандарнишон соҳибқирон амирлар ва Самарқанд волийси Жавонмардалихон ёнини олиб, Кук гунбаз мавзесида Тошкент султонлари билан жанг қилиб, уларни енгди.

980 йили³⁵¹ яна бир марта Балх устига юриш қилиб, анча қамалдан кейин ул шаҳарни бутунлай ўзиники қилиб олди³⁵².

982 йили³⁵³ Ҳисори Шодмон, Чағониён Деҳнави сингари мамлакатлар ул соҳибқирон тасарруфи доирасига кириб, уларнинг бошқаруви Ўзбек султонга топширилди.

983 йили³⁵⁴ Тошкент ва Туркистон султонлари билан яна бир бор уруш қилиб, уларни енгди.

986 йили³⁵⁵ Абулхайр султон билан отаси Жавонмардалихон ўртасида низо чиқди ва Исқандар аломатли соҳибқирон Абулхайр султон илтижоси ва илтимосига биноан йўналиш юзини Самарқанд сари қаратди. Жавонмардалихон Самарқанд қалъасини беркитиб, Тошкент волийси Бобо султон олдига одам юборди. Бироқ, Самарқанд қалъаси унгача забт этилиб, Жавонмардалихон асир тушди ва хон буйруғига биноан бир нечта ўғиллари билан бирга Навқо кўрғонида ҳибсда сақланиб турди. Соҳибқирон Бобо султон олдига чиқиб урушиш учун йўлга отланди. У билан тўқнаш келиб, озгина жангдан сўнг мухолиф устидан ғалаба қозонди. Бобо султоннинг Туркистонда қамоқда сақлаб турган акаси Дарвешхон ибн Бароқхонни эса Тошкент вилоятига келтириб, ул мамлакат ҳукуматини топширди. Қайтиш пайти Абулхайр султонда душманлик аломатларини сезгач, соҳибқирон унинг ҳаёт саҳифасига қатл чизигини тортди. Навқо қалъасида ўғиллари билан тутқун турган Жавонмардалихон ҳам қатл этилиб, Самарқанд ҳукумати Ибодуллоҳ султонга берилди³⁵⁶.

986 йил охирлари³⁵⁷ да Бобо султон Тошкент устига юриш қилиб, ул шаҳарни эгаллабди ва акаси Дарвишхонни ўлдирибди, деган хабарлар келди. Шунга кўра, соҳибқирон йўналиш юзини Тошкент томонга қаратиб, 987 йил боши³⁵⁸ да Чирчиқ дарёси қирғоғида Бобо султон ва Самарқанд ва Ҳисори Шодмоннинг қочқиндаги султонлари билан уруш қилди ва улар устидан ғолиб келди. Шундай қилиб яна бир бор Тошкент шаҳрини фатҳ қилиб, мақсади ҳосиллик байроғини осмон авжига етказди.

Алқисса, ўша йилдан сўнг уч йилгача соҳибқирон ул диёр султонлари ташвиши билан банд бўлди ва уларни қувлаб, Улуғтоққача ахтариб борди. 990 йил охири³⁵⁹ да Бобо султонни фарзандлари ҳамда Бўзахўр султонни бир нечта исёнчилар билан бирга

қулга тушириб, улар ташвишидан бутунлай хотиржам бўлди. Тошкентни эса ўз укаси Дўстум султонга берди.

991 йили Андижон вилояти ишларига тартиб бериб, у мулк ҳукуматини Исфандиёр султонга топширди³⁶⁰.

Ўз ўғли Абдулмуъмин султонни эса Балх мамлакати волийси қилиб, уша томонга юборди. 991 йили отаси Искандархон вафот этгач, хутба ва тангани ўз номи билан безатди³⁶¹.

992 йили Бадахшон томонга йўналиб, ул юрт ва диёрнинг барча шаҳар ва туманлари ҳам соҳибқироннинг иқтидорли қулига кирди³⁶².

994 йили салтанатшиор шаҳриёр Ибодуллоҳ султон Самарқанд шаҳрида шаҳидлик даражасига етди³⁶³.

995 йили соҳибқирон Абулғозий Абдуллоҳхон Ҳирот сари юриб, 996 йили ул юртни барча тобе ерлари билан бирга қўл остига киритди³⁶⁴. Хуросондан қайтгач, чексиз лашкар билан Қораболиғ халқидан қасос олиш учун Дашти Қипчоқ томонга йўналди. Абдулкарим султон эли ва улуси устига босиб бориб, қатл ва талаш ҳақида буйруқ берди.

Уч йил давомида Хуросон, Қаҳдистон, Сейистон каби улкаларнинг барча шаҳарлари соҳибқирон тасарруфи доирасига кирди.

Абдуллоҳхон Ҳирот фатҳ этилгач, Балхдан ташқари Бадахшон, Ҳисори Шодмон ҳукуматларини ҳам жалду йўсини билан Дарбанди Оҳанинга қўшиб ҳамда Абдулмуъминхон томонидан забт этилгани учун Хуросон, Қаҳдистоннинг айрим юртларини ҳам ўғли Абдулмуъминхонга берди³⁶⁵. Шундан сўнг Хоразм вилоятига йўналиб, осон бир суратда у мамлакатни ҳам эгаллади. Ул диёрнинг доимо бўйин товлаб, мухолифатчилик қилиб юрган кўпчилик султонларини Вазир қалъасида асир қилиб, ҳалокат шарбатини ичирди³⁶⁶.

1006 йилнинг бошида соҳибқирон билан айрим ғаразгўйлар сўзига кирган ўғли Абдулмуъминхон ўртасида ихтилоф ва низо чанги кўтарилди. Соҳибқирон ҳам фисқу фасодчиларнинг ғаразли сўзларига ишониб, фарзанди устига қўшин тортиб борадиган ва ўғлига қаттиқ танбеҳ берадиган бўлди. Айни ўша пайтда қишнинг совуқ кунлари ўртага тушиб, ул ҳазрат ғазабининг аланга олган ўти ҳам сўнди ва соҳибқирон бу ишни орқага сурди. Қайтиш жиловини Самарқанд сари бурди ва қишга тайёргарлик қўриб, Самарқанд Арки ичида истиқомат тушагини ёйди. Ҳар

бир камолнинг заволи, ҳар баҳорнинг кузи бор деганларидек, туркий «ит йил»га тўғри келувчи 1006 йил ражаб ойида шариф мизожида кучли заифлик пайдо бўлиб, ул саодатманд подшоҳ Самарқанд Арки ичида ҳақ чақирғини лаббайка ижобати билан эшитганча футуҳли руҳи худо мағфирати ёнига қушилди³⁶⁷. Ул Искандари Сонийнинг умри олтмиш олти йил, салтанати даври эса қирқ икки йил бўлди. Шу жумладан, отаси Искандархон вафот этгач, ун олти йил мобайнида мустақил равишда хонлик тахтида утириб, жаҳонбонлик ва мамлакат олишлик билан банд бўлди ва Мовароуннаҳр, Туркистон, Бадахшон, Фаржистон, Хуросон, Хоразм, Қаҳдистон, Сейистоннинг барча шаҳарларида унинг номига хутба ўқилиб, тангалар зарб қилинди. Хожа Мирам, хожа Камолиддин Ҳусайн, хожа Муҳаммад Қосим, хожа Муҳаммад Латиф, хожа Разииддин Аҳмад, мулло Бобоқули девон, мулло Масъуд Тошкандий каби кишилар ул ҳазрат давлатидаги вазирлардан бўлиб, ҳукуматда бирин-кетин вазирлик байроғини кўтардилар.

Юқорида айтганимиздек, мақтов васфли соҳибқирон сийрати қисқача ёзилиб, мана энди сўзларни саҳифалар юзи узра нақшлаб битувчи қалам баён жиловини воқеаларнинг куллиёт тафсили сари буради. Худои таоло ёрдами ва тавфиқи ёр бўлсин.

Искандарнишон соҳибқирон давлати зуҳури ва мартаба-ю ҳашамати балқиб чиқиши ва қудратли душманни қамал этгани ва мақсадига етиб қайтгани ҳамда сулҳ тузиб, хонлик баҳридан утгани зикри

Оллоҳи таоло бирор юлдузи порлоқ кишининг давлати кавкабини баланд тутиб, жаҳондорлик осмони ва мақсади ҳосиллик авжида бахтиёр қилмоқчи ва юракларни қувонтирувчи «истаган кишинингни азиз қилурсан»³⁶⁸ ояти тақозосига кўра юксак мақомини Сурайё чуққиси ва еттинчи фалакдаги сидрат ул-мунтаҳо дарахти мақомидан ҳам оширмоқчи бўлса, аввал уни ғам ҳужуми билан бу олам қалъасида қамалга солади, сўнг илоҳий ёрдам ва туганмас давлат қуввати воситасида машаққат тутқунлиги қалъасидан қутултириб, мамлакатнинг кунгил очар тахтида ором олдиради ва эътибор назари билан ҳаётини кузатиб туради. Бу ҳикмат тасвирини намоён этмоқ ва бу ҳикоятни битмоқдан мақсад шуким, мағфиратнишон Жонибек султон Карминада вафот

этгач³⁶⁹, фарзандлари ичида энг каттаоми ва валиаҳд ўгли Искандар султон Офаринкентдан келиб, Кармина шаҳрида отаси ўрнида салтанат байроғини ҳилпиратди. Шу пайтларда Бухоро волийси ва мамлакат хони Абдулазизхон ибн Убайдуллоҳхон вафот қилди³⁷⁰. Муҳаммадёр султон ибн Севинч Муҳаммад султон ибн Маҳмудхон шайбоний ҳукумат ўриндиғи сари қадам босиб, ўз вужуди билан салтанат тахтини безади. Бу воқеа 957 йили рўй берди³⁷¹. Ушанда Балх мамлакати волийси Пирмуҳаммадхон таъзия йўсини билан Бухоро вилоятига келиб, қасдданми ёки тақдир тақозосига кўрами, ҳар қалай Бухоро юртини ўзиники деб эълон қилди³⁷². Бу воқеа ва ҳодиса рўй бергач, Самарқанд волийси Абдуллатифхон ибн Кўчкунчихон барча укалари билан Самарқанд қўшини ва Наврўз Аҳмадхон ибн Севинчхожахон эса барча ўғиллари билан Туркистон, Тошкентнинг ҳаддан зиёд қўшини ҳамроҳлигида 958 йили³⁷³ Бухоро ва Миёнколни қўлга киритиб, Бухоро давлатини қайтадан Муҳаммадёр султонга олиб бериш учун бу мамлакат сари йўлга тушдилар. Душман келаётгани хабари эшитилгач, Миёнкол султонлари қарши чиқиш учун куч-қудратлари йўқлигидан, ҳар бири бирон томонга тарқалиб кетдилар. Рустам султон ўгли Ўзбек султон билан Бухорога акаси Пирмуҳаммадхон олдига борди. Наввоб Искандар султон Жайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Андхуд ва Шибирғон томонга қочди. Аммо, шижоат нишонли шахзода Абдуллоҳ султон кичик ёшда бўлишига қарамай, катталарнинг ишини қилиб, ўзини Кармина қалъасини сақлашга мутасадди билиб, валийлар қутби ҳазрат Қосим шайх азизондан фотиҳа илтимос қилди ва ул ҳазрат маслаҳатига кўра, Кармина қалъасини душман юзи сари беркитди. Ён-атрофдаги аҳолини қалъа ичига кўчириб, ҳазрат азизон билан бирга барча фуқаро ва мискинлар ҳамроҳлигида қалъада жойлашдилар. Ушанда ул ҳазрат хизматида жонбозлик кўрсатган жамоадан бу султоннинг Отолиқи Тинсайидбий қорлуқ ва унинг укаси Шоҳсайидбий ҳамда Жаъфархон қипчоқ, Тинсайид отолиқ жалойир ва унинг ўғли Сархунбий, Мирзовалихон жалойир, Наврўз қушбеги, амир Абдуллоҳ садр, амир Халифа кабилар бўлиб, қалъани сақлаш вазифасига киришган эдилар. Мухолиф қамал ва ҳужумни бошлаб, ҳар кун икки ўртада қаттиқ жанглар бўлиб турди.

Жанглардан бирида Кўчак ўғлон уруш майдонида бир неча бор ярадор бўлиб, аъло ҳазрат Абдуллоҳ султон одамлари қўлига

асир тушди. Ҳазрат аъло ўзининг қарамлилик хислатига биноан унинг қонидан кечиб, душман ёнига қўйиб юборди.

Алқисса, қамал ун икки кунга чўзилиб, бу орада душман қўшинига ул ҳазратнинг ўта шижоатли ва ғайратли экани, оёқда шундай мустаҳкам туриши сабаб сира ҳам таслим бўлмаслиги аёнлашди. Ночор сулҳ тузмоқ сўзини ўртага солдилар. Одам юбориб, ҳазрат валоятпаноҳ Дарвиш шайх Алиободийни чақириб келтирдилар. Шу киши қадами воситасида ва ичкаридаги ҳазрат азизоннинг аралашуви орқасида томонлар сулҳ ва яраш йулини тутдилар. Ярашув ишлари амалга ошгач, Самарқанд хонлари ва Туркистон, Тошкент султонлари ўз ватанларига қайтиб кетдилар. Пирмуҳаммадхон ўша йил ўртасида Муҳаммадёр султонни чақириб, Бухорони унга қайтариб берди³⁷⁴. Ўша пайтда Бурҳон султон Самарқанддан йулга тушиб, амир кабир Жон Алибий наймон маслаҳатига кўра Чаҳоржўйга келиб кирди. Фозил ва шоирлар бу истило таъриhini «калиди мулки Бухоро»³⁷⁵ сўзларида топган эдилар. Шундан сўнг Муҳаммадёр султон қариндоши Бурҳон султонни тахтга шерик қилиб, Бухорога киритди.

Аъло ҳазратнинг Самарқанд, Тошкент хону султонлари билан тўқнашиб, урушда уларнинг барчаси устидан ғолиб келгани, куч-қуввати овозаси ва қудрати таърифи ён-атроф улкаларга ёйилгач, қилич чопувчи довьюраклар ва одам йиқитувчи курашчилар ҳар ёқдан умид юзини Абдуллоҳ султон даргоҳи сари қаратдилар. Айниқса, ўша пайтда шижоат-ғайрати, жангдаги маҳорати бутун Хуросон мамлакатларига маълум ва машҳур бўлган амир Шоҳмуҳаммад Ҳисор ҳокими Баҳодир султоннинг бир гуруҳ шижоат интизомли одамлари ул Рустам нишон султон гувоҳлиги воситасида ҳазрати аъло хизматига келиб, ушбуларни ул султон номидан арзга етказдилар: «Анча йиллардан бери Хуросон вилояти динсиз рофизийлар тасарруфида бўлгани сабаб, биз томон мусулмонлари ўша ерлардан ўтиб кетиш борасида қийинчиликка дуч келиб, байтуллоҳ зиёратидан маҳрум қолмоқдалар. Агар ҳазрати олийлари ул мамлакатга юзланса, балки ул вилоят тасарруфингизга кирган бўлармиди». Шунга кўра, Абдуллоҳ султон ҳазратлари Хуросонга юриш учун йўналиш жловини ўша томон буриб, Бухородаги қутблар қутби хожа Жуйборий ҳазратларидан фотиҳа илтимос қилиб, юришга рухсат олди. Бироқ, Отамонда деган жойга яқин Улуқ мавзе-

сига етишганда сафардан орқага қайтишга тўғри келди. Чунки, шу пайт бир гуруҳ амирлар «ҳозир Насаф вилояти ҳокими Худойберди султон ибн Абу Саъидхон юртни бузуқ ҳолатга келтириб, парокандалик билан ҳукм юргизмоқда. Яхшиси, ҳозирча, шу ерда отларимизга арпа едириб, дам берайлик ва қош қорайгач ҳужум байрогини кутариб, от чоптирганча, агар бахт ёр бўлса, тонг отмасдан туриб ўзимизни Қарши вилоятига етказайлик» деб қолишди. Бу гап Абдуллоҳ султон ҳазратларига ҳам маъқул бўлиб, шом қорайишигача отлар қорнини арпага тўйдириб, сўнг Насаф томонга қараб от қўйдилар. Бироқ, амалда кунгилларидаги режалари бўлмай, Насаф атрофига тонг отган маҳал етиб келишди ва қалъани кундуз куни эгаллашнинг амри маҳол эканини билганлари учун қалъа ёнидан қайтиб, Қаршига қарашли Моймурғ қуриғида қўш ташлашди¹⁷⁶. Аъло ҳазрат ўша мавзеда айрим амирлардан кейин қолиб, ўзи Жайҳун дарёсидан кечишни кўнглига тугди. Шу кечувдан Тинсайидбий жалойир, Дўстмуҳаммадбий шақоқу, Оқмуҳаммад қўрчини укаси Абдулқуддус султонга қўшиб, Миёнкол томонга юборди. Ўзи эса қўтлуғ зотини Жайҳун дарёсидан ўтказди ва ўша ерда Шоҳмуҳаммад Баҳодир султон Ҳисорийнинг Ходим баҳодир ийман, Ҳошим баҳодир, Жўлтойбий Хитой, Суюндик паҳлавон минг, Бекойбий баҳрин каби бир нечта мулозимлари султон ҳазратлари хизмати сафида қарор топиб, Абдуллоҳ султон ҳазратлари ўша жойдан тўғри Балхга амакиси Пирмуҳаммадхон олдига йўл олдилар. Кўриниш маросимидан сўнг воқеадан хабар топган Пирмуҳаммадхон султоннинг Хуросон юришига қарши чиқиб, таъқиқлаш орқали бу ишига йўл бермади. Аъло ҳазрат Балхнинг бир нечта амирларини уртага солиб, бош хон амакисидан Қаршини Худойберди султон ибн Абу Саъидхондан олиб беришни илтимос қилди. Пирмуҳаммадхон бу илтимосини ҳам ризолик қулоғи билан эшитмади. Бироқ, ўша кунлари Миёнкол тарафдан Ўзбек султон олдидан ҳам киши келиб, Қарши ҳукуматини беришни илтимос қилаётганини айтди. Пирмуҳаммадхон Ўзбек султоннинг илтимосини ҳеч гап-сўзсиз қабул қилди ва шунга фармон ҳам берди. Аъло ҳазратнинг шу жиҳатдан орият ва ҳамият ғайрати жўш уриб, дарҳол Жайҳун дарёсидан кечиб ўтди.

Аъло ҳазрат Абдуллоҳ султоннинг Жайҳундан ўтиши ва тапгри июяти билан Касби қалъсига кириши баёни

Бу воқеанинг баёни шуки, ҳазрат наввоб Абдуллоҳ султон Жайҳун дарёсидан у томонга утаётган вақтда Мовароуннаҳрнинг Мир Тулак, Алимуҳаммад баҳодир каби бир неча амирлари замон ўзгаришлари сабабли саросимада юрган ва қайга бош уришини билмай турган ҳолда ўзларини Касби қалъаси ичига уришди ва бор кучларини сарфлаб, қалъа деворларини таъмирлашди. Худойберди султон бу хабарни эшитиб, кўп аскар билан Касбинини қамал қилиш учун йўналди. Қалъа аҳли қамалга дош беролмагач, Жонбахти тавочини исқандарнишон Абдуллоҳ султон олдига юбориб, ёрдам сўрадилар. Лекин, Жонбахти тавочи етиб келишидан олдин исқандарнишон Абдуллоҳ султон Насафни босиб олиш ниятини кўнглига қаттиқ тугганча Жайҳундан ўтиб, орқага қайтган эди. Исқандар нишонли султон икки юз кишиси билан Қирққудуқ манзилига етишганда амирларнинг ҳалиги юборган тавочиси султон ҳузурига етишиб, воқеани арзларига етказди. Шунга кўра исқандарнишон султон, яхшиси, аввал Насафга юриш қиламиз, чунки Худойберди султон бунини эшитгач, Касби қамалини ташлашга мажбур бўлиб, биз томонга қараб юради, шунда ул жамоат ҳам қамал машаққатларидан қутулади, деди. Мазкур қарорга биноан Зиёиддин тавочини кутлуғ мавкабнинг Насаф тарафга кетаётганидан огоҳлантириш учун амирлар олдига жўнатди. Зиёиддин тавочи Худойберди султоннинг катта қушин билан Касби қалъасига жуда яқинлашиб, уни зич ўраб турган пайтда етиб келди ва бир амаллаб қалъага кирмоқчи бўлди. Душман одамлари бунини пайқаб қолиб, Зиёиддин тавочини ушламоқчи бўлдилар. Шунда бу мард тавочи пастдан турганча қалъа ичидаги одамларнинг бир-бир номларини тутиб, исқандарнишон султоннинг Насаф устига бостириб келганини баралла товуши билан айта бошлади. Худойберди султон бу гапларни эшитиб, Касби қамалани ташлаганча Қарши томонга йўналди. Исқандарнишон султон Оқтепа мавзесига етишгач, уша ерда Темурхожа сайид Отойи билан учрашди. Воқеадан хабар топган хожа жаноблари «келинг, яхшиси, дастлаб Касби сари борайлик, балки биз ташқаридан, амирлар эса ичкаридан туриб иш қилинса, бирон натижага эришсак ажабмас» дедилар. Шунга кўра, Исқандар фармонли султон мазкур хожа ҳам-

роҳлигида Касби устига юриб кетдилар. Шу орада эса Худойберди султоннинг Зиёиддин тавочи гапларини эшитган заҳоти бошқа йул билан Насаф тарафга кетиб қолгани маълум бўлди.

Худойберди султоннинг аъло ҳазрат Абдуллоҳ султон аскарларига ҳужум қилиши ва енгилиши зикри

Алқисса, Абдуллоҳ султон Касби қалъасига етишгач, амирлар истиқболга чиқиб, кўриниш шарафини топдилар. Искандарнишон султон Муҳаммад Али баҳодирни узига отолиқ қилиб тайинлади ва Касби қасабасида ҳукумат ўриндигига чиқди. Буни эшитган Худойберди султон сон-саноқсиз қўшин билан келиб, Касби қалъасини қамал қилди. Икки томондан уруш олови ёниб, анча жанглардан сўнг бу султон Касби қамалидан қўл тортиб, Насафга кетди. Бир неча кундан кейин Абдуллоҳ султон бир гуруҳ довюррак аскарларини чопқин учун юборди. Худойберди султон бундан огоҳ бўлиб, у ҳам бир неча мард жангчиларини душман гуруҳи ҳамласини қайтариш учун жўнатди. Иттифоқо, Абдуллоҳ султон ботирлари душман келаётганидан огоҳ бўлиб қулай бир ерда пистирма қўйишди. Мағрурлик билан ғафлатда келаётган ул жамоа пистирмада ётганлар ёнидан сезмай ўтиб, Касби томонга қараб кетишди. Искандар султон душман аскарлари келаётганидан хабар топгач, бир гуруҳ ботир жангчиларни улар қаршисига жўнатди. Томонлар йул асносида бир-бирларига дуч келиб, ўртада қаттиқ жанг ва олишув бўлди. Шу тўқнаш чоғи пистирмада бекиниб ётган гуруҳ ҳам орқадан етиб келиб, душманни икки томондан сиқувга олишди. Натижада, муҳолиф аскардан жуда кўпчилиги қилич зарбидан ҳалок бўлишди, етмиш нафари эса асир тушишди. Қолган-қутганлари қочиб қутулдилар. Қўлга тушган асирларни олий тахт олдига келтирдилар ва шу заҳотиёқ олий фармонга кўра барчасини қатл этдилар. Эртаси куни исқандарнишон султон иззат ва шон-шараф билан Насафни эгаллаш учун ўша томонга йўналди. Худойберди султон Насаф қалъасини беркитиб, деворларини мустаҳкамлади. Индинига пиёда ва отлик чавандозлар қалъадан ташқари чиқиб, муҳориба байроғини кўтардилар. Бир неча соат ўтмай, мавжуд шароитда Насаф қалъаси осонликча қўлга кирмаслигини сезган Абдуллоҳ султон Касбига қайтишга мажбур бўлди. Лекин, доимо мансур лашкар аскарлари Насаф атрофидаги туман ва қиш-

лоқларга босқин-чопқин уюштириб, ҳатто, Насаф ҳукуматига қарашли анчагина мавзеларини Абдуллоҳ султон тобелигига ўтказиб, мулозимлар таъминоти учун манба жойига айлантирдилар. Шунга кўра, Худойберди султон Қаршини Қилич Қора султоннинг Бури отолиқ, Тутош девонбеги, Чучук парвоначи сингари амирларига топшириб, ўзи Соғаржга кетиб қолди. Бу воқеани эшитган Абдуллоҳ султон тўхтовсиз шу йилнинг охирида Қарши томонга отланди ва қалъани қамал қилиб, ён-атрофдан ҳаммалар уюштирди. Шу кунлари султон арзига, Қилич Қора султон катта қўшин билан Қарши вилоятига қарашли Авғонак мавзесига келиб тушди, деган сўзлар етишди. Мазкур сабабга кўра, Абдуллоҳ султон қалъа қамалини ташлаб, душман томонга қараб йўл олди. Тарафлар бир-бирига дуч келгач, уруш туғлари кўтарилиб, жанг оловлари аланга олди.

Алқисса, анча уруш ва савашдан сўнг фатҳ насими ҳазрати аъло султон байроғи сари эса бошлади ва ғаним сипоҳи қочишга юзланди. Мансур лашкар довюраклари таъқиб йўсини билан душман кетидан қувлаб, бир нечта амирларни Қилич Қора султон билан бирга қўлга туширдилар ва уларни Абдуллоҳ султон олдига судраб келдилар. Шу куни зафар шиорли қўшин аскарлари қўлига ҳаддан зиёд кўп ўлжа ҳам тушди. Ҳазрати аъло олоҳи таолога берган неъматлари учун шукроналар келтириб, Қарши шаҳрида салтанат тахтига чиқди.

959 йили³⁷⁷ Самарқанд воллийси Абдуллатифхон ибн Кўчкин-чихон вафот қилди ва шунда Самарқанд ҳукумати Султон Саъид султонга мерос қолиб, хонлик тахтига ҳам ўтирди, Туркистон, Тошкент, Бухоро мамлакатлари шаҳарларида хутба ва танга унинг номи ва алқоби билан безанди.

Наврўз Аҳмадхоннинг Шаҳрисабз устига келиши ва у ердаги Ибодуллоҳ султонни қамал қилиши ҳамда Бурҳонхоннинг Косон атрофини талон-торож қилиши ва Абдуллоҳ султон қўшинидан енгилиши

Бу воқеа ва ҳодисанинг қисқача шарҳи шуким, искандарнишон султон Насаф вилоятида иззат ва шон-шараф билан жаҳонбонлик салтанати уриндигига ўтирган чоғда, Кеш вилоятида эса ўша пайтлари Балх мамлакатлари волийси Пирмуҳаммадхон кўёвлиги шарафига муяссар бўлган ҳамда қайнотасининг ёрдами

билан Кеш вилоятини Хошим султон ибн Бурундук султон Хисорий қулидан тортиб олган Ибодуллоқ султон ибн Искандар султон салтанат юргизаётган бўлиб, Навруз Аҳмадхон амакиваччаси Абдуллатифхон вафот этиб, Султон Саъид султон унинг ўрнига утирганига чидаолмай, Тошкент, Туркистон лашкари билан Самарқанд шаҳри устига бостириб келди ва шаҳар атрофига қўш ташлади, аммо қалъани олишга кучи етмай, Самарқанддан ўтганча, Кеш томонга келди ва Бухоро волийси ҳузурига одам юбориб, ёрдам сўради. Бу пайтда Бухоро ҳукумати Бурҳон султон билан шерикликдаги Муҳаммадёр султонлар қулида эди. Искандар фармон султон бу воқеадан хабар топиб, амакиси Пирмуҳаммадхон олдига Балх вилоятига одам юборди. Игтифоқо, Балх қўшини ёрдамга етиб келгунча, кўнглига Насаф вилоятини босиб олиш ниятини тугган Бухоро волийси Бурҳон султон қўшини билан келиб, Косон атрофини аскарлари қароргоҳига айлантирди³⁷⁸. Искандарнишон султон дарҳол душманни тор-мор қилиш мақсадида Қаршидан чиқиб, Косон сари юзланди. Тарафлар тўқнаш келгач, икки тарафдан уруш оловлари ёнди. Абдуллоқ султон лашкари жуда кам сонли, душман аскарлари сони адоқсиз бўлиб, аҳвол нима билан тугаши номаълум бўлиб турганда, Пирмуҳаммадхон қўшинининг ноғора-ю сурнайлари садоси оламни тутди. Балх қўшини Насаф атрофига келиб қўш ташлади. Қўшиндан бир нечта баҳодирлар ажралиб чиқиб, шу заҳоти ўзларини исқандарнишон султон мавкабига етказиб, султонга қўшилдилар ва муборица қўлини жасурлик енгидан ташқари чиқардилар. Бухоро волийси бу ҳолни кўриб, қочиш қарорини ихтиёр қилди. Мансур лашкари уларни таъқиб қилиб, кўп ўлжани қўлга туширдилар. Искандар аломатли султон мансур ва музаффар қайтиб, бузруквор амакиси кўрунишига мушарраф бўлди. Зиёфат ва меҳмондорчилик маросимидан сўнг Ибодуллоқ султонни қутқариш маслаҳатига ўтирдилар ва кенгашдан сўнг душманни тор-мор келтириш мақсадида Кеш томонга йўналдилар. Навруз Аҳмадхон музаффар байроқли хоқонлар келаётгани ва ёрдамга келган Бухоро волийсининг эса ўзи балога учраб, қочиб қолганидан хабар топгач, дарҳол Кеш қамалини ташлаб, ўз салтанати маркази томон қайтиб кетди. Пирмуҳаммадхон юраги ниҳоятда қувончга тўлиб, хушҳол бўлди ва исқандарнишон султонга Насафга қайтишига рухсат бериб, ўзи Шаҳрисабзга борди ва у ердан Калиф йўли орқали Балх томон қадам ташлади.

Наврӯз Аҳмадхоннинг Самарқандни олиши ва аъло ҳазрат Абдуллоҳ султоннинг уни қамал қилиши

Бу ҳодисанинг юзага чиқиш баёни шуки, Наврӯз Аҳмадхон Туркистон томонга қайтиб кетгач, келгуси 961 йили³⁷⁹ Самарқандни қамал қилиш мақсадида яна ҳарбий юриш сари киришиб, анча уруш ва савашлардан сунг Самарқанд шаҳрини забт этди. Султон Саъид султон эса қочиб, умид юзини Искандар нишонли султон даргоҳи сари қаратди ва ёрдам сўради. Шунга кўра, искандармисол султон Миёнкол тарафга ошиқди ва ул атроф сипоҳини йиғиб, Узбек султон, Хусрав султон каби қариндош-туққанлари билан йўналиш юзини Самарқанд сари бурди. Наврӯз Аҳмадхоннинг катта қўшин билан Самарақанд шаҳри ичида турганига қарамай, тунда қалъа ёнига яқин келиб, тонг отишидан бурун ён-теваракдан ҳужум бошлади. Қаттиқ жанглар давом этаётган ва ҳали томонлар ҳеч бир натижага эришмаган пайтда тонг ҳам отиб, қоронғу оламни нурга тўлдирди. Искандар нишон султон вазият тақозосига кўра орқага чекинишга мажбур бўлиб, Насаф вилоятига қайтиб кетди. Султон Саъид султон шайх Абулҳасан Ишқий авлодидан бўлмиш валийлик паноҳи, баланд мартабали ҳазрат Муҳаммад Содиқ шайх лангари томон ошиқиб, ул шайх қариндошларидан бири воситасида Наврӯз Аҳмадхон ҳузурига борди ва эъзоз-икром билан қабул қилинди. Наврӯз Аҳмадхон унинг кўнглини кўтарди ва Самарқанд эвазига Бухорони Бурҳон султон қўлидан озод қилиб, у ер ҳукуматини Султон Саъид султонга топширишини ўз зиммасига олди. Ўша йили Бурҳон султон шерикликдаги Муҳаммадёр султондан ҳадиксираб, уни аёвсиз равишда ўлдиртирди ва шу билан ўзи Бухоронинг мустақил хони бўлиб қолди.

Бобо султон ибн Наврӯз Аҳмадхоннинг аъло ҳазрат Абдуллоҳ султонни Насафда қамал қилиши ва аъло ҳазрат султоннинг қалъадан чиқиб у золим билан жанг қилиши

Бу воқеанинг қисқача баёни эса тубандагичадир: Искандар нишонли султон Самарқанд атрофидан қайтиб келиб, Насафда иззат ва шон-шараф ўриндигига ўтиргач, Наврӯз Аҳмадхон унинг нусратли қўшинидан қасос олиш ниятини кўнглига тугиб, чексиз

лашкар билан бир нечта фарзандларини Миёнкол ва Насаф сари жўнатди. Бу хабар ён-атроф ерларга тарқалгач, дарвиш нишонли Искандар султон Миёнколни ташлаб, Жайхун дарёсидан ўтганча Балх томонга йўналди. Рустам султон, Сулаймон султон бошқа оғо-инилари билан Искандар нишон султон ҳузурига Насаф томонга кетдилар. Наврўз Аҳмадхон Миёнколни тулалигича тасарруфига киритгач, Кармина вилоятини ўз ўғли Дўст Муҳаммадхонга берди. Дабус қалъасини Абдол султон ибн Абдуллатифхонга топширди. Шаҳрисабз ҳукуматини Ҳошим султон ихтиёрига ўтказди. Ўғли Бобо султонга катта қўшин билан Насаф тарафга Абдуллоҳ султонни қалъада қамал қилиш учун жўнатди. Бобо султон Қарши атрофига келиб, қамал пайдан бўлди. Аъло ҳазрат ҳам Қарши қалъаси ичидан чиқиб, икки томон сафга тизилдилар ва ҳар ким ўз сафларига тартиб бериб, Бобо султон румий ўқчилардан иборат бўлинмани ўнг қўлда жойлаштирди. Гадоё султоннинг отолиқи Жонмуҳаммадбий, Абдол султоннинг отолиқи Сотилгон отолиқни Жавонмардали султон ҳамроҳлигида анча кўп аскар билан чап томонга юборди. Ўзи эса қўшиннинг қўл (ғўл) қисмида туриб, катта қўшинни урушга шай ҳолатга келтирди. Искандар нишон султон ҳам қўли озгина оғриганига қарамай, қўлини бўйнига осиб олганча ўз лашкарини тўла суратда тартибга келтирди. Жумладан, Рустам султонни лашкар қалбида душманнинг қўл қисмига ҳамла қилиш учун қўйди. Кепак султон ва Ўзбек султонни ўнг қисмда турғизди. Ўзи эса биркитилган хос дастаси билан дил қисми рўпарасидаги чап томонда қувват билагини кўтарди. Икки томондан сафлар тартибга солингач, довюралар жангга киришдилар. Танишбий жалойир ўғли Поянда Мирзо олдинги ҳамла йўсини билан румликлар устига от солди. Шу сабабли ҳусну малоҳат ва шижоату баҳодирликда олам аро яғона бўлмиш ул марди майдон дилбар йигит ўқ ва тўфанга нишон бўлиб, шаҳидлик даражасига етди. Рустам султон ҳам ўша урушда ўқ захмидан яраланиб, охири, шу яра жароҳатидан жаннат боғлари сари йўналди.

Алқисса, шу куниси пешин намозигача жанг ойнали икки томондан ҳам кетма-кет ҳамлалар амалга ошди. Душман қўшини жуда кўп бўлганидан ва уларга соат сайин одам келиб қўшилиб турганидан, улуғ амирлар исқандар нишон султон оти жиловини тутиб, жанг сари қўймадилар ва Жайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Балх томонга ошиқдилар.

**Олий насабли султоннинг ута қаҳру ғазаб юзасидан
Султон Саъид султон ва Дустум султон ибн Навруз
Аҳмадхон (Бароқхон) билан Ому дарёси қирғоғидаги
Фараб мавзесида урушгани зикри**

Бу воқеанинг қисқача шарҳи шуким, аъло ҳазрат Абдуллоҳ султон замон тақозаси, аниқроғи, тескаричилик йулига кирган тошкентлик, самарқандлик қариндош султонлар ғалабаси ва юртларни эгаллагани оқибатида Хусрав султон, Абдулқуддус султон каби амаки ва укалари билан бирга Андхуд ва Шибиргон томонларда ҳаёт кечирарди. Навруз Аҳмадхон Самарқандни эгаллагач, у ернинг меросхури Султон Саъид султонга эса Бухоро ҳукуматини беришни ваъда қилганди. Шунга кўра чексиз қўшин билан «товушқон йил»га тўғри келган ҳижрий 962 йилнинг ражаб ойи³⁶⁰ да Бухоро устига йўналди ва қаттиқ қамални бошлаб юборди. Бироқ, қамал даври уч ойга чўзилиб, Бухоро волийси Бурҳон султон бир мактуб битиб, замон ҳодисалари сабабли Абдуллоҳ султон мавқабидан ажралиб, Бурҳон султоннинг навкарлигига кирган амир Мирзо Валихоннинг қўлига тутқазиб, ҳазрати олий Абдуллоҳ султон даргоҳига жўнатди. Хат орқали «агар ёрдамга келиб, мени қутқарсангиз, мукофотига ушбу Бухоро вилоятини Сизга пешкаш қилиб, от боғлагудек жойга қаноат қиламан» деган гапларни ёзиб юборганди. Шунга кўра, аъло ҳазрат ғалаба аломатли байроғини ҳилпиратиб³⁶¹, Бухоро томонга йўналди ва Бурдалиғ кечувидан ўтиб, эртаси куни Фараб қалъасига келиб тушди. Фараб қалъасида эса шу шаҳар ҳокими Дустумхожа сайид Отоий ул ҳазратнинг қадами етиб келганидан хабар топиб, Бухоро волийси Бурҳон султон номидан муносиб совға ва лойиқ туҳфаларни султон ҳазратлари назаридан уткарди. Ул ҳазрат шу кечаси отларга арпа ва ем-хашак бердириб, эртаси куни пешин намози пайти зафарга яқин лашкар билан йўналиш юзини Бухоро томон қаратди. Ғалабага ёр қўшиннинг Жайхун дарёсидан утгани хабари шов-шув бўлгач, Бароқхон лақабли Навруз Аҳмадхон мазкур Султон Саъид султон ва ўзининг ўғли Дуст Муҳаммад султон – Дустум султон ибн Бароқхонни йигирма минг нафар бури босар жангчи билан мақсади ҳосил султонни йўқ қилиш учун юборди. Бу иккала султон чексиз сонли қўшин билан ул улуғ мартабали султон томон йўлга тушдилар.

Дастлаб, тил ушлаш учун икки томондан ҳам гуруҳлар юборилган бўлиб, улар кутилмаганда бир-бири рўпарасидан чиқиб қолишди ва қуролли олишувдан сўнг, Абдуллоҳ султон одамлари душмандан биттасини қулга тушириб ҳазрати султон олдига келтирдилар. Султон ундан душман ҳақида сўради ва асир эса Бароқхон буйруғига биноан Султон Саъид султон ва Дўстмуҳаммад (Дўстум) султон ибн Наврўзхоннинг катта қўшин билан зафар нишонли султонга қарши келаётганини айтди. Воқеа мазмуни маълум бўлгач, айрим амирлар «яхшиси бу ердан қўзғалиб, Фараб қалъаси ичига кирайлик, фурсат пойлаб, ўша ердан душман устига шабихун қилиб турайлик, чунки муҳолиф аскарлари ҳаддан ташқари кўп, бизнинг қўшиндагилар сони эса уч юз нафардан ортиқ эмас» дейишди. Шунга кўра, зафар аломатли ҳазрати султон амирлар илтимосига биноан қайтиш жилловини бундай бўлиб, ўзларини Фараб қалъаси ичига олишди. Ўша куниси душман қўшини кўринди ва улар Фараб қалъасини айланиб ўтиб, қалъанинг қибла тарафида қўш ташлашди. Чодир, оқ ўтов ва ўрду боргоҳи саропардасини осмондаги ой ва қуёш мақомига қаратиб бўй чўздиришди. Душман тарафдан, дастлаб, Тангриберди ўғлон қалъа девори тагига келиб, Дўстумхожадан султонлар ҳақида сўради ва уларнинг донгдор номи ва шарафли исмларини одобсиз сўзлар билан тилига олгач, ушбуларни қўшимча қилди: «Оллариди сув, яъни дарё турибди, бу ёқда эса биз оловга ўхшаб гурилляпмиз. Ут билан сув орасидан қанақа қилиб жонларини соғ-омон сақлаганча қирғоққа чиқишар экан? Бундай бўлмаслиги ҳаммага ойдин-ку!»

Ул ҳазратга бу гап жуда қаттиқ тегиб, азобда илондек товланди. Алқисса, душман келиб тушиб, дам олганларидан сўнг зафар нишонли ҳазрати султон укалари ва амакизодалари билан бирга Фараб дарвозасидан ташқари чиқиб, жанг сафига тузилдилар. Султон Саъид султон ҳам Дўстмуҳаммад султон билан ночорлик юзасидан минг қўрқув-ҳадик ичида сафга тартиб бериб, уруш бошланишини кутиб туришди. Анча давом этган шиддатли жангдан сўнг ғалаба насими ҳазрат султон байроғи томон эса киришди ва Султон Саъид султон, Дўстум султонлар орқага қарамай қочиб қолишди. Жуда кўп қурол-аслаҳа, зарур ва қимматли асбоб-буюмлардан ажраб, амирлардан Таваккал бий дўрмон, Тангриберди ўғлон кабилар ҳазрати султон баҳодирлари қўлига асир тушди. Уларни султон ҳузурига олиб келдилар ва сўнг буйруққа би-

ноан ҳар иккаласини ҳам қатлга еткардилар. Қочиб қутулган бошқа амиру аскарлар эса яраланган, руҳан эзилган ҳолатда Навруз Аҳмадхон урдусига келиб қушилдилар. Навруз Аҳмад (Бароқ)-хон қули остида шижоат асар аскарининг кўплиги ва шон-шавкатининг устунлиги жиҳатидан ўзини ҳаммадан қудратли билиб юрганига боқмай, ҳазрат султон савлатидан қўрқувга тушиб, дарҳол Бухоро қамалини тўхтатди ва мақсадига ета олмай, салтанати маркази сари юзланди. Самарқандга келиб киргач, хонлик тахтига чиқди ва Султон Саъид султоннинг қул-оёғига кишан солиб, сургун йўсини билан Кошғарга қарашли Қоронғутоғ томонга Рашидхон³⁸² олдига жунатди.

Музаффар байроқли султоннинг илк бор Бухоро дорулмулкида тахтга чиққани зикри

Султон Саъид султон зафарнишонли қўшиндан енгилиб қочгач, ҳазрати султон Абдуллоҳхон Бурҳон султоннинг илтимосига кўра йўналиш жиловини Бухоро томон бурди. Бурҳон султон шаҳарнинг бир нечта каттаконлари ва шариф кишилари билан мақтов васфли султон истиқболига чиқиб, Бухородан бир ярим фарсанглик масофада жойлашган Ислом номли шаҳарчада ҳазрат султон билан учрашди ва ваъдасига биноан Бухорони ул ҳазратга пешкаш этгани ҳақида маълум қилди. Зиёфат маросими ва хизматлар адосидан кейин ўзи эса Қорақул ва Чаҳоржўй тарафга йўл олди.

Бу воқеадан бир неча кун ўтгач, ўрталарида низо чанги кўтарилиб, Бурҳон султон кўнглига яна мустақил ҳукмронлик ҳаёли тушди ва кўпгина лашкар тўплаб, Бухоро вилояти сари юзланди. Бу хабар мақсади ҳосил ҳазрат султон қулоғига етгач, дарҳол барча яхши хислатли укалари билан шаҳардан ташқари чиқиб, Бурҳон султон қаршисига йўналди. Бурҳон султон ҳам Искандарнишон султоннинг қарама-қарши келаётганидан хабар топгач, йўналиш жиловини Бухоро туманларидан саналган Ромитан кўрғони томон бурди ва ул кўрғон деворларини мустаҳкамлаб, жангга шай турди. Искандарнишон султон Ромитан қалъасини қамал қилиб, жанг байроғини ёйди. Бироқ, Бухоро лашкаридан анчаси оёқларини вафосизлик йўли сари қўйиб, саодатнишонли остондан юз ўгирганча тўп-тўп бўлиб бориб, душманга қўшилавердилар. Аъло ҳазрат шу сабабга кўра, Ромитан қалъ-

аси атрофидан қўзғалиб, Бухоро томон ошиқди. Шаҳар халқининг ҳам Бурҳон султон давлати тарафдори ва хайрихоҳлари билан бирдам ва яқдил эканини кўргач, йўналиш жilовини Балх тарафга бурди.

Искандарнишон султоннинг қўнгурот амирлари илтимосига кўра Қорақўл вилояти устига келгани ва Бароқхоннинг қамал қилгани ва аъло ҳазратнинг яна Балх томонга қайтиб кетгани зикри

Бу воқеанинг қисқача шарҳи шуким, айрим улуғ амирлар Бурҳон султон томонидан доимий равишда юзага чиқиб турган баъзи бир ярамас ва бемаъни қилиқларни кўриб, ундан юз ўгирганча Қорақўлга кетиб қолишган пайтларда, Бухоро қўшинидан Халқомонбий Қорақўлнинг ҳар бири мардоналикда замон ягонаси бўлган Жонкелди отолиқ қўнғирот ва унинг укаси Халқомон отолиқ қўнгурот, Тангриқул хитой ва бошқалар биргалашиб, Қорақўл қалъасини забт қилишди. Сўнг Абдуллоҳ султонга мактуб орқали мурожаат қилишиб, Қорақўлга ташриф буюришини сурашди. Ҳазрати аъло қорақўллик амирлар илтимосига кўра, Узбек султон, Хусрав султон каби қариндош султонларни ёнига солиб, Қорақўл томон йўналган кўйи келиб, Қорақўл қўрғонига кирдилар. Бухоро волийси Бурҳон султон ҳазрат бу воқеани эшитгач, ночор ҳолатда Самарқандга одам жўнатиб, Бароқхонни рўй берган ҳодисадан хабардор қилди. Бароқхон дарҳол Кеш, Самарқанд, Уратепа, Хўжанд, Сайрам, Тошкент лашкари ва Аҳси, Андижан сипоҳи ҳамда Дашти Қипчоқ, Туркистон одамларидан ташкил топган икки юз минг кишилик қўшин билан Бурҳон султонга ёрдам учун шошилди. Бухоро волийси шошилинч равишда улар истиқболига чиқиб, Дурбой мавзесида икки томоннинг мулоқот юзи чеҳра очди ва биргалашиб, ҳазрати аъло устига қараб юриб, Қорақўл қалъасини узук ичидаги қошдек ўраб олдилар. Орада жангу жадаллар олови ҳам кучайиб, аёвсиз уруш-савашлар анчагина давом этгач, ахийри, тарафлар сулҳ ва яраш ишига рози бўлдилар. Аъло ҳазрат Қорақўлни ташлаб, йўналиш юзини Маймана томонга қаратди.

963 йили³⁸³ Наврўз Аҳмадхоннинг Самарқандда вафот этгани хабари барча ўлкалар аро тарқалиб, хутба ва танга янги хон Пирмуҳаммад хон номи билан безанди.

Искандарнишон Абдуллоҳ султоннинг Маймана ва Фаржистон томонлардан қайтиб, Жайҳун дарёсидан кечгани ва оллоҳнинг инояти билан Кармина вилоятини Дуст Муҳаммад султон ибн Бароқхон қулидан тортиб олиб, қайта эгаллагани зикри

Бу воқеанинг қисқача шарҳи шуким, Навруз Аҳмадхон вафот этиб, хутба ва танга аъло ҳазрат Абдуллоҳ султоннинг амалкиси Пирмуҳаммадхон номи билан зийнатланиб, хонлик тахти унинг вужуди билан безангач, аъло ҳазрат бу воқеалардан сунг дарҳол қариндош султонлардан иборат жамоа билан Жайҳундан кечиб, дастлаб салтанатининг асл маркази ва туғилган ватани Кармина сари юзланди. Карминанинг уша пайтдаги ҳокими Дуст Муҳаммад султон ибн Бароқхон ул ҳазрат келаётгани учун жуда катта хавф ва даҳшат ичида қолиб, Кармина вилоятдан чиқиб кетди ва Самарқанд томонга укаси Бобо султон олдиға шошилди. Аъло ҳазрат Абдуллоҳ султон Кармина вилоятини тасарруфига киритиб, салтанат туғини ҳилпиратди.

Искандарнишон султоннинг Кеш вилоятини Ҳошим султон ибн Бурундуқхон қулидан тортиб олиб, Хусрав султон билан алиштиргани зикри

Бу вақеанинг қисқача шарҳи шуким, искандарнишон султон кунглини Кармина мамлакати ишларидан тинчитгач, уғруқни Куфийнда укаси Абдулқуддус султон ёнида қолдириб, узи Ўзбек султон, Хусрав султон каби бошқа султон қариндошлари билан бирга йуналиш жиловини Шаҳрисабз сари бурди. Ўша пайтда ул диёр волийси Ҳошим султон кўп сонли қушин билан Шаҳрисабз қалъасида ватан тутган бўлиб, Абдуллоҳ султон эса душман кўплигини сира хаёлиға келтирмай, намозшом чоғи Тамшақ мавзесида отлар қорнини арпа билан туйғизиб, илғор йусини билан Шаҳрисабз томон юзланди ва кечаси қалъа атрофига етишиб, Баҳром нишон довюраклар Искандар нишон султон буйруғига биноан шоту ва нарвонларни қалъа устиға отиб, қалъа устки йўлагига чиқиб олдилар. Сурнай ва ноғора товушларини эса ундан ҳам баландға етказдилар. Қалъа аҳли зафар шиорли сипоҳнинг қалъа устиға чиққанини билиб, ғафлат уйқусидан уйғондилар ва ётган жойларидан туриб, жанг учун отилиб ташқари

чиқдилар. Икки тарафдан амалга ошган анча уруш-савашдан сунг Ҳошим султон қочмоқни ихтиёр қилиб, минг бир чора-тадбир билан шаҳардан чиқиб, қочиш юзини асл ватани бўлмиш Ҳисори Шодмон томонга қаратди.

Шундай катта бир вилоят аъло ҳазрат тасарруфига киргач, саховат ва адолат кетидан бўлиб, ул вилоятни Хусрав султонга бахшида қилди.

**Жаҳонни равшанлатувчи, дўстларни қувонтириб,
душманларни куйдирувчи ул султоннинг Навруз
Аҳмадхон фарзандлари билан бир кунда икки марта
муҳориба қилгани ва ул ёмон хислатли фирқанинг
енгилиб қочгани зикри**

Бу воқеа баёни ва шарҳи шуким, Навруз Аҳмадхон вафот этгач, Самарқанд ҳукумати унинг ўғли Бобо султонга тегди. У давлатнинг айрим устунлари маслаҳатига кура ул вилоят меросхўрларидан бўлмиш Гадоё султон ибн Абдуллатифхонни ўзига шерик қилди. Гарчи Гадоё султон бир неча кун зоҳирда Бобо султон билан яқдил бўлиб юрган эса-да, лекин зимдан бу ҳолга тескари иш тутиб юарди. Чунки, ул мамлакат меросхўрларидан бири саналган Султон Саъид султон Қоронғутоғда шу тошкентлик амакиваччалари хусуматли қарори сабабли қийинчилик ва машаққатлар гирдобида ҳаёт кичирмоқда эди. Укаси Жавонмардали султон эса Аҳси ва Андижон вилоятида ҳукумат тавсанини салтанат майдонида елдириб юарди. Гадоё султон доимо Аҳси ва Андижон томонларга одам юбориб, уни Самарқандга бостириб келишга ундар эди. Ниҳоят, Жавонмардали султон Аҳси ва Андижон мамлақатида кўп сонли қўшин йиғишга эришиб, Усрушана деб ҳам аталувчи Ўратепада бош кутариб чиқди. Бобо султон ака-укалар иғвоси ва исёнидан хабар топгач, улардан олдин чора қўллаб, Гадоё султонни жазо йўсини билан шерикликдаги хонлик тахтидан четлаштириб, салтанат қудратидан айирди. Шунда авбошлардан бири Гадоёхон юзига ёмон аломатли бир зарб захмини етказди. У шу ҳолда Самарқанддан чиқиб, ўзининг маврусий вилоятларидан бири бўлган Ўратепа томон шошилди. Гадоёхон ва Жавонмардали султон ўртасида мулоқот юз бериб, биргаликда дунё шаҳриёри олий даргоҳига одам юборди-

лар ва ёрдам бериш учун ташриф буюришини илтимос қилдилар. Аъло ҳазрат султон улар илтимосига биноан туркий «ит йил»³⁸⁴ га тўғри келувчи ҳижрий 964 йилнинг жумоди-с-соний ойи³⁸⁵ да Самарқанд сари юрди. Икки қўшин Аллюбод қуриғида бири-бирига келиб қўшилдилар ва Самарқанд қалъаси қамали учун юзландилар. Искандар нишон Абдуллоҳ султон бошқа қариндош султонлар билан бирга Мотрид мавзесида қўш ташлашди. Жавонмардали султон Кониғил мавзесини ўз қароргоҳига айлантирди. Гадойхон укаси Абдол султон билан бирга Сарвистон манзилига тушдилар. Эртаси куни ҳар икки томоннинг саф ёрар довюрақлардан бир тўпи ичкаридан чиқиб ва ташқаридан юриб, жанг майдонига кирдилар. Ичкаридан Дўстум султон ибн Наврузхон, ташқаридан эса Хусрав султон мардлик ва мардоналик кўрсатиб, ҳаммани қойил қолдирдилар. Бир неча кун ўтгач, Дарвишхоннинг Тошкент, Андижон, Хужанд, Туркистон қўшини билан биродарлари ёрдамида келаётгани овозаси аъло ҳазрат қулоғига етишди. Шунга кўра, дарҳол душман олдига йўналди. Тарафлар Илон ўтти довоғида бири-бирига туқнаш келиб, ҳарб ва жанг оташи гуриллаб ёнди. Шу аснода Хонҳасан чуҳра оғоси кенагас ҳумоюн арзга «Самарқанд томондан катта бир чанг-тузон кўтарилиб, бу томон келмоқда, балки бу акаси Дарвишхонга ёрдамга келаётган Бобохоннинг қўшинидир» қабилидаги гапни етказди. Ул ҳазрат довюрақлигини яна бир карра намоёиш этганча Хонҳасан Баҳодирга қараб «ҳозир бу ҳикоятнинг мавриди эмас, нима бўлса бўлди, аммо бу гапни зафар туғли довюрақлар эшитмаслиги лозим, чунки мабодо билиб қолсалар, жанговарлик руҳлари тушиши мумкин» дея буюрдилар.

Алқисса, жангу жадал авжига минган чоғда Дарвиш султон қочиш томон юзланди. Зафар нишонли қўшин қўлига эса кўп ўлжа ва сонсиз қурол-аслаҳа тушди. Шайхим қўрчи, Таниш Абдолбий каби душман амирлари ҳам асир олиниб, қатл этилдилар. Бироқ, жангчилар қулоғидан уруш карнай-сурнайлари товуши кетмай, жанг фитнаси зарбасидан бир дам ором олмай туриб, шу куннинг сўнгида «Бобо султон ҳам катта қўшин билан акаси Дарвиш султонга ёрдам учун етиб келди» деб қолишди. Аъло ҳазрат ҳеч тўхтовсиз бошқа султонлар билан бирга яратган эгамга таваккал қилиб, душман мудофааси учун ташланди ва икки тарафдан муҳориба сафлари тизилиб, уруш туғлари кўтарилди. Бобо султон ўз қўшини сони шунча кўплигига қарамай, бирор соатча

урушиб, шундан кўпига дош беролмади ва зафарга ёр довиораклар ҳамласига чидам бермай, қочиш жilовини Тошкент сари бурди. Бобо султоннинг улуғ амирларидан Қодирберди кўрчи, Тандуруст бий дурмон асир олиниб, бу икки амири кабир жаҳон олувчи султон буйруғи билан охират сари равона булдилар.

Алқисса, бир кунда шундай икки катта ғалаба қўлга кириб, ҳеч ерда ва ҳеч қачон ҳеч бир атоқли султонга онҳазрат эришган бу бахт насиб қилган эмас.

Эртаси куни ул манзилдан қўзғалиб, музаффар ва мансур йўналиш жilовини Самарқанд шаҳри сари бурдилар. Шаҳар аҳолиси ҳамда самарқандлик таниқли мавлонолар, улуғлар ва шариф зотли кишилар истиқболга шошилиб, лойиқ туҳфаларни давлат устунлари воситасида ул ҳазрат назаридан ўтказиб, мулоқот саодатини топдилар.

Мақсади ҳосил ҳазрат шаҳзода анбар тароватли беҳишт билан баробарлик лoфини урувчи шундай вилоятни унинг меросхўрлари Гадои султон ва Жавонмардали султонларга топшириб, қайтиш байроғини ўзининг иззат ва шавкат қароргоҳи сари ҳилпиратди.

Ғолиб байроқли аъло ҳазратнинг Бухоро қалъаси атрофига келиши ва уни қамал қилиши ҳамда оллоҳ инояти кўмагида Бухорони эгаллаши

Бу ҳодиса шарҳи ва баёни шуким, Искандар нишон султон илоҳий ва моддий нарсаларни яратган эгамга таваккал қилиб, ҳумоюн мавкабидаги озгина одами билан Самарқанд тахти ворислари ёрдами сари юзлангач ва Наврўз Аҳмад авлодлари билан бир кунда икки марта тўқнашиб, душман қўшини кўплиги ва дўстлар аскарлари озлигига қарамай, ғанимлар давлат байроғини ер тубан булғаган пайтларда исқандарнишон султон қўлоғига «Бурҳон султоннинг жангу жадал ниятида душманга ёрдам учун отланиб, Кармина қалъасини эгаллаш учун бу шаҳарни қамалда қолдирибди» қабилидаги гапларни етказдилар. Аммо, Бурҳон султон ўз тарафдорларининг қочганидан хабар топиб, у ҳам қочиш водийси сари юз тутганча, қалби синиқ бир ҳолатда Бухорога қайтди. Шунинг учун Искандар аломатли султон қасос олиш мақсадида 964 йилнинг ражаб ойи³⁸⁶ да Бухорони қўлга киритиш учун йўналди ва Бухоро қалъасига уланган Чаҳортоқ мавзеси қўриғига келиб тушди. Қалъадагилар ҳам жасурлик во-

дийси ва қаршилиқ йулига қадам босиб, мудофаа жангига киришдилар. Жумладан, хожайи бузурқвор хожайи Баҳоуддин Нақшбандийнинг файз осорлик мазори дарвозасида жуда кўп жангчи ва аксарият қисми румлик бўлган таниқли туфанг отувчилар ташқари чиқиб, урушга азму жазм қилдилар.

Нусратнишон сипоҳдан ҳам бир гуруҳ довяраклар рухсат олиб, муҳориба майдонида чопдилар ва биринчи ҳамладаёқ Парвин юлдузлари каби бир ерга йиғилган ул паришон фирқани Банот ун-наъш каби ҳар томонга тарқатиб юбордилар. Уларнинг кўпчилиги ўқ ва ханжар зарбидан ер тубан қуладилар, қолганлари хаста ва шикаста ҳолда қочиш йулини тутдилар. Ул ёмон зотли фирқадан душманларнинг энг шижоатлиси Кўр Фарҳод ўлдирилиб, Қурбон саҳт камон лақабли моҳир камон тортар асир олинди. Хусрав султон Навруз қушбеги каби баҳодир ҳамда шу сингари бошқа довяраклар билан баҳодирликнинг тавсан отига миниб, имоми ҳумом Абу Ҳафс – *унга оллоҳнинг раҳмати булсин* – дарвозаси тарафдан қаҳр юзини Бухоро шаҳри томон қаратдилар. Қалъа ичидагилардан ҳам эътиборли диловарлардан саналган Султон Ёрбий дурмон жуда кўп пиёда халқ ва чавандозлар ҳамроҳлигида ташқарига отилиб чиқдилар. Икки томон қушинидан ҳам жангчилар бир-бири устига ташландилар. Хусрав султон кина утини ёндирувчи суворийлар билан кетма-кет ҳамла қилиб, сув рангли қилич зарби ва оташ сочувчи найзалар захми билан ул тупроқ аломатли шамолдек учувчи душман чавандозлари ҳаёти хирмонини куйдирди. Пиёдаларидан кўпчилигини эса тошни эзар тақовар отлари туёғи остида мажақлаб, несту нобуд қилдилар. Қолганлар толиққан ва руҳи тушган ҳолатда минг бир машаққат гирдобида улим чангалидан қочиб қутулганча юзларини қочиш водийси сари тутиб, қалъа ичига кирдилар ва дарвозаларни маҳкам беркитдилар. Хусрав султон эса музаффар ва ғолиб бир суратда қалъа тағидан қўшин томон қайтди.

Алқисса, анча вақт ва кунлар давомида тарафларнинг отлиқларигина бир-бири билан отқулашиб жангга кирганча пайконлари тумшуғини душманлар кўзи булоғи сувидан суғориб юрдилар ва найза учлари билан қўрқоқлар жон томиридан қон оқизиб турдилар. Ниҳоят, қизиқ бир воқеа рўй берди ва ажиб бир тақдир ўз юзидан пардасини кутарди. Бу сўзнинг баёни шуким, қалъа сақлаш замони ва қалъа қамали даврони чузилавергач, Бухоро аҳолиси давлат устунлари билан маслаҳатлашиб,

бошга тушган қийинчилик ва кулфатни аритиш учун аъло ҳазрат султон томон муҳаббат эшикларини очиб, қўрқув ва бегоналик ниҳолини таг-томири билан қўпориб ташлашга қарор қилдилар. Шу мақсадда юзларини сайидлар аълоси ҳазрат қутбил-ақтобий ҳазрат хожа Жуйборий томон қаратиб, ўртага тушиб сулҳ ва яраш борасида шафе бўлишлари учун иродат қўли билан ул ҳазратнинг шафоат этагини маҳкам ушладилар. Шунга кўра, мазкур хожа ҳазратлари ҳазрат амир Абулқосим ул-Бақо билан биргаликда шифоат тилаш йўсини билан кайвон манзилли даргоҳ сари йўналдилар. Искандар нишонли ҳазрати султон ул шариф зотнинг келаётганидан хабар топгач, эргашиш қадамини ихлос ва эътиқод водийсига қўйдилар. Онҳазрат дур сочувчи тилини гуфторга келтириб, ундан анчагина насиҳатлар жорий қилди ва лафз бадииятини маъно латофатлари билан безади ва фасоҳат тилини «агар уларни азобласанг бўлмас, (чунки) улар Сенинг ожиз бандаларингдир»³⁸⁷ шафоатига очди ва «кечиб юборишингиз тақвога яқинроқ ишдир»³⁸⁸ оятини ўқиб, дедилар: – Сидқ қадами мустаҳкамлик мавзесидан тойинган бу жамият ҳозир узр водийсига келиб турибди ва қилган ишларидан пушаймонлик изҳор қилмоқдалар. Истагимиз шуки, буларнинг гумроҳлигини кечириб, бу борада пайғамбарлар сайиди суннатига эргашсалар, яъни тангри шунча қудрат ва шавкатга боқмай, гуноҳкорлар айбли ишларни юзага чиқарсалар, дарҳол уқубатни раво кўрмайди, балки бу бандалар тавба ва кечирим эшигидан кирсалар, уларнинг тавбаларини қабул қилади.

Искандар фармонли султон ул ҳазратнинг шафотини бажону дил маъқуллаб, ул зот айтганларидан ташқари қадам босмади.

Айтиш керакки, ул ҳумоюн ҳазратнинг қалъадан чиқиши ва шу пайтгача бу вилоятни эгаллаш ишининг орқага сурилиш чуқурида қолиб келган фатҳи масаласи ул ҳазратнинг мақтов сифатли зоти баракатидан амалга ошди.

Ҳазрат хожа Муҳаммад Исломхожанинг сулҳ тузиш учун Бухородан ташқари чиққани ва Бурҳон султоннинг Мирзо Акабий томонидан ўлдирилиши

Бу воқеанинг баёни шуки, валийлик паноҳи бўлмиш ул ҳазрат қалъадан чиқиб, исқандарнишон Абдуллоҳ султон ҳузурига кетгач, эътиборли қушчилардан саналган Сайдамбийнинг ўғли

Манғит Мирзо Акабий кўнглига бир хаёлни келтириб, таъби шу режани маъқуллабди ва бир тадбир ёрдамида, балки тақдир тақозоси ва жаҳон олувчи султон қудрати илҳомчи бўлиб, солиқларнинг карамли йўлбошчиси бўлмиш он ҳазрат фалак мартабали султон ўрдусида ўтирган ўша тунда Бухоро волийси Бурҳон султоннинг қатл ёзувини кўнгли саҳифасига битиб, адоватли кишилардан бир нечасини ўз уйида пистармада ва ҳаёт-мамоти ихтиёрини яратгувчининг иноятли кафтига қўйганча ўзи Бурҳон султон олдига кетади ва миясида пиширган бояги ҳийласини ишга солиб, Бухоро волийсининг якка ўзини уйига олиб келади. Бахти қайтган, умри тугаган Бурҳон султон эса ажал пистирмада яшириниб турганидан ғофил ва бу охириги бор нафас олиши эканидан беҳабар ҳолда эҳтиёткорликва ҳушёрлик шартларига риоя этмай, мазкур уйда ором ёстиғига ёнбошлайди. Шунда туйқусдан, ажал бургути «Тангрининг муҳлати келувчидир»³⁸⁹ ояти каримаси тақозосича руҳи қуши қасдида «қаерда бўлманг, ўлим сизларни қидириб топади»³⁹⁰ ояти буржидан парвозга киради. Яъни, Манғит Мирзо Ака бий пистирмадан уқ чўпини тақдир ёрдамида султон пешонаси нишонига қараб отади. Вақт пойлаб ётган ул гуруҳ эса бирданига чақмоқ шиорли қиличларни ялтиратиб, ҳамжиҳатликда тез ва эпчиллик билан султон ишини саранжомлайдилар. Шу сабабли Бурҳон султон ўлими тарихи тилларда «мақтули писари Сайдамбий ханжар» шаклида айтилди.

Алқисса, ўша 964 йили мазкур суиқасдчилар Бурҳон султон ишини бир ёқлик қилиб, кўнгиллари кутилмаган хавотирлардан тинчигач, куннинг офтоб бир найза кўтарилган илк соатларида султоннинг бошини найзага санчиб, ҳумоюн мавкабга юбордилар. Аъло ҳазрат султон бу улуғ ҳодисанинг юз берганидан хабардор бўлгач, валийлар паноҳи билан бирга юзини Бухоро қалъаси сари қаратдилар. Бухоро амирларидан Жон Алибий, Назарбий ва Султон Ёрибий кабилар бошқа таниқли амирлар ва қўшин ҳамда кўнгилли аҳоли билан биргаликда, бўлиб ўтган мазкур воқеадан хабарсиз, зафарли лашкар рўпарасидан жасурлик қадами билан илгари босиб, шижоат билакларини кўтардилар. Аммо, сал ўтмай, мазкур улуғ амирлар ва жанговар сардорлар ҳам рўй берган воқеадан хабар топиб, ноилож қўрқув ичида оёқларини қаршилиқ йўлидан ва такаббурлик йўсинидан орқага босиб, юзларини қочиш водийси сари тутганча тўрт томон бўйлаб тарқалдилар ва боши оққан томонга равона бўлдилар.

Ул ҳазрат мақсади ҳосиллик ва бахтиёрлик билан шаҳарга юзландилар. Бу фатҳ овозаси эса фалак гунбазигача етиб, жаҳон аро ёйилди.

Искандарнишон Абдуллоҳ султоннинг барча туғишганлари билан Насаф қамалн учун тула иззат ва шараф билан уша томонга юргани зикри

Султон аъло ҳазратлари қуббат ул-ислом Бухорода давлат уриндиғида қарор топгач, биринчи қарори, олий даргоҳда Бухоро кушинини ушлаб турмаслик масаласи бўлди. Шунга кўра, Хусрав султон Искандар фармонли султон буйруғига биноан амир Жон Алибий ибн Жўғултойбий наймон, Жўлма уғлон, Назарбий ибн Амнн Боқи наймон ва бошқаларни эргаштириб, Шаҳрисабзга олиб кетди ва девонлик ишларининг ҳал этишлик жилловини улардан айримлари ихтиёрига топширди. Ибодуллоҳ султон эса акасидан Султон Ёрбий дўрмонни тилаб, узининг Отолиқи мансабига қўйди ва қайтиш юзини бу султон суюрғоли бўлмиш Соғарж томонга бурди.

Бир неча кунни фирдавсмонанд ўлжанинг ҳукумат тахтида ўтказгач, султон аъло ҳазратларининг ёрқин кунглига Насафни эгаллаш фикри келди. Шунинг учун мазкур йилнинг рамазон ойи бошларида Искандарфармон султон фармонида кўра шижоатда машҳур Хусрав султон дарҳол йўналиш раҳсини кишнатиб, юзини Насаф қамали сари қаратди. Уша пайтда Қарши, яъни Насафда Худойберди султон ҳоқимлик қилиб ўтирганди. Хусрав султон юришидан хабар топгач, қадамини қаршилиқ йўли буйлаб босиб, уруш майдонига ошиқди ва истаганича одам тўплаб, жангга киришди.

Қамал айёми чўзилиб, қалъадагилар танг аҳволда қолгач, давлатнинг айрим устунлари илтимосига кўра Искандар мартабали шаҳриёр ул вилоят ишларини орқага суриб, давлати маркази бўлмиш Шаҳрисабзга қайтиб кетди. Бироқ, ҳазрати султон Худойберди султонни шукуҳли лашкар босқин-чопқинидан безор қилиб, натижада, Насаф вилоятини қийинчиликсиз ихтиёр қўлига олиш мақсадида укаси Дўстум султонни Касбида қўйди ва ул вилоятни эгаллаш рақамини унинг қанот сафҳаси ҳамда хаёл саҳифасига битди.

Уша пайтларда Кошғар хони Рашидхон Султон Саъид султонни ходиму хизматкорлар ва давлат рамзлари ноғораву бай-

роқ билан Самарқандга жунатди. Мазкур султон куз фасли³⁹¹ да фирдавсмонанд Самарқанд улкасига етишиб, қадамини салтанат ўриндиғи тепаси ва давлат тахти узра босди.

Ўша айёмда Султон Ёрбий дўрмон шахзода Ибодуллоҳ султон хизматида туришни истамай, ундан айрилганча Самарқандга кетди ва у ердаги султонларнинг катта эъзоз-икромига эришди.

Алкисса, қиш охирига етгач, зафарнишон султон яна бир бор 965 йил³⁹² нинг баҳори бошида сараланган сипоҳ ва қуролланган лашкар билан Насаф томонга юрди ва унинг қалъасини марказ нуқтаси каби ўраб олиб, сардорларининг барчасига биттадан девор мурчалларини тақсимлаб берди.

Ўша аснода Султон Ёрбий девон ҳам Насаф қалъасига Худойберди султонга ёрдам учун Самарқанддан келган бўлиб, тинимсиз суръатда мансур сипоҳ ҳамлаларини қайтариш ва ҳазрати султон қўшинини янчиб ташлаш умидида кучи борича саъй-ҳаракатлар қиларди. Икки томон уруши тўхтовсиз ва шиддатли равишда давом этар, ҳар икки қўшин аскарлари жонларини аямай қаҳрамонона жанг қилардилар. Аммо, қамал айёми икки ойга чўзилгач ва шаҳарни мудофаа қилиш замони ҳам шунча давом этавергач, ахийри, икки тараф амирлари борди-келдини йўлга қўйиб, сулҳ ҳикоятини орага солдилар. Яраш битимига кўра Насаф вилояти исқандаршиор султон ихтиёрига ўтадиган, эвазига эса Худойберди султонга Соғарж тумани бериладиган бўлди. Сулҳ юзи шу шарт билан чеҳра очгач, ул ҳазрат иззат ва шавкати маркази бўлмиш Бухоро шаҳри сари йўналди. Шаҳзода Ибодуллоҳ султонни Соғарждан ёнига чақириб олиб, Бухоро вилоятидан учта туманни унинг учун ажратди. Насаф вилоятини Шаҳрисабзга қўшимча қилиб, ул юрт ишига доир нишон-фармонни шижоатнишон Хусрав султонга юборди.

Ўша йилиси³⁹³ Чаҳоржўй вилояти ҳам исқандарнишон султон ҳазратлари давлати доирасига кирди. Бу воқеанинг шарҳи эса қуйидагичадир. Исқандарнишон султон ҳазратлари иззат-қудрат ўриндиғида қарор топган пайтларда Чаҳоржўйда Бурҳон султоннинг қайинотаси Садрхожа³⁹⁴ ҳукумат юргизаётган эди. Шунча воқеалардан кейин ҳам бу хожа итоат бошини ул ҳазрат тобеълиги занжирига киритмаганди. Шунга кўра, ҳазрат султон дастлаб нукуз уруғидан бўлган Жушибий дарознинг кўнглини қўп ва яхши ваъдалар билан хушлаб, ёнига бир тўда урушқоқ

миракларни қушиб, Чаҳоржўй устига юборди. Чаҳоржўй халқи-га зафарнишон лашкар келаётгани маълум бўлгач, ҳаммаси бир тан, бир жон бўлиб, жуда кўпчилик кишилар билан дарё қирғоғида халоскор хислатли қўшин рўпарасига чиқиб, жангга киришдилар. Ниҳоят, чаҳоржўйликлар қўли баланд келиб, Жушибий дарозни асир олдилар, бошқаларни эса хаста-ю шикаста ҳолатда орқага қайтариб юбордилар. Юз берган бу воқеа хабари барча ерларга тарқалиб, унинг тафсилотини эшитмаган одам қолмагач, Бурҳон султон қўшинининг у ўлдирилгач Балх томонларга қочиб кетган Ражаббий, Имомқули жотуқ каби амирлари ва бошқалардан иборат бир гуруҳ Чаҳоржўйга келишди ва Садрхожа ёрдами билан Чаҳоржўйда Амударёдан ўтиб, Қорақўл туманларидан бўлмиш Ёнжи босқин-чопқини мақсадида ўша тарафга йўналдилар. Искандарнишон султон биринчи бор ўша пайтда ҳазрат Жўйборий шафелигида ул султон ҳазратларининг Отолиқи мансабида турган амир Жон Алини амир Жон Фўлодбий уйшун билан бирга ҳалиги гуруҳни йўқ қилиш учун тайинлади. Мазкур амирлар бундай топшириқни бажара олишадими, йўқми, гапнинг бу томонларидан ҳеч бир андиша қилмай, ул жасур фирқа устига отландилар. Бироқ, улар билан сал-пал урушгач, мақсад-муродларига ета олмай, орқага қайтдилар. Душман эса Амударёдан кечиб ўтиб, Чаҳоржўй қалъасига кириб олишди. Ўша пайтда тақдир ҳукми ва жаҳон олувчи ҳазрат султон давлати иқболи бўлиб, Садрхожа дорилфанодан бақо саройига кўчди. Акасининг ўғли Жонхожа эса ул гуруҳ сўзига кириб, қаршилик бошини баланд кўтарди. Аммо, ул гуруҳ билан чиқиша олмай, шу келишмовчилик оқибатида Жонхожа ўлдирилди. Кейинчалик ул фирқанинг барча амирлари ҳам бирданига иззат авжидан зиллат тубига эниб, дунё хоқдонидан охират мулкига кетдилар. Бу ҳодисанинг баёни шундай бўлган эди: Чаҳоржўй ҳукмати Жонхожа қўлига ўтгач, марҳум Бурҳон султоннинг ҳалиги ботир амирлари бир сайидзода хотиндан туғилган болани Бурҳон султоннинг ўғли, дея султон сифатида тан олдилар ва Жонхожа устига шабихун уюштириб, уни ўлдирдилар. Мазкур султонни давлат ўриндигига ўтқаздилар. Шунга кўра, Садрхожанинг одамлари Чаҳоржўй халқи билан бирга иттифоқ бўлиб, ул гуруҳ устига бостириб бордилар ва қўлларини қон тўкувчи найза сари югуртириб, жабр қиличинини қинидан суғурдилар ва ул золим фирқа панжалари томон сармаб, димоғи такаббурлик ҳавосидан на-

фас олиб юрган ул тойифани ер тубан қулатиб, бош кутаришга қўмадилар. Бу воқеадан сўнг дастлаб Марв томондан Ўроқхожа сайид отой келиб, Чаҳоржўйга кирди ва ул ноҳиянинг тасаруф уриндиғига утирди. Кайин, ҳазрат хожа Жўйбори топшириғига биноан Уроқхожа сайид отой ул ҳазрат тобелиги халқасига итоат бошини тикиб, Чаҳоржўй вилоятини ҳазрат аъло султон мулозимларига топширди.

966 йили³⁹⁵ Искандар мартабали султон ҳазрат имом Саъд ал-миллат ва-д-дин Абубакар Саъднинг – *оллоҳ ундан рози бўлсин* – файзосор мозори устида хонақоҳ, жомеъ масжиди ва мадраси қуриш ҳақида фармон берди. Искандар фармон султон буйруғига биноан ҳозик муҳандислар ва ҳар бир нарса аниғига етувчи файласуфлар бахтли бир кунни белгилаб, ҳунари санъаткорлик даражасидаги меъморлар ва ўз иши олими бўлмиш усталар ул олий иморат тарҳини ишлаб чиқдилар ва унинг ён-теварагида ниҳоятда дилтортар анвойи боғлар, турли-туман чиройли ва яхши бўстонлар яратдилар. Искандар оқибат шаҳриёрниг яхши дидли кунглига ёқувчи ва кимё асар дилига ўрнашувчи шундай гузал бир иморат ҳам қисқа фурсатларда тамомила қад кутарди.

Бадахшон волийси Шоҳ Сулаймоннинг ўғли Иброҳим Мирзо билан бирга катта қўшин ҳамроҳлигида Балх томон йўналгани ва искандарнишон хоқоннинг уларни йўқ қилиш мақсадида шу томонга юриш уюштиргани зикри

Бу воқеаниг қисқача шарҳи шуки, искандарнишон хон мақсади ҳосиллик уриндиғига утиргач, ул ҳазратнинг адолати нурлари халқ аҳволи пешонасини ялтиратди. Уша пайтларда, кутилмаганда, Балхдан амакиси Пирмуҳаммадхон ҳазратлари олди-дан одам келиб, Шоҳ Сулаймон ва унинг ўғли Иброҳим Мирзо катта қўшин билан Балх вилоятини эгаллаш орзусини кунглига тугиб, бу томон, яъни Балх сари келмоқда, ул шаҳзода ҳазратдан илтимос шуки, тўхтовсиз суратда бу тарафларга келсинлар, деган пайғомни келтирди. Ҳазрат наввоб бу воқеадан хабар топгач, ўзи дарҳол жаноб Турумбий дўрмон, Жонкелдибий утарчи, Танишбий жалойир, Қулбобо Кукалтош, Иқимбий жалойир,

Мирзовалихон жалойир, Навруз қушбеги, Кучум ясовул каби қушин бошлиқлари ва султонлик даргоҳининг жонбозларидан иборат озчилик кишилар билан йуналиш юзини Балх томон қаратди. Кеш атрофи гардун аломатли аскарлар қароргоҳига айлангач, ул манзилда яхши хислатли амирлар ҳумоюн арзга «яхшиси, ён-теварақдан ҳам зафарнишон қушин аскарлари султон мавкабига келиб қушилгунча шу манзилда тухтаб турсак» деган маслаҳатни етказдилар. Бироқ, зафар асарли лашкар йиғилиб улгурмай, Балх томондан Пирмуҳаммадхон олдидан яна одам келиб, унинг «агар тез суръатларда, қандай қилиб бўлса ҳам бу ёқларга етиб келмасангиз, биз қариндошларингизнинг Сиз билан мулоқоти қиёмат кунига қоладирган кўринади» деган гапларини келтирди. Шунга кўра, исқандарнишон султон вақтни кеткизмай, ул макондан нусрат байроғини кутарди ва йуналиш юзини душман тарафга қаратди. Балх вилояти навоҳисиди валинёнмат амакиси Пирмуҳаммадхонга бориб қушилди.

Мулоқот ва бирга утириш шарафи ҳосил қилингач, давлат устунлари ва мамлакат аёнлари билан машварат ва маслаҳатга киришилди. Балхнинг Муҳаммадқулибий отолиқ, Хўжамёр отолиқ, Хожабой отолиқ, Муҳаммадмуродбий каби барча амирлари тиз чўкиб, қуйидаги таклифларни ҳазрат Абдуллоҳ султон арзига етказдилар: «Бадахшонликлар билан даштда урушиш давлат ва ғалаба учун муносиб тадбир эмас, яхшиси қайтиб, қалъани ўзимизга паноҳ маскани қилайлик. Агар душман кетимиздан бу ерга келса, кин-адоват рахшини улар устига чоптирайлик. Бироқ, яна умид борким, душман ҳозирги етиб келиб, босқин-чопқин уюштирган атроф жойлардан ўз юрти сари қайтиб кетса, не ажаб».

Бухоро амирларидан Турумбий дўрмон мажлис ўртасига тушиб, шундай деди: «Давлатга лойиқ ва ғалаба учун муносиб иш шуким, душман ҳозир қаерда турган бўлса, бориб, уни ўша ерда мажақлаб ташлайлик. Балх амирлари берган маслаҳат эса хатоликдан ўзга нарса эмас. Агар биз бу манзилдан қайтиб кетадиган бўлсак, душман яна ҳам дадил тортади, чунки бизни қўрққанидан орқага чекиништи, деган фикр ва ўй водийсига қадам босади. Бошқа томондан шуниси ҳам борки, бизнинг ёнимизда кўп сонли қўшин бор, шу сабаб орқага қайтишнинг энг қийин жиҳати – уларни ушлаб туришдир. Худо кўрсатмасин, бирор ҳодиса рўй берса, уни эплаш имкон доирамиздан ташқарида қолади».

Искандарнишон султон Турумбий маслаҳатини маъқуллаб, ярим тунда ғазаб ва қаҳр ичида ул ердан қўзғалди. Эртаси куни мухолифлар қарор тутган Гозрон чашмаси мавзесида қуш ташлади. Ул ҳазратнинг амакиси Пирмуҳаммадхон ўз ўғли Динмуҳаммад султон, Хусрав султон каби бошқа султонлар билан бирга ночор ҳазрат султон кетидан эргашдилар. Бахт аломатли ул куннинг эртасига Жон Алибий наймон қолган лашкар билан Бухородан етиб келишди. Алқисса, икки тараф тўқнаш келиб, ҳар томондан икки қушин тавочилари жанг майдонини безатишга киришдилар ва фитна-уруш самандини ниқталаб, урнидан қўзғатдилар. Қушинлар бир-бири устига ташланиб, уруш оловини то унинг ўтли тили осмон авжига ўрлагунча, жанг оташи учқунини то унинг шўъласи Кайвон айвонига етгунча аланга олдирдилар. Алқисса, анча уруш ва тинимсиз жангдан сўнг Шоҳ Сулаймон анча одамлари билан қочиш жilовини бир томонга бурса, Иброҳим Мирзо озгина кишилари билан иккинчи тарафга ура қочди. Душман қушини қайтиш жilовини келган жойига қараб бургач, Пирмуҳаммадхон хусравона туй ва подшоҳона базм тузиб, ҳазрати султон қадамини кутлуғ билиб, ғалаба байрами тантаналарини бошлаб юборди. Шу аснода, Иброҳим Мирзо худо тақдири ёрдами билан Куҳистоннинг Дарайи Газ мавзесида Муҳаммадмуродбий ибн Ёрибий қунгрот навкарларидан бирининг қулига тушибди деган хабар етиб келди. Эртаси кун ўша навкар Иброҳим Мирзони кишанлаб ва занжирлаб, хонлик тахти пойиги олиб келди. Пирмуҳаммадхон Иброҳим Мирзони ўз Отолиқи Муҳаммадқули қулига топширди.

Ҳазрати султон шундай улкан ғалабадан сўнг бошқа қариндош султонлар билан бирга иззат ва бахт давлатининг маркази бўлмиш Бухоро томонга қайтди. Бир неча кундан сўнг ўхшаши ва тенги йўқ бу хусрав худо ҳимояси остида Бухоро ўлкасига етишди.

Ул ҳазрат иззат ва иқбол марказига келиб тушгандан бир неча кун утиб, Балхдан Пирмуҳаммадхон буйруғига биноан асир тушган бадахшонлик подшоҳ Иброҳим Мирзо ибн Шоҳ Сулаймоннинг қатл этилгани³⁹⁶ хабари келди. Барча оллоҳ ҳузурига қайтувчидир.

Хутба ва танганинг Дарвиш нишон хон Искандархон ибн Жонибек султон номи ва алқоби билан безангани зикри

Яна уша йилиси³⁹⁷ бир гуруҳ амирлар исқандарнишон султон арзига «анча йиллар ва кўп замонлардан буён шоҳ Таҳмосб ва унинг фарзандлари туртинчи иқлимнинг кўп қисмини ўз қўллари остига киритиб, ҳожиларнинг байтуллоҳ ва Мустафо – *саллаллоҳи алайҳи васаллам* – оромгоҳи Мадинага ўтишга ғов бўлмоқдалар. Муносиб кўрилмоқдаки, уша тарафларга йўналиш юзини қаратсангиз, албатта, ул ҳазрат ҳиммати шарофатидан мазкур тойифанинг ёмонлиги ва бузғунчилигидан уша томон шаҳарларининг барчаси халослик топса деган умидимиз бор» деган фикрларни етказдилар. Ул жамоат аризаси ҳазрати султон хоҳишига мос тушгани сабабли дарҳол Хуросон томон қадам ташладилар³⁹⁸. Карки кечувидан утгач, амакиси билан мулоқот қилиш мақсадида Шибирғон тарафга йўналди. Пирмуҳаммадхон доимо Бухоро вилояти талабгори бўлиб юргани учун жияни келганидан фойдаланиб, баҳоналар топганча ул ҳазратдан Бухоро ҳукуматини илтимос қилди. Шартга кўра, ҳазрати султон ўз давлати марказини Балх қилиб, Пирмуҳаммадхон эса Бухоро вилоятида фаҳру ифтихор байроғини кўтариши лозим эди. Аъло ҳазрат амакиси ҳурматини қилиб ва Балх вилоятининг Хуросонга яқинлигини назарда тутиб, бу маъни юзага чиқишини орқага сурмади ва Пирмуҳаммадхоннинг илтимосини амалга оширишни пайсалга солиб ўтирмади. Шунинг натижасида Пирмуҳаммадхон жаноб шайхулислом, улуғлар қаймоғи ёрқин шариатни ривожлантирувчи, ойдин миллатни қувватлантирувчи ҳазрат хожа Абдулвали Порсони амир Мирзо Алибий наймон ҳамроҳлигида Бухорони тасарруфга олиш ишига тайинлади. Аъло ҳазрат эса Қулбобо Кукалтошни Бухородаги оиласи ва яқинларини Балга кўчириб келиш учун жўнатди. Бир гуруҳни эса Балх вилоятини қабул қилиб олиш ишлари бўйича Балх шаҳрига юборди. Аммо, шу орада қизиқ бир иш ва ажиб бир ҳолат юз берди ва Пирмуҳаммадхон ўйлаган нарса чеҳраси жамол кўрсатмади. Фитна-ю фасод аҳли ва нафсу исён асҳобидан бир тўдаси Пирмуҳаммадхоннинг ўғли Динмуҳаммад султонни отасига қарши муҳолифат йўлига киритиб, Балх ҳукумати рақамини унинг хаёл сафҳасига битишга эришдилар. Шунга кўра, Динмуҳаммад султон дарҳол йўналиш тавсанини жавлон урдириб,

Балх томонга қараб кетди. Ҳиндувон қалъасига кириб олиб, қаршилиқ шиорини намоиш этганча рад этиш ва туғён туғини кутарди. Пирмуҳаммадхон бу воқеадан воқиф бўлгач, Динмуҳаммад султон қаршилиқ йўлидан чиқиб, келишув водийси сари қадам қуйиши учун қанчалиқ ҳаракат қилмасин, масала тугуни сира ечилмади. Бинобарин, исқандарнишон султон укаси Ибодуллоҳ султонни Пирмуҳаммадхон юборган одамларнинг қулини Бухородаги олиб-топшириш ишларидан торттириш учун ўз юрти пойтахтига юборди. Давлат устунларини ҳузурига чақириб, уларга қарата «Динмуҳаммад султон ўз отасини улуғлик авжидан пастлик тубига ташлаган куниси, иншооллоҳи таоло, мен у қилган ишнинг тесқарисини қилиб, отамни давлат ўриндиғи-ю хонлик ва салтанат ҳамда жаҳонбонлик тахтига ўтқазиб, унинг байроғини Сурайё баландлиги ва Сидратилмунтаҳо авжиге етказажакман» деган хитобни қилди. Шундан сўнг ҳеч тўхтовсиз ўша турган еридан йўналиш раҳсини кишнатиб, юзини тўппа-туғри давлати қароргоҳи томон қаратди.

Бироқ, айтиш мумкинки, мазкур юрт алмаштириш воқеасининг амалга ошмагани сабаби эҳтимоли кучлилиги валийлик паноҳи, баланд дастгоҳ ҳазрат хожа Жуйборий руҳониятининг ризосизлиги билан боғлиқ бўлиб, ул зот ҳазрат султоннинг Бухорони Балхга алмаштириш ишига сира ҳам рози бўлмасдилар.

Алқисса, Искандар мартабали султон Бухорога келиб, ҳукмронлик ўриндиғига ёнбошлагач, укаси Ибодуллоҳ султонни амир кабир Жон Алибий наймон ва бошқа бир гуруҳ давлат устунлари билан бирга ҳазрат Искандархон тахти пойига ул зотнинг туғилган ери ва аслий қароргоҳи бўлмиш Кармина вилояти сари жўнатди. Ибодуллоҳ султон ўз отаси Искандар султоннинг олий даргоҳига етишгач, фароғат ва итоат манглайини соқинлик ва хоксорлик узра қўйиб, одоб лабини очганча соҳибқирон султоннинг илтимосини тилга олди. Ҳазрат Искандархон фарзандларининг эътибори ва давлат аъёнлари ва мамлакатнинг шариф зотлари илтимосига кўра Миёнколдан чиқиб, саодат ва иқбол билан кўчиш байроғини ҳилпиратди ва ҳижрий 968 йилнинг шабон ойи³⁹⁹ да йўналиш юзини Бухоро томонга қаратди. Ул ҳазратнинг Бухорога келаётгани хабар тарқалгач, аъло ҳазрат амирлар билан шошилиқ равишда отаси истиқболига шошилди. Бухоро музофотларидан бири саналган Сангсабзак мавзесинда давлат кўзи Искандар мартабали отанинг намоён бўлиши му-

шоҳадасидан яна ҳам равшан тортди. Ул манзилдан барча қонунқоидага риюя қилинган ҳолда улуғвор отасини доруссалом Бухоро шаҳрига ташриф буюртириб, шоҳлик уриндиғи қароргоҳига етказди ва табриклаш, муборакбод этиш расмини адо этди. Кимиё асар назаридан лойиқ туҳфалар ва муносиб совғалар ўтқарди. Хутба ва тангани ул ҳазрат номи билан безади. Шундан сунг олам султонлари ва эл-юртларнинг шариф кишилари ул ҳазратнинг ҳумоюн тахтга чиқишини муборакбод этиш учун жаҳонпаноҳ даргоҳга ошиқиб, қуллуқчилик буйинини итоат ҳалқасига тикдилар ва ходимлар сафида тартиб топдилар. Жумладан, 971 йилнинг зулқайда ойи⁴⁰⁰ да Дарвишхон ўз яқинлари ва Тоҳир султон, Қосим султон сингари укалари билан бирга Искандар фармонли Искандархон мулоқоти учун Бухорога келаётгани олий арзга етишди. Уларнинг етиб келгани маълум бўлгач, аъло ҳазрат султон дастлаб укаси Ибодуллоҳ султонни давлат устунлари билан бирга Дарвишхонни кутиб олиш учун юборди. Ўзи ҳам бир гуруҳ улуғ ва шариф кишилар қуршовида ул мақтов хислатли султонларга ҳамроҳлик қилиб келиш учун юзланди ва шаҳардан уч фарсанг нарида жойлашган Карока (Азюват) мавзесида мулоқот шарафи рўй бериб, ул маскандан отланганча шаҳар тарафга қараб юрдилар. Дарвишхон Чаҳортоқ қуруғида отдан тушиб, шу ерга қўш ташлади. Аъло ҳазрат шаҳарга ташриф буюрди. Эртаси куни ул ҳазрат меҳмондорчилик қондасига биноан яна Дарвишхон ҳузурига келди ва биргаликда шаҳарга кирдилар. Бухоро Арки ичида Искандархон билан учрашув амалга ошди. Янги хон индинига подшоҳона тўй-тантана ўтказиб, хуравона базм-ўтириш тузди. Келганларнинг ҳар бирига подшоҳларча турли-туман эъзоз ва икромлар кўрсатиб, уларга хос либослар, қибчоқий отлар ва зарбоф тўнлар, катта-катта ҳар хил шоҳвор дур ва феруза тошлар билан безатилган тож ва шоҳларга муносиб бошқа туҳфалар тортиқ қилиб, уларни шу миқдорда азиз тутди. Ҳатто, Дарвишхон саройининг хизматкорлари-ю тобе кишиларига ҳам тўнлар кийгизди ва олий меҳмон кўнглини бу жиҳатдан ҳам тинчитди. Аъло ҳазрат Абдуллоҳ султон ҳам меҳмонлар шарафига ўз номидан алоҳида катта тўй берди. Байрам тантаналари тугагач, шавқ-завқ онлари муддати охирлагач, Дарвишхон исқандарнишон ҳазрат билан бирга янги бошдан аҳду паймон туздилар. Шундан сунг олий меҳмонлар ўз ватанларига қайтиб кетдилар.

Соҳибқирон Абдуллоҳхоннинг Хуросонга юриши

974 йил охирлари⁴⁰¹ да Искандар мартабали султон Хусрав султон, Ибодуллоҳ султон каби туғишганлари билан ҳамда Тошкент томонидан Дарвишхон ҳумоюн даргоҳга юборган энг кичик укаси Тоҳир султон кўп кишилари ҳамроҳлигида ва Самарқанддан Султон Саъидхон жунатган амакисининг ўғли Абдол султон ибн Абдуллатифхон ўз аскарлари ҳаммаси бир тан, бир жон бўлиб, ҳумоюн мавкаб узангиси остида Жайҳун дарёсидан кечиб ўтдилар. Аъло ҳазрат амакиси Пирмуҳаммадхон билан учрашиш учун Балх томонга кетди. Учрашув муносабати билан уюштирилган тўй-зиёфатлар поёнига етиб, ҳордиқ чиқарилгач, аъло ҳазрат катта қўшин билан кудрат юзини Хуросон томонга қаратди. Бохарз ўлкаси ҳавоси ҳумоюн мавкаб жилови тароватидан муаттар бўлиб турган маҳал ўша масканда олий арзга «шоҳ Таҳмосб ўғли Султон Муҳаммад Харбандани Шоҳқули Султон ва бошқа улуғ амирлар ва шайтанат сийрат лашкар билан Ҳиротга юборганди. Аммо, аъло ҳазрат келаётгани хабарини эшитгач, мамлакатининг устунлари ва давлатининг аъёнлари таҳликага тушиб, лашкари Турбат қалъаси сари ошиқди» деган гапларни етказдилар. Аъло ҳазрат бу хабарни эшитган заҳоти фатҳ ва зафар жиловини Турбат қалъаси томонга бурди. Йўл асносида деворлари айланувчи фалакка бўй чўзган ва буржу боралари жуда мустаҳкам бир қалъа бўлиб, унда ҳар бири ўзини аждаҳо қаторида билувчи қишлоқ халқидан иборат аҳоли қалъа дарвозасини беркитиб ўтирган экан. Қалъа беркитилгани маълум бўлгач, аъло ҳазрат зафарга ёр довуракларга қалъа атрофини ўраб олиш ҳақида фармон берди. Қўшиннинг паҳлавон жангчилари ён-атрофдан ул қалъа сари югуришиб, қалъа девори тагидаги тупроқдан уюлган тўсиққа етиб келдилар. Қалъа аҳли зафар дастгоҳли сипоҳ савлатидан қаттиқ кўркувга тушиб, юраклари така-пука бўлганча қалъанинг бошқа бир тарафидан деворни тешдилар ва жон ҳоври ташқарига отилганча, тум-тарақай қочдилар. Шу зайл қалъа эгалланиб, ҳаддан зиёд ўлжа ҳам қўлга тушди ва сўнг аъло ҳазрат фармонига кўра, қалъа деворлари ер билан баробар қилиб текисланди. У ердан қўзғалиб, Кавсавия қишлоғига келиб тушилди. Қалъа аҳли ҳазрат рисолатпаноҳ, сарвари коинотнинг – *саллаллоҳи алайҳи васаллам* – ўша қишлоқдаги бир хонадонда мерос сифатида сақланиб келинаёт-

ган хирқасини шафе келтириб, ул ҳазратдан омонлик сурадилар. Шунга кўра, ул жамоат ҳаққида ҳаддан зиёд марҳамат амалга ошди. Қушин у ердан ҳам кўчиб, бир қанча манзил ва маконларни босиб утгач, Турбат қалъасига етишди. Отлардан тушиб, қалъа атрофига қўш ташланди. Эртасига икки орада уруш бошланиб, мансур сипоҳнинг жасур аскарлари биринчи ҳамладаёк сув рангли қиличлар ёрдамида душман галасини тор-мор келтириб, кўчабандларни эгалладилар. Ташқаридаги қалъа бандлари қўлга киргач, хоннинг фатҳ оятли зафарга ёр байроғининг сояси қалъа ичкарасига туша бошлади. Ва карнай-сурнай ва ноғора овозлари фалак фаришталари қулоғини кар қилди.

Алқисса, Хайбар тоғидек ул қалъа ишлари битиш сари яқинлашиб, унинг фатҳи бугун-эрта рўй берай деб турган маҳалда Хусрав султон қўл остидаги баъзи бир кишиларнинг иғвосига учиб ва айрим пасткаш бузуқилар гиж-гижига кириб, бўйсуниб йўлидан ташқари қадам ташлади ва ҳумоюн мавкабдан юз ўгириб, рухсатсиз суратда қайтиш жиловини орқага бурди. Шу пайтда «шоҳ Таҳмосб ўғлини қутқариш учун саккиз минг қуролланган кишиси билан Турбат тарафга келаётибди» деган гаплар тарқалди. Аъло ҳазрат бу сўзларни эшитгач, узининг айрим аъёнлари илтимосига кўра, Хусрав султонни қайтариб келиш учун орқасидан одам жўнатди ва у орқали яхши муомала-ю муносиб муносабатини англатувчи юмшоқ сўзларини етказди. Шунга биноан, Хусрав султон жаҳон паноҳ даргоҳга қайтиб келди. Сунг исқандарнишон султон қариндош-туққанлари билан биргаликда Турбат қалъасидан қўзғалиб, дин душманлари келаётган томон юриб кетдилар.

Бурёбод қалъасидан икки манзил масофа нари утилгач, лашкар сардорларидан бир нечтаси Кайвон мартабали султон пойига келиб, Бурёбод қалъаси халқи ул қалъага сомон учун кетган бизнинг одамларни зарар етказувчи билиб, хасислик оловини аланга олдирганча уларни ушлаб, оловга ташлашибди. Шунингдек, улар кетидан бораётган бошқа одамларимизнинг ҳам олдларига чиқиб, ушлаганча бор-будларини талашибди, дедилар. Аъло ҳазрат бундай кўнгилсиз ҳодиса рўй бергани сабабли ғазаб оловини алангалатиб, қайтиш жиловини Бурёбод қалъаси сари бурди ва жавшан паноҳ довураклар, зафар дастгоҳ оғани султонлар ҳазрати султон фармониға биноан қалъани ихота қилиб турган тупроқ тўсиқлар томон югуришиб, қонли уруш бошлади

лар. Анча жангдан сунг нусрат шиор довюраклар қалъа ичига кириб олдилар ва шайтондан тарқаган ифрит насл ул кофирлардан жуда кўпини жиҳод қиличига ем қилдилар. Каллаларидан айланувчи фалакка етувчи осмон упар миноралар ясаб, қалъани иморату бинолари билан бирга бузиб ташлаб, ер билан тенг қилиб текисладилар. Шу орада аъло ҳазрат қулоғига Хусрав султоннинг тағин оғзи олачилик бошини кўтариб, Шаҳрисабз сари йўлга тушгани, уни кузатиб борган Динмуҳаммад султонни ҳам бирга олиб, ўз юртига қайтгани ва шу тариқа оёғи бирдамлик йўлидан тойгани хабари етишди. Шу сабабли ул ҳазратнинг ғайрат денгизи кўпириб, гардун аломатли аскарлар мазкур қалъалардан кимни асир ва қанчанарсани улжа олган бўлса, барчасини озод қилиб, молларни эса эгаларига қайтариб беришга буйруқ берди. Фармон бажарилгач эса давлат ва иқбол билан йўналиш юзини улўғлик ва мустақиллик қароргоҳи бўлмиш Бухоро томон қаратди.

Искандарнишон ҳазрат соҳибқироннинг Марви Шоҳи жаҳон томон юриш қилгани зикри

Искандарнишон ҳазрат султон кўнглига Марви Шоҳи жаҳонни эгаллаш ҳаваси тушиб, кўп лашкар ва катта қўшин билан ўша тарафга қадам ташлади. Хумоюн мавкаб Жайҳун дарёсидан кечиб ўтгач, Чаҳоржўй қалъаси ташқарисида қўш ташлади. Ул мавзедан лашкарнинг амир кабир Жон Алибий наймон, Назарбий наймон, Султон Ёрбий дўрмон, Турумбий дўрмон, Танишбий жалойир, Жон Келдибий уторчи, Қулбобо Қукалтош ва бошқаларни «тўхтовсиз суратда илғор солинг, бироқ шундай қилин-глarki, борганингиздан Марв халқи сира ҳам хабар топмасин» дея, ҳаммадан олдин Марвга юборди. Ул жамоа Искандар мартабали султон фармонига биноан мазкур манзилдан илғор солиб, Марв сари от чоптириб кетдилар. Илғор гуруҳи саҳродаги Шири шутур манзилидан ўтиб, Сардоб мавзесидан отдан тушди. Гуруҳдаги давлат устунлари ва ул ҳазрат аъёнлари мазкур мавзеда айлана ясаб, маслаҳат учун ёнма-ён утирдилар. Султон Ёрбий ўзининг ўта такаббурлиги ва доимо сўзини ўтказишга одатлангани хислатидан келиб чиқиб, маслаҳат борасида давлат арбобларининг бир қанчаси фикрига қарши чиқди, шу сабабдан у билан Назарбий наймон ўртасида жанжал кўпди. Ул икки улўғ амир

ҳеч андишасизлик билан қиличларини қинидан суғуриб, бир-бирига ўқталдилар. Шу низо жиҳатидан жамоа иккига бўлинди. Амирлардан бир нечтаси Назарбий ёнини олиб, у билан бирга кетишди. Қолганлари Султон Ёрбийга ҳамроҳ бўлиб, йулга тушишди.

Аммо, Султон Ёрбий ёнидаги амирлар билан Марвга етмасдан, ул вилоят йули ва равишини бошқалардан кўра яхшироқ билган Назарбий ўша кечаси ҳаммадан илгари қалъага етиб олиб, олов туташтирди ва боши узра қалқон тутганча шижоат оташи билан қалъа шимолидаги Дарби Паҳлавон Аҳмад номи билан танилган дарвозани ўт қуйиб, қулатди. Оёғини дарвоза дарбандига қўяётган пайти эса шаҳар халқи пайқаб қолиб, ҳаракатга келишди ва қаршилиқ қўлини мудофаа учун кўтариб, шунчалик мардоналик кўрсатишига қарамай, амирни жасурлик майдонидан орқага сура-сура шаҳардан ташқарига ҳайдаб чиқардилар ва қўлини ўқ зарби билан яраладилар.

Султон Ёрбий эса бироз вақт йўлларда адашиб юриб, ахийри, ўша тунда шаҳар ғарбидаги Дарби Муҳаммад Пир дарвозаси ёнига келди ва дарҳол қудрат ихтиёрини яратгувчи ҳазрат қўлига топширганча отдан тушиб, олов ёқди ва бошини қалқон ичига олиб, ўтни дарвоза яқинигача олиб боришга интилди. Тўсатдан, қалъа устидаги бир муҳолиф унга қарата ўқ отди ва тадбир қалқони эса фойда бермай, ўқ тўғри келиб, амирнинг манглайига тегди. Ул амир кабир шу бир ёғоч ўқ захми орқасида икки-уч кун ичида вафот топди. Шу воқеалар сабаб бўлиб, ўша тунда қалъани эгаллаш иши орқага сурилди. Эртаси куни мақтов сийратли Абдуллоҳ султон қариндош-туққан султонлар ва қўшин билан келиб, қалъа атрофи бўйлаб қазилган хандақ ёнига тушдилар. Аъло ҳазрат шерсавлат довюраклар ва миррих даҳшат курашчиларга қаттиқ туриб уруш ҳақида фармон берди. Ана шундай уруш ўти икки бор жуда кучли аланга олиб, ҳар икки томондан ҳам кўп кишилар ҳалок бўлдилар. Аъло ҳазрат учинчи бор ҳамла қилиб, қандай бўлмасин қалъани қўлга киритинг ва унинг буржу бораларини бутунлай вайрон қилинг, деган қаҳрли буйруқ берганида, қалъа теварак-атрофидаги давлат устунлари бу ҳукмни эшитиб, ҳаммаси биргалашиб адаб тиззаси билан чўкка тушганча бу буйруқни бекор қилишларини ёлвориб, қуйидагича арз қилдилар: – Агар ғазаб олови шу зайл шўъла сочаверса ва қалъани шундай қаҳру ғазаб воситасидагина эгаллаш

муяссар булса, шаҳар аҳолиси қалъа ичидаги бир гуруҳ бузғунчи, димоғдор ва такаббур кишилар касофатига қолиб, беҳуда азоб чекишлари мумкин, холос. Яхшиси, Мурғоб дарёси буйига бориб, дарё тўғонини бузиб ташлайлик, шу атрофдаги халқни ҳам кучириб, қайтиш байроғини кутарайлик. Шундан сунг у ер халқи сувсизликдан кучиб, бошқа жойларга кетиб қолганини кўрган марвликлар ночор ва энди ўз хоҳишлари билан қалъани топширишлари турган гап.

Бу арз ул ҳазрат кўнглига мақбул келиб «майли, халқни Амурдарёдан ўтказиб, Бухоро атрофидаги ерларга жойлаштиринглар» дея фармон берди ва ўзи эса Мурғоб соҳилига бориб, тўғонни бузиб ташлатди. Сунг ўша ердан қайтиш жиловини салтанат саройи Бухоро томон бурди.

Абулхайр султоннинг ҳийла ва найранг билан Кеш қалъасини эгаллагани ва соҳибқирон хоннинг қамал ва уруш учун юриш қилгани зикри

Бу воқеанинг қисқача шарҳи шуким, донгдор султон Хусрав султоннинг бошига фалак миқдор амирлар билан ов овлаш ва шикор ҳаваси келиб, Кеш шаҳридан чиққанча Санги суроҳ томонга юзланди. Бу пайтда Кеш қалъасида уни қўриқлайдиган бирор одам қолмаган бўлиб, Абулхайр султон ибн Жавонмардалихон ибн Абу Саъидхон ибн Кучкунчихон бир гуруҳ ярамас кишилар ифвосига учиб, 975 йилнинг жумоди-с-соний ойи⁴⁰² да илғор билан Шаҳрисабзга йўналди. Қуёшнинг олтин узангили Жамшиди осмоннинг зангори қалъасини эгаллаган тонг отиш маҳалида Абулхайр султон ҳийла ишлатиб, Шаҳрисабз ичига кириб олди ва Хусрав султоннинг Туғма отолиқ ва унинг биродари Чўлоқ отолиқ каби амирларини ушлаб ўлдирди. Хусрав султоннинг бокира қизи Хонбибини никоҳи ҳарамига киритди. Бу даҳшатли воқеа хабари Хусрав султон қулоғига етишгач, вужудини ор-номус ва ҳамият ўти, ғайрат шўъласи жизғанак қилиб, дарҳол ҳодиса оловини сўндириш учун киришди ва бўлган воқеани қаламга олиб, аъло ҳазрат томонга жунатди. Ўзи эса шу заҳоти ёнидаги озгина одамлари билан Кеш қалъаси ёнига келиб, қамал йўсини билан ўтирди. Аъло ҳазрат ҳам жуда кўп сонли аскарлар билан душман жойлашган Кеш қалъаси сари йўналди. Хусрав султон зафар нишон хон келаётгани ҳақида эшитгач,

шошилинич суратда ул ҳазрат истиқболига ошиқди. Ҳазрат соҳибқирон султон Хусрав султон билан учрашгач, қариндош-туққан султонлар билан бирга Шаҳрисабз қамали сари юзландилар. Мазкур йилнинг жумоди-с-соний ойида зафарли лашкар ул қалъа атрофини узук ичидаги қошдек ураб олди. Ҳар бир бурж туғри-сига бир амир ва ҳар минора рупарасига бир ботирни тайин қилдилар. Абулхайр султон жасорат камонидан ўқ тортиб, қалъа девори буржу минораларини мустаҳкамлашга киришди. Дарвозалар олдини тупроқ билан тўлдириб, қалин тўсиқлар ясади. Лекин, соҳибқирон султон ўз баҳодирларига уруш учун рухсат бермади ва доимо насиҳат тили билан «ўз иши оқибатини уйламаётган бу калтафаҳмнинг қилмишидан пушаймон бўлиб, ўжарлик ва туғён йўлидан қайтиб, узр сўраши ва қалъани тарк этиб, орқасига кетишига умид қиламиз» деб турди. Аммо, ақлсиз Абулхайр султон Ёр Мусо карахчи ва шу сингари бошқа бадкирдор кишилар сўзига кириб, шу даража ёғийлик ва саркашлик қилдики, натижада, шавкат ва қудратда баркамол ҳазрат Абдуллоҳ султон жасур қўшин қаерда дарахт бўлса қулатиб, кесимча ғўла ясагинлар ва хандақни шулар билан тўлдирсинлар, деб буйруқ берди. Шу аснода жосуслар олий даргоҳга келиб «Туркистону Тошкент, Хўжанду Андижон қўшинлари Самарқандга келиб тушдилар ва ул тарафнинг Султон Саъид султон, Жавонмардали султон, Бобо султон ва шу каби бошқа подшоҳлари биргалашиб, Бухоро томонга юзландилар» дейишди. Бу воқеани эшитган соҳибқирон султон дарҳол Кеш қалъаси атрофидан қўзғалиб, қайтиш туғини ҳилпиратди ва Насафда Хусрав султонга жавоб бериб, ўзи давлати ва қудратининг маркази, яъни Бухорога йўл олди.

Хусрав султоннинг Кешга қайтиб келиши ва Самарқанд султонларининг уни қамал қилиши

Искандар нишон султон давлат тахти ва салтанат ўриндиғида жойлашгач, Хусрав султон туғён аҳли исёнини бостириш учун Қарши саҳросига қўш ташлади. Шунда Хусрав султонга содиқ бир нечта шаҳрисабзликлар унинг олдига одам юбориб, ёғийлардан кўпчилиги қўлган туширган барча улжаларини орқалаганча Самарқандга кетиб қолдилар ва ҳозир фақат бармоқ билан санарли одамларигина қолишган, агар ул ҳазрат бу вилоят-

га келсалар, худодан умидимиз шуки, ғалаба ва зафар жуда яқиндир, дея арзга етказдилар.

Бу кувончли хабар яхши сийратли Хусрав султон қулоғига етгач, кўркмас бу султон нусрат шиор туғи остидаги оз сонли ханжар санчар ва найза тикар паҳлавон кишилари билан қалъа яқинига келиб, эгаллаш арқонини Шаҳрисабз қалъаси кунгура-си устига отди ва ичкаридаги халқ уйғониб, мудофаа учун оёққа турмасдан бурун қалъани эгаллашга муваффақ бўлди. Абулхайр султон зафар нишон аскарларнинг шундай баланд ва мустаҳкам қалъа устига чиққанидан хабар топгач, қочиш йулини тутиб, қаттиқ азоб ва қийинчилик билан қалъадан ташқари чиқди ва чексиз машаққатлар билан ўзини қон оқизувчи ул гирдоб қаъридан қирғоққа етказиб, Самарқанд сари шошилди.

Хусрав султон ўз қалъасини қўлга киритгач ва Абулхайр султон қочиб қутулгач, Тошкент султонлари ва Самарқанд хоқонлари ҳаддан ташқари кўп ва сон-саноғига етиб бўлмас гуруҳ билан мазкур йилнинг ражаб ойида Шаҳрисабзни босиб олиш мақсадида душманлик байроғини кўтариб, ул қалъа ён-атрофини осмоний ҳодисалар каби бирпасда ўраб олдилар ва шу ерни шайтон ададли лашкар қўш ташлайдиган жойга айлантирдилар. Ундан ташқари, Ҳисор подшоҳлари олдиға ҳам одам юбориб, ёнларига чақиртириб олдилар ва келган ҳисорлик аскарлар билан ўз қўшинлари сонини яна оширдилар. Уруш учун келиб, қалъани ўраб олган султонлар қуйидагилардан иборат эди: Самарқанд султонларидан Гадоёхон, Султон Саъид султон, Худойберди султон, Жавонмардали султон, Абдол султон, Абулхайр султон, Музаффар султон, Маҳди султон; Тошкент хоқонларидан Бобо султон, Амин султон, Дўстмуҳаммад султон, Хоразмшоҳ султон, Қосим султон, Тоҳир султон; Ҳисори Шодмон подшоҳларидан Ҳошим султон, Жаъфар султон, Музаффар султон, Абулқосим султон, Муҳаммад Қосим султон, Муҳаммад Шариф султонлар.

Алқисса, ул сон-саноқсиз сипоҳ ва раҳм-шафқатсиз лашкар чумоли-ю чигирткадек ёпирилиб келиб, бошларини бир ерга қовуштирдилар ва Шаҳрисабз қалъасини ҳалқадек қўршаб, қўршов доирасини «мим» ҳарфининг думалоқ бошидан ҳам торроқ қилиб олдилар.

Хусрав султон рўй бераётган воқеа хабарини ҳазрат соҳибқирон арзига етказиб, ёрдам тилади. Хусрав султоннинг қамал-

да қолгани ҳазрати соҳибқиронга маълум бўлгач, дастлаб, Динмуҳаммад султон томонга одам юбориб, воқеа мазмунини унга билдирди. Шунингдек, зафарга ёр сипоҳ теварак-атрофдан йўналиш байроғини кўтариб, йиғилиш жойи қилиб тайинланган Касби чўлида йиғилсинлар, дея фармон берди. Ҳамма қариндошларидан олдин Ўзбек султон Бухорога ташириф буюрди. Мулоқот ўтиришидан сўнг Искандар мартабали султон Хиёбон мавзесидаги Чаҳорбоғда подшоҳона ўтириш берди ва унда машварат ва маслаҳат қуръаси ҳам ўртага ташланди. Кенгаш маросимидан сўнг «аввал Самарқанд тарафга юрайлик, чунки искардарми-сол султоннинг бу юришидан хабар топган Самарқанд волийси ва Фарғона, Тошкент ҳокимлари Кеш қамалини ташлаб, ўз мамлакатлари сари шошиб қолиши, Хусрав султоннинг эса шу тўфайли қамал балосидан қутулиб қолиши эҳтимолдан ҳеч холи эмас» деган фикр устида бир тўхтама келдилар. Мазкур қарорга кўра, йўналиш юзини тугён аҳли томон қаратиб, Бухоронинг машҳур тобе ерларидан ҳисобланган Хом работ мавзеси гардун асар лашкар қароргоҳига айлангач, ул ҳазрат қўшин ботирлари ва даргоҳ жонбазларидан бир гуруҳини чақириб, бу шижоатли дастага жасур амир Али Мурод баҳодирни сардор қилиб тайинлади ва уларни тил ушлаб келтириш учун душман томонга юборди. Али Мурод баҳодир Шоҳ Саъид ўғлон, Қалқон Қулоғбий каби амирлар билан бирга йўлга тушиб, Ём ҳам деб аталадиган ва Самарқандга қарашли ерлар сирасига кирадиган Жом манзилида кун бошида душманга алоқадор бир тўда билан тўқнаш келдилар ва икки томон довиюраклари бир-бири устига ташланиб, ғариб бир уруш ва ажиб бир саваш рўй берди. Алқисса, кун бетиш чоғигина тарафлар толиқиб, руҳлари тушиб бир-биридан ажрадилар. Бироқ, зафар нишонли довиюраклар муҳолиф тўдадан бир нечтасини қўлга тушириб, музаффар ва мансур ҳолда ҳумоюн қўшин томон юзландилар. Аъло ҳазрат амирларни ёнига тилаб, душман ҳақида сўраб-суриштирди, улар эса билганларини қуйидагича арз қилдилар: - Душман ҳазрат соҳибқирон келаётгани ва Баях, Шибирғон қўшинини ҳам ёрдамга чақиртирганидан хабар топиб, маслаҳатлашиб олишди. Кенгашдан сўнг бир нечта шижоатли султонни сипоҳ билан Омуя дарёси томонга юборадиган ва шу тариқа ул юзнинг қўшини дарёдан ўтиб, аъло ҳазратга қўшилишига ғов бўлишини таъминлайдиган бўлишди.

Искандарнишон султон бу сўзларни эшитгач, дарҳол отла-ниб, душманни Жайхун дарёси томондан қувиш мақсадида Касби чўлига етиб, ўша ерда қўш ташлади. Дарёнинг у бетидан ҳам Балх волийси Динмуҳаммад султон ҳам ўзининг зафар ойинли қўшини билан дарёдан соғ-омон ўтиб олиб, қудрат ва виқор билан Касби томон йўналди ва йиғингоҳда ул ҳазрат қўлини ўпиш шарафига муяссар бўлиб, шараф ва иззат топди. Алқисса, қўшинлар бир ерга тўпланган, галаба тугди хоқон маймана ва майсара, қалб ва жиноҳ, соқа ва камингоҳ қисмларини тартибга солиб, муҳолиф томон йўналди. Хусрав султонга истимолат номасини ҳам жўнатиб, хат орқали ўзи келаётганини билдирди. Лекин, ўша манзилда тақдир пардаси ортидан ажиб бир воқеа юз кўрсатиб, ғариб бир ҳодиса рўй берди – Шаҳрисабз томонидан одам келиб, Хусрав султон бошига тушган қочиб кутулиб бўлмас тақдир воқеасини сўзлаб берди.

Аъло ҳазрат Абдуллоҳ султоннинг душманлар билан тўқнаш келиши ва Хусрав султон ўлдирилиши воқеаси

Бу воқеа баёни шуки, ҳазрат соҳибқирон Касби саҳросидан кўчиб, душман томон йўналгач, узаңгисини оғир-босиқлик ва вазминлик билан оти қорнига ниқтар, тавсани жиловини ўз ҳолига қўйганча аста-секин йўл босиб келарди. Ҳар кун талминан бир фарсах юргач, бундан у ёғига саъй-ҳаракат қадамини илдамлатмас ва шу кўйи юриб, қарда тўхташилса, зафарли қўшин соҳибқироннинг эҳтиёт юзасидан чиқарган фармонига бўйсуниб, ҳар гал кутлуғ қўшин қароргоҳи атрофида хандақ қазиб, араваларни занжир билан бир-бирига ёйма-ён зич қилиб маҳкамлар ва шу зайл иҳота қилувчи қалъача юзага келтирганча туйқус ҳамладан ўзларини бехатар тутиб ва эҳтиёт қилиб боришарди. Шу сабабли икки кунлик йўлни бир ҳафтада босиб ўтишмоқда эди. Бу кечикишни соҳибқироннинг душман билан муқобил келишидан ҳадиги бўлса керак деб ўйлаган муҳолиф ўзини дадил тутиб, Шаҳрисабз қалъасига ҳамла уюштирди. Уларнинг яна бир ва энг муҳим суянчиқлари қалъа ичидаги Хусрав султонга душман тўда билан тил бириктирганлари эди. Ҳамла чоғи ана шу хоин гуруҳ муҳолиф ланкаридан катта бир қисмининг қалъа устига чиқиб олишига ёрдам бердилар ва туйқусдан зафар қарнайлари-

ни чала бошладилар. Хусрав султон уша кўп сонли ва ботир душман аскарларини қалъадан қувиб чиқариш учун улар томонга донгдар ва шижоаткор амирларидан Кучак ўғлон, Байрам ўғлон, Оллоҳёр ўғлон, Боқи Ҳожи, Шоҳим мурғоқ, Шерафкан Мирзо, Оллоҳқули Баҳодир манғит, Турди лаванд манғит каби ханжар санчар ва бошқа мард кишиларини юборди. Улар қанчалик мардона ҳаракатлар ва довюракларча жанглар қилишмасин, сира фойда бермади. Ниҳоят, бутунлай маъюсланган Кучак ўғлон, Муҳаммад Амин бий қушчи, Шоҳмуҳаммад Мирзо манғит, Шоҳим кукалтош Бухорий, Ой Темур Баҳодир, Турди отолиқ ва бошқа тарафдорлар Хусрав султон оти жиловини ушлаб, Термиз дарвозасида ташқари чиқдилар ҳамда киндор шамшир ва аждаҳо сифат найзаларини кутариб, муҳолиф сари қудрат билакларини чўздилар. Икки томон баҳодирлари бир-бири билан қилич солишиб ва ўқ отишиб турган пайтда Хусрав султоннинг Рахш нишон оти Дуоба мавзесида лойга ботиб қолди, номларини санганимиз баҳодирлар, айниқса, баҳодирликда тенги йўқ амир Кучак ўғлон жон овловчи найза билан бахти қаро душман ҳужумини қайтариб тураркан, Хусрав султонни ўз отига миндиришга ҳам улгурди. Бу баҳодир қўли ва юзи бир неча бор жароҳат олганига қарамай қўлидан адоват камонини ташламаганди. У Хусрав султон билан бирга душманларга муттасил ўқ узиб, яқинларига йўлатмай борди. Хожа Қутба мазорига етишганларида эса султон минган от юришини секинлатди, султон қанча уринмасин, олдинга қараб сира йўл юрмай қолди. Ниҳоят, Уташ қушчи ўз отидан тушиб, султонга берди ва Хусрав султон отга миниб, озгина масофани босиб ўтишгач эса Кучак ўғлоннинг оти юришдан тўхтади. Тақдир тақозоси билан у душман қўлига тушди. Шу пайтда Хусрав султон атрофини бор-йўғи бир нечагина душман ўраб келаётгани, ул довюрак султоннинг эса жон-жаҳди билан урушганча от суриб кетаётганига қарамай, давлати муддати охирлаган ва пешонасига битилган ҳаёти шу чоғда тугаши керак эканидан шунча ҳаракатлар беҳуда кетди. Душман аскарлари султон жанобларини ўртага олиб, тақдир ҳукмига биноан тадбир сарпанжасига асир қилдилар ва кишанлаб, ўз султонлари Бобо султон олдига олиб бордилар. Бобо султон ул Муштарий моҳиятли султонни ўлдирмоққа буюрди ва қатл буйруғи дарҳол ижро этилди.

Бу мудҳиш ҳодиса рўй бергач, тадбирли амир Жон Алибий, Менглибий, Назарбий, Жонкелдибий, Турдикахон, Танишбий,

Кулбобо Кўкалтош, Мирзо Валижон каби кудратли амирлар жаҳонгир шахриёр тахти пойига келиб, олий арзга «эндиликда энг муносиби ва тўғри иш ризо қулини қазову қадар остига ураб, бу иш тадбирида сабр-тоқат либосини кияйлик ва ҳеч тўхтовсиз давлат душманлари томон юзланиб, уларни тор-мор этишга киришайлик» дедилар. Бинобарин, Искандар вазминли ҳазрат султон «сабр қилувчиларга ёрдам бер» қонуни ишоратини ул жароҳатга малҳам қилди ва ул мақомдан зафар ваъдали байроқларини бахти қаро душман ҳужумини қайтариш учун ҳилпиратди. Искандар аломатли ҳазрати султон йўсин ва қоида бўйича юришга шай ва тайёр бўлиб чиқиб, тез фурсатда қўшин билан Сарипулдан ўтди ва ҳар икки томонга қўшинларнинг илғорлари ҳам кўриниб қолди. Искандар нишон султон буйруғига биноан лашкар нақиблари ва миррих асар ясовуллари зафар дастгоҳ сипоҳни қурол ва жавшан кийимлар билан ораста қилиб, ҳар кимни жой-жойига чорлашга киришдилар. Ибодуллоҳ султон майманага, Дустум султон майсарага тайинланди. Қўшин қалби Ўзбек султон давлати бахти билан безанди. Ҳазрат соҳибқироннинг ўзи эса ҳумоюн зоти билан яна бир қўл қисмнинг бир тарафини тузатиб, кўп сонли кудратли қўшин билан саф тортганча Искандар Зулқарнайн тўғони каби турди. Бироқ, душман янчувчи, қалъа очувчи саф ёрувчилар ва куч синовчи ферузманд доюраклар уруш оловини ёқмасдан бурун душмanning ҳашаматли қўшини юрагини қўрқув ва чексиз ҳадик чулғаб олди. Шунинг учун дарҳол Шаҳрисабз қалъасини Фақир султон Ҳисорийга ташлаб, такаббурлик ва зулмкорлик мақомидан силжиган бўйи йўналиш юзини қочиб томонга қаратдилар. Ҳайрат ва шитоб ҳамда ўта даҳшат ва изтироб ичида от билан жиловнинг, тепалик билан қияликнинг фарқига бормай, тум-тарақай чекина бошладилар. Уларни таъқиб этган зафарли қўшин эса мағрур душман галасидан бир қанчаларни асир олиб, халифа манзиллик даргоҳга келтириб, кўнгилларга таскин бергандек бўлдилар. Шу чоғда исқандарнишон султоннинг олий арзига «ғанимлар зафар нишонли сипоҳ савлатидан қўрқиб, уруш майдонини ташлаб қочдилар. Бироқ, бошларида Миёнколни босқин-чопқинга дучор қилиш нияти бор шекилли, ўша томонга йўл олишди» деган гапларни етказдилар. Искандарнишон султон бу гапни эшитган ҳамон Ўзбек султонни Насаф чўли орқали давлати маркази томон қайтиши учун рухсат бериб, ўзи қўшиннинг қолган аскарла-

рини ҳумоюн мавкабга ҳамроҳ қилган куйи Миёнкол сари йўналди. Душманлар ғалабага ёр лашкар такомиши, яъни от суриб келишидан хабар топгач, шунча қудрату шавкат, бошдан оёқ қуролланган бўлишларига қарамай, шу заҳоти қочиш йўлини ихтиёр этиб, қочоқлик саҳроси сари юзландилар. Давлат душманлари енгилиб қочгач, ул ҳазратнинг ҳиммат меъмори Дабус қалъаси таъмирини балхлик амирларга бўлиб берди ва бу иш охирига етгач, йўналиш юзини Бухоро сари қаратди. Динмуҳаммад султон ва бошқа ака-ука қариндошлари шарафига подшоҳона туй ва хусравона базмлар берди ва сунг ҳар бирини ўз ҳукумати ва мансабу ҳашамати қарор топган юртлари сари кузатиб қолди.

Ҳазрат соҳибқироннинг Кеш вилоятини эгаллагани ва Фақир султоннинг Ҳисори Шодмонга қайтиб кетгани зикри

Аъло ҳазрат душман лашкарини енгиб, қайтиш жilовини пойтахт Бухоро сари бургач фазлу эҳсон кўпайишига сабаб бўлувчи тенгсиз неъматлари учун улуғ сиғингувчимизга шукроналар адо этиш амалларини бажариш билан банд бўлди. Аммо, Искандар қондали хоқон душманлари доимо ёмонлик йўли бўйлаб фитна ва хунрезлик қадамини босишни канда қилмадилар ва неъматларга ношукрлик эшигини андишасизлик қўли билан очишда давом этдилар. Туркистон, Хужанд, Тошкент, Самарқанд султонлари бу ишларни сира хаёлидан чиқармайдиган кўриниб, ул зотнинг муаттар кўнглига шубҳа солавердилар ва шунга кўра, туркий «Луй (наҳанг) йил»га тўғри келувчи ҳижрий 976 йилнинг зулқаъда ойи⁴⁰³ да гардун ғуломи бўлган хоқон қасос учун отланиб, жаҳон очувчилик жilовини рухсат қўлига топширди. Дастлаб, юзини Шаҳрисабзни озод қилиш учун қаратиб, мурод Ҳумоси қанотини ўша томон сари қоқди. Укаси Дўстум султон ҳамда амакиваччаси Маҳмуд Султон ибн Сулаймон султонни Миёнколнинг барча аскарлари билан бирга халққа ва вилоятнинг ён-атрофидаги туманларига душман томонидан бирор зиён-заҳмат этиб қолмасин тағин деган маънода кундузлари чегарада қаровул-посбонлар қўйиш, тунлари эса тунқотарликда туриш учун Навқо тарафга юборди. Насаф саҳроси шавкатли мавкаб келиб тушганидан сунг жаннат рашкини ва Чин наққошхонаси ҳасади-

ни келтирадиган жойга айлангач, шу ерда олий арзга «Фақир султон зафар нишонли лашкар келаётганидан хабар топгач, дарҳол Шаҳрисабз қалъасини ўз ҳолига ташлаб, қочиш йўлини афзал билганча Ҳисори Шодмон томон ошиқди» мазмунидаги хабарни етказдилар. Аъло ҳазрат ҳам ул манзилдан ғалабага ёр байроғини кўм-кўк фалак авжи сари кўтариб, илғор йўсини билан Шаҳрисабзга қараб юрди. Шаҳарнинг бузилган қалъасини таъмир қилиб, Ўзбек султонни Шаҳрисабз ва Қарши вилоятига волий этиб тайинлади ва ўзи давлати пойтахти Бухорога қайтди. Ўша пайтда фалакни алдовчи даргоҳ жосуслари Самарқанд тарафидан келиб, душман томонидан Худойберди султон бир тўда ўжарлар билан Миёнкол босқин-чопқини мақсадида келган бўлиб, ўша ердаги мол-ҳоллардан анчасини талон-торож қилганча яна қайтиб кетган, деган маълумотни беришди. Бу воқеа мазмуни маълум бўлгач, ўша пайтда мазкур Маҳмуд Султоннинг отолиқи бўлган Иқимбий шу иш бўйича катта бир гуруҳ сипоҳ билан душманни тор-мор қилиш учун отланди ва Навқо туманига қарашли Ганж Али шаҳр номи билан танилган дарёча бўйида ўша босқинчиларга етиб олди. Икки томон довураклари жангга киришиб, анча вақт мардонавор уруш қилдилар. Маҳмуд Султон қўшини аскарлари душманнинг кўпгина сарбозларини ер тишлатдилар. Ахийри, Худойберди султон енгилиб, қочиш сари тутинди ва ул вилоят музофотларидан нимани қўлга киритган бўлса, қўрққанидан ҳаммасини ташлаб кетди. Искандар мартаба ҳазрат хоқон бу воқеани эшитгач, юриш жилловини қўлга олиб, Миёнкол томонга йўналди. Машварат ва кенгаш йўсинидан сўнг ўша ердан зафарга уланувчи байроғини Самарқанд ўлкаси томон ҳилпиратди. Сарипул мавзеси ҳашаматли ва ярақ-ярақ ялтираган қўшин тушиши бахтидан зебу зийнат топгач, Иштихон томондан хоқон укаси Дўстум султон амакиваччаси Маҳмуд Султон билан бирга келиб, шарафли мулоқот саодатини топди. Эртаси кун музаффар аломатли бу шаҳриёр Хонқўрғонга бориб қўш ташлади ва ўша ердан Искандар оқибатли хоқон буйруғига биноан зафар натижали сипоҳ билан Самарқанднинг донг таратган музофотларидан бўлмиш Алиобод тарафга босқин-чопқин учун равона бўлди. Сўнг мазкур мавзедан ҳам кўчиб, Худин мавзесида манзил тутдилар. Работи хўжа томондан бир одам келиб, Жавонмардали султон бу томон келаётгани ва ҳозир эса тез жаҳон паноҳ даргоҳга етишиши лозимтиги

ҳақидаги гапларни арзга етказди. Шу сабабли эртаси куни Кук гунбаз манзили гардун мартабали лашкар қароргоҳига айланди. Бироқ, мазкур манзилда Жавонмардали султон келгани ҳақидаги сўзлар ёлғон экани аниқланди. Ҳалиги одам нима деган бўлса, чалғитиш ва алдов йўсини билан айтган экан. Бинобарин, ул макондан қайтиш жилови бурилиб, Сифин Ото манзили сари юрилди. Бу жойда яхши хислатли амирлар олиймақом хон арзига, агар жаҳон бўйсунувчи фармон чиқарилса, зафарпаноҳ сипоҳ вилоятнинг теварак-атрофига босқин-чопқинга бориб, қулини талон-торож учун чўзарди, деган фикрларни етказдилар. Шунга кўра, зафарга ёр хоқон, амирлар зафарпаноҳ сипоҳ билан ул вилоят теварак-атрофига босқин учун бориб, қўлларини талаш иши учун кўтарсинлар, деган фармон берди. Ўзи эса давлат ва саодат билан юзини Норданак сари қаратиб, саъй-ҳаракат ҳамда жаҳду жадал қадамини жабру ситам манбаси бўлмиш душманни янчиш томон ташлади.

Алқисса, Искандар мансабли Абдуллоҳхон жавшан кийган довюрак йигирма минг кишиси билан икки кунлик йул босганча Самарқанддан ўтиб, Самарқанднинг машҳур музофотларидан бўлган Қораболиғ мавзесини мансура лашкарининг қўш ташлаш жойига айлантиргач, яна бир марта зафарпаноҳ аскарлар ва адоватли довюраклар душман устига босқин-чопқин уюштирсин, деган ҳумоюн фармон чиқарди. Шу сабабли, ҳумоюн мавкабда бу барча катта қўшиндан амир Жон Алибий ва Қулбобо Кўкалтош каби бир неча хос навкарлардан бўлак ҳеч ким қолмаганди. Шу пайтда, тўсатдан, зафар ойинли посбон-қаровуллар ҳазрат хоқон арзига Самарқанд волийси Султон Саъид султон катта қўшин билан шаҳардан чиқиб, уруш байроғини кўтарди ва атрофига оломондан иборат пиёда ва отлиқ кўп кишиларни ҳам йиғиб, ёмон ният ва шум мақсад билан йўналиш жиловини бу томон бурди, деган гапни етказдилар. Искандар аломатли хон бу хабарни эшитгач, дарҳол йўналиш юзини душман томон қаратди. Шунда айрим хайрихоҳ кишилар келиб, мухолиф қўшини ҳаддан зиёд кўп, бизнинг қўшин эса ниҳоятда оз, устига устак, қўшинимизнинг маймана сардорлари ва майсара қаҳрамонлари босқин-чопқин учун бу ердан анча узоққа кетишган, лашкаримиз келгунча хоқон ҳазратлари ҳам шу ерда тўхтаб турсалар, мақсадга мувофиқ бўларди, дедилар. Нусратшиор хоқон «агар гардун асар аскарларимиз узоқ ноҳияларга кетишган

булса, уларнинг шу яқин орада қайтиб келишини кутиш ҳам ақлдан узоқ ишдир. Фатҳ ва зафарнинг ато этилиши эса парвардигори эгамнинг инояти булиб, бу нарса ҳамма вақт ҳам қўшин сони билан боғлиқ эмас» деб буюрдилар. Иттифоқо, уша чоқда ишларни унгловчи ҳаким ажойиботлари ва бандаларини сийловчи карим лутфи ғаройиботларидан бир ғайбий илтифот рўй бериб, уша куниси атолар бағишловчи ҳазрат узининг улуғ қудрати билан ул хон ҳазрат истаган нарсани муҳайё айлади, аниқроғи, ён-атрофга юборилган чиройли сифатли сипоҳ орқага қайтиб, фалак сиймо урду сари шошилдилар. Алқисса, зафарпаноҳ сипоҳ кетма-кет ва орқама-орқа олий мавкабга келиб қўшилгач, икки томондан қаровул-посбонлар қўйилиб, бир-бири вазиятдан хабардор бўлиб турдилар. Эртаси куни тарафларнинг жасур аскарлари бир-бирига рўпара туриб, сафларга тартиб беришга тушдилар. Бу томондан сипоҳнинг маймана қисми Ибодуллоҳ султон ва Маҳмуд Султонлар бахти ва шукуҳи билан безанди, қўшиннинг майсара қисмини Дўстум султон ўз қудрати шарафи билан зийнатлади. Хоннинг ўзи эса муборак зоти билан лашкар қалбидан жой олди. У тарафдан Султон Саъид султон, Абулхайр султон, Музаффар султон, Маҳди султон, Худойберди султон ва бошқалар уруш-саваш байроғини кўтариб, саф тортганча жангчилар тўпини муносиб жой ва лойиқ мавзеларга жойлаштирдилар. Шу тариқа икки томондан уруш олови аланга олиб, туқнаш шуўласи шу даража гуриллаб осмонга кўтарилдики, ҳеч муболағасиз Рустами дoston ва Соми Наримон шижоати олам халқи назарида арзимаган бир иш бўлиб қолди. Айниқса, жамшид нишон султон Ибодуллоҳ султон шундай қаҳрамонлик намунасини кўрсатдики, Баҳман васфи дostonи ва темиртан Исфандиёр жасурлиги қиссаси зътибордан қолди. Алқисса, анча уруш ва ўлдир-ўлдирдан сунг бахти қаро душман қочиш йўлига қадам босди, довюраклар гуруҳи эса душман такомилши учун улар орқасидан от солдилар. Султон Саъид султоннинг укаси Худойберди султон ва ўғли Баҳодир султонни Жон Муҳаммад отолиқ наймон, Тангрибердибий қушчи сингари улуғ амирлари билан бирга асир тушириб, Кайвон сифат олий қароргоҳга келтирдилар. Бу пайтда онҳазрат даргоҳида маҳрамлик шарафини топиб турган Эшим ясовул лаби дур жалойир буйруққа биноан Баҳодир султонни қатлга еткарди. Шунингдек, ул ҳазрат қаҳрининг шиҳнаси Худойберди султоннинг ҳаёт дарахтини ҳалокат тупро-

ғи сари тубан қулатди. Қулга тушган эътиборли амирларни ҳам ҳумюон мавкабга келтирдилар. Буйруққа биноан улар буйнига ҳам дарҳол аёвсиз шамшир зарблари келиб тушди. Ҳа, олов тушгач, ҳўлу қуруқ баробар ёнади.

Саодатманд ҳазрат соҳибқироннинг Самарқанд қалъасини эгаллаш учун юргани зикри

Зафар тугли хоқон душман тум-тарақай қочгач, Самарқанда томонга йўналди ва мақсади ҳосиллик билан Самарқанд қалъаси атрофига етишди. Самарқандликлар ҳаммаси бир бўлиб, қаршилиқ йўлини тутдилар ва дарвозаларни маҳкам беркитдилар. Қалъа буржу деворларини ҳам устувор ҳолатга келтирдилар. Уша заҳотиёқ ғалабага ёр аскарлардан бир гуруҳи шаҳарни эгаллаш мақсадида қалъа ва қўрғон сари юзланиб, уруш оловини ёқдилар. Эртаси кун эса зафарасар муборизлардан саналган ва шижоату жасурликда искандаршавкат хоқоннинг назарига тушган ва ҳусну малоҳат мисрида азизлар кўзига иккинчи Юсуф бўлиб кўринган Хужа Мирзо қипчоқ уруш камарини белига боғлаб, қўрғон томон юзланди. Бошқа аскарлар ҳам тўп-тўп ва ғала-ғала бўлиб, девор атрофини ўраб олдилар ва қадамларини қаҳрамонлик водийсига босиб, хандақ қирғоғига етиб келдилар. Ул фалак шукуҳ гуруҳ сув тўла хандақдан ўтиб, қалъа этагига қўл солган пайти туйқусдан бир ўқ қазо камонидан отилиб чиқиб, мазкур Хужа Мирзо оғзига келиб тегди. Мирзо шу ногоҳоний узилган ўқ захмидан фонийлик саройидан абадийлик уйига кўчиб ўтди. Бу мудҳиш воқеа рўй берганидан сўнг аъло ҳазрат, ферузий асар лашкарнинг бариси қалъа атрофига борсинлар ва ҳиммат қўлини девор камарига текизиб, қалъани эгалласинлар, деган фармон берди. Зафар нишонли сипоҳ Искандар фармонли хоқон ҳукмига биноан журъат этагини белига қистириб, жанг қила-қила қалъага етишдилар ва тиришиш оёғини тупроқ тўғон ва тўсиқ устига қўйиб, эгаллаш саропардасини ул Кайвон назар қалъа буржи усти узра тортдилар. Қўрғон аҳли жасур сипоҳдан ўзларини қанчалик зўр бериб мудофаа қилмасинлар, бу ботир жангчилар ҳеч ҳам орқага қарамадилар ва дарвозаларни душман қалби каби чил-парчин синдириб, қалъа ичига ошиқдилар. Нусрат шиор сипоҳ шаҳарга кириб олгач, иқтидор қўлини ғорат ва талон-торож сари чўзди. Аммо, барча интилишлари ҳаминиша

марҳамат ва карам кўрсатиш илинжида бўлган динпарвар соҳибқирон «ферузий асар аскар бундан буёғига талон-торож ва талашдан қўл тортсинлар, истило оёғини ғорат кучаси бўйлаб бошишдан тўхтасинлар» дея буйруқ берди. Искандар мисол ҳазрати хон саодат ва иқбол билан давлат ўриндиғига ёнбошлади. Ул фаррух осор диёрнинг оддий халқи-ю мавлоноларининг умид кўзи ҳумоюн ҳимматли хон қадами чангидан яна ҳам равшан тортди. Қазо ҳукмига бўйсунувчи мазкур воқеа эса фатҳномалар хатига тушди. Яъни, мавлоно Ҳайдар Муҳаммад мунший тенгсиз ва мислсиз худованднинг Самарқанд мамлакати озод қилинишида ато этган ушбу турли-туман иноятларини яхши сўзлар ва ёқимли гаплар тизимига териб, Миёнкол, Насаф, Бухоро, Балх ва бошқа вилоятларга юборди. Алқисса, Жаҳонни ойдинлаштирувчи хоқон бир неча кун бахту саодат толеси билан ғолиб сифатида фирдавмонанд Самарқанд тахтида утиргач, асл зотида мавжуд марҳамат ва туғма равишда берилган лутфу карам хислати туфайли ул вилоятни Самарқанд диёри волийси ихтиёрида қолдирди ва қайтиш туғини давлати ва иқболнинг улуғ маркази томон кўтарди.

Бобо султоннинг Туркистондан Самарқанд ўлкасига келгани ва унинг Султон Саъид султон билан бирга Миёнкол томонга ҳаддан зиёд лашкар билан юриш қилгани зикри

Искандарнишон хон анбарсиришт беҳишт билан тенглашиш дамини урувчи ва жаннат боғлари билан беллашиш сўзини орага солувчи шундай бир гузал ва улкан вилоятни лутфу меҳрибонлиги ҳаддан зиёд кўплиги хислатидан кечаги ганим қариндошларига ташлаб, ўз давлати қароргоҳи бўлмиш Бухоро сари қайтиш байроғини ҳилпиратгач, Султон Саъид султон Ёрёлқ мавзеси томондан Самарқанд сари шошилди. Туркистон волийси Бобо султон самарқандликларнинг енгилгани хабарини эшитгач, катта қўшин тўплаб, Самарқанд тарафга юрди. Султон Саъид султон билан учрашгач эса кўнглига ярамас хаёллар келиб, бир-бирлари билан иттифоқликда юлдузлар сонича аскарли қўшин йиғдилар ва Бухорони босқин-чопқин қилиш учун журъат байроғини юқори кўтардилар. Миёнкол вилоятига етишгач, дастлаб, Дабусий қўрғонини ўраб олдилар. Ўша пайтда қалъа ичида ул

ҳазратнинг амакиси Сулаймон султон ўз ўғли Маҳмуд Султон билан бирга утирган эди. Улар қалъани сақлаш бобида тенгсиз қаршилиқ жанглари олиб бордилар. Лекин, қаттиқ камал сабабли куп утмай қурғон халқининг аҳволи оғирлаша бошлади. Ўша пайтдагина аъло ҳазрат Тангриқулибий дурмонни ёрдам учун юборишга улгурди. Мазкур амир дарҳол зафар туғини кўтариб, қалъа томон юзланди. Душман одамларининг ута қуролланган катта қўшини йўл устида турган бўлса-да, улар ярим тунда қурғон яқинига етиб, озгина ҳамла билан музаффар ва мансур ҳолда қалъа ичкарасига кириб олдилар. Эртаси куни Тангриқулибий зафар пайкарли катта бир гуруҳ билан дарвозадан ташқари чиқди ва Бобо султоннинг эътиборли амирларидан саналган Қорлиқ отолиқ мурчалани устидан босиб, мазкур отолиқ калласини шартанасидан жудо қилди. Душман жамоаси бу ҳодиса етказган талафотни кўриб, жанговар руҳларига путур етди ва юракларини қўрқув ҳисси чулғаб, ғулғулага тушганча қалъа қамалини тарк этиб, Самарқанд сари кетиб қолдилар. Бобо султон лутфларга тўла «сулҳ яхшидур»⁴⁰⁴ ояти каримаси мазмунига кўра, тиришиш қадамини ҳар икки томонни ҳам бир хил рози қилувчи яраш битимини тузиш сари босиб, ҳазрат Қосим шайх азизоннинг каъба мартабали остонига одам юборди ва сулҳ эвазига Шаҳрисабзни олиб беришга восита бўлишини илтимос қилди. Жамшид мартабали ҳазрат хоқон Абдуллоҳхон ул ҳазрат ўртага тушиб, шафелик келтиргани туфайли бунга рози бўлиб, Кеш вилоятини Бобо султонга берди. Бобо султон бўлса у ер ҳукуматини Абулхайр султонга топширди. Ўзи эса юрти Туркистонга қараб кетди.

**Дарвишхоннинг Абдуллоҳхон билан учрашиш
мақсадида Самарқанд Суғдига келгани ва биргаликда
фирдавсмонанд Самарқанд қалъасини қамал
қилганлари зикри**

Бу воқеалардан бир неча кун ўтгач, Дарвишхон катта қўшин билан Самарқанд сари юрди ва аъло ҳазрат олдига одам юбориб, ўзи келаётгани хусусида маълум қилди. Ул ҳазрат бу хабарни эшитгач, Самарқанд сари юришга азму қарор қилди ва 977 йилнинг ражаб ойи⁴⁰⁵ да Дарвишхон билан кўришиш учун йўлга тушиб, Соғарж навоҳисида бир-бири мулоқотига етишдилар. Шун-

дан сунг Самарқандни қамал қилиш ниятида бу ердан қузғалиб, Самарқанд ён-атрофини ураб олдилар. Ҳар икки томондан уруш олови ёқилиб, жасур уғлонлар жангни қизитгандан қизитдилар. Алқисса, қамал муддати қирқ кунга чўзилиб, қалъани сақлаш вақти ҳам шу зайл давом этавергач, шариф кишилардан бир гуруҳи орадаги муносабатларни яхшилаш мақсадида сулҳ тузишга уриниб, Дарвишхонни шу масалада аъло ҳазрат ҳузурига одам юборишга кундирдилар. Дарвишхон шу орқали хон ҳазратдан «яхшиси, ҳозирча орқага қайтайлик ва қиш утгач эса баҳор айёмида яна қайтиб келайлик» дея илтимос қилди. Искандар фармонли хон Дарвишхон маъқул топган илтимосга кўра қамални ташлаб, бу галги аҳд ва юриш даврини узгартириб, орқага қайтди.

Душманларнинг бир ерга тупланиб, ҳаддан зиёд сонли қўшин билан Бухоро устига юриш қилгани ҳамда ҳазрат Азизон аралашуви билан сулҳ тузилгани зикри

Тенгсиз шаҳриёр Самарқанд атрофидан қайтиш жоловини орқага бургач, Бобо султон яна бир марта Султон Саъид султонга ёрдам бериш мақсадида Туркистон ва тобе ерлар лашкари билан Самарқанд томонга шошилди. Ул икки фитначи султон бир-бири билан иттифоқликда шайтон аломатли лашкар билан Бухорони босқин-чопқин қилиш сари юзландилар. Миёнкол халқининг бир булагиде Дабуси кўрғонида, бир түпи эса Кармина қалъасига беркиндилар. Душманнинг қиёмат аломатли лашкари Кармина қалъаси ёнига етганда йигирма мингга яқин аскар Хоразм султонларидан бирининг мавкабида дарёдан утиб, улар ҳам душман кумаги учун қалъага яқинлашдилар. Дўстум султон ибн Искандархон қалъа девори устига чиқиб, ўз қўшинига жанг учун рухсат берди. Икки томон ўртасида шундай азим бир уруш бўлдики, бундай ҳарб ва зарбга ҳамма ҳам бардош бера олмаслигидан тез орада душман томони қочиш туғини баланд кутаришга мажбур бўлди. Хоразмликларнинг кўпи саросимада ўзларини дарёга ташладилар. Айримлари ул қонхўр бало гирдобидан қутулиб чиққан бўлсалар, кўпчилиги фано денгизига фарқ бўлишди. Жумладан, урушни менсимаган хоразмлик султон ҳам ўлим шарбатини татиб, оёқ қўйиладиган жойга бошини қўйди. Биринчи ҳамладаёқ душманга бундай зўр талофат етказилганига қарамай, ул ғайратли гуруҳ такаббурлик ва мақтанчоқлик юзасидан

юриш қилишдан оёқ тортмадилар, келган ерларини талон-торож қила-қила, Бухорога қараб кетдилар. Гиждувон туманига қарашли Ғешти чулига етиб, манзил тутдилар. Ул туманнинг ҳазрат Хожайи жаҳон хожа Абдулхолиқ Гиждувоний равзаси ёнида мақом тутган халқини, ул ҳазрати хожа мозори яқинида турганига қарамай, эътиқодсиз ул гуруҳ ўзларининг талон-торожига дучор қилдилар. Аъло ҳазрат бу гапларнинг барисидан хабар топгач, дастлаб, Ҳалим ўғлон, Назарбий наймон, Алимардон Баҳодир, Суюндик паҳлавон, Муҳаммадали ўғлон, Абдулбоқий, Ганжа Али шифовул, Иқим чухра оғоси, Назар чухра оғоси каби шижоатли дойорақлардан иборат катта гуруҳни олдин юборди. Мазкур туманга яқин ерда зафар асар лашкар ва фитнагар душман ўртасида катта уруш бўлди. Алқисса, икки томон орасида шундай бир азим уруш бўлдики, икки тилли қалам уни тасвирлаб ёзишдан ожиз қолади. Хуллас, давлат душманлари шавкатли сипоҳ ҳайбатидан қўрқиб қолиб, олддаги тугун юзининг мурод ойнасида жамол кўрсатишига ҳеч имкон йўқлигини билишгач, ночор, ожизлик ва ноиложлик юзасидан жабр ва такаббурлик йўлидан оёқ тортдилар ва ҳазрат Азизон, яъни Қосим шайхнинг каъба мартабали даргоҳига одам юбориб, ниёзмандлик ва эҳтиёж юзасидан томонларни яраштириб қўйиш учун ул ҳазратнинг ташриф буюришини илтимос қилувчи пайғомни етказдилар. Ҳазрат Азизон мухолифлар илтимосига биноан уларнинг қароргоҳига бордилар. Мулоқот маросимидан сўнг, аъло ҳазратга етказишлари учун уларнинг катталари шайх арзига ўз истаklarини изҳор қилишди. Шайх ҳам Бухорога келиб, ўз элчилиги зиммасига юклаган қуйидаги омонатни аъло ҳазратга етказди: «Султонларнинг Сиз билан жанжали ва қаршилиги йўқлиги сабаб инсоф йўлини танладилар. Ва айтишларича, икки томондан аҳду паймон сўзи ўртага солинса то барча махлуқотни яратган эгамнинг омонати бўлмиш халқ ва фуқаро талон-торож ва ғоратдан омон бўлсалар». Аъло ҳазрат ҳам халқ аҳволи ва юрт хавфсизлиги, мамлакат осойишталигини назарда тутиб, оёғини ярашиш йўли бўйлаб босди ва давлат устунларидан Ҳасанхожа нақиб, амир кабир Жон Алибийни бир нечта амирлар билан ҳазрат Азизонга қўшиб, сулҳ битимини тузиш учун душманлари тарафга юборди. Ул жамоа Искандар мартабали хоқон ҳукмига кўра мухолифлар ўрдусига бориб, сулҳ ишларига қоида асосида тартиб бердилар. Султонлар қайтиш жilовини буюриб, ватанлари сари кетишди⁴⁰⁶.

Искандар фармонли ҳазрат хоннинг Андхуд ва Шибирғон вилоятини эгаллаш учун юриш қилгани зикри

Бу воқеанинг қисқача шарҳи ва баёни шуким, Динмуҳаммад султон гарчи ҳол боши ва иш авваларида бирдамлик ва ихлосмандлик, хайрихоҳлик ва хослик изҳорини қилиб юрган бўлсада, аммо юз берган кўпчилик воқеалар одам ўзини текшириб кўрувчи ойнадек унинг фақат тескаричилик томонларини намоёйиш этди. Шу асосга кўра, ул бахти қайтган султон танбеҳи учун Искандар мартабали хоқон туркий «бузина йил»га тўғри келувчи ҳижрий 978 йили⁴⁰⁷ зафар шиор тўғни кўтариб, Балх томонга юзланди. Насаф ўлкаси улуғвор ва шарафли мавкаб кўнганидан жаннат боғлари рашкини келтирувчи жойга айланди. Искандарнишон ҳазрат хоқон Ўзбек султонни ёнига чақириб, Динмуҳаммад султон эшигидаги ходиму мулозимларнинг кўплиги, кул ва хизматкорларинг мўллигидан димоғи кибр ҳавоси ва кўнгли маишат иддаосига тўлиб, салтанат ишлари ва давлат юмушларига қарамай кўйган. Шундай мулоҳаза қилинмоқдаки, худо кўрсатмасин, юрт унинг қўлидан чиқиб, бошқанинг қўлига тушгудек бўлса, у пайтда ишни уддалаш имкон доирасига сиғмас даражада чигаллашади. Қолаверса, мабодо, душман томонидан бизга нисбатан бирон ҳодиса рўй берса, ундан мадад кучлари етиб келиши ҳам эҳтимолдан узоқ бўлиб кўринмоқда. Кўнгилга келмоқдаки, бу борада унга танбеҳ, яъни озгина жазо берайлик ва шу маънода, худо хоҳласа, унинг вилоятидан қайси кўрғон биринчи бўлиб қўлга кирса, ушани Сизга топширайлик, деди хон ва Ўзбек султон кўнглини шоҳона инъомлар ва хусравона иззатикромлар билан кўтаргач, ул мавзедан кўзғалиб, жаҳонни ёритувчи маҳчани дарё қирғоғи сари йўналтирди. Ҳумоюн мавкаб Жайҳун дарёси соҳилида шоҳлик саропардасини балиқ юзли ой устигача тортгач, дарёдан ўтиб, дастлаб Андхуд тарафга йўналган кўйи ўша томонга қараб кетди. Динмуҳаммад султон ул вилоятни иқтоъ сифатида ўзидан кичикроқ укаси Шоҳмуҳаммад султонга тайин қилган эди. Бу султоннинг отолиқи мансабни амир Жондавлат наймонга топширилган бўлиб, у амир ақли ўткир ва ҳашамат-обрус баланд бир амир эди. Шу тўғриси ул ноҳия ишлари жиловини қўлига олган ва ўша ҳудудда бошини кўк осмон устига етказганди. Аъло ҳазрат бу қалъа ёнига қўш ташла-

гач, қўрғон атрофини айлана марказдаги нуқтадек ўраб олди. Жондавлатбий бундан қўрқувга тушиб, қалъани ул ҳазратга қарши суратда маҳкам беркитди. Ғалаба асарлик лашкар яхши сийратли хоқон фармонига биноан қалъани эгаллаш асбоблари ва уруш анжомларини ҳозирлаб, жанг байроғини юқори кўтарди. Устози ҳунарвар Устод Руҳий тупчибоши аррода⁴⁰⁸ ва манжаниқ⁴⁰⁹ тоши билан Кайвон тоқидек қалъа буржигга шикаст етказиб, тўфанг шўъласи учқунидан шаҳар қалъаси остига ўт қалаганча «тўхтовсиз зарба» усулини ишга солди ва Бухоро ўлчови билан бир ман вазндаги тошларни тўплар оғзига тикиб, уларнинг тўхтовсиз зарбалари воситасида қалъа буржу деворларини ерга кулатиб турди, қўрғоннинг мустаҳкамликда тўғон сингари деворини арининг уясидек илма-тешик қилди. Бундай ҳамлага дош бериш мушкуллигини англаган шаҳар ҳокими узрхоҳлик йўлини тутиб, ялиниб-ёлвориш қўли билан Ўзбек султон этагидан маҳкам ушлади. Яъни, ул султонни нажот воситаси ва гирдобдан қутқарувчи қўл ўрнида билиб, қалъа тепасига таклиф этди ва қалъа калитини Ўзбек султоннинг тасарруф қўлига тутқазиб, ўзи шу султон ходимлари қаторидан жой олди. Воқеа бу янглиғ қувончли яқун топгач, хоқон ҳазрат қадимги тўра ва ясоққа риоя қилиб, яъни Ўзбек султон ёш жиҳатдан ҳазрат Абдуллоҳхондан атиги бир неча ойгина катта бўлса-да, ясоққа кўра, шунинг ҳурматини тутиб, табриклаш учун султон турган қалъа томон юрди. Хон қалъа буржи тагига етганда, Ўзбек султон ҳазрат хоқон билан ўша қалъа устида турганча сўзлашиб, қалъа дарвозасини хон кириши учун очмади ҳам. Аъло ҳазратга бундай муомала малол келиб, кўнгли ҳаддан ташқари оғринди. Пастдан туриб муборакбод қилганча орқасига қайтди ва дарҳол эгаллаш арқонини Шибирғон қалъаси кўнгураси устига отди.

Искандарнишон хоқоннинг Шибирғон вилоятини эгаллаши ва бир гуруҳ орифлар илтимосига биноан ул вилоятни ташлаб кетгани зикри

Аъло ҳазрат Андхуд қалъаси атрофидан Шибирғон вилояти томон кетгач, Ўзбек султон ҳам ўзининг ишончли кишиларидан бир гуруҳини Жондавлатбий ҳамроҳлигида Андхуд қалъасида қолдириб, у ҳам аъло ҳазрат орқасидан йўлга тушди. Аъло ҳазрат билан Ўзбек султон ўртасида мулоқот амалга ошгач, ул ҳаз-

рат Ўзбек султонга нисбатан лозим бўлган одатдаги иззатини ўз ўрнига қўймади. Ёнидаги айрим улуғ мартабали кишилар ҳам унинг хонга Андхуд қалъаси тагида қилган бояги беписандлиги жиҳатидан кунгиллари қолгани изҳорини билдирдилар. Ўзбек султон бундай воқеа юз берганидан хавотирланиб, юраги қўрқув ва ҳадикка тўлди. Шунинг учун ҳумоюн мавкаб Шибирғон музофотларидан бири ҳисобланган Хожа Дукка мавзесига етганда, Ўзбек султон ярамас бузғунчи кишилар васвасасн ва алдови-га учнб, туғри йулдан юз угирди ва ҳеч кимга билдирмасдан ғалабага ёр аскаргоҳдан ажралиб чиқди ва Балх томонга юзланди. Балх волийси бундай ҳодисанинг рўй берганидан жуда хурсанд бўлиб, истиқбол расмини адо қилганча унинг бу каби шошилинич қадамини Ўзбек султон карами сифатида яхшиликка йўйди. Аъло ҳазратнинг кунгли эса бундай йул тутилганидан қаттиқ ўксиди. Шу сабабли ор-номус ва ҳамият юзасидан яхшиликни билмаган ул оқибатсиз фирқани тор-мор келтириш учун ғайрат камарини белига боғлади. Бироқ, ҳозир олдига қўйган мақсади Шибирғонни халос этмоқ бўлгани туфайли байроғи юзини ул ноҳия сари қаратди ва Шибирғон қўрғони атрофини узукдаги қош каби ўраб олиб, қалъа ён-атрофини зафарпаноҳ аскарларга мурчал йўсини билан тақсимлаб берди.

Балх ҳокими бу вилоятни кичик укаси Подшоҳ Муҳаммадга иноят қилиб, Муҳаммадқулибий кушчини унинг отолиқи мансабига тайинлаган эди. Араб бий кушчини ҳам отолиққа шерик ўрнида унинг ёнига қўйганди. Искандарнишон хоқон қалъа ёнига келиб тушгач, мазкур амирлар, авваламбор, қалъа устуворлигига орқа қилдилар ва калтафаҳмликдан дарвозаларни бекитиб, мудофаа қўллари енгини уруш ва жанг учун шимардилар. Юлдузлар сонича лашкар жаҳонгир хоқон фармонига биноан қалъа томон отилди ва жанг оёғини уруш водийсига қўйиб, шижоат билакларини ёйди. Бир неча кун шу ҳол давом этгач, ахийри, ожиз қолган қалъа аҳли кўп совға ва ҳадялар олиб чиқиб, мақсади ҳосил ҳазрат хоқон даргоҳи бўсағини ўпиш сари ошиқдилар. Ҳазрат хоқон давлатининг устунлари ва аъёнларини Подшоҳ Муҳаммад султон айбини кечириниш учун шафеликка ундадилар. Алқисса, амирлар ўз султони билан бирга келиб, хоқон палосини ўпиш шарафи бахтини топишгач, ул ҳазрат аларнинг гуноҳ саҳифасини кечиримнинг тиниқ суви билан ювди ва хатолари сафҳасига омонлик рақамини тортиб, ҳар бирининг тавбасини

қабул қулоғи билан эшитди. Подшоҳ Муҳаммад султонга битта қулга ургатилган овчи шунқор қушини тортиқ қилиб, хос совға, камар ва шамшир билан сийлади ва подшоҳона иноятлар ҳамда хусравона марҳаматлар билан бошини баланд кутариб, узига ҳамроҳ қилди. Муҳаммадқулибийни эса узининг отолиқи қилиб олиб, унинг қадри поясини баландлик авжига етказди. Ул вилоят ташвишларидан бутунлай тинчигач, Искандар оқибатли хоқон ул мақомдан тула-тукис йусун ва қоида билан зафар аломатли туғларни кутариб, Балх сари ошиқди. Искандар виқорли хоқон келаётгани аломати ойдинлашгач, Динмуҳаммад султон ул соҳибқирон савлатидан қурққанидан тавба ва истиғфорга тушиб, тавалло ва тазарру, ёлвориш ва зорланиш расмини узининг қутулиб қолиш илинжи ўрнида билди. Уша пайтда кубравия тариқатида муқтадо ва раҳбар бўлиб турган валийлик паноҳи ҳазрат мавлоно Муҳаммад Зоҳидни ҳазрат Мирам шайх билан бирга элчилик йусинида ҳазрат хоқон ҳузурига фасоҳатга тула «биродарларни яраштириб қўйинг⁴¹⁰» оятига биноан уруш оловига ўчириш сувини сепиб ўчириш ва тарафлар мақсадга нимани мувофиқ кўрса, ярашиш битимини шу тарзда тузиш учун юборди. Динмуҳаммад султоннинг илтимосига биноан ирфон ва тасаввуф аҳлининг ул икки муқтадоси исқандарфармон хоқон даргоҳига ошиқдилар ва мулоқот шарафини топдилар. Учрашув иззатидан сўнг ҳазрат мулло Муҳаммад Зоҳид фасоҳат тилини баёнга чоғлаб, хон арзига ушбуларни етказди: – Динмуҳаммад султон инсофга келиб «биз барча ака-ука султонлар жаҳонпаноҳ хоқон тузини еб катта бўлганмиз. Бироқ, афсуски, бир неча кун шайтоний васваса ва нафсоний қутқу орқасида оёғимизни бандалик ҳаддидан ва ожизлик изҳори доирасидан ва бош эгишлик йўлидан ташқари ташлаган бўлсак-да, мана эндиликда, йўл кўрсатувчи ақл иршоди ва тугунларни ечувчи ҳуш ёрдамида кўрар кўзлардан анча йироқлашган тўғри йўлни қайта топдик ва ўз қилмишларимиздан жуда ҳам пушаймондамиз» демоқда.

Аъло ҳазрат бу гаплар жавобида дедилар: – Бизнинг бу вилоятга келганимиз фақат танбеҳ юзасидан эди, мамлакатни олмоқ қасдида эмас. Агар Динмуҳаммад султон одат қилган ёмон қилиқларидан воз кечиб, фалакни алдовчи даргоҳимизга келса, у ҳаққида кўп иноят ва чексиз лутфу карамлар амалга ошажак. «Ёқимли ел ва шамол⁴¹¹», балки ундан ҳам ортиқ даражада ҳам яхшироқ бўлажак. Агар, гафлат қулоғидан пахтани олиб ташла-

маса, бошини такаббурлик уйқусидан кўтармаса, шайтоний машғулот ва нафсоний уй-фикрлардан юз ўгирмаса, у ҳолда қасос шамоли ва осмоний чақмоқ жунбушга келиб, ғазаб оташи ва ёмонлик олови фалак ўрлаб аланга олажак.

Алқисса, шайхларнинг илтимосини улар аралашуви юзасидан келиб чиққан ҳолда ижобатга яқин қилди ва давлати улуғворлиги орқасида қийин ишни эҳсон баландлигига кўтариб, элчиларга мартабалари қадар муносиб совғалар назру ниёз қилди ва улар орқали Динмуҳаммад султонга атаб қимматли тўнлар юборди. Қайси вилоятни қўлга киритган бўлса, барчасини ўз ҳокимларига қайтариб бериб, йўналиш жиловини мамлакати пойтахти сари бурди.

Искандар фармон хоқоннинг қўшин тортиши ва Термиз қалъасини худо инояти билан эгаллагани зикри

Ҳазрати соҳибқирон дили сурурга тўлиб, мақсадлари ҳосил бўлганча Андхуд ва Шибирғон вилоятидан қайтгач, дам олиш ва танига роҳат бериш бир неча кун давлату иқбол суянчиғи-ю улуғлик ва истиқлол, истироҳат уриндиғига ёнбошлади. Шу аснода хаёлига мардлар шаҳри Термизни эгаллаш фикри келиб, туркий «товушқон йил¹²»га тўғри келувчи ҳижрий 979 йили¹³ йўналиш юзини Термиз томон қаратди ва эгаллаш арқонини айлана ер курраси мисол айланувчи фалак ер курраси авжига отди.

Самарқанд султонларидан Жавонмардали султон замон тақозосига кўра узини қарам кўрсатиб, ўғилларидан Абулхайр султон, Музаффар султонларни кайҳон кезар ўрдуга юборди. Султонзодалар йўл давомида зафар дастгоҳли мавкабга етишиб, қўшин сафига қўшилдилар. Осмон сингари тартиб топган қалъа атрофи муҳташам чодирлар тикилган аскаргоҳга айлангач, фармонга биноан кавкабнишон аскарлар шундай катта қалъа атрофини паргор доираси каби ўраб, марказ нуқтаси мисол даврани тор олиб ўтирдилар. Уша пайтларда Подшоҳ Муҳаммад султон бу қалъанинг фармон берувчи ҳокими бўлиб, ўз Отолиқи Иқимбийни Наврўзбий қушчи лақаби билан атаган эди. Қалъа рўпарасига хоқоннинг осмон ўлар чодир тикилгач ва шоҳлик саропардаси Сурайё авжи, сидратулмунтаҳо устига етгач, қалъа аҳли ҳам буржу деворлар устига чиқиб, мудофаа сари киришдилар. Шомдан то тонггача қалъа девори узра кўп машъала ва

сонсиз чироқ, фонус ва фанор ёқиб, «ушла», «тут» овозларини айланувчи фалакка етказиб турдилар. Ўша чоғда Муҳаммадқулибий қушчи Динмуҳаммад султон буйруғига биноан йуналиш қўлини чўзиб, Подшоҳ Муҳаммад султонга мадад бериш учун Термиз томон юзланди. Тунда ҳеч кимга билдирмай, сол ясаб, Жайхун дарёсидан кечиб ўтди ва Термиз қалъасига кириб олиб, султон қўшинига қўшилди. Бу воқеа рўй бергач, олий арзга, Балхдан тўда-тўда одамлар келиб, уларга озуқа сифатида ғалла келтиришмоқда, деган хабарни етказишди. Шу иш бўйича дарҳол Искандар фармон хоқон, довюрак ва уруш талаб кишилардан Шоҳмуҳаммад Мирзо манғит, Мирам ўғлон, Иқим чуҳра оғоси, Назар чуҳра оғоси, Раҳманқули Мирзо қонгли ва бошқа шу каби бир гуруҳи сол ясаб, дарёдан ўтсинлар ва дарёнинг у тарафида турсинлар. Агар Балх қўшини ёрдамга келса ёки ғалла олиб келсалар, уларга қарши бориб, уруш қилсинлар, деган ҳукм чиқарди. Зафарга ёр довюраклар Жайхун дарёсидан ўтдилар. Иттифоқо, уларнинг ўтганлари ҳам, душман томоннинг ғалла олиб келгани ҳам бир вақтга туғри келиб, хон қўшини одамлари дарҳол ғаллани қўлга киритишди. Шу орада, кутилмаганда, мартабали қўшин қаровуллари эса Балх лашкари қаровулларига дуч келиб, ноилож, икки ўртада уруш бошланди. Бироқ, кўп ўтмай муҳолиф аскарлари орқага чекиндилар. Улардан биттаси эса асир тушиб, ўшанинг қўлларини боғлаган ҳолда фалакни алдовчи даргоҳга келтириб сўроқ қилдилар. Айтишича, Динмуҳаммад султон термизликларга ёрдам бериш учун ҳозиргина катта қўшин билан дарё бўйига етиб келибди.

Бу сўзнинг баёни шуким, Термиз аҳолиси ёрдамни қўлга киритгач, Динмуҳаммад султон мажлис чақириб, Ўзбек султонни ҳам унга таклиф этган ва ундан маслаҳат сўраган. Машваратга кўра, қўшин тўплаш мақсадида ён-атрофга одам юборганлар. Балхга қарашли туманлар ва Шибирғон, Маймана, Фаржистон, Андхуд томонлардан ҳаммаси бўлиб ўша ер аҳолисининг тўртдан бири миқдорича кўп сонли қўшин тўплаб, Термиз томонга юз тутганлар ва мана энди Амударёнинг нариги соҳилига келиб қўш ташлаганлар. Бир кечаси дарёнинг нариги тарафида турган Динмуҳаммад қўшинидан Жаҳоншоҳ баковул каби балхлик амирлардан бир гуруҳи билдирмасдан дарёдан кечиб ўтиб, Термиз қалъасига кириб ҳам олганлар. Алқисса, икки лашкар бир-бири рўпарасида дарё ёқалари бўйлаб тизилгач,

аъло ҳазрат хоқон «Ибодуллоҳ султон Ҳисори Шодмоннинг Фақир султон, Муҳаммад Қосим султон каби зафарпаноҳ лашкар учун ёрдамга юборилган султонлари ва Алимардон баҳодир ва шу каби бошқа жасур амирлар билан дарёнинг юқори қисмидан кечиб ўтсинлар, Абулхайр султон Шаҳрисабз қушини ва ўша пайтда унга иқтоъ сифатида берилган Кеш атрофидаги тобе туманлардан келган одамлар билан дарёнинг қуйи қисмидан кечиб ўтсинлар» деган фармон берди. Зафар қоидали султонлар шижоатли довюраклар билан бирга ўша кечаси дарё сари юриб, дарҳол айримлар сол, баъзилар эса кемада сузиб Жайҳундан ўтиб олишди. Шундай усул воситасида буйруқ бўйича Ибодуллоҳ султон Ҳисори Шодмон султонлари ва кураш аломатли амирлар билан дарёнинг Айвож деб аталувчи юқори қисмидан ўтган бўлса, Абулхайр султон ҳам дарёнинг қуйи оқимидан ўз лашкари билан ўтиб, душманни тор-мор қилиш учун йўналдилар. Хуллас, зафарли сипоҳ дарёдан ўтгач, муҳолиф давлати устунлари юраги така-пука бўлиб, дастлаб, саросимага тушган Ўзбек султон қочиб қолди. Динмуҳаммад султон ҳам йўналиш қадамини қочиш водийсига қўйди ва давлатининг обрўси ва салтанати номусини бир пул қилди. Балх волийси жасурлик майдони мардонларидан катта зарба еган ва хаста-ю шикаста ҳолатда бўлса-да, ҳар ҳолда давлати марказига етиб олди. Бироқ, ҳар кун Термиз қалъаси ичидан пиёда ва отлик кишилардан бир гуруҳи ташқари чиқиб, урушиб турдилар. Қудратли мавкаб томонидан ҳам курашда моҳир ва йўлбарс овлашга қодир жангчилардан жуда катта қисми жангга киришиб, урушнинг Рахш отини ўлдириш қасдида йўрттирганча давлат душманлари устига ёприлдилар. Шундай олишув ва чопқинлардан бирида Ҳошим кўрчи қирғиз ўғли Жужук Мирзо, Нурумбой бачча қаттиқ яраланиб, шу захм орқасида фоний оламдан боқийлик юртига кетдилар. Ахийри, иш битавермагач ва қалъани эгаллаш муддати бугун-эртага чўзилавергач, қалъа халқи Динмуҳаммад султон ёнига одам жўнатиб, ичкаридаги ноилож аҳволни маълум қилдилар. Балх волийси термизликларнинг аҳволи шу кўйга тушганини англагач, қанча уйламасин, тавба-тазарру қилиб, ёлвориш ва соҳибкирон султон фармониغا бўйсунибдан ўзга чорани кўрмади. Ниҳоят, шу мақсадда, валийлар натижаву самараси ҳазрат хожа Абдулвали Порсодан ёрдам истаб, ул жанобнинг со-

ҳибқирон хоқон утирган Кайвон мартабали ўрду сари йўлга тушиши ва балхлик, термизлик султонларнинг гуноҳларини ўтишини хондан тилаб, сўнг Термиз шаҳри калитини, олиб чиқиб ҳазрат соҳибқиронга топшириши ҳамда Подшоҳ Муҳаммад султонни ҳам амирлар билан бирга қалъадан ташқари чақиртириб, мақсади ҳосил хон даргоҳи остонасини ўпиш учун олиб бориши юзасидан ўртага тушиб, шафелик қилишларини илтимос қилди. Қудрат ва юқори манзилат эгаси бўлмиш хожа ҳазратлари асосан халқ аҳволини кўзда тутиб халифа мақомли ўриндиқ пойига ташриф буюриб, султонларнинг гуноҳ ва айбини ўтишларини сўради. Искандар фармонли ҳазрати хон Порсо хожаларнинг улуғ хонадонига кучли эътиқоди-ихлоси, ул валийлар сулоласига хизмат қилиш орзуси бўлгани учун аларнинг шафоатини қабул қилди. Шу тариқа, Динмуҳаммад султоннинг гуноҳга тўла ишлари изини кечирим булоғи томчилари билан кетказди, подшоҳона лутф қалами эса ўзига қаратишнинг истимолат хатини ёзишга киришди. Қалъа аҳли ҳам ул шайх ҳазратлари сўрови орқасида шафоатга эришиб, хусровона иноятдан умидвор бўлиб, қалъадан ташқари чиқдилар ва Подшоҳ Муҳаммад султонни қутулиш илинжи билиб, биргаликда хоннинг оёғини ўпиш саодатини топдилар. Аъло ҳазрат ҳам марҳамат юзасидан султонзода ва бошқа кишиларни даражаларига қараб ва табақаларига яраша қимматбаҳо тўнлар ва яна бошқа инъомлар билан сийлади. Хожа Муҳаммад Порсо жаноблари учун эса алоҳида зиёфатлар бериб, қимматбаҳо совғалар тортиқ қилди ва қайтишларига рухсат бериб, умидларига етказди.

980 йилнинг муҳаррам ойи¹⁴ да шундай катта бир вилоят қўлга киргач, аъло ҳазрат уни Маҳмуд Султон жанобларига иноят қилди ва аъзам нўёнлардан Менглибий қушчини унинг отолиқи қилиб тайинлаб, мамлакат жловини адолат қўлига тутқазди. Ул ноҳият ишлари ихлос билан битказилгач, искандарнишон хон ҳазрат хурсанд ва қувонган ҳолда мақсади ҳосиллик оғушида давлати қароргоҳи ва салтанати марказига қайтди.

Султон Саъид султоннинг дорилфанодан бақо саройига кўчгани ва Бобо султон билан Дарвишхоннинг Самарқандни эгаллаш учун келгани ҳамда Жавонмардали султоннинг саодатманд султон даргоҳига ёрдам сураб илтижо қилгани зикри

Саодат ва иқбол тонги улуғлик уфқидан порлаб чиққандан сўнг ва Термиз ўлкаси олий насабли хоқоннинг қудратли қўли остига утгандан кейин мақтов васфли шаҳрнёр галаба асарли лашкарига қайтиш рухсатини бериб, ул мақомдан ҳумоюн қўшиннинг озгина одамлари билан бирга қайтди⁴¹⁵ ва йўналиш байроғини дор ус-салтана Бухоро томон ҳилпиратиб, қайтиш жиловни ўз ихтиёрига топширди. Улуғлик ва шараф мавкаби Насаф чўлига етгач, ўша ерга тушдилар. Ўша манзилда Жавонмардали султон томонидан бир чопар хоннинг буюк даргоҳига келиб, султоннинг мухлислик ва муҳаббат, эҳтиёж ва ниёз юзасидан айтиб юборган ва шу айёмда Султон Саъид султоннинг вафот этиб⁴¹⁶, фонийлик саройидан жаннат боғлари ва беҳишт бўстон саройи сари кўчиб ўтгани ҳақидаги пайғомини етказди. Хатда айтилишича, Султон Саъид султон вафотини эшитган Тошкент ҳокими Дарвишхон ва Туркистон ҳокими Бобо султон барча султон ака-ука ва қариндош туққанлари билан бирга Самарқандни эгаллаш учун яна уруш ва жанжал қасдида келишаётган экан. Агар ул хон ҳазрат муҳаббат занжири ва меҳрибонлик риштасини қаттиқ боғлаб, Самарқанд томонларга келса, ҳар ҳолда, дўстлик қоидаси тикланган ва янада ортар экан.

Бундай азим уруш ҳақидаги хабар ул ҳазратга маълум бўлгач, дарҳол йўналиш байроғини Самарқанд сари ҳилпиратди. Абулхайр султон, Музаффар султон истиқбол учун шаҳардан ташқари чиқиб, Қуҳак дарёсига бораверишдаги шаҳарга яқин Қулба мавзесида мулоқот шарафини топишди. Эртаси куни ул ҳазрат билан Жавонмардали султон ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Томонлар ҳурмат-эҳтиром шартларини бажо келтирдилар ва бири бири билан янгидан аҳду қарор ипларини боғлаб, муҳолифлар ҳақидаги сўзларни ўртага солдилар. Анча маслаҳат ва мунозаралардан сўнг Жавонмардали султон барча ўғиллари билан Боғи майдонда турадиган бўлди, ҳазрат Абдуллоҳ султон эса жаҳонни ёритувчи байроғини ой ва қуёш мақомигача етказиб, Қуҳак дарёси қирғоғи томон кетди. Иттифоқо, ён-атроф ўлкалардан хон

ҳузурига чақирилган ферузий асар лашкар зиёнатли ва бахтли ўрдуга етишмай туриб, Туркистон, Хужанд аскарлари, Андижоннинг қудратли лашкари ва Тошкентнинг оқбурё туплари етиб келишди ва дарёнинг нариги қирғоғида жойлашган Соғарж вилоятига қарашли Понуқ қўриғида қўш ташладилар. Душман келиб тушгани шов-шуви тилларга тушгач, ҳумоюн ўрду сари ошиққан биринчи киши Миёнколнинг барча музофотларидан кўп қўшин туплаган Дўстум султон бўлди. У ҳаммадан олдин келиб, хон ҳазратнинг қўлини ўпиш саодатини топди. Шунингдек, ҳар диёрдан бир сардор ва ҳар мамлакатдан бир лашкар йўналиш юзини фатҳу зафар аскаргоҳ сари қаратиб, Кайвон нишон тахт олдида йиғилдилар. Шу пайтда ҳазрат султон қўлоғига Бобо султон ўз ўғли Абдуллоҳ султон ва Амин султоннинг ўғли Муъмин султонларни йигирма минг киши билан босқин-чопқин мақсадида Самарқанд ва Шаҳрисабз томонга юборди, деган хабар етишди. Шунга кўра ҳазрати хоқон Дўстум султон билан Музаффар султонни уларнинг олдини тўсиб, ул фирқани мазкур жойларга ўтказмасликка буйруқ берди. Булар ҳам юриб, Қўчий мавзесига етганда, томонлар бир-бирига дуч келишди, аммо икки ўртада жанг бошланмасдан туриб душманлар қочиб қолишди ва чарчаб, руҳлари тушиб, ўз қўшини қўл қисмига келиб қўшилдилар. Бобо султон Шаҳрисабзни босқин-чопқин қилиш учун яна бир гуруҳни жўнатди. Бу хабарни эшитган Шайхим султон Сорбон султон ҳамдабир гуруҳ довьюраклар билан бирга хусуматчилар устига ошиқди. Иттифоқо, мухолиф лашкари Шаҳрисабзнинг айрим туманларини чопқин қилиб, қайтаётган пайти осмон ҳашаматли аскарлар етишиб, душман устига бостириб бордилар. Мухолиф сипоҳи улар бостириб келаётганидан хабар топиб, қўлга туширган ўлжаларини ташлаганча қочиб қолишди. Зафарга ёр султонлар ҳам музаффар ва мансур ҳолда қайтишди.

Душманлар уруш асбоблари кўплиги ва жанг қуроллари мўллиги билан гердайиб юришларига қарамай, бу ҳодиса рўй берганини эшитгач, саросимада қолиб, қайтиш жилловини орқага тортдилар ва уруш юзини фитна ва зулм йўлидан ўгириб, қочиш водийси сари отландилар. Ул ғаддор гуруҳнинг қочиш қиссаси мақсади ҳосил хоқон қўлоғига етишгач, дарҳол Жавонмардали султон билан бирга душманлар орқасидан қувлаб кетдилар. Бедана қўриқи мавзесига етганда нусрат аломатли аскарлар шу ерда қўш ташладилар. Қўшиннинг манқилойида турган

Дустум султон ва Абулхайр султонлар томонидан хоқон ҳузурига одам келиб, душманлар Кукгунбазга тушиб, уша ерни ўзларига манзил қилишди, чодирлар тикиб, утириш жойига айлантиришди, деди. Ҳазрат соҳибқирон душман тўхтаб тургани хабарини эшитгач, низочилар устига бостириб бориш учун белига камар боғлаб, юзини душман тараф қаратди. Томонлар бир-бирига тўкнаш келгач, ҳар икки тарафдан қўрқмас диловарлар ғазабланган арилар каби дув-дув ёпирилганча бир-бири устига ташландилар.

Лашкар майманасида Жавонмардали султон ўз ўғиллари Абулхайр султон, Музаффар султонлар билан турди. Майсара томонга Дустум султон бир нечта улўғ амирлари билан бирга борди. Қўшин атрофида зафар дастгоҳ хоқон ўз укаси Ибодуллоҳ султон билан бирга туриб, Шайхим султонни амирлардан Жўлма ўғлон, Қулбобо Кўкалтош, Ҳожибий дўрмон, Абдулбоқибий, Муҳаммад Боқибий дўрмон, Муҳаммадали ўғлон, Байрам солор мирохўр, Иқим чўхра оғоси, Ҳасан қўрчи дўрмон, Жонҳасан Баҳодир кенагас, Муҳаммад қули Баҳодир кенагас билан бирга ўзининг ўнг қули олдида жойлаштирди.

У томондан эса Дарвишхон ва Гадоёхон бошқа султон қариндош-туққан султонлар билан Самарқанд волийси рўпарасида туриб, ўз қўшинининг ўнг ва чап қўлини доврўқли чавандозлар билан тартиб бердилар. Амин султон ва Бобо султон бир гуруҳ қариндош-туққан султонлар билан жанг байроғини кўтардилар. Алқисса, мансур қўшиннинг чап қўли қочиш сари юзланишга мажбур бўлган кўп муҳориба ва чексиз уруш-савашлардан сўнг худонинг инояти билан фатҳ ва зафар насими яхши хулқли хоқон байроғи сари эсишга киришди. Душман бирданига бахти қора ва тарқоқ ҳолда қочишга тушди. Зафар қондали сипоҳ эса ул бахти қайтган гуруҳдан кўпини ҳалокат тупроғи узра қулатди. Бобо султоннинг қайнотаси Бултурукбий дўрмон қўлга тушиб, у ҳам бошқа асирлар сафида Кайвон мартабали даргоҳга келтирилди. Сўнг олий фармонга биноан қасос қиличидан ўтказилди.

Нусратли сипоҳ душман лашкарини қочиргач, уларни таъқиб расми билан қувлаб кетди. Шу чоғда аъло ҳазрат ёнида оз сонли жангчилар билан жанггоҳда қолган бўлиб, пистирмада қулай пайт пойлаб ётган Хоразмшоҳ султон шундай фурсат етганини англаб, ўзининг кўп сонли одамлари билан шижоат туғини кўтариб чиқди ва туйқусдан ул ҳазрат сари от қўйиб, соҳибқир-

рон хоқонга шу даража яқинлашдики, отган уқларининг иккитаси ул ҳазратнинг садоғига тегди. Барча ҳолатларда ҳам оллоҳи таоло ул соҳибқирон хон сақловчиси ва қуриқловчиси бўлгани туфайли ҳумоюн узанги остидаги жамоат ҳаммаси бирданига душман томон ташланиб, бу адоват касбли гуруҳни ҳам орқага чекинишга мажбур қилдилар. Ушанда тошкентлик қариндошлари қутқусига учиб ўзини ўша ўлкадан туриб, барча мамлакатлардаги ўзбакия султонлари устидан хон санаган ва ўз номини хутбада айттириб ва тангага зарб қилдириб, Бобо султон билан бирга Самарқандни қариндош султонлардан тортиб олиб, хонлик тахтига чиқиш учун ўз юртига қўшин бошлаб келган Гадоё султон ҳам қўлга тушди. Уни ҳам бўйнига арқон, қўлига занжир солиб, хоқон ҳузурига келтирдилар. Замон соҳибқирони эса Гадоё султон хоқоннинг бу урушдаги иттифоқдоши Жавонмардали султонга ҳам қариндош, ҳам ғаним бўлгани учун бу султон тақдирини ўша султонга ҳавола қилиб, ўзи номидан унга афв тўнини кийдирди ва Жавонмардали султон олдига юборди. Айтишларича, Жавонмардали султон Гадоёхон ибн Абдуллатифхон ибн Кўчкунчихонни шу заҳотиёқ қатлга еткарди.

Эртаси куни соҳибқирон хоқон Уратепа томонга юрди ва қалъа аҳли совға-саломлар билан хон истиқболга чиқди. Уша манзилда чарчаган лашкарни аяш мақсадида орқага қайтишни маъқул кўриб, мавлоно Ҳайдар Муҳаммад муншийга шу ердан барча ерларга фатҳномалар ёзиб юборишни буюрди. Ўзи эса давлату иқбол билан қайтиш жиловини мамлакати пойтахти сари бурди. Кўкгунбаз мавзеси хоннинг қўш ташлаш манзилига айлангач, ёрдам учун эндигина Балхдан етиб келган Подшоҳ Муҳаммад султон амир Муҳаммадқули отолиқ ва бошқа шу каби амирлари билан бирга ҳаммаси уч минг киши бўлиб, шу ерга бордилар ва мулоқот шарафини топдилар. Аммо, ул ҳазрат бу жамоага кўп ҳам илтифот кўрсатмади. Улар ўша ерданоқ қайтиш учун руҳсат тилаб, Балхга кетдилар. Бундай муомала қилишларига сабаб шу бўлдики, Динмуҳаммад султон, агар ёрдам юборишда сал ҳаялланса ва бироз ушланилса, ул ҳазратга душман томонидан балки шикаст етиб қолиши мумкин, деган хаёлда қўшин йўлга чиққан пайти, унга укаси Подшоҳ султонни қўшаркан, жуда ҳам шошилмасдан бемалол бораверинглар, деб буйруқ берган экан. Лекин, оллоҳга шукрлар бўлсинки, ўзгаларнинг ёрдамисиз ва кечикиб келишларига қарамай, ғалаба тонги

саодат уфқидан ёришиб чиқди. Алқисса, музаффар байроқли хоқон Бухорога юзлангач, ён-атрофдан улуғлар ва шариф зотлар халифалик тахти пойига ошиқиб, олий даргоҳ остонасини упиш шарафига эришдилар ва ҳамду сано, олқиш қоидаларини бажо келтирдилар.

Искандар фармонли хоқоннинг Балх ва Шибирғон вилоятларини эгаллаш учун юриш қилгани зикри

Соҳибқироннинг қанчадан-қанча яхшиликларини кўрган Балх ҳокими Динмуҳаммад султон хоқонга нисбатан юқоридаги каби ва бошқа турли-туман ёмонликлардан сира қўл тортавермагач, бундан ҳамиша кунгиллари озор топиб юрган ҳазрати хон ниҳоят сабри тугаб, йуналиш байроғини Балх томон ҳилпиратишга мажбур бўлди. Ҳумоюн мавкаб Насаф мавзесига етишгач, уша вақтда Балх ҳокимининг амирларидан бири бўлиб турган Мирзо Алибий наймон томондан одам келиб, унинг аризасини кайвоннишон даргоҳга етказди. Мактубда қуйидагилар битилган эди: – Кимиёасар кунглингизга ойдин ва аёнки, отодин-ото, бободин-бобо барча ака-ука ва қариндошлар ўзимизни бу сулола қўлига топшириб, фармон адо этиш камарини жон белимизга боғлаб келмоқда эдик. Душманларни йўқ қилиш, ҳужум ва зарбаларни дафъ этишда жон-дилимиз билан ёрдам бериб, ҳеч қандай кўмакни дариф тутмаганмиз. Аммо, эндиликда, ҳеч бир сабабсиз ва далил-исботсиз Динмуҳаммад султон биз ака-укаларни талон-торож қилдирди. Устига-устига Балхдан ҳам ҳайдаб чиқарди. Бугун биз таланганлар Андхудга акамиз Жондавлат бий олдига келдик. Агар Сиз ҳазратлари бизга марҳамат кўрсатиб, хизматкорларингиз қаторидан жой бермоқчи бўлсангиз ва қўлликка лойиқ деб билсангиз, у ҳолда бир «иноятнома» ёзиб бериб, бизни сарафроз қилинг.

Хат давомида амирлар соҳибқирон хоқондан Андхудга бир ҳоким юбориши ва ўз мол-мулкларини султонлардан қайтариб олиб беришини ҳам илтимос қилган эдилар. Аъло ҳазрат амирлар воқеасидан хабардор бўлгач, аввал, амир Жултойбий Хитойни ёнига чақириб, Андхуд томонга ул вилоятни тасарруфига олиш ва улуғ мартабали мазкур амирларни хон олдига чақиртириш мақсадида уша ёққа юборди. Ганжа Али шиғовулни Балхга элчилик расми билан жунатди ва амирларнинг молини қайтариб

бериш борасидаги гапларни етказиш вазифасини ҳам топширди. Жултойбий Андхуд вилоятига бориб, иноят бобидаги сўзларни бир-бир айтиб бергач, Мирзо Алибий наймон ниҳоятда қувониб, шодлигидан дарҳол Андхуд вилоятини Жултойбийга топширди ва барча ака-укалари ҳамда бошқа қариндош-туққанлари билан бирга оёқ эмас, балки бош бирлан юриб, олий даргоҳ сари юзланди. Аммо, Ганжа Али Баҳодир Балхга бориб, элчилик вазифасини адо этгач, Динмуҳаммад султон ута такаббурлик юзасидан элчига унчалик илтифот кўрсатмади ва қуруқ кетмасин деган маънода тортиб олинган молдан озгинасини қўлига тутқазиб, қайтишга рухсат берди. Ганжа Али Баҳодир ҳам қайтиб келиб, султоннинг у қадар илтифотли бўлмагани ҳақида сўзлаб берди ва олиб келган барча нарсаларни хон назаридан ўтказиб, султон кайфиятида мушоҳада қилган тескаричилик аломатларини ҳам арзга етказди. Эртаси кунини наймон амирлари ҳам Қаршидан келиб, хоқон оёқларини ўпиш шарафига муяссар бўлдилар. Алқисса, 980 йилнинг ражаб ойи¹⁷ да жамшид мартабали хоқон йўналиш рахшини ниқтаб, Балх томонга юзланди. Йул давомида Жондавлатбий ва Танишбий жалойирни Шибиргон тарафга Ўзбек султон олдига жўнатди. Улар ўз элчилиги мазмунини қуйидагича баён этдилар: – Ақл зевари-ю хирад гавҳари билан безанган султон жаноблари ҳеч қачон фитначи ва алдоқчи жамоа ҳамда дўстлик асосларига қарши адоватчи гуруҳ қутқусига учиб, низо ва қаршилик кучасига кирмасинлар. Байт:

Бар синайи хештан мазан санг,

Бо лашкари хештан макун жанг.

(Мазмуни: Ўз кўксингга тош билан урма сен,

Ўз лашкарингга қарши турма сен.)

Истак шуқим, бундан кейин муҳолифат йўлида юрмасинлар ва бирдамлик чеҳраси, садоқат юзини адоват тирноғи билан тирнамасинлар. Ақл арбоблари ва фазл асҳоблари назаридан яширин эмаским, бу ишнинг дарахти надоматдан бошқа мева бермаяжак, жанжал-низо уруғидан пушаймонликдан ўзга ҳосил қўлга кирмаяжак. Вассалом.

Ўзбек султон бу қиссани эшитгач, дарҳол Жондавлатбийни ҳибсга олиб, Танишбийга эса қайтиш учун рухсат бераркан, аммо хоқон ҳазрат кутган жавобни юбормади.

Алқисса, ҳумоюн мавкаб Жайхун дарёсини кечиб утиб⁴¹⁸, Балх қалъасини қамал қилди. Ўша кунисиёқ, икки томон жангчилари уруш отини елдириб, мардлик ва ботирлик додига етдилар. Сунг яна бир бор нусрат шнор курашчилар қатл кийимини эгнига ташлаб, ташқи қалъани эгаллаш мақсадидан аскаргоҳдан ташқари чиқдилар. Шундан сунг кўп жангу жадаллар қилиб, мухалифни буржу девор устидан узоқлаштирдилар ва ташқи қалъани тасарруф ва забт этдилар. Динмуҳаммад султон замбараклар ўтига дош бера олмай ичи тўла ўт билан ташқи қалъани ташлаб, Ҳиндувон деб аталувчи ички қўрғонга ошиқди. Аъло ҳазрат ташқи қалъани эгаллагач, шаҳар қибласида жойлашган жаноб амир Араб ибн амир Абдуллоҳ Термизийнинг ҳовлисида ўрнацди. Давлат устунларидан ёнида ким бўлса ҳар бирига мулжар тайин қилди. Эртаси куни Чаҳортоқ дарвозасидан Муҳаммадқули отолиқ бир гуруҳ одамлари билан ташқари чиқиб, жанг қилишга тушди. Аъло ҳазрат Иқим чуҳра оғоси билан Назар чуҳра оғосини ёнига чақириб, ўша душман гуруҳига қарши жангга жўнатди. Икки томон тўқнаш келиб, бир-бирлари устига ташландилар. Шу чоғда Назарбий наймон кўп сонли бир тўп кишилар ва Устод Рухий тўпчибоши бир гуруҳ нафтбозлар билан халифа ошиёнлик остон сари ошиқдилар. Аъло ҳазрат Назарбий наймонни амирларга ёрдам бериш учун юборди. Гарчи, Муҳаммадқулибий жасурлик отини шижоат майдони ичра сурса-да, барибир, Назарбий наймон уни сув рангли қиличи ва ўтсочар найзаси билан эгар устидан ер узра қулатди ва чаққонлик билан унинг қўл-оёғини боғлади. Шу ҳамла жараёнида Фўлодхожа сайид отой ва Ўрус Мирзо сажоват ва бошқалар ҳам музаффар тўғли довюраклар қўлига асир тушдилар. Хуллас, бахт нишонли довюраклар тўла ғалабага эришиб, жанг майдонидан қайтиб келдилар. Асирларни олампапоҳ даргоҳга олиб келдилар. Аъло ҳазрат ўзининг қаҳрамона мирларнга лутфлар кўрсатгач, Муҳаммадқулибийни сиёсатгоҳга олиб бориб, исломпапоҳ даргоҳнинг фаррошбошиси Алма Қоқи қўлга тушганда Динмуҳаммад султон унинг терисини шилдиргани эвазида терисини шилинглари, дея фармон берди. Хоқоннинг бу буйруғи худди шундай тарзда амалга ошди. Ўрус Мирзони эса қилич билан чопиб ўлдирдилар. Фўлодхожани сайидлиги ҳурмати орқасида хоқон буйруғига биноан қўйиб юбордилар. Илгари айтиб ўтганимиздек, ул ҳазрат Балх томонга йўналиб, дарё бўйига етганда тавочиларни

вилоят ён-атрофидаги ерларга уша ерлар лашкарини чақириб келиш учун жунатган эди. Дастлаб, Ҳисори Шодмондан рамазон ойи ўрталари⁴¹⁹ да Ҳошим султон буйруғи билан Фақир султон етиб келди. Сунг Ибодуллоҳ султон Шаҳрисабздан, Дустум султон Миёнколдан келдилар. Хоразм вилояти султонларидан Севинч Муҳаммад султон ибн Ҳожимхон ҳам етиб келди. Бир неча кундан кейин Самарқанд тарафдан Жавонмардали султон Дустмуҳаммад ўғлон, Абдуссамадбий ва бошқаларни илғор йусини билан жунатди. Ҳар томондан қудратли султонлар етишиб; шаҳриёр хизматида жангга киришдилар ва ҳар кун икки томон довураклари уруш оловини алангалатиб турдилар. Шундай айёмда Фақир султон бир кечаси ўз одамлари билан ҳеч кимга билдирмасдан аскаргоҳдан чиқиб, Балх қалъаси ичига кириб олди ва уларнинг бу қароридан Динмуҳаммад султон қувончи ичига сиғмай, шодиёналик ноғораларини чалишни буюрди.

Узоққа чўзилаётган қамал қалъа аҳлини танг аҳволга солиб қўйди. Кундан-кунга ғалла танқислиги ортиб бораверди. Иш шу даражага бориб етдики, одамларнинг кўпи очликдан қирилиб кетиб, ахийри, чорасизликдан қалъа тепасидан орқалари билан қиялик узра сирпаниб туша бошладилар. Ҳатто, бир неча марта дарвозаларни очиб, тудалаб оч ва фақир кишиларни шаҳардан ташқарига ҳайдаб юбордилар. Шу жиҳатдан қалъа ичидаги вазият жуда қийинлашган бир пайтда Бадахшон лашкарининг Динмуҳаммад султонга ёрдам учун келаётгани хабарини Искандар фармонли хоқонга арз қилдилар. Ҳазрат хоқон Иқим чуҳра оғосини унғ қисм чуҳралари билан душман келаётган томонга жунатди. Бадахшонлик мухолифлар хон қўшинидан одам келаётганини билиб қолиб, қўрқувга тушганча, ноилож, Балхга қарашли Сиёҳжард тумани атрофидан талон-торож орқали қўлга киритган гала-гала қўй ва пода-пода қорамолларни ҳам ташлаб, қочиб кетишди. Иқим чуҳра оғоси Сиёҳжардга келиб, душман қочганидан хабар топди ва улар кетидан қувлашга тушди. Тонг отмай туриб, ул гуруҳ кетидан қувиб етиб, жуда кўпчилик қисмини ҳалок қилди. Бу воқеанинғ қисқача шарҳи шуким, бадахшонликлар Амударё қирғоғида тўпланишиб, дам олиб ётишган экан. Шу пайт Иқим чуҳра оғоси улар устига бостириб келиб, душман гуруҳи эса улар билан урушиш қийинлигини билиб, юраклари қўрқувга тўлган ҳолда қочиш йўлини афзал кўрадилар. Улардан кўплари ҳалок эти-

либ, баъзилари асир тушадилар. Қулга олинганларни аъло ҳазрат олдига келтирадилар.

Уша аснода Самарқанддан хоқонга ёрдам бериш учун йўлга чиққан Абулхайр султон ҳам етиб келиб, аъло ҳазратнинг чексиз олқиш ва ҳурматига сазовор бўлди. Гарчи, Абулхайр султон йўл асносида ўз одамлари билан ҳеч кимнинг рухсатисиз Балхнинг ён-атрофидаги туман ва қишлоқлари аҳолисини талаб, жабрзулм йўли билан молларини тортиб олган ва бу иши орқасида хоқон дилини қаттиқ ранжитган бўлса-да, аъло ҳазрат унинг ёрдамга келгани хотирини тутиб ҳамда ўзининг марҳамат эгаллиги хислатидан келиб чиқиб, самарқандлик султоннинг бу нохуш қилиғини кўрса ҳам ўзини кўрмаганга олди. Аммо, кўп ушлаб турмай, подшоҳона иноятлар билан эъзозлаб, Самарқанд сари қайтиши учун рухсат берди. Уша пайтда Ҳисори Шодмондан Ҳошим султон олдидан унинг отолиқи Абдолбий қушчи анчагина аскарлар билан жаҳонгир хоқон лашкарига ёрдам мақсадида келиб, олий остонни ўпиш шарафига эришди ва ушбуларни арз қилди: – Ҳошим султон дуои саломдан сўнг Бадахшон қушини қилган ишдан надомат ва афсус чекиб, бўлиб ўтган кўнгилсиз бу воқеага қарамасдан, Сиз аъло ҳазрат иноятларига суяниб, афв ва кечирим илтимосини қилиб қолдилар.

Аъло ҳазрат ҳақиқатдан ҳам улуглик ва марҳамат юзасидан мазкур хоинлик воқеасига худди бўлмагандек қараб, ўзининг подшоҳона иноятидан умидвор қилди ва хусравона лутф этаги билан қариндошлари хатоларини беркитди.

Қамал муддати чўзилгач, яъни тўққиз ойдан ҳам ошиб, унингчи ойи етишгач, қалъа аҳлининг еб-ичиш жиҳатдан турмуши баттар оғирлашди ва сувсизликдан вужудларига ўт тушди. Қалъани сақлаш учун жангга чиқадиган яроқли одамлар сони борган сари камайиб, шу сабабли кўпчилик таниқли одамлар қалъа буржу девори устига келиб оҳ ва зорлик, ёлвориш орқали ўз изтиробларини билдирдилар. Ал-омон, тавба-тазарру сўзлари осмони фалакка етишди.

Динмуҳаммад султон даъватига биноан Бухородан Балхга келиб, бироз муддатдан бери Хожа Порсо мадрасасида дарс ўқитиш билан машғул бўлиб, жуда кўп истеъдодли ёшларга таълим бериб турган олимлар қаймоғи жаноб Хожа Муҳаммад Тоҳир охунд Балх волийси илтимосига кўра шаҳардан чиқиб, олам-паноҳ даргоҳга келди ва мулоқот давлатини топиб, элчилиги

ваколатида бор шартларни аъло ҳазратга етказди. Шафелик қулини қовуштириб, яраш битими пойдеворини асосли равишда устувор қилди. Аъло ҳазрат ул жанобнинг сузларини ризолик билан эшитгач, эртаси куни қалъа ичидан Кучум мирохур ва Жаҳоншоҳ баковул ташқари чиқиб, хоқон оёқларини упиш бахтини топдилар. Ўз султонлари тилидан «агар аъло ҳазрат гуноҳим варағини афв ва кечирим зийнати билан безасалар ва айбларим устига йуққа чиқариш чизифини тортсалар, садоқат ва туғрилик қадамини итоат ва хизматкорлик йулидан ташқари босмаяжакман, чокарлик ва фармонларини бажариш усулини қўлдан бермаяжакман» мазмунидаги сузларни етказдилар. Шунингдек, Динмуҳаммад султон ўзининг гуноҳларини ўтишни илтимос қилиш баробарида Фақир султонни кечиришлари борасида ҳам воситачилик илтимосини қилганди. Ўша кунисиёқ, икки томон амирлари бир-бири томон борди-келди қилиб, ўртада қуйидагича шартнома тузилди: Динмуҳаммад султон Балх вилоятини ваҳий боргоҳли даргоҳ наввобига берадиган, аъло ҳазрат ҳам эвазида унга ён босиб, иқтоъ тайинлайдиган бўлди.

Эртаси куни Динмуҳаммад султон укалари Подшоҳ Муҳаммад султон, Шоҳмуҳаммад султонни турли-туман пешкашлар билан жунатди. Аъло ҳазрат улардан ҳар бирини хусравона лутф билан сийлади. Яраш кунининг индинига Динмуҳаммад султон қалъани ташлаб, катта хазинасини жамлаб-йиғиштирганча ташқари чиқди ва мамлакатни аъло ҳазрат мулозимларига топшириб, ўзи аъло ҳазрат ҳузурига шошилди. Оёқ упиш шарафини топгач, исқандарфармон хоқон уни кўнгилга ўтирувчи дилпазир ваъдалар билан сийлади ва Шаҳрисабз ҳукуматидан умидвор қилди. Фақир султонни қилган аҳду вафо шартига ярашмас тубан қилиғи юзасидан маломат ўқиға дучор қилди, бироқ бошқа жазони раво кўрмади. Кучум мирохур ва Жаҳоншоҳ баковул шаҳар ичида туриб, мудофаа ва қарши жангларда зафарли қўшинга қарши қаттиқ курашган бошқа кишилар билан бирга ғазаб оташида ва хусумат оловида куйдилар. Айниқса, мазкур Кучум мирохур ва Жаҳоншоҳ баковулдан Пирмуҳаммадхон даврида кўнгиллари қаттиқ озор чеккан хоқон уларга нисбатан янада оғир жазолар қўллади.

Фақир султон ўта ор-номуссиз ва ҳамиятсиз киши бўлганидан ул ҳазратнинг лутфу марҳаматини ҳеч кўрмагандек, бир куниси Абдолбий билан бирга билдирмасдан қочиб йўлини тутиб,

Ҳисори Шодмон томон кетди. Алқисса, жамшид манзилли хон ҳазратлари давлат ўриндиғи ва қудрат суянчиғига ёнбошлагач, ёркин қалбли пир мулло Ҳайдар Муҳаммад мунший бу буюк хуш-хабарни фатҳномалар воситасида олам аҳли қулоғига етказди. Аъло ҳазрат йиллар давомида ул юксак шаънли подшоҳлар фармони остида бўлиб келган Балх ҳукуматини улуғ нуён Назарбий наймонга бахшида қилди. Балх вилоятининг бошқа туман ва музофотларига ҳам эътиборли сардор ва шавкатли донгдор кишиларини тайин қилди. Чунончи, Маймана ва Фаржистон вилоятини амир Темур Алимардон баҳодирга берди. Андхудни шижоат ойинли амир Жултойбийга топширди. Ойбакни тадбирли амир Шоҳ Саъидбий қорлуққа, Хулми амир Дустумбийга иноят қилиб, уларни хизматлари учун шу зайл эъзозлади. Аъло ҳазрат кунгли шу каби ишларни тартибга солиш ва аҳоли ҳол-аҳволига қараш синғари юмушлардан тинчигач, офтоб нурли байроғини давлатининг пойтахти Бухоро сари ҳилпиратди. Қайтишда, дастлаб, йўналиш қадамини авлиёлар Шоҳининг муқаддас мозори тавофи томон ташлади ва зиёрат маросимини адо этгач, фақир ва мискинларга кўп миқдорда садақалар улашди. Ул шариф муборак мозорнинг шайхулисломлик мансаби ва мутаваллийлиги ҳамда шайхлигини ҳазрат Ҳасанхожа нақибга озодона тасарруф этиш йўсини билан топширди.

Уша ердан туриб яна бир марта Суюндик паҳловонни Шибирғонга Ўзбек султон олдиға юборди ва Балх фатҳи амалга ошганини хабар қилиб, ушбуларни билдирди: — Ўзбек султон томонидан бизга нисбатан қанчалик нохуш ҳодисалар амалга ошганига қарамай, уларни қалбимиз саҳифасидан кечирим суви билан учириб ташладик. Ўтган иш ўтди. Насаф вилоятини Шибирғон эвазига унга атаб қўйдик. Дарҳол Жайхундан кечиб ўтсин ва Шибирғонни биз тайинлаган кишиларга қолдириб чиқсин.

Ўзбек султон ноилож Шибирғон вилоятини топширди ва кўчкўлон-ю юқларини олиб, Насаф томонга жўнатиш мақсадида Амударёдан ўтказтирди. Анчадан бери ёнида ҳибсда сақлаётган Жондавлатбийни иззат-ҳурмат билан қўйиб юборди.

Уша табаррук манзилда Ҳисори Шодмон томондан Ҳошим султон ҳузуридан элчи келиб, ов қушлари ва учқур отларни бошқа ноёб матоҳлар билан қўшиб аъло ҳазрат назаридан ўткарди. Ҳошим султон номидан у изҳор этган давлатхоҳлик сўзларини айтди. Ҳошим султон ўзи баробарида Фақир султоннинг ҳам ай-

бларини кечиритишни сўраб юборган экан. Аъло ҳазрат элчининг гапларини эшитгач, уни ўз иноятларидан баҳраманд этди ва Ҳисор волийси учун табаррук инъом ва совғалар юборди.

Шижоатли ва ҳамиша зафарга ёр шаҳриёр 981 йилнинг жумодиссоний ойи охири¹²⁶ да мамлакати пойтахтини ўзининг қутлуғ қадами билан безатди. Улуғлар ва шариф зотлар, сўфийлар ва ҳунарманду косиблар вакиллари олий мавкаб сари ошиқиб, «муборак бўлсин» деган қутлов садоларини етти қат осмонга етказдилар. Кўплаб пешкашлар тортиқ қилдилар.

Аъло ҳазрат мақсади ҳосиллик билан давлати марказига келиб тушгач, теварак-атроф улкалардан мақтов васфли элчилар Каъба лутфли даргоҳга етишиб, фалак ҳашаматли хоқон қўлини ўпиш давлатига эришдилар. Чунончи, Тошкент вилоятидан Дарвишхон олдидан Жон чухрабий, Самарқанддан Жавонмардали султон ҳузуридан Келишбий қушчи, Андижондан Жигарбий туғдоқ, Бадахшондан Тулакбий ўғли Абдурахимбий олий даргоҳга келдилар ва одоб тиззаси билан ўтириб, айтадиган арзларини аъло ҳазратга билдириб, подшоҳларининг бирдамлик ва итоатгўйлик ҳақидаги истакларини етказдилар. Ул ҳазрат ҳам ҳар бирининг арзларини тинглаб, аҳволларини сўради ва илтимосларини қабул қилиб, кўп инъомлар билан сийлагач, ўз вилоятларига жавоб берди.

Искандарнишон шаҳриёр Ҳиндувон қалъаси фатҳи ташвишларидан қутулиб, давлат пойтахтида қарор топгач, ён-атроф ва ноҳияларга одам жўнатиб, у ерларнинг сардор ва ўжар бошлиқларини ўзига буйсунишга даъват қилди. Жумладан, Аҳмадхожа отолиқни Ҳисори Шодмонга қуйидаги талабларни етазиш мақсадида жўнатди: - Агар Ҳошим султон қариндошлик ришталари қарама-қаршилиқ қайчиси билан қирқилмасин деса, бизга қарши ҳаракатларини сира тухтатмай келаётган Бадахшон волийси Шоҳ Сулаймон қонли душманамиз бўлгани учун жанжал отини жойидан кўзғатиб, тез-тез унинг юртига босқин-чопқин уюштириб турсин. Иккинчидан, Фақир султон шунча подшоҳона лутфу қарамларимизга эришиб, бошини осмон қадар кўтарганимизга қарамай, бизнинг олдимиздан ҳеч бир сабабсиз юз ўгириб, ул томонга кетди. Уни ўз вилоятингиздан қувиб юборсангиз. Яна шуқим, Арабий қушчини ўз даргоҳимиздан ҳайдаган эди. Уни эса вилоятингизга киритманг.

Ул ҳазрат элчиси Ҳисор вилоятига бориб, хоқон буюрган гаплар мазмунини етказгач, Ҳошим султон бахти қаролиги ва

толеси куйи эна бошлаганидан жуясиз жавоб ва куз куриб, кулоқ эшитмаган баҳоналар айтиб юборди. Аъло ҳазратнинг бундай муносабатдан ғазаб олови аланга олди ва қаҳр оташи туташди. Шунга кура исқандарфармон хоқон йуналиш жиловини Ҳисор томонга бурди ва юриш байроғини ул вилоят сари ҳилпирадиб, Алимардон Баҳодирни Самарқандга Жавонмардали султон олдига ёрдамчи лашкар сураш учун жунади. Ўзи эса ғалаба аломатли қушин билан юриш юзини душман тарафга қаратди.

Ул ҳазрат юриш билан келаётгани овозаси Ҳисори Шодмон тарафларда шов-шув бўлиб, қудратли мавкаб Насаф мавзесига яқинлашгач, Ҳошим султон ута ожизлик ва қўрқув орқасида Боқибий наймонни тагин олий даргоҳга жунадиб, итоат ва бўйин эгишдан суз очди ва олдин юборилган ҳукм ижросининг орқага сурилгани юзасидан куракда турмайдиган тусиқларни баҳона қилиб кўрсатди. Аъло ҳазрат унинг асоссиз узрларини эшитмаган бўлиб, Боқибийни ёнига солганча жуда тез суръат ва виқор билан Ҳисор сари юрди. Ул ҳазратнинг юришга қатъий жазм этгани билингач, Фақир султон ва Абулқосим султон, Муҳаммад Қосим султон дарҳол қочиш жиловини Ҳисор томон бурдилар ва юртларидан умид узиб, у ердан шитоб ва тезлик билан Кўлоб вилоятига қараб кетдилар. Ҳошим султон Муҳаммад Шариф султон сингари айрим ёшлар билан қалъага бекинишга журъат этиб, Ҳисор қалъаси мустаҳкамлигига орқа қилдилар. Фатҳ оятли байроқ 982 йил сафар ойи²¹ – *яхишлик ва зафар билан тугасин* – бошларида Ҳисор қалъаси пойида ҳилпираб, хандақ қирғоғи лашкар чодирлари масканига айланди. Фармонга кура ғалаба нишонли аскарлар фалак айланаси каби қалъа хокрезларини ўраб олдилар. Қалъа аҳли кечаву кундуз қўрқув ва ҳадикка боқмай, осмон асосли буржлар устига келиб, «тайёр бўл» деган қичқириқларни фалак авжиге етказардилар ва милтиқ сочмалари, камон ўқлари ҳамда замбараклар зарби билан қамалчиларни қалъа атрофидан узоқлаштирилар. Уруш оловини ҳам муттасил ёқиб, алангасини осмонга етказдилар. Довюралар шовқин-сурони муборизлар ҳаё-ҳуси садолари осмондаги фаришталар қулоғига ҳам эшитиларди. Устод Рухий ҳам тўп зарблари билан шаҳар қалъасининг осмон билан бўйлашадиган кўпгина буржу бораларини уриб тушириб, ер билан яксон қилди. Ана шундай қаттиқ жанглар давом этаётган бир пайтда қалъа ичидаги амирлар ўртасида азим бир келишмовчилик юзага ке-

либ, Абдол кушчи ва бошқа шу каби салтанат доирасини айлан-тирувчи давлатнинг айрим устунлари қалъа миноралари устидан узларини хокрезлар пойига отиб, наввоб Ибодуллоҳ султон паноҳига келишди. Шунингдек, Жамшид осойишли шахриёрнинг дабдабаси қалъа аҳли юрагига қўрқув гулгуласини солгач, рабиъулаввал ойининг унинчиси⁴²² да жумъа куни олий фармонга биноан зафар аломатли қўшиндан бир гуруҳи тура ва соябонларни юзларига тутиб, қалъаси сари олға босдилар ва шовқин кўтариб, тез учар ўқли камон ва оташ сочмали милтиқлардан ўқ уздилар ва қалъа буржи бош минорасини жанг кишиларидан то-заладилар. Тонг маҳали хокрезлар устига чиқиб, нарвонларни буржлар девори устига ташлаб, мустажоб дуоси сингари тепага ўрлай бошладилар. Қалъа тепасидан чуқурлар қазиб қўйиб, кўплаб довьюрак кишиларни тепага тортиб чиқардилар. Шу гуруҳдан бир тупи эса дарвоза ичкарасига етиб, болта зарби билан қулфини бузиб синдирдилар...⁴²³

[Соҳибқирон давлати қудрати билан осмонупар Тошкент қалъасининг эгалланиши]

...Алқисса, соҳибқирон хоқон Тошкент каби ажойиб ва улкан бир мамлакатни қўлга киритгач...[душанба куни Навкандий мавзеига келиб тушди⁴²⁴] ва эртаси куни Ўратепага қараб юрди. Бир неча кун уша ерда туриб, кўнглига хуш ёққан бу муборак манзилни халқ ғалла ва озуқа чиқариб бергунларига қадар фахрли маконга айлантирди. Хужанд вилояти ва Чаҳорсадани Мўмин султонга бериб, Дарвишхон болаларини унга қўшиб, уша юртларга юборди. Эртаси куни мақтов сийратли хоқон пирузманд самандини жавлон урдириб, юзини қудратли давлати қароргоҳи сари бурди. Бир неча манзилларни босиб ўтиб, жумодиссоний ойининг ўн иккинчиси⁴²⁵ душанба куни шом маҳали хўжаста оқибатли шахриёр узининг буюклик ва иқбол марказига келиб тушди ва инояти соясини вилоят аҳли боши узра ташлаб, давлати ўриндиғига ёнбошлади.

Искандар мартабали шахриёр адоватчи хону султонлар ташвишидан кўнгли тинчиб, мансаб ва қудрат қаророгоҳида қарор топгач ва кўнгил очиш, дам олиб, вақти чоғлик қилиш билан машғул бўлиб юрган аснода тағин душман томонидан Дўстимбий ибн Бултурукбий элчи бўлиб келиб, дастлаб, Самарқандга

ошиқди ва Ибодуллоҳ султон ҳузурига етишди. У Бобо султоннинг надомат ва пушаймонликка тўла кечирим хатини келтирган бўлиб, бу илтимосномада Ибодуллоҳ султон воситачилиги билан соҳибқирон ҳазрат кўнглига Бобо султон томонидан қилинган қаршилиқ сабабли қайта ўтирган ғам ва малол чангини кетказиш борасидаги илтижо сўзлари битилган эди. Шаҳзода Ибодуллоҳ султон бу маънидан хабар топгач, ўз нақибни жаноб сайид Ҳасанхожа нақиб хўрдни ариза воқеалари ва ўзининг воситачи бўлгани мазмунини соҳибқиронга етказиш учун Дўстимбийга қўшиб, Бухорога юборди. Алқисса, мазкур хожа Чаҳоржуй вилоятида мансур хоқон ҳузурига етишиб, яхши тортиқлар ўтқаргач ҳамда Бобо султоннинг шарманда-ю шармисорлик ва ўта эҳтиёжу бандалик билан ёзиб юборган хатини олий арзга етқаргач, мактуб мазмунидан нурли кўнгилга Бобо султоннинг самарқандлик султонларни ўз ёнидан четлаштиргани ва ўз мамлакатидан узоқларга ҳайдаб юборгани маълум бўлди. Унинг чексиз марҳаматли ва хуршид талъатли ҳазратга яна ёзишича, бу галги айтаётганлари ўта тўғри сўзлар бўлиб, бундан сўнг ҳеч қаршилиқ йўлига кирмас экан. Шунга кўра соҳибқирон амир кабир Қулбобо Қўкалтошга йўл анжомларини тайёрлаб, Абдулғаффор султонни Бобо султон олдига олиб бориб топширишни буюрди ва Абдулғаффор султонга салтанат ва давлат белгиси бўлмиш ноғора, туғ ҳамда шоҳона ўтов ва чодир, кўп олтин-кумуш пуллар билан бирга жиловли туялар инъом қилди. Мазкур амирлар чексиз туҳфа ва совға-саломлар билан рамазон ойи охири⁴²⁶ да ёнларига Абдулғаффор султонни солиб, Тошкент ва Туркистон томонга йўналдилар. Шаввол ойи охири⁴²⁷ да тўла шавкат ва кўплаб кишилар билан Тошкентга етиб бордилар. Бобо султон ҳузурини топиб, қимматли тортиқлар ўтқардилар. Бобо султон бир неча кун давомида кин ўтини ёқувчи амир Қулбобо Қўкалтошни ёнида сақлаб, унинг шарафига муносиб ўтириш ва лойиқ базмлар уюштирди. Кўплаб инъом ва чексиз илтифотлар билан сийлади. Орада келишув усуллари шу зайл ниҳоясига етгач, қайтишга рухсат берди. Юсуф бий наймон ҳам итоат ва бўйсунуш изҳори учун саодатли амир кишиларига қўшилиб, зулҳижжа ойи охири⁴²⁸ да Тошкентдан чиқиб, Илон ўтти мавзесига етиб келдилар ва ундан ҳам ўтиб Кўк гунбаз томон йўналдилар. Йўл асносида Музаффар султон укалари билан улар изича келиб, тўсатдан жангга киришди ва фитна тавсанини ниқта-

лаб, урушга жазм этди. Амир кабир Қулбобо Қукалтош мудро-фаа ва қаршилик сари юзланиб, битта довюракларча ҳамладаёқ кунглини душман томонидан хотиржам қилди. Сунг саодатли хоқонларга яқинлик ҳосил қилиб, фатҳу нусрат билан юзини фалак мартабали даргоҳ сари йуналтирди ва Балх вилоятида хоқон мулоқотига мушарраф бўлди. Мазкур амир Юсуфбий наймонни ўзи билан келтириб, уз воситачилигида кўриниш шарафига муяссар қилди. Кейин унинг элчилиги мақсадини хоқонга етказди ва қайтишига рухсат олиб бериб, юртига кузатиб қолди.

Искандар мартабали хоқон ов ва шикор орқали кунгилли хордиқ чиқариш мақсадида Зардак чули⁴²⁹ га бориб, у ердан Балхга қайтаётган пайтларда Бузахур султон ва Музаффар султон бир нечта ака-ука ва яқин қариндошлари билан бирга 989 йилнинг муҳаррам ойи охирлари⁴³⁰ да қишнинг айни ўртаси паллада Миёнколга бостириб келиб, Навқода утов ва чодирлар қуриб қуш ташлаганча ён-атрофда мол-ҳол ва керак-яроқдан нима қўлларига тушса тасарруфларига киритдилар. Бу ташвиш аломатли хабар яхши хулқли хоқон қулоғига етгач, ул ҳазрат дарҳол амир Алимардонни Самарқандга жўнатди ва у орқали наввоб Ибодуллоҳ султонга бепарволиги учун ўпкалаш ва койиш фармонини юбориб, унинг барча султонлар ва Насаф қўшинини олиб, тезликда душманни ҳайдаб чиқаришини буюрди. Наввоб Ибодуллоҳ султон ақлу тадбирда Искандар нишонли хоқон фармонига кўра дабдабаву шон-шавкат ва босиқлик ҳамда бош-оёқ қуролланган қўшин билан қаршилик аҳли пайини қирқиш мақсадида Самарқанддан қўзғалиб, ҳашамат байроғини кутарди ва йўналиш ноғорасини чалиб, душман устига юрди. Уша чоғда фитна қўзғовчи душман томондан яна хабар келиб, уларнинг Дизақ қўрғони аҳолиси ғафлатда ётган бир кечаси қалъани олиб, шаҳар ҳокими Аббосқули султонни қаттиқ яралашгани, аҳоли мол-мулкани талаганлари, бу ҳам етмагандек, халқни ёппасига қиличдан ўтказишгани, қалъа буржларини бузишгани, сунг ўлжа олган жуда кўп молларни олиб, орқага қайтишгани маълум бўлди. Шунга кўра, шижоатли султон Ибодуллоҳ султон бошқа довюраклар билан илғор солиб, Сайҳун дарёси қирғоғидаги Учтепа мавзесида душман кетидан етиб олди. Жумъа кун чаштгоҳ маҳали⁴³¹ томонлар тўқнашиб, ноғора-ю сурнай товушлари кўк гунбазига ўрлади, чилдирма-ю карнай садолари фалак чўққисига етишди. Икки томондан шижоат ўрмони арслонлари

ва жасурлик денгизи наҳанглари бир-бири устига ташландилар. Уруш майдони чангини ўз уқлари пари билан айланувчи фалак авжига чиқариб, жаҳонни қиздирувчи офтоб юзини ўша ўқдан ҳосил бўлган ҳижоб ғубори ортига яшириб, тутқинликда қолдирдилар. Тошни кесар қиличлар зарби билан жангчилар гавдасини бошдан то киндикгача иккига ажратдилар. Ҳар икки тарафдан уруш майдони ботирлари руҳи қушлари тан қафасидан учиб чиқиб, асл инига қўндилар. Ниҳоят, фатҳ ва зафар насими Ибодуллоҳ султон байроғи сари эсиб, бахти қаро душман саросима ичида оёғини жанг майдонидан тортди ва юзини қочиб томон қаратди. Нусрат аломатли лашкар улардан кўпини Юсуф султон ва Бузахўр султоннинг укаси Кўчак султон кабилар билан бирга асир олдилар ва султонлик буйруғига биноан шу заҳотиёқ кескир қиличлар ёрдамида улар ишларини бир ёқлик қилдилар. Алқисса, ҳазрат Ибодуллоҳ султон душманлар тарафдан кўнглини тинчитгач, ўша куниси Севинч Муҳаммад султонни Насаф лашкари ва мулла Муҳаммадбий батош билан бирга Бузахўр султон ва укаси Бобо султоннинг кетидан юборди. Ўзи эса у ердан қайтиш жиловини орқага қараб тортди. Қочоқлар кетидан кетган қўшин Дашти Қипчоқ атрофларигача ахтариб, улардан ному нишон топмадилар. Қайтиб, Нур мавзесига етишганларида Сори отолиқни яна ғарб тарафга қочоқлар изини топиш учун жўнатдилар. Сори отолиқ озгина йўл юргач, душман изини олиб, бир гуруҳ кишилари билан улар кетидан тушди. Иттифоқан, бир ерга етсалар, тунда Бузахўр султон ва укаси бир тўда кишилар билан ўша манзилда макон тутган бўлиб, ғалабага ёр қўшин кўринишидан сал олдин Бузахўр султон укаси билан бирга ноилож ёнидагиларга билдирмасдан тўда орасидан тезликда ташқарига отилиб чиқиб, чўлга қочдилар. Сори отолиқ ўз кишилари билан бирга ўрнидан қўзғалмай қолган ғанимларга ҳужум қилди ва озгина ҳаракат орқасида уларни ушлаб олиб, ул душманнинг тескаричилик ўйи билан тўлган бошларини қасос қиличи билан танларидан айро туширди ҳамда ул каллаларни Самарқанду Бухоро сари жўнатди. Айни пайтда исқандарнишон ҳазрат хоқон Насаф томонда сайду шикор билан машғул эди. Ҳазрат соҳибқирон муҳолифлар тўдасининг тор-мор қилингани, аммо Бузахўр султоннинг ўз укаси Бобо султон ҳамда Музаффар султон билан бирга жанг майдонидан қочиб қутулганча ўзларини дашту биёбонга уриб кетгани хабарини эшитгач, қўйида-

гича булрук берди: –Алимардон Баҳодир бир гуруҳ довюраклар билан Тошкентга йўналсин ва қочган мазкур султонлар борасида текшириш утказсин. Тошкент ҳоқими Бобо султонга менинг номимдан мазкур муҳолифни ушлаш учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириб, уларни ҳибсга олиши ва ушбу борганлар қўлига топшириши лозимлигини ҳақида айтсин.

Шундан сўнг Алимардон Баҳодир Тошкент сари ошиқди ва Бобо султон ҳузурига етишиб, элчилиги мазмунини адо этди. Бобо султон фармонга биноан дастлаб самарқандлик султонларни излаш пайдан бўлиб, Музаффар султонни қўлга туширди ва қўл-оёғини кишанлаб Алимардон Баҳодирга топширди. Аммо, ўша куниси фитна аҳлидан бир гуруҳининг гапига кириб, Музаффар султонни ундан тағин қайтариб олди ва нифоқу тескарчилик йўлини тутди. Ўша атрофда юриб, бу гаплардан хабар топган Бузахур султон дарҳол Тошкент томон йўналди ва бир куниси билдирмасдан Алимардон Баҳодир устига келди ҳамда унинг умр дафтари саҳифасига қатл чизиғини тортди. Шу тариқа, кўзланган воқеалар бирданига бошқача тус олди. Раби ул-аввал ойининг йигирма биринчиси⁴³² якшанба куни бу ташвишли хабар яхши хислатли хоқоннинг шариф қулоғига етишиб, ғазаб оташи алангланди ва бу олов фалак авжига қадар ўрлади. Жумодилаввал ойининг бошлари⁴³³ да музаффар туғли хоқон кўп лашкар ва сон-саноқсиз аскарли қўшин билан душманни йўқотиш мақсадида йўлга тушди. Кўп ўтмай Дизақ қўрғони хоқоннинг зебу зийнатли маркаби чангидан тозадан тароват топиб, яшнаб кетди. Соҳибқирон бир неча кун шу ерда туриб қолди. Чунки, Бузахур султон Дизақ қалъасини буздирган бўлиб, хоқон давлати устунларига у ерни тузатишни буюрди. Шундан сўнг Дизақдан қўзғалиб, ҳиммат оти жиловини душман томонга буриб, Тошкент сари юриб кетди. Ҳумоюн чодир Сайҳун дарёси яқинига қурилгач, қасос олиш савоб бўлган душман томондан улардан катта бир гуруҳи Фаркат мавзесида тўплангани ва ўша ерда тўхтаб турганлари хабари келди. Шунга кўра исқандарнишон хоқон улуғлар ва ғалабага ёр довюраклардан бир гуруҳини душман устига жўнатди. Мазкур жамоа Фаркат мавзесига етишганида уларнинг бу ерга келаётганидан хабардор бўлган душман тўдаси қочиб кетиб, тоғлардан бирига беркингани маълум бўлди. Шу сабабли эртаси куни ғалаба асарли амир ёмон сийратли ул тўда кетидан тушди ва улар турган жойга етиб боргач

эса икки орада камондан уқ отиш ва милтиқдан ут сочиш ҳаракатлари авж олди. Исён ва қаршилик аҳли ўз давлати устунларининг қимирлаб қолганини сезгач, шоша-пиша изтироб оёқларини йиғиштириб, турган жойларидан орқага чекиниб, у ердан ҳам баландроқ, қўрғони ҳам бор бир тоғ тепалигига кўтарилдилар ва думларини қимирлатмай писиб ётдилар. Улуғ амирлар ул баланд ва мустаҳкам қалъани фалак доирасига ўхшатиб ўраб олдилар. Шу аснода душман тудаси Яда тоши⁴¹⁴ ни ишга солиб, ёзнинг қоқ ўртасида чақмоқ чақдириб, шу даража қору ёмғир ёғдирдиларки, ҳеч кимнинг олдинга юришга мажоли етмай қолди. Амирлар ўз аскарларини қанчалик олға ундямасинлар, вужудга келган қийинчилик сабаб қўлларидан ҳеч иш келмади. Ноилож, вақт тақозоси ва айланувчи фалак буйруғига кўра зафар шиорли сипоҳ орқага қайтди ва уруш баҳридан буткул кеча қолди.

Онҳазратнинг чодирини ҳалигача дарё қирғоғида жойлашган бўлиб, кўшини ўша ердаги осмон ўпар ўрдуга шошилди. Қоратол мавзеси ҳумоюн сипоҳ манзилига айлангач, кўп йиллардан бери ўзини хоқон тарафдорларидан санаб келган қозоқ Шигафайхон ўзининг Таваккал султон каби ўғиллари ва бошқа яқин одамлари билан Кайвон айвонли даргоҳга келиб, адолат нишонли хоқон мулоқотига мушарраф бўлди. Ул ҳазрат Шигафайхон ҳаққида иззат ва ҳурматлар бажо айлаб, Хужанд улкасини иқтоъ йусини билан унга бағишлади.

Ўша мавзеда, Бобо султон фалак асарли лашкар келаётгани ҳақида эшитгач, Тошкентни ташлаб чиқиб, Дашти Қипчоқ ва Туркистон томонларга қочиб кетгани хабари маълум бўлди. Абдулғаффор султон, Бўзахўр султонлар эса Арқуқ ва Қўғон атрофида шу ерлар ноҳиялари ва аймақ ҳамда кўчманчи қабилалардан йиққан кишилар билан утиришган экан. Шунга кўра соҳибқирон хоқон зафарга ёр султонлардан Исфандиёр султон, Севинчмуҳаммад султон ва Дўстум султон ўғиллари ҳамда Ёрмуҳаммад султон, Шоҳмуҳаммад султонни давлат устунлари ва эшик оғаларидан бир гуруҳи ҳамроҳлигида Рустами дoston нишонли Ибодуллоҳ султон мавкабида олдиндан жўнатди ва ўзи улар кетидан Ковус ва Кай ҳашамати ила душман томонга ошиқди. Ибодуллоҳ султон жуда тез ҳаракатланиб, ўзидан олдин хонликнинг Жўлтойбий, Бекойбий, Хожамқули қушбеги, Худойберди ясовул каби амирларини бир гуруҳ қаровуллар дастаси билан бирга зафар белгили Исфандиёр султон ва Севинчмуҳаммад сул-

тон узангиси остида олдинроқ юриб, душман вазиятини аниқ билиб келишлари учун эровул йўсини билан жўнатди. Шу сабабли зафарга ёр султонлар нусрат белгили қўшиннинг бошқа аскарлари билан олдинга тушиб, тез учар отларда илғор солдилар. Алқисса, итлар нолаву фарёди саси ва даштликлар фиғони шовқини эшитилиб турган бир жойга етдилар. Ўша пайтда бу ерга етиб келган Искандар қоидали султонлар дастаси ҳаммаси бўлиб эллик кишидан иборат жуда кам гуруҳ бўлгани учун эҳтиёт юзасидан отлар оғзини боғлашни буюрдилар.

Энди гапни Ибодуллоҳ султондан эшитсак, ўша куниси кун бўйи йўл юриб, Қўғонга етишди ва у ерлар аҳолиси томонидан ҳеч қандай хилоф иш асарини кўрмадилар. Тундан бир пос ўтгач, Муҳаммад Боқибий дўрмонга ўзининг барча эшик оғларини ёнига солиб, султонлар орқасидан шошилинич етиб олиши ва қаерда уларга етиб олса, ўша ерданоқ ул султонлар оти жilовини маҳкам ушлаб, орқага қайтариб олиб келишни буюрди. Муҳаммад Боқибий дўрмон илғор солиб, тун охирлай деб қолганда султонлар кетидан етиб олди ва Ибодуллоҳ султон буйруғини уларга етказди. Эртаси куни бу ерга Ибодуллоҳ султон орқадан юборган Хонкелдибий, Жондавлатбий ва бошқалар ҳам етиб келишди. Султоннинг буйруғи юзасидан маслаҳат ва муҳокама мажлиси бошланди. Анча тортишувлардан сўнг барча бир овоз ва бирдамликда, модомики, Муҳаммад Боқибий Ибодуллоҳ султон томонидан қайтиш фармонини олиб келган экан, шунга қарор қилиниб, ўша гап бўла қолсин, деган фикрга келдилар. Шунда Муҳаммад Боқибий бошқа бир фикрни ҳам билдириб қолди. Унинг айтишича, султоннинг фармони бундай бўлгани билан бирга ҳазрат соҳибқирон хоқоннинг истаги бу гапнинг тескариси экан. Бу гап эшитилгач, қайтиш фикридан қайтиб, илоҳий ва моддий оламни яратган эгамга тула таваккал қилганча, илгари босдилар.

Ўша хатарли жойда ўз лашкари озлиги ва аскарлари камлигини душманга билдиришни истамаган хоқон кўмак қисмини олдин юборганча йўл юриб келаётганди. Шу сабабли Оққўрғондан қаровуллар дастаси билан душман хабарини билиш мақсадида олдинроқ кетган Хожамқули қўшбеги ва Худойберди ясовул мухолиф изини топиб, улар кетига тушдилар ва озгина нарсаларини ўлжа олиб, бироқ оз одам бўлгани учун шу ерда тўхтаб туришни маъқул кўрдилар ҳамда битта кишини изига қайтариб,

воқеани хоқонга етказдилар. Бу қувончли хабар мазмуни кина асар сипоҳга Ўзгандда етиб келгач, тезликда ва шошилинч равишда ўша томонга юриб кетдилар. Етиб келиб, у ернинг қалин чакалакзор, устига-устак ботқоқлик ва тор бир утарлик жойдан иборатлигини кўрдилар. Бу йўлдан минг ҳаракат қилса ҳам биргина отлик кишидан бошқа юра олмас, чунки бу ҳам етмагандек бу ердан илгари утмоқчи бўлган одамлар ва от-уловлар, энг даҳшатлиси ўликлар орасида бешик-пешиги билан ботқоқлик қаърига кетган чақалоқлар ҳалокатга учраган бўлиб, яхши рақамли қалам бу манзарани тасвирлашдан ожиздир. Шунча кенг дунёнинг шу ерга етганда торлик қилиши ҳаммани ҳайратга солар, аммо битта-битта ва ўликлар устидан ўрмалаб ўтишдан бошқа чора топмас эдилар. Алқисса, дўстни сийлайдиган, душманни аямайдиган ул лашкар бир кеча-кундуз мазкур йўлдан юриб, хатарли бу мақомдан чиқиб олгач, Олатоғдан ҳам ўтдилар ва шунда душман яқинлиги ҳақидаги маълумот қулоқларига чалинди. Мазкур ердаёқ дарҳол отдан тушиб, жанг кийимини кийдилар ва уруш қуроллари белига осдилар. Бунинг сабаби, Бўзахўр султон ва Абдусаттор султон шу ердаги қабила ичида бўлса керак, деган гумон бўлиб, ўша ердаги халқ билан жанг қилишга бел боғладилар. У томондан ҳам аймоқ ва кучманчи туркий қабила саркардаларидан иборат бир гуруҳ уруш учун отландилар. Орадаги тўқнашув озгина давом этгач, қаҳрамон лашкар зарбасига дош беролмаган ул мағрур туда жанг майдонини ташлаганча тум-тарақай қочиб, дашту биёбон сари бош олиб кетди. Бу ердаги аҳоли ва душманнинг кўмак гуруҳи орасида султонлардан ҳеч қайсиниси йўқ экани аён бўлди. Чунки, улар зафар шиор сипоҳ келаётганидан бошидаёқ хабар топиб, қочиш сари юзланган эканлар. Алқисса, нусратнишон сипоҳ [шу кунларда хоқон давлатига тескаричилик йўлида юрган] ўша ердаги даштлик саҳройи бебошлар ва сардорлардан бир нечтасини ушлаб, жуда кўп ўлжани қўлга киритгач, орқага қайтиб, не воқеа рўй берган бўлса, ҳаммасини бир-бир хоқони соҳибқирон арзига етказдилар. Ғалабага ёр хоқон мақсади ҳосил қариндошлари ва донгдор амирлар ҳаққида кўп лутфу иноятлар қилиб, ҳар бирининг ҳол-аҳволини сўради ва сийлов-мақтов сўзлари билан кўнгилларини овлади. Сўнг ўша ердан ғалабага яқинлик ҳосил қилган зайл бахту давлат билан қайтиш жилловини орқага бурди ва йўналиш юзини салтанати маркази томон қаратди ва ҳумоюн

қўзғалиш овозаси бутун осмону фалакни тутди. Хоқони соҳибқирон йўл асносида қозоқ хони Шифайхонни унга суюрғол қилинган юрти Хужанд томонга юборди. Унинг ўғли Таваккал султонни эса ўз ёнида олиб қолди.

Тирмоқ, яъни кузнинг охирлари⁴³⁵ да Искандар нишонли хоқон рамазон ойи ўртаси⁴³⁶ да зафар дастгоҳли хоқонлар ватани бўлмиш пойтахт Бухорога келиб тушди.

Жамшиднишон хоқоннинг бешинчи марта Туркистон ва Дашти Қипчоққа юриши, яъни Улуғтоғ воқеалари зикри

[Соҳибқирон хоқоннинг кўплаб яхшилигини кўрса ҳам қайта-қайта тескаричилик йўлига кирган Бобо султон Дашти Қипчоқнинг Манғит каби юрти халқлари ҳам хон номига хутба ўқитиб, танга зарб қилиб турган айни кунларда тағин қаршилик равишини ихтиёр қилгани ҳазрат Абдуллоҳхонга қаттиқ ботиб, Бобо султон томон юзланишга мажбур бўлди. Бунинг хабарини эшитган ва ушбу урушнинг натижаси нима билан тугашини яхши англаган Бобо султон яна узр ва тавба мақомида туриб, хоқон олдига Амин шайх ва Тиноайхожа сайид Отойни Бухорога юборди. Искандар нишонли хоқон бу гал унинг узрини қабул қилмади. Чунки, Бобо султоннинг хоқон талабига биноан ёнидаги Бузахур султонни ушлаб, пойтахтга юбормаслиги аллақачон аниқ бўлганди. Соҳибқирон унинг элчиси Амин шайхни сийлаб, қайтишга рухсат берди ва Тинойхожани эса ҳузурида олиб қолди.] Шаввол ойи бошлари⁴³⁷ да бахт ва иқбол масканидан «диёрнинг ен-атрофидаги шаҳар ва қалъалари бўйлаб ёйилган зафарга ёр аскарнинг яроқ-аслаҳа билан қуролланиб, урушга тайёр ҳолатда Туркистон волийси Бобо султон исёни чангини унинг ҳаёт саҳифасидан зилол сувга менгзир қиличлар воситаси ила тозалаш мақсадида Миёнол мавзесида хон мавкаби остида йиғилиши» ҳақидаги ҳумоюн фармон содир бўлди. Хоқоннинг ўзи эса Қурбон ҳайитигача шаҳарда тўхтаб, Бухородаги муборак мазоротлар зиёрати адосидан сўнг зулҳижжа ойининг йигирма иккинчиси⁴³⁸ жумъа кунини душманни тағ-туғи билан қуритиш учун отланди ва дастлаб, Фиждувон туманига бориб, Хожайи жаҳон – *унга оллоҳнинг раҳмати ва жаннати бўлсин* – зиёрати шарафини топди. У ердан эса Миёнкол томонга юзланди. Ҳумоюн мавкаб Ку-

фийн вилоятига етишганда ҳаво бирдан совий бошлаб, совуқнинг қаттиқлиги жонли зотлар баданидаги сезги ва қон айланиш кучини узиш даражасигача бориб етди.

Бир ярим ой ўтгач, ҳар қалай совуқ шиддати пасайди ва одил хоқон ўша барча бирдам қўшин билан жаҳон олувчи саманди жиловини Дизақ томонга бурди. Дизақ мавзеси зебу зийнатлик аскарлар қароргоҳига айлангач, дастлаб кайвон нишонли шаҳриёр Ибодуллоҳ султон осмон ўпар ўрдуга келиб қўшилиб, зафар аломатли байроқлар сояси остида мақом тутди ва шариф мулоқот иззатини топиб, улуғ бахт ва шарафни қўлга киритди. Ундан кейин хусравнишон шаҳзода Исфандиёр султон ҳумоюн мавкабга келиб қўшилди. Бу султондан сўнг қозоқ қўшинидан Шунқорхон Баҳодир ғалабага ёр лашкар таркибидан ўрин олди. Шунингдек, иззат ойнли аскарлар ва зафарга яқин қуролли гуруҳлар тўп-тўп бўлиб, хуршидмисол байроқ остида тўпландилар. Соҳибқирон лашкари сардорларининг барчаси чингизий сулола вакиллари эди. Алқисса, музаффар тўғли хоқон бироз тоблари қочиб, сафар ойн охирида сиҳатлик топгач, катта қўшин билан бир манзилга етгач, душманни енгувчи хоқонга Тоҳир султоннинг Туркистондан чиқиб, бола-чақаси ва ёнидаги бойликлари билан Хожакатга кетгани воқеасини айтиб бердилар. Доро аломатли хоқон буйруғига биноан Жўлтойбий ва Хожамқўли қушбеги, Турдибий Тоҳир султонни топиш мақсадида жунаб кетдилар. Шундан сўнг исқандарнишон хоқон Исфандиёр султон Жондавлатбий, Келди Турсунбий, Бекойбий, Муҳаммад Боқибий сингари бир гуруҳ жасур амирлар ва осмон аломатли бошқа аскарлар билан бирга олдинги кетганлардан қанчаси дарёдан ўта олган бўлса, шунчасини олиб, Хожакат томонга йўналсин ва икки манзилни бир қилиб, қандай бўлмасин Тоҳир султонни топсин, деган фармон берди. Дарё кўнгилли жаноб Исфандиёр султон бир қанча манзилларни орқада қолдириб, неча масофа йўлни босиб ўтгач, Хожакатга етиб борди. У ерда эшитишича, олдин кетган амирлар Боғистондан ўтиб, Тоҳир султонни қўлга тушира олмай, қочириб юборибдилар. Аммо, аҳлу аёл ва кичик ёшли ўғлини ўзлари билан олиб қайтибдилар. Шунга кўра, хўжастаншон султон ўша ерда тўхтаб турди ва амирлар ҳам бошқа йўлдан қайтиб, султон мавкабига келгач, ҳаммаси биргаликда шу ердан жаҳон хоқони қўлини ўпиш учун ҳумоюн мавкаб сари йўналдилар.

Ҳумоюн урдуга етишган хабарларга қараганда, Бобо султон ўзининг Юсуфбий қушчи, Мардонғозибий наймон, Мансурбий дўлдуқ, Бердибий наймон каби бир гуруҳ амирларини жуда мустаҳкам ва баланд қўрғонлардан саналган Шоҳрухия қалъасида қўйган экан. Шу жиҳатдан тўла шавкатли хоқон «Абдуссамдбий Андижонга бориб, Муъмин султонни олиб келсин» дея буйруқ берди. Яна бир фармон эса хоқон укаси Абдулқуддус султоннинг ҳам Шоҳрухия қалъасини эгаллаш учун бу ерга келиши борасида бўлиб, бу нишон Миёнкол вилоятига жўнатилди ва унда мазкур султонларнинг ғалабага ёр қўшин билан Шоҳрухия қалъасини қамал қилишлари битилган эди.

Хоқоннинг ўзи эса зафарли қўшиннинг қолган қисми билан ўрнидан қўзғалиб, манзилма манзил юрганча Сайхун дарёсидан ўтиб, Калас дарёси қирғоғига келиб тушди. Ўша ерда Исфандиёр султон амирлар билан бирга Тоҳир султоннинг аҳлу аёл ва ўғлини олиб келиб хоқон қўлига топширди. Искандарнишон хоқон султонун амирлар ҳамда душмани Тоҳир султон онласининг ҳар бири ҳаққида кўп иноят ва чексиз илтифотлар кўргузди. Тоҳир султоннинг ўғлини амир Қулбобо Қўкалтошга топшириб, ўзи йўналиш жиловини давлат қонуни қўлига тутқазганча, аниқроғи, ўзининг амирлари билан маслаҳатни бир ерга қўйиб, Хоразмшоҳ султон ўғиллари беркитиб ўтирган Сайрам қалъасини қамал қилиш сари отланди. [990 йил] рабиулаввал ойининг иккинчиси⁴⁹ душанба куни тўла шавкатли хоқон Барбар савлат қўшин билан Сайрам қалъаси атрофига келиб, уни узук ичидаги қош каби ўраб олди. Карнай ва ноғора садолари осмону фалакка етишди. Тарих китобларида «Испижоб» деб ҳам аталувчи Сайрам қалъаси ўта мутаҳкам ва бу баланд макон аҳолиси эса қалъанинг ана шу метиндек устуворлиги ҳамда ғалла захираси, турмуш матоҳлари ва уруш яроқлари кўплигига орқа қилиб, итоат қилиш мақомидан узоқда туриб, нодонлик натижасида муҳолифат ва қаршилик йўлини тутди. Бу ҳолатни кўргач, Мовароуннаҳрдек қудратли давлат ҳукмдори «қудратда тенгсиз султонлар ва зафарга ёр амирлар ва шижоатли бошлиқлар ғалаба дастгоҳли бошқа аскарлар ўз турган жойларидан қўзғалиб, олдинроққа келсинлар ва имкони борица қалъа хандақини тош ва тупроқ билан тўлдирсинлар» дея фармон берди. Шунга кўра, султонун амир ва қўшин саркардалари ҳар томондан чиқиб, дабдаба билан ул ҳазратнинг ён-

атрофини безашди. Жануб томонга иззат ва иқболли султон Ибодуллоҳ султон зийнат бағишлади, Қалъанинг шимол томонида бахт аломатли Абдулмуъмин султоннинг қуёш тигли туғи осмон авжи ва Кайвон чуққиси қадар кутарилди. Ўзбек қушинининг Кўчак уғлон, Абдулбоқибий дурмон, Жонкелдибий, Жултойбий, Наврузбий, Али уғлон, Муҳаммад Боқи дурмон ва шу сингари бошқа эшик оғо амирларидан бир гуруҳи мазкур шаҳзода мавкабида хизмат камарини белига боғладилар. Қибла тарафида хусрав нишонли Исфандиёр султон урушга талабгорлик байроғини ҳилпиратди. Унинг ҳашаматли байроғи остида сўл қисмнинг нақобат паноҳ хожа Ҳасанхожа нақиб, Келдишбий, Жондавлат бий, Шоҳимбий, Турсунбий, Дўстумбий, Бекойбий каби барча амирлари ва бошқалар туришди. Машриқ ва жануб уртасида сўл эшик оғоларидан Юсуфхожа, Мирзо акабий, Қанбарбий, Абдулвосебий мирохур, Ганжа Али шиғовул ва бошқалар жой олишди. Чухра оғоларидан Раҳимқулибий чухра оғоси, Дўст чухра оғоси гардун асосли қалъа атрофини қуриқлаш учун турдилар. Қиёмат қўптирувчи баҳодирлар савлатидан кўрқувга тушган қалъа аҳлининг виқор ва устуворлик устунлари қимирлаб, заррани фалак қуёшига тенглаш даъвоси офтоб юзини хаёл лойи билан суваш, томчини денгиз билан баробар билиш океан сувини хаёл ҳовучи билан олиш деган гап эканини англагач, тақабурлик этагига яширган қўлларини ташқари чиқардилар ва тавба-тазарру учун кечирим ёқаси сари олиб бориб, жаноб Сайид Ҳодихожа Нақшбандий ва Шоҳимбий арғунни кечириб воситаси сифатида билдилар. Хоқон ҳазрат валийлар паноҳи Сайид Ҳодихожа шафелиги ва олий дастгоҳли амир Шоҳимбий ўртага тушгани юз хотирини тутиб, қалъа аҳли айбларини кечирди. Алқисса, қалъа халқини сулҳ учун шу зайл восита билган Муҳаммад султон ичкаридан белига хизмат камарини боғлаганча қўллик ҳалқаси ва бўйсунувчилик сирғасини қўлоғига тақиб, ўз онаси ҳамроҳлигида ташқари чиқди ва ночор ожизлик ҳамда чорасизлик эшигидан кириб, бўйин эгишлик йўлини итоатгўйлик намунаси қилиб кўрсатди. Ул ҳазратнинг муборак зоти марҳамат ва шафқатнинг мўл-қўллик макони бўлгани туфайли ул жамоатнинг айб варақларини яхшилиқнинг зилол суви билан поклаб, мазкур вилоятга тобе ерларни олдингидек уларга берди. Бу галабага доир фатҳномалар Бухоро ва бошқа тобе ерларга хушхабар сифатида юборилди.

Соҳибқироннинг Бобо султон пайига тушиб Туркистон томон йўналиши зикри

Шундай қувончли айёмда Бобо султоннинг Туркистон атрофларида худди шамол қўпса қочувчи заиф пашшадек қўрқув ва саргардонлик аро юргани хабари эшитилди. Шунга кўра Искандар бахтли хоқон Сайрам атрофидан қўзғалиб, йўналиш юзини Бобо султон сари тутди. Уғруқни эса Сайид Ҳодихожа Нақшбанд, Сархун отолиқ, Иқим ҳожи, Мирзо Ақобий, Муҳибали мирохўр, Хуши ясовул ва шу каби давлатнинг бошқа устунлари, ҳазратнинг ишончли аёнлари билан бирга ўша ерда қолдирди. Хоқон уларга кеча-ю кундуз юзларини эҳтиёт водийсига қўйиб, ҳушёр туришлари ва ўзининг кетганини ҳеч бир йўсинда душманга билдирмасликлари, чунки акс ҳолда Саброн қалъасини беркитиб ётган Абдусаттор султон ва Жон Фўлод ясовул томонидан ёки душман қўшинидан бир гуруҳи паноҳ топиб яширинган Ясси тарафлардан ор-номус ғубори давлат этагига ўтириши мумкинлига, бунга сира ҳам йўл қўймасликлари ҳақида топшириқлар берди. Сунг ўзи қолган қўшин билан ўн кунлик йўл озуқасини олиб, ғалаба аломатли туғини яхшилик фалакига етказди. Алқисса, анча йўлларни босиб ўтгач, ул дарёдил шоҳ Сариксув дарёсидан кечиб ўтди ва шу дарёнинг нариги қирғоғида қўш ташлади. Шу манзилда дарё кўнгилли хоқонга Бобо султоннинг ҳумоюн мавкаб етишганини эшитиб, ночорликдан ожизлик қўлини қочиш этагига тиқиб, Улуғтоғ томонга кетгани маълум бўлди. Искандардастгоҳли хоқон дарҳол «бирор ишни бажаришга киришсанг, албатта, Оллоҳга суян»⁴⁴⁰ ишорасига риоя қилиб, ўнг томонида фатҳу зафар, чап қабтолида эса бахту давлат билан Бобо султон қочган томонга қараб ва Қорақўной баҳодир хитой деганни ажузчи⁴⁴¹, яъни йўл кўрсатувчи қилганча манзилма-манзил юриб кетди. Алқисса, шу зайл бир неча масофа йўлни босиб ўтиб ва қанчадан-қанча манзилу маконларни орқада қолдиргач, дарё кўнгилли соҳибқирон хоқон 990 йил рабиулаввал ойининг йигирма тўққизинчиси⁴⁴² якшанба кунини Чет Қорахўжа манзилига қўш ташлади. Бу маконда одатдан ташқари ҳолда дўл ва ёмғир шаррос қўйиб бериб, тунда совуқнинг ҳам шиддати шу даражага етдики, натижада, кўплаб от ва туялар нобудлик майдонида қолиб, бу тилсиз жонивордан уч минг бошдан ортиғи ўлди. 990 йил рабиуссоний ойининг биринчиси⁴⁴³ душанба кунини ҳазрати

аъло наввоб хоқон, одамлар нақлича, илонлар келиб шох ташлайдиган жой номи билан танилган бир майдонликка келиб тушдилар. Айтишларича, илон шохларини бу ерларда бемалол топиш мумкин экан. *Бу гапларнинг рост ва ёлгонлиги масъулияти эса ривоят қилувчилар буйнигадир.*

Соҳибқирон хоқон мазкур ойнинг учинчиси⁴⁴ чаҳоршанба куни Булғон Ото манзили⁴⁵ га йуналди ва йул асносида олддан яхши ниятли қаровул қисм одамлари келиб, Бобо султон ва Бузахур султоннинг кўп сонли лашкар йиғиб, уруш қилиш учун тайёр ҳолда жанг майдони сари йуналгани хабарини олий арзга етказдилар. Бу маълумотлар мақтов хислатли хоқон қулоғига етгач, Баҳром нишонли тавочилар ва Миррих қасосли ясовулларга «тез бориб, ҳар ерларда жой олган ғалабага ёр қўшин эътиборига уруш кийимларини кийиб, жанг жавшанларини эгнига ташлаб, муҳориба байроғини баланд кутарганча давлат душманлари устига юриш лозимлиги ҳақидаги фармонимни етказинглар» дея буйруқ берди. Искандар фармонли хоқон ҳукмига кўра улуғ султонлар ва муҳтарам амирлар ва шижоат интизомли баҳодирлар тўла қоида ва мукаммал тартиб ила йуналиш жиловини душманни йўқотиш томон бурдилар. Аниқроғи, гарчи, одамни қон қусдирувчи бу водийда инсон ҳаёти ва турт оёқлилар омон қолиши учун зарур озиқ-овқат, ем-хашак каби озуқалар етарли миқдорда бўлмаганидан улар ҳаёти хавф остида қолган ва ҳалокати муқаррар эса-да, уша айёмда ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайдиган воқеа юз кўрсатди – шу куниси ул ҳазратнинг ҳумоюн мавкабида шу даража кўп киши йиғилдики, юракнинг бу жамоа сонсаногсизлигидан ҳаприқмасдан ҳеч иложи йўқ ва кўнгилнинг қувончларга лиммо-лим тўлмасдан ўзга чораси йўқ эди. Йиғилган зафарли қўшин аскарларнинг айримлари устига тилло сувли кежим ташланган отларга минган бўлса, баъзилари елдек учар туялар ўркачи орасидан жой олган, қанчадан-қанча пиёда аскарлар эса мардлик этагини белига қаттиқ қайириб боғлаган ҳолатда мақсади ҳосил хоқон мавкабига келиб қўшилгандилар. Бу ҳолатни кўрган ақл кўзи ҳайрон ва аскарлар кўплиги мушоҳадасидан улар саногига ета олмаган кўз саргардон эди. Алқисса, қўшин табақаларни кўм-кўк денгизга ўхшаб кўпириб-тошган ва тартиб-интизом ила мукаммал қуролланган ҳолатда тўп-тўп бўлиб, зафар натижали узанги хизматида шай ва тайёр турарди. Ул ҳазрат маймана ва майсара ҳамда қалб ва қанотларга тартиб

берди ва чапни тўғирлаб, тўла йўсун ва қоида бўйича юзини бахти қайтган душманни йўқ қилиш томон қаратди.

Хуллас, Искандар виқорли шоҳ шу тартиб ва қоида ила ёнидаги зафарга ёр қўшинни фитначи душман устига бошлаб кетди. Иттифоқо, йул юриш давомида олдин кетган қаровуллар нурли кунгилга душман аскаридан иккита милтиқчини асир олганлари, аммо Бобо султон қўшинининг қораси бу яқин орада кўринмаслигини арз қилдилар. Ул ҳазрат ҳаливери уруш хабари бўлмаслигини англагач, эғнидаги совутини ва қуролларини ечиб, Булғон Ото манзилида отдан тушди. Асирларни ёнига чорлаб, душман ҳақида маълумот олишга киришди. Ул кишилар эса «биз Бобо султондан Қорахўжа тўғонида ов қилиш мақсадида айрилгандик, шу сабабли, Бобо султоннинг Улуғтоғ атрофидаги Жужихон мозори⁴⁶ олдида ваҳима ичра қўрқиб, аммо Сиз ҳазратнинг бу томонларга келганингиздан ҳужум қилинса қўлга тушиш даражасида хабарсиз утирганидан узга нарсани билмаймиз» дейишди. Эртаси куни музаффар аломатли хоқон қозоқ султонларидан Шиғайхонни ва унинг ўғли Таваккал султонни манқилой йўсинида ун қўл қабтолида, Жўлтойбий, Хожамқули қўшбеги, Алимардон Баҳодир ўғли Турди Мирзони султон укаларидан бир гуруҳи билан ҳамда Худойберди ясовул, Оқмуҳаммад ясовул ва шу каби ясовуллар тўдасини ҳамда барча қаровулларни чап қўл қисмга тайинлаб, олдиндан жўнатди ва ўзи улар орқасидан Кай ва Ковус шоҳлари ҳашамати ила равона бўлди. Терас Кандирлик деган жойга етганда қизиқ бир воқеа юзи жамол курсатиб, ажиб бир ҳодиса рўй берди. Юзага чиқишига оз қолиб турган иш орқага сурилди. Бу ҳодиса тафсилоти қуйидагичадир: зафар анжомли хоқон Терас Кандирлик манзилига келиб тушган паллада Хожамқули қўшбеги ўзининг уч нафар одамини тил ушлаб келиш учун ўзидан олдинроқ душман томонга юборади. Улар эса тақдир тақозосича Жужихон мозори ёнида Бобо султон қўлига асир тушадилар. Султон уларни дарҳол шаҳидлик даражасига етқариб, ёнидаги тошкентлик ва шу шаҳар атрофидан ўзига йўлдош қилиб олиб келган қабила ва аймоқларнинг кўплаб кишиларни ҳамда уғруқи билан олиб юрган оғир юкларини ташлаганча саросима ичида йўналиш байроғини қочиш водийси сари ҳилпиратиб, аҳлу аёлини олганча қочиб қолади. Бу қочишда Бобо султонга Бузахўр султон ва лашкарнинг қочиб кетишга мажоли етган бошқа кишилари ҳамроҳлик қилганча ҳаммаси бир

булиб Манқит тарафга йуналганлар. Яхшилик аломатли қўшиннинг манқилой қисми бу хабарни эшитгач, олдингидан ҳам тез суръатда от чоптириб, кутилмаганда, Шиғайхон жумъа куни Бобо султондан ажралиб, боришга жой, ботишга кўл тополмай юрган душман кишиларига дуч келадилар ва улар устига ёпирилиб, қўлларини талон-торожга чўзадилар. Мазкур жамоа тизимини бир-биридан ажратиб, ҳар тарафга путратганча жуда кўп ўлжани қўлга туширадилар.

Шу зайл қозоқ Таваккал султон ҳамда Жултойбий, Хожамқули кушбегилар бошқа амирлар билан орқага қайтиб, ўлжа олинган кўп сонли қорамол ва от, туя ва сон-саноқсиз қўй подасини сиёдат нишонли мавкаб пойига келтирдилар. Хуллас, бу қаҳрамон кишилар ҳаракати туфайли йўқсиллик тўқликка, танг аҳвол фаровонликка айланди. Чунки, сал олдин рўй берган озик-овқат қаҳатчилиги ва очарчилик қийинчилиги шу даражага етган эдики, Бухоро ўлчовидаги бир ман ун баҳоси Искандархоний пули билан минг тангага етган ва ўша ҳам топилмас эди. Алқисса, Бобо султон ва ёнидагиларнинг Улуғтоғда экани хабари аниқлангач ва уларнинг мақсади ҳосил хоқон келатганини эшитиб, қочиш оятини ўқиганча Манқит томонга кетишгач, ҳумоюн аломатли хоқон яна бир марта мақсади ҳосил шаҳзода Абдулмуъмин султонни Ҳасанхожа нақиб, Кўчак ўғлон, Жонкелдибий ҳамроҳлигида шу манзилда уғруқ ёнида қолдирди ва ўзи шахсан йўлга тушиб, кечаси Дашти Қипчоқнинг энг сара мавзеси бўлмиш Улуғтоғ ўртасига етиб келди. Хуфтон намози пайти зафарга ёр қўшиннинг манқилой қисми Бобо султон ва Бўзахур султонга яқинлашиб қолгани хабари келди. Бироқ, душман қўшини сони кўплиги ва ўзлариники камлиги сабабли олдинга ҳаракат қилмасдан шу ерда тўхтаб қолишибди. Ул ҳазрат ўша тундаёқ Ифандиёр султонни ғалабага ёр қўшиннинг сўл қисмидаги бир гуруҳ жангчилар билан бирга душман устига ҳамла қилиш учун юборди. Ўзи эса эртаси куни улар кетича юрди. Хоқон Йиложуқ мавзесига етганда, оддан тушди. Шу манзилда Шиғайхон бошқа султонлар билан келиб, ҳумоюн мавкаб жиловини ушлаганча, соҳибқирон хоқонни хатар мавжуд бўлган олдинга юришга қўймадилар. Зафар аломатли хоқон Шиғайхон қозоқ ва олий мартабали ўзбек султонлари ҳамда давлат устунлар ва мамлакатнинг атоқли кишилари ўтиниб, ёлворишига биноан қайтиш жиловини орқага бурди ва илғор йўсини билан юборилган иқти-

дорли қўшин қисмлари қайтиб келишини кутиш ҳамда ориқлаган от ва туяларнинг семириб, кучга киргунларича туриш мақсадида Улуғтоғга қайтиб, ўша ерда чодир тикди. Эртаси куниёқ елдек учар отига миниб, ёнидаги кўп кишилар билан мазкур тоғ томошаси учун чиқди ва олдида баландлик бошини осмон каби юқори чўзган, тошлари чархнинг атлас пардасини йиртган бир тоғни кўрди. Тоғнинг устига чиқиш ҳақидаги орзу беҳуда гап ва унинг олдида хаёл парвози ҳам маҳол иш кўринарди. Улуғтоғ этагида эса катта бир ўтлоқзор кенглик ястаниб ётар ва ундаги булоқлардан болдек сувлар отилиб, ҳар ён оқар ҳамда шу чашмалардан ҳосил бўлган анҳорлар ва улар бўйида қад кўтарган тол-дарахтлар, ям-яшил майсазори кўкаламзорлар латофати кўнгил очар Эрам боғларини эслатарди. Фалак шукуҳли шаҳриёр хоқон ул тоғ устига чиқиб, эни ва бўйи ўлчовини худодан ўзга киши билмас даражадаги чексиз водий сари нигоҳ ташлади. Ўша куни то пешин намозига қадар мазкур тоғда қолиб, кўнглида, аскарлар сон-саноқсиз тошларни йиғиб, шу олий маконда бир баланд пойдеворли масжид қурсинлар, токим бу иш ҳаёт тургунча юксак қудратли подшоҳ замондошларидан ёдгор қолсин, деган маъни ҳиммат чеҳраси-ю гузал жамолини кўрсатди. Чунончи, амир Темур Кўрагон ҳам Тўхтамишхонга қарши урушга кетаётган чоғи ушбу Улуғтоққа етишгач, бир кун унинг устида осмон ўпар туғини ҳилпиратиб, чиройли тавсифли мавкаби ёнига теварак-атрофдан жуда кўп тош йиғиб келишларини буюрган ва бу тошлардан минора баландлигидаги бир ёдгорлик тиклаган ҳамда шу ерга мазкур амир номини ўйиб ёзган эдилар:

Шунингдек, ушбу вақтда, илоҳий буйруқ воситасида мақсади ҳосил соҳибқирон хоқон Абдуллоҳхоннинг яхши ниятли кўнглига шикор ҳаваси тушиб, мазкур водийда тўхтамоқни ихтиёр этдилар. Турли парранда ва кийик каби овлардан анчагина шикор қилиниб, бу ҳам озиқ-овқат ўрнида танларга роҳат бағишлади. Чунки, илгари очикқан қоринлар ҳалигача тузукроқ бир таом татимаган эди. Шу манзилда бир неча кун дам олиб турилди.

Шу аснода душман кетидан катта қўшин билан кетган Хусрав нишонли султон Исфандиёр султон уч кеча-ю кундуз неча манзилларни босиб ўтиб, душмандан бирор хабар топмагач, ёнидаги амирлар илтимосига биноан шаҳоб юлдузидек жоловини орқага бурганча ҳумоюн мавкаб сари шошилди. Таваккал сул-

тон ва Дуст чухра офоси эса Надр қўрчи, Муҳаммадали жибачи, Халқомон мирзо ва шу каби хон қўшинининг бир гуруҳ жасур жангчилари билан йўлда жуда кўп душман қўшини аскарларини кўриб, Бобо султон ва Бўзахўр султонлар ҳам шу одамлар орасида бўлса керак, деган тусмол билан улар кетидан тушганча, наввоб Исфандиёр султондан айрилиб қолдилар. Етти кеча ва кундуз илғор қилиб юриб, Сориқсув дарёси қирғоғида қочоқлардан бир тўпи устига етишдилар. Уларнинг барчаси дарёдан кечиб ўтгунча тўхтаб турдилар, шундан сўнг ўзлари ҳам дарёдан кечиб ўтиб, душман томон йўналдилар. Икки ўртада юз берган озгина уруш ва савашдан кейин душманлар тум-тарақай қочишга тушдилар, зафарли қўшин аскарлари эса душманнинг қайси бир эркак зотлисини кўлга туширсалар биттасини ҳам қолдирмай қилчдан ўтказдилар. Сўнг жуда кўп ўлжа билан орқага қайтиб, Улуғтоғда жаҳон подшоси ўрдусига келиб қўшилдилар ва хоқон арзига Бобо султон билан Бўзахўр султоннинг Манқит томонга қочиб кетгани хабарини етказдилар. Ул ҳазрат Хожамқули кушбегини маймана қисмининг Бобохожа сайид отой, Оқ Саъид қаровул, Келдиш Баҳодир можор, Гулбобо Баҳодир, Муҳаммад девона, Ойбош наймон, Иброҳим кенагас сингари камарбасталаридан иборат бир гуруҳни Бобо султон ва Бўзахўр султонни Манқит томонга жўнатган Туркистон қабилаларини топиш учун фармон билан жўнатди. Ўзи эса қайтиш довулини чалиб, оти жиловини орқа сари бурди.

Қорасомондаги сипоҳнинг Туркистон қамали учун келиб, шикаст топгани зикри

Бу воқеанинг шарҳи шуким, Искандар бахтли хоқон Улуғтоғда тўхтаб турган маҳалда уғруқ томонга одам юбориб, агар ўша ердаги ғалабага ёр қўшин қўлларидан келса, Ясси қалъасини қамал қилсинлар, деган буйруқни берганди. Шунга кўра, Қорасомон мавзесида турган сипоҳ у ердан қўзғалиб, Туркистоннинг машҳур музофотларидан бўлмиш Саври мавзесига келиб ўтирган эди. Қози Шариф ибн қози Фаридун Ясси халқи билан бирга ташқари чиқиб, сон-саноқсиз отлик ва пиёдаларни ишга солиб, зафар шнор сипоҳга қарши жангга киришди. Икки томон тўқнашиб, ҳар икки тараф жангчилари ғазабга минган арилардек бир-бири устига ташландилар. Ўша куни хоқон одам-

ларидан Ҳодихожа ва Иқим ҳожи, Хуши ясовул кабилар мардонворлик намунасини курсатиб, жанг қилдилар. Бироқ, кучлар тенг булмагани сабабли икки кундан сунг душман ғолиб келиб, қўлларини ғорат ва талон-торож сари чўздилар ҳамда уғруқнинг бир пора мол-қолларини талаб, қалъага ҳайдаб киргиздилар. Алқисса, душман қайтиш жilовини орқага буриб, ўз қароргоҳида қарор топгач, зафарга ёр сипоҳ исқандармисол хоқоннинг келаетгани хабарини эшитиб, шошилиш қаноти билан хоқонга пешвоз чиқишга ошиқдилар.

Алқисса, дарё кунгилли хоқон бир қанча манзил ва масофани босиб ўтгач, Сигноқни ҳам орқада қолдириб, Кукгунбазда Умархожахон мазори қабтолига тушди. Соҳибқирон хоқон шу ерда Қулбобо Қукалтошни ноғора, сурнай ва юрт олувчи бир тўда баҳодирлар билан бирга уғруқ ёнига олдинроқ бориб, у ердаги қудратда тенгсиз гуруҳни ҳам олиб, биргаликда Саброн қалъаси қамалига киришиш учун жунатди. Жаноб Қулбобо Қукалтош фармонга амал қилиб, Саброн музофотига қарашли Хонқурғон мавзесида ўрнашдилар. Икки кун ўтгач, оламни нурлантирувчи хоқон Етти тепадан кўчиб⁴⁴⁷, пешин намози пайти Саброн атрофига келиб, боғлар ўртасида манзил тутди.

Хоқоннинг Саброн қалъасини қамал қилгани зикри

Саброн қурғони атрофи юлдуз аломатли қўшин аскаргоҳига айлангач, Абдусаттор султон ибн Бобо султон Жонфўлод бий уйшун ва бошқа шу каби довьораклар тўдаси билан бирга қудрат байроғини такаббурлик денгизи авжигача кутариб, жасорат оёқларини уруш водийсига қўйдилар ва ҳаёсизлик қўлларини жанг сари чўзганча қалъа маҳкамлигига орқа қилдилар. Ҳақиқатдан ҳам Саброн қурғони жуда мустаҳкам бир қалъа бўлиб, ҳеч бир замоннинг маккор қўли унинг тупроқ тўғони этагига ета олган эмас, зангори осмон кўзи рубъи маскун⁴⁴⁸ юзида ул қалъа сингари мустаҳкам қалъани кўрган эмас. Атрофидаги чуқур хандақлар эса сув билан тўлдирилган, қалъа шинаклари ўқ ва тўп отишга мўлжаллаб ихчам тешилган эди. Исқандар вазминли соҳибқирон «шаҳзодалар ва нуён, сардор, лашкардагилар олдинга юриб, тўла тартиб-қоида билан қалъани айлана маркази каби ўраб олсинлар» дея буйруқ берди. Зафарга ёр хоқон қўшиннинг жасур хислатли бир тўп жангчилари билан шимол томонда бахту

иқбол туғини ҳилпиратиб, Абдулмуъмин султонни қибла ва шимол томонлар оралиғида урушга шай қилиб қўйди. Жануб томонга сул амирлари етишиш соясини солдилар. Қалъанинг жануб ва қибла томонлари уртасида эса унг амирлари уруш майдонига ғавғо солувчи сипоҳ билан савлат тўкиб туришди. Жануб ва кун чиқар томонда сул эшик оғолари ўрнашдилар. Абдулмуъмин султоннинг унг томонида унг қул эшик оғолари шижоат қиличини қинидан суғуриб, ботирлик найзаларини ўқталиб турдилар. Унг қул амирлари ва унг эшик оғолари уртасида чухра оғолари ўзларининг чухралари билан бирга журъат камарини белига боғлаб, мардлик былақларини ялонғочлаб туришди. Шунингдек, жонини тиккан бошқа жангчилар ва ўт очар милтиқчилар ҳам қаҳрамонлик этагини белларига қаттиқ боғлаб, қўлларидан келганча тиришиб, исқандарнишон, сулаймонмакон, Фаридун асосли хоқон буйруғига биноан қамал ва жанг ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Ҳазрат соҳибқирон, дастлаб, Ширим ясовулни Иқим отолиқ, Нурбек жаҳонгир ва бошқа шу кабиларга бош бўлиб, уларни жуда тезликда ҳумоюн мавкабга олиб келиш учун Бухорога жўнатди. Ундан кейин Сузоқ қалъасини қамал қилиб ўтирган Ибодуллоҳ султон, Исфандиёр султон сингари шаҳзодаларнинг Сузоқ қўрғони қамалини ул ҳазрат юборган одамга топшириб, ўзлари дарҳол бу ерга етиб келиб, Сабронни эгаллаш ишига ҳисса қўшсинлар, дея ўша ёққа одам юборди. Шунга кўра нусрат шиорли шаҳзодалар Сузоқ қалъаси қамалини ул ҳазрат тайинлаган одамга топшириб, йўналиш туғини Саброн томонга қараб ҳилпиратдилар. Йўл давомида Ладон қаровул номли мустаҳкам бир қалаъага дуч келдилар. Бу қалъа ичида Дашт қўшинидан катта бир гуруҳ беркиниб олиб, ўтган-кетганга озор берар эдилар. Ибодуллоҳ султон ва Исфандиёр султонлар бу қалъа қамалига киришиб, ўз баҳодирларини қалъадаги бебош кишиларга қарши уруш учун юбордилар. Аскарлар бирданига қалъа устига бостириб бориб, уни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар – қалъадагилар биринчи ҳамладаёқ таслим бўлиб, шундай устувор қўрғон султонлар қўлига киргач, уларнинг ғалабага ёр баҳодирлари мухолиф кишиларини ўлдириб, аҳлу аёл, бола-чақаларини асир олдилар. Қалъа эгаллангач, Саброн томонга шошилдилар. Шу кетишларида олдинда юрувчи қаровул қисм кишилари бир кишини ушлаб, султонлар мавкабига олиб келдилар. Ундан душман ҳақида сўраб-суриштирил-

ганда, мен Тоҳир султон билан бирга эдим, кеча отим илдам юролмай, ноилож ундан айрилиб, орқада қолдим, дея жавоб берди. Шунга кура Ибодуллоҳ султон дарҳол Исфандиёр султонни қушиндаги ўзининг Ҳасанхожа нақиб хурд ва Ҳожибий отолиқ дурмон каби амирлари ва бошқа бир гуруҳ кишилар билан Тоҳир султон кетидан юборди. Узи эса юксак бахтли ҳумоюн урду томон қараб кетди. Ўша пайтда, иттифоқан, Таваккал султон қозоқ Оққурғон яйловида утирган булиб, лашкардагилар отларини шу орада ўтлашга қуйиб, Тоҳир султонни тутишни унинг зиммасига юкладилар. Таваккал султон қозоқ ўзбек султонлари одамларидан Тоҳир султоннинг Сунғулуқ дарасидан ўтиб кетгани хабарини эшитиб, илғор солганча Тоҳир султон изидан кетди. Ибодуллоҳ султон юборган кишилар ҳам аслида Тоҳир султонга етиб олган, аммо уни танимай, орқага қайтган эдилар. Таваккал султон яна ҳам илгарироқ юриб, Тоҳир султон кетидан етиб олди ва уни кишанлаб, дастлаб, Ибодуллоҳ султон даргоҳига олиб бориб, сарбаланд бўлди. Ҳазрат Ибодуллоҳ султон бу қозоқ султони ҳаққида лутфлар кўрсатиб, подшоҳона тортиқлар билан сийлади, сўнг Тоҳир султоннинг қул-оёғини боғлаб, ўзи билан бирга мазкур ойнинг йигирма бешинчиси⁴⁹ пайшанба куни зафарпаноҳ хоқоннинг қутлуғ ўрдусига олиб борди. Ул ҳазрат Тоҳир султонни кўриб кўрмагандек бўлди ва уни жаноб Ибодуллоҳ султон ихтиёрига топширди. Таваккал султонга эса иззат-икром кузи билан боқиб, қадри поясини юлдузлар устидан ҳам баландроқ кўтарди.

Хоқон келган султонларга фармон бериб, журъат юзини қалъани эгаллаш учун қаратишларини таъкидлади. Нусрат аломатли султонлар олий амрга бўйсуниб, қалъа сари олдинроқ юргач, наввоб Ибодуллоҳ султон кўплаб аскарлар билан Кайвон айвонидан ҳам юқорироқ чодир тикиб, қалъанинг машриқ ва шимол томонлари ўртасида манзил тутди. Исфандиёр султон эса кун чиқар томонда ўрнашди.

Амир Шоҳимбийнинг Сайрамга ғалла учун бориб, бандга тушгани зикри

Мазкур ерда айни пайтда аъло ҳазрат ўрдусида ғалла танқислиги ва қаҳатчилик бошланди. Ейишга нон топилмай, хоқоннинг олий кўнглига илгари Сайрам аҳли билан уруш қилинган-

да, уларни хоқон ғазаби оташидан ўз воситачилиги билан омон сақлаб қолган амир Шоҳимбий арғунни Сайрам томонга юбориб, ғалла олдириш фикри келди. У ердаги Абдулкарим султон ва унинг укаси ҳам хоқонга хизмат ва итоат мақомида собит қадам булсалар, улардан биттаси зафар нишонли мавкабга келиши лозим ва шундан сўнг одамларимиз ғалла учун у томонга борадилар, уларнинг ғалла ва юк келтиришига ҳеч қаршилиқ кўрсатмасинлар, деган топшириқни ҳам ўз элчиси орқали билдиришни маъқул топди. Амир Шоҳимбий бу ишга рухсат олгач, Сайрам томонга ошиқди ва ўз элчилиги вазифасини султонларга маълум қилди. Султонзодалар, дастлаб, ўзларининг халоскори ҳамда хоқон элчиси бўлган бу амирга тўла иззат-икромлар кўрсатиб, муносиб бир мавзеда жойлаштирдилар. Бир неча кун яхши ваъдалар билан уни ушлаб турдилар. Лекин, аслида ўйларига амир Шоҳимбийни ўлдириш хаёли келган бўлиб, амир бундан мутлақо беҳабар ва бирор шубҳали ҳаракат сезмай ўтирарди. Чунки, шу орада қўшин одамлари туя ва хачирлар олиб келиб, кўп буғдой ва озиқ-овқат олиб кетган эдилар. Иккинчи марта олдингидан ҳам кўпроқ одам келиб, буғдой олиб кетмоқчи бўлганларида Абдулкарим султон укалари ва сайрамликлар билан тил бириктириб, Шоҳимбийни ушлашга юзландилар. Сайрамликлар шу чоғда, кўрнамаклик йўлига кириб, бугунги кунда амир Шоҳимбий арғун воситачилигида Искандар мартабали ҳазрат хон ҳимояси остида ўз уйлари ва ватанларида тинч-омон ўтирганларни унутган эдилар. Аммо, амирнинг яхшилигини сира эздан чиқармаган она ўзининг султонзода ўғиллари макру ҳийласидан бир тасодиф билан хабардор бўлиб, дарҳол Шоҳимбий олдига одам юборди ва унга бор гапни маълум қилиб, Шоҳимбий зудлик билан йўналиш отини ҳаракатга келтирсин ва кайҳон хислатли ўрду сари юзлансин, чунки ушбу орада эшитилишича, Пулод қушбеги душманнинг жуда кўп одамлари билан бу диёрга юзланган эмиш, худо кўрсатмасин, ул амирнинг мақтов сифатли ва шижоатли зотига қушбеги қўшини балосидан бирор зиён-заҳмат етиши мумкин ва шу сабабли ортиқ бу ерда ушланмасин, дея айттириб юборди. Шунга кўра, амир Шоҳимбий арғун ақл эгалари наздида мақтовли хислат бўлмиш эҳтиёткорлик юзасидан жўналиш узангисига оёқ қўйиб, Сайрам атрофидан қўзғалганча қутлуғ аскаргоҳга қараб кетди. Бироқ, икки манзил ҳам юрмасдан тўсатдан, орқаларидан душман қўшини қораси кўриниб

қолди. Шижоати кўп ва жасурликда ягона ҳамда ўзи каби амирлардан ана шу жиҳатлари билан анча устун турувчи, ор-номуси кучлилигидан уруш пайти баҳодирликни бир лаҳза ҳам қўлдан бермайдиган Шоҳимбий арғун дарҳол илоҳий ва моддий оламини яратган эгамга орқа қилиб, зафар асарли довюраклар туялар карвони ва хачирлар тўдасини қўшин сиртидан айлана қилиб, қалъа ҳолатига келтирсинлар, дея буйруқ берди. Шу тариқа икки томондан жанг олови гуриллаб ёниб, икки тараф жангчилари худда уяси бузилган дарғазаб арилар каби гувиллаб бир-бири устига ташландилар. Аммо, амир Шоҳимбий қанчалик жон чекиб урушмасин ва одамни қўлатувчи ўқ ва сафларни ёрувчи биллак кучи билан душман устидан ғалаба қозонишга уринмасин, ҳеч фойдаси бўлмади. Ёнидаги зафар асарли лашкар аскарлари ҳам тақдир тақозосига кўра, кўплаб яраландилар ва ўзларини ўлим қаъридан четга олиб қочишга тушдилар. Душман қўшини эса тўп-тўп келиб, бир-бирларидан Шоҳимбий кимлигини сўрай бошладилар. Ниҳоят, Шоҳимбийни топиб, асир олдилар ва Сайрамга келтириб, ҳибсга солиб, уни қўриқлашни бир гуруҳ кишиларнинг мажбурият қўлига топширдилар.

Хожамқули қўшбегининг бир гуруҳ қаҳрамонлар билан бирга Бобо султонни таъқиб этиши зикри

Искандар шавкатли хоқон Улуғтоғдан қуёш нурли байроғи маҳчасини тўққуз қаватли равоқ чуққисига етказиб, орқага қайтаётган пайтда Хожамқули қўшбегини, ёнига зафарга ёр қўшинни қўшиб, Бобо султоннинг қаердалиги хабарини билиш мақсадида Манғит томонга жўнатган эди. Хоқон ўшанда бу қўшинга «кундузлари ҳечам йўл юрманглар, фақат кечаси ҳаракатда бўлинглар, тунда ўт ёқа кўрманглар, озуқа учун бошқа жойга одам юбормай, борига қаноат қилинглар» дея буйруқ берди. Хожамқули қўшбеги икки минг кишилиқ довюраклардан иборат сипоҳ билан илғор йўсинида йўлга тушди. Бир қанча манзил ва масофани босиб ўтгач, Жигдалиқ мавзесига етишдилар. Ўша даврларда Адбулмўъмин султон чуҳралари қаторидан жой олган Нозики ўғлон бир гуруҳга бош бўлиб, босқин-чопқин учун душман изига тушган ва муҳолиф кетидан етиб, улар билан жангга киришиб, аммо енгилганича орқага қайтишаркан, Хожамақулининг зафарга ёр қўшинига қарашли қаровуллар дастасига

дуч келди ва бўлиб ўтган воқеани бир-бир сўзлаб берди. Қаровуллар бу хабарни Хожамқули қушбегига етказдилар, Хожамқули бу воқеа тафсилотини эшитгач, дарҳол ул ёмон юлдузли душман гуруҳи орқасидан тушиб, Оққулда ғалабага ёр лашкар душманга етиб олди ва икки томон бир-бирига юзма-юз турганча душманнинг барча аскарлари жангга шай ҳолда уруш сафини туздилар. Ул қудратли туданинг саркардалари Тубичоқ Сайил ўғли ва Қулмон чухра оғоси эдилар. Икки томон бир-бирига қарама-қарши тургач, ҳар икки қўшин аскарлари туп-туп бўлиб, кутурган денгиздек тулқинга келди ва томонлар қаттиқ жангга киришиб, анча шиддатли савашдан сўнг душман кўплиги ва жасурлигига қарамай, чекиниш сари юзланди. Ҳар икки томондан ўқ ва қалқон, ханжар ва қилич, найза каби қуроллар бир-бирига навбат бермай ишга тушган бу олишувда Қулмон чухра оғосининг ўғли ҳалок бўлди, душманнинг аҳлу аёли асир олиниб, ёнларидаги мол-ҳоллари ҳам зафарли қўшин қўлига кирди. Жанг ҳаракатлари тўхтагач, ўлган душман аҳли бошларидан миноралар ясадилар. Улардан энг таниқли тўққиз нафари бошини зафарли қўшиндаги урушқоқ довьораклардан бири орқали яхши хислатли хоқоннинг Кайвонга менгзар даргоҳига жўнатдилар. Ўзлари эса ўша ердан қолган душманларни топиш учун йўлга тушдилар. Учинчи куниси Қорақудуққа етишдилар ва ўша ерда Бобо султоннинг орқа томондан Манғит эли ичига киргани хабари жуда аниқ тарзда эшитилди. Бироқ, уларнинг такомиси, яъни от солиб, душман кетидан қувиши ва душман ҳақида маълумот йиғиши то шу ергача топширилган бўлиб, улар белгиланган ердан нарига ўтишга ўзларида ҳуқуқ топмадилар. Шунинг учун ўша ердан орқага қайтдилар.

Аммо, учинчи манзилда Бобо султон довьоракларидан иборат яна бир тўп кишилар Хожамқули қўшини олдидан яйдоқ ва очик бир ерда чиқиб қолиб, икки орада жанг олови алангаланиб, ниҳоят, ғалаба насими Хожамқули қушбеги байроғи томон эса бошлади ва душманлар қочиш водийси сари юзландилар. Зафарли қўшин аскарлари эса улардан анчасини ҳалокат гирдобига итқитиб, жуда кўп молу асбоб ҳамда уларнинг аҳлу аёлини ўз тасарруфлари доирасига киритдилар. Душманнинг эътиборли кишилари ўғилларидан тўққиз нафарини Саъид Муҳаммад олачапонга қўшиб кутлуғ мавкабга жўнатдилар. Ўзлари Хожамқули қушбеги етакчилигида улар кетича қўзғалиб, Сигноқнинг

юқори қисмидаги Еровуз туқайига етдилар ва Хонқулибий дурмон беркитиб утирган қўрғон сари йўналдилар. Кўп уруш ва қаттиқ жанглардан сўнг Хонқулибийни асир олиб, молу матоҳ ва уша атрофдаги кўплаб оту туя ва шу каби чорва молларини ҳам қўлга киритдилар. Ва жумодилаввал ойининг охирлари⁴⁵⁰ да ушланганларни Зуҳал маконли даргоҳга келтириб, мақсади ҳосил хоқон оёғини ўпиш бахтини топдилар. Уларнинг кўнгилга хуш ёқувчи бу хизматларини кўрган ул ҳазрат Хожамқули қушбеги ва довюраклик майдонининг бошқа ботирлари ҳаққида турлитуман лутф ва меҳрибонликлар кўргузиб, ҳар бири кўнглини подшоҳона инъом ва хусравона туҳфалар ила қувончларга тўлдирди. Шундан сўнг ул ҳазрат Хожамқули қушбегига «қамал жангида фаол қатнашиш ва хоқон билан Ибодуллоҳ султон турган жойдан мулжар ковлашга киришиб, тез фурсатда уни хандақдан ўтказиб, қалъа буржлардан бири тагига етказсин» деган фармон берди.

Шу аснода ҳазрати аъло арзига «Тоҳир султонга тарафдор бир гуруҳ кишилар уни олий мавкаб остидаги тутқинликдан қутқармоқ тараддудиди эмишлар» деган гапни етказдилар. Шунга биноан, уша кунисиёқ, соҳибқирон хоқон Тоҳир султоннинг оёғига оғир банд урдириб, фалакни алдовчи даргоҳга келтиришни буюрди ва давлатхона, яъни қароргоҳ олдида бир чуқур қаздириб, Тоҳир султонни энди ўшанга ташлатиб, ҳибсда сақлашни маъқул топди. Айни пайтларда Иқим отолиқнинг олий даргоҳга юборган арзадошт мактуби етиб, унда айтилишича, ёрдамга келётган тўп қозонлари Сирдарёдан ўтказилган, аммо йўлда айрим бебошлар хавфи мавжуд бўлиб, йўлтўсарлардан ҳимоя қилиш учун кўмак кучи лозим экан. Бу хабар хоқон арзига етгач, ул ҳазрат дарҳол Қулбобо Кўкалтошга ногора ва сурнай билан йўлга тушиб, келётганлар олдида чиқиш ҳамда уларни тўла дабдаба-ю асъаса билан қўтлуғ лашкаргоҳга олиб келишни буюрди. Тўплар етишгани эртасига соҳибқирон хоқон ўт очувчилар ва манжаниқ отувчилар уруш оловини ёқиб, қозон тўплари оғзини қалъа томонга қараб тўғирласинлар, дея фармон берди. Устод Рухий тўпчибоши вафот этгач шу мансабга тайинланган Мирак ясовул тўпчибоши ёнидаги ўт очувчилар ва тош отувчилар билан бирга аррода ва манжаниқлар қисмларини бир-бирига маҳкамлаб, уларни яроқли ҳолатга келтириб йиғдилар ва ўт очишга тушиб кетдилар. Қалъа ичига келиб тушган ўтдан қўрғон

аҳли жони жизғанақ, молу ҳоли ҳалақ ва хоқон душмани тарафдорларининг ҳаёт хирмани куйиб кулга айланди, отилган оғир-оғир тошлардан қалъа кунгураси бошлари чил-парчин бузилиб, ерга қулади.

Бобо султоннинг Манғит вилоятидан қайтиши ва Таваккал султон қозоқ қулига тушиши

Бу воқеанинг қисқача шарҳи шуким, Бобо султон мулк ва молдан айрилиб, уларнинг ҳаммасини аъло ҳазрат ихтиёрига ташлаб қочғач, аҳлу аёли билан йўналиш байроғини Манғит сари қилпиратди. Ул диёр ҳоқимлари бу султон келаётганидан хабар топғач, кутиб олиш шароитини адо этиб, зиёфат ва меҳмондорчилик асбобини тартибга келтирдилар. Бир неча кун ўтгач эса зотида ёмонлик ва табиатида ёвузлик хислати мавжуд Бузахур султон Бобо султонга «ҳозирча, модомики, султонлик даргоҳида жуда кўп тарафдор одамларимиз бор экан, кўнгилга келмоқдаки, ҳийла ишлатиб, Манғит волийларини зиёфат ва меҳмондорчилик расми билан ҳузуримизга чорлайлик, сўнг билдирмасдан улар жонига қасд қилиб, ҳалокат жарига итарайлик-да, бир неча муддат бу ён-атроф ерларни ўз тасарруфимизга киритиб ўтирайлик. Сўнг кўрайликчи, тақдир нимани биз ҳаққимизда раво кўраркан?» деб қолди. Аммо, бу гапдан хабар топган айрим кишилар, Бузахур султон ва Бобо султоннинг шум ниятларидан даҳшатга тушиб, дарҳол Манғит волийлари олдига чопдилар ва уларни ёғилажак бало ёмғиридан огоҳ қилдилар. Манғит волийлари Бобо султон макридан хабар топғач, ҳар ҳоқим олдин улар ёнидаги ўз одамларини чақириб олдилар ва сўнг барчалари бир бўлиб, Бобо султон устига шабихун уюштиришга қарор қилдилар. Бирок, бу тунги ногоҳоний босқин амалга ошмасдан бурун Бобо султон манғитликлар режасидан огоҳлик топиб, айрим амирлари маслаҳатига кўра тезда Тўра вилоятига қочиб кетадиган бўлди. Бир тўда бетадбир кишилар эса «дарров давлат ва мамлакат, тожу тахт ва шунча бахту халқни бировлар қулига ташлаб кетаверниш оқиллар иш бўлмас, ҳали вилоятимиз ён-теварагида аскарларимиз кўп, яхшиси, вилоятга қайтайлик-да, уларни ўзимизга қўшиб олайлик ва кўп одамлар билан Дўстум султон ва Мўъмин султон ҳамда бошқалар қамал қилиб ўтирган Аҳсиқат ва Шоҳруҳия устига юриш қилайлик, шунда, бизнинг юри-

шимиз хабарини эшитган Абдуллахон, балки Саброн қамалини тухтатиб, биз томонга йўналиб қолар ва қалъа аҳли бу тадбиримиз шарофатидан қамал машаққати азобларидан кутулишга эришар» дейишди. Бобо султон бу маслаҳатни ёқтириб, тўла қўрқув ва даҳшат гирдобиди юзини Туркистон томонга қаратди ва ажал доруғаси ёқасидан маҳкам олиб, югуртирганча қилич дамига гирифтор, пиёда суратда тақдир қазоси ҳузурига сазовор этиб, белидаги камардан ушлаб судраганча эса йуклик оламига саёҳат учун олиб бораётганидан беҳабар ўша томонга йўналди. Алқисса, дашту биёбондаги бир неча манзили макон ва масофани босгач, Сигноқ шаҳридан ўтиб, унинг атрофига қўш ташлашди. Тирикчилик ашёларидан емак-ичмоқ озуқаси ва кийим-кечак келтириш мақсадида уз мулозимларидан иккита одамни яширинча Туркистон томонга юборишди. Юборилганлар фармонга биноан Ясси томон ошиқдилар. Бироқ, керагича қимматли кийимлар олиб, орқага қайтиш чоғи тақдир тақозосига кўра, кутилмаганда, қозоқ султонзодаси Таваккал султон мулозимларига дуч келиб қолишди. Чунки, бу қозоқ султони ҳазрат соҳибқирон буйруғига биноан ўша пайтдаёқ зафарпаноҳ лашкаргоҳдан икки-уч кунлик йўл масофаси ташқари чиқиб, сипоҳ атрофида чандовулик қилиб ўтирарди. Мулозимлар тугилганларни роса суроқ қилгач, уларни Таваккал султон ҳузурига келтиришди ва Бобо султон воқеасини бир-бир унга сўзлаб беришди. Таваккал султон бу ҳолдан огоҳлик топгач, дарҳол аъло ҳазрат томонга одам юборди. Аммо, ул хабарчи аъло ҳазрат ҳузурига етишмасдан туриб, душманга нисбатан жуда камчиликни ташкил қилишларига қарамай қозоқлардан бир гуруҳи ўзбек султонлари қўшини билан биргалашиб, ҳаракатга келишди ва тезликда илғор солиб, Бобо султон билан Бўзахўр султон ўта хомтамалик билан ош пишириш ўйида ўтирган маҳалда улар устига бостириб боришди. Уларнинг назари узоқданок зафарли қўшин қорасига тушгач, қочиш водийси сари юзланиб, бевафолик йўлини танлаган Бўзахўр султон эса кутилмаганда ёнидаги ҳамроҳи Бобо султондан айрилганча Сайрам томонга оёқ босди. Бобо султон ёлғиз ва танҳо шўппайиб қоларкан, дилни пора қилгувчи ҳалокат қаъридан қутулиб, жон сақлаш чорасини қилич ва найза ёрдамидан излади. Аммо, ниҳоят, бу ҳам кор бермагач, тадбир ўқи аллақачон қазо камонидан отилиб чиққанини билиб, енгилишдан бошқа чорани кўз олдига келтирмай, шу сабабли ўз ўғли Латиф

султон билан видолашди ва ел эсгандаги сомон аҳволига тушганча саргардон ҳолатда уз отолиқи Жонмуҳаммадбийга «бало селини ёғдираётган бундай туфон ичидан қутулишнинг ягона йулини фитна қули этагига етишга калталиқ қиладиган ушбу тоғ устига чиқиб кетиш орқали куч-қўлонни бу ҳалокат денгизидан омонлик соҳилига етказа олишимизда кўрмоқдаман» деди. Бобо султон шу ниятда отига миниб, қўрқув ичида ушбу диёр амирларидан энг устунроқ ва эътиборлиси бўлмиш Жонмуҳаммад отолиқ билан бирга юзини тоғ сари от қаратди. Бироқ, қанча уринмасин, шамолдан ҳам тез юрувчи рахши устидаги юкни ушбу ҳалокат қаъридан ташқари олиб чиқиб кета олмади. Ниҳоят, юришдан қолди ва Таваккал султон қозоқ Латиф султонни ушлаб, уни ва бошқа бир нечта асирларни давлат устунларига топширгач, Бобо султон изидан қувлашга тушиб, шу аснода у ҳам етиб келди. Тарафлар бир-бирини яқиндан кўргач, Бобо султон ва Жонмуҳаммадбий ута тушкун ва ҳазин ҳолатда орқага угрилиб, қўлларини уқ-ёй томон чўздилар ва икки ўртада уруш олови аланга олиб, жанг чоғи қон оқизувчи уқ борди-келдиси асносида бир пайкон бахти қаро Бобо султоннинг жон чиқар томирига бориб қадалди ва қон шириллаб оқиб, султон отдан ер узра қулади ва тушган жойида муздек қотди. Таваккал султон унинг Русами дoston билан тенглик даъвосини қилувчи, Соми Наримон билан баробарлик лофини урувчи бошини танидан жудо қилди. Ражаб ойининг ун еттинчиси⁴⁵¹ сешанба куни Таваккал султон Бобо султоннинг ўғли Латиф султон ва Жонмуҳаммадбий ва яна бир нечта асирларни Кайвон аломатли даргоҳга олиб келди ҳамда Бобо султон бошини эса олний тахт пойига ташлаб, хизмат палосини ўпди ва қилган ишнини баён тили билан арзга етказди. Аъло ҳазрат Таваккал султонни турли-туман инъомлар билан сийлади ва қадри пояси ва мартаба даражасини юксакка кўтариб, уз яқинлари ҳасадига ҳасад қушди. Шунча сарупо ва нақдина пуллар устига-устак Самарқанд Суғдининг энг яхши мамлакати саналган Офаринкент йиллик тушумини жалду йусини билан унга иноят қилди.

Шундан сўнг соҳибқирон хоқон Қулбобо Қукалтошга Латиф султонни олиб, қалъа остига бориш ва Бобо султон улими қиссасини Саброн шаҳри аҳлига батафсил етказиб, яна ушбуларни етказишни буюрди: – Илгари бизга айтадиган сўзингиз «Бобо султон валинеъматимиздир ва у бу мавзени бизга топшир-

ган. Агар уни сақлашда гафлат ихтиёр этсак, куфрони неъматлик қилган бўламиз ва бу ердаги барча халқнинг бизга нисбатан ишончи йўқолиб, подшоҳимиз тирик бўлатуриб, бу каби ишлар сиз томондан содир булди, деганча бизни таъна тошларига кўмиб ташлашади» қабалидаги баҳоналардан иборат эди. Мана энди Бобо султон бизнинг жасур аскарларимизнинг қудратли билак кучидан бошини оёқ ўрнига қўйган, ғазабимиз шамолидан ер тубан қулаган айни чоғда тагин қандай баҳоналарни рукач қилмоқчи ва қандай ҳийла этагидан ёпишмоқчисиз?

Қулбобо Кўкалтош Латиф султон билан хандақ четигача бориб, қалъа ичидаги Жонфулод бийни чақиргач, Бобо султоннинг руй берган улими воқеасини бир-бир унга баён қилиб берди. Хоқон нимани айтишни топширган бўлса, барчасини унга сўзлаб берди. Аммо, Фулодбий ва Абдусаттор султон қалъанинг бошқа одамлари билан бирга жаҳолат ботгоғига ботиб, тубанлик қаърига чуқур кетганлари сабабидан мазкур воқеаларни ёлгон ўрнида билдилар ҳамда шу тушунча орқасида кибр ва манманлик тупроғини ҳавас боши узра сочиб, жабр оёғини низо йўлига қўйдилар.

Ул ҳазрат бу такаббур туданинг душманлик йўлини танлаганидан хабар топгач, ўша кечасиёқ қаҳр ва сиёсат шихнаси Тоҳир султон ва Абдулатиф султонларни жавобгарлик мақомига келтирсин, дея ҳукм берди. Уткир қиличлар жавҳари оёқ остидаги дашт тупроғини мазкур султонлар ва уларга тарафдор бошқа ушланганлар қони билан бирга қип-қизил рангга бўяб, ердаги кесакларни Бадахшон лаълига айлантирди, уларнинг уjar бошларини ёр бермас бўйинларидан шарт кесиб, таналаридан жудо қилиб, тубанлик тупроғи узра улоқтирди. Эртаси куни чечан аломатли мунший мулло Ҳайдар Муҳаммад фатҳномалар битди ва хоқон уларни Бобо султон ва бошқа яқинлари боши билан бирга тавочилар орқали Бухоро, Самарқанд, Балх, Ҳисори Шодмон ҳамда бошқа барча тегишли вилоятларга юборди.

Индинига қуйидагича олий фармон чиқарилди: – Гардун аломатли аскарлар олдиндан ҳозирланган нарвон ва тураларни муҳайё қилиб, урушга тайёрлансинлар ва ҳар ким ўз мулжарида қулоқларини динг қилиб, қачон карнай ва довул товуши ушбу кўк фалак сари ўрласа, ҳаммалари дарҳол совут ва хафтонлар этагини белларига маҳкам бар урсинлар ҳамда эгаллаш арқонини қалъа кунгураси устига отсинлар. Одатда қалъа ва шаҳар-

ларни эгаллаш иши кундузлари ниҳоятда қийин бўлгани учун ҳукм бердикки, Абдулмуъмин султон мулжаридан ер ости йули ковлаб, нафтни хандақдан ўтказиб, қалъа буржларига етказган нақибчилар уша нафт билан қалъа остидан тешилган даҳана оғзини тўлдириб, унга ёғочлар билан бирга ўт қўйсинлар. Қорағозий ва Жаҳонгирий қозонлари тутантириғига ҳам машъала тўтиб, шунингдек, тўп ва туфанг, аррода ва замбаракларни ўтласинлар ва уларнинг қора тутуни айланувчи осмон юзини қоплаб, замона ўз устига мотам либосини ёпинсин ҳамда бутун олам қоронғулик гирдобида қолсин, ана ўшандан сўнггина подшоҳлик аломатли довюрак жангчилар урҳо-ур садолари остидан уруш оловини бемалол аланга олдираверсинлар.

Шу ишлар амалга ошгач, ҳақиқатдан ҳам довул ва карнай садолари тоғу тошни ларзага келтирди, замину замон бир бўлиб, азадорлар каби қора тусли кийим кийишди.

Ва қалъанинг тагига нафт етиб борган шохбуржи бошқа жуда баланд фасил ва лангари билан бирга бузилиб, вайрон бўлди. Миррих шиорли баҳодирлар йўлбарсдек бирданига қалъа томон юзланиб, тўпроқ тўсиқлар устига чиқдилар ва мустажоб бўлғувчи дуо каби юқори томонга ҳаракат қилиб, барчаси чумоли ва чигиртка сингари қалъа устига ўрмалаб кетдилар. Дастлаб, қаҳрамонлик додига етган шижоатли Гулобод Баҳодир бузилган девор устига чиқиб, душман билан жангга киришди. Шунингдек, жаноб Абдулбоқибий дўрмон, жаноб сайид амир Қурайш Касби(ғ)ий⁴⁵² ва Мирзо Хушим, Дўстум баковул арғун, Дўст чўҳра оғоси тепага кўтарилиб, мардонавор саъй-ҳаракатлар ва баҳодирона жанглар қилишди. Абдулмуъмин султон қўшинидан бир гуруҳ кишилар ҳам мардлик намуналарини кўрсатдилар. Оллоҳдод отолиқ керойит, Абди Мирзо наймон, Навруз парвоначи ўғли Шоди Мирзо, Жаъфар мирохўр қатаган ўғли Қосим Мирзо, Содиқ Мирзо ва бошқалар ҳам хафтон этагини қайирганча белига маҳкам боғлаб, олдинга юрувчи тураларни олиб, қалъа томон юзландилар. Ул тарафдан ҳам сабронлик баҳодирлар ўқ-ёй, қиличу найза сари қўл чўзиб, зафарли қўшиннинг қалъа устига чиқишга муваффақ бўлган кишилари билан олиша кетдилар. Хандақ четидан бурж бошигача бир ўқ отими масофадаги мансур лашкар одамлари ҳам у томондан қарға ва ари тўплари шаклида ширин жондан кўнгил узиб, ғувиллаб югурганча ўзларини қалъа деворларига уришарди. Қалъа аҳли томондан ёмғир-

дек ёгилаётган уқ, милтиқ, тош ва занбарак уқлари оқимини писанд билмасдилар, агар улардан қайси бири ярадор бўлиб йиқилса, бошқалари оёғи билан шу ярадор дўстлари бошини босқилаганча юқорига тирмашар эдилар. Қанчадан-қанча ярадор ва улганларни четга суриб, бир-бири устига қўйганларида баланд тепаликлар ҳосил бўларди. Қалъа девори жуда баланд бўлгани учун унинг тепасига фақат уч оёқли нарвонлар қўйилсагина етарди. Қалъа атрофидан қазилган зовур нақ девор этагигача келган эди. Қалъа фасилининг ҳар ер, ҳар ерида махсус сандиқлар уққа тўлдириб қўйилган ва уқ-ёйчилар, милтиқ отарлар уша ердан туриб, қалъа девори шинаклари орқали, қулай ва пана жойдан пойлаганча, ҳамлачилардан қайси бири пастдаги тупроқ тўсиқ этагида пайдо бўлса ёки қалъа тепасига чиқса, аниқ мулжалга олиб отар ва камон, милтиқ уқлари билан уша жойдаёқ уларни шамдек қотирар эдилар. Бундай усул жуда самарали қўлланганидан, тепага чиқишга муваффақ бўлганларнинг жуда кўпи қалъа тепасидан хокрез остига қулаб тушишди ва жонларини шу зайл хатарда қолдиришди. Бу ҳолни ўз кўзлари билан кўрган ул ҳазрат кўнглидан «ҳозирча қалъани олишни бироз кечиктириб, мақсадга етишиш ишини орқага суриш лозим экан» деган фикр ўтиб, жангни тўхтатиш таблицни чалиш ва орқага чекиниш туғини кутаришни буюрди.

Шоҳрухия аҳолисининг қамалда қийналгани ва ҳалокатдан қутулгани зикри

Бу сўзнинг баёни шуким, Искандар нишонли хоқон Сайрам қамали билан банд пайти олий фармонга биноан қудратли султонлардан, дастлаб, Муъмин султон, Маҳди султон, Абдулқуддус султоннинг тўнғич ўғли Севинчмуҳаммад султон ва унинг укаси Саъид Муҳаммад султон, Амин султоннинг Поянда Муҳаммад султон, Ёрмуҳаммад султон каби ўғиллари Шоҳрухия қамалига тайинланган эдилар. Шоҳрухия қалъаси ғоятда мустаҳкам ва ниҳоятда баланд кўрғон эди. Қамал учун келиб, Шоҳрухия кўрғони атрофида қўш ташлаганларидан бир неча кун ўтгач, анчагина ёмон ишлар ва фитналар сабабчиси бўлган Шеримбий наймоннинг Оҳангарон туманидаги жуда мустаҳкам қалъа ҳисобланган Бобожуқ қалъасига кириб, хоқон томонидан қўйилган одамни ўлдириб, кўрғонни бекитиб ўтиргани хабари

эшитилди. Шунга кўра дарҳол Абдуссамадбий уша кезлари Ермуҳаммад султоннинг отолиқи бўлиб турган Аҳмадалибий наймон билан биргаликда юзини ул ноҳиятга қаратди ва йўналиш жиловини давлат душманини тор-мор келтириш сари бурди. Оҳангарон қўрғони тевараги зафар нишонли сипоҳга қароргоҳ бўлгач, тўхтовсиз суратда довюраклар ҳашамат ва дабдаба билан қалъани бузишга юзландилар. Шеримбий наймон ҳам қўрғон аҳли билан ҳамжиҳат бўлиб, қалъа сақловчилик йўлидаги барча ишларни амалга ошириб, катта ҳаракатлар билан мудофаага шай турди. Шу орада жанг ва қалъани бузиш ишлари бошланиб, ниҳоят, чаҳоршанба куниси Абдуссамадбийнинг ўзи ёнидаги Аҳмадали отолиқ ва бошқа жангчилар ҳамроҳлигида қалъа сари юзланиб, ҳиммат оёғини қаҳри қаттиқлик билан хокрез устига қўйди ва уруш билан қалъани эгаллашга киришди. Шеримбий бақриб-чақриб, ёнидаги кишиларни урушга ундар, ўзи эса қўрққанидан қалъа ташқарисига чиқмас эди. Кейинги ҳамла ҳал қилувчи бўлиб, қалъа қўлга киритилди ва Шеримбий ўғиллари ва қариндошлари ҳамда Эски Баҳодир минг ва сарой уруғига мансуб бошқа одамлари билан асир олинди. Қиёмат аломатли лашкар қалъани таг-туғи билан бузиб ташлаб, кунгураларини ер билан яксон қилди ва каттагина ўлжалар ҳам олиб, орқага қайтдилар. Улар Шоҳрухия қалъаси атрофида ўтирган зафарли лашкаргоҳга етиб келишгач, асирларни, айниқса, Шеримбийни ўтмас қилич билан чопқилаб, нимта-нимта қилган кўйи жаҳаннамга равона қилдилар.

Шоҳрухия, бир тарафидан Хужанд дарёси⁴⁵³ оқиб ўтадиган қўрғон бўлиб, унинг бошқа томонларидан ҳам чуқур қазиб, сувга тўлдиришган ва катта анҳорлар ҳосил қилишган. Шу сабабли бу сув уммонидан ўтиб, қалъага яқин бориш имкони йўққа чиқарилганди. Қўрғон ичидагилар ҳам ўта шижоатли ва урушларда чиниқиб, синовдан ўтган баҳодирлар ва жангларда тобланган қаҳри қаттиқ довюраклар эди. Улар қалъани сақлашга қаттиқ киришган кишилар бўлиб, илгари бу ерга ҳужум қилганларни ҳам қалъа девори яқинига йўлатмаган эдилар. Шуларнинг натижасида бу қўрғонни эгаллаш иши бир неча кунга орқага сурилди. Бироқ, бунинг энг асосий сабаби шунда ҳам эдики, икки-уч ойча Абдулқуддус султон табиатида хасталик аломатлари кўриниб, ниҳоят, масиҳодам ҳакимлар ва қўтлуғ қадам табибларнинг даволаш тадбирлари орқасида соғлик тонги мурод уфқидан бал-

қиб чиқа бошлади ҳамда қутлуғ табиати ўз юзини қуйи мақомдан аъло юқорилик сари қаратди. Абдулқуддус султон тўла шифо топгандан сўнг хоқон ҳазрат буйруғига биноан Шоҳрухия қамали учун ошиқди. Шундан кўп ўтмай, кина ўйли сипоҳ кўрғон томон борди ва урушни бошлаб юборди. Икки ўртада қаттиқ олишувлар бўлиб турди ва ҳар хил жанг усуллари қўлланилди. Жумладан, ичкаридан сув учун чиққанларни пойлаб туриб, ҳийла билан қўлга туширишар ёки бир нечта милтиқ отар мерган кишиларни дарё бўйлаб жойлаштириб, ичкаридан сув учун чиққанларни тинимсиз ўққа тутиб, сув олдиргани қуйишмасди. Шу йўл билан қалъа аҳли ичига сувсизликдан ва ташналикдан ўт ёқдилар. Ана шу вақтда, ҳали ҳазрат хоқон тавочиси Бобо султон ва унинг ўғли ўлдирилгани хабарини келтирмасдан бурун, Дўстум султон кўнглига гуё илоҳнинг ўзи илҳом солгандек, қандайдир қувончдан юраги ҳаприқди ва шу шодлик орқасида ноғора-ю сурнай, довул ва карнайларни чалишга буйруқ бериб, хурсандлик овозларини кўк гунбазли фалаккача етказдилар. Қалъа халқи шу аснода Бобо султон ўлдирилгани воқеасини ҳам эшитиб, ночор, ожизликларини тан олдилар ва ушбу пайғомни султон ҳузурига юбордилар: – Гарчи бундан илгари бадбахтлигимиз ва муртад шайтон қутқусига учиб итоат арқонидан бўйин товлаган бўлсак, лекин эндиликда қилган ишимизнинг ўта тубан ва қабиҳликдан иборат бўлганини тушуниб етиб, ўз ярамас феълимиз ҳамда ёқимсиз аъмолимиздан пушаймонлик ила қўл тортмоқдамиз. Агар ҳазрат султон беадаблигимиз устидан йўққа чиқариш чизигини тортиб, айбимизни кечирсалар ва биз асирларнинг бир қошиқ қонини аъло ҳазратнинг қаҳр ва сиёсат шиҳнасида сўраб олсалар, бундан кейин итоат оёғимизни қуллик йўлидан сира ҳам ташқари қўймайжакмиз.

Султон жаноблари Шоҳрухия қалъаси аҳлининг гуноҳидан ўтди ва ражаб ойи охирлари⁴⁴ да Юсуфбий, Мардонғозибий ва Мансурбийлар қалъадан чиқиб, давлат устунларининг айримлари шафелигида Абдулқуддус султон даргоҳи палосини упиш шарафини топдилар. Султон жаноблари уларнинг ҳар бирига лутфу карам айлаб, аъло ҳазрат марҳамати юз кўрсатишидан умидвор қилди ва уларни ўзига эргаштириб, шу ондаёқ Шоҳрухияга янгидан доруға қўйди ва қайтиш учун йўналиш туғини кўтарди.

Энди, отаси Тошкент ҳокими Дарвишхон қатли учун амакиси Бобо султоннинг қонлиси бўлиб, анчадан бери соҳибқирон хо-

қон тарбиясида иззат-икромларга эришган ва ушбу Шоҳрухия қамалида қатнашган Муъмин султонга келсак, бу тошкентлик султон амакизодаларидан кўпларининг ўлимини эшитиб, ўринсиз равишда қўрқувга туша бошлади ва хоқон томонга эмас, балки Уратепа томонга юриб, хоқон марҳамати ила унга суюрғол қилинган юрти бўлмиш Андижон қалъасини ўзига паноҳ билганча йўналиш юзини ўша томонга қаратди. Унинг кейинги тақдири китобимизнинг навбатдаги бир неча саҳифасида зикр қилинажак.

Бузахўр султоннинг Сайрамга келиб, Шоҳимбий аргун томонидан ўлдирилиши

Бу воқеанинг қисқача зикри шуким, Бузахўр султон Бобо султондан айрилиб, уни жанг майдонида якка қолдириб қочгач, йўналиш юзини Сайрам томонга қаратди. Сайрамдаги Абдулкарим султон ва укаси олдиниға унинг ҳаққида лутф кўрсатиб, яхши хизматлар қилиб, келиб бекингани воқеасини халқдан яшириб юришди. Бузахўр султон билан шу тахлит махфий утиришлар уюштириб, ҳар йиғинда энди нима қилиш кераклиғи хусусида кенгаш йўсини билан ундан маслаҳатлар сураб туришди. Бузахўр султон ҳар мажлисда «энг яхшиси душманимиз Абдуллоҳхон давлатининг улуғ устунларидан бўлмиш амир Шоҳимбийни ўлдирайлик ва кўпчилик одамларимиз билан Аҳси томонга борайлик, балки бахтимиз келиб, ўша ёққа бормоқчи бўлиб юрган валинеъматимиз Бобо султон билан ўша ерда қовушсак ва бу тарқоқлик балосидан қутулсак» дея уқтирарди. Абдулкарим султоннинг онаси Бузахўр султон келгани воқеаси ва ўғилларининг у билан иттифоқчи бўлиб юрганидан хабар топгач, ғайбий илҳом ва илоҳий хабар йўл кўрсатуви унинг фарзандларига иноят қилиб, она ўғилларига қараб «бундай бирдамликдан кўнгли хиралиғи ва бу янглиғ ўй-фикрдан дил ўксишидан ўзга самара қўлга кирмаяжак, сира-сира Бузахўр султон сузига кира кўрманглар ва Шоҳимбий жонига қасд қилиб, аъло ҳазрат юзига қарата ўқ отманглар» деди. Ниҳоят тақдир тақозоси ва жаҳонгирнинг баланд мартабали шаҳриёрлик кўнгли илинжи туфайли ғайб наққошхонасидан ажойиб бир сурат жамол кўрсатдики, унга ўхшаши ҳали бу яқин ораларда олам ойнасида жилоланмаган эди. Унинг тафсили қуйидагичадир: Бузахўр султон Сайрам султон-

лари мададига ишониб, улар билан иттифоқчилик расмини уй-хаёлига чизиб юрган бўлишига қарамай «Сизлар бир нарсани яхши кўрасизлар, ҳолбуки, у нарса сизлар учун ёмондир» деган гайбий ишорага кўра, унинг умид режалари аксинча натижа берди. Сайрамлик султонлар шу аснода ўзларига кулиб боққан бахт раҳнамолигадами ёки ўз табиатидаги хислатларидан келиб чиқибми, ҳар қалай, Бўзахўр султон масаласи бўйича уйлаб-уйлаб, ниҳоят, бир ёқадан бош чиқарганча уни ўлдириш устидаги қарорда бир тўхтамага келишди ва бир нечта кишилар билан олмапаноҳ даргоҳга ариза ёзиб жўнатдилар. Шу орқали ўз қарорларини ул ҳазратнинг нурли кўнглига аён қилдилар. Юборилганлар катта умидлар билан қутлуғ ўрдудан қайтиб келгач, сайрамлик султонлар Бўзахўр султон иши Шоҳимбий томонидан бир ёқлик қилиниши ва унинг фитнага тўла боши мазкур амир томонидан кесилишини маъкул кўрдилар. Шу қарор бўйича Шоҳимбий аргун ҳам кундузи Бўзахўр султон ўтирган уйга бостириб кириб, ёнидаги ўз кишиларига дунёни Бўзахўр султоннинг ёмон ишларидан халос этиш мақсадида сиёсат қиличи билан унинг гавдасини боши оғирлигидан енгиллатишни буюрди. Ахир шундан ортиқроқ яна қандай ажиб бир воқеа бўлсинким, биттаси умр бўйи кабутарга ўхшаб, шоҳлик лочинидан қочганча қутулиб юрса-ю бир кун келиб умид дони ҳавасида ўзи ажал домига тушса.

Мисра: Овнинг ажали етса ўзи овчи олдига боради.

Яна бири, аниқроғи, икки ойлик тутқунлиги мобайнида ҳар соату ҳар сония Бўзахўр султон томонидан ўлдирилишини кутиб ётган Шоҳимбий эса қазову қадар тақозоси ва яхши хислатли шаҳриёрлик давлати қудратидан унинг ўзини бир тўдага буюриб, ҳалокатига сабаб бўлса ва шу таҳсинга сазовор иши билан айём саҳифасида яхшилик билан ном қолдирса, бунга нима дейиш мумкин, ахир?!

Зафарга ёр қўшиннинг Саброн қалъасини эгаллаши зикри

Бу воқеанинг баёни шуким, ҳазрат соҳибқирон хоқон Саброн қўрғони атрофида мазкур қалъани эгаллаш учун жангга киришган, аммо вақт тақозосига кўра орқага чекиниб, қайтиш ноғорасини чалдирган куниси бу ноилжликнинг сабабини душманнинг исён йўлини тутиб, сурбетларча ёғийлик этганида кўрган соҳиб-

қирон хоқон кунгли қаттиқ оғринди ва қушин бошлиқлари, даргоҳнинг паҳлавонлари ким бўлишидан қатъий назар, қаерда жойлашган бўлсалар, ўша ердан матин ёрдамида ерни ковлаб, тешик ҳосил қилсинлар ва ер ости йўлини қазиб, хандақ остидан ўтказганча девор буржлари тагигача олиб борсинлар, дея буйруқ берди. Бир неча кун давомида мазкур ишлар амалга ошгач, ким бўлмасин ўз мурчалидан чуқур ва нақб ковлаб, қалъа тагидан чиқдилар. Қалъа аҳли бундан жуда ташвишга тушиб, энг мақбул ишни ул диёрнинг улуғлари ва шарифлари хизматига етиб, уларни шафеъ сифатида ташқарига сулҳ тузиш учун юборишда кўрдилар. Шунга кўра, мударрис ва муфти, зоҳиду тақводор кишилар олий даргоҳга келиб, айрим амирлар воситачилигида аъло ҳазрат қўлини ўпиш шарафига эришдилар. Муносиб пешкашлардан турли-туман ҳадя ва тансиқ совғаларни ул ҳазратнинг нурли назаридан ўткардилар. Ҳамду сано ва дуоғўлик маросимидан сўнг тўғрилиқ қўлини садоқат ва софлик энгидан чиқариб, ихлос юзасидан оёқ устида турганча тавба-тазарру юзини заифлик ва итоат тупроғи узра суриб «Эй раббимиз, ўз нафсимизга зулм қилдик, гуноҳимизни кечиб, раҳм қилмасанг, зиёнкорлардан бўламиз⁴⁵⁵» мазмунини адо қилдилар.

Ул ҳазрат қалъадан келганлар жавобида шундай буюрдилар: «Саброн қамали учун келган пайтимизнинг биринчи кундаёқ халқ тинчлиги ва мамлакат бутунлигини ўйлаб, қалъа девори остига одам юбориб, камоли марҳамат юзасидан қуйидагича шафқат сўзларини айттирдик: «Агар осойишталик уйини тўғрилиқ ва тинчлик кўчасидан топмоқ истасангиз, низо ва жанжал қамраган қалъадан ташқари чиқиб, омонлик ва хавфсизлик ҳамда нажот йўлини тутинг. Яъни, итоат арқонини бўйинга ташлаб, қалъа ҳукуматини даргоҳи фалакни алдовчи наввоб қўлига топширинг. Акс ҳолда ушбу фасоҳатли «у тоифа билан, оллоҳнинг амрига қайтганларича, уруш қилинглар⁴⁵⁶» каломи мазмунича олий даражали ҳимматимиз ул фирқа ҳолини паришон этиш, молини пароканда қилишга сарфланади». Аммо, бизнинг ваъда-ю огоҳлантириш сўзларимиз ул гуруҳ кўнглидан жой олмади, мана энди аҳволлари оғирлашиб, изтироб чекиш даражасига етишгач, қўлларини ёлвориш энги ва кечирим этаги сари олиб бормоқдалар, ожизлик юзини итоату бўйсунуш тупроғи ҳамда хору зорлик замини узра сурмоқдалар. Энди уларнинг бундай ялтоқланишидан ҳеч қандай фойда чиқмайди. Чунки, илоҳий иноят

ила бу қалъа озодлиги муяссар бўлмагунча, уни олиш қароридан қайтмаслик ҳақида аҳд қилганмиз. Шу айтганимиз бўлмаса, бизнинг ётиб-туришимиз, емак-ичмагимизда ҳеч бир ором ва тинчлик бўлмайди. Мабодо, ушбу айёмда, айрим заифу бечора ва мискину фақир кишилар ёлвориши ва шафоат тилашлари юз хотирини қилиб, қалъа қамалидан оёқ тортсак, узоқ-яқиндагилар ва турку тожиклар буни зафарга ёр қўшинимиз заифлигига йўйишлари мумкин. Бундай воқеанинг юз бериши эса давлатимиз шон-шўхрати камситилишига сабаб бўлажак. Билдирган бошқа истакларингиз бўйича эса, иншоллоҳ ғалаба чеҳраси юзидан пардасини кутарса, ушанда вақт тақозосига кура амал қилинади.

Хоқон ўша кунисиёқ қалъаликларни тўнлар кийгизиб, изларига қайтарди. Барча султон ва амирларга эса «қишламиш» режасини тузиб, қамиш ва ёғочлардан уйлар ясаш, қиш фаслига қандай ашёлар лозим бўлса, худди шундай тарзда ва миқдорда тайёргарлик куриш юзасидан олий фармон берди. Бироқ, ул ҳазрат истаклари ғайб чимилдиғи ортидан куриниш беришидан олдин, хонликнинг ушбу мазмундаги жаҳон бўйсунувчи фармони чиқарилди: – Шаъбон ойининг иккинчиси⁴⁵⁷ чаҳоршанба оқшоми ғалаба аломатли аскарлар уруш қурол-аслаҳаларини ҳозирлаб, йўналиш юзини қалъани фатҳ этишга қаратсинлар.

Қутлуғ фармонга биноан нусрат нишонли довюраклар қаҳрамонлик совутини эгнига, баҳодирлик дубулғасини бошига кийиб, темир совут ва хафтанлар этагини белига уриб, ғазабланган фил ва ваҳшиёна укирган арслон каби кечаси ҳаракатга келдилар. Каттиқ шамол сингари елиб, юқоридан пастга оққан сув каби купириб-тошиб, ул адашган гуруҳ бошига жанг майдони тупроғини сочиш ва беҳуда қувончларини ғам-андухга айлантириш учун қалъа томон юзландилар.

Бир неча йиллардан бери отаси Хусрав султон қасосини ул самарасиз душмандан олиш орзусида юрган Исфандиёр султон оловдек гуриллаб ва қутурган денгиздек купириб-тошиб йўналиш юзини қалъа томон қаратиб, Қулбобо Кукалтош ҳамда лашкарнинг бошқа сардор ва баҳодирлари билан бирга қўрғон сари иқтидор билагини ёйдилар. Ноғора ва карнай овозлари кўкка етишди, баҳодирлар укирик товушлари ва муборизлар чақириқлари осмон куббаси устидан ошиб, Кайвон айвонига қадам қўйди. Қалъа томондан ҳам жуда кўп одамлар қўрқинчли аждаҳо ерда

Урмалаган, балиқ денгизда сузган каби илонсимон найза-ю Уклар билан курулланиб, қалқонларни бошига тутиб, ут сачратувчи пайконларга кину адоват захрини суриб, қалъа девори устига чиққанча ноилож мудофаа ва қаршилик ишига киришиб, пастга қараб ўқ ёмғирини ёғдира бошладилар. Ажал қули умид ёқасидан олиб, икки томон аскарлари деву жинлар каби бир-бирига ёпишдилар. Душман қўшини биринчи ҳамлада зафарли аскарларнинг тепага чиқишга улгурганларини найза ўқталиб, қилич сармаб ёки ханжарларини олдинга ниқтаб, пастга қулатардилар. Чунки, қалъа девори усти жуда тор булиб, тепага чиққан одамнинг унда ўз гавдасини бир хил мувозанатда ушлаб туришига ҳеч имкони йўқ эди. Кунгура боши тарафидаги пастки қисмдан то тагига тушгунча девор шундай ўткир қиррали қилиб қурилган эдики, сабо хабарчисининг ҳам ундан ўтиши қийин туюларди. Ички томондан ҳам аслий девор баробарида юзма-юз қилиб яна бир девор кутарган эдилар ва қалъани асосан ўша девор устидан туриб қуриқлардилар.

Шу аснода зафар нишонли шахриёр хоқон султонзодалар ҳамроҳлигида елдек учар раҳшига миниб, урушни кузатиш, виқорли лашкар руҳига тетиклик бағишлаш мақсадида хандақ қирғоғида турди. Буни кўриб, асл маънини ҳис этган ғалабага ёр қўшин аҳлига хон давлати саодатидан илҳом етиб, кучларига куч, шавкатларига чексиз шавкат қўшилди. Янгитдан ҳаммаси бирданига қахрамонлик билагини уруш майдонида ялонғочлаб, бор кучлари билан ўзларини қалъа девори тагига етказдилар. Айримлар оловдек пастдан юқорига қараб ўрмаладилар. Баландлик оёғини Фарқад юлдузи⁴³⁸ устига қўювчи ва бошини Минтақатулбурждан ўтказувчи шундай қалъа девори тагини шу даража кўп қазилган чуқур ва коваклар билан кабутар инига ўхшатиб, дарча ва тешикчаларга тўлдириб ташладилар, осмон қасридан ва ой, қуёш буржидан ўтувчи кунгураси бошларини ер билан яксон қилиб қулатдилар. Буни кўрган душман қўшини ичига ғулғула ва кўнглига қўрқув сипоҳи йўл топиб, дилларига изтироб тушди. Подшоҳлик савлати бургути ваҳшатидан даҳшатга тушиб, тум-тарақай тарқалдилар ва шоҳлик қаҳри лочини ҳайбатидан қочиш йўлини тутиб, қалъа девори буржларини кимсасиз қолдирдилар.

Алқисса, Саброн қалъаси зафарли қўшиннинг қудратли қулига ўтгач, қаҳру ғазаби қайнаб турган аъло ҳазрат «қалъа

ичидан туриб қалъа сақловчилик расмини жонбозлик билан адо этган кинали тирандоз ва туфангчи узбеклар жамоаси ҳамда девор устидан туриб жаҳолат ва нодонлик юзасидан зафар паноҳ қўшин устига ўқ ёғдирган тожиклардан айримларини қиличдан ўтказиб, ул бебок гуруҳнинг вужуд ғиштини бу олам қолипидан кучириб ташласинлар» дея буйруқ берди. Шунга кўра мансур лашкар ул бадбахтлик ва ғазабга йулиққан фирқани бечоралик ва бахтсизликка дучор қилиб, бир тўпига қиличнинг обдор шиша қадаҳидан улим шаробини ичирдилар, айримларидан ёшу қариси қулоғига баравар қилиб, ўқ элчиси орқали жон олиш хабарини етказдилар. Улганларнинг кўплигидан теп-текис дашт юзи тепаликка айланди, ярадорлар қонидан шу тепаликлар узра сел ёққандек бўлди. Сувдек ялтироқ қилич билан ул елдек учар тупроқ аломатли кишиларни жаҳонни куйдирувчи қаҳру итоб ўтига ташладилар. Бўйин товловчиларнинг ўжарлик туйғуси ҳамда нодонларча тарафдорлик ва такаббурлик ҳислари билан тўлган бошларини найзалар учидаги туғга айлантирдилар. Зафарпаноҳ лашкар ёмон ниятли кишилардан қайси бирини қўлга туширсалар, шу жойдаёқ дарҳол фитна-фасодга кон бошларини шамшир билан танларидан жудо қилдилар ва отлар туёғи остига ташлаб, човгон тўпчасига айлантирдилар. Жаҳонгир шаҳриёрнинг муборак кўнгли қўлга тушириш орзусида юрган Абдуссаттор султон уша қочиш пайти ва кетидан ахтариш маҳали тақдир тақозосига кўра ўнг ва сўл чуҳраларининг кучли қўлига тушди ва Раҳимқули чуҳра оғоси ва Дўст чуҳра оғоси мулк эгаси бўлмиш хоқон топшириғига кўра уни пиёда етаклаб, Исфандиёр султон узангиси пойига олиб бордилар ва қўлидан ушлаб, ажал сийратли турк қўлига топширдилар. Мақсади ҳосил султон Исфандиёр султон унга нисбатан ғазаб ва нафрати орқасида шу заҳотиёқ сувдек ялтироқ қилич билан бошига туширди, бошқалар эса унинг ишини охирига етказиб, бошини бўйнидан чирт уздилар. Шу орада музаффар туғли довюраллар Жонфўлодбий уйшуннинг қўлини боғлаб, бўйнига арқон ташлаб, олий даргоҳга олиб келдилар. Ул ҳазрат гавҳар сочувчи тилини сўзлашга ростлаб, итоб мақомида турганча унга қарата шундай хитоб қилдилар: – Эй, тузим тутгур, сенинг ҳаққингда нима ёмонлик қилибмизки, вилоятимизни ташлаб, душманлар томонга ўтиб кетибсан?! Бу ҳам етмагандек, қачон қарасанг, фитна қўзғатиб, уруш тупроғини бошинг узра сочиб

юрдинг, биз билан чиқишиш ўрнига қон тўкувчи найза билан келишув кўксини яралашдан чарчамадинг.

Жонфулодбий бу суроқларга жавоб топа олмай, уятли бошини юқори кутаришдан ожиз қолди. Ул ҳазрат бошқаларга ибрат бўлсин учун дастлаб унинг кўзларини ғайрат пичоқчаси, ғазаб чоққуси билан уйиб, кўз соққасидан суғуриб олишни, сўнг эса аъзойи баданини ханжар билан бир-биридан ажратиб булаклашни буюрди. Саброн қозиси Бекичик қозини ҳам ушлаб, иккита ўғли билан хоқон олдига келтирдилар. Хон унинг бадфеъл қилиқларини бир-бир эслатиб, айбини буйнига қуйгач, олдин ўғилларини отаси кузи унгида ўлдиришни буюрди. Ҳукм ижро этилгач, сўнг олий фармонга биноан, қозининг ўзини тириклайин қудуққа ташладилар ва бу чуқур қудуқ оғзини тупроқ ва ғишт билан маҳкамладилар.

Нусратасар аскарлар Сабронда кўп ўлжа ва чексиз бойликни қўлга киритдилар. Аъло ҳазрат Саброн ҳукуматига Эсонкелди отолиқ уторчини тайинлади ва ёғдули кўнгил эгаси, яъни ўқимишли кишилар сардори Ҳайдар Муҳаммад мунший жаноблари ул диёрнинг озод қилинишига оид нозик иборалар тула саҳифаларни дур сочувчи қалами ёрдамида безаб, бу фатҳнома-ларни бир нечта кишилар орқали мамлакат ён-теварагидаги ўлкаларга, айниқса, давлату иқбол маркази ва хоқоннинг асл қароргоҳи бўлмиш Бухоро шаҳрига жўнатдилар. Хоқоннинг ўзи эса эртаси куни бахту давлат билан зафарли қўшинни ёнига солиб, Ясси шаҳрини қамал қилиш мақсадида ул томон сари қўзғалди. Бу юришда Исфандиёр султон бир нечта амирлар ва давлат устунлари билан бирга лашкарнинг манқилой қисмини ташкил этди.

Туркистон ўлкасига қарашли Ясси қалъасининг қамал қилиниши ва Оллоҳ инояти билан бу қўрғоннинг эгалланиши зикри

Малики маннон инояти билан Саброн қалъаси зафарли сипоҳ тасарруфи доирасида қарор топгач, соҳибқирон хоқон довюраклик тавсанига миниб, Яссини қамал қилиш учун ошиқди. Фалабага ёр қўшин Ясси қалъаси атрофига келиб тушгач⁴⁵⁹, хоқон дастлаб қалъа девори тагига ушбу гапларни етказиш учун одам юборди: – Илгари қалъани топшириш борасидаги кечикишингизга «бу қалъа подшоҳимизнинг бизга сақлаш учун топширган

уйидир, шунинг учун омонатга хиёнат қилмай, уни то охирги нафасимиз ва қатра қонимиз қолгунча ҳимоя қиламиз» деган аҳду паймонингиз сабабчи эди. Аммо, бу ваъдага вафодорлик ҳикоянгизни Бобо султон тирик пайти айтиб юрганингизда ярашиқли бўлиб, эндиликда Бобо султон сабабли келувчи хавф-хатар қўли чексиз илоҳий иноят ва шоҳлик давлати қуввати билан калта ва тақдир тақозоси бўйича оёқ ости бўлди. Замона бу султон ҳаёт саҳифалари юзини ўлим хатлари билан қорага бўяди. Ана шундай ҳолда қайси бир ёрдам этагига чанг солиб осилмоқ, қайси бир тадбир кумагига орқа қилиб паноҳ топмоқ мумкин?

Аммо, қалъа аҳли, айниқса шарият қозиси исён чангини чиқариб ва туғён учқунини сачратиб, ул ҳазрат сўзларига қулоқ осмадилар, қалъа девори ва истеҳком минорасини тузатишга қаттиқ киришиб, ушбу мазмунни намоён қилдилар: Яхши ном билан ўлсам раво эрур, Менга ном керак, танни ўлимга бера қолдим.

Ул адоватли фирқанинг мудофаа ишлари ақлсизлик ва нодонлик юзасидан чузилишда давом этавергач, қуйидагича қутлуғ фармон чиқарилди: – Зафарли қўшин ён-атрофдан олдин келиб, ўзларига мурчал учун муносиб жой танласинлар ва тула тиришқоқлик билан эгаллаш арқонларини қалъа кунгураси устига отсинлар. Қароғозий ва Жаҳонгирий қозонларини ҳам келтириб, қалъа рўпарасига ўрнатсинлар.

Нусратнишон қўшин фармонга биноан йўналиш юзини қалъа томон қаратиб, мурчал олдилар, қозонларни қулай жойга ўрнатиб, нақб ковлашга тушдилар. Метин зарби билан ер қатламларини титратдилар. Замонамизнинг исқандарнишон ва жаҳон олувчи ҳокони Абдуллоҳхон фармонига кўра қўшин аҳли қиличу найза ҳамда ўқ отар ва ўт очар қуроллар билан урушга киришдилар, жону жаҳдлари билан қалъани эгаллаш ишларини бошлаб юбордилар.

Қалъа аҳли зафарли қўшиннинг жон-жаҳд ва бор-йўқ саъй-ҳаракатлар билан қалъани эгаллашга киришгани манзарасини кўргач ҳамда Бобо султоннинг ўғиллари билан бирга ўлдирилгани воқеаси ойдинлашгач, ул оловдек тутқич бермас қалъанинг осмонга сакрар жангчиларидан айримлари ўз бошлиқларига қарши бўйсунмаслик йўлига кириб, ўзларини ўлим қаъридан қутултириш мақсадида ул ҳазратга бўйин эгишни маъқул топдилар ва дарҳол юқоридан пастга эниб, ўзларини девордан қуйи сари отдилар. Шарият қозиси қалъа мудофаасига мутасадди гуруҳлар билан биргаликда қанча уринмасин, қочоқларни қайта-

риш иложини топаолмади. Туркистонликлар ул ҳазрат давлати савлати ва шавкатидан қурққанча қалъани тарк этишга ошиқар, жонларини хатар гирдобига ташлаб, ўзларини туппа-туғри кунгура тепасидан девор тагидаги хокрез устига тап-тап отардилар. Уларни, мутасаддиларнинг ичкаридан чиқиб, ўз одамлари бошини қочоқлар сифатида кесиб юрганлари ҳам қайтара олмаётганди. Ахийри, шаҳар қозиси тушундики, агар қаршилик равиши чузилаверса ва тескаричилик шу зайл давом этаверса ҳамда муомала-муроса эшикларини ул ҳазрат юзи сари очмасалар, бу осмон упар қалъа шиддатли жанглар натижасида таслим бўлгандан сунг ҳеч гап-сўзсиз ундаги иморатлар бузиб ташланиши, аҳоли мол-мулки аёвсиз таланиши ва халқ дарбадар бўлиб қолиши аниқ эди. Шунга кўра, қози ва унинг тарафдорлари саркашлик осмонидан тубанлик сари эниб, ялиниб-ёлвориш йўлини танладилар. Қози эҳтиёж юзасидан битта арзадошт номаси битиб, Ибодуллоҳ султоннинг фалакни алдовчи даргоҳига юборди. Хат мазмуни қуйидагича эди: – Агар ул султон ҳазратлари восита бўлиб, шафелик қадамни босса ва аъло ҳазрат хоқон бу каминанинг қилган гуноҳларини ўтиб, ўз лутфига муяссар қилган ҳолда унутиш чизигини собиқ айбларим саҳифаси устига тортиб, хусравона марҳамат ва подшоҳона лутфларига сазовор этсалар, бандалик ва итоатдорлик расми, қуллуқчилик равишини адо этажамиз.

Ҳазрат султонга ариза мазмуни маълум бўлгач, дарҳол хонликнинг олий даргоҳига ошиқди ва умид қўли билан ул ҳазратнинг шафоат этагидан тутиб, шариат қозиси гуноҳини ўтишни илтимос қилди. Ул ҳазрат укаси шафелигини қабул қилиб, Ибодуллоҳ султонга ён босган кўйи унинг тилагини ерда қолдирмади. Шариат қозиси аъло ҳазрат иноятдан умидвор бўлиб, ожизлик ва пушаймонлик юзасидан шаҳардан ташқари чиқиб, қалъани тарк этди ва муносиб пешкаш, турли-туман қимматбаҳо, нодир совғаларни султон олдига қўйди. Сунг аъло ҳазрат ва давлат устунлари, улуғ амирлар йиғинига йўл топди. Бандалик ниёзи юзини ожизлик тупроғи узра суриб, бўйсунушлик қўли билан кечирим этагидан тутди.

Дашти Қилчоқнинг энг машҳур шаҳарларидан бўлган Туркистон қалъаси қулга киргач, хоқон, бул вилоятда оёғини душманлик йўлига қўйган, низо бошини кўтарган, айниқса, Нурумбий қиёт, Мискин Баҳодир ва шу каби бошқа ёғийларни сув рангли ва олов

тилли қилич балосига дучор қилинг, дея буйруқ берди. Олий фармонга биноан дарҳол уларни тутиб, йиқитдилар ва танларини ҳеч нарса лозим бўлмайдиган елга совурдилар. Халқ ва аҳоли, жамиятнинг барча табақаси хонликнинг ҳимояси қаноти остида жой олди ҳамда имкон борича халқ аҳволидан хабар олинди. Ғалаба муносабати билан фатҳномалар битилиб, махсус кишилар орқали ён-атроф юртларга жунатилди ва ушбу ғалаба овозаси рубъи маскуннинг чор атрофига ёйилди. Искандар нишонли хоқон Туркистон вилояти ҳукуматини Ёрибий ибн Сотилғонбийга иноят қилди. Ўтторга Севинч Қора баҳодирни қуйди. Шунингдек, ҳар бир ерга бир яхши ниятли шахс ва ҳар мақомга бир сардорни тайинлаб, йуналиш байроғини Бухоро томон кутарди⁴⁶⁰.

Ҳазрат хоқон шикор қилган кўйи манзилма-манзил юриб ва неча масофа йўлларни босиб ўтиб, рамазон ойи охирлари⁴⁶¹ да дор ус-салтана Бухорога келиб тушди.

Ул ҳазрат қайтиб келаётгани овозаси ҳар томонга ёйилгач, йул асноси ва Бухорога етиб келгач, кетма-кет, изма-из ён-атрофдаги жаҳон сардорлари ва замон баҳодирлари, сайидлар ва уламо аҳли умид юзини қутлуғ даргоҳга қаратдилар ва фалак ҳашаматли хоқоннинг қулини упиш шарафини топиб, лойиқ туҳфа ҳамда ҳадялар тортиқ қилдилар, жумладан, сайидлар баракатли ва ижобат бўлғувчи дуолар билан хоқонни алқадилар, олимлар ўз илмий ишлари, сўзга чечан фасоҳат тилли шоирлар ўз қасидаларини аъло ҳазрат назаридан ўтқариб, саодату бахт топдилар.

-Хоқон муборак рамазон ойи охирида Бухорода бўлгани учун рўза ҳайитини чингизий подшоҳлар расму қоидаси бўйича бориб, пойтахт шаҳар чеккасидаги энг қутлуғ мақом саналган Мусалло намозгоҳида адо этди. Ҳайит намози ва ул қутлуғ кун одобу русуми адо этилгач, намозгоҳдан қайтиб, рўза ҳайити байрамини нишонлаш учун хурсандчилик ва вақти чоғлик эшикларини давлат арбоблари ҳамда ҳайит аҳли учун очди. Ўша мажлисдаёқ Тошкент вилоятини барча тобе ерлари билан бирга ўз укаси Абдулқуддус султон ва унинг ўғилларига иноят қилди. Қуббат ул-ислом Балх салтанатини азиз жигарбанд ўғли Абдулмуъмин султонга бериб, ул мамлакат юмушларини бажариш учун амир Жонкелдибийни ўғлига отолиқ қилиб тайинлади. Фарғона ҳукуматини Исфандиёр султонга топширди. Шаҳрисабзни Муъмин султоннинг иқтидорли қулига берадиган бўлди.

Абдуллоҳхоннинг ов учун Чаҳоржўйга йуналиши ва у ерда қишлагани

Ҳазрати исқандарнишон соҳибқирон соф кунглини вилоят ишларидан тинчитгач, иноят нурины қўшин ва халқ боши узра таратгач, ҳар бир мамлакатга бир шаҳриёр ва ҳар бир ноҳияга бир сардор тайинлагач, бу нарсаларнинг барчасидан хотиржам бўлиб, 990 йил шаввол ойининг ўртаси⁴⁶² да сайру саёҳат ҳамда шикор учун йуналиш байроғини Қорақўл томон кутарди. Мазкур йилнинг зулқаъда ойи бошлари⁴⁶³ да хоқон Амуя дарёсидан кечиб ўтиб, юқори дастгоҳли, валийлик паноҳи, тариқат аҳли пешвоси халқларнинг мурожаатгоҳи Хожа Калонхожа олдига одам юбориб, ҳузурига ташриф буюришларини суради. Ул хожа ҳазрат ҳам дарҳол қутлуғ ўрду томон юзланди. Яхши хулқли хоқон Чаҳоржўй қалъаси ёнида Кайвон аломатли чодирни осмон томон бўй чўздириб тиклатди ва хожа ҳазратлари билан ўша ерда туришни ихтиёр этди. Чунки, Кайвон маконли хоқон қишда кўпинча шу ерда турар ва ов-шикор билан машғул бўларди. Аммо, бу қиш совуқроқ келиб, қаҳратон совуқда овга унча истак билдирмади. Ўша аснода иши доимо жафодан иборат бўлган замона ўз табиати тақозосини курсатиб, хоқоннинг қутлуғ мазожида озгина заифлик пайдо қилди. Хоқон табиати тўғрилиқ йулидан сал четга чиқиб, яратилиш мувозанати билан безак топган табиий қуввати узгариш сари мойиллик билдирди. Ҳумоюн зоти соғлиқ зевари ва саломатлик зийнатини ўзидан четлатди, руҳининг порлаган тонги зулмат шоми билан алмашди. Хасталик ва беморлик ташвиши ул шаҳриёр баданига ёпишиб, ул ҳазратнинг вужуд дарахти бир неча кун тол дарахти сингари соғлиқ мевасидан маҳрум турди. Шунга кўра, Бухорога қози ул-қуззот хожа Нуриддин Муҳаммад қози олдига одам юбориб, у орқали мазкур қозининг бир тўп одамлар билан Бухоро шаҳаридан то унинг ташқаридаги беш фарсахигача ернинг қаерида шариф мазор бўлса, борсинлар ва кўплаб назру ниёзлар садақа қилиб, мулкўл равишда овқатлар пишириб камбағалларга тортсинлар ҳамда улуғлар руҳидан ҳиммат ва ёрдам тиласинлар, дея буйруқ берди. Нусрат паноҳ хоқон давлат дастгоҳи юмушларини қўлида ушлаб турган мазкур қози буйруққа амал қилиб, имомлар ва хос кишилар билан бирга ниёз ва ихлос юзасидан тўғри ният ва пок эътиқод ила улуғ шайхлар ва мукаррам авлиёлар мазорлари зиё-

ратига борди. Барча зиёратгоҳларда тавоф расмини адо этиб, расму русум қоидалари қандай бўлса, ушандай йусинда зиёрат одобони бажо келтирди. Барча мазоротда намозлар ўқилиб, фақирлар ва камбағалларга садақалар улашди. Ҳаммани яхши оқибатли хоқон инъоми ва иноятидан баҳраманд қилиб, кунгилларини қувончга тўлдирди. Бари улуғларнинг руҳини восита қилиб, ҳеч бир нуқсонсиз ва ҳар қандай айблардан тамомила пок табиб, яъни оллоҳдан ул ҳазрат дардига дармон, касалига шифо тилаб, баракатлар берувчи соғлик ато қилишини ўтиниб, илтижо қилди. Искандарнишон хоқон буйруғи билан ҳаддан ташқари пул маблағлари ўқиш-ўқитиш билан машғул кўплаб кишилар, фатво бериш ишига масъул ҳамда зуҳду ибодат аҳли, тақводорлар ҳамда мадрасалар, масжидлар ва хонақоҳ, ибодатгоҳларда қанча талаба, фақир уфқаро бўлса, шуларнинг барчасига билим даражаси ва хизмат мартабасига қараб тақсимлаб берилди. Жаноб Қулбобо Кукалтош ҳам хон фармонига биноан йигирма минг хоний тангани Самарқандга олиб бориб, халққа ва давлатга хизмати орқасида ҳурмат қозонган кишиларга бўлиб берди. Ўн беш минг хоний тангани эса Балх талабаларига юборди. Мовароуннаҳр ўлкасининг бошқа шаҳарлари қаерида илм ва ўқиш аҳли, ақл эгаси ва етук одамлари бўлса, улар ҳам ул ҳазратнинг умумий инъомидан ҳазз-ҳузур топдилар ҳамда кўп насиба олдилар.

Ўша орада Ҳисор тарафдан Ўзбек султоннинг элчиси келиб, исломпаноҳ даргоҳга ошиқди ва Жавонмардали султон ўгли Музаффар султоннинг бошини Ўзбек султон узри воситаси қилиб, хон остонасини упиш шарафини топди. Аъло ҳазрат унинг устига қимматбаҳо тўнлар ташлаб, инъомлар билан сийлади ва қайтишга рухсат сўради. Шунингдек, айни чоғда Абдуссамадбий исқандарнишон хоқон фармонига биноан Андижондан чиқиб, Бухоро томон йўналди ва Марғинонда Бузахўр султоннинг укаси Бобо султонни қўлга тушириб, подшоҳлик тахти пояси сари ошиқди.

Бузахўр султоннинг укаси Бобо султоннинг Абдуссамадбий қўлига тушгани зикри

Бу воқеанинг шарҳи шуким, шоҳаншоҳ Улуғтоғ юришидан қайтиш байроғини еттинчи равоққача буй чўздириб, давлати марказига келиб, тахт устида қарор топгач, Абдуссамадбий ҳам ул ҳаз-

рат фармонига биноан Муъмин султондан айрилиб, йуналиш юзини қутлуғ мавкаб томон қаратди. Кандибодомга етгач, шу ерда, хон амирларидан Хожамқули қушбеги ва Шоҳназар девона Ахсигача ахтариб келиб, топа олмай қайтиб кетган Бузахур султон укаси Бобо султоннинг ажал умри ёқасидан ушлаб, бу томонларга келиб қолганини эшитиб қолди ва дарҳол у томонга ошиқди. Бобо султон Кандибодом шаҳридаги ҳовузлардан биттаси бўйида бир тўда камбағал ва тожик кишилар билан утирган бўлиб, уни шу ерда топган Абдуссамадбий бу султоннинг қул ва бўйнига оғир кишанлар солиб, йулга тушди. Самарқандлик довюрақлардан бир тўдаси Бобо султонни қутқариш учун амир кетидан тушиб, қанча уринмасинлар муваффақ бўлмадилар. Мазкур амир уни банди қилган ҳолда Бухорогача етказиб келди. Ўзи шаҳарда қолиб, бўлган воқеа тафсилотини ўз укаси Абдулвосеъ мирохур орқали Чаҳоржўйда турган хоқоннинг нурли эътиборига арз қилди. Ул ҳазрат беминнат атолар эгаси парвардигорга чексиз шукрлар қилиб, Абдуссамадбий ҳаққида подшоҳона иноятлар кўрсатди. Дастлаб, унга ун минг хоний танга билан бирга тилло камар, бир нечта туя ва хачир, чодир, саропарда ва ўтов, боргоҳ инъом қилди. Ундан кейин эса эрлар шаҳри Термизни дарубаст йусини билан унинг ихтиёрига топширди.

Хоқоннинг укаси Абдуллатиф султоннинг Шибирғонда вафот этгани зикри

Соҳибқирон хоқон муҳаррам ойи охирлари⁴⁶⁴ да Чаҳоржўй вилоятида шикор сайру томошаси билан машғул бўлди. Уша пайтда Шибирғон томондан одам келиб, хоқоннинг укаси Абдуллатиф султон ибн Искандархоннинг ўлими⁴⁶⁵ ҳақидаги қайғули воқеани ул ҳазратга маълум қилди. Бу даҳшатли ҳодисанинг рўй бергани хоқоннинг шариф қулоғига етгач, укаси ўлимидан маъжос тортиб ва кўнгли аламга тулиб, ақлу ихтиёр жилловини кўлдан чиқазди. Аммо, сўнг қазага рози бўлиб, тилидан қайтиш, яъни «ҳақиқатдан ҳам оллоҳнинг бандаларимиз ва унга қайтамиз⁴⁶⁶» ояти каримасини жорий қилди ҳамда укаси руҳини шод этиб, камбағалларга кўплаб садақа ва ош-таомлар берди. Шибирғон вилояти ҳукуматини эса унга тобе ерлар билан бирга амир Абдуссамадбийга топшириб, баландлик пояси ва давлатдаги мартабасини Фарқадон юлдузи устидан ҳам оширди.

Ўша пайтда, кўп йиллар давомида Самарқандда амир ул-ума-ролик мансабида турган ва марҳум Абдуллатифхон ибн Кучкун-чихоннинг отолиқи бўлган Дустумбий ибн Тангриқули қушчи аввал Шаҳрисабзга бориб, хусравнишон Исфандиёрга отолиқ бўлгани аломати сифатида от тортиқ қилсин, сунг дарҳол Ҳра-тепага бориб, Марғинон ва Андижон эвазига берилган Шаҳри-сабз ҳукумати ёрлиғини Муъмин султонга юборсин ҳамда унга бу ишга мойиллик билдириш борасида мулойим гапли истимо-латнома битиб, ҳар қандай ҳадик ва қўрқувни Муъмин султон кўнглидан чиқаришга эришсин, деган олий фармон чиқарилди.

Дустимбий Шаҳрисабзга бориб, чингизий расм ва қоида бўйи-ча отолиқликнинг улуғ мансабини эгаллаш аломати сифатида югурганда тонг елидан мусобақа гаровини ютадиган қипчоқий от ва бошқа пешкашларни бахтли султоннинг нурли назаридан ўткарди ва олий мартабали мансабга кўтарилиб, ўз яқинларидан устун мақомга эришди. Сунг у ердан йўналиш жиловини Ҳра-тепа томон бурди ва ўша ерда тўхтаб, олий нишонни Андижонга Муъмин султон олдига юборди. Муъмин султон эса ақлу фаро-сатда кичиклик кўрсатиб, катта ишни бошлаб юборди – ул ҳаз-ратнинг иноятномасини назарига илмади ва ҳеч бир ҳужжатга суянмай ва ҳеч қандай далилга асосланмай туриб, фармонга ито-ат тишдан бўйин товлади ҳамда ўша пайтда Косон волийси Ҳошим султон ҳузурида тўпланган Абдулғаффор султон, Бўзахўр султоннинг укаси Бобо султон ибн Султон Муҳаммад султон каби қариндош-туққанлари олдига кетди.

Тез орада Муъмин султон миясига етишган бундай бўлмағур фикр сабаби ва унинг бу султон бошига келтирган кулфатлари ҳақида ҳикоя қилинажак.

Аъло ҳазрат хоқоннинг давлат қароргоҳига қайтиши зикри

Қиш совуғининг шиддати пасайиб, Ҳут ойи⁴⁶⁷ кириб келгач, ул ҳазрат давлати қароргоҳи сари қайтишга қарор қилди ва Амударёдан кечиб ўтиб, бир неча манзил ва масофани босиб ўтди. Тароватли Жўйизар мавзеси соҳибқирон хоқоннинг қўтлуғ қада-ми туфайли кўк фалак буюклигини топган маҳал марҳум султон-зода Абдуллатиф султон ибн Искандархон таъзияси учун Ши-бирғонга кетаётган ҳазрат Саъдуддин хожа Калонхожа ҳам бош-

қа улуғлар ва шариф кишилар қуршовида шу манзилга етиб келиб, икки орада мулоқот шарафи ҳосил бўлди. Мазкур касаллик сабабли ҳалигача хоқоннинг қутлуғ табиатида буйрак оғриғи асоратидан қолган ташвиш мавжуд бўлиб, от жilовини ушлашга қийналарди ва шу жиҳатдан рахшига минмай, куббаси ой ва қуёшдек олтин рангли миҳаффа⁴⁶³ га утирди ва ҳазрат имом Абу-бакр Саъднинг – *оллоҳи таоло ундан рози бўлсин* – нурга тула мозори сари йуналди. Ул буюк имомнинг муқаддас оромгоҳини такиягоҳга айлантириб, уша ердан бораётган асл манзили сари олдинга қараб бир қадам ҳам илгари ташламади. Давлатманд хоқон бир неча кун ул фирдавсмонанд даргоҳда тўхтади ва Арасту шиорли, сайидлик осорли ҳаким Мир Табиб жаноблари дамлама ва суюқ-қуюқ дорилар тайёрлаб, кўруниш камарини жон белига боғлаганча ул ҳазратни шифобахш шарбатлар ичиш, таъбига мос таомлар ейишга ундади. Ниҳоят, валийлар ва йул кўрсатувчи руҳонийларнинг нафаси шарофати, халқнинг сидқи дилдан қилган дуоси, соф ниятли фуқаро ва йўқсилларнинг илтижоси туфайли соғлик тонги шодлик уфқидан ва саломатлик қуёши руҳ машриқидан балқиб чиқди. Оллоҳга шукрки, уз бандаларини севувчи яратган эгамнинг ёрдами умид шифохонасидан шифо жамолини кўрсатди!

Хоқоннинг Муъмин султон ва қариндошларини ўлдириш учун киши юборгани

Бу воқеанинг баёни шуким, Дустумбий қушчи аъло ҳазрат хоқоннинг Шаҳрисабзни Андижон билан алмаштириш ҳақидаги олий фармон ва меҳрибонлик иноятномасини Муъмин султон олдига элтгач, султон хоқон буйруғини назарига илмади, ҳатто, унга кўз қирини ҳам ташламади. Асоссиз равишда кўркувга тушиб, қаршилик ва низо тариқини тутганча оёғини вафосизлик йули сари босди. Бу хабар етти иқлим подшоҳи қулоғига етгач, ҳамият елидан оловдек аланга олиб, изтироб чекканча вужуди бевафолик азобидан тўлғанди. Давлат устунлари ва аёнлари билан кенгаш йўсинини тузиб, шундай сўзларни айтди: – Барчангизга маълумки, анча йиллар ва замонлар мобайнида Муъмин султон тарбиятимиз шарофати ва иноятимиз баракатидан вилоят тахти ва ҳукумат ўриндигига ястаниб, Марғилон ва Андижон шаҳарлари ҳамда бошқа юртлар ҳокимлиги мансабида барқа-

рор утирди. Ҳаддан ташқари илтифотимиз ва чексиз меҳрибонлигимиз туфайли бошқа султонлардан кўра кўп имтиёзга эришиб, бошини осмон қадар кўтариб юрди. Барча қариндош-туққанларининг каттадан-кичиги бариси қудратли сулоламинизга қарши чиқиб, бўсунмаслик йўлини тутгани учун бошлари оёқ ости бўлгани ва яқинларидан қай бири муҳолифат изҳорини қилган бўлса, шу сабаб йўқлик оламига кетганини билиб-кўриб туришига қарамай, бу воқеаларнинг ҳаммасидан кўз юмганча шайтон васвасаси ва нафсоний ҳою ҳавасга учиб, мустақиллик кўйига тушиб, миясига жаҳондорлик фикрини келтириб, буйинини итоат арқони ва бўйинтуруқ ҳалқасидан четга тортиб, ҳаққида қилган шунча яхшилигимизни чиппакка чиқариб, бир пул қилди. Демак, муносиб иш, аниқроғи, савобли қарор шуким, катта фитна ва улуғ офат қўзғалмасдан туриб, яхши тадбир ва жуъли фикр билан Муъмин султон ҳаёти пойдеворини вайрон қилишга киришиб, йўққа чиқариш чизигини унинг тириклик ёзуви устидан тортишимиз лозим.

Шу қарорга кўра, соҳибқирон хоқон Ўртатепа вилоятини Тошкент мамлакати таркибига қўшиб, ўз укаси Абдулқуддус султонни ўша тарафга юборди. Шундан сўнг амир Боқибий дўрмонга «зафарнишон қўшиндан илғор йўсини билан юборилиш эҳтимоли бор амирлар, давлат устунлари ва эшик оғолари рўйхатини тузиб, қаламга олинганлар исмини нурли назарга етказ» деган фармон берди. Мазкур амир зафарли лашкар таркибида бўлажак кишилар исмини ёзгач, тузилган рўйхат қоғозини ул ҳазрат назаридан ўтказди. Искандарнишон хоқон фасоҳат тилини сўзга киритиб, Исфандиёр султон Шаҳрисабз қўшини ва Севинчмуҳаммад султон Соғарж ва унга тобе ерлар лашкари билан ўша ёққа йўналиш учун тайёр турсинлар. Таваккал султон эса зафар иқтидорли султонлар мавкаби йўлга тушишидан олдин мақсади ҳосил, номи машҳур амирлардан Абдулбоқибий дўрмон, Келдишбий қушчи, Бекойбий, Жонмуҳаммадбий юз, Дўстум қурчи ҳамда чуҳра оғоларидан Раҳманқули чуҳра оғоси қонгли, Дўстум чуҳра оғоси баҳрин кабилардан иборат гуруҳ билан илғор йўсинида султонларга ёрдам мақсадида борсин, дея фармон берди. Илғор кишилари Абдулқуддус султон билан бирга Ўратепагача бориб, ўша ердан Андижон томонга душманга рўпара бўлиш учун йўналдилар.

Хоқоннинг ўзи эса 991 йилнинг раби ул-аввал ойи бошлари⁴⁶⁹ да доимо ул ҳазрат ўтириш-туриш йиғини ва зиёфат мажлисларида хос кишилар қаторидан жой олувчи давлат аёнлари ва салтанат устунларидан бир тўдасини ёнига солиб, Насаф томонга шикор учун йўналди ҳамда бир неча кун ул дилтортар манзил ва жаннатмисол кенгликда туриб, овга машғул бўлди.

Уша аснода ва мазкур вақтда Ҳирот ҳокими Алиқулихон шомлу олдидан элчи келиб, унинг хоқон ҳазрат давлатига хайрихоҳлик ва тарафдорлик билдираётгани, ҳатто, бу ўзбек хоқонининг итоат хизматида туриб, қуллуқчилик камарини белига боғлашга тайёр экани борасидаги аризасини ҳазрат соҳибқирон Абдуллоҳхонга топширди. Аризанинг мазмуни шундай эди: « – Эрон шоҳи Исмоил Мирзо ўткинчи оламдан абадийлик саройига кўчиб ўтди ва ўлишидан олдин ҳукумат ихтиёри жиловини укаси Султон Муҳаммад Харбанда⁴⁷⁰ қўлига топширди. Мен унга итоат қилишдан бош товладим ва Сиз ҳазратга хизмат қилиш рақамини хаёлим лавҳига битдим. Мана энди доимо ҳушёрлик қулоғини Сиз томонларга тутиб, қандай хабарлар келишини кутмоқдамиз ва Сиз томондан келажак фармонни бажармоққа бажону дил киришмоққа шай турибмиз. Чунки, Султон Муҳаммад бизнинг унга нисбатан қаршилик кайфиятларимизни англагач, Рум чеғарасидан то Хуросонгача ерлар аскарларидан катта қўшин тўплаб, биз томонга бостириб келиш фикрига тушган. Агар иноят қилиб, душман ҳужум қилмасдан бурун бир қисм лашкарингизни бизга ёрдам учун юборсангиз, душманни йўқотишда бири-биримизнинг мададимизга суяниб ҳаракат қилсак, ул ҳазратнинг номи яхшиликка бурканишига сабаб буларди».

Соҳибқирон хоқон Алиқулихон шомлунинг элчисига иззат-икромлар кўрсатиб, қимматбаҳо кийим ва хилъатлар билан сийлади ва яхши ваъдалар билан тўлиб-тошган муборак иноятнома-ни қўлига тутқазиб, қайтишига рухсат берди.

Соҳибқирон хоқоннинг зафарга ёр қўшин кетидан йўлга тушгани ва илгари содир бўлган ҳар хил воқеалар зикри

Бу воқеанинг баёни шуким, раби ул-аввал ойининг ўрталари⁴⁷¹ да жамшидмакон хоқон Қарши вилоятидаги ўзи бунёд этган Файзобод қишлоғида сал илгарироқ⁴⁷² бошқа амирлар билан

Абулқосим балуж ва унга қарашли одамларни тутиш учун кетган Хожамқули қушбеги ул қабиланинг барча сардорлари, хизматчи ва ходимлари, қорамол ва қуй подасибилан бирга Маймана ва Фаржастонга келтириб, сунг у ердан Абулқосим балужни икки уғли ҳамда Динмуҳаммад балуж, Шоҳбоз балуж, Хожа Дуст балуж, Абул балуж, Султон Искандар қипчоқ, Султонмурод қоқчи билан бирга жаҳонпаноҳ даргоҳга етказди. Кейин олий фармонга биноан ул жамоанинг барисини битта қуймай, зафар қасосли қиличдан ўтказдилар. Шундан сунг Искандар фармонли хоқон Хожамқули қушбегига «чегара юртлари амирларининг барчасини ёнингга солиб, яна бир марта қайтиб келганингиз Хуросон чегарасига боринглар, агар Султон Муҳаммад Харбанда Ҳирот устига келса, улар келадиган йўлда қарши ўтириб, хабардор бўлиб туриш, мабодо, ул малъун фирқадан мусулмонлар вилоятига зарар етмасин тағин» дея буйруқ берди ва қушбегига хусравона инъомлар тортиқ қилиб, амирнинг яқинлари ҳавасини келтирганча, уни Маймана ва Фаржастон томонга қайтариб юборди. Хоқоннинг ўзи эса шавкат ва дабдаба билан қушин бошлиқлари ва даргоҳ баҳодирлари бир тўпи қуршовида бахти қайтган душман сипоҳи томон юрди. Ноғора ва карнай-сурнайлар овозлари зангори осмон сари ўрлаб, фалак сокинлари қулোগини кар қилди. Ҳумоюн мавкаб Насаф вилоятидан қўзғалгач, бир неча манзил ва маконларни босиб ўтиб, Самарқанднинг энг дилкаш жойларидан бири Чаҳоршанба Пирмишга келиб тушди. Шу қутлуғ манзилда Балх тарафдан Қулбобо Қўқалтош келди. У ўзи билан бирга кўп йиллардан бери ўша вилоятда девонлик ишларини мустақил равишда бажариб юрган хожа Муҳаммад Қосим девонни ҳам олиб келган эди. Чунки унинг девонлик ишларида маблағ камомати юзага келган бўлиб, ўша кунисиёқ уни сўроқ қилишга тушдилар ва бу ҳол сабабини суриштирдилар. Девон берилган асосли далил ва мантиқли хулосалар олдида жавоб топа олмай қолиб, саволлар жавобига ожизлик қилди. Шу сабабли оғиз очмасликни афзал билди, қаҳр шиҳнаси эса уни қаттиқроқ сўроқ қилиш учун даргоҳдаги хос қалмоқлардан бир нечтаси қўлига топширди. Сўроқ мутасаддийси булган бу қалмоқлар унинг оғзига туз тиқиб, ширин умрини қанчалик аччиқ ва бахт пешонасини шўр қилишга уринмасинлар, бундан фойда чиқмади. Девон чурқ этиб оғиз очмади. Кун охирига бориб, жонини руҳларни қабз этувчи, яъни ажал қўлига топширди. Хожа

Камолиддин Ҳусайн девон унинг ўлими таъриhini «қалмоқ кушт» сўзлари билан топди.

Шундан сўнг Бедана қуриғи деган мавзе қутлуғ мавкабнинг тушиш жойига айланди ва мазкур мақомда Ҳасанхожа нақиб ўғли Юсуфхожанинг одами келиб, Юсуфхожа шариф отасининг вафотини арзга етказди ва аъло ҳазратнинг дарё мавжли кўнглини шу ҳодиса чанги билан хира қилди. Бу нақиб аломатли хожа вафоти таъриhini дур тўкувчи анбар сўзли қалам ушбу назм орқали юзага чиқарди: Эй воҳ, замон хони нақиб юзини жаҳон мулкидан жаннат сари қаратди, Жаҳон сайидлари сарвари бўлгани учун таърихи «сарвари содоти жаҳон» бўлди⁴⁷³.

Дарёдил хоқон ўша 991 йил санаси⁴⁷⁴ да ўша манзилда хожа Камолиддин Ҳусайн девонни ҳам девонлик мансабидан туширди ва вазирлик ишларини хожа Мирам ибн Мирзобек девонга топширди.

Соҳибқирон хоқоннинг Фарғона вилояти ва Андижон томонга бориши ҳамда Марғинон қалъасига кириб, уни тузатиши

Бу воқеанинг шарҳи шуким, Муъмин султон Дарвишхон ўғилларини ўзига эргаштириб, кетига солганча, Уратепадан Андижонга юрди ва дилини фитна-ю бузғунчиликка мойил қилиб, яхшилик баҳридан кечди. Шунда аъло ҳазрат хоқон Уратепа вилоятини Хўжанд билан бирга қўшиб, Тошкент ва Туркистон мамлакатни таркибига киритди ва шу зайл у ерларни ҳам Дўстум султон номи билан танилган бахт нишонли укаси Абдулқуддус султонга берди. Унга бундан ортиқ Миёнколда ушланмай, барча ўғилларини ёнига солиб, Уратепага бориш ва ўша ерда бу ўлка устидан назорат қилиб туришни буюрди. Бу гапларни юқорида айтган эдик. Наввоб Дўстум султон Уратепага ошиққач, Маҳди султон томонидан Испара ва Марғинонга қўйилган масъул кишиларнинг кўрқувдан у ерларни ташлаб, бошларини омон сақлаш умидида қочиш йўлига тушганлари, хабарини эшитди ва шунга кўра, аъло ҳазрат буйруғига биноан Дўстум султон билан бирга Уратепага жўнатилган Бекойбий ва Дўстумбий кушчининг Марғинон томон йўлга тушиши ҳамда у ерга етиб олиб, агар қўлларидан келса, Марғинон қалъасини мустаҳкамлаб, беркитиб ўтиришлари борасида топшириқ берди. Амирлар жаноб сул-

тон буйруғига биноан Марғинов томонга йўналиб, шаҳар қалъасини душмандан холи кўргач, дарҳол кўрғон ичига кириб, қалъани таъмирлашга киришдилар.

Маҳди султон амирларнинг бу ишидан хабар топгач, улар ёнидаги одамларнинг камлигидан дадилланиб, журъат йўлини тутди, аниқроғи, уз бахту давлати бошига тупроқ сочганча амирлар утирган Марғинов кўрғони қамалига киришди. Алқисса, қамал муддати ўн бешга кунга чўзилиб кетгач, шу орада, зафарнишон хоқон қўшини илғори келаётгани ҳам Маҳди султон ва укаси Ҳоди султон қулоғига етишди. Шу сабабли жанг оёғини уруш майдонидан тортиб, кўрқа-писа қочиш кўйига тушдилар. Алқисса, мазкур ҳодиса қиссаси аъло ҳазратга маълум ва равшан бўлгач, ул ҳазрат яна бир марта «зафар иқтидорли узанги остида атоқли қўшиннинг бир нечта кишисидан бошқа бирон зот қолмасин. Қулбобо Кўкалтош, Кучак ўғлон, Муҳаммад Боқибий дўрмон, Қанбарбий наймон, Наврўзберди дўрмон, Ганжа Алибий шиғовул ва қутлуғ мавкаб ёнида қанча бўлса, гардун аломатли лашкарнинг ўша қолган аскарлари ҳам олдин кетган илғор кетидан йўлга тушсинлар» дея буйруқ берди. Юқорида номлари эслатилган амирлар дарҳол ҳашамат ва дабдаба билан йўлга тушдилар ҳамда тезлик билан юриш хислатини шамолдан қарз олиб, бир қанча манзилларни босиб ўтгач, Ўратепага етиб келдилар. У ердан эса Дўстум султон ҳамроҳлигида олдин жунатилган илғор орқасидан юрдилар.

Ўша аснода замон хоқони қулоғига Маҳди султоннинг қочиб кетгани хабари етишди.

Мазкур гуруҳ Дўстум султон мавкабида Марғинов вилоятида Исфандиёр султон бошчилигида кетган биринчи илғор гуруҳга етишиб олдилар ва Исфандиёр султон ёнидаги амирлар ва давлат устунлари билан Дўстум султонга эргшиб, душман билан тўқнашиш мақсадида биргаликда йўлга тушдилар. Таваккал султон ёнидаги барча эшик оғолари, чуҳра оғолари ва ясовуллар, қаровуллар билан бирга олдинга тушиб, чингизий йўсин ва қондага тўла риюя қилган ҳолда шамол каби тез юриб, душман сари юриб кетди.

Муъмин султон кетма-кет хабарлар кела бошлашдан бурунроқ барча укалари ва кўч-кўлони, тобе кишилари билан бирга Андижондан, Ҳошим султон ва Абдулғаффор султон ҳамроҳлигида Аҳси ва Косондан чиқиб, ҳаммаси бирдамликда Кошғар

томонга юзландилар. Ноиложлик ва қўрқинч гирдобида қўним билмас елдек бошларини тоғу тош ва дашту биёбон сари олиб кетдилар.

Алқисса, зафарнишон сипоҳ Андижон атрофига етишгач, шу ерда душманнинг вилоят чегараси ҳисобланган Ўш томонга кетгани хабарини эшитиб, қўшин ҳам дарҳол муҳолиф изидан кетди. Ўшга етишгач, йўлини йўқотган ул гуруҳнинг Кошғарга қарашли Олой дашти томон қочиб кетгани маълум бўлди. Олой даштидан мўғуллар давлати пойтахти Кошғар қалъасигача эса бир кеча-кундуздан ортиқ йўл босилади. Қўшиндагилар ҳам тўхтовсиз қочоқлар кетидан уша томонга йўналдилар ва бир неча масофа йўлни босиб ўтиб, ваҳму хаёл ойнасида дев ва жиндан бошқа нарса кўринмайдиган бийдик дашт ва осмон ўпар тоғ қад кўтарган бир ерга келдилар. Хуллас, жумодилаввал ойининг йигирма иккинчиси⁴⁷⁵ душанба кўни этаги Олой дашти чети билан туташган Зуҳал юлдузи мақомидаги баланд тоққа чиқдилар ва уша ердан туриб, қочоқларнинг чексиз саҳрода осмон авжига етказиб чодир тикканлари ҳамда уша ўтовларда ғафлат бошини бахтсизлик ёстиғига қўйиб ётганларини кўриб қолдилар. Жаҳонгир шаҳриёрнинг қўшини дарҳол жанг соvuти ва уруш жавшанини эғнига кийиб, баҳодирлик қалқони ва ботирлик дубулғасини бошига қўйиб, тугал қурол-аслаҳа билан юриш отини жойидан қўзғатдилар ҳамда оч бургут тепаликдан пастга шўнғигани сингари тоғ тепасидан қўйига эниб, душман устига ташландилар. Ҳар томондан карнай ва ноғора товушлари таралиб, оламини тутди.

Мўъмин султон ва Ҳошим султонлар бошқа укалари билан бирга толеси пастлигидан ғафлат уйқусига кетиб, истироҳат ва фароғат тахтида ором олмоқда эдилар. Карнай ва душманларни асир олувчи, шаҳарларни очувчи баҳодирларнинг товушлари шовқини ухлаб ётганлар қулоғига етиб, уйқудан уйғондилар ва саросима ичида сағриси ёлонғоч отларга миниб, қочишга тушдилар. Аммо, жасурликдан лоф-қоф уриб юрган Маҳди султон ва Абдулғаффор султонлар домга тушган чала жон овга ўхшаб типирчилаганча баҳодирлик кўрсатмоқчи бўлдилар ва зафарли қўшин одамлари билан олиша кетдилар. Ғалабага ёр лашкар шамолдек елиб, ул гуруҳ сари юзланди ва ҳайронлик ва саргардонлик гирдобида қолган ул тўдадан қай бири устига етишсалар, дарҳол фитнага тўла бошини оташ феълли қилич билан шарт

узиб, танидан жудо қилдилар ҳамда отлар оёғи ва оҳу аломатли рахшлар туёғи остига итқитдилар. Ниҳоят, осмоний саодатнинг Ҳумо қуши фатҳ ва зафар соясини соҳибқирон сипоҳи боши узра солди. Улуғ ғалаба нурлари ул ҳазрат тарафдорлари пешонасидан ярқираганча жамол кўрсатиб, Таваккал султон Маҳди султон ва Абдулғаффор султонни қўлга тушириб, шу заҳотиёқ улдирдилар. Душманнинг мол-ҳоллари, аҳлу аёли тўлалигича хоқон қўшини қўлига тушди ва зафарли қўшин турли хил бойликлардан иборат кўп улжа билан бирга бўйин товловчилар бошларини ҳам кесиб, қайтиш жilовини орқага буриб, Марғинон вилоятида хоқоннинг оёғини ўпиш шарафини топдилар. Соҳибқирон ҳазрат Аллоҳга шукроналар бажо келтирди. Олишув майдонида мардлик ва қаҳрамонлик намунаси кўрсатган мақсади ҳосил шаҳзода ва атоқли амирлар, шижоат касбли баҳодирлар ва жасорат фикрли довюракларнинг ҳаммаси шоҳона инъом ва хусравона икромлар билан эъзозландилар: Барчасининг хизмат мартабалари Кайвон чуққисича юксалди. Чунончи, соҳибқирон хоқон Фарғона вилоятини тўлалигича Хужанд заминидан тортиб Ўшгача ва Андижон атрофидаги ерлари билан бирга Исфандиёр султонга берди. Аҳси вилоятига қарашли барча ерларни эса Дўстум султоннинг ўғли Поянда Муҳаммад султонга топширди. Бўйин товловчиларнинг қирқилган бошларини Абдулғаффор султонники билан қўшиб, тавочилар орқали барча вилоятлар, хусусан, ислом қуббаси Бухорога етказди. Шариф отаси Искандархон ва маҳдумзода хожа Калонхожа ҳузурига фатҳнома ёздириб юбориб, хотирларини жамъ қилди. Ўзи ўша ердан музаффар ва мансур ҳолда шавқ ва завқ билан қайтиш байроғини ҳилпиратди. Хужанд атрофига етишганда, Дарвишхон ўғилларининг жанг майдонидан қочгач, мамлакатнинг Бадахшон давлати билан чегарадош Қоратегин вилояти ҳокими ҳузурига боргани, ҳақидаги хабарларни эшитди. Шунинг учун исқандарнишон хоқон Худойберди ясовул тўқсобани элчилик расми билан қўлига давлат рамзига оид нарсалардан саналган туғ ва байроқ тутқазиб, Қоратегин ҳокими олдига юборди ва шоҳона ваъдалар билан сийлади. Элчилик мазмуни қуйидагича эди: « – Бизнинг савлатимиздан қўрқиб қочган бир нечта қочоқлар ул тарафларга боришган. Иложи бўлса, уларни ушлашга уриниб, тақабурлик гурури билан тўлган бошларини кесишимиз учун биз томонга қайтариб юборсангиз, бу бебош туда томонидан амал-

га ошажак ва алангаланса, учириб бўлмайдиган ва зарари барча мусулмон халқига етиши мумкин бўлган фитна оловининг олди олинган бўларди».

Хоқон ўз элчисини Қоратегин сари жунатгач, ўзи авлиёлар қутби, тақводорлар ҳужжати шайх Муслиҳиддин Хужандийнинг файзли мазорига бориб, ул ҳазратнинг баракотли руҳига бағишлаб ош берди ва ўша ернинг фуқаро, мискин, камбағал кишиларига кўплаб садақа, хайру эҳсонлар улашди.

Кўп ўтмай, Қоратегин томонга кетган Худойберди ясовул фатҳ ва зафарга ёр ҳолда қайтиб, ўзи билан Дарвишхон авлодларининг кесилган бошларини олиб келди. Шунингдек, ўша пайтда Ахсикат тарафдан Поянда Муҳаммад султоннинг одами келиб, ўша вилоят ҳокими Ҳошим султон бошини тўхфа ўрнида хоқон оёғи остига ташлади.

Шул айёмда Таваккал султон ўринсиз ваҳимага берилиб, ҳар хил баҳоналар билан ул ҳазратдан айрилиб чиқди ва жуда тез суръатда Дашти Қипчоқ томонга юзланиб, бирдамлик ва иттифоқ баҳридан кечди.

Елдек учар тавочилар бўйин товловчиларнинг бошларини пойтахтга етказгач, ўзлари билан олиб келган фатҳномаларни ҳам ҳазрат Искандархоннинг нурли назаридан ўтказдилар. Ул ҳазрат бу янглиғ муҳим ғалаба қўлга кирганидан ниҳоятда шод ва ғоятда хуррам бўлиб, тавочиларни подшоҳона инъом ва хуравона иззатлар билан сийлади.

Соҳибқирон хоқон отаси Искандархоннинг бу ўткинчи дунёдан абадийлик саройига кўчиб ўтгани зикри

Бу ҳодисанинг шарҳи шуким, юқорида айтганимиздек, Сулаймон маконли хоқон, замон соҳибқирони муҳолифни тор-мор келтириш учун Андижон томонга кетгач, ул ҳазратнинг Искандар мактовли отаси ўз одати бўйича ҳар кун бомдод намозидан сўнг отланиб, Бухородан бир фарсах ташқари чиқар ва ўша атрофда парранда овиға машғул бўларди. Ўша ов кунларининг бирида тўсатдан шариф мизожида оғирлик ва латиф табъида ғубор пайдо бўлиб, бу дунёнинг бахтсизлик балоси энди ва баданига кучли заифлик йўл топиб, кундан-кун кучайганча мувозанат чизигидан чиқди. Масиҳодам ҳақим ва Исо нафасли табиблар даволашга қанчалик уринмасинлар, эплай олмадилар. Ул

ҳазратнинг касали ич кетишдан беҳоллик даражасига етишди ва умри дарахти соғлик мевасидан бесамар қолди. Қози Нуриддин Муҳаммад ҳодиса ахборини қаламга олиб, аъло ҳазрат томонга юборди. Ҳазрат Искандархон зотига ёпишган касаллик воқеасини қамраган яна бир хатни Ибодуллоҳ султонга жунатди. Алқисса, 991 йил жумоди-с-соний ойининг боши⁴⁷⁶ да шом намозига яқин чоғда ажал фариштаси ул ҳазрат тилини тавҳид калимасини айтишга чоғлагач, «эй ором олган жон, яратгувчинг олдига рози ва хушҳол бўлган ҳолда қайт» дея чақираётганга топшириб, уни бу гердайган, ёлғончи тупроқ қўрғонидан чинакам шодлик боғига етказди. Ҳазрат Искандархон уткинчи дунёнинг ғамли маконидан абадий неъматлар масканига кучиб, жаннат боғлари ва беҳишт ўртасидан жой олди. Доду фарёд, оҳу зор ва нола-ю ҳушдан кетиш овозлари зангори осмондан ошди. Олий даражали Искандархон ҳазратлари ҳаёт омонатини ўлим талабгорига топширган ўша кечаси исқандарнишон султон Ибодуллоҳ султон изтироб ичида ўта тезлик ва шитоб билан Самарқанддан Бухорога етиб келди ҳамда шариф отасидан айрилгани сабабидан жуда ҳам юраги сиқилиб, ғамга ботди, сабру тоқат жиловини ихтиёр қулидан бутунлай чиқариб, беқарорлик йулини тутди. Давлат устунлари ва онҳазрат аёнлари, улуғ ва шариф кишилар ҳамда турли табақанинг катта-ю кичиги, юртнинг турку тожик эли бу қайғули воқеадан карахт бўлиб, мунгли дийдаларидан шашқатор куз ёшларини оқиздилар, чақмоқ ва момоқалдироққа ухшаб, фиғон укирикларини жаҳон аро таратдилар.

Ўша куни ҳазрат Ибодуллоҳ султон ва хожа Калонхожа барча аъёнлар билан биргаликда либосларини алмаштириб, эгинларига азадорлик тўнларини кийдилар ва Искандархон майитини кўтариб, Аркдан то Бухоронинг эски жомеъ масжидигача пиёда келдилар. Ҳазрат султон ҳазрат хожа Калонхожа билан келишган ҳолда Искандар маконли хоннинг жаноза намозини ўқишни ҳазрати Азизон Хожа Али Ромитаний авлодидан саналган замонамиз олимларининг олими хожа Хурд Азизонга топширдилар. У ердан мақсади ҳосил хоннинг мағфиратга ёр наъшини хожайи бузургвор хожа Нақшбанднинг – *оллоҳ руҳларини муқаддас тутсин* – нурга тўла фэйзли мазори ёнига олиб бордилар ва жаннатмакон Искандархоннинг ўзи қурдирган олий суфада тупроққа топширдилар. Ибодуллоҳ султон исқандароқибатли ҳазрат хоннинг мунаввар марқади ва муаттар қабри

устида улуғ каломни ёд олган ҳофизлар ҳар кун тонгдан кечгача, оқшомдан тонг отгунча каломи мажид хатмини кетма-кет тушириб, бу ишни тўхтовсиз равишда адо этишлари ҳамда хужаста шарафли «биз сизни Оллоҳ юзидан таомлантириурмиз» ояти баракатидан исломпаноҳ даргоҳ хизматчилари фуқаро ва йўқсилларни мул-қул таом, чексиз садақалар сийловидан баҳраманд қилишлари борасида буйруқ берди. Бешинчи куни, дастлаб, жаҳон махдумзодаси хожа Калонхожа ва барча аъёнлар, шарифзода ва акобирнинг энг улуғ ҳамда таниқли кишиларидан тортиб то бозор аҳли, косиб-ҳунармандларгача умумий сийловга мушарраф этилиб, таъзия йўсини билан ул хон ҳазратнинг баракатли руҳини хотирлаш мақсадида қадимги жомеъ масжидида мул-қул хилма-хил таомлар, ҳаддан зиёд турли-туман ейимликларга тўла дастурхонлар ёзилиб, янги товоқ ва идишларда ошлар тортилди. Шундан сўнг, Ибодуллоҳ султон еттинчи куни⁴⁷⁷ хожайи бузругворнинг файз аломатли мозори бошига бориб, нусрат сипоҳли даргоҳ хизматчиларига бу табаррук жойда ҳам келганларни кутиб олиб, ош беришлари ҳақида буйруқ берди. Ён-атрофдан келган ашраф ва акобир, фалакни алдовчи бу даргоҳда йиғилган барча қўшин аҳли ва иззат-шавкатли султонзодалар ҳар ким ўз мартаба ва даражасига лойиқ жойларга утирдилар. Ҳазрат султон ва жаноб хожа Калонхожа иштирокидаги шариф йиғинда хуш овозли ҳофизлар Қуръони карим оятлари тиловатидан баракат излаб, қарима хатмларни охирига етказгач, дастурхон мутасаддийлари саналган хонсолорлар кўп дастурхонлар ёзиб, мул-қул таомлар тортидилар ва «таомни ўзларига керак бўлатуриб, мискинга, етим ва асирларга бердилар». Ибодуллоҳ султон фуқаро ва мискинлар ҳақида яна кўплаб анвойи қарамлар ва турли хил марҳаматлар кўргузиб, бева-бечораларга жуда кўп садақалар улашди. Шундан сўнг, ниҳоят, наввоб султон ризо қўлини сабр этагига осилтириб, одамлар азадорлик шиоридан ташқари чиқсинлар, дея буйруқ берди ва уларни шоҳона лутфига сазовор этиб, аза тўнини кийганларнинг барчасини хилъат, инъомлар билан сийлади. Бу мунгли воқеа муносабати билан кўплаб фозиллар ва шоирлар ёқимли таърих ва тенгсиз марсиялар битиб, жаҳон олувчи султон назаридан ўткардилар.

Хожа Калонхожанинг хоқон отаси таъзияси йусинида Абдуллоҳхон истиқболига чиққани зикри

Искандархон вафоти ҳақидаги қайгули хабар барчага маълум булгач ва Фарғона фатҳи воқеаси ҳам олий ва қуйи табақа аҳли қулоғига эшитилгач, Эрон ва Туроннинг, Кобул ва Бадахшондан то Хуросон атрофларигача шаҳарлар бошлиқлари, Мовароуннаҳр юртидаги шариф кишилар Баҳром қаҳрли подшоҳ даргоҳига юзландилар. Жумладан, олий ҳазрат, юксак мартабали, валий сифатли, жаҳон маҳдумзодаси хожа Калонхожа Бухородан бир гуруҳ руҳоний зотлар ҳамроҳлигида Каъба тавофли мавкабга ошиқиб, йўналиш жиловини аъло ҳазрат томон бурди. Шунингдек, сайидлар сараси, нақиб мансаблик марҳум хожа Ҳасанхожа нақибнинг ўғли Юсуфхожа ва уша айёмда эндигина байтуллоҳ зиёрати ва халқлар сайиди Мадинаси тавофидан қайтиб келган ҳожи ул-ҳарамайн Турдикахон жаноблари ҳамда замон ҳодисалари сабабли бир неча муддат мақсади ҳосил хоқоннинг эътибор назаридан йироқ тушган аъзам нуён Назарбий наймон ва қудратли амир Сархунбий отолиқ каби муътабар амирлардан бир гуруҳи ҳидоят аломатли хожанинг иноят либоси этагини ушлаганча, улар ҳам хоқон ҳузури шарафини топмоқ сари йўналдилар. Жаҳон аҳли маҳдумзодаси келаётгани хабари ҳазрат соҳибқироннинг олий қулоғига етишгач, аъло ҳазрат хоқон дарҳол Хужанддан отланиб, хожа Калонхожа мулоқоти учун йўналди. Ўратепага қарашли мавзелардан саналган Нуқрандий манзилида мазкур хожа олдига пешвоз чиқиб, кутиб олиш шароити ва таъзим маросимини бажо келтирди. Мазкур хожа ҳам зафарли хоқон отаси вафоти борасидаги таъзия сўзларини изҳор этиб, хоқоннинг қуёш тароватли кўнглига ўрнашган ғам-андуҳ зангларини тасалли берувчи ҳикоятлар ва панду насиҳат сўзлари билан тозалади. Шундан сўнг, бошидаёқ, олий шаънли хожазода Юсуфхожа манглайида давлат асари ва саодат нурини мушоҳада қилган искандарнишон хоқон уни давлат ишига жалб этишга майл кўргузиб, олдига одам юборди ва хожазода бу ергача мулозимат учун келиб утирмасин, биз ўзимиз отаси таъзияси мақсадида уша келиб тушган манзилда олдига борамиз ҳамда ҳол-аҳвол сўраймиз, деб айттирди ва уша кўннинг намозгар пайти соҳибқирон хон мазкур хожазода келиб тушган манзилга ташриф буюриб, таъзия маросими бобида нимага амал қилиниши

лозим бўлса, шуларнинг ҳаммасини бекаму куст даражада адо этди.

Алқисса, таом ва хатми каломдан сунг яхши фикрли хожазода нақиб отасидан қолган давлатга тааллуқли ашёларни бир-бир қаламга олиб, руйхатини тузди ва ислом давлати садри Кулбобо Кукалтош воситачилигида хоқоннинг нурли назаридан ўткарди. Хоқон мазкур хожазодага бўлган инояти лутфидан битта учқур отдан бошқасини олмай, барча нарсани хожазодада қолдирди.

Эртаси куни ул хоқоннинг отаси ўрнига хонлик тахтига чиқиш воқеаси руй бериб, замон аҳли шу муносабат билан табрик сўзларини айтишга тушдилар.

Соҳибқирон хоқоннинг отаси ўрнига мамлакат тахтига ўтириши ва хутба-ю танганинг ул ҳазрат номи билан зийнат топиши

Шаҳриёр хоқон Хужанд атрофидан қўзғалгандан бир кун ўтиб, Сирдарё бўйидаги Хавос мавзесидаги жаннатмисол бир жойда ҳазрат хожа билан яна ҳамсуҳбат бўлгач, ул хожа розилиги йўқ ишга қўл урмайдиган хоқон хожа Калонхожага ихлос ва эътиқоди кўплиги юзасидан ўтиришга ўзининг хос кишиларидан бир гуруҳини ҳам чақирди ва кенгаш йўсини билан бир маслаҳатли иш муҳокамасини уртага ташлади. Хоқоннинг мунаввар кўнглига ушбу маъно жавҳари келган эди: – Чингизий йўсун ва қоидага кўра, кимнинг ёши улуғ бўлса, ўша тахтга ўтириб, хутба ва танга унинг номи билан безанади. Давлат тожи ва салтанат афсарини ўша ёшулларнинг бошига қўядилар. Аммо, набавий шарнат ва ҳақиқий, яъни ҳанафий мазҳаби талабига кўра ким бахтиёрлик тожигга лойиқ ва мақсади ҳосиллик тахтини бевовчи шаҳриёр сифатида унинг адолату динпарварлиги тонгининг ёғдуси ёрқин пешонасидан шарқ қуёши каби равшан ва дарахшон, инсоф ва халқ додига етиш хислати шўъласи жасурлик манглайи ва сарварлик пешонасидан худди чақмоқ чақини сингариярқираб турса, ўшанинг подшоҳ бўлмоғи муносиб, балки вожиб ҳисобланади.

Жаҳон ва олам аҳли махдумзодаси ул Парвиз ҳашаматли, Искандар аломатли хоқондан бу янглиғ ҳикоятни эшитгач, фаҳшат баёнли, жавоҳир нишонли тили билан «айни ушбу кунла-

римизда исломга ривож бермоқ, пайғамбар – *алайҳи-с-салом* – буйруқларини қувватлантирмоқ Сиз аъло ҳазрат қоматига мослаб тикилган либос ва хоқон ҳазратлари бошининг садқасига муносиб турли хил жавоҳиру дурлар билан безанган тождир. Энг яхшиси ва муносиби шуким, хутба саҳифаси мулк эгаси номи билан безанса, динору дирҳам сафҳаси, яъни зарб қилинадиган танга юзига фаридун манзилли хоқон исми нақшланса».

Мақтов хулқли ҳазрат хожанинг гавҳар аломатли тилидан бахт оятли мазкур сўзлар жорий бўлгач, аъло ҳазрат хожага нисбатан ўзидаги тула эҳтиёж юзасидан оёққа туриб, таъзим бажо этиш йўсинида бошини қуйи солгач, қайтиб яна ўз урнига ўтирди. Хоқон бу хожалар хонадонига эътиқоди кўплиги ва итоати холислиги юзасидан ул ҳазрат бандалигига камар боғлади. Ўша вақтда амирлардан бир нечтаси хожа арзига «муаззам хоқонлар ва мукаррам султонларимиз услуби ва равиши бўйича, қачон бирор давлат эгасини шоҳлик тахтига сазовор ва жаҳонпаноҳлик ўриндигига лойиқ топсалар, уни оқ кигиз устига ўтқазиб, тахт устигача олиб борадилар» деган сўзларни етказдилар. Иттифоқо, ўша куниси улар ёнида эгаси шариф ҳарамлар тавофи чоғи оби замзам суви билан ювган кичик бир кигиз бор бўлиб, хурсандлик ила ўшани йиғинга олиб келдилар. Сўнг аъло ҳазратни шу кигизга ўтқазиб, саодатли хожа Калонхожа давлат асҳоблари ва юрту миллат арбобларидан Юсуфхожа, икки ҳарам ҳожиси Турдикахон, аъзам нўён Назарбий, мукарам умародан Сархунбий каби бир нечта билан хоқон ёнига келиб, аъло ҳазратни подшоҳ сайлаб, кигизга ўтқазганча хонлик тахтига чиқардилар. Қайтадан итоат бошларини хоқон фармони чизиги устига қўйдилар. Тукис бирдамлик ила барчаси баъиятларини янгилаб, хизмат камарини белига боғладилар ва тилларидан янги бош хонга тарафдорлик ва сано сўзлари жорий бўлди. Юксак манзилли хожа Искандар мартабали хоқоннинг қутлуғ тахтга чиқиши табриги муносабати билан беш минг хоний тангани хоқон боши садақаси сифатида сочқи расми билан хон бошидан сочди, яна икки юз бош енгил юрар туя ва икки тўққуз елдек учар отни мақсади ҳосил хоқоннинг нурли назарига ҳавола қилди. Шунингдек, давлатнинг бошқа устун ва сарой аёнлари ҳам тахтга чиқиш маросимида бажариладиган расму русумларни адо этиб, имконлари етганча олтин, кумуш ва бошқа қимматли ашёларни нисор қилдилар. Мақтов хислатли соҳибқирон эртаси куни

ул мақомдан қўзғалиб, гулгун яшнаб турган Зомин мавзесига келиб тушди. Уша куниси, кўп йиллардан бери Бухоро олий масжидининг юксак мартабали имом хатиблик мансабини эгаллаб келаётган ҳофизлар қаймоғи ҳофиз Иброҳим ажойиб бир хутба ёзиб, унинг саҳифасини яхши оқибатли хоқоннинг номи билан беади. Даргоҳнинг муншийси ушбу воқеа тафсилотини рақам қилиб, ён-атрофдаги улкаларга юборди.

Хоқоннинг Юсуфхожа Сайид Отоийга нақиблик мансабини бергани ва укаси Ибодуллоҳ султон билан учрашиб, сунг Бухорога келиб, отаси қабри зиёратига боргани

Аъло ҳазратнинг қули салтанат ишларига хос тахтга чиқиш маросимидан бушагач, бутун вилоятнинг юксак нақиблик мансабини Юсуфхожа жанобларига берди. Эртаси куни Зомин вилоятдан қўзғалиб, юриш байроғини баланд кутарди. Дизақ ноҳияси қутлуғ мавқаб қўнишидан зийнат ва равнақ топгач, хоқон уша манзилдан бахт нишонли амирзода Муҳаммад Боқибий дўрмонни Самарқандга саодат асарли укаси Ибодуллоҳ султонни чақириб келиш учун жўнатди. Чунки, хоқоннинг дарё мавжли кўнглига «афтидан, Ибодуллоҳ султон ўтган ҳарбий юришда қатнашмагани учун, акам мендан ғазабланган шекли, қабилдаги ўйда ваҳимага тушиб юрган бўлса кёрак» деган маъни нури энган эди. Шунинг учун ҳам уша маконда то укаси келгунча, тўхтаб турди. Фархунда нишонли шаҳзода Ибодуллоҳ султон ҳазрат соҳибқирон ҳузурига чорлагани туфайли жуда хурсанд ва шод ҳолда Самарқанддан чиқиб, қутлуғ ўрду томонга ошиқди ва хўжаста сифатли, Искандар аломатли акаси қўлини ўпиш шарафи ва мулоқот давлатини топди. Аъло ҳазрат укаси риюятини тутиб, қайта-қайта ҳол-аҳвол сўради ва меҳрибонлик кўрсатиб, марҳамат оғушига олди. Бахт нишонли укаси Ибодуллоҳ султон ҳаққида шу зайл анча иноят ва илтифотлар кўрсатгач, Самарқандга қайтгани учун руҳсат берди. Ўзи эса йўналиш жоловини давлатининг қўеши балқиси ва бахт тонгининг отиши бўлган пойтахт Бухоро сари бурди.

Уша пайтда қутлуғ аломатли амири кабир икки ҳарам ҳожиси Жоналибий отолиқ Бухоронинг бир тўда халқи билан хоқонга пешвоз чиқиб, Темурқабак манзилида кўруниш маросими шара-

фига муяссар булди. Куруниш маросимидан сунг аъло ҳазрат бузруквор отаси таъзияси учун ушбу байтни тилидан жорий қилди: Гарчи наврӯзи олам кетган эрса-да, унинг садбарг гули боқий булсин.

Шунингдек, йул буйи барча давлат кишилари-ю фозиллар ҳар манзилда аъло ҳазратга пешвоз чиқиб, хурсандчиликлар қилдилар. Карнай-сурнай ва ноғораларнинг садолари осмонни тутди.

Ниҳоят, Муштарий юлдузи бахт топувчи толе билан шаъбон ойи уртаси¹⁷⁸ да салтанат пойтахти Бухорога келиб тушди. Яқиндагина бахтиёрлик тахти, давлат ва жаҳондорлик ўриндиғи ул ҳазратнинг яхши сифатли зоти билан зебу зийнат ва равнақу таровот топиб, саодат нурлари мубин пешонасидан ул шаҳар ён-атрофидаги юртларга таралгач, қозилар қозиси Нурмуҳаммад қозига ҳазрат хожайи Нақшбанднинг фэйзосор мозорига кўплаб қўй ва сон-саноксиз қорамол элтиб, аъло ҳазратнинг бузруквор отаси руҳини шод этиб, ош дамлатиш ҳақида буйруқ берди. Узи эртаси кунни давлатнинг бир қатор устунлари ва даргоҳи аёнлари ва бошқа улуғ, шариф кишилар ҳамда мамлакат ва ён-атроф уламоси қуршовида ҳазрат хожайи бузургвор зиёрати учун эҳром боғлаб, дастлаб, валийлик паноҳи даргоҳига етишди ҳамда малакошиён остонни ихлос ва эҳтиёж юзасидан ўпиб, ул буюк зотнинг мазкур мозорда мужовир авлодларига иззат-икром кўрсатди, у ердан хужаста осор отасининг нурли турбати ва муаттар марқади томон юриб, зиёрат шартларини тула-тукис одоб ва таъзим билан адо этди. Илтижо пешонасини эҳтиёж тупроғига сурди. Фуқаро ва йўқсилларга турли-туман садақалар ва шоҳона бахшишлар улашиб, ҳатто, ширинлик ва бошқа таомлар бериб, кўнгилларини қувончга тулдирди. Қуръон ўқиганда ёқимли қироти айлана фалак малакларини ўйинга тушурувчи хуш овоз ҳофиз ва қорийларни кеча-ю кундуз хатми қуръон қилиш учун тайинлаб, ул истеъдод эгалари ҳолидан таом ва бошқа рағбатлар билан қараб туришларига топшириқ бериб, кўнгилни бу жиҳатдан ҳам тинчитди. Шу зайл бу ерда саодатли онларини ўтказиб, ҳазин кўнгли таскин топиб, муродлар ҳосил қилгач саройга қайтди ва истироҳат учун хонлик тахтига ёнбошлади. Ҳақ таоло бу соҳиби давлат ва мақсади ҳосил шавкатли шаҳриёр инояти соясини то қиёматгача барча халойиқ боши узра ёйиб қўйсин ҳамда унинг салтанат қуёшини ботиш ва сўниш заволидан омон сақласин.

Бадахшон волийси Шоҳрух Мирзодан ўтган адабсизлик ва соҳибқирон хоқоннинг шу сабабли Хатлон ва Бадахшон вилоятлари устига юриши зикри

Бу воқеанинг шарҳи ва ҳодисанинг баёни шуким, Бадахшон волийси Шоҳрух Мирзо ибн Иброҳим Мирзо ибн Сулаймоншоҳ анча йиллар ва кўп замонлардан бери қуролли кучларининг кўплиги ҳамда кудратининг зўрлигига мағрурланиб, шулар вас-васасида бошини итоат арқони ва бўйин эгиш занжирига киритмай, қалъа-ю шаҳарлари мустаҳкамлигига орқа қилиб, тобелик қадамани итоат йули бўйлаб ташламади. Балки, баъзида босқин ва тажовуз қўлини нодонлик енгидан чиқариб, бу томон вилояти атрофларига чўзарди. Ҳатто, бир гал босқин-чопқин мақсадида қуббат ул-ислом Балх томонга келди ва ҳазрати Шоҳи мардон, шери яздон, ҳазрат Муртазо Али – *илоҳо, юзини азиз тутгайсан* – мозори тавофини баҳона қилиб, тажовузкорлик қўлини чўзмоқчи бўлди. Аммо, яздон фазлининг соҳибқирон томон етуклигини англаб, Балхдаги хоқон қўшини оз бўлишига қарамай, қўрққанидан ичига ваҳима тушиб, орқасига қайтиб кетди. Бироқ, илоҳий ҳукм маҳкамасида Бадахшон вилоятининг бузилиши ва бу ердаги теурийлар сулоласи давлатининг бошқалар қўлига ўтиш бўйруғи аллақачон чиқарилган бўлиб, волийнинг бу барча ярамас қилиқлари шу сабабли юзага чиққан экан.

Искандарнишон хоқон Андигон юришидан мақсади ҳосил ва муродига нойил бўлиб қайтиб, салтанат қароргоҳи ва шоҳлик қасрида қарор топди ва ўзига қарашли барча мамлакатларда хутба ва танга унинг қутлуғ исми билан безанди. Бир неча кун ўтгач эса, Миррих савлат тавочилар ва Баҳром ҳайбатли ясовуллар мамлакатнинг ён-атрофида тарқоқ ҳолда турган зафарпаноҳ сипоҳнинг барчасига Бадахшон юришига тайёрланиб, баҳор бошланиши билан йиғилиш жойи ҳисобланган Насаф вилоятида тупланиши ҳақидаги хабарни етказсинсинлар, деган фармон чиқарилди. Шу орада Шоҳрух Мирзо томонидан сайид насабли Шоҳ Ҳасанхожа кутблар кутби Саъдуддинхожа Калон хожа воситасида кўруниш саодатини топди ва Мирзонинг итоат аломати қоришган арзини хоқонга етказди. Аъло ҳазрат Бадахшон волийсининг макру ҳийлага асосланган бу ҳикоятини ҳақиқатга йўйса ва элчисига Бадахшонга қайтиш учун рухсат берса-да, жўяли бир гап билан кўнглини тинчитмади, бундан

хавотирга тушган элчи ноумидликка тушди. Хоқон элчини ёнида ушлаб, қиш охирлагач ва совуқ шиддати ҳам пасайгач, баҳор фасли бошида улуғ имом ҳазрат хожа Абу Бакр Саъднинг нурга тула мозори тавофи учун йуналди. Зиёрат амалларини адо этгач, у ердан муродлар ҳосил қилиб қайтди ва эртаси кунни кутблар кутби, тақводорлар ҳужжати хожайи бузургвор, яъни хожа Баҳоул-ҳақ вад-дин Нақшбанд – *оллоҳ сирларини муқаддас тутсин* – марқади сари юзланди ва ҳазрат субҳони таолодан – *зикри улуг* – фатҳу нусрат ва ғалаба тилади. Дуо ва фотиҳадан сунг муроди ҳосиллик билан ул табаррук даргоҳдан қайтди ва эртасига, аниқроғи, туркий «бичин (сичқон)» йилига тўғри келувчи 992 йил муҳаррам ойининг олтинчиси⁴⁷⁹ жумъа кунни Насаф томонга қараб юрди. Қутлуғ мавкаб бир қанча манзил ва масофани босиб ўтгач, Нахшаб вилоятига етди. Уша манзилда денгиз кўнгилли шаҳзода Абдулмуъмин султон томонидан келган хабарга қараганда, бу султон аъло ҳазратнинг Бадахшон сари юриш билан келаётгани овозасини эшитган заҳоти учқур оти жиловини қўлга олиб, фатҳ оятли байроғини кутарганча ёнидаги оз сонли кўшин билан юриш сари қўзғалибди. Шу сабабли хоқон мақсади ҳосил фарзанди олдига одам юбориб, ҳозир қўзғалишга шай турган қутлуғ мавкаб боргунча қаерга етишган бўлса, уша ердан жилмай турсин, дея буюрди. Иттифоқо, шаҳзода Абдулмуъмин султон уша пайтда Бобошоҳид мавзесига етишган бўлиб, аъло ҳазрат юборган киши уша жойда қутлуғ фармонни унинг қўлига топширди. Абдулмуъмин султон ўғруқни мазкур мавзеда қолдириб, аъло ҳазратга пешвоз чиқиш учун орқага қайтди ва Одина масжид мавзесида отаси мулозиматига етишиб, кўруниш шарафини топди. Ҳазрат соҳибқирон баркамол ўғли билан от устида турганча жигарбанд дилбандини меҳрибонлик кучоғига олиб, лутфу карамли бағрига босиб кўришди. Балх вилоят ободончилиги ва халқ аҳволи, лашкар таъминоти борасида қайта-қайта сўраб-суриштирди. Муаззам хоқон у ердан муҳаррам ойи охирларида душанба куниси ёнидаги яқинлари билан ҳаракатланиб, Балх қалъаси ичига ташриф буюрди. Наввоб Абдулмуъмин султон бузруквор отаси шарафига подшоҳона тўй ва хусравона ўтириш ташкил қилди.

Алқисса, шодиёна тўй ва кўнгилоҷар зиёфатлардан бушагач, зафарли хоқон Балхдан чиқиб, узининг, қаерга борса уша ердаги оллоҳ дўстлари ва бошқа дин улуғлари мозороти воситасида

оллоҳдан мадад тилаш одатига кўра, валийлар паноҳи, халифа оқибатли оллоҳнинг голиб арслони Али ибн Аби Толибнинг – оллоҳ ундан рози бўлсин – муқаддас машҳади ва мунаввар марқади тавофига борди. Бу улуғ даргоҳ атрофи гардун аломатли аскарнинг қуш ташлаш жойига айлангач, хоқон улуғ имом каъбасини тавоф қилиб, зиёрат қоидаларини бажо келтирди ва тавоф маросими одоб-русумини адо қилди. Пок ният ва соф эътиқод нишонасини намоеън этиб, оллоҳга эҳтиёжи юзасидан илтижо ва тавба-ю тазарру қўлини кўтарганча арзи ҳолини буюк қудрат эгаси бўлмиш оллоҳ олдида изҳор қилди. Файз аломатли кўнгли нурга тула мозор зиёратидан фориғ бўлгач, фуқаро ва дилни яйратгувчи ул мақбара хизматчи-ходимларига кўп назру ниёз ва садақалар улашди. Сўнг уша ердан йўналиш байроғини Қундуз шаҳри томон кўтарди ва эртаси кўни елдек учар отини уйнатиб, йўлга тушди. Бир неча манзил ва масофани орқада қолдиргач, Қундуз вилоятининг машҳур мавзеларидан саналган Оқсарой мавзесига келиб тушди ва у ердан Шоҳ Саъидбий қорлуқни Каҳмард ва Ғурини озод қилиш учун юборди. Сафар ойининг олтинчиси⁴⁸⁰ жумъа кўни Қундуз қалъаси атрофи осмон тартибли аскаргоҳ чодирларининг қад кўтариш жойига айлангач ва жаҳондорлик овозаси замину замонни қоплагач, мақсади ҳосил хоқон ўгли ва ёнидаги дўстлари билан шамол сиёсатли отига миниб, шарқ қуёши каби кўрғон доираси уфқидан балқиб кўринди ва офтобдек мазкур Кайвон гардишли қалъа атрофини айланиб, унинг баландлиги ва кириш жойларини эҳтиёт назари билан кўздан кечирди. Ўзи тушиб, жойлашадиган ўринни ҳам чаққон қўл фаррошлар чодир, утов, шоҳ қароргоҳи бўлмиш саропардани осмон баробар қилиб буй чўздиришлари учун аниқ қилиб белгилаб берди.

Шоҳрух Мирзо эса хоқоннинг фалакмисол даргоҳига юборган элчиси Шоҳ Ҳасанхожа қайтиб келишдан бурун ва қўтлуг байроқли қўшин туғи ҳамда кундан-кун юксалаётган давлат байроқлари бу томонга қараб кўтирилгани маълум бўлишидан олдин Бадахшон вилоятининг эътиборли сайиди, давлатнинг улуғ амирларидан бири ва Толиқон вилояти ҳокими Шоҳ Имод ўз ўғлини Жаҳонгир кўкага куёв қилиб, Толиқонда ўтказаетган катта тўйида қатнашарди. Чунки, Шоҳ Имод Шоҳрух Мирзони барча аркони давлат ва Бадахшон вилоятининг таниқли кишилари билан бирга шу тўйга чақирган, бир неча кундан бери шу

муносабат билан кетма-кет шаробхўрлик Утиришлари уюштирилиб, ичишнинг кети узилмас, мастларнинг «нушо-нуш, ичоч» деган бақриқлари кўкни тутаётган эди. Хабарчилар Шоҳрух Мирзони ғалаба асарли қўшин келаётганидан қанчалик огоҳ этишга уринишмасин, давлатининг қайтганиданми, ақлу ҳуш қулоғини ҳеч бир гапга осмади. Бир неча кун олдин аъло ҳазрат Шоҳрух Мирзо элчисига Жайхун ёнидан туриб рухсат берган бўлиб, элчи етиб келганда Шоҳрух Мирзо айнан ўша тўйда вақти чоғлик қилаётган пайт эди. Элчи аъло ҳазрат бостириб келаётгани хабарини аниқ-ойдин етказди, аммо унинг айтганлари ҳам Мирзо қулоғига кирмади. Хуллас, ҳар ҳолда, Шоҳрух Мирзо ғалабага ёр лашкар келаётганини кеч бўлса-да пайқаб, юрагига қайғу ва баданига титроқ кирди, ҳайрону паришон бўлиб, қаттиқ ўйга чўмди ва бахтсизлик оятини ўқишга тушди. Тобеълари ва қарам кишиси жуда кўп Қўрчибекни Қундуз ва Толиқонни ҳимоя қилиш учун жўнатди. Шулар тўйда қатнашаётган биродарлари ва эътиборли одамларининг ҳар бирини Бадахшон вилоятидаги Кайвон аломатли қалъа ва қўрғондан бирортасини беркитиш мақсадида юборди. Узи эса тўхтовсиз равишда қочиш сари юзланди.

Қўрчибек ўз тарафдорлари ва дўстлари билан бирга илғор солиб, Қундуз қалъасига етиб келиб, ичкарига кирди ва қалъа атрофини таъмирлаб, ҳар бир кунгура бошига ўз ишининг усталарини қўйди. Ҳар неча қадам ерда эса моҳир ўқ отувчи мерган камондорларни жойлаштирди. Улар қаршилиқ билакларини қаттиқ шимариб турдилар.

Бахти кундан-кун балқиб чиқаётган қутлуғ мавкаб ёнидаги сон-саноқсиз жасур аскарлар Қундуз қалъаси атрофига келиб, баланд қўрғонни худди кўйлак чоклари ипига ўхшатиб ўраб олдилар. Қундуз қалъаси жуда мустаҳкам қўрғон эди. Хуллас, қўшиннинг бошқа одамлари йўлдан етиб келиб, эндигина ўзларига турар жой топаман деб турган маҳал уруш майдони пастлигидан жанг учқуни айланувчи фалак чўққисигача сачраб, «тутушла» олови аланга олиб, тупроқ марказидан фалак тепасигача етди. Аниқроғи, ичкаридан душман жангчиларининг катта бир тўпи ташқари чиқиб, ўзларини хоқон жангчилари сафигача етказдилар ва сафни ёриб, кўпчилик ва издиҳом билан ташқаридагиларни орқага суриб ташладилар. Шу орада шавкатли амирзода Надр қўрчи Раҳимқули Сайид Отоий, Ҳожи Мирзо қушчи,

Бокижон Мирзо жалойир каби шижоатпеша ёшлардан бир гуруҳи билан жанг майдони сари отланди ва тулқинли денгиз, одам қулатувчи арслонга ўхшаб, душманнинг йўлбарс қувватли фитначи галалари устига ташландилар. Бу атоқли амирзодаларнинг шижоат аломатли қўл-билақларини осмондан кузатган шамшир урар Баҳром минг-минг офаринлар айтар эди. Ниҳоят, душманлар довюрақлар ҳамласига дош беролмай, орқаларига чекиндилар ва жангу жадал жиловини қўлларидан чиқариб, қалъа сари юзландилар. Енгилганча ҳар бурчакка ўзини уриб, судралган кўйи ит азобида қочишга тушдилар. Ғалабага ёр аскарлар ул устувор қалъани эгаллаш мақсадида қаттиқ саъй-ҳаракатлар қилиб, жаҳду жадал билан урушдилар, чексиз шижоат ва мардлик намунасини кўрсатдилар.

Ғалаба чеҳраси жамол кўрсатишдан олдин яхшилик аломатли хабарчилар бирин-кетин нурли кўнгилга Шоҳрух Мирзо зафарли қўшин ҳамласи оқибатидан кўрқиб, юз минг нола-ю оҳ, афсусу надомат ила қочгач, Кишм атрофига борган, у ердан ҳам чиқиб, Толиқонга бориб ўтирибди ва қалъани беркитишга қарор қилган, мазмунидаги арзни етказдилар. Искандар мартабали хоқон бу хабарни эшитгач, дастлаб, Хожамқули қушбегини жангда моҳир ва ҳарбий ишларга қодир бир гуруҳ билан Толиқон томонга тайин қилди. Қушбеги Толиқон сари кетгач, ул гуруҳ бир тунни йўлда ўтказиб, ўзларини Кайвон нишон Толиқон қалъаси тагига етказдилар. Мавжудот яратувчисининг иноят қули Хожамқули энгини мақсуд нақдинаси ва мурод дирҳамлари билан тўлдирди. Яъни, Шоҳрух Мирзо зафар туғли қўшин бостириб келаётганидан хабар топиб, Толиқонни ташлаб чиққан кўйи қочиш байроғини Бадахшон доवони томон кутарган эди. Толиқон қалъаси ҳимоя қилувчи қўмондонсиз қолгани сабабли Хожамқули қушбеги ул вилоятни эгаллаб, қалъа калитини ўша ер қозиси орқали хоқон ҳузурига юборди. Шоҳрух Мирзонинг қочиб, Бадахшон вилоятининг чекка нуқталарига кетгани ахборотини ҳам бир арзномага битиб юборди. Аъло ҳазрат дарҳол, жасур амирлардан Абдулбоқи дўрмон, арслондек шижоатли Абдуссамдбий, уруш ва кураш денгизининг наҳанги Қанбарбий наймон, чухра оғоларидан давлатнинг ишончли одами Раҳимқули чухра оғоси, дин жангчиси Дўст чухра оғоси, Севинч чухра оғоси, ғазаб йўлбарси Хожамқули қушбегилар душман кетидан отлансилар, дея фармон берди. Шижоатли амирлар музаффар туғ-

ли хоқон фармонига биноан душман орқасидан қувлаб кетгач, баланд шаҳрбанд ва хокрези, чуқур хандақи калтабинлар назарида утиб бўлмас тусиқ бўлиб кўринган Қундуз қалъаси фатҳи юзи жамол кўрсатди. Бу воқеанинг шарҳи шуким, Қундуз кўрғони камали муддати саккиз кунга чузилгач, давлат устунни Қулбобо Кўкалтош қалъа девори тагига бориб, Қўрчибек билан сулҳ тузиш ҳақида сузлашди ва ҳашаматли хоқон фармонига биноан илоҳий ва моддий мавжудотлар яратувчисига таваккал қилиб, қалъага кирди ва насиҳат тили билан Қўрчибекка «ўзингни беҳуда ўлим майдонига солма, халқни бекорга нобуд этиб, қарғишига қолма» деди. Қўрчибек илоҳий иноят аломати ва подшоҳлик қудратини мушоҳада этгач, бўлажак ҳақиқат унга ойдинлашди: агаритоат бошини қуллуқчилик буйинтуруғига тикмаса, жаҳон шоҳи қиличидан омонлик истаб, ихтиёри жиловини олий мартабали ходимларнинг қудрат қўлига топширсагина беҳуда ўлим ва оғир ишлар олди олинади.

Шундан сўнг соф кўнгилли амир насиҳатлари Қўрчибек кўнглига маъқул келиб, қалби тўридан яхши жой олди ва дарҳол тили шамдек аъло ҳазрат итоати томон оғишди, шу ондаёқ мағрурликнинг юксак чуққисидан илтижо пастлиги сари эниб, қалъа дарвозасини очди ва ойнинг ун олтинчиси⁴⁸¹ якшанба куни Шоҳрух Мирзо амирларидан бири саналган Муҳаммад Замонбек Шерозий билан бирга кўп ҳадя ва катта туҳфалар олиб, ташқари чиқди ва юзини олий даргоҳ томон қаратди. Амир Қулбобо шафелигида қутлуғ даргоҳ палоси четини ўпиш шарафига эришиб «агар бизларни ялақамасанг ва бизларга раҳм қилмасанг, албатта бизлар зиён тортувчилардан бўламиз»⁴⁸² дея нидо айлади. Аъло ҳазрат Қулбобо Кўкалтош шафоатини қабул тутиб, Қўрчибек айблари устидан кечирим рақамини тортди ва сийловлар кўрсатиб, лутфу карам тўнини унинг иқбол қоматига ташлади ҳамда ўз амирлари қаторига қўшди. Шу замонгача, ҳатто, тупроқдан ясалган тўсиғи ҳам ҳеч бир олий мартабали хоқоннинг тасарруф қўлига кирмаган шундай қалъа амир Қулбобо Кўкалтош воситачилигида фатҳ қилинди. Ул ҳазрат Қундуз ҳукуматини саодат нишонли султон Динмуҳаммад султон ибн Жонмуҳаммадхон аштархонийга топширди. Яхши қалбли амир Дўстимбий қушчини унга отолиқ қилиб, юртнинг катта-кичик барча ишларини унинг тасарруф кафтига қўйди. Олижаноб кўнглини осмон гардишли Қундуз қалъаси ташвишларидан тин-

читган хоқон мақсад ва муроди ҳосил ҳолда жамшидона шавкат ва бахт, шоҳона тартиб билан зафарли туғни Толиқон вилояти сари кутарди. Толиқон шаҳри атрофи юлдуз нишонли чодирлар қароргоҳига айлангач, ўша манзилда шижоатли султон Ҳазора султон ибн Ўзбек султон Ҳисори Шодмон тарафдан келиб, бахт асосли хоқон қулини упиш шарафини топди. Аъло ҳазрат иноят қулини унинг елкасига қуйиб, зотини турлича лутф ва ҳар хил меҳрибончиликлар билан сийлади. Толиқон вилоятини Сулаймон султон ўғли Маҳмуд Султон ихтиёрига топширди. Кўп йиллардан бери хоқон даргоҳида камолу иқбол касб этган ҳамда саройга йул топиб, маҳрамлик мартабасига етган Ҳушибий ясовулни унга отолик қилиб тайинлади. Сўнг у ердан кучиб, йулини Баҳорак сари солди. Ул мақом ҳавоси қутлуғ мавкаб тушишидан мушку анбар таровотига бурканиб, муаттар ва хушбуй бўлгач, шу ерда валийлик паноҳи ҳазрат шайх Халилуллоҳхожа⁴²³ соҳибқирон хоқон буйруғига биноан ташриф буюрди ва мулоқот шарафини топиб, улуғлиги ва иқболи яна ҳам ортди. Мажлисга киришдан олдин хонлик шавкати ва салобати, хоқонликнинг ҳайбат ва сиёсатидан шайх ҳазрат кўнглига даҳшат ва ваҳшат тушган бўлиб, рухсатдан сўнг ичкари кирди ҳамда хоқон қулини упиш учун тахт сари йўналаётганда эса ҳар бир қадам босишида бироз секинлик ва орқага тисралиш рўй берди, буни пайқаган хоқон шайхнинг бу ҳаракатини такаббурлик ва беписандликка йўйди ва шу утиришдаёқ буни шайх юзига солиб берди. Ҳақиқатдан ҳам бу воқеа юз бергани, аммо барибир бу подшоҳмашраб шайх кўнглида камтарлик хислати борлиги учун жавоб беришга уринмади. Чунки, кўп йил ва узоқ замонлардан бери шайх ҳар йил қудратли хоқонлар йўсинида ва юксак даражали султонлар расмида йигирма-ўттиз минг найза санчар ва қилнч чопар, бағри тош тоғликларни йиғиб, ўзи яшаётган Варсак вилоятига яқин Катвар кофирларига қарши юриш қилар ва жиҳод учун жаҳду жадал байроғини кутарарди. Тахмин ғубори ва шубҳа чанги аъло ҳазратнинг дил лавҳи ва кўнгил ойнасига утиришдан олдин шайх томонидан содир бўлган бу каби буйин товлаш ҳолати хоқоннинг қуёш нурли қалби сафҳасида юз кўрсатди. Шунга кўра, шайхни қутлуғ мавкабда ушлаб туриш буйруғи чиқиб, унинг ҳолидан хабар олиб сақлаш юмуши Қулбобо Кўкалтош зиммасига юкланди. Шайх Халилуллоҳ юлдуз нишонли мавкабда ушлаб қолингач, амирлар пешқадами Муҳаммад Боқибий

дурмон ва Аҳмадалибий наймон, хожа Муҳаммад Латиф девон, Оқмуҳаммад ясовул ҳамда Бадахшон қушинидан бу томонга ўтган ва Бадахшон вилояти йул ва қоидаларини яхши билувчи Кепак девонани маҳаллий мансабдор шахслар мол-мулкани аниқлаш ҳамда шайх Халилуллоҳ оиласини кучириб келиш учун Варсак ва Хўст, Фархор вилоятларига жунатди. Ўзи эса зафар аломатли туғини Шоҳбек қалъаси томон ҳилпиратди. У ердан ҳам ўтиб, об-ҳавоси жуда яхши бир макон ҳисобланган Арҳанг ўланги ва Соли сарой мавзесига борди ҳамда бир неча кун ўша дилга ўрнашувчи мақомда шунқор ва лочин солиб, фоз ва турна овлаш учун тухтади.

Ғалаба аломатли амирларнинг куч ва қудрат билан душман кетидан илғор солганлари зикри

Бу воқеанинг баёни шуким, юқорида айтиб ўтганимиздек, аъло ҳазрат хоқон Оқсарой мавзесида турган пайти Рукнуд-давла Шоҳ Саъидбий қорлуқни Шоҳрух Мирзо эгачисининг эри Амир Низом тасарруфидаги Фури кўргонини эгаллаш мақсадида юборди. Амир Шоҳ Саъидбий хоқон буйруғига биноан йўналиш жиловини ўша томонга буриб, ўз одамлари билан Фури томонга ошиқди. Бақлон мавзесида Амир Низомнинг қочиб кетгани хабарини эшитгач, яна ҳам тезликда, аммо қор сабабли кўп катта қийинчиликда Фури томонга юрди. Буни қарангки, ҳеч бир қурол-яроқдан фойдаланмасдан, уруш асбобларини ишга солмасдан ғоятда мустаҳкам ва ниҳоятда устувор ҳамда қаҳрамонлардан ҳеч бирининг кўнгил кўчаси ва хаёлидан бу қалъани олиш ҳаваси ўтмаган Фури қалъасини эгаллашга муваффақ бўлди. Сунг, дарҳол, олий даргоҳга Фури вилояти олингани воқеаси битилган арзно-мани юбориб, кўнглини бу ер ташвишлари борасидаги гаплардан тинчитди.

Шавкатли хоқон бу ҳикоятни эшитгач, хурсанд бўлиб, кўнгли қувонч ва шодликларга тўлди. Фури ҳукуматини жаноб Дўстимбий чашму абруга топширди. Амир Шоҳ Саъидни қудс ошиён даргоҳ чақириб олди. Ақлли ва тадбирли амир Шоҳ Саъид жаҳон олувчи хоқон мулоқотига мушарраф бўлгач, ўша пайтда Бадахшон вилоятининг мазкур Амир Низом, Шерхон тулакчи, Шоҳ Ҳасан Термизий, амир Абулмуҳаммад, Мулло Ашраф каби жасур ва жафокаш сардорларидан бир тўдаси қизиққон ва қасос-

кор ёшлардан иборат гуруҳ билан бирга ўз мол-ҳол, бола-чақа, аҳлу аёлини олиб, баланд қор уюмлари устидан йўл юрганча Кобул томонга юзлангани; Шоҳрух Мирзо ва Шоҳ Сулаймон элчиси ҳам шу гуруҳ ҳамроҳлигида шавкатли Жалолоддин Акбар подшоҳни хабардор қилиш мақсадида Ҳинд сари кетаётгани хабари эшитилгани сабабли ул ҳазрат мазкур амирни ҳузурига чақиртиргани борасида айтиб, дарҳол, Гадоё султон, Муҳаммад султон Ҳисорий, Шоҳ Саъидбий, Алимардон Баҳодир ўғли Турди Мирзо, Андижон амирларидан Шоҳназар девонани мазкур душман тўдаси кетидан жўнатди. Зафарли сипоҳ Искандар дастгоҳли хоқон фармониға биноан йўналиш раҳсини сакратиб, тавсан жilовини тоблаб, душманни топиш мақсадида ҳиммат кўрсатишға тушдилар. Излаб топиш ҳаракатлари икки кеча-ю кундуз илғор расмида давом этгач ва ҳаммаёқни қор қоплаган ерлардан ўтгач, Андароб манзилиға етиб бордилар. Ўша ердан Шоҳ Саъидбийнинг мулозими амир Солиҳ амирлар топшириғиға биноан душман хабарини топиш учун излаш ишиға киришди. Хинжон мавзесида юқорида номларини фасоҳат баёнли қалам рақам қилиб ўтган Бадахшон амирлари кетидан етиб, уларни қўлга туширди. Сунг қайтиш билагини кўтарди. Шоҳ Саъидбий ёнидаги мазкур амирлар билан бирга ғалабаға ёр бўлиб қайтдилар. Норин мавзесиға етганда, аъло ҳазрат хоқон олдидан шу ергача одам келиб, Шоҳ Саъидбий Танзилхон ва Бадахшон вилоятининг энг жасур ва мард одамлари саналгн мўғуллардан бир гуруҳи билан бирга қаерға етишган бўлса ҳам ўша ердан тўғри Каҳмард вилояти сари йўналсин ва бор кучи билан Кайвон тартибида қурилган ул маҳкам қалъани эгалласин, деган фармони олий келтирди. Шунга кўра, Шоҳ Саъидбий асир тушган бадахшонлик амирларни мулозими амир Солиҳ ва Жамолиддин Аштакийға топшириб, улар билан бирга хоқоннинг олий даргоҳиға юборди. Ўзи эса ёмғир томчилари каби сон-саноқсиз ва денгиз тўфонидек тошқин сипоҳ билан бирга журъат юзини Каҳмард тарафға қаратди. Мазкур қалъа ҳукумати бошлиғи ва Бадахшон давлатининг мўътабар амирларидан саналган Ханжар Алибек ёнида Шоҳрух Мирзо томонидан ёрдам учун тайинланган минг нафар довюррак жангчиси бўлишиға қарамай, амир кабир Шоҳ Саъидбий савлати ва юрт олувчи кўшин зарбасидан қўрқиб, шундай осмон ўпар деворли, балки фалакнинг ўзи билан тенгликка даъво қилувчи баланд ва мустаҳкам қалъани ташлаганча

юраклари така-пука ҳолатди қочиш сари тутиндилар. Зафарга ёр амир тула фатҳ ва ғалаба билан қалъага киргач, тиришқоқлик елкасини қаттиқ тираб ва ҳиммат камарини маҳкам боғлаб, ул пишиқ қурилган мустаҳкам деворли қалъани сақламоққа жазм этди ва Каҳмард қалъаси эгалланиши тафсилотини ҳам бир хатга битиб, аъло ҳазрат хоқон томон юборди. Ушбу воқеанинг рўй бериши қуёш толели, Муштарий саодатли хоқонни жуда ҳам қувонтириб, севинчига севинч қушди. Амир Низом ва амир Шерхонни сақлаш вазифасини давлат таянчи Шоҳимбий арғун зиммасига юклаб, унинг олдига Қоракул томонга жунатди. Қолган асир амирларни сақлаш ишини олий давлатнинг бошқа устунларидан бир гуруҳи устига юклади. Шоҳ Саъидбий ҳаққида хусравона иноятлар кўргузди, аниқроғи, Каҳмардни яна бир неча аймақлар билан бирга қушиб, жалду йўсинида Шоҳ Саъидбийга бергани ва уша қалъада бўлиб туриши борасида олий фармон чиқариб, мазкур амирга жунатди.

Мардоналикда тенгсиз амирларнинг Фури ва Каҳмардни эгаллаш учун уша қалъалар томон жунаши

Бу воқеанинг баёни шуким, ғазабли ва ҳабибатли амирлар Қундуз қалъаси атрофидан искандармакон хоқон буйруғига биноан худди тоғ какликлари йиғилиб турганидан хабар топган қирғийлар каби ёки ел эсишидан алангаланиб, яна ҳам қаттиқ ёниш учун ўзини қуруқ ўтинга урувчи тили ўткир оловдек йўналиш юзини Толиқон томон қаратдилар. Толиқонга етгач, Шоҳрух Мирзонинг Кишм ва Шоҳ Зафар қалъаси томонга қочиб кетгани хабарини эшитдилар. Дарҳол Хожамқули қушбегини олиб, илғор солганча йўлга тушдилар ва душман кетидан қувиб кетдилар.

Шоҳрух Мирзога зафарли сипоҳ келаётгани маълум бўлгач, Кишмдан чиқиб узининг Жаҳонгир Кука, Меҳр Алихон, Мухаррамхон каби бир гуруҳ амирларини Шоҳ Зафар қалъасига кўйиб, узи ғалабага ёр қушининг дош бераолмас биронта зарбасига ҳам дуч келишни истамай қўрқув ичида орқасига қарамай қочиб қолди.

Нусратли ва шижоатли сипоҳга Шоҳрух Мирзонинг қочгани маълум бўлгач, тезлик билан Кишм ва Шоҳ Зафар қалъаси то-

мон йуналдилар. Бор кучлари билан отларни қамчилаб, Кишмдан ўтиб, Шоҳ Зафар қалъаси атрофига етгач, зудлик билан баландликда Кайвоғ ва икки рангли осмондан ўзган ул қалъани ураб олдилар. Шоҳ Зафар қалъаси ўта мустаҳкам бир қўрғон бўлиб, яхлит туташган бир тоғ тепасида жойлашган эди. Бўйи шу даража эдики, девор ва буржининг боши кўк фалак авжи ёки Сурайё буржигина эмас, балки Сидрат ел-мунтаҳо учидан ҳам ошган эди.

Сайхун дарёсига қўйиладиган Кўкча дарёчаси шу қалъа тагида қад кўтарган тупроқ тусиқ четини ювиб оқарди. Бу баландликда жойлашган қалъа дарвозасигача кутарилиш йўлаги сифатида ёғочдан ясалган зина ва пиллапояр ўрнатган эдилар. Агар улардан биттасини олиб қўйсалар, қалъа томон ўтиб-қайтишнинг сира имкони бўлмай қоларди.

Алқисса, эртаси куни бу биз сокин турган феруза манзар қалъа эгаси нурли маҳчасини осмон томон кутаргач, саҳар қиличи нурлари шўъласи ва найза, ханжар ёғдуси жаҳон майдонини ёритиб юборди.

Зафарли сипоҳнинг довурак жангчилари ҳиммат юзини Шоҳ Зафар қалъасини эгаллаш сари қаратишдан сал олдин, журъат оёғини шижоат йўлига босишдан бироз эртароқ Дўст Мирзо чуҳра оғоси кураш либосини эгнига ташлаб, устига жангу жадал кийимини кийиб ва бошига темир дубулға қўндирганча, биринчи бўлиб тез юрар отини ўрнидан қўзгатди ва у томондан ҳам анчагина халқ, ёшу қари қўлларида қора сақичдан ҳам қорароқ зим-зиё тунда ёвуз қалбли ҳабаш юзидаги холни юлиб туширадиган ўқ ва пайконлар, эгнидаги бошдан-оёқ совут, жавшан ва дубулғаларининг темир конига чўмган ҳолда қутурган денгиздек шовқин-сурон кутарганча бирданига икки-уч минг пиёдалар тепадан пастга эндилар ва жанг майдони сари юз тутиб, ҳарбий ҳийла ва жанг найрангини ишга солганча бир тўп одамларни уруш майдонига юбориб, яна бир гуруҳни эса пистирмада қўйдилар. Бу томондан Дўст Мирзо чуҳра оғоси қўшиндаги ўзига қарашли озгина кишилар билан муҳолифлар томонга йуналди ва Баҳром қасосли қиличини қинидан чиқариб, душман сафлари томон отилди. Қаҳрамонлик курсатиб, бир неча душманни ер тишлатганча майиб-мажруҳ, яна бировларини эса бежону руҳ қилди.

Урушқоқ ва зуравон душманлар ҳам кўк денгиз тўлқинлари ўркачи каби мавжга келиб, қудрат қўлларини жанг сари чўзди-

лар, кучли билакларини саваш учун кутардилар ва мардлик оёғларини залворли ташлаб, қаҳрамонларча жанг қилдилар. Мазкур Дўст Мирзо чуҳра оғоси эса олдига яқинлашиб қолган ўшандай йўлбарс қудратли бир гуруҳ устига худди бўкирган арслон каби ташланди ва қон оқизувчи найза билан душман бағри ва сийнасидан дарчалар очди. Шундан сўнг ул тўданинг барчаси қўрқувга тушиб, тўсатдан, уруш майдонига орқа ўгирдилар ва пистирмалар сари чопдилар. Чуҳра оғоси ҳам ёнида бор бир тўп кишилари билан қочганлар изидан қувлашга тушди. Иттифоқо, пистирмада пайт пойлаб ўтирган гуруҳ ўринларидан туриб, икки томондан ўраб келиб, шийба усулини қўлладилар. Шу чоқ қайсидир номард отган ўқ кутилмаганда Дўст Мирзо чуҳра оғосининг чап кўзига келиб тегди. Гўё, бу мард кишига ўқ эмас, бу оламнинг кўзи теккандек эди. Аммо, у шундай қаттиқ ярадор бўлишига қарамай, ҳол тили билан айтилган «Ёмон ўйли душман мендан, қилич юзи ва камон орқасида бошқа нарсани кўрмайди» қабилидаги сўзларга амал қилиб, яна бир бор ҳужумга ўтди ва душманларни олдидан кутариб ташлаб, йиғингоҳ тупроғини муҳолифлар қонига бўяди ҳамди тағин қанча қаҳрамонликлар кўрсатди. Ўша аснода зафарли қўшин кўпирган денгиз мавжлари сингари тўлқинланиб, мазкур чуҳра оғоси кетидан етиб келиб, дарҳол ул урушқоқ ва зўравон душман гуруҳи томон ташландилар. Аммо, муҳолифнинг бу аскарлар зарбасига дош бериши қийин бўлиб, йўналиш жиловини қочиш томон бурдилар ва ҳар қайси ҳар тарафга чопдилар. Улардан бир тўпи қалъага кириб, дарвозани беркитиш иши билан банд бўлдилар. Зафарли қўшиннинг мазкур аскарлари эса орқага қайтиб, чуҳра оғосининг ярасини боғладилар ва унинг атрофини «мим» ҳарфи бошидек тор ҳалқа шаклида ўраб ўтирдилар.

Ниҳоят, ана шундай олишувларнинг тўртинчи куниси душманнинг ерга қаттиқ тираб турган оёғи қалтираб, тоқат ва чидам биноси қулай бошлади. Дарҳол, ул кеккайган шум ният гуруҳ овчи шердан қўрққан тулкидек думини тугиб, ожизлик жиловини қайтиш ва қочиш йўли томон бурдилар. Қалъани мудофаа қилиш ишидан воз кечдилар ва кечаси қалъа деворидан ошиб, пастга тушдилар ва юзларини Кобул томон қаратдилар. Амирлар душман қочганидан хабар топгач, тезликда улар кетидан қувлашга тушдилар. Ҳеч бир замонда шайбоний хоқонларидан ҳеч бирининг қўли етмаган Бадахшон довоғигача қувлаб бордилар. Аммо,

шунча йул босганлари ва саъй-ҳаракатларига қарамай у ерда қочоқларнинг ҳеч биридан ному нишон топмадилар. Шоҳрух Мирзо тарафлардан эса унинг қор босган тоғ сўқмоқлари ва уйдим-чуйдим, айлана, тор йуллар орқали юриб, Кобулга утиб кетгани ҳақидаги хабарларни эшитдилар. Энди шу ердан нариги ёққача утишга буйруқ йўқлиги учун орқаларига бурилиб, куп улжа ва янги ғалабалар билан қайтдилар. Бошқалардан бир кун олдин йулга тушиб кетган Қанбарбий наймон ва Дўст чухра оғоси ёнидаги одамлари билан баландлиги туфайли чуққиси осмонга тегиб турган Танги Афрас тоғига етдилар. Ақлсиз кишилардан катта бир гуруҳи ушбу тоғ тепасида яширинган бўлиб, зафарли қўшиннинг мазкур амирлар кетидан кетган одамларига ҳужум уюштирган ва улардан анчасини ўлдирган эдилар. Амирларнинг бу ерга келиши кўпинча шу сабабли бўлиб, ҳалиги ҳамлага учраган пайти қочиб қутула олганлар ҳам мустажоб дуо сингари айвон нишонли мазкур тоғ ёнига қайтиб келдилар.

Эртаси куни қуёшнинг ғалаба жангли Жамшиди осмон қалъаси тепаси узра балқиш туғи ва кўриниш байроғини кўтариб, Кавкаб сипоҳини тепалик устидан тум-тарақай қочириб юборди.

Тонг отгач, қолган амирларнинг ҳам бариси орқадан етиб келиб, дарҳол ҳар томондан шижоат ўрмони йўлбарслари ва жасурлик тоғи қоплонлари жанг яроқларини тайёрлаб, карнай-сурнай ва ноғора садолари ҳамда «тут, ушла» говушлари шовқин-суронини фалак гунбазига етказдилар. Кўп уруш-саваш ва олишув-тортишувлардан сўнг зафар байроғини фалакка буй чўзган ул тоғ чуққисига тикдилар. Яманий қиличлар ўзининг бош узиш ишини бошлаб, Хаттий найзалар ўч олиш расмини туздилар. Тоғу тош душман қонидан лаъл тусига кирди. Ниҳоят оллоҳи эгам ёрдами билан ва соҳибқирон давлати қувватидан душманнинг таянч ва суянч устунлари ларзага келди. Ноилож ожизлик кўрсатиб, бариси қочишга тушдилар ва йўналиш отини қочиш водийси томон сурдилар. Хоқон амирлари улар кетидан қувиб, обдор қилич ва оташбор найза билан ул осий гумроҳлар ҳаётининг кулини кўкка совурдилар. Кибр ҳавоси билан гердайган тупроқ сириштли муҳолиф тўданинг кўпи ер тубан қулаб, нобуд бўлдилар. Зафарли аскарлар кўлига ҳаддан зиёд кўп асбоб-яроқлар ўлжа тушди. Исёнчилардан анчаси эса бошларини асирлик домига гирифтор қилдилар.

Фатҳ амалга ошиб, узини мурод ойнасига солгач, ғалабага ёр қушин йўналиш жиловини Рустоқ томонга қараб бурди. Ул вилоятни ҳам забт этгач, Толқон ҳокими Абдурахимбекнинг Шоҳрух Мирзо тупчибошиси Амир Оташ, Мирзо Муҳаммад садр, Мир Султон ва бир қанча кишилар билан Рустоқ вилоятига қарашли Баччамурғ мавзесида беркиниб, уша баланд кўрғон ва юксак манзилда ўтиришгани маълум бўлди. Шунга кўра, шавкатли ва қудратли амирлар Муҳаммад Замонбек Шерозий қўлига истимолатнома тутқазиб, ғанимларни ўзлари томонга даъват этиш учун юбордилар. У ҳам отини тез ҳайдаб, Баччамурғ мавзесига етди ва истимолат хатини ул мақомда беркинганлар қўлига бериб, уларни хон меҳрибончилига ва хоқонлик иноятдан умидвор қилганча таслим бўлишга чақирди. Икки ўртада бир неча бор амалга ошган борди-келди ва ёзишмалардан сўнг мазкур амирлар тепадан пастга тушиб, Муҳаммад Замонбек билан биргаликда хоқонликнинг муаззам ва яхши оқибатли амирлари томон йўналдилар. Қушин бошлиқлари ва даргоҳнинг эътиборли кишилари бу душман томонидан ҳам кўнгилларини тинч қилиб, катта зафар ва улкан ўлжа билан йўналиш юзини шижоатда машҳур подшоҳ даргоҳи томон қаратиб, Имом мавзесида жойлашган олий мартабали қароргоҳ сари ошиқдилар. Шоҳлик инъомлари ва подшоҳнинг бошқа инъомалари билан сарафроз бўлдилар. Аъло ҳазрат Абдурахимбекни ва Шоҳрух Мирзонинг шу бек ўз томонига оғдириб олиб келган амиру аскарларини ҳам хусравона лутфлар билан сийлади ҳамда кечаги бу ғанимларига ўз шонли аскарлари қаторидан жой берди.

Яна ўша манзилда Кўлоб томондан киши келиб, олпйнасаб сайидлар ва чифатой амирларидан бир нечаси Шоҳрух Мирзонинг ўғли Муҳаммад Замон Мирзони ёнларига солиб, Кўлоб қалъасига кириб яширинганлар ва қалъани сақлаш йўсинида уруш учун нима зарур бўлса тайёрлаб, тиришқоқлик камарини белига боғлаганлар, деган хабарни маълум қилди. Бинобарин, исқандарнишон ҳазрат хоқон, аввал, мамлакат олувчи, қалъа очувчи амирлардан Жўлтойбий Хитой, Жондавлатбий наймонни Кўлоб томонга юбориб, улар орқали муҳаббат қоришиқ сўзларни етказувчи, насиҳат ранги билан безанган ҳикоятлар ва амирларни итоат, тарафдорлик, буйин эгиш, исён йўлидан эса қайтишга чақирдиқ оҳангидаги иноятнома хатларини ҳам жўнатди.

Эътиборли амирларнинг Хуст, Фархор вилоятларни текшириш учун боргани ва уларнинг Малики жаббор тақдири билан бандга тушгани зикри

Бу ҳодисанинг шарҳи шуким, Муҳаммад Боқибий исқандарнишон хоқон буйруғига биноан юксак обрӯли амирлар ҳамроҳлигида Хуст ва Фархор вилоятларидаги вазиятни урганиш учун уша томонга бордилар ва у Кайвон макон ерларнинг амир Сўҳроб, Шоҳмансур каби кайвонмартабали сардорлари ҳамда сайидлардан хожа Калон, сайид Ҳошим сингари улуғлари аввал итоат бошини буйсуниш арқонига эндириб, не муносиб тортиқ бўлса, ихлос дастурхонига қўйдилар. Мазкур мақомда бу борган барча амирлар ва уларнинг ёнида келган кишиларнинг ҳаммаси бир жойга сиғишиб, битта манзилда туришлари учун жой торлик қилгач, улардан ҳар қайсини одамлари билан бирга бўлак-бўлак манзилларга жойлаштириб, хизматларида белларига мулозимат камарини таққанча тик оёққа турдилар.

Аммо, узбек амирлари орасида келган Кепак девона ўзини тутта олмай, ошнонинг ҳам юз хотиричи қилмай, бегона жой мезбонлари ҳурматини ҳам тутмай, ёмон қилиқлар чиқариб, барча билан хунук муомалалар қила бошлади ва ёқмас ишлар пайдан бўлди. Мусулмонлар молига тама қўлини чўзиб, маҳаллий халқдан бирининг хотинига осилди. Ўта ботирлиги ва урушқоқлиги билан бошқа эл-элатлардан устун, жасурликда ягона ва қонга-қон, жонга-жон олиш ишида ўзига ўхшаш халқлардан ошиб тушувчи бу халқ Кепак девонанинг хоқон одами дея ўзини катта тутгани ва ҳеч кимни менсимаётганига тоқат қила олмади, дарҳол, итоат арқонини елкаларидан итқитиб, уни ёнидаги бари одамлари билан бирга қўшганча ўлдириб ташладилар. Бу даҳшатли воқеа рўй бергач, уша халқдан бир нечта фитначи ва шижоат русумли кишилар бузуқ ният ва ваҳимага тушган дил билан энди ишлар яхшиликча битмаслигини англаб, уша атрофда жасурлиги билан ном чиқарган бир гуруҳ иттифоқлигида исён йўсинидаги сўзларни гапириб, туғёнга қўл урдилар. Ҳазабланган кўйи амирларни ҳибсга олмоқ учун юрдилар ва хоқон амирлари бу гаплардан беҳабар утирган маҳал улар устига ёприддилар. Орада анча уруш ва савашлар бўлиб, баъзилар улиб, ниҳоят, ғафлатда қолган шундай атоқли амирлар исён аҳлига асир тушиб, қўл-оёғини кишанга ва буйнини бандга тутиб беришга рози бўлдилар.

Алқисса, Бадахшон вилоятининг Қундуз, Бағлон, Кишм, Толиқон, Каҳмард, Фури, Норин, Хинжон, Арҳанги Бадахшон сингари куп шаҳар ва туманлари улуғвор амирлар бошлиқ зафарли қўшиннинг тасарруф қўли билан эгаллангач, аъло ҳазрат мазкур ғалаба тафсилоти баён қилинган ва хожага холис эътиқод билан тўлиб-тошган ҳамда жаҳон аҳли махдуми, яъни қутлуғ қадамлик ҳазрат хожа Калонхожанинг Бадахшон тарафларга ташриф буюриши илтимос қилинган хат битиб, Бухорога юборди. Унда яна Шоҳ Сулаймон, Шоҳрух Мирзонинг Ҳиндистонга қарашли Кобулга, балки у ердан ҳам утиб, Ҳиндистон пойтахти тарафларга қочиб кетганлари, тез кунларда Бадахшон давлатига қарашли Кўлоб қалъаси ҳам олинди, чунки у ер ҳокимида даъват билан одам кетгани, худо хоҳласа улар ҳам инсофга келиб, ўз хоҳишлари билан таслим бўлажаги борасидаги сўзлар ҳам битилган эди.

Мақсади ҳосил хоқоннинг ўғли хонзода Абдулмуъмин султонни Кўлоб қамали учун жунатгани зикри

Бу воқеа баёни шуким, юқорида айтганимиз юксак обрўли амирлар бажарилиши лозим бўлган фармонга биноан муҳолифни ихтиёрий таслимга ундаш даъватини етказиш учун Кўлоб сари ошиқдилар ва Кўлобга етгач, ўртоқлик ва мураса тили билан аъло ҳазрат номидан фойдали панд-насиҳат ҳамда дилга ўрнашувчи сўзларни баён қилдилар. Ул жамоат эса беҳуда мағрурлик ва нодонлик юзасидан бу сўзларга сира қулоқ осмадилар ва ҳеч эътибор бермадилар. Аъзам амирлар ўз элчилигини адо этиб, пайғомларни топширгач, бе нейли гавҳари мурод, яъни асл мақсад гавҳарини қўлга кирита олмай қайтдилар. Кўкча дарёси соҳилига етгач, ўзлари ўша ерда қолиб, аъло ҳазрат ҳузурига киши юбордилар. Искандарнишон хоқон ўша пайт Имом мавзесида шикор ва овга машғул бўлиб юрган эди, амирлар юборган одам аъло ҳазрат олдида бориб, кўлобликларнинг бўйин товлайтгани воқеаси ва у жарлик мақомидаги фикрларини олий арзга етказди. Ул ҳазрат душманнинг муҳолифат усулини тутгани ва қаршилик уруши йўлида қаттиқ оёқ тираётгани хабарини эшитгач, қалбида ғазаб олови аланга олиб, эркаклик томирида ор-номус қони кўпириб ўша турган еридан султоннишон шаҳзода Абдулмуъмин султонни зафарга ёр қўшин билан Кўлоб сари юборди.

Олиймакон шаҳриёр Ҳазора султон ибн Ўзбек султонни амир Шоҳ Юсуфга ёрдам бериш ва улуг нуён Низомиддин Жоналибий наймонни ўзбек эшик оғолари ҳамда баҳромнишон ясовулар гуруҳидан ташкил топган катта қушин билан ҳазрат султон шаҳзоданинг қутлуғ мавкаб ва кундан-кун юксалаётган узангиси остида қамал сари жунатди. Жаноб султон илоҳий тақдир тасдиғи юзасидан ва соҳибқирон фармони бўйича темир тоғдек лашкар ва тўлқинланган денгиз сингари қушинни ҳаракатга келтириб, тоғлар ичига ларза ва одамлар орасига ғавғо солиб, эртаси куни Кулоб сари йулга тушди...⁴⁸⁴ [Шу сўзлардан сунг ун олти байтлик форсча маснавий шеър келган бўлиб, қўлёзма матни куйидаги якунланмаган сарлавҳа сўзлари билан узилиб қолган]: «Мусаххир ал-билод»нинг ушбу янги боби [соҳибқирон хоқон Абдуллоҳхоннинг] дўсту ёрон ва ўз халқига меҳрибонлик, душманга шафқатсизлик хислатлари баёини ўз ичига олади...

ИЗОҲЛАР

¹ Қуръони карим, 2: 35.

² Маҳча (ойча) – илгари мусулмон мамлакатлари давлат байроғи дастаси устига ўрнатилган ярим ой шакли.

³ Бундан кейин келган форсча шеърӣй парчалар бошқа асарлардан тақрорӣй ва ўзбекча нашримиз учун унчалик аҳамият касб этмагани сабабли изчил равишда ҳавола этилмади.

⁴ Ҳадис сузларидан.

⁵ Афсонавий яҳудий пайғамбари, айтилишича у тахти устида осмонда сайр қилган. Бу ерда шунга ишора.

⁶ Сосонийлар сулоласи шоҳи Баҳром Гур (Варахран IV, 421 – 439); Бу ерда илми нужум бўйича Марс сайёраси кўзда тутилмоқда. Марсни юнонлар уруш худоси, Шарқда эса шижоатли жангчи сифатида талқин этилган.

⁷ Марс сайёрасининг яна бир номи. Разм – уруш, жанг.

⁸ Зуҳра юлдузининг яна бир номи. Юнонлар уни Венера дейишган ва ишқ худоси сифатида билишган. Шарқда соҳибжамол аёл сиймоси сифатида шод-хуррамликни англатган.

⁹ Кайвон – Зуҳал (Сатурн) сайёраси.

¹⁰ Ўрта Осиё ҳамда Хуросон ўлкасининг Ҳирот, Балх, Бадахшон, Қундуз каби шаҳар ва вилоятларида 1557 йилдан бошлаб, 1598 йилгача ҳукм юргизган Абдуллоҳхон ибн Искандархон ибн Жонибек султон ибн Хожағум султон ибн Абулхайрхон кўзда тутилмоқда. Абдуллоҳхон 1533 йили Миёнколда туғилган.

¹¹ Чингизхоннинг ўғли Жўжихоннинг Дашти Қипчоқда хонлик қилган авлоди Абулхайрхон ибн Давлатшайх ўғлон ибн Иброҳим ибн Пулод ибн Минг Темур ибн Бадақул ибн Жўчи Буқа ибн Баҳодир ибн Шайбон ибн Жўжихон (х. 1428 – ваф. 1469 йй.) Бу сулола вакиллари купинча улуғ Шабон ёки Шийбан (Шийбон (Сибан) – мўғулча қуш номи) авлодлари деб аталган.

¹² Улуғ Шабон авлодидан, XV-асрнинг I чорагида Орол денгизи бўйидан то Ўрол тоғигача ва Фарбий-жанубий Сибирь ерларида ҳукмронлик қилган, ўрдаси Тобол дарёси бўйида бўлган.

¹³ Молдавия Днепридан то Россиянинг Волга дарёсигача бўлган Жанубий Рус ва Сирдарё шимолий бўйидан Сибиргача ҳудуд ерлари.

¹⁴ Ҳозирги Қозоғистондаги Туркистон шаҳри, Ясси ҳам деб айтилган.

¹⁵ Сирдарёнинг унг соҳилидаги ҳозирги Қизил Ўрда шаҳри.

¹⁶ Шоҳрух Мирзо ибн Амир Темур ҳукмронлик даври 1409 – 1447 йиллар ҳисобланади.

¹⁷ Хусрав – подшоҳ.

¹⁸ Султон Абу Саъид ибн Мироншоҳ ибн Амир Темур Курагон – Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳукмдори (1451-1469).

¹⁹ Жуки Мирзо ибн Абдуллатиф Мирзо ибн Улугбек Мирзо Курагоний (улд. 1462 йил октябрь, Ҳирот).

²⁰ Султон Ҳусайн Бойқаро (1470-1506).

²¹ Урта Осиё ва Хуросондаги кучманчи ўзбеклар давлати асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон 1451 йили туғилган.

²² Каспий денгизи шимолий-ғарбий қисмидаги жой номи.

²³ Россиянинг Волгаград ва Татаристон Республикаси ҳудудига чалғирилган ерлар.

²⁴ Қуръони карим, 6:18.

²⁵ Бу воқеа 1470 йиллари руй берган.

²⁶ Қуръони карим, 89:28.

²⁷ Қушчи – ов қушларини етиштирувчи касб эгалари, аммо, улар асосан давлат учун хизмат қилганлари сабабли ҳарбий унвонга ҳам эга бўлишган. Яна уруғ номи; Ундан ташқари «қушчи, қушбеги» мансаблари ҳам бўлиб, бу атама уруш ва сафарлар пайти қароргоҳ ва аскаргоҳ, яъни хон ва қушин қуш ташлайдиган жой ҳозирловчиликни билдирган.

²⁸ Кукалтош/кукалдош – кучманчи халқлар оdatига кўра ҳукмдорлар ўз чақалоқларини соғлом энага, асосан, амир ва нуёнларнинг аёлларига эмиздиришган, шунинг учун амирзодалар султон ва хонлар билан кукал (кукрак)дош бўлишган.

²⁹ Арабча мақол.

³⁰ Ҳозирги Астрахань шаҳри (Россия). Бу пайтларда Аштархонда кучманчи ўзбеклар ҳукмрон эдилар.

³¹ Атка/атке – ёш шаҳзодалар ишларини бошқарувчилар, Отолиқ. Турк-муғул дастурига кўра Атка, Отолиқ давлатдаги эътиборли мансаб ҳисобланган.

³² Итоатдаги кишилар, қуллар.

³³ Мавкаб – ҳарбий юриш ва сафарлар чоғи ҳукмдорнинг хос кишилари билан бирга юриши.

³⁴ Шабихун – душманга кечаси тусатдан ҳамла қилиш.

³⁵ «Шоҳнома» асари қаҳрамони.

³⁶ «Шоҳнома» асари қаҳрамони Сом ибн Наримон.

³⁷ Урду, ўрда – ҳукмдор қароргоҳи.

³⁸ Уғруқ, уруқ – кучманчилар ўз оиласини ёнида олиб юришган ва оила ёнида турмушга зарур нарсаларнинг барчаси муҳайё бўлган. Ана шу сафардаги оила уғруқ, уруқ деб аталган. Узоқ сафарга чиққан ҳукмдорлар ҳам доимо уғруқ (уруқ)ни узлари билан бирга олиб юришган.

³⁹ Юртовул – қўшиннинг душманга қарашли ҳудуд аҳолисини талаш амалиёти.

⁴⁰ Қуръони карим, 17:46.

⁴¹ Шайбонийхоннинг бу ва бошқа амаки ва қариндошлари ҳақида ушбу китобда махсус маълумотлар берилган бўлиб, зарур изоҳлар ўша ўринларда ҳавола этилади.

⁴² Мовароуннаҳр (пойтахти Самарқанд) Самарқанд ҳокими те-мурий Султон Аҳмад Мирзо ибн Абу Саъид (1468 – 1494).

⁴³ Муҳаммад Мазид тархон ибн Ўрда Буға тархон мазкур Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмуд Мирзонинг тоғаси бўлиб, «Бобурнома»да ёзилишича, у кейинчалик Бобур хизматига кирган ва 1512 йил апрелида Бобур билан Убайдуллоҳ султон ўртасида рўй берган Кули Малик жангида ҳалок бўлган.

⁴⁴ Ҳозирги Бухоро вилоятидаги Қоракўл тумани.

⁴⁵ Саброн/Саврон – ҳозирги Туркистон (Қозоғистон) шаҳрига яқин қадимий қалъа номи.

⁴⁶ Шайбонийхон отасининг амакиси.

⁴⁷ Қуръони карим, 2:156.

⁴⁸ Фароба илми – илм-фанга доир антиқа асбоблар, ғаройиб механик мосламалар, меъморий иншоотлар ихтиро қилиш ҳамда куз боғлағичлик (фокус), гипноз соҳалари.

⁴⁹ Дашти Манғит – Каспий бўйида жойлашган Манқитқишлоқ (Мангишлак, Қозоғистон) атрофидаги ерлар.

⁵⁰ Қоратоу (Қозоғистон) ҳудудида бўлган қадимий вилоят.

⁵¹ Қуръони карим, 3:159.

⁵² Шаҳоб юлдузи – ерга тушувчи метеоритлар қадимда юлдуз шаклида талқин қилинган.

⁵³ Қуръони карим, 67:5.

⁵⁴ Банот ун-наъш (ўлик қизлар) – араблар Етти қароқчи (Катта айиқ) юлдузлар туркумини шундай аташган. «Банот ун-наъш» бадиий адабиётда айрилиқ, тарқоқликни билдиради.

⁵⁵ Зардуштийлар ақидаси бўйича ёвузлик худоси Аҳриман деб аталган.

⁵⁶ Қуръони карим, 20:102.

⁵⁷ «Шоҳнома» қаҳрамони.

⁵⁸ Эроннинг каёнийлар сулоласига мансуб қудратли шоҳлардан бири.

⁵⁹ Ҳозирги Эрондаги Гунбади Қобус шаҳри.

⁶⁰ Кошғар хони Юнусхоннинг Тошкентдаги ўғиллари Султон Маҳмудхон (Хоникахон) ва Султон Аҳмадхон (Олачахон). Шарқий Туркистонда ҳукм сурган бу сулола шажараси Чингизхонга улангани учун уларни муғул хонлари ва уларга тобе халқни муғуллар дейишган. Бобурнинг онаси ана шу Юнусхон Кошғарийнинг қизи бўлган. Юнус-

хон (ваф. 1487) Тошкентга келган пайти вафот этган ва шу ерда дафн этилган, мақбараси ҳозиргача сақланган.

⁶¹ Ота-бола яҳудий пайғамбарлари.

⁶² VI асрда Эрон, Арабистон ороллари ва Ҳиндистон ҳудудларини уз ичига олган сосонийлар давлатининг ота-бола ҳукмдорлари.

⁶³ Қуръони карим, 5:99.

⁶⁴ Қуръони карим, 18:78.

⁶⁵ Чингизхон истилосидан кейинги тақсимотда Урта Осиё ҳудуди унинг ўғли Чиғатойга берилгач, у ер халқини «чиғатой улуси», етишиб чиққан хон ва давлат арбобларини «чиғатой подшоҳлари» ёки «чиғатой амирлари», вужудга келган маданиятни «чиғатой маданияти» ёки «чиғатой шоирлари» каби атамалар билан номлашган. Шунинг учун бу пайтда ҳали «ўзбек»лар атамаси фақат Дашти Қипчоқдаги кучманчи ўзбекларга ёки ўша Жўжи (авлоди Ўзбекхон) улусидан Урта Осиё, Хуросонга келиб қолган кишиларга нисбатан ишлатилган.

⁶⁶ Қуръони карим, 94:6.

⁶⁷ Воқеанинг қайси йилда рўй бергани кўрсатилмагани ҳолда «рамазон ойи» берилган. Бу орқали санани аниқлаш қийин.

⁶⁸ Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрига яқин ердаги қадимий шаҳар, ҳозир у қалъанинг қолдиқлари мавжуд.

⁶⁹ Хоразмнинг ўша пайтдаги пойтахти Урганж (ҳозирги Туркменистоннинг Кўҳна Урганж) шаҳри кўзда тутилмоқда.

⁷⁰ Султон Ҳусайн Бойқаро (ваф.1506 й.) кўзда тутилмоқда.

⁷¹ Қора қўюнли ўғизларини ўша пайтларда «туркман/туркман» деб аташган. Мирзо Жаҳоншоҳ ибн Қора Юсуф Шоҳрух Мирзо ибн Амир Темур хизматида келиб кирган ўша туркман амирларидан эди.

⁷² Туркий тилда «қозоқ, қозоҳ» баландлик маъносини билдиради. Шунинг учун шаҳардан чиқиб, дашт-биёбон ва чулларда яшовчи аҳолини «қозоқ», ўша жойларга қочган шаҳарликни эса «қозоқликда юрибди» дейишган. Бу ерда Султон Ҳусайн Бойқаронинг темурий ҳукмдор Султон Абу Саъид Мирзодан қочиб, Хоразм чуллари ва Дашти Қипчоқда юрган пайти кўзда тутилмоқда.

⁷³ Маҳмуд Султоннинг бу ғорда яширинган ҳолати шу султон хизматида турган шоир Мулло Шодийнинг қулёзма нусхалари бизгача етиб келган «Фатҳнома» асарига чизилган миниатюраларда ҳам акс эттирилган.

⁷⁴ 1 фарсах/фарсанг/парсанг – 6-7 километрга тенг масофа.

⁷⁵ Фарғона водийсидаги Ахсикент шаҳри.

⁷⁶ 905 йилнинг муҳаррам – зу-л-ҳижжа ойлари милодий 1499 йил август - 1500 йил июлига тўғри келади.

⁷⁷ Машҳур «Шайбонийнома» достони муаллифи амир Муҳаммад Солиҳ (в. 1534).

⁷⁸ Ҳозирги Самарқанд ва Навоий вилояти оралиғидаги бу мавзе ҳозир ҳам шундай аталади.

⁷⁹ Бобур ёзишича бу одам Мир Муғул исмли амир булган. Бу воқеа зу л-қаъда ойи (1500 йил май-июни)да руй берган. Қаранг: Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. С. 70.

⁸⁰ Душман аскарини шаҳар қалъасига киритмаслик учун қўйилдиган тўсиқ-ғов; кучабанд – кўчадаги ҳимоя жанглари учун қўйилган шундай тўсиқ, баррикада.

⁸¹ Бу воқеа 1500 йил июни ўртасида руй берган.

⁸² Бу воқеа 1500 йил июль ойида руй берган.

⁸³ Қуръони карим, 78:10-11.

⁸⁴ Қуръони карим, 3:159.

⁸⁵ Тархон (дархон) – барча солиқлардан озод қилиниш ҳақидаги унвон.

⁸⁶ Бу воқеа 1500 йил июлида руй берган. Бобур Самарқандни биринчи марта 903 йил 30 раби ул-охир (1497 йил 27 ноябрь) ойида Бойсунғур Мирзодан тортиб олиб, 903 йил ражабида Андижонни қайтариб олиш мақсадида яна ташлаб кетган эди. Шунинг сабабли бу галги Самарқанд олиниши Бобур учун иккинчи фатҳ эди.

⁸⁷ 906 йил шаввол ойи милодда 1501 йил 20 апрель-19 май оралиғига тўғри келади.

⁸⁸ Ҳировул (эровул, ировул) – қўшиннинг олдинги дасталари; Юриш пайти душманга қарашли ерларга босқин-чопқин уюштирувчи даста ва гуруҳлар шунга ўхшаш «юртовул» атамаси билан номланган.

⁸⁹ Бурунғор – қўшиннинг унғ қанот қисми. Арабчасига «маймана» ҳам дейилган.

⁹⁰ Жавонғор – қўшиннинг чап қанот қисми. Арабчасига «майса-ра» ҳам дейилган.

⁹¹ Қўл, гўл – қўшин ўртаси. Бу қисми «қалб, дил» ҳам дейилган; Илғор – қўшиннинг олдин кетиб, вазиятни текширувчи ва ўша пайт лозим бўлса қисқа жангларга ҳам кирувчи ҳамда «тил» ушлаб келувчи даста; Шунингдек қўшинда жосус, яъни фақат хабар олиб келувчи (лозим пайти тил ҳам ушлаб келувчи) қисм.

⁹² 907 йил муҳаррами/1501 йил август-сентябрь.

⁹³ 1501 йил октябрь ойи.

⁹⁴ 910 йил – 1504 йил июнь-1505 йил июнь боши.

⁹⁵ 1505 йил.

⁹⁶ 1506 йил апрель-май ойи.

⁹⁷ 1506 йил 24 май-13 июнь ойи.

⁹⁸ 1507 йил 28 апрель.

⁹⁹ 1507 йил 13 май.

¹⁰⁰ 1507 йил 19 май.

¹⁰¹ Қуръони карим, 24:43.

¹⁰² Қуръони каримнинг, Аҳзоб сурасидаги 16-оятга ишора.

¹⁰³ 1507 йил 20 май.

¹⁰⁴ 1507 йил 27 май.

¹⁰⁵ 1507 йил 13 май.

¹⁰⁶ Арабистондаги мамлакат номи кўзда тутилмоқда.

¹⁰⁷ Арабистондаги Хатт деган шаҳарда ясалган пулат учли найзалар кўзда тутилмоқда.

¹⁰⁸ Қуръони карим, 55:26.

¹⁰⁹ Эроннинг ғарбий-шимолий қисмини «Ироқи ажам» дейишган. Бу минтақага кейинчалик Исфаҳонни ҳам киритишган. Шоҳ Исмоил сафавий (ваф. 1524 й.) дастлаб ўша минтақадан чиқиб, аста-секин Эроннинг бошқа ерларини қўлга киритса ҳам кўпинча шу нисба билан юритилган.

¹¹⁰ 1507 йил 19 май.

¹¹¹ 1510 йил март ойи.

¹¹² 1509 йил апрель ойи.

¹¹³ Шайбонийхон Ҳиротга яқин Кермон устига ўз одамларини юбориб, босқин-чопқин уюштиради. Бироқ бу асар қўлёзма нусхасида сарлавҳада тилга олинган мазкур воқеа ёзилмай, бу гапни эшитгач, шоҳ Исмоилнинг шайбонийлар устига бостириб келгани воқеалари акс эттирилган.

¹¹⁴ Бу воқеа 1510 йил октябрида руй берган.

¹¹⁵ Тавочи – ҳукуматнинг муҳим хабарлари, айниқса, уруш ҳақидаги топшириқларини давлат арбоблари, ҳарбий бошлиқларга етказувчи ҳамда уруш пайти лашкар тайёрлиги бўйича топшириқларни қисм бошлиқларига етказиб, сафларни тўғрилашга ҳам масъул киши.

¹¹⁶ Қўшиннинг бош қисмда жойлашадиган дастаси.

¹¹⁷ 916 йил 28 шаъбон/1510 йил 2 декабрь.

¹¹⁸ 916 йил 29 шаъбон (1510 йил 3 декабрь) кўзда тутилмоқда.

¹¹⁹ 916 йил 30 шаъбон (1510 йил 4 декабри) кўзда тутилмоқда.

¹²⁰ Ўша даврларда эронлик муаррихлар ёзган манбаларда шоҳ Исмоил сафавийнинг Шайбонийхон бош ва қўлларини кесиб, Туркия султони ва хоннинг Мозандарондаги тарафдорлари олдига юборилгани, шоҳнинг хон бош суягига олтин қоплаб, май жоми ясатиб, ундан шароб ичиб юргани айтилади. Аммо, бундай хабарлар ўрта осиелик ҳеч бир муаррих китобида учрамайди. Ҳозирги замон Эрон олимлари мазкур хабарларни асоссиз топиб, уйдирма, Исмоил сафавий шаънига бўҳтон сифатида қараб, уларни рад этмоқдалар.

¹²¹ 1510 йил 10 декабри.

¹²² Бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган Зайниддин Восифий «Бадоеъ ал-вақоеъ»да муфассал маълумот берган.

¹²³ 1510 йил 20 декабри.

¹²⁴ 1511 йил 4 январь.

¹²⁵ 917 йил муҳаррам/1511 йил март-апрель ойи.

¹²⁶ Тарихчи Хондамир «Ҳабиб ус-сияр»да ёзишича, уша элчилар бошлиғи мазкур Хондамир бўлган.

¹²⁷ Бобурнинг сафавийлар ёрдамида Самарқандни эгаллаши 917 йил ражаб (1511 йил сентябрь – октябрь) ойида рўй берган. Бу Бобурнинг Самарқандни учинчи бор эгаллаши эди.

¹²⁸ Бу воқеа 1512 йил апрелида рўй берган.

¹²⁹ 1510 йил 4 декабрь.

¹³⁰ Шайбонийхон атрофига Биноий, Муҳаммад Солиҳ, Рузбеҳон Исфаҳоний, Мулло Шодий, Подшоҳхожа, Абулбарака Шаҳрисабзий сингари олим ва шоирларни тўплаши билан бирга ўзи ҳам диний илмларда етук ва шеърятда моҳир ҳукмдор бўлган. Бу ҳақда мазкур фозил кишилардан ташқари эронлик Сом Мирзо сафавий, Ҳасанбек Румлу, Содикбек Афшор каби муаррих, тазкиранавислар ҳам маълумот беришган. Шайбонийхоннинг шеърдаги тахаллуси «Шабон» бўлиб, унинг ўзбек ва форс тилларида битган шеърлар девони, «Баҳр ал-ҳудо» қасида-достони бизгача етиб келган; Шайбонийхон Самарқандда келини Меҳрибонхоним қурдирган мадрасада дафн қилинган ва бу мадраса шу сабабли кейин Шайбонийхон мадрасаси номини олган.

¹³¹ Муҳаммад Темур султоннинг Самарқанддаги қабртош битигига қараганда, у 920 йил 20 муҳаррам (1514 йил 18 март) шанба куни Хатлон вилоятига қарашли Кулок даштида вафот этиб, наъши Самарқандга келтирилган.

¹³² Фулод султон Бобур Мирзо билан яхши дипломатик алоқалар урнатган. У ва онаси Меҳрибонхонимнинг Самарқанддан юборган элчилари Бобур подшоҳ ҳузурига 1528 йили кузида етиб боришган. Фулод султон 1530 йили ўлган. Бобур ёзишича, Фулод султон шоир ҳам бўлган. Онаси билан бирга Самарқандда куп иморатлар, жумладан, Шайбонийхон мақбарасини қурдирган.

¹³³ Хуррамшоҳ 1502 йил апрелида туғилган. Шайбонийхон Хонзодабегимни ўзига заҳар беришда гумонсираб, беш-олти йилдан сунг уни никоҳидан чақаради ва Сайид Ото орқали ҳазрат Али авлодига мансуб Муртазо хожа ўғли Сайид Ҳодихожага беради. Сайид Ҳодихожа Шайбонийхоннинг холаваччаси бўлиб, 1507 йили Машҳад ҳокимлигига тайинланади, 1510 йил кузида онласи, жумладан, Хонзодабегим билан Марвга келиб, шу йил декабрь ойида сафавийлар билан бўлган жангда ҳалок бўлади. Шайбонийхон 1506 йили Хуррамшоҳга Балхни берганди. У Марв воқеасида отасига ёрдамга келаётганлардан бири эди. Бобур ёзишича, Хуррамшоҳ султон отаси вафотидан бир-икки йил кейин ўз ажали билан ўлган. Афтидан Хуррамшоҳ тоғаси Бобур Самарқандни қайтадан олишдан бурун 1511 йил ёзида вафот этган. Чунки, унинг номи уша йил охиридаги воқеалар

асносида Бобур томонидан ҳам, шайбонийларнинг 1512 йил баҳорида қайтадан Самарқандни эгаллаш ва Мовароуннаҳрни тақсимлаш воқеаларида ҳам тилга олинмайди. Балхлик муаррих Султон Муҳаммад «Мажмаъ ул-фаройиб» асарида ёзишича, унинг отаси Дарвиш Муҳаммад Балхда Хуррамшоҳ саройида хизмат қилган.

¹³⁴ Абдулазиз султон отаси Убайдуллоҳхон улган 1540 йил 17 мартда Бухорода ўзини бош хон деб эълон қилади. Аммо, ёш жиҳатдан катта Абдуллоҳхон Биринчи (ваф. 1540 йил октябри) ўзини бош хонликка даъвогар қилади. У ўлгач, Самарқандда бу акаси ўрнига ўтирган Абдуллатифхон бош хонликка даъво қилиб, тошкентлик амакиваччаси Навруз Аҳмадхон билан бирга Абдулазизхонга қарши уруш бошлайдилар ва мамлакатда шу тариқа икки ҳокимиятчилик ҳукм суриб, Абдулазизхон 1550 йил 16 майида вафот этади.

¹³⁵ 1550 йил май-июни.

¹³⁶ 1554 йил.

¹³⁷ 1454-1455 йиллар ораси.

¹³⁸ Маҳмуд Султон Қундуз юриши пайти 909 йили (1505 й.) касалланиб вафот этади.

¹³⁹ 1487 йил.

¹⁴⁰ Хожа Носириддин Убайдуллоҳ Аҳроф (1404-1490) нақшбандийлик тариқатининг етук намояндаси.

¹⁴¹ Асли исми Ойша Султонбегим, Бобурнинг тоғаси Тошкент ҳокими Маҳмудхон Кошғарийнинг қизи.

¹⁴² 1512 йил 17 апрел-16 май орлиғи.

¹⁴³ Аниқроғи 918 йил 3 рамазони милодда 1512 йил 24 ноябрига тўғри келади.

¹⁴⁴ Бу ҳижрий сана боши 1513 йилнинг февраль – март ойларига тўғри келади.

¹⁴⁵ 1528 йил 25 сентябрь.

¹⁴⁶ Жом жанги ҳақида «Бобурнома», «Ҳабиб ас-сияр», Мир Яҳё Сайфийнинг «Лубб ат-таворих», Ҳасанбек Румлуниги «Аҳсан ат-таворих», Искандарбек Муншийнинг «Тарихи оламорои Аббосий» асарларида маълумотлар берилган. Бу ҳақда яна қаранг: Исмоил Бекжон. Қўл етмас юлдуз (Бобур ва Жом жанги) // *Ўзбекистон адабиёти ва санъати*, 2001 йил 16-февраль.

¹⁴⁷ 1533 йил 12 сентябрь.

¹⁴⁸ 1540 йил 17 март.

¹⁴⁹ «Убайдий», «Қул Убайд» тахаллуси билан ўзбекча, арабча, форсча шеърлар ёзган Убайдуллоҳхоннинг девон куллиёти бизгача етиб келиб, олимларимиз томонидан илмий тадқиқ этилган. Убайдийнинг адабий ижоди ҳақида Сом Мирзо сафавийнинг «Тухфайи Сомий», Содиқбек афшорнинг «Мажмаъ ул-фусаҳо», Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» каби тазкираларида маълумотлар берилган.

¹⁵⁰ 1512 йил апрель ойи ўртаси.

¹⁵¹ «Мусаххир ал-билод»нинг Тошкент қулёзма нусхаси ҳошиясида Рузбеҳон Исфаҳоний (в. 1521 й.)нинг Убайдуллоҳхонга атаб ёзган «Сулук ул-мулук» (Подшоҳлар танлаган тариқат) асарининг муқаддимаси келган бўлиб, унинг қисқача мазмуни қуйидагича: 916 йили Муҳаммад Шайбонийхон Марвада шаҳид бўлгач, ўзбек султонлари Мовароуннаҳрни тарк этиб, Туркистон томонга қишламиш расми билан кетдилар. Чунки, Бобур подшоҳ муртад қизил тоқи (қизилбош)дан ёрдам олиб Хуросондан етмиш минг кишилик чиғатой, муғул, туркман ва Бадахшондан то Ҳиндистонгача ерлар лашкари билан келиб, дин аҳли юлдузини куйдирган эди. Рофизийларнинг Жайҳундан ўтгани овозаси тарқалгач, ўша йил қишида ўзбек султонлари Туркистонга бориб ўтиришгач, худо Убайдулло султон кўнглига Мовароуннаҳрни кофирлардан қайтариб олишни солди ва Султон Аҳмадхожа Яссавий мақбарасида бу мақсадини кўнглига тугиб, Сирдарёдан ўтганча ҳар ер-ҳар ерда ўтирган қариндошлари олдига бориб, кўнглидагини айтди. Қариндошлари унинг устидан кулиб, бу ишнинг хом хаёл эканини айтдилар. У яна қайтиб келиб, 918 йилнинг 20 муҳаррам оқшомиси ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий мозорида юртни кофирлардан озод қилиши ҳақида қасам ичиб, Аллоҳга илтижо қилди. Айни ўша пайт мен ҳам Самарқандда ўтириб, ул ўзбек султонлари келишини илтижо қилардим. Убайдуллоҳ султоннинг ўша ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий мозорида ўтирган оқшомиси туш кўрдим, тушимда Убайдуллоҳ султон Бухорога етиб келибди эмиш. Тушимда яна қўлимга қалам олиб, битта ғазал битибман. Уйғонгач, ўша байтларни қогозга тушириб, санасини ҳам ёзиб қўйдим. Лекин, ўзбек султонларининг бундай вазиятда бу диёрга келишлари ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Дўстларга айтсам, бу гапларни айта кўрманг, шеърингизни яшириб қўйинг, дейишди. Шу санадан йигирма кун ўтгач, Кўли Маликдаги жанг рўй берди. Ғазал эса ушбудир... Ҳазрат Убайдуллоҳхон Сайҳундан кечиб ўтиб, Бухорога йўналди. Ёнидагиларга «қўрқоқ номи билан яшагандан, қаҳрамон бўлиб ўлган афзал, келинг, юртдан душманни қувиб солайлик» деди ва Тўрт қудуқдан ўтиб, Фиждувонга келишди, хожа Абдуҳолиқ Фиждувоний мозорини зиёрт қилгач, Бухорога етиб боришди. Бобуршоҳ тайинлаган доруга қалъани маҳкам беркитди. Хабар Самарқанддаги Бобур подшоҳга маълум бўлгач, султонлар одами озлигини билиб, дарҳол ўзи Бухоро томон ошиқди. Мазкур қўшиндан етмиш минг кишини, бундан кўрган душман қўрқиб қочади, дея, ёнига солиб, бепарво суратда худди овга чиққандай бемалол кела бошлади. Доруга султонларнинг ҳарбий ҳийла ишлатиб, бекинганини тушунмай, Бобур Мирзога «улар қочиб кетишди, Хоразм йўлига чиқиб, қутулиб кетмасинлар, тагин. Тез келинг» дея хат юборди. Бобур тезлашган бир маҳалда Хайробод туманига қарашли

Малик кўлида пистирмадаги султонлар тусатдан ҳужум қилишди. Аммо, эллик минг қуролланган қўшинига уларнинг уч минг кишиси дош беришини ҳеч ким хаёлига келтирмай, ов шикор қилган каби султонларни ураб олишди. Аммо, ўзбек қўшини учга бўлиниб, минг киши бирданига лашкар қалбига ҳамла қилди, яна минг нафар эса қўл қисмга отилдилар. Убайдуллоҳ султон Бобур турган қалб томон ташланди. Бобур ҳамлага дош бера олмай, анча олишувдан сўнг қочишга мажбур бўлди, уни кўрган қўшин ҳам бирпасда тарқалиб кетди. Бобур шу қочишда аввал Бухорога борди, шу кечаси Арқда ётиб, саҳар чоғи эгар-жабдуқли туяга ўтириб, жиловини Самарқанд сари бурди. Бу ерда бир кундан кўп тура олмай, бола-чақасини олиб, Ҳисори Шодмон томонга кетди. Убайдуллоҳ султон олдин Бухорони кофирлардан тозалаб, бир неча кундан сўнг Самарқандга келди ва Туркистонда қолган султонлар ҳам ғалабани эшитиб, Самарқандга келишди. Убайдуллоҳ султон ўз ўлжасини баҳам кўрмоқчи арслон каби Мовароуннаҳр мамлакатларини барча қариндошлари ўртасида тақсим қилди. Ул зот Бухорога қайтгач, мени ҳам Бухорога чақирди. Фармонга биноан бола-чақа ва яқинларимни олиб, уша муқаддас шаҳарга кетдим.

¹⁵² 918 йил жумоди-л-аввали – 1512 йил июль ойи ўртаси.

¹⁵³ 1512 йилнинг кузи (сентябрь-октябрь) кўзда тutilмоқда.

¹⁵⁴ Мутрибий «Нусхайи зебойи Жаҳонгир» тазкарисида маълумот беришича, Биноий қабри 1626 йиллари ҳам Қаршида барчага маълум зиёратгоҳ бўлиб, унинг дўсти ва қудаси Ашкий Самарқандий уша қабр ёнига кўмилган экан. «Баҳр ул-асрор» муаллифи ҳам Биноий қабрининг 1640 йиллари Қаршида эканини қайд этади.

¹⁵⁵ 1513 йил 24 ноябри.

¹⁵⁶ 931 йил 2 шаввол/1525 йил 23 июль.

¹⁵⁷ 935 йил/1528-29 йил. А. А. Семенов бу санани қабртош битиги асосида 935 йил 10 ражаб/1529 йил 20 март тарзида кўрсатган.

¹⁵⁸ «Мажмаъ ул-ғаройиб»да Кўчкинчихон вафоти 937 йил 25 раби ус-соний тарзида кўрсатилган. Унинг Самарқанддаги Чиҳил дўхтарон мозоридаги қабр тошда ҳам шу сана қайд этилган. Аммо, булар ҳақиқатга тўғри келмайди. Кўчкинчихон 936 йил 25 раби ус-соний/1529 йил 28 декабрь куни вафот этган.

¹⁵⁹ 1533-1534 йил; «Мажмаъ ул-ғаройиб»да ёзилишича, Абу Саъид султон 940 йил сафар/1533 йил декабрида вафот этган.

¹⁶⁰ Эрон ғарбий-шимолидаги ҳудуд кўзда тutilмоқда.

¹⁶¹ Эронда сарой болаларини тарбияловчиларни «лала, лалабоши»(аллаловчи) деб аташган ва у лақабга айланган.

¹⁶² Ҳижрий 918 йил зу-л-қаъдаси бошлари (1513 йил 22 январь) кўзда тutilмоқда.

¹⁶³ 919 йил 3 муҳаррами – 1513 йил 11 март.

¹⁶⁴ 1513 йил март-апрель.

¹⁶⁵ Бахши лақаби Қорахонийлар давридан бошлаб уйғурлар давлатчилиги анъанасига кўра девондаги ҳисоб-китоб, солиқ ундиришга мутасадди амалдорларни айтишган ва бу вазифа чингизийлар даврида ҳам мазкур миллат вакиллари томонидан амалга оширилгани учун форсча, арабча «дабир», «муставфий», «девонбеги», «дафтардор», «сиёқдор» каби унвонлар қаторида ишлатилган. Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатларда ҳам муғул-турклар бошлиқ давлатлар вужудга келгач, давлат дастгоҳида бу унвон сақланиб қолиб, шу вазифани бажарган барча кишиларга «бахши» дейилаверган. Бобурийлардан Акбар, Жаҳонгир давлатида ҳам бош вазирга «бахши»лик унвони берилган. Шу билан бирга бу лавозим кишилари ҳарбий амирлар қаторидан жой олишган.

¹⁶⁶ 1512 йил 24 ноябридаги уруш кўзда тутилмоқда.

¹⁶⁷ 1513 йил 15 август – 14 сентябрь.

¹⁶⁸ 1513 йил 14 сентябрь.

¹⁶⁹ 1513 йил 15 сентябрь.

¹⁷⁰ 929 йил баҳори/1523 йил март-апрель.

¹⁷¹ 929 йил 1 жумодилохир – 1523 йил апрель.

¹⁷² 929 йил 15 жумоди-л-охир (жумоди-с-соний) – 1523 йил апрель – май.

¹⁷³ Шотир/чокар – хабар етказувчи махсус хизматчи.

¹⁷⁴ 929 йил 2 ражаб/1523 йил 17 май.

¹⁷⁵ 917 йил ражаб/1511 йил 24 сентябрь-24 ноябрь.

¹⁷⁶ 946 йил зу л-қаъда – 1540 йил март.

¹⁷⁷ 951 йил/1544-45 йил.

¹⁷⁸ 957 йил 26 раби ус-соний/1550 йил 16 май.

¹⁷⁹ 1510 йил декабрь.

¹⁸⁰ 961/1553-54 йил.

¹⁸¹ Ёлланма қалмиқлар кўзда тутилмоқда. Бу ёлланма қалмиқлар хон-султонлар қўриқчиси бўлишган. Мутрибий ёзишча Абдулмуъминхон ҳам болалигида ана шу қўриқчи қалмиқлар билан кечалари ўз фуқаролари устига бостириб кириб, улар тинчлигини бузиб юрар экан.

¹⁸² Ёлланма хуросонлик қабилалардан бири кўзда тутилмоқда.

¹⁸³ Ёлланма туркияликлар кўзда тутилмоқда. Улар Шайбонийхон давридан то Абдуллоҳхон Иккинчи ва аштархонийлар давригача шартнома асосида қўшинга янги ут очар қўроллардан фойдаланишни ургатиш, замонавий усулда сарбозларни жангга тайёрлаш машқларини ўтказиш билан шуғулланишган. Қўроллар эса доимо Туркиядан келтирилиб турилган. Улар гоҳида давлат ички ишларига ҳам аралашганлар. Айниқса, Самарқанд ҳокимлари Жавонмардалихон ва ўғиллари ҳарбий ишларда турк «машшоқ» (инструктор)ларига суянишган.

¹⁸⁴ 964 йил 7 шаъбон – 1557 йил июль.

¹⁸⁵ Темурий Мирзо Улуғбек 1449 йил октябрь ойида ўғли Абдулла-тиф томонидан ўлдирилгач, 6 ойдан сўнг у ҳам суиқасдчилар томонидан ҳалок этилади. Тахтга Улуғбекнинг укаси Иброҳим Султон Мирзонинг ўғли Абдуллоҳ Мирзо чиқади. Яна тахтга бир қанча даъвогар бўлиб, улардан бири Султон Абу Саъид Мирзо Абдуллоҳ Мирзога қарши курашда Дашти Қипчоқ хони Абулхайрхондан ёрдам сурайди ва унинг кумаги билан 1451 йил 22 июнида Самарқанд ёнида Мирзо Абдуллоҳни енгиб, тахтга ўтиради. Ушанда Абулхайрхон Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегимни ўз никоҳига киритиб, Дашти Қипчоқ пойтахти Сигноққа олиб кетади. Шу никоҳдан Кучкинчи ва Севинчхожа исмли ўғиллар дунёга келади. Самарқандлик шоир ва тазкиранавис Мутрибий «Нусхайи зебойи Жаҳонгир»да ёзишича, аслида, шайбонийлар булинишига ўзларини ҳам темурий (чигатой), ҳам чингизий санаб, улкага икки томонлама даъвогар меросхўр чиққан ана шу икки хон авлодлари ва шайбоний (чингизий) Жонибек султон авлодлари ўртасидаги кураш сабабчи бўлган.

¹⁸⁶ 936 йил 25 раби ус-соний/1529 йил 28 декабрь. «Торихи Роқим» маълумотига қараганда, Кучкинчихон 936 йил 18 сафариди, Убайдуллоҳхон томонидан Ҳирот олинган куни, вафот этган. Бу эса 1529 йил 21 октябрига туғри келади.

¹⁸⁷ Кучкинчихон даврида Қуръони карим, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» ва шу каби куп китоблар араб, форс тилидан ўзбекчага таржима қилинган. Миниатюра санъати ва бошқа санъат турлари қайта жонланган.

¹⁸⁸ Убайдуллоҳ султон 1529 йил 21 октябрида Ҳиротни эгаллаган бўлиб, Кучкинчихон вафотини эшитиб, тезда Самарқандга қайтади. Шундан сўнг Ҳиротни яна сафавийлар эгаллайди.

¹⁸⁹ 936 йил 1 жумоди-л-аввал/1530 йил 28 февраль.

¹⁹⁰ Аслида тўрт йил хонлик қилган.

¹⁹¹ 940 йил сафар ойи/1533 йил 22 август-20 сентябрь.

¹⁹² 1533 йил.

¹⁹³ 1556 йил.

¹⁹⁴ 965/1557-58 йил ёзи.

¹⁹⁵ 980 йил – 1572 йил.

¹⁹⁶ Баҳодир султон билан бир мактабда ўқиган Мутрибий Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» ва «Нусхайи зебойи Жаҳонгир» тазкирасида Баҳодир султон ҳақида гапириб, шеърларидан намуналар беради ва унинг Илон ўтти муҳорибасида ўлгани ва қабри Абу Саъидхон гурхонасида эканини ёзади.

¹⁹⁷ 1579 йил 8 июнь.

¹⁹⁸ 1572 йил.

¹⁹⁹ Бу воқеа 986/1578-79 йили руй берган.

²⁰⁰ 1578 йил 6 октябри.

²⁰¹ Жавонмардалихонни яхши таниган Нисорий «Музақкири аҳбоб», Мутрибий «Тазкират уш-шуаро», «Нусхайи зебойи Жаҳонгир» тазкиралариди унинг маданиятпарвар ва шоирлиги хусусида ёзиб, шеърларидан намуналар ҳавола этишган.

²⁰² Бу воқеа 975/1567-68 рўй берган. Мутрибий ёзишича, у олдин Хусрав султон ибн Жонибек султон қизига совчи қўйган, Кеш ҳокими унинг таклифини рад қилган.

²⁰³ Бу воқеалар ушбу китобнинг Абдуллоҳхон Иккинчига бағишланган бобида батафсил ҳикоя қилинади.

²⁰⁴ Бу воқеа гувоҳлари Ҳофиз Таниш Бухорий «Шарафномаи шоҳий», Мутрибий «Тазкират уш-шуаро», «Нусхайи зебойи Жаҳонгир»да тулароқ маълумот берганлар. Мутрибий ёзишича, Абулхайр султон отаси ва укалари билан чиқиша олмай, 986 (1578) йил Абдуллоҳхон олдига отасига қарши курашда ёрдам сураб борган, ота-болани яраштириш мақсадида келган Абдуллоҳхон уша пайт феъли узгариб, 1578 йил 6 октябрида бу хонадоннинг (Музаффар султондан ташқари) деярлик барча аъзоларини ўлдирди. Абулхайрнинг бошини кесиб, Самарқандга олиб келишади. Абулхайр султон шоир ҳам бўлиб, Ишқий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Мутрибий ҳар иккала тазкирасида ҳам унинг шеърларидан намуналар ҳавола этган. Лекин у ҳам отаси ўлими ва бу хонадон нобуд бўлишига сабабчи сифатида Абулхайр султонни қоралаб ёзган.

²⁰⁵ Шоирлар бу воқеа таъриhini абжад бўйича «Дустум сар бурид» (Дустум бош кесди) сўзларида топишган. Ундан 986 рақами чиқади. Аниқ вақти: 1578 йил 6 октябрь.

²⁰⁶ Бу воқеа 998 йил рабиулаввал ва раби ус-соний (1580 йил май-июнь) ойлари рўй берган.

²⁰⁷ Музаффар султон шу қочганича, Бадахшон волийси Шоҳрух султон ҳузурига боради. Унинг 1579 йил 10 июнь куни Абдуллоҳхонга қарашли Балх атрофини босқин-чопқин қилганда бирга келади. Абдуллоҳхон 1584 йил 2 июлида Бадахшон давлатига қарашли Кўлобни ҳам эгаллаганда, шу қалъадаги темурий Муҳаммад Замон ибн Шоҳрух Мирзо ёнида бўлган Музаффар султон қочиб қутулади, шаҳзода эса қўлга тушиб, олдин Балх ва сўнг Бухорога олиб келинади. Бу ерда шу Бадахшон воқеасидаги энгилгани кўзда тутилмоқда.

²⁰⁸ «Абдуллоҳнома (Шарафномаи шоҳий)»да айтилишича бу воқеа 1583 йил февраль-мартда рўй берган. Бу хонадонни яқиндан таниган Мутрибий ёзишича, Музаффар султон ҳам шоир бўлган.

²⁰⁹ «Абдуллоҳнома»да бу ном тилга олинмайди.

²¹⁰ 1579 йил 8 июль.

²¹¹ Мутрибий Худойберди султоннинг шеър ёзганини айтиб, ўлими Илон ўтти мавзесида рўй берганини ёзади.

²¹² Бу воқеа Сирдарё буйидаги Учтепа мавзесида 989 йил муҳаррам охири – сафар боши (1581 йил 6-10 март)да рўй берган. Шу жангда Кучак султон ибн Султон Муҳаммад султон ибн Абу Саъидхон ҳам ўлдирлади.

²¹³ 1605 – 1611 й.

²¹⁴ Бу воқеа 986 йил 9 шаъбон (1578 йил 12 октябрь) куни рўй берган эди.

²¹⁵ Бу воқеа 987 йил 21 раби ус-соний (1579 йил 18 июнь) куни рўй берган.

²¹⁶ Бу воқеа 987 йил 13 жумоди-л-аввал (1579 йил 8 июль) куни рўй берган.

²¹⁷ 1582 йил 20 июнь.

²¹⁸ 1582 йил август.

²¹⁹ 1583 йил ёзи.

²²⁰ 1540 йил октябри.

²²¹ 1542 йил.

²²² 1540 йил октябрь.

²²³ 1550 йил 16 май.

²²⁴ Бу воқеа 958(1551) йил рўй берган.

²²⁵ Абдуллатифхон 959 йил 19 жумоди-л-аввали/1552 12 майда вафот этган. Унинг олим ва шоирлиги ҳақида Нисорий, Мутрибий каби тазкиранавислар маълумот беришган.

²²⁶ Бу воқеа 961 йили ражаб (1554 йил июнь) ойида рўй берган.

²²⁷ Навруз Аҳмад (Бароқ)хон 963 йил зу-л-қаъда ойида (1556 йил 24 сентябрь) Самарқанддаги Дарғом сойи буйида ўлган. «Шарафномаи шоҳий» муаллифи уни ўша ерда маишат қуриб, куп шароб истеъмол қилгани натижасида ўлган дейди. «Тарихи оламорийи Аббосий» (1578) муаллифи Хуросонга қочиб борган ўзбек амирлари ҳикоясига суяниб, Бароқхоннинг ўз амирларидан биттаси боласига осилгани ва ўша амир ўғлини ҳимоя қилиб, бу хонни пичоқлаб ўлдиргани ҳақида хабар беради.

²²⁸ Бу воқеа 964 йил жумодиссоний (1557 йил апрель) ойи рўй берган.

²²⁹ Мутрибий «Нусхайи зебойи Жаҳонгир» тазкирасида Поянда Муҳаммад султоннинг Жавонмардалихонга куёвлиги ва Киromий тахаллуси билан шеър ёзгани, шоир Мушфиқий унинг маддоҳи бўлгани айтади, лекин у ҳам бу султоннинг сўнги тақдири ҳақида маълумот бермаган.

²³⁰ Бу воқеа 987 йил 18 сафар (1579 йил 17 апрель) ойида рўй берган.

²³¹ Бу воқеа 987 йил раби ус-соний боши (1579 йил 7 июни)да рўй берган.

²³² Бу воқеа 987 йил 13 жумоди-лаввал (1579 йил 8 июль) куни рўй берган.

²³³ 931 йил 2 шаввол/1525 йил 23 июль.

²³⁴ 939 йил – 1532 йил.

²³⁵ «Бадоеъ ул-вақоеъ» муаллифи Зайниддин Восифий шу султон хизматида бўлган. Келди Муҳаммад султон узбек хон ва султонларининг 1528 йил сентябрь ойида Жомдаги шоҳ Таҳмосб билан урушида қатнашган.

²³⁶ 1550 йил.

²³⁷ Бу уруш 1528 йили сентябрь ойида руй берган.

²³⁸ 1556 йил 24 сентябрь.

²³⁹ Бу воқеа 1557 йил апрелида содир бўлган.

²⁴⁰ Қуръони карим, 3:97.

²⁴¹ Бу воқеа 976 йил ражаб (1578 йил сентябрь) ойида руй берган.

²⁴² Бу воқеа 986 йил зу-л-қаъда (1579 йил январ)ида руй берган.

²⁴³ Дарвишхоннинг бу фарзандлари калласини 991 йил жумоди-лаввал ойи охири (1583 йил июни)да Абдуллоҳхон Хужандда пайти келтиришган.

²⁴⁴ 990 йил 17 ражаб (1582 йил 8 август) кузда тутилмоқда.

²⁴⁵ 990 йил 18 ражаб/1582 йил 9 августи.

²⁴⁶ Бу воқеа ҳам 990 йил ражаб ойи охири (1582 йил августи)да содир бўлган.

²⁴⁷ Бу воқеа 1602 йили юз берган.

²⁴⁸ Бу воқеа 987 йил 18 сафари/1579 йил 17 апрелида руй берган.

²⁴⁹ Бу воқеа 1579 йил май ойида руй берган.

²⁵⁰ Бу воқеа 1580 йил июнида руй берган.

²⁵¹ Бу воқеа 988 йил 14 жумоди-с-соний (1580 йил 27 июль) ойида руй берган.

²⁵² Бу воқеа 991 йил 22 жумоди-с-соний (1583 йил 15 июнь) ойида содир бўлган.

²⁵³ Боқи Муҳаммадхон аштархонийнинг хонлик даври кузда тутилмоқда. Маълумки, 1556 йили рус князи Иван Грозний Астраханни босиб олгач, у ерда ҳукмронлик қилаётган Жужихон авлодидан Ёрмуҳаммадхон қочиб, Бухорога келади. Искандархон шайбоний унинг ўгли Жонибекка қизи Зуҳрахонимни турмушга беради ва Абдуллоҳхон бу қариндошларига айрим туманлар бошқарувини ҳам топширади. Жонибек султон аштархоний ва Зуҳрахонимдан уч нафар фарзанд дунёга келган (Динмуҳаммад, Боқи Муҳаммад, Вали Муҳаммад) бўлиб, улар Марв, Нисо, Обивардда ҳоким эдилар. Абдулмуъминхон отаси улгач Жонибек аштархонийни ҳибсга олади, Динмуҳаммад султон ибн Жонибек аштархоний шу сабабли эронликлар ёрдамида Ҳиротга ҳужум уюштиради, аммо шаҳарни қўлга кирита олмайди. Шу орада Абдулмуъмин ўлдирилиб (1598 йил августи), бу хабар Ҳирот ҳокими Ҳожибий Отолиқ қулоғига етгач, у шаҳарни Динмуҳаммадга топширади. Бу пайтда Бухорода шайбонийлардан Пирмуҳаммад сул-

тон бош хон қилиб кутарилган эди. Буни истамаган Динмуҳаммад ўша пайтда эндигина ҳаждан қайтиб келган бобоси Ёрмуҳаммадни хон эълон қилади. Аммо, ўзи 1599 йил 29 июлида Ҳиротни Эрон шоҳи Аббосдан ҳимоя қилиш жангида ҳалок бўлади. Шунда Ёрмуҳаммад ва невараси Боқи Муҳаммад султон Бухорога қочиб келадилар ва Пирмуҳаммадхонга буйсунадилар. Шу зайл Боқи Муҳаммад 1599 йил октябрида Самарқандга ҳоким этиб тайинланади. 1601 йил охирида эса Самарқанд ёнида Пирмуҳаммадхон билан урушиб, уни улдиради ва Бухорода бош хонлик тахтига чиқиб, 1605 йил май ойида вафот этади.

²⁵⁴ Чунки, Абдулмуъминхон улдирилгач (1598 йил июни) пайт пойлаб юрган Таваккал султон бошчилигида қозоқлар Тошкент, Фарғона, Самарқандни қўлга киритган эдилар.

²⁵⁵ Ҳасанхожа Нисорий ва Мутрибий ёзишича, Дўст Муҳаммад султон шеър ҳам ёзган. Бу султон лақаби Дўстум султон бўлиб, унга жуда ҳам ўхшаб кетгани учун Дўст Муҳаммад султон ибн Искандар султон ибн Жонибек султонга ҳам «Дўстум султон» деб лақаб қўйишган. Уларни адаштирмаслик лозим.

²⁵⁶ Бу воқеа 991 йил раби ул-аввал – жумоди-с-соний (1583 йил март-июнь) ойлари рўй берган эди.

²⁵⁷ Кошғар хон Абдурашидхон 1561 йили тахтдан воз кечиб, 1570 йили вафот этган. Бу уринда аслида Кошғар хони ёш Абдулкаримхон кузда тутилган.

²⁵⁸ «Абдуллоҳнома»да Дўст мирзо чуҳра оғоси бу ишга 995 йили кетиб, шу йил охири (1587 йил январь)да Кошғардан Муъмин султоннинг кесилган боши билан қайтади. Аммо, бу пайтда Кошғар волийси Абдулкаримхон бўлиб, у султонни ушлаб бермаган, натижада, Дўст чуҳра оғоси очкуз, олчоқ одамларга пул-инъомлар бериб, шунинг воситасидагина Муъмин султонни қўлга туширади.

²⁵⁹ Бу воқеа 971 йил зу л-қаъда (1564 йил июнь) ойида рўй берган.

²⁶⁰ Бу воқеа 988 йил 4-5 жумоди-с-соний (1580 йил 18-19 июнь) ойида бўлиб ўтган эди.

²⁶¹ Бу воқеа 990 йил сафар (1582 йил апрель) ойида рўй берган.

²⁶² Бу воқеа 990 йил 17 ражаб (1582 йил 8 август) ойида рўй берган.

²⁶³ 1598 йил февраль.

²⁶⁴ 1598 йил август.

²⁶⁵ 1600 йил сентябри.

²⁶⁶ 1600 йил 9 мартада Бухоро бош хони Пирмуҳаммадхон соний элчилари Муҳаммад Иброҳимни олиб келиш учун Машҳадга боришган, лекин шоҳ Аббос уни ўзбекларга топширмай, ёнида Бухоро тахти меросхўри сифатида сақлаб қолади.

²⁶⁷ Бу жанг 1600 йил сентябр ойида рўй берган.

²⁶⁸ 1600 йил октябрь ойи.

²⁶⁹ «Баҳр ул-асрор» ва «Тазкирайи тарихи Муҳимхоний» асарларида Вали Муҳаммад султоннинг Сиёҳжард/Сиёҳгардга бостириб келган пайти Муҳаммад Иброҳимхоннинг ундан норози амирлари томонидан улдирилгани айтилади.

²⁷⁰ Бу жанг 1599 йил августи охирида руй берган.

²⁷¹ 1601 йил.

²⁷² 1605 йил юни.

²⁷³ Табл – ноғора.

²⁷⁴ Қуръони карим, 20:102.

²⁷⁵ Пирмуҳаммадхон ибн Сулаймон ибн Жонибекнинг угли. У отаси даврида Ҳисори Шодмон ҳокими эди.

²⁷⁶ Бу воқеа 1607 йили руй берган.

²⁷⁷ Бу воқеа 1512 йил апрелида руй берган.

²⁷⁸ 935 йил 10-ражаб/1529 йил 20 март оyi вафот этган. У маърифатпарвар киши бўлиб, атрофига Рўзбеҳон Исфаҳоний, Подшоҳхожа каби олимларни туплаган, 1520 йиллари Фарғонадан Махдуми Аъзам (Жалолиддин Аҳмад Косоний)ни ҳам Карминага чақиртирган эди. Унинг фарзандлари барчаси шу шайхга мурид эдилар.

²⁷⁹ Қуръони карим, 89:28.

²⁸⁰ 1526 йил 2 июль.

²⁸¹ 1541 йил июль оyi.

²⁸² 1544 йил 8 октябрь.

²⁸³ Бу воқеа 959 йили руй берган.

²⁸⁴ Бу воқеа 959 йил зу-л-ҳижжа (1553 йил июль) оyi руй берган.

²⁸⁵ 967 йил жумоди-с-соний – 1561 йил март оyi.

²⁸⁶ 953 йил 10 сафар/1546 йил 13 апрель.

²⁸⁷ 956 йил 11 шаъбон/1549 йил 6 сентябрь.

²⁸⁸ 957 йил раби ул-аввал/1550 йил февраль.

²⁸⁹ Аниқроғи, 957 йил 26 раби ус-соний – 1550 йил 16 май.

²⁹⁰ 1550 йил июнь.

²⁹¹ 1556 йил 24 сентябрь.

²⁹² 1560 июль – август.

²⁹³ 1560 йил 28 август.

²⁹⁴ 1567 йил 12 март.

²⁹⁵ 980 йил муҳаррами – 1572 йил май-июнь.

²⁹⁶ Бу воқеа 986 йил жумоди-л-аввали (1578 йил июли)да руй берган.

²⁹⁷ 1573 йил март.

²⁹⁸ Рустам султон 962 йил 15 муҳаррами/1554 йил 10 декабрида эллик тўрт ёшида вафот этган. Ҳасанхожа Нисорий унинг хизматида турган ва «Музаккири аҳбоб»да Рустам султон шоирлиги ҳақида маълумотлар берган.

²⁹⁹ Бу воқеа аслида Абдуллоҳхоннинг Бадахшонга қайти ҳужум қилмоқчи бўлган Сулаймоншоҳга қарши Толиқонга юриши пайти 1586 йил май – июнида руй берган.

- ³⁰⁰ Бу ҳақдаги фармон Ҳисори Шодмондаги Ўзбек султонга 1586 йил июль ойида юборилган.
- ³⁰¹ Бу воқеа 1589 йил май ойида руй берган.
- ³⁰² Бу ерда Темур султон Ҳисорий кўзда тутилмоқда.
- ³⁰³ 1598 йил июль-август.
- ³⁰⁴ 1598 йил сентябри.
- ³⁰⁵ Бу воқеа 980 йил муҳаррами (1572 йил май-июни)да руй берган.
- ³⁰⁶ Бу воқеа 987 йил 13 жумоди-с-соний (1579 йил августи)да руй берган.
- ³⁰⁷ Бу воқеа 992 йил 16 сафар (1584 йил 28 февраль) куни руй берган.
- ³⁰⁸ Бу воқеа 1598 йил кузида руй берган.
- ³⁰⁹ Найсон ойи – Сурёний тақвимидаги ой номи, апрель ойига тўғри келади.
- ³¹⁰ 1567 йил ноябрь.
- ³¹¹ 975 йил ражаб ойи – 1567 йил декабрь-1568 йил январь.
- ³¹² 1582 йил октябри.
- ³¹³ Бу воқеа 1598 йил май-июнида руй берган.
- ³¹⁴ 1529 йил 20 март.
- ³¹⁵ Бу воқеа 968 йил шаъбон ойи бошиларида (1561 йил апрель) руй берган.
- ³¹⁶ Бу воқеа 991 йил 1 жумоди-с-соний чаҳоршанба кечаси (1583 йил 23 июнь) руй берган.
- ³¹⁷ Қуръони карим, 89:28.
- ³¹⁸ Қуръони каримнинг Қамар сурасининг 55-оятига ишора.
- ³¹⁹ «Абдуллоҳнома»да бу сана тўғри равишда 986 йил 22 шаъбон (1578 йил 25 октябрь) шаклида берилган.
- ³²⁰ 994 йил 1 шаъбон – 1586 йил 18 июль. Аммо, Мутрибий ёзишича, бу воқеа ўша йил 1 рамазони (1586 йил 15 августи)да содир бўлган.
- ³²¹ Бу воқеа 1598 йил сентябрида руй берган бўлиб, у ҳақда XVII аср бошида ёзилган Мутрибийнинг «Нусхайи зебойи Жаҳонгир» ва Искандарбек Муншийнинг «Тарихи оламорои Аббосий» китобида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.
- ³²² 1598 йил август воқеаларидан кейин тилга олинаётган бу ва бошқа Ҳасанхожа нақиблар Абдуллоҳхон Иккинчи ёнидаги Ҳасанхожа нақиб (ваф. 1583) ёки Абдулмуъминхон 1598 йил баҳорида Маккага сургун қилган Ҳасанхожа нақиб хурд эмас.
- ³²³ 1600 йил.
- ³²⁴ Абдулқуддус султонга Тошкент дастлаб 1579 йил апрелида берилади, бироқ уч-тўрт ойдан сўнг, Бобо султон Тошкентга ҳужум қилгач, Дустум султон Тошкентни ташлаб кетади, 1582 йилда Тошкент иккинчи марта унга берилган эди.
- ³²⁵ Бу воқеа 994 йил жумоди-с-соний ойи уртаси (1586 йил 1июни)да руй берган.

³²⁶ Бу воқеа 994 йил жумоди-с-соний оyi (1586 йил июни уртаси)да руй берган.

³²⁷ Таваккал султон устига Ибодуллоҳ султоннинг бостириб келадиганини эшитиб, шу 1586 йил июль оyi бошида қочиб кетади.

³²⁸ Бу воқеа 994 йил шаъбон (1586 йил июль – август) оyi руй берган.

³²⁹ Ҳирот истилоси 997 йил раби ул-охир (1589 йил 15 март) ойида руй берган. «Абдуллоҳнома» асари ҳам шу воқеалар баёни билан тугаган. Демак «Мусаххир ал-билод» муаллифи шундан кейинги воқеаларни ўзигача ёзилган бошқа, аммо бизга номаълум бир манбадан ўзлаштирган ёки ўзи таълиф қилган. Шунинг учун бу асарнинг ўша йилдан кейинги маълумотлари ўз қийматига эга ҳисобланади.

³³⁰ 1598 йил май оyi.

³³¹ Бу воқеа 1602 йили содир булган.

³³² Чаҳорсада 1579 йили бутун Андижон, Фарғона ва Уратепага қушиб, Муъмин султон ибн Дарвишхонга берилган эди, у 1583 йил Абдуллоҳхонга қарши чиқиб қочгач, демак, 1583 йил июлида бу ноҳия Фулод султонга берилган.

³³³ 1579 йил 10 июни.

³³⁴ 990 йил 22 зу-л-ҳижжа – 1583 йил 21 январь; «Абдуллоҳнома»да бу султоннинг кўп шароб ичиши натижасида улгани айтилади.

³³⁵ 1533 – 1534 йил оралиғи.

³³⁶ Маҳдуми Аъзам номи билан танилган Жалолиддин Аҳмад Косоний (1461-1544) бу пайтда Бухорода эди.

³³⁷ 1551 йил.

³³⁸ Аниқроғи 959 йил зу-л-ҳижжа (1553 йил июнь) оyi.

³³⁹ Бу воқеа 962 йил рамазон (1555 йил июль) оyi руй берган.

³⁴⁰ 1556 йил кузи.

³⁴¹ 1557 йил апрель.

³⁴² 1557 йил май.

³⁴³ Аниқроғи 968 йил шаъбон оyi боши/1561 йил апрели.

³⁴⁴ Аниқроғи 974 йил охири/1566 йил ноябри.

³⁴⁵ Аниқроғи 1568 йил январь-феврари.

³⁴⁶ Аниқроғи 976 зу-л-ҳижжа/1569 йил апрель – май оyi.

³⁴⁷ Бу воқеа 1569 йил декабридан 1570 йил май ойигача даврда бўлиб ўтган.

³⁴⁸ 1570 йил май оyi кўзда тутилмоқда.

³⁴⁹ 1571 йил апрель-май оyi.

³⁵⁰ 980 йил муҳаррам/1572 йил май-июнь оyi.

³⁵¹ 980 йил ражаб/1572 йил ноябрь.

³⁵² Бу воқеа 1573 йил феврари охирида руй берган.

³⁵³ 982 йили 10 раби ул-аввал/1574 йил 24 июнь оyi кўзда тутилмоқда.

- ³⁵⁴ Бу воқеа 1575 йилнинг июнь-сентябрида бўлиб ўтган.
- ³⁵⁵ 1578 йил апрели.
- ³⁵⁶ Бу воқеа 1587 йил октябрида рўй берган.
- ³⁵⁷ 986 йил зу л-ҳижжа/1589 йил феврал ойи.
- ³⁵⁸ 987 йил 18 сафар/1579 йил 17 апрель ойига туғри келади.
- ³⁵⁹ Бу сана 990 йил шаъбон/1582 йил сентябрь ойига туғри келади.
- ³⁶⁰ Бу воқеа 991 йил 22 жумоди-л-аввал/1583 йил 15 июнь ойига туғри келади.
- ³⁶¹ Бу воқеа 991 йил 1 жумоди-с-соний/1583 йил 24 июнь ойига туғри келади.
- ³⁶² Бу юриш 992 йил 6 муҳаррами/1584 йил 19 январда бошланиб, 992 йил ражаб/1584 йил июль ойида Қўлоб олиниси билан якунланган.
- ³⁶³ Бу воқеа 1586 йил августида рўй берган.
- ³⁶⁴ Ҳирот юриши 995 йил зу л-ҳижжа/1587 йил декабрь ойида бошланиб, ун бир ойлик қамалдан сўнг 997 йил рабиуссоний/1589 йил март ойида Ҳирот эгалланган. У ерга Қўлбобо Қукалтош доруға қилиб тайинланган.
- ³⁶⁵ Хоннинг бу қарори шу Ҳирот олинган куниси, яъни 1589 йил 15 мартда эълон қилинган. Шундан сўнг халқ уни «валиаҳд» эмас, балки «Хони хурд (кичкина хон)» деб атаётган.
- ³⁶⁶ Бу воқеа 1594 йили рўй берган.
- ³⁶⁷ Хоннинг улими 1598 йил 8 февралда рўй бериб, уша даврда Самарқандда яшаган Мутрибий ёзишича, уни ўгли Абдулмуъмин султон амир Муҳаммад Боқибий дурмон орқали заҳарлаб ўлдирган.
- ³⁶⁸ Қуръони карим, 3:26.
- ³⁶⁹ 1529 йил март.
- ³⁷⁰ Бу воқеа 957 йил 26 раби ус-соний/1550 йил 16 майда рўй берган.
- ³⁷¹ 1550 йил май-июнь.
- ³⁷² Бу воқеа 957 йил 3 шаъбон/1550 йил 18 августда рўй берган.
- ³⁷³ Аниқроғи, 958 йил шавволи/1550 йил октябрида.
- ³⁷⁴ Пирмуҳаммадхон Бухорони 958 йил уртаси/1551 йил июнь-июлида тарк этган.
- ³⁷⁵ Абжад ҳисобида бу сўзлардан «958» сони чиқади.
- ³⁷⁶ Бу воқеа 959 йилнинг эрта баҳори/1552 йил февраль охирида рўй берган.
- ³⁷⁷ Аниқроғи, 959 йил 19 жумоди-л-аввал/1551 йил ёзи.
- ³⁷⁸ Бу воқеа 959 йил охири/1553 йил рўй берган.
- ³⁷⁹ 1554 йил.
- ³⁸⁰ 1555 йил май-июнь.
- ³⁸¹ Бу воқеа 1555 йил июлида бўлган.
- ³⁸² Муғулистон (Кошғар) хони Абдурашидхон (хонлиги 1533 – 1571 йй.) кўзда тутилмоқда.

- 383 1556 йил 24 сентябрь.
- 384 «Абдуллоҳнома»да «ит йил» дейилган.
- 385 1557 йил апрели.
- 386 1557 йил май-июнь.
- 387 Қуръони карим, 5:118.
- 388 Қуръони карим, 2:237.
- 389 Қуръони карим, 29:5.
- 390 Қуръони карим, 3:78.
- 391 964 йил кузи/1557 йил сентябрь-октябри кўзда тутилмоқда.
- 392 965 йил баҳори/1558 йил март.
- 393 965 йил/1557-58 кўзда тутилмоқда.
- 394 «Абдуллоҳнома»да «Ҳайдархожа» келган.
- 395 1558-59 йил.
- 396 Бадахшонлик темурийларнинг Балхга бостириб келиши 1560 йили содир бўлиб, қўлга тушган Иброҳим султон 1560 йил сентябрида қатл этилади.
- 397 967 /1559-60 йил.
- 398 Бу воқеа 1561 йил мартада рўй берган.
- 399 968 йил шаъбон/1561 йил апрели.
- 400 971 йил зу-л-қаъда/1564 йил юни.
- 401 974 йил охири/1566 йил ноябрь-декабри.
- 402 Аниқроғи 975 йил 5 жумоди-с-соний/1567 йил 7 декабрь.
- 403 976 йил зу-л-қаъда ойи/1569 йил апрель-май.
- 404 Нисо сураси, 128-оятдан.
- 405 977 йил ражаб ойи/1569 йил декабрь ойи.
- 406 Бу воқеа 1570 йил баҳорида рўй берган.
- 407 1570 йил. «Абдуллоҳнома»да-туркий йил «бўзина йил» дейилган.
- 408 Тош, гўла отувчи гилдиракли ҳарбий қурол.
- 409 Бу ҳам палохмонли шундай қурол.
- 410 Қуръони карим, 49:9.
- 411 Қуръони карим, 10:22.
- 412 «Абдуллоҳнома»да туркий «қўй йил» дейилган
- 413 1571 – 1572 йил орашиғи.
- 414 980 йил муҳаррам/1572 йил май-июнь.
- 415 Бу воқеа 980 йил сафар/1572 йил июнь-июль ойида юз берган.
- 416 Султон Саъидхон 1572 йил май ойида вафот этган
- 417 1572 йил ноябри.
- 418 Балхга юриш 980 йил ражаб/1572 йил ноябрь-декабр ойлари амалга ошган.
- 419 980 йил рамазон ўртаси/1573 йил январь ўртаси.
- 420 981 йил жумоди-с-соний ойининг охири/1573 йил октябрь охири.

⁴²¹ 982 йил сафар оyi бошлари/1574 йил май ойининг охирлари.

⁴²² 982 йил 10 раби ул-аввал/1574 йил 24 июнь.

⁴²³ Аслида қулёзма матни шу ер (1574 йил июнь оyi воқеалари баёни)да узилган бўлиб, Техрон нашри тайёрловчиси илмий-танқидий матн тузишда «Шарафномаи шоҳий» асаридан фойдаланмагани учун буни билмаган. Қулёзма ва мазкур нашрдаги кейинги матн эса 1580 йил май-июль ойида руй берган Абдуллоҳхоннинг Тошкент қалъасини қамал қилиб, қулга киритгандан кейинги воқеалар ҳақидаги маълумотлар билан бошланади. Қиёслаш учун қаранг: матн узилиши «Шарафномаим шоҳий»(Абдуллоҳнома) асарининг «Шарқ» нашри-ёт-матба концерни Бош таҳририяти томонидан чоп этилган узбекча нашри бўйича Биринчи китобдаги 278 бетнинг биринчи қатор пастидан бешинчи сатр сузларига, давоми эса Иккинчи китобнинг 43 бетдаги иккинчи қатор юқоридан еттинчи сатрга тўғри келади.

⁴²⁴ 988 йил жумоди-л-аввал оyi/1580 йил 4 июль кўзда тутилмоқда.

⁴²⁵ 988 йил 12 жумоди-с-соний/1580 йил 25 июль.

⁴²⁶ 988 йил рамазон/1580 йил 8 ноябрь кўзда тутилмоқда.

⁴²⁷ 988 йил шаввол охири/1581 йил 7 декабрь кўзда тутилмоқда.

⁴²⁸ 998 йил зу л-ҳижжа оyi охири/1581 йил 4 февраль кўзда тутилмоқда.

⁴²⁹ Афғонистон ғарбий-жанубидаги Фараҳ вилоятида.

⁴³⁰ 989 йил муҳаррам охири/1581 йил 5-6 март.

⁴³¹ 989 йил муҳаррами/1581 йил 6 март кўзда тутилган.

⁴³² 989 йил 21 раби ул-аввал/1581 йил 26 апрель кўзда тутилган.

⁴³³ 989 йил жумоди-л-аввал боши/1581 йил 3-5 июли кўзда тутилган.

⁴³⁴ Яда тоши - қадимги туркий халқлар ақидасига кура, ёмғир-қор чакирувчи тош. Гарчи бу ислом ақидаси бўйича таъқиқланган эса-да, Алишер Навоий ёзганидек, айрим туркий ислом олимлари ҳам бу эскича одат билан шуғулланишаркан.

⁴³⁵ 989 йил кузи/1581 йил 27 октябрь-27 ноябрь.

⁴³⁶ 1581 йил 13 октябри.

⁴³⁷ «Абдуллоҳнома»да бу фармоннинг 989 йил зу-л-қаъда бошлари/1581 йил 8-10 ноябрда берилгани айтилади.

⁴³⁸ 1582 йил 19 январь.

⁴³⁹ 1582 йил 27 март.

⁴⁴⁰ Қуръони карим, 3:159.

⁴⁴¹ Ажузчи – йўл кўрсатувчи.

⁴⁴² 1582 йил 24 апрель.

⁴⁴³ 1582 йил 25 апрель.

⁴⁴⁴ 1582 йил 27 апрель.

⁴⁴⁵ Бу жой номи «Абдуллоҳнома» таржима нашрида гоҳ «Булғон она», гоҳ «Булғон ото», «Ёлғон ото», «Илон ото, Ёйлон ото» тарзида

берилса, «Мусаххир ал-билод»да «Ёлғон ото» шаклида келган. Балки, бу ном «Йилғин ото»дир, чунки шундай жой номи ҳозир ҳам мавжуд.

⁴⁴⁶ Чингизхон уғли Жужини Дашти Қипчоқнинг шу ҳудуди улкаларига ҳоким қилиб юборган ва Жужихон отаси вафотидан олти ой олдин овда юрган чоғи ўлган. Унинг ва авлодларининг Улуғтоғ (ҳозирги Қозоғистон, Жезқозғондан 45 километр шимолий-шарқда жойлашган) қабри туркий ҳукмдорлар зиёратгоҳи саналган.

⁴⁴⁷ Бу воқеа 990 йил 16 жумоди-л-аввали/1582 йил 9 июнида руй берган.

⁴⁴⁸ Ер юзининг сувдан ташқари обод қитъалари.

⁴⁴⁹ 1582 йил 18 июнь.

⁴⁵⁰ 990 йил жумоди-л-аввал оғи охирлари – 1582 йил 20-21 июли.

⁴⁵¹ 990 йил 17 ражаб/1582 йил 8 август кўзда тутилган.

⁴⁵² Касбилик демоқчи.

⁴⁵³ Сирдарёнинг Фарғона ва Хўжанд, Тошкент ҳудудидан ўтган қисми шу ном билан ҳам аталган.

⁴⁵⁴ 990 йил ражаб охирлари/1582 йил 18-20 август кўзда тутилмоқда.

⁴⁵⁵ Қуръони карим, 7:23.

⁴⁵⁶ Қуръони карим, 49:9.

⁴⁵⁷ 990 йил 2 шаъбон/1582 йил 22 август кўзда тутилмоқда.

⁴⁵⁸ Кичик айиқ туркумидаги иккита ёруғ юлдуз.

⁴⁵⁹ Бу воқеа 990 йил шаъбон бошлари/1582 йил 21-25 августидан руй берган.

⁴⁶⁰ 990 йил шаъбон оғи охири/1582 йил 15-17 сентябри Сирдарёга етилиб, Абдуллоҳхон 990 йил рамазон оғи ун куни давомида/1582 йил 28 сентябригача шу ерларда ов билан машғул булади.

⁴⁶¹ 990 йил рамазон оғи охирлари/1582 йил 25-27 октябри кўзда тутилмоқда.

⁴⁶² 990 йил шаввол оғи уртаси /1582 йил 12 ноябрь.

⁴⁶³ 990 йил зу-л-қаъда бошлари /1582 йил 27-29 ноябрь.

⁴⁶⁴ Бу ерда 991 йил охири/1583 йил 20-23 феввали кўзда тутилмоқда.

⁴⁶⁵ Абдуллатиф султоннинг улими 990 йил 22 зу-л-ҳижжа оғи охирлари/1583 йил 21 январидан руй берган.

⁴⁶⁶ Қуръони карим, 2:156.

⁴⁶⁷ Февраль оғи 991 йил 9 муҳаррам/1583 йил февраль оғи кўзда тутилмоқда

⁴⁶⁸ Миҳаффа – кутариб юриладиган тахти равон.

⁴⁶⁹ 1583 йил 25 март.

⁴⁷⁰ Асл исми Султон Муҳаммад Худобанда, аммо, «худо бандаларининг энг каттаси», яъни жуда ҳам эътиқолли бандаси маъносида бу сафавий шахзодаси ўзига «Харбанда» лақабини ҳам берган. Чунки, «Хар»нинг асл маъноси «энг катта» демак. Бу лақабни унга бошқалар берган эмас ва ҳақорат ҳисобланмайди.

⁴⁷¹ 991 йил раби ул-аввал уртаси /1584 йил 9 апрель.

⁴⁷² Аниқроғи, 991 йилнинг сафар ойи/1583 йил 24 февраль – 24 мартгачада.

⁴⁷³ Низомуддин Ҳасанхожа нақиб (и калон) Сайид Отоий 991 йил жумоди-с-соний/1583 йил 28 май ойида вафот этган.

⁴⁷⁴ 1583 йил май ойи.

⁴⁷⁵ 1583 йил 15 июнь.

⁴⁷⁶ 991 йил 1 жумоди-с-соний/1583 йил 21 июнь.

⁴⁷⁷ 1583 йил 28 июнь.

⁴⁷⁸ 991 йил шаъбон уртаси/1583 йил 4 сентябрь.

⁴⁷⁹ 992 йил 6 муҳаррам/1584 йил 9 январь.

⁴⁸⁰ 1585 йил 18 февраль.

⁴⁸¹ 992 йил 16 сафар/1584 йил 28 февраль.

⁴⁸² Қуръони карим, 7:23.

⁴⁸³ Бадахшоннинг Варсак туманидиги Майдон қишлоғида туғилган Шайх Халилуллоҳхожа 1540 йиллари Самарқандга келиб, Махдуми Хоразмий номи билан танилган шайх Ҳусайн Хоразмий (ваф. 1550 й. Сурия)га мурид бўлган. Шайхлик мақомига етишгач, уз юртида суфийликнинг кубравия тариқатини тарғиб этган ва «Пири Равшан» тариқати издошларига қарши курашиб, Ҳиндистон ҳукмдорлари ва Бадахшон волийси Шоҳрух Мирзо ҳурматига эришган. Бадахшонлик аҳолидан кўпи унинг муриди бўлишган. Абдуллоҳхон шу юришида бу шайхдан фойдаланиш мақсадида уни ҳузурига чақиради. Шайхнинг буйсунишга майли йўқлигини кўриб, унинг халққа таъсир утказиши мумкинлиги хавфидан чучади ва то уруш тугагунча ҳибсда ушлаб туради. Сунг эса шу ерга етиб келган Хожа Калонхожа Жуйборий маслаҳати билан шайхни оиласи билан кўчириб, Бухорога олиб келди. Шайх Халилуллоҳ Бухорога яқин Сафидмун қишлоғида 1594 йили вафот этган. У билан дўст тутинган Ҳасанхожа Нисорий, Мутрибий каби тазкиранавислар шеър ҳам ёзган бу шайх ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот беришган.

⁴⁸⁴ Бу воқеа 992 йил раби ус-соний уртаси/1584 йил 28 мартада рўй берган.

Исм кўрсаткичлари

- Аббосбек 25, 29
 Аббосхон 29
 Абди Мирзо наймон 333
 Абдол султон 165, 166, 242, 249, 263, 269.
 Абдулазизхон ибн Убайдуллахон 131, 193, 234
 Абдуламинхон 15, 183, 184, 185, 212, 213, 215, 216, 217.
 Абдулбоқи дўрмон 371.
 Абдулбоқий Мирзо 98, 107, 108.
 Абдулвали Порсо 224, 260, 289.
 Абдулвосебий мирохур 315
 Абдулғаффор султон 172
 Абдулкарим султон 162, 177, 178, 179, 232, 325, 337, 162.
 Абдулқуддус султон 197, 198, 199, 206, 217, 243, 247, 334, 335, 336, 346, 352.
 Абдулла Баҳодирхон 20, 21, 151, 201, 109, 224, 225
 Абдулла султон 155, 156, 157, 160, 164, 168, 172, 192, 196, 228, 229, 234, 235, 236, 237, 238, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 246, 247, 249, 252, 258, 262, 266, 268, 291, 292.
 Абдуллатиф султон 118, 154, 155, 156, 157, 164, 165, 166, 168, 172, 173, 209, 223, 224,
 Абдулмуталлиб султон 209
 Абдулмуъмин султон 175, 182, 198, 221, 232, 315, 319, 323, 333, 346, 368, 382.
 Абдулхолиқ ибн Аҳмад ибн Ферузоҳ 42, 52.
 Абдураҳим Мирзо дўрмон 211
 Абдураҳим садр 66, 73, 75.
 Абдураҳим Туркистоний 76, 99
 Абдураҳимбек 380
 Абдураҳмон Бек 87.
 Абдураҳмон девонбеги 187..
- Абдусаттор султон 173, 311, 316, 322, 332, 342.
 Абдуссамадбий 163, 298, 314, 335, 348; 349, 371.
 Абу Саъид султон 118, 139, 140, 142, 154.
 Абул балуж 354
 Абулбий қатаған 214
 Абулғозий Абдулла Баҳодирхон 20, 151, 201, 209.
 Абулғозий Абдулла султон 168.
 Абулғозий Боқий Муҳаммадхон 173, 182.
 Абулқосим бахши 145, 146.
 Абулқосим куҳбур 79.
 Абулқосим султон 269, 303.
 Абулқосим ул-Бақо 252
 Абуллайс султон 162.
 Абулмансур Боқий Муҳаммадхон 183, 184.
 Абулмузаффар Боқий Муҳаммадхон 185
 Абулмуҳаммад султон 179
 Абулмуҳсин Мирзо ибн Султон Ҳусайн Бойқаро 103.
 Абулфатҳ Жонибек султон 139.
 Абулхайрхон 9, 12, 15, 21, 23, 24, 27, 28, 42, 48, 101, 129, 131, 132, 153, 158, 180, 181, 182, 186, 189, 191, 192, 193, 194, 195, 196, 197, 198, 199, 200, 201, 202, 203, 205, 206, 207, 209, 212, 213, 217, 221, 222, 223, 224, 225. 267.
 Абулҳасан Мирзо 94, 103.
 Абусаъид султон 139, 189.
 Адҳам 147
 Алайка султон 32, 33, 34
 Али ибн Аби Толиб 369
 Али Сайидий 169, 170
 Али уғлон 315
 Алиқулихон 353.

- Алимардон баҳодир 282, 289, 301, 308, 318, 375
 Алимардон Баҳодир ўгли Турди Мирзо 318, 375
 Алимўҳаммад баҳодир 237
 Алма Қоқи 297
 Амин султон ибн Бароқхон ибн Севинчикхон 176
 Амин шайх 312
 Амир Абдулалӣ Тархон 34, 35, 41, 42, 45, 190.
 Амир Абдулбосит 71, 73.
 Амир Абдулваҳҳоб шиғовул 71.
 Амир Абдулла садр 234.
 Амир Абулмуҳаммад 374
 Амир Али Мурод баҳодир 270.
 Амир Али Сайидий 170
 Амир Алихон ибн Амир Умарбек 85
 Амир Аҳмад мўғул 62, 64.
 Амир Аҳмад Ҳожи 45.
 Амир Банда Али 64.
 Амир Бек муҳрдор 120
 Амир Бек Моусулу 119
 Амир Бек Ото 73
 Амир Бобо Маҳмуд 106
 Амир Ғиёсиддин Муҳаммад 100
 Амир Дарвиш 45, 65, 85.
 Амир Дарвиш китобдор 85
 Амир Дўстумбий 159, 301.
 Амир Жалолиддин Атоулла 124,
 Амир Жалолиддин соний Тархон 72.
 Амир Жон Али 73, 254, 256, 272, 276.
 Амир Жон Алибий наймон 254.
 Амир Жон Алибой Хожа 72, 73.
 Амир Жон Фулодбий уйшун 256.
 Амир Жултойбий 301.
 Амир Зайниддин Али 102, 103, 111.
 Амир Зуннун аргун 88, 93, 94, 96, 97, 100, 109, 110.
 Амир кабир Жон Алибий наймон 235, 261, 265.
 Амир кабир Қулбобо Қукалтош 305, 306.
 Амир Қавчин 71
 Амир Қанбар Али 78
 Амир Қосим қавчин 78, 79, 80.
 Амир Қул Муҳаммад 68.
 Амир Қулбобо 305, 314, 372.
 Амир Қурайш Касбий 333.
 Амир Мирзо Алибий наймон 260
 Амир Мирзо Валихон 243.
 Амир Муҳаммад 111.
 Амир Муҳаммад Боқий Тархон 64, 65.
 Амир Муҳаммад Боқир аргун 83
 Амир Муҳаммад Валибек 95, 104, 111.
 Амир Муҳаммад Мазид тархон 32, 55, 56, 57, 58, 68.
 Амир Муҳаммад Солиҳ 64, 66, 67.
 Амир Низом 374, 376.
 Амир Низомиддин Абдулқодир 123, 146.
 Амир Нур Саъид ўгли Амир Муҳаммад Солиҳ 64.
 Амир Оташ 380.
 Амир Ошиқ Муҳаммад аргун 101.
 Амир Ошиқ Муҳаммад Қукалтош 101
 Амир Пир Муҳаммад 68.
 Амир Садриддин Юнус 111.
 Амир Сархунбий отолиқ 362.
 Амир Султон 42, 45, 71, 85, 86, 89, 93, 94, 95, 111, 137, 147, 148.
 Амир Султон Али 94, 111.
 Амир Султон Боязид барлос 93.
 Амир Султон Жунайд 45.
 Амир Султон қалмоқ 86, 89, 94, 95.
 Амир Султон Маҳмуд 142.
 Амир Султон Мулжо 85.
 Амир Султон Муҳаммад Шерозий 137.

- Амир Султон Ҳусайн аргун 42, 71.
 Амир Сўҳроб 381.
 Амир Фозил Тархон 72.
 Амир Халифа 234.
 Амир Хованд 70.
 Амир хожа Аҳмад 114.
 Амир Хусравшоҳ 82, 87, 88, 89.
 Амир Ҳамза 49.
 Амир Шайх Абусаид Ироқий 85.
 Амир Шайх Али тағой 95, 96, 97.
 Амир Шерхон 376.
 Амир Ширам жалойир 92.
 Амир Шоҳ Мансур бахши 84.
 Амир Шоҳимбий 163, 315, 324, 325, 326, 337.
 Амир Шоҳсаидбий 301, 374, 375.
 Амир Юсуф 45, 306.
 Амирхон, Ҳирот ҳокими 148
 Амир Янжи мўғул 57, 59.
 Андалиб лақабли Руқия Оғо 101.
 Араб бий қушчи 291.
 Араббий қушчи 302.
 Аҳмад ат-Тафтазоний 123
 Аҳмад бек Суфи уғли 127.
 Аҳмад Косоний 207
 Аҳмад қўнғирот 114, 116.
 Аҳмад султон 23, 89, 116, 118, 142, 153, 155, 161.
 Аҳмад Тархон 77.
 Аҳмадалибий наймон 335, 374.
 Аҳмадбек суфи уғли 127, 141, 142,
 Аҳмадхожа отолиқ 302.
 Аҳмадхон 26, 28, 30, 31, 89, 90, 155, 156, 167, 168, 234, 239, 240, 241, 242, 243, 245, 247, 248.
 Аҳриман 39.
 Аюб Бекчик 78.
 Аюб султон ибн Худойберди султон 161.
 Бадиъуззамон Мирзо 82, 83.
 Байрам солор мирохўр 293.
 Байрам тағой 127.
 Байрам уғлон 272.
 Байрамбек қарамонлу 136, 137, 139, 141.
 Банда Алихожа 78.
 Бароқхон угли Жонибекхон 25.
 Бахтиш Ҳожи манғит 222.
 Баҳодир султон 157, 175, 230, 235, 236, 277.
 Баҳоуддин Нақшбандий 251
 Баҳром савлат 23, 101, 116, 123, 196, 209, 210, 227.
 Бек Келди ўзбак 83.
 Бекназар кўкалтош 214, 215.
 Беккойбий баҳрин 236, 309, 313, 315, 352, 355.
 Бердибий наймон 314.
 Беҳбудбек 52, 53.
 Бобо султон 23, 156, 157, 158, 159, 161, 163, 168, 169, 170, 171, 172, 173, 174, 175, 176, 177, 178, 179, 195, 196, 197, 203, 231, 241, 242, 247, 248, 249, 250, 268, 269, 272, 279, 280, 281, 291, 292, 293, 294, 305, 307, 308, 309, 314, 316, 317, 318, 321, 328, 326, 327, 329, 330, 331, 332, 336, 337, 344, 348, 349, 350.
 Бобобий 187.
 Бобохожа сайид отой 321
 Бобохон 249, 92, 160, 162, 165, 166, 174
 Боқи Ҳожи, 272
 Боқибий наймон 303
 Боқижон Мирзо жалойир 371
 Боқий Муҳаммадхон 173, 175, 182, 185, 186, 187
 Боқий Оруқ Қушчи 32
 Бубой султон 32, 118, 146, 147, 181, 182, 185, 186, 212
 Бўзахўр султон 155, 157, 160, 161, 162, 163, 166, 175, 178, 231, 306, 307, 308, 309, 311, 312, 317, 319, 321, 329, 330, 337, 338, 348, 350
 Бўри отолиқ 239

- Бурундукхон 36, 37, 39, 49, 50, 55, 56, 57, 59, 60, 247
- Бурхон султон 27, 131151, 152, 155, 156, 164, 229, 235, 239, 240, 241, 243, 245, 246, 250, 252, 253, 255, 256
- Вали Муҳаммадхон 14, 162, 173, 187, 189
- Валибек 52, 87, 95, 104, 110, 111
- Валибек ҳожи 214
- Волий Шоҳ Саъидбий 224
- Гадой султон ибн Абдуллатифхон 156, 157, 165, 248
- Гадойхожа араб 50
- Ганжа Али шиғовул 282, 295, 315
- Ганжа Алибий шиғовул 356
- Гирай султон 33
- Гирой Араб ўгли Нурика султон 25
- Гулбобо Баҳодир 321
- Гулобод Баҳодир 333
- Давлат Хожабек Қавчин 28
- Давлат Шайх ўғлон 23
- Дарвеш шайх Алиободий 164
- Дарвешхон 157, 168, 176, 179, 231
- Дарвиш Муҳаммад Тархон 59, 65, 66
- Дарвиш Ҳусайн 28
- Дев Султон 147, 148, 188
- Динмуҳаммад балуж 354
- Динмуҳаммад султон 194, 195, 196, 199, 204, 223, 230, 259, 260, 261, 265, 270, 271, 274, 283, 286, 287, 288, 289, 290, 294, 295, 297, 298, 299, 300, 372
- Довуд 43
- Дона Муҳаммадбек 117
- Дудабек 123
- Дўст Мирзо чуҳра оғоси 377, 378
- Дўст Муҳаммад султон 168, 169, 175, 176, 190, 191, 217, 229, 243, 247
- Дўст чуҳра оғоси 177, 315, 321, 333, 342, 371, 379
- Дўстмуҳаммадбий 236
- Дўстум баковул аргун 333
- Дўстум қурчи 352
- Дўстум султон 243, 244, 249, 254, 273, 274, 275, 277, 281, 292, 293, 298, 309, 329, 336, 355, 356, 358
- Дўстумхожа сайид Отоий 243, 358
- Ёдгор султон 212
- Ёмғурчибек 25
- Ёр Аҳмад Исфаҳоний 137, 154
- Ёрибий ибн Сотилғонбий 346
- Жавонмардали султон 348.
- Жалол султон 168.
- Жалолиддин Акбар 375.
- Жалолиддин Маҳмуд 35.
- Жалолиддин хожа Абдуллатиф 74.
- Жамолиддин Атоуллоҳ 100
- Жаҳон султон хоним 212, 213.
- Жаҳонгир барлос 83, 84.
- Жаҳонгир Кука 369, 376.
- Жаҳонгир Мирзо 78, 90.
- Жаҳонгир султон 14, 186, 187, 188.
- Жаҳонгирий 333, 344.
- Жаҳоншоҳ баковул 288, 300.
- Жаъфар мирохўр 333.
- Жаъфархожа 82, 83, 84, 211.
- Жаъфархон қипчоқ 234.
- Жигарбий 302.
- Жон Алибий наймон 235, 259, 261, 265.
- Жон Аҳмад қалмоқ 85
- Жон Келдибий уторчи 265.
- Жон Қора султон 192, 193.
- Жон Муҳаммад отолиқ наймон 277
- Жон Муҳаммад султон 191.
- Жон чуҳрабий 302.
- Жонбахти тавочи 237.
- Жонвафо Мирзо 75.
- Жон Вафобий 72, 100, 101, 102, 108, 117, 120, 122.
- Жондавлатбий 284, 296, 301, 310, 313, 380.

- Жонибек 4, 14, 25, 34, 37, 39, 40, 49, 50, 56, 57, 59, 80, 91, 100, 118, 128, 129, 134, 135, 136, 139, 140, 142, 143, 146, 164, 175, 179, 181, 183, 184, 185, 189, 190, 191, 192, 193, 194, 195, 196, 197, 198, 199, 200, 201, 202, 205, 206, 207, 208, 209, 213, 216, 217, 220, 221, 222, 223, 225, 233, 260.
- Жонибек кукалтош 80.
- Жонибек султон ибн Хожағум султон 189, 191, 192, 193, 194, 195, 196, 197, 198, 199, 200, 201, 202, 205, 206, 207, 209, 213, 217, 221, 222, 223, 225.
- Жонибекхон ўгли Маҳмуд султон 37
- Жонибекхон ўгли Эронжихон 34.
- Жонкелди отолиқ қунғирот 246.
- Жонкелдибий утарчи 257.
- Жонмуҳаммадбий 242, 331, 352
- Жонхожа 256.
- Жонҳасан Баҳодир кенагас 293.
- Жужук Мирзо 289.
- Жўқи 79
- Жулма ўғлон 254, 293.
- Жултойбий 236, 301, 309, 313, 315, 318, 319, 380.
- Жултойбий Андхуд 296.
- Жултойбий Хитойи 236, 380.
- Зайнулобидинбек 141
- Заҳириддин Бобур Мирзо 66, 68, 69, 74, 75-82, 90, 94, 109, 126-130, 133-138, 140-142, 147, 181, 189
- Зиёиддин тавочи 237, 238
- Ибн Ҳусайн Мирзо 94, 98, 107, 108
- Ибодулла султон ибн Исқандархон 15, 159, 183, 209
- Иброҳим кенагас 321
- Иброҳим Мирзо 83, 84, 194, 257, 259
- Иброҳим султон 23, 84, 182, 183, 184, 185, 186, 216, 217
- Иброҳим Тархон 68, 71, 77, 79
- Иброҳим Ҳожи 79
- Иброҳимхон 22
- Идрис хатиб 226
- Иқим ҳожи 316, 322
- Иқим чуҳра оғоси 282, 293, 297, 298
- Иқимбий 275, 287
- Имодиддин Маҳмуд ибн Сайид
- Ғиёсиддин Муҳаммад 142
- Имомқули жотуқ 256
- Иноқхон 25, 29
- Иноқхон Қозоқ 21
- Искандар султон 155, 157, 164, 168, 176, 179, 190, 192, 194, 197, 198, 208, 213, 225, 226, 230, 234, 238, 240, 242, 261
- Исфандиёр султон 309, 313, 314, 315, 319, 320, 321, 323, 324, 340, 342, 343, 346, 352, 356, 358
- Ихтиёриддин Ҳасан 100, 111, 123
- Кайқубод 40
- Камолиддин Маҳмуд Соғаржий 100, 122, 124, 125, 139, 140, 141, 146
- Келди Муҳаммад султон 118, 167, 168, 173
- Келди Турсунбий 313
- Келдиш Баҳодир мижор 321
- Келишбий қушчи 302
- Кепак султон 95, 98, 103, 105, 181, 182, 185, 186, 200, 212, 242
- Кепакбий қушчи 136
- Кистан Қора султон 191, 192, 193
- Кобулий беки 101, 102
- Кўкбури 129
- Кўр Фарҳод 251
- Курок баҳодир 194
- Кўчак султон 166, 307
- Кўчак ўғлон 234, 273, 315, 319, 356
- Кўчкинчи султон (хон) 14, 21, 23, 60, 118, 129, 137, 141, 142, 189, 239

- Кучум мирохўр 300
 Кучум султон 142, 158, 160
 Кучум ясовул 158, 160, 258
 Латиф султон 330, 331, 332.
 Мавлоно Абдурахим 66, 73, 75, 76, 100, 101, 102, 111.
 Мавлоно Абдурахим садр 66, 73, 75.
 Мавлоно Бобой Пашоғарий 80.
 Мавлоно Қосим ХондАмир 144-145.
 Мавлоно Мир Самарқандий 145.
 Мавлоно Муҳаммад Зоҳид 286.
 Мавлоно Муҳаммад Туркистоний 88.
 Мавлоно Муҳаммад Хитойий 35.
 Мавлоно Муҳаммад Али қози 65.
 Мавлоно Хитойий 93, 95.
 Мавлоно Ҳайдар Муҳаммад мунший 279, 294.
 Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Бекчик 48.
 Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад садр 66.
 Маймоқ султон 118.
 Мақсудбек Ихтиёрдин 149.
 Манғит Мирзо Акабий 253.
 Мансурбий дўлдуқ 314.
 Манучеҳр Мирзо 23.
 Мардонғозибий 314, 336.
 Маржумак Султон 149.
 Маҳди султон 60, 75, 79, 100, 118, 126, 133, 147, 158, 176, 334, 355, 356, 357, 358
 Маҳди Султон ибн Жавонмардали султон 160, 269, 277
 Маҳмуд Мирзо 47, 64, 67.
 Маҳмуд султон 23, 25, 27, 28, 30, 32, 33, 36, 40, 46, 49, 50, 52, 55, 56, 57, 58, 60, 62, 63, 67, 83, 86, 87, 88, 89, 91, 97, 131, 132, 230
 Маҳмуд султон ибн Жонибекхон 37, 39, 40
 Маҳмуд султон ибн Сулаймон султон 200, 201, 215, 216, 274, 275, 277, 280, 290, 373
 Маҳмудхон Кошғарий 190, 207
 Маҳмудшоҳ султон 91
 Менглибий 272, 290
 Меҳр Алихон 376
 Мир Султон 376, 380
 Мир Табиб 351
 Мир Тулак 237
 Мирак ясовул 328.
 Мирам ўғлон 288.
 Мирам шайх 286
 Мирзо Акабий 252, 253, 315
 Мирзо Акабий ибн Сайдимбий қушчи 154
 Мирзо Алибек Барлосий Форсий 52
 Мирзо Алибий наймон 260, 295, 296
 Мирзо Валижон 273
 Мирзо Жаҳоншоҳ Туркмон 53
 Мирзо Каррухий 163
 Мирзо Қосим 145, 146
 Мирзо Муҳаммад Дўғлот 78
 Мирзо Муҳаммад садр 380
 Мирзо Султон Увайс 125
 Мирзо Халил 80
 Мирзо Хушим 333
 Мирзо Ҳумоюн 35, 215, 216
 Мирзовалихон жалойир 234, 258
 Миршоҳ Ҳусайн қавчин 78
 Мискин Баҳодир 345
 Муғул хоним 122, 133, 150, 191
 Музаффар султон 158, 159, 160, 170, 171, 223, 229, 277, 287, 291, 293, 305, 306, 307, 308, 348
 Музаффар султон Самарқандий 223
 Музаффар Ҳусайн Мирзо 93, 94, 97, 98, 107, 112, 113
 Мулло Ашраф 374
 мулло Бобоқули девон 233

- мулло Қора қатаган 214
 мулло Масъуд Тошкандий 233
 мулло Ҳабибулла воиз 144
 мулло Ҳайдар Муҳаммад мунший 301
 мулло Шамсиддин Муҳаммад наҳжий 144
 мулло Шамсиддин Муҳаммад садр 73
 мунший мулло Ҳайдар Муҳаммад 332
 Муртазо Али 367
 Муртазо Баҳодир Манғитқишлоқий 52
 Мусо Мирзо 36, 37
 Мусобек 25
 Мустафо 260
 Муҳаммад Али Аскар 123
 Муҳаммад Али баҳодир 238
 Муҳаммад Амин бий қушчи 272
 Муҳаммад Бакр 123
 Муҳаммад Боқибий дўрмон 293, 356
 Муҳаммад Боқий Тархон 64, 65, 66, 67, 77, 78, 83, 85
 Муҳаммад девона 321
 Муҳаммад Ёрсултон 130, 131, 151, 164, 193
 Муҳаммад Жуки Мирзо 23
 Муҳаммад Замон Мирзо 86, 89, 113, 114, 190, 191, 380
 Муҳаммад Замонбек Шерозий 372, 380
 Муҳаммад Зоҳид 286
 Муҳаммад Иброҳим султон 159
 Муҳаммад Исломхожа 252
 Муҳаммад Қосим Мирзо ибн Абулқосим арлот 92
 Муҳаммад Қосим султон 223, 269, 289, 303
 Муҳаммад қули Баҳодир кенагас 293
 Муҳаммад Мазид Тархон 32, 33, 50, 55, 56, 57, 58, 63, 66, 68, 69, 135
 Муҳаммад Мирзо 85
 Муҳаммад Муқим 109, 110
 Муҳаммад Муҳсин Мирзо 99, 103, 104, 105, 106, 107
 Муҳаммад Раҳим султон ибн Убайдуллахон 131, 150, 151
 Муҳаммад Салим султон 188
 Муҳаммад Саъид жалойир 186
 Муҳаммад Содиқ шайх 241
 Муҳаммад султон 6, 15, 21, 23, 109, 118, 128, 129, 130, 131, 151, 155, 161, 162, 163, 166, 167, 168, 169, 170, 171, 173, 175, 176, 177, 179, 180, 181, 182, 185, 191, 193, 194, 195, 199, 212, 217, 220, 221, 229, 243, 286, 287, 290, 294, 300, 315, 375
 Муҳаммад султон Ҳисорий 375
 Муҳаммад Тархон 45, 55, 58, 65, 66
 Муҳаммад Темур султон 59, 60, 71, 72, 97, 98, 100, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 109, 114, 118, 127, 128, 129, 130, 139
 Муҳаммад Ҳошим султон 191
 Муҳаммад Шариф султон 222, 269, 303
 Муҳаммад Элчи Буғо 45
 Муҳаммадали жибачи 321
 Муҳаммадали ўғлон 282, 293
 Муҳаммадёр султон 234
 Муҳаммадқули 81, 201, 259, 294, 297
 Муҳаммадқулибий қушчи 285, 288
 Муҳаммадқулибий отолиқ 258
 Муҳаммадмуродбий 258, 259
 Муҳаммадхон Шайбоний¹
 Муҳаррамхон 376
 Муҳибали мирохўр 316

¹ Матнда ниҳоятда кўп учраганлиги боис унга кўрсаткич берилмади.

- Муъмин султон 175, 176, 177, 292
 Наврўз кушбеги 234, 251, 258
 Наврўз парвоначи 333
 Наврўз ҳожи 187
 Наврузберди дурмон 356
 Надр бойиш кушбеги 213
 Надр қурчи 370
 Надр қурчибоши ибн Жон Бури ясовул 187
 Нажми Соний 122, 123, 124, 134, 137, 138, 139, 189
 Назар чухра оғоси, 288
 Назарбий 272, 364
 Назарбий ибн Амин Боқи наймон Султон Ёрибий
 Назарбий кофурруй 187
 Назарбий наймон 224, 265, 266, 282, 297, 301, 362
 Нахудбек 149
 Низомиддин Жоналибий наймон 383
 Низомиддин Хожа Хованд 74
 Нишон султон 139, 191, 203, 204, 205, 218, 235, 240, 241, 242, 245, 246, 247, 250, 255, 256, 258, 259, 263, 264, 268, 271, 273, 277, 360
 Носир Мирзо 110
 Носириддин Умарбек Вафодор 111
 Нуён Кукалтош
 Нур Муҳаммад султон 195
 Нурбек жаҳонгир 323
 Нурумбий қиёт 345
 Нурумбой бачча 289
 Оғожо беки 209
 Одил султон 176, 177, 179
 Одилбой ҳофиз 213
 Ой Темур Баҳодир 272
 Ойбак 301
 Ойбош наймон 321
 Ойша султон хоним 201
 Оқ Бурун султон 23
 Оқ Саъид қаровул 321
 Оқ Суфи 32
 Оқ Фўлод султон 138
 Оқмуҳаммад қурчи 236
 Оқмуҳаммад ясовул 374
 Оқо Сайидбек Бошлиғ 60
 Оллоҳберди кукалтош ибн Жон Келдибий 214
 Оллоҳдод отолиқ керойит 333
 Оллоҳёр девонбеки 188
 Оллоҳёр ўғлон 272
 Оллоҳқули Баҳодир манғит 282
 Офтоб тархон 83, 84, 85
 Паҳлавон Амиржон Али 85
 Паҳлавон Дарвиш Муҳаммад 102
 Паҳлавон Ҳасан Али 84, 85
 Пир Аҳмадбек 149
 Пир Мужаррад хожа Абулвалид Аҳмад 149
 Пир Султон 146
 Пирмуҳаммад 79, 83, 84, 164, 183, 184, 185, 186, 190, 192, 193, 194, 195, 196, 199, 200, 212, 222, 234, 235, 236, 239, 240, 246, 247, 257, 258, 259, 260, 261, 263, 300
 Пирмуҳаммад султон 164, 184, 190, 193, 198, 199, 200
 Пирмуҳаммадхон ибн Сулаймон султон 183
 Подшоҳ Муҳаммад султон 194, 195, 285, 287, 288, 290, 294, 300
 Поянда Мирзо 242
 Ражаббий 256
 Раҳимқули сайид Отоий 370
 Раҳимқулибий чухра оғоси 315, 352
 Раҳманқули Мирзо қонгли 288
 Раҳманқули султон 214, 215
 Рашидхон 156, 177, 245, 254
 Робия султон хоним 191
 Рустам султон 7, 164, 190, 196, 197, 198, 199, 205, 206, 220, 234, 242
 Садиқ шайх 50
 Садр Аҳмад ибн Қул Аҳмад Кукалтош 192

- Садрхожа 255, 256
 Сайдамбий 252
 Сайид Абдулла Мирзо 98, 107, 108
 Сайид Бобо султон 23
 Сайид Фиёсиддин Муҳаммад 123, 142
 Сайид Қосим 78
 Сайид Муртазо хожа 109
 Сайид Муҳаммад султон 182, 185, 186
 Сайид Носир Азиз 51
 Сайид Ошиқ 167
 Сайид Разиаддин Абдулаввал 100
 Сайид Садриддин Юнус 100
 Сайид Ҳасанхожа нақиб 305
 Сайид Ҳодихожа 109
 Сайид Ҳодихожа 111.
 Сайид Ҳодихожа 316, 316
 Сайид Ҳодихожа Нақшбандий 315
 Сайидбий жалойир 226
 Сайфал бек дўрмон 55
 Санжар султон 23
 Сархун отолиқ 174, 316
 Сархунбий 362, 364
 Сархунбий жалойир 173
 Саъдуддинхожа 377
 Севинч Қутлуқ Оғо беки 65
 Севинч Муҳаммад султон 109, 118, 128, 130, 151, 182, 185, 307
 Севинч Муҳаммад султон ибн Кепак султон 182, 185
 Севинч Муҳаммад султон ибн Муҳаммадхон Шайбоний 109, 118, 128, 130, 193
 Севинч Муҳаммад султон ибн Ҳожимхон 298
 Севинчхожа султон 32, 60, 91, 118, 136, 153, 167
 Севинчхожахон 180, 234
 Содиқ Мирзо 333
 Сотилғон отолиқ 242
 Сулаймон султон 190, 200, 242, 280, 373
 Султон Абу Саъид Мирзо 42
 Султон Абусаъид Мирзо 101
 Султон Али Мирзо 63, 64, 66, 68, 69, 70, 72, 73
 Султон Аҳмад Танбал 78, 80, 90
 Султон Аҳмадхон 89, 90
 Султон Ёрбий дўрмон 251, 254, 255, 265, 266
 Султон Искандар қипчоқ 354
 Султон Маҳмудхон 150
 Султон Мирзо 45, 73, 108, 160
 Султон Муҳаммад султон 161, 165, 350
 Султон Муҳаммад Танбал 191
 Султон Увайс Мирзо 67, 69, 126
 Султон Ҳусайн арғун 42, 71, 79
 Султон Ҳусайн Мирзо 23, 42, 51, 52, 53, 54, 92, 93, 94, 96, 107, 114, 124, 125, 145, 153
 Султонмурод қоқчи 354
 Суюндик паҳлавон 236, 282
 Таваккал бий дўрмон 244
 Таваккал Султон 174, 175, 180, 185, 186, 198, 199, 201, 218, 221, 309, 312, 318, 319, 320, 324, 329, 330, 331, 352, 356, 358, 359
 Тамомибий наймон 151
 Тангриберди уғлон 156, 244
 Тангрибердибий қушчи 277
 Тангриқул Хитойи 246
 Тангриқули қушчи 350
 Тандуруст бий дўрмон 250
 Таним султон 173
 Танишбий жалойир 242, 257, 265, 296
 Танишбий қушчи 131, 150, 151
 Таҳмосб шоҳ 168
 Темур султон Ҳисорий 191
 Темурхожа сайид Отойи 237
 Тиноайхожа сайид Отойи 312
 Тинсайидбий қорлуқ 234
 Тоҳир султон 168, 173, 174, 179, 180, 262, 263, 269, 313, 314, 324, 328, 332
 Тоҳирбий 216

- Тубичоқ Сайил 327
 Туғлуқ Хожи 32
 Туғма отолиқ 203, 267
 Туққузбеки 138
 Туқмоқхон 214
 Тулакбий 302
 Тулунхожа мўғул 46
 Турди лаванд манғит 272
 Турди отолиқ 272
 Турдикахон, 8, 272, 362.364
 Турсунбий 313, 315
 Турумбий дўрмон 257, 258, 265,
 Туттош девонбеки 239
 Убайдулла султон 103, 104, 105,
 106, 107, 108, 109, 110, 111, 112,
 118, 122, 127, 128, 129, 130, 132,
 133, 134, 135, 136, 139, 141, 142,
 143, 144, 148, 149, 150, 154, 155,
 172, 173, 174, 181, 184, 189, 190
 Убайдуллахон 27, 126, 131, 132,
 133, 134, 135, 136, 142, 149,
 150, 152, 190, 191
 Увайсбек таколу 125
 Улуғбек Мирзо Кўрагоний 167
 Устод Абди меъмор 141
 Устод Руҳий тупчибоши 284,
 297, 328
 Фақир султон 273, 274, 275, 289,
 298, 300, 301, 302, 303
 Фаридун Ҳусайн Мирзо 113, 114,
 115
 Фозил 76
 Фулод султон 129, 139, 140, 220,
 223
 Фулодхожа сайид 297
 Хадича беким Оғо 101
 Халил Мирзо 78
 Халилбек найзачи 51
 Халқомон мирзо 321
 Халқомон отолиқ кўнгирот 246
 Халқомонбий 151, 246
 Ханжар Алибек 375
 Ходим баҳодир 236
 Хожа Абдуллатиф 71, 74
 Хожа Абулвафо 108, 144
 Хожа Абулвафо девон 72, 74, 75,
 80, 82, 91
 Хожа Абулмакорим
 Хожа Абулмакорим 72, 74, 76,
 80, 82, 91
 Хожа Абулмафохир 71
 Хожа Азизон 208
 Хожа Али Ромитаний 208, 360
 Хожа Аҳмад Султон 116
 Хожа Аҳмадбий 136
 Хожа Баҳодир ўғли Шоҳ Будоқ
 Баҳодир 32
 Хожа Дўст балуж 354
 Хожа Жалолиддин Қосим Фа-
 рохурий 144
 Хожа Жалолиддин Миракий 85, 86
 Хожа Жамолиддин Абдулҳай 100
 Хожа Камолиддин Ҳусайн 233,
 355
 Хожа Маржон ибн хожа Қаво-
 миддин 141
 Хожа Маҳмудхон 23
 Хожа Маъзиддин Ҳусайн Ша-
 бонкоре 99
 Хожа Миракий 101, 102
 Хожа Мирам 233, 355
 Хожа Музаффар битикчи 113,
 124
 Хожа Мунир 72
 Хожа Муҳаммад Абдулбоқий 71
 Хожа Муҳаммад Абдулла 68
 Хожа Муҳаммад Закариё 71
 Хожа Муҳаммад Қосим 233, 354
 Хожа Муҳаммад Латиф 233, 374
 Хожа Муҳаммад султон 15, 21,
 23, 180, 183
 Хожа Муҳаммадий 145
 Хожа Муҳиддин Яҳё 141
 Хожа Носириддин Убайдулло
 Аҳроп 68
 Хожа Разииддин Аҳмад 233
 Хожа умдатул-мулк Жонкедибий
 219

- Хожа Хованд 71, 74
 Хожа Хурд Азизон 360
 Хожа Хурд қози 71, 73
 Хожа Шамсиддин Муҳаммад 99, 102
 Хожа Шоҳ Хусайн Хиёбоний 145
 Хожабой отолиқ 258
 Хожагий Косоний 225
 Хожағум султон 181
 Хожажон хожа 224
 Хожамқули қалмоқ 213
 Хожамқули қушбеги 309, 310, 313, 318, 319, 321, 326, 327, 328, 349, 354, 371, 376
 Холид 78
 Хонбиби 159, 203, 267
 Хонзода беким 109
 Хонкелдибий 310
 Хоразмшоҳ 168, 169, 177, 269, 293, 314
 Худойберди султон 155, 157, 160, 192, 228, 230, 236, 237, 238, 239, 254, 255, 269, 275, 277
 Худойберди Султон ясовул 171
 Худойберди туғчи 80
 Худойберди ясовул 309, 310, 318, 358, 359
 Худойдод Туркман 80
 Худойназар Отолиқ 184
 Худойназарбий қунғирот 183
 Худойназарбий керойит 217
 Хўжа Мирзо 278
 Хўжа Хусайн 79
 Хўжамёр отолиқ 258
 Хуррамшоҳ султон 95, 109, 118, 128, 130
 Хусрав султон 159, 176, 202, 203, 204, 230, 241, 243, 246, 247, 248, 249, 251, 254, 255, 259, 263, 264, 265, 67, 268, 269, 270, 271, 272, 340
 Хуши ясовул 316, 322
 Хушибий дароз 255, 256
 Хушибий жалойир 201
 Хушибий ясовул 373
 Чақмоқ юзбеки 50
 Чингизхон 23
 Чулоқ отолиқ 203, 267
 Чучук парвоначи 239
 Шайх Абу Саид Ироқий 86
 Шайх Абуллайс 74
 Шайх Абулҳасан Ишқий 241
 Шайх Алиободий 164, 235
 Шайх Халилуллоҳ 373, 374
 Шайх Ҳайдархон 21, 23, 24, 25, 26, 28, 30
 Шайхзода Лоҳижий 115
 Шайхим Мирзо 138
 Шайхим султон 14, 161, 162, 292, 293
 Шаҳобиддин Фурий 146
 Шерафкан Мирзо 272
 Шеримбий наймон 334, 335
 Шерхон тулакчи 374
 Шигафхон 309, 312, 318, 319
 Ширам Тағой 80
 Ширим ясовул 323
 Шоди Мирзо 333
 Шоир мулло Ҳозирий 194
 Шоҳ Аббос 182, 186
 Шоҳ Бобо Хокий 147
 Шоҳ Будоғ султон ибн Абулхайрхон 12, 21, 23, 27, 28, 131, 181, 193
 Шоҳ Будоғбек Туркмон 53
 Шоҳ Имод 369
 Шоҳ Исмоил 108, 113, 116, 117, 119, 120, 121, 122, 123, 124, 136, 137, 147, 189
 Шоҳ Мансур 84, 96
 Шоҳ Муҳаммад султон 171, 194, 198, 285, 287, 288, 294
 Шоҳ Пирмуҳаммад Мирзо 212
 Шоҳ Саид каройит 187
 Шоҳ Саъидбий 234, 301, 369, 374, 375, 376
 Шоҳсайидбий 234
 Шоҳ Сулаймон 194, 218, 257, 259, 302, 375, 382

- Шоҳ Суфи 81
 Шоҳ Таҳмосб/Таҳмосп 134, 154, 260
 Шоҳ Таҳмосб угли Султон Муҳаммад 263
 Шоҳ Хасан Термизий 360
 Шоҳ Хасанхожа 367, 369
 Шоҳ Шужобек 109, 110
 Шоҳбоз балуж 354
 Шоҳим кукалтош Бухорий 272
 Шоҳим мурғоқ 272
 Шоҳимбий 162, 163, 174, 178, 315, 325, 326, 337, 338, 376
 Шоҳқули Султон 263
 Шоҳмансур 88, 381
 Шоҳмуҳаммад Баҳодир 236
 Шоҳмуҳаммад Мирзо 272, 288
 Шоҳмуҳаммад султон 190, 191, 194, 196, 214, 215, 221, 283, 300, 309
 Шоҳназар девона 349, 375
 Шоҳрух Мирзо ибн Амир Темур Курагон 23
 Шоҳрух Мирзо ибн Иброҳим Мирзо 223, 367, 369, 370, 371, 372, 374, 375, 376, 379, 380, 382
 Шоҳрухбек афшор 127
 Эломон Баҳодир 92, 93, 109
 Эсонкелди отолиқ 343
 Этак султон 59, 62
 Эшим ясовул 277
 Эшимбий жалойир 158, 160
 Юсуф Али Кўкалтош 95
 Юсуф бий наймон 306
 Юсуф султон ибн Худойберди султон 161, 166, 307
 Юсуф Суфи Адоқий 52
 Юсуфбий қушчи 314
 Юсуфхожа сайид отойи 201
 Ялангушбий 187
 Яҳёбек 47
 Уғон султон 163
 Ўзбек султон (Умарғози лақабли) 160, 164, 166, 197, 198, 199, 218, 219, 221, 231, 236, 241, 242, 246, 247, 270, 273, 275, 283, 284, 285, 288, 289, 296, 301, 348, 373
 Уроқхожа сайид 257
 Урус Баҳодир 55
 Урус Мирзо сажоват 297
 Урусбий дурмон 136
 Ҷабодбек 85
 Қалқон Қулоғбий 270
 Қанбар Алибек 190
 Қанбар Мирзо кукалтош 109, 111, 130
 Қанбарбий 100, 102, 109, 112, 115, 117, 120, 122, 315, 356, 371, 379
 Қанбарбий наймон 356, 371, 379
 Қаро барлос 79, 80
 Қаро Хасан ат-Туб 85
 Қарочин Баҳодир 25, 28
 Қашқа Маҳмуд 78
 Қилич Қора султон 192, 193, 228, 239
 Қипчоқ Қуниш 30
 Қитмишбий 151
 Қодирберди қўрчи 250
 Қози Бекчик 35
 Қози Ихтиёрдиндин Хасан 100, 111, 123
 Қози Мансур Мирзо 111
 Қози Нуриддин Муҳаммад 360
 Қози Садриддин Муҳаммад ал-имомий 100, 111, 123
 Қози ул-қуззот хожа Нуриддин Муҳаммад 347
 Қози Шариф ибн қози Фаридун 321
 Қосимхон 114
 Қора баққол 148
 Қора Пирмуҳаммад 83, 84
 Қора Хасан 86
 Қорақуной баҳодир хитой 316
 Қорлиқ отолиқ 280
 Қосим Каррухий 146
 Қосим Мирзо 111, 112, 333
 Қосим муҳрдор 149

- Қосим султон 36, 49, 56, 60, 168, 179, 223, 262, 269
 Қосим ҳожи керойит 214
 Қосимхожа 29, 224
 Қубод 43
 Қул Муҳаммад Тархон 55
 Қулбобо Кукалтош 257, 260, 265, 273, 276, 293, 305, 306, 314, 322, 328, 331, 332, 340, 348, 354, 363, 372, 379
 Қули Жонбек 123, 124
 Қулмон чуҳра оғоси 327
 Қулназар Тағой 81
 Қурбон сахт камон лақабли камончи 251
 Қўрчибек 371, 372
 Қутбиддин Муҳаммад Яҳё 69, 70, 71, 73, 75, 76
 Қутлуқ хожа Кукалтош 80
 Қутлуқ хоним 207
 Қутлуқхон уғли Қосимхон 28
 Қўч бек 81
 Қўч Ҳайдар ибн Амир Қосим қавчин 78
 Қўшчи юзбеки 56
 Ҳазора султон ибн Узбек султон 198, 373, 383
 ҳазрат хожа Жуйборий 235, 252, 256, 261
 ҳазрат Хожа Убайдулла Аҳрор 63
 ҳазрати Шоҳи мардон 367
 Ҳайдар бек 47
 Ҳайдар Қосим 79
 Ҳайдар Муҳаммад мунший 279, 294, 301, 343
 Ҳайрон мирзо боши 187
 Ҳақназар уғлон 151
 Ҳалим ўғлон 282
 Ҳамза султон 32, 60, 75, 79, 118, 126, 133, 147
 Ҳамзабек 49, 50
 Ҳасан қўрчи дўрмон 293
 Ҳасан султон 167
 Ҳасан чуҳра оқоси ибн Али Мардон баҳодир 187
 Ҳасанхожа нақиб 213, 282, 301, 305, 315, 319, 324
 Ҳасанхожа нақиб уғли Юсуфхожа 355, 362
 Ҳидоятбек 149
 Ҳоди султон 176, 356
 Ҳодихожа 322
 Ҳожи Мирзо қушчи 370
 Ҳожи Муҳаммадхон ўғли Сайдак Иноқхон 25
 Ҳожи отолик 188
 Ҳожи Ҳусайн султон 157
 Ҳожибий дўрмон 211, 293
 Ҳожибий қушчи 188
 Ҳофиз Ҳамид 35
 Ҳофиз Зайниддин Зиёратгоҳий 124
 Ҳофиз Ҳасан Басир 35
 Ҳошим баҳодир 236
 Ҳошим қўрчи қирғиз 289
 Ҳошим султон 350, 356, 357, 359
 Ҳошим султон ибн Бурундуқ султон 240, 247, 248
 Ҳошим султон ибн Дуст Муҳаммад султон 175, 176, 229, 242, 269, 298, 299, 301, 303
 Ҳусайнбек лала 125, 137, 141, 142

Жой номлари

- Авғанак мавзеи 192
 Авғонак мавзеси 228, 239
 Адоқ қалъаси 53
 Айвож 289
 Алиобод (қишлоғи, қуриғи) 198, 249, 275
 Амир Алишер работи 98
 Амударё 83, 84, 93, 96, 125, 133, 256, 267, 288, 298, 301, 350
 Андароб манзили 264
 Андижон 61, 66, 82, 89, 90, 91, 118, 153, 155, 158, 163, 167, 169, 170, 173, 175, 176, 177, 189, 196, 198, 199, 201, 203, 205, 208, 221, 229, 232, 248, 249, 268, 292, 302, 314, 337, 348, 350, 351, 352, 355, 356, 357, 358, 359, 375
 Андхуд қалъаси 83, 148, 284, 285
 Андхуд шаҳри 148, 183
 Анҳор тумани 77
 Арқуқ (қалъаси ва мавзеси) 35, 48, 50, 150
 Арок 123
 Арҳанг уланги 374
 Астобод 98
 Астробод вилояти 41, 53, 124
 Атрек дарёси 113, 114
 Ахси 61, 155, 175, 176, 196, 198, 199, 208, 221, 248, 337, 356, 358
 Аҳшом ноҳияси 145
 Бағлон 8, 213, 221, 382
 Бағлон вилояти 126
 Бадахшон 2, 82, 125, 126, 127, 147, 166, 194, 197, 201, 208, 213, 215, 218, 221, 223, 232, 233, 257, 258, 259, 298, 302, 332, 358, 362, 367, 368, 369, 370, 371, 374, 375, 378, 382
 Бақлон мавзеси 374
 Балх 9, 14, 15, 82, 83, 85, 87, 89, 92, 94, 95, 109, 118, 125, 126, 130, 134, 136, 137, 140, 146, 147, 148, 164, 181, 183, 184, 185, 186, 187, 188, 190, 191, 192, 193, 194, 195, 196, 198, 199, 204, 208, 212, 213, 214, 215, 216, 217, 218, 221, 223, 224, 229, 230, 231, 232, 234, 236, 239, 240, 242, 246, 256, 257, 258, 259, 260, 261, 263, 270, 271, 274, 279, 283, 285, 288, 289, 290, 294, 95, 296, 297, 298, 299, 300, 301, 304, 306, 332, 346, 348, 354, 367, 368
 Баҳорак 373
 Баччамурғ мавзеси 380
 Бедана қуриғи мавзеси 355
 Бобошоҳид мавзе 368
 Боғи майдон 71, 72, 291
 Боғи нав 78, 98
 Боғи сафид 143
 Боғи Сулаймон мавзеси 143
 Боғи жаҳоноро 93, 125
 Боғизоғон боғи 149
 Боғисарафроз 145
 Боғобод вилояти 182
 Бодғис 92, 96, 100, 145
 Бодғис ҳудуди 145
 Бохарз улкаси 263
 Бўлғон Ото манзили 317, 318
 Булдумсоз қалъаси 51
 Бурдалиғ кечуви 243
 Бурёбод 239, 264
 Бухоро 9, 13, 14, 15, 16, 22, 34, 35, 41, 42, 48, 60, 64, 65, 66, 67, 73, 77, 83, 91, 109, 111, 118, 127, 129, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 139, 142, 143, 144, 150, 151, 152, 154, 155, 156, 163, 164, 168, 171, 179, 181, 183, 185, 186, 187, 188, 189, 191, 193, 195, 203, 208, 212, 213, 217, 218, 222, 229, 230, 234, 235, 239, 240, 241, 243, 245, 246, 250, 251, 252, 253, 254, 255, 258, 259, 260, 261, 262, 265, 267, 268, 270, 274, 275, 279, 281, 282, 284, 291, 295, 299, 301,

- 305, 307, 312, 315, 319, 323, 332, 343,
346, 347, 348, 349, 358, 359, 360, 362,
365, 366, 382
Вазир 51, 52, 53, 232
Варсақ вилояти 373
Гозрон чашмаси мавзеси 259
Гурзивон вилояти 147
Гурзивон тоғи 84
Дабусий 279
Дарағаз мавзеси 89
Дарбанди оҳанин 138, 232
Дарби Паҳлавон Аҳмад 266
Дашти Қипчоқ 12, 21, 23, 24, 32,
35, 36, 37, 39, 69, 71, 72, 82, 114,
115, 153, 170, 185, 199, 201, 232,
246, 307, 309, 312, 319, 345, 359
Дашти Манғит 36
Дизақ қасабаси 46
Домғон вилояти 113, 114, 115,
116,
Домғон қалъаси 113
Дуоба мавзеси 272
Дурбой мавзеси 246
Еровуз тўқайи 328
Етти қудуқ йўли 134, 135
Етти тепа 322
Ёз яйлоқ 75
Ёзйайлоқ ноҳияси 96
Ём 270
Ёрёйлоқ мавзеси 279
Жавзи илон мавзеи 166
Жазравон тоғи 85
Жайхун дарёси 92, 94, 96, 148, 156,
164, 181, 187, 195, 215, 218, 229, 234,
236, 237, 242, 243, 247, 263, 265, 271,
283, 288, 297
Жигдалиқ мавзеси 326
Жом қасабаси 105
Жом манзили 270
Жужихон мазори 318
Жуз довони 85
Жўйизар мавзеси 350
Журжон вилояти 113, 114
Заминдовар 93, 98, 109, 110, 116
хожа Абунасл Порсо мазори 83, 84
Зардақ чули 93
Зарнакўй буйида 140
Зобулистон 126
Зомин вилояти 156, 166, 199, 201,
365
Илон утти довони 46, 156, 230, 249
Имом мавзеси 380, 382
Ироқ 108, 113, 116, 125, 142, 144,
186
Ироқ дарвозаси 85, 86, 101, 106,
142, 143, 149
Ислон номли шаҳарча 245
Испара 355
Испижоб 178, 314
Исфаройин 134, 143
Ихтиёриддин қалъаси 101, 102,
125
Калас дарёси 314
Калиф 240
Калот қалъаси 104, 115
Кандибодом (Канибодом эмас-
ми?) 349 б
Карки кечуви 84, 85, 96, 141, 214,
260
Кармина 143, 164, 175, 208, 219,
222, 228, 229, 230, 233, 234, 242,
247, 250, 261, 281
Карока мавзеси 262
Каррух 145
Касби қалъаси (шаҳри ва чули
ҳам мавжуд) 228, 237, 238, 254, 270,
271
Катвар 373
Катта Сўғд 77
Қаҳдастон ўланги 99
Қаҳмард (қалъаси, вилояти) 369,
375, 376, 382
Кермон 115, 123
Кеш вилояти 68, 69, 72, 109, 130,
203, 205, 214, 229, 230, 239, 240, 247,
274, 280

- Кешм ноҳияси 147
 Кишм 371, 376, 382
 Кобул 90, 109, 110, 193, 218, 362, 375, 378, 379, 382
 Кониғил (қўриғи, мавзеси) 72, 75, 249
 Кониғил ўтлоғи 72
 Кошғар 156, 165, 175, 177, 245, 254, 356, 357
 Кўк гунбаз 44, 157, 165, 231, 176, 305
 Кўкча дарёча 377
 Қўли Малик 129, 133, 134 ёки 135, 181, 189
 Қуфийн (вилояти, қасабаси) 7, 196, 198, 206, 219, 312
 Қуҳак дарёси 72, 196, 198, 206, 219, 312
 Қухистон 88, 259
 Ладон қаровул қалъаси 323
 Мағок куприги 76
 Мажонуй мавзеси 160, 162
 Маймана 92, 118, 125, 126, 164, 187, 229, 246, 247, 288, 301
 Малик дарвозаси 142, 143, 149
 Манқишлоқ 41
 Марал манзили 96, 98
 Марви Шоҳижаҳон навоҳиси 116
 Марвруд 92
 Марвчоқ 93, 96
 Марғинон 163, 348, 350, 355, 356, 358
 Масчой вилояти 199
 Маҳмудий қишлоғи 119, 120
 Машҳад 98, 103, 104, 105, 109, 111, 112, 134 ёки 135, 143, 144, 183, 197
 Миёнкол вилояти 139, 175, 206, 217, 218, 279, 314
 Мовароуннаҳр 42, 60, 77, 82, 103, 105, 106, 111, 112, 114, 122, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 132, 133, 134, 135, 136, 137, 138, 140, 141, 142, 144, 147, 148, 150, 153, 155, 164, 167, 181, 183, 185, 187, 189, 192, 194, 199, 200, 206, 208, 228, 233, 237, 314, 348, 362
 Мозандарон 123
 Моймурғ қўриғи 236
 Мотрид мавзеси 249
 Мулкент мавзеси 159
 Мурғоб 92, 93, 94, 96, 126, 137, 143, 221, 267
 Мусалло намозгоҳи 346
 Навкандий мавзеи 304
 Навқо (қалъаси, қўриғи) 158, 160, 231, 274, 275
 Накударий 116
 Насаф 139, 159, 160, 192, 196, 197, 203, 236, 237, 238, 239, 240, 241, 242, 254, 255, 268, 273, 274, 279, 287, 291, 295, 301, 303, 306, 307, 353, 354, 367, 368
 Нахшаб вилояти 368
 Нишобур 107
 Норданак 276
 Норин 375, 382
 Нуқрандий манзили 362
 Нур мавзеси 307
 Обивард 182
 Одина масжид мавзеси 368
 Озарбайжон 114, 115, 116, 123, 141, 142, 144
 Озодон қишлоғи 143
 Оққўрғон 180, 310, 324
 Оқсарой мавзеси 369, 374
 Оқтепа мавзеси 237
 Олой дашти 175, 357
 Олотов 59
 Орп қишлоғи 146
 Отамонда 235
 Офаринкент вилояти 207, 225, 234, 331
 Пари лаклакон тумани 173
 Понуқ қўриғи 292
 Пуличароғ мавзеси 147

- Родикон уланги 114
 Ромитан 245
 Рустоқ 380
 Сабзор ҳудуди 98
 Саброн (вилояти, қасабаси, шаҳри) 33, 34, 55, 56, 60, 173, 178, 180, 316, 322, 323, 330, 331, 338, 339, 341, 343
 Сайхун дарёси 60, 159, 161, 166, 206, 306, 308, 314, 377
 Самарқанд 14, 15, 21, 33-35, 41, 43, 54, 55, 61, 63-65, 67-70, 72-78, 80, 82, 83, 87, 91, 109, 111, 112, 118, 127-129, 134-136, 139, 143, 145, 146, 148, 153-160, 162, 164, 165, 168, 169, 171, 176, 182, 183, 186, 189, 198, 199, 201, 203, 204, 207, 208, 210-212, 214, 220-222, 228-235, 239-241, 243, 245-250, 255, 268-270, 274-281, 287, 291-294, 298, 299, 302-307, 331, 332, 348, 350, 354, 360, 365
 Санг баст мавзеси 104
 Сангсабзак мавзеси 261
 Сарахс қалъаси 103
 Сарвистон манзили 249
 Сардоб мавзеси 265
 Сарипул 78, 194, 273, 275
 Сарой ҳудуди 87
 Сафидак қалъаси 75
 Семнон 115
 Сигноқ қалъаси 35, 49, 50
 Сиёҳгард мавзеси 184
 Сиёҳжард тумани 298
 Сифин Ото манзили 276
 Соғарж (вилояти, тумани) 160, 182, 185, 192, 228, 239, 254, 255, 280, 292, 352
 Соқи Салмон мавзеси 149
 Соли сарой мавзеси 374
 Сориқсув дарёси 321
 Сўғд 136, 219
 Сўғди Калон тумани 189
 Самарқанд Сўғди 207, 280, 331
 Миёнкол Сўғди 118
 Миёнкол 118, 136, 139, 153, 166, 168, 171, 175, 189, 206, 217, 229, 234, 236, 241, 242, 274, 275, 279, 281, 312, 314
 Сузоқ 37, 39, 56, 323
 Султоний мадрасалари мавзеси 149
 Сутлуқ дараси 180
 Талхтон қишлоғи 119
 Тамшақ мавзеси 247
 Танги Афрас тоғи 379
 Тахти Қоража манзили 68
 Таҳористон 147
 Темурқабак манзили 365
 Терас Кандирлик 318
 Тирату қалъаси 365
 Тирсак қалъаси 51
 Тоблиқ Ото 48
 Толиқон 201, 213, 218, 221, 369, 370, 371, 373, 376, 380, 382
 Тотканд қишлоғи 67
 Тоҳиробод қишлоғи 117
 Тошкент 8, 9, 11, 13, 16, 41, 43, 46, 47, 54, 55, 57, 58, 61-64, 67-69, 78, 90, 91, 118, 134, 135, 150, 153, 155, 157, 158-160, 164-71, 173-179, 186, 189, 190, 195-199, 201, 203, 204, 206, 207, 218-224, 228-232, 234, 235, 239, 240, 246, 249, 250, 263, 268-270, 274, 291, 292, 302, 304, 305, 308, 309, 336, 346, 352, 355
 Тўққуз работ ҳудуди 97
 Турбат 179, 185, 230, 263, 264
 Туркистон 24, 32, 33, 35, 37, 47-49, 53, 59, 62, 63, 76, 114, 127-129, 133, 134, 148, 150, 153, 159, 167, 169, 171, 172, 175, 181, 194, 195, 200, 218, 223, 228, 229, 231, 240, 241, 246, 249, 279, 281, 291, 305, 309, 312, 313, 316, 321, 330, 343, 345, 346, 355
 Туруқ ноҳияси 105

- Туршиз 98, 109
 Тус 143
 Тўра вилояти 329
 Улуғтоқ 231, 320
 Улуқ мавзеси 235
 Умархожахон мозори 322
 Усрушана (Усрушан, Усрушана)
 118, 165, 199, 201, 248
 Урганж 51, 52, 53, 54
 Учқора мавзеи 185
 Учтепа мавзеси 161, 166, 306
 Уштурхор дарвозаси 86
 Файзобод қишлоғи 353
 Фараб 156, 229, 243, 244
 Фарғона 167, 176, 189, 205, 270, 346,
 355, 358, 362
 Фарғул 199
 Фаркат мавзеси 308
 Фаррошон қишлоғи 72
 Фархор 374, 381
 Ферузобод дарвозаси 98, 142, 143,
 146, 149
 Форёб вилояти 92
 Форс 123
 Фушанж 109, 146
 Хавос 46, 363
 Хайробод 135
 Харгерд 134
 Харрақон 115
 Хатлон 82, 127, 216, 221, 367
 Хиёбон 98, 125, 149, 270
 Хийсак 109
 Хинжон 375, 382
 Хожа Дукка мавзеси 285
 Хожа Кордзан 77, 78
 Хожа Қутба мозори 272
 Хожа работ 73, 168
 Хожа Уккоша дарвозаси 85, 86
 Хожакат 7, 313
 Хоқон Йиложуқ мавзеси 319
 Хом работ 270
 Хонқўрғон 275, 322
 Хоразм 23, 40, 42, 51, 52, 129, 195,
 228, 232, 233, 281, 298
 Худин мавзеси 277
 Хужакат 180
 Хўжанд 118, 246, 249, 268, 274, 292,
 304, 309, 312, 335, 355, 358, 362, 363
 Хузор қалъаси 77, 138
 Хулм 88, 301
 Хуст 374, 381
 Хўтлон 125, 126
 Хуш дарвозаси 101, 102, 142, 146,
 149
 Чағониён Деҳнави 118, 133, 134,
 147, 184, 222, 231
 Чакур қалъаси 47
 Чакчак довони 138
 Чаҳробоғ 270
 Чаҳорсада 223, 304
 Чаҳортоқ 152, 250, 262, 297
 Чаҳоршанба Пирмиш 354
 Чаҳоряк 85
 Чет Қорахўжа 316
 Чечакту 126
 Чирчиқ 47, 166, 173, 231
 Чиҳил духтарон 94, 149
 Шайхзода дарвозаси 80, 81
 Шаробхона (мавзеси, қўриғи)
 198, 218, 220, 221
 Шаҳрисабз 63, 204, 214, 239, 240,
 242, 247, 254, 255, 265, 267, 268, 269,
 271, 273, 274, 275, 280, 289, 292, 298,
 300, 346, 350, 351, 352 Ш е -
 роз (Самарқанд Шерози) 68, 222
 Шибирғон 85, 92, 118, 126, 147,
 148, 155, 185, 186, 187, 193, 194,
 195, 214, 215, 216, 223, 230, 234,
 243, 260, 270, 283, 284, 285, 287,
 288, 295, 296, 301, 349, 350
 Ширвон 115, 123
 Шири шутур 265
 Шовдор 77
 Шоҳ Зафар қалъаси 376, 377
 Шоҳрухия 46, 91, 314, 329, 334,
 335, 336, 337

- Язак мавзеи 173
 Яйлоқ Марал 95
 Яқдар мавзеи 107
 Яман 105
 Ясси 57, 58, 59, 60, 316, 321, 330, 343
 Ўзганд 49, 50, 311
 Ўкуз тоғи 56, 57
 Ўлуғтоғ мавзеси 319
 Уратепа 80, 165, 199, 201, 246, 248, 294, 304, 337, 350, 352, 355, 356, 362
 Ўтрор 50, 54, 57, 58, 59, 62, 346
 Ўш 357, 358
 Қароболиғ манзили 156
 Қарши 63, 67, 77, 138, 140, 192, 203, 228, 229, 236, 237, 239, 240, 242, 254, 268, 275, 296, 353
 Қаҳдистон 232
 Қирққудуқ манзили 237
 Қойин 94, 107, 147
 Қорабулоқ 219
 Қораболиғ 161, 230, 232, 276
 Қораёғоч 85
 Қоракул 32, 42, 64, 134 ёки 135, 181, 189, 229, 245, 246, 258, 347, 376
 Қорасомон мавзеси 321
 Қоратегин 171, 358, 359
 Қорахўжа тўғони 318
 Қоронғутоғ 165, 245, 156
 Қўғон 309, 310
 Қундуз 80, 81, 82, 87, 88, 89, 126, 213, 221, 369, 370, 372, 376, 382
 Қучий мавзеси 292
 Фаржистон 118, 126, 146, 233, 247, 288, 301
 Фешти чули 282
 Гиждувон 134 ёки 135, 139, 140, 146, 154, 189, 282, 312
 Фончи 145
 Фури 374, 376
 Фурий 213
 Ҳазора 116, 189, 206
 Ҳиндувон 147, 195, 261, 297, 302
 Ҳирот 53, 89, 93, 95, 97, 98, 99, 100, 101, 108, 110, 111, 112, 113, 115, 116, 123, 124, 125, 126, 134, 137, 142, 143, 144, 145, 148, 150, 178, 219, 221, 232, 263, 353, 354
 Ҳисори Шодмон 81, 82, 90, 118, 125, 126, 127, 128, 133, 134, 135, 136, 138, 141, 147, 160, 166, 184, 197, 215, 216, 219, 221, 231, 232, 248, 269, 274, 275, 289, 298, 299, 301, 302, 303, 332, 373
 Ҳожи Тархон қалъаси

Увон ва мансаблар

- Амир¹
 Атка 28, 29, 226
 Баковул 101, 288, 300, 333
 Битикчи 113, 124
 Вазир 108, 114, 122, 124, 140, 154, 233, 355
 Вилоят ҳоқими волийси 33, 359
 Волий 54, 57, 58, 61, 63, 78, 108, 109, 116, 125, 127, 136, 137, 156, 160, 166, 167, 169, 173, 176, 177, 183, 184, 185, 186, 187, 192, 195, 197, 104, 215, 216, 222, 224, 229, 230, 231, 232, 234, 239, 240, 243, 246, 247, 253, 257, 270, 271, 275, 276, 279, 279, 285, 289, 293, 239, 302, 312, 329, 350, 367.
 Девон (беги) 100, 122, 144, 233, 255, 354, 355, 374
 Девонбеги 187, 188, 211, 239
 Доруға 66, 67, 72, 77, 85, 89, 91, 101, 108, 125, 137, 143, 330, 336
 Жибачи 321
 Китобдор 85
 Кукалтош 7, 28, 29, 80, 81, 95, 101, 102, 109, 111, 130, 174, 180, 192, 214, 214, 219, 221, 257, 260, 265, 273, 276, 293, 305, 314, 322, 328, 331, 340, 348, 354, 356, 363, 372, 373
 Кутвол 96, 101, 102, 125
 Лашкарбоши 94, 105, 107, 116
 Маҳрам 122, 211, 277, 373
 Мирзо боши 187
 Мироб 224
 Мироҳўр 293, 300, 315, 316, 333, 349
 Мударрис 339
 Мунший 24, 99, 100, 102, 113, 123, 279, 294, 301, 332, 343, 365
 Муфти 339
 Муҳрдор 106, 120, 149
 Нақбчи 102
 Нақиб 211, 213, 273, 282, 301, 305, 315, 319, 324, 355, 362, 363, 365
 Нуён 28, 169, 301, 322, 362, 364, 383
 Отолиқ 49, 130, 150, 151, 153, 169, 173, 174, 184, 186, 188, 201, 203, 214, 222, 226, 234, 238, 239, 242, 246, 254, 256, 258, 259, 267, 272, 275, 277, 280, 283, 285, 286, 287, 290, 294, 297, 299, 302, 307, 316, 323, 328, 331, 333, 335, 343, 346, 350, 362, 365, 327, 373
 Парвоначи 174, 239, 333
 Раис 109
 Садр 66, 73, 75, 100, 144, 234, 363, 380
 Сайид / сайид 13, 22, 65, 70, 82, 83, 84, 98, 99, 100, 107, 108, 109, 111, 112, 123, 124, 132, 137, 142, 147, 151, 177, 201, 222, 228, 237, 248, 252, 256, 297, 305, 312, 321, 346, 355, 362, 367, 369, 380, 381
 Сардор 52, 92, 108, 110, 117, 118, 34, 137, 140, 147, 190, 216, 253, 255, 264, 270, 276, 292, 301, 302, 311, 313, 322, 340, 341, 346, 347, 354, 375, 381
 Тавочи 116, 150, 237, 238, 259, 297, 317, 332, 336, 358, 359, 367
 Тархон 32, 33, 34, 35, 41, 42, 45, 50, 55, 56, 57, 58, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 71, 72, 76, 77, 78, 79, 83, 84,

¹ Амир, хон, султон, баҳодир унвонлари матнда кўп учрагани боис рўйхатга киритилмади.

- 85, 134, 190
 Тугбоши 105
 Тугдоқ 302
 Тугчи 80
 Туқсоба 187, 358
 Тупчи 121
 Тупчибоши 284, 297, 328, 380
 Туфангандоз 151, 187
 Уторчи / ўтарчи 265, 343
 Чухра оғо 177, 249, 282, 288, 293, 297, 298, 315, 321, 323, 327, 333, 342, 352, 356, 371, 377, 378, 379
 Шайх 13, 16, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 30, 50, 74, 82, 85, 86, 87, 95, 96, 97, 100, 132, 164, 207, 228, 234, 235, 241, 280, 282, 286, 287, 290, 301, 312, 347, 359, 373, 374
 Шайхул ислом 72, 74, 100, 123, 260, 301
 Шиғовул 71, 282, 295, 315, 356
 Шотир 149
- Эшик оғо 78, 310, 315, 323, 352, 356, 383
 Юзбеги 50, 56
 Ясовул 171, 187, 258, 273, 277, 309, 316, 317, 318, 322, 323, 328, 356, 358, 367, 373, 374, 383
 Қалъадор 246
 Қози 16, 35, 60, 71, 73, 98, 99, 100, 111, 123, 124, 125, 131, 137, 147, 222, 321, 343, 344, 345, 347, 360, 366, 371
 Қозиюл қузот 74
 Қосид 83, 88, 90, 100, 102, 119, 126
 Қурчи 120, 126, 236, 249, 250, 289, 293, 321, 320
 Қурчибоши 187
 Қушбеги (қушбеги?) 213, 234, 251, 258, 309, 313, 318, 319, 321, 325, 326, 327, 328, 349, 354, 371, 376
 Қушчи 28, 33, 131, 134, 150, 151, 152, 169, 188, 252, 272, 277, 285, 287, 288, 290, 295, 302, 303, 314, 350, 351, 352, 355, 370, 372

Уруғ ва қабилалар

- Аргун 42, 71, 79, 83, 88, 93, 94, 96, 97, 100, 101, 109, 110, 111, 163, 174, 178, 315, 325, 333, 337, 338, 376
 Арлот 92.
 Балуж 354
 Барқут 181
 Барлос 66, 79, 80, 83, 93, 95, 98, 107, 108
 Баҳрин 236, 352
 Дурмон 117, 136, 151, 185, 186, 211, 244, 250, 251, 254, 255, 257, 258, 265, 280, 293, 310, 315, 324, 328, 333, 352, 356, 365, 371, 373
 Жалойир 92, 158, 160, 173, 174, 186, 201, 226, 234, 236, 242, 257, 258, 268, 272, 296, 301
 Ийман / найман 236
 Каройит 187
 Кенагас 249, 293, 321
 Минг 335
 Мажор 321
 Мурғоқ 272
 Наймон 379, 380, 383
 Нукуз уруғи 255
 Отоий 243, 257, 292, 312, 321, 365, 370
 Солор 293
 Тағой 80, 81, 95, 96, 97, 100, 127
 Таколу 125,
 Туркман / туркмон 52, 80
 Уйшун 256, 322, 342

Хитой 93, 95, 236, 246, 295, 380
Юз 352
Қалмоқ 354
Қаромонлу 126, 189-190
Қиёт 345
Қонгли 288,352

Қорлуқ 234,269,274,301
Қушчи 28, 32, 131, 136, 150, 151,
152, 169, 188, 252, 272, 277, 285,
287, 288, 290, 299, 302, 304, 314,
350, 351, 352, 355, 370, 372
Қунғирот 114,116,136

МУНДАРИЖА

«Мусаххир ал-билод» асари ва унинг муаллифи ҳақида	3
МУСАХХИР АЛ-БИЛОД (МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЭГАЛЛАНИШИ)	18
МУҚАДДИМА	23
БИРИНЧИ БОБ	27
ИККИНЧИ БОБ	153
УЧИНЧИ БОБ	167
ТУРТИНЧИ БОБ	181
Изоҳлар	384
Кўрсаткичлар	408

Адабий-бадиий нашр

МУҲАММАДЁР ИБН АРАБ ҚАТАҒАН

МУСАХХИР АЛ-БИЛОД
(МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЭГАЛЛАНИШИ)

Муҳаррир
Навруз БЕКМУРОДОВ

Техник муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадиий муҳаррир:
Баҳриддин БОЗОРОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 20.10.2009 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 13,5. Шартли босма тобоғи 22,68.
Гарнитура «LexTimes Cyp+Uzb». Газета қоғоз.
Адади 200 нусха. Буюртма № 267.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
«E1-press» босмахонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кучаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-30-52; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс — 273-00-14; e-mail: yangiasr@inbox.ru

Сиясатнома

Тарихи Салимин

Мунтахаб ут-таворих

Тарихи Табарий

Тарихи Қипчоқхоний

Тарихи гулда

Мусаххир ал-биюд (Шайбонийлар тарихи)

Зубдат ут-таворих

Гулшани давлат

Муҳит ат-таворих

Тарихи Бухоро

Гулшан ул-мулук



Шоҳид ул-яқбон

Хоразм сафа ISBN 978-9943-08-496-4 ри

Тарихи Муллозода

